А. Х. САИДОВ

ҲУҚУҚ МЕТАФИЗИКАСИ, ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚ ВА АДАБИЁТ

A. Ch. SAIDOV

METAPHYSIK DES RECHTS, STAATSRECHT, RECHT UND LITERATUR

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

А. Х. САИДОВ

ҲУҚУҚ МЕТАФИЗИКАСИ, ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚ ВА АДАБИЁТ

FRIEDRICH
EBERT
STIFTUNG

ТОШКЕНТ – 2016

УЎК: 340.111(09)
КБК 67.0
С21

Саидов А. Х.

Ҳуқуқ метафизикаси, давлат ҳуқуқи, ҳуқуқ ва адабиёт. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2016. – 648 бет.

Мазкур китобда немис конституциявий ҳуқуқий институтлари, сиёсий демократия ва ҳуқуқий маданиятнинг тарихий ривожланиши тажрибаси, Германия сиёсий партияларининг тарихи ва ҳозирги кунда тутган ўрни, ҳамда нафақат немис, балки жаҳон адабиётининг И. Кант, И.В. Гёте, Э.Т.А. Ҳофман каби буюк намояндаларининг ҳаёти ва ижоди, уларнинг фалсафий-ҳуқуқий қарашлари тўғрисида сўз боради.

Ушбу китоб ҳуқуқшунослар, файласуфлар, сиёсатшунослар, тарихчилар, шунингдек, фалсафа ва ҳуқуқ тарихи, халқаро сиёсат масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Фридрих Эберт номидаги фондининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига ва унинг раҳбари жаноб Пеер Тешендорфга ушбу нашрни чиқаришда кўрсатган ёрдами учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

УЎК: 340.111(09)
КБК 67.0

22480/1

ISBN 978-9943-4544-4-6

© Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2016.
© «Niso Poligraf» нашриёти, 2016.

МУНДАРИЖА

Муаллифдан 4

Биринчи қисм. **ҲУҚУҚ МЕТАФИЗИКАСИ**

1.1. Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция 8
1.2. Иммануил Кант – буюк педагог ва маърифатпарвар 131

Иккинчи қисм. **КОНСТИТУЦИЯ, ПАРТИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭКОЛОГИЯ**

2.1. Германия Федератив Республикаси Асосий қонунига кириш ... 150
2.2. ГФРнинг партиялар тўғрисидаги қонунчилигини ўрганишга кириш 183
2.3. Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқлари ва ўзлик муаммолари 203
2.4. Жаҳонда сув етишмаслиги билан боғлиқ инқирозлар 213

Учинчи қисм. **АДАБИЁТ ВА ҲУҚУҚ**

3.1. Йоҳанн Волфганг Гёте – юрист 232
3.2. Эрнст Теодор Амадей Ҳофман ўзбек юристи нигоҳида 329

МУАЛЛИФДАН

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалда кенг жорий этилаётган миллий тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида узвий ва изчил, қатъий ва босқичма-босқич ислоҳотлар ўзининг муносиб самараларини бермоқда. Бу ҳақда сўз борганда, Ўзбекистонда шу жумладан кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқларининг миллий тизими самарадорлигини ошириш соҳасида халқаро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг БМТ Тараққиёт дастури, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси, ЮНЕСКО, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Европа Иттифоқи, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳаларини мувофиқлаштирувчиси, дипломатик ваколатхоналар, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлиги тадрижий ривожланмоқда. Хусусан, Германиянинг Фридрих Эберт номидаги фонди билан бирга амалга оширилаётган тадбирлар алоҳида эътиборга лойиқдир.

Фридрих Эберт номидаги фонд билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларига мухтасар тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистонда 1997 йилда фаолиятини бошлаган ушбу Фонд ҳамда юртимиздаги турли давлат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида ўтган даврда кўплаб қўшма тадбирлар, семинар ва конференциялар ташкил этилди.

Бу анжуманлар ва давра суҳбатларининг асосий мавзуси – давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, миллий иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ёритишга қаратилди.

Албатта, ҳар бир мамлакат ва халқ тарихида шундай инсонлар бўладики, улар чиндан ҳам шу халқ ва шу юртнинг том маънода миллий бойлиги, юксак маънавий ютуғи ҳисобланади. Германия

маданияти тарихида ҳам немис халқининг қадимий тарихи, урф-одатлари, қадриятларини бутун жаҳонга танитиш, инсон, унинг маънавий олами гўзалликларини мадҳ этишда алоҳида ўрин тутган машҳур файласуф ва ҳуқуқшунослар, шоир ва ёзувчилар кўп.

Шу нуқтаи назардан, кейинги йилларда Фридрих Эберт номидаги фонд билан ҳамкорликда айни йўналишда бир қанча китоблар нашр эттирдик ва тақдимотларини ўтказдик, матбуотда қатор мақолалар эълон қилдик. Қўлингиздаги «Ҳуқуқ метафизикаси, давлат ҳуқуқи, ҳуқуқ ва адабиёт» номли тўпламда ана шу китоб ва мақолаларни ягона муқова ичида жамлашга жазм этдик. Тўплам уч қисмдан иборат.

«Ҳуқуқ метафизикаси» деб номланган биринчи қисмда атоқли немис файласуфи, буюк педагог ва маърифатпарвар И.Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ҳақида сўз боради. Зотан, И.Кантнинг ҳуқуқ ва давлат, абадий тинчлик, инсон ҳуқуқлари ва демократия тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари инсоният учун ҳозирги замонда ҳам ниҳоятда долзарбдир. Бу бой мероснинг замонавий юриспруденция билан қиёсий таҳлили айниқса муҳим, деб ўйлаймиз.

Иккинчи қисм – «Конституция, партиявий ҳуқуқ ва экология» деб номланган. Бу қисмда, аввало, Германия Федератив Республикасининг қонунчилик соҳасидаги тажрибаси, хусусан, ГФРнинг Асосий қонуни ва сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунчилиги таҳлил ва талқин этилган. Шунингдек, ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқлари ва ўзлик муаммолари, жаҳонда сув етишмаслиги билан боғлиқ инқирозлар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Учинчи қисм – «Адабиёт ва ҳуқуқ» қисмида улуғ немис адиблари Йоҳанн Волфганг Гёте ва Эрнст Теодор Амадей Ҳофманнинг ҳуқуқшуносликка оид қарашлари ўзбек юристи нуқтаи назаридан ёритилган. Бинобарин, бу атоқли адибларнинг иккиси ҳам ҳуқуқшунослик бўйича олий маълумотга эга бўлган.

Мазкур тўплам ўзбек ва немис тилларида чоп этилаётгани бежиз эмас. Аввалам бор, бу – Ўзбекистон ва Германия давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама изчил ҳамкорликни, жумладан маданий алоқаларни янада кенгайтириш, ўз навбатида, халқларимизнинг дўстона ҳамда ўзаро манфаатли муносабатларини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган муҳим қадамдир.

Айни чоғда, Германиянинг даҳо алломалари бўлмиш И. Кант, Й. В. Гёте, Э. Ҳофман каби йирик олим ва адибларнинг бебаҳо ҳуқуқий ҳамда адабий мероси, қолаверса, ушбу мамлакат миллий қонунчилигининг ўзига хос жиҳатлари билан танишиш

ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, турли соҳа тадқиқотчилари учун манзур бўлади, деган умиддамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Фридрих Эберт номидаги фонднинг Марказий Осиё минтақаси бўйича раҳбари жаноб Пеер Тешендорфга шахсан самимий миннатдорчилик билдираман.

Шунингдек, Фридрих Эберт номидаги фонднинг Бошқаруви аъзоси (собиқ федерал адлия вазири) профессор, доктор Ҳерта Дойблер-Гмелинга – 2013 йил август ойида Ўзбекистонга ташрифи доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Фридрих Эберт номидаги фонд ўзаро ҳамкорликда ўзбек ҳамда немис тилларида нашрдан чиқарган «Иммануил Кант. Педагогика ҳақида», шунингдек, «Иманнуил Кант ва ҳуқуқий давлат» китобларининг тақдимотидаги иштироки ва мазмунли маърузаси ҳамда мазкур тўпламдаги мақоласи учун;

Фридрих Эберт номидаги фонднинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси собиқ раҳбарлари доктор Райнхард Круммга (2003–2007), профессор, доктор Вульф Лапинсга (2007–2012) – самарали кечган ҳамкорлигимиз ва мазкур тўпламдаги мақолалари учун;

Фридрих Эберт номидаги фонднинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг раҳбари Найля Резяпова хонимга самарали ҳамкорлигимиз учун – ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни изҳор этиш имконига эга эканимдан ғоят мамнунман.

Германиялик барча дўсту ҳамкорларга давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янги, янада юксак босқичларга кўтариш борасидаги эзгу ҳамда масъулиятли вазифаларини бажаришда муваффақиятлар, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Акмал Саидов,
юридик фанлар доктори, профессор

Биринчи қисм. ҲУҚУҚ МЕТАФИЗИКАСИ

- Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция
- Иммануил Кант – буюк педагог ва маърифатпарвар

1.1. ИММАНУИЛ КАНТНИНГ ФАЛСАФИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕРОСИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

Учинчи нашр учун сўзбоши

Маърифат шаҳри бўлмиш Кёнигсбергда яшаб ижод этган немис файласуфи Иммануил Кант бугунги кунда Ўзбекистонда нақадар улкан қизиқиш ва нақадар қизғин диққат-эътиборга сазовор бўлаётгани ғоят ажойиб воқеадир.

Бунинг учун, энг аввало, «Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция» номли китобнинг 3-нашрини тайёрлаган муаллиф, атоқли шахс: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, профессор А.Х. Саидовдан миннатдор бўлишимиз лозим. У 2004 йилда бўлиб ўтган И. Кантга бағишланган йирик халқаро анжумандан сўнг, изчил равишда Ўзбекистонда И. Кант илмий меросини оммалаштириш ва шу тариқа уни Ўзбекистонда ҳам ўрганилишини йўлга қўйишни ўз олдига муҳим вазифа қилиб қўйди. Бу албатта, жуда ажойиб ютуқ, чунки Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистондек буюк, анъаналарга бой мамлакатда И. Кант тўплаган тажрибаларга жон бахш этиб, ҳаётга татбиқ қилинаётгани қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳеч қандай муболаға эмас.

Мен ўзим университетлар ва олий ўқув юртларида домлалар ва талабаларнинг бу борадаги ниҳоятда катта қизиқишларига жуда кўп марта шахсан нафақат гувоҳ, балки «маърифат асри» ва айниқса, Иммануил Кант тафаккури тўғрисида асар ёзган муаллифнинг ўз зиммасидаги вазифага нақадар чуқур масъулият билан ёндашишидан бағоят мутаассир бўлганман. Айнан шунинг учун ҳам ушбу диққатга сазовор китобнинг 3-нашри ҳам кўплаб билимга, илмга ҳавасманд, қизиқувчан ўқувчиларга эга бўлишини тилайман.

Шу билан бирга, мазкур эътиборга лойиқ лойиҳани анча йиллардан буён мунтазам равишда сабот билан қўллаб-қувватлаб келаётган Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Ўзбекистонда жойлашган минтақавий ваколатхонасига ҳам ташаккур айтишимиз лозим. Фридрих Эберт номидаги жамғарма Тошкентдаги ваколатхонасининг олдинги раҳбари проф. д-р Вульф Лапинс ушбу китобнинг 2-нашрига ёзган сермазмун сўзбошисида нафақат И. Кант меросининг ҳуқуқий давлат тараққиёти учун аҳамиятини, балки Германия Конституцияси, Германия давлати ва сиёсатининг, қолаверса, жамиятимизнинг ҳам инсон шаъни ва қадр-қимматига бўлган алоқа-муносабатлари ҳамда бундан келиб чиқадиган

инсон ҳуқуқларини ҳам таъкидлаб ўтган эди. Унинг бу борадаги таърифидан ошириб сўз айтиш мушкул. Шунинг учун ҳам мазкур сўзбоши ушбу 3-нашрга ҳам илова қилинмоқда.

И. Кантнинг «Абадий тинчлик» тўғрисидаги асарларининг бугунги кунимиз учун ҳам нақадар муҳим аҳамият касб этишини профессор А. Х. Саидов алоҳида таъкидлайди. Профессор Вульф Лапинс тўла ҳақли равишда файласуфнинг айнан мана шу фикрлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил топишига зўр таъсир кўрсатганини қайд этади.

Мен профессор А. Х. Саидовга ва Фридрих Эберт номидаги жамғармага ўз миннатдорчилигимни ушбу 3-нашрда келтирилган ва шахсан ўзим учун ниҳоятда муҳим бўлган И. Кантнинг бошқа бир фикри билан тўлдирмоқчиман: барчамиз яхши биламиз, И. Кант инсон табиатдаги бошқа барча мавжудотлардан, хусусан, ўз ақл-идрок лаёқати билан ажралиб туришини уқтириб ўтган. Бундан ташқари, И. Кант инсон бўлишнинг, одамийликнинг асл маъноси, туб мағзи бўлмиш мана шу ақл-идрокни билимга, илмга ва масъулиятга ҳам дадиллик билан татбиқ этишга чақиради.

Унинг «sapere aude» деб ном олган чақириғи, яъни, билишга, фикрлашга дадил интилишга, асоссиз ёки мерос тариқасидаги, ҳали ҳам мода (урф) бўлган қонун-қоида, қарорлар билан қаноатланиб, чалғиб қолмасликка даъвати, бу мен учун И. Кант илмий хулосаларининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Мустақил билимга ва ўзига хос тафаккурга интилиш журъати бугунги кун учун ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ зарурдир. Ҳамма жойда, бутун дунёда, ўқиш-ўрганиш имконияти ва имтиёзига эга ёки эга бўлган биз барчамиз ўзимизнинг миллий жамиятимизда ёки глобал ҳамжамиятда ёки бўлмасам, келажак авлодлар олдидаги шахсий масъулиятимизда қачонки, мавжуд муаммоларни англаб, уларни енгиб ўтишда ақл-идрок, тафаккуримиз ҳамда журъат-жасоратимиз билан кўмак, мадад берганимиздагина, адолатли бўла оламиз.

Мен И. Кантнинг мана шу мурожаатини унинг профессор А. Х. Саидов китобида келтирилган бошқа кўплаб хулосалари қаторига қўйишни истардим. Бу ҳам бизни И. Кант ва унинг тафаккурига ўргатади.

профессор, доктор Ҳерта Дойблер-Гмелин,
собиқ федерал адлия вазири

Германия Федератив Республикаси,
Берлин шаҳри, 2012 йил 4 апрель

Иккинчи нашр учун сўзбоши

Ўзбекистондаги Фридрих Эберт номидаги жамғарма томонидан чоп этилган «Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция» номли нашр, шубҳасиз, жамоатчиликда катта таассурот қолдирди. Иккинчи нашрнинг босилиши барча қизиқувчиларга Иммануил Кант давлат ва ҳуқуқ фалсафасининг бугунги кунда ҳуқуқий давлатга хос бўлган демократик тараққиёт учун нечоғли меъёрий аҳамият касб этиши хусусида кенгроқ фикр юритиш имконини беради.

Иммануил Кант чиндан ҳам Европанинг буюк файласуфларидан бири, шу билан бирга, Германия маърифатпарвар даврининг машҳур мутафаккири саналади. Унинг талабалик йилларидаги интеллектуал қизиқишлари фалсафадан тортиб, то физика ва математикага қадар, яъни, шунингдек, табиий-илмий тафаккур ва мантиқ орқали билим даражаси шакллантириб бориладиган махсус фанларни қамраб олган эди. Баъзи дастлабки асарлари, масалан, «Умумий табиат тарихи ва осмон назарияси» (1755) бундан далолат бериб турибди. Илмий мезонларни яхши ўрганган, билган ва тушунган ўткир ақл соҳиби ўзининг ажойиб, нодир ва ноёб фалсафий асарларини яратган. Теран иқтидор эгасининг умуман шунчалик ҳар томонлама ўсиб, улғайишига унинг ҳаёт маркази, ўз даврида нисбатан дунёвийлик касб этган жонажон шаҳри Кёнигсберг ҳам озми-кўпми, ҳисса қўшган бўлса бордир, эҳтимол.

Ҳуқуқ фалсафаси, давлат ва тарих фалсафаси туркумларидан иборат И. Кант тафаккури нафақат ўз замонасининг тарихий жараёнларига таъсир кўрсатибгина қолмасдан, балки Германия давлат ҳуқуқида ва умумий сиёсий этика (ахлоқ тўғрисидаги таълимот)да, шунингдек, халқаро сиёсий муносабатларда ва халқаро ҳуқуқда ҳам ўз ифодасини топган.

Кўплаб мисоллардан баъзи бирларига тўхталиб ўтамиз.

И. Кант ўзининг этика масалаларига бағишланган «Урф-одатлар метафизикаси асослари» (1785) асарида шундай ёзади: «Мен шундай дейман: Инсон, умуман, ҳар қандай онгли мавжудот ўз-ўзидан, у ёки бу истак-хоҳишни ҳар қандай йўл билан амалга ошириш йўлида шунчаки восита эмас, балки мақсад сифатида мавжуддир; ўзининг ўз-ўзига қандай бўлса, бошқа онгли мавжудотларга нисбатан ҳам шундай йўналтирилган барча хатти-ҳаракатларида унга ҳамиша

мақсад сифатида қарамоқ лозим... Мақсадлар салтанатида барча нарсаларнинг ё баҳоси, ё қадр-қиммати бўлади. Баҳоси бор нарсанинг ўрнига эквивалент (тенг қийматли) сифатида бошқа бир нарсани қўйиш мумкин. Бебаҳо нарсага эса, ҳеч қандай эквивалентни раво кўриб бўлмайди, чунки у қадр-қимматга эга бўлади».

И. Кантнинг юксак ҳурматига сазовор бўлган инсон қадр-қимматининг ана шундай мақоми Германия Федератив Республикаси Конституцияси (Асосий қонуни)нинг 1-моддаси бошланишидаёқ белгилаб қўйилган. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Инсон қадр-қиммати ва шаъни дахлсиздир. Уни иззат-ҳурматлаш ва ҳимоя қилиш – бутун давлат ҳокимиятининг бурчидир». Инсонийлик шаъни, қадр-қиммати асосий этик тамойил сифатида кишига давлат суверени (олий ҳокимият эгаси) томонидан тақдим этилмайди ёки берилмайди ҳам. Шунинг учун инсон шаънини (сотиб) олиб ҳам бўлмайди. Билъакс, ҳар бир инсон азалдан вақт билан чекланмайдиган ўз қадр-қимматига ва ана шу қадр-қиммат ҳамда ҳурмат-эҳтиромга молик бўлиш ҳуқуқига эгаки, буни давлат ҳимоя қилишга бурчлидир.

Инсонга фақатгина объект (воқелик) деб қарашнинг И. Кант томонидан қабул қилинмагани, аксинча, унга «ўз-ўзидан мақсад» деб берган таърифи, шунингдек, Германия адлия органлари қарорларида ҳам ўз ифодасини топган ва бу билан конституцион ҳуқуқий сифат касб этган: «Шунинг учун инсонни давлат томонидан шунчаки объектга айлантириш – бу инсон шаънига зиддир... Инсон ўз-ўзидан мақсад бўлиб қолиши тўғрисидаги постулат (исботсиз асос қилиб олинадиган қоида) барча ҳуқуқ соҳалари учун чекловларсиз амал қилади; чунки инсоннинг шахс сифатида йўқотиб бўлмайдиган шаъни айнан унинг ўз-ўзи учун масъул шахс бўлиб қолишидадир». (Федерал Конституциявий суд қарори, 45-том).

Инсон эркинлиги, Кант фикрича, инсоният мавжудлигининг бирдан-бир, ягона тарифидир. «Эркинлик (бошқа бировнинг ўзбошимча зўравонлигига қарам бўлмаслик) умумий қонунга мувофиқ бошқа ҳар ким учун ҳам мавжуд бўла олган тақдирдагина ҳар бир кишига унинг инсонийлиги туфайли хос бўлган бирдан-бир, азалий ҳуқуқи ҳисобланади. Табиий тенглик...табиий эркинлик негизидан иборат ва ҳақиқатан ҳам ундан ажралмасдир...» («Урф-одатлар метафизикаси асослари»).

Худди шу маънода И. Кантнинг ҳуқуқ фалсафасига доир ғоялари Германия Конституциясида ўз ифодасини топган. «Шахснинг эркин камол топиши», «Яшаш ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи», шунингдек, «Шахс эркинлиги» тушунчаларига Конституциянинг бевосита иккинчи моддасида дахлсиз ва шу тариқа табиий асосий ҳуқуқлар сифатида энг муҳим ўрин берилган. Конституция томонидан муҳофазаланган инсон шаъни ва қадр-қиммати билан биргаликда таъмин этилиши лозим бўлган умумий инсон эркинлиги презумпцияси (эҳтимолликка асосланган фараз) ҳам шаклланган.

И. Кант ўзининг «Амалий идрок танқиди» (1788) асарида эълон қилган: «Ирода майл, ҳавасга қарамасдан мулоҳаза билан фақат яхши нарсани танлай билиш қобилиятидир». Ўз навбатида, мулоҳазали инсон яхши ахлоқий хатти-ҳаракатларга ҳам қодир бўлади. Мулоҳазалиликдан иборат мустақил ирода унинг зиммасига яхши ахлоқий хатти-ҳаракатларни амалга оширишни вазифа қилиб юклайди. Мазкур асарда баён этилган унинг этикасига оид асосий тамойил, бу – қатъий императивдир: «Шундай ҳаракат қилгинки, токи ироданг асосий қоидаси ҳамиша ва ҳар доим умумий қонунчилик тамойили бўла олсин». Ушбу қатъий императив инсоннинг маънавий-ахлоқий хатти-ҳаракатларини назорат қилиб туриш учун ҳар томонлама меъёр-мезонни ўз ичига олади. Меъёрий-этик постулат сифатида у, хусусан, немис социологи Макс Веберни «Масъулият этикаси» («Verantwortungsethik») ҳамда «Эътиқод этикаси» («Gesinnungsethik»)ни яратишга илҳомлантирган. («Сиёсат касб сифатида», 1919). Иммануил Кант ва Макс Вебер асарлари ҳар бир сиёсатчи учун доимий ўқув қўлланмасига айланмоғи лозим.

Иммануил Кантнинг энг машҳур фалсафий илмий асарларидан бири, шубҳасиз, унинг «Абадий тинчлик сари» номли асаридир (1795). Унда баён этилган муаллиф фикр-мулоҳазалари бугунги кунда ҳам ниҳоятда долзарб бўлиб, фалсафа, сиёсатшунослик ва халқаро ҳуқуқ масалаларига ҳамон ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

Бу унинг ақл-идрок, эркинлик ҳамда ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотининг ўзига хос апофеоз (зўр тантанали якун)и саналади.

Тинчликнинг тафаккурона образи хусусида у шундай деган: «Бир-бири билан қўшни бўлиб яшаётган одамлар ўртасидаги тинчлик ҳолати, бу табиий ҳолат эмас (Status Naturalis); аксинча, уруш ҳолатидир, яъни башарти бетўхтов душманлик ҳаракатлари бўлмаган тақдирда, доимий хавф-хатар, таҳликадан

иборатдир. Бас, шундай экан, тинчлик ҳолати ўрнатилмоги лозим...»

Бунгача тинчлик, энг аввало, теология (илоҳиётшунослик) даги (илоҳий тинчлик) ёки антик халқаро ҳарбий ҳуқуқ (Гроций Хуго (Hugo Grotius, 1583–1645)нинг асосий моҳияти сифатида тушунилган. Иммануил Кант энди уни давлат ва ҳуқуқ фалсафасининг марказий тушунчасига айлантирганки, унда тинчлик айнан ҳуқуқ орқали белгиланади, бу билан эса, халқаро тинчлик ҳуқуқига асос солинган. Унинг бу борадаги таклифи сиёсий партиципация (иштирок этиш) ҳамда қарорлар қабул қилишда қатнашишни таъминлаш учун долзарб даъват тарзида жаранглайди: «Уруш ҳаракатлари ундан азоб чекаётганлар уруш ҳақида қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлган лаҳзада тўхтайди». Унинг асари абадий давом этадиган тинчликка эришишда қандайдир ўзига хос йўл кўрсаткич сифатида ўқилади. Бироқ ўзи хоҳлаган бўлишига қарамасдан, И. Кант сиёсатчиларга бу борада бирон-бир йўл-йўриқ бермаган.

Абадий тинч-тотув давлат яратиш учун кёнигсберглик файласуф қуйидаги тўрт тамойилни асос деб ҳисоблаган: 1. «Жамият аъзолари (фуқаролари)нинг эркинлиги»; 2. «Барчанинг ягона умумий қонунчиликка бўйсуниши»; 3. «(Давлатнинг барча фуқаролари) учун қонуний тенглик асосида ўрнатилган Конституция»; 4. «Республика тамойили ижро ва қонунчилик ҳокимияти бўлинишининг давлат тамойили ҳисобланади (ҳокимият ваколатларини бўлиниши тамойили)».

Республикавий (демократик) Конституцияга эга бўлган давлат, И. Кант фикрича, тинчликсевар давлатдир. Унинг давлат модели бугунги замонавий демократик ҳуқуқий давлат учун ўзига хос лакмус қоғози сифатида хизмат қилиши мумкин. У буни Францияда ва АҚШдаги инқилобий ўзгаришлардан сўнг, республика шаклидаги демократик давлатлар шакллана бошлаган ўша энг тарихий даврларда ишлаб чиққан.

Бироқ шунга қарамасдан И. Кант ўзини инқилобга ишқибоз, деб ҳисобламаган. Француз инқилобига нисбатан скептик (ишончсиз) муносабатда бўлган. Унинг давлат миқёсидаги фалсафий тенглик образига кўра, давлатда ислоҳотлар фақат давлатнинг обрў-эътиборли одамлари ёрдамида амалга оширилади. Шунга кўра, ўзининг абадий тинчликка доир сўзбошисида: «тахминан ва ошкора тарзда журъат қилиб, билдирган назарияларида давлатлар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқлиги»ни маълум қилган.

И. Кант шундан сўнг, давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан келиб чиқиб, ҳуқуқий тинчлик тушунчаси сифатида мавзуни охирига етказади. Яъни юзага келган давлатлараро табиий ҳолатдан улар энди ўзаро ҳуқуқий ҳолатга ўтишлари зарур. Ушбу «халқаро ҳуқуқ озод, эркин давлатларнинг федерализми асосида бўлиши лозим». Шу муносабат билан И. Кант давлатлар эркинлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, «шу билан бирга, доимий юзага келиш хавфи мавжудлигини ҳисобга олиб, ноҳуқуқий душманлик кайфиятлари оқимини босиб туриш» учун «халқ федерациялари»ни тинчлик федерациялари шаклида тузишни таклиф қилган.

Суверен давлатлар ўртасида ўзаро тенгликка асосланган, хавфсизлик ва тинчликни кўзлаб тузилган шундай федерация бугунги кунда БМТ фаолиятида ўз аксини топган.

Иммануил Кант ўзининг абадий тинчликка оид чақириғида уюшган жаҳон ҳамжамиятнинг асосий хусусиятларини ана шу тарзда олдиндан билиб, кўра олган.

профессор, доктор Вульф Лапинс,
Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг
Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари
Тошкент шаҳри, 2009 йил, июнь

«Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида чоп этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки, мумкин эмас...»[1].

Ислом Каримов

«...Табиат охир-оқибат ҳуқуқ олий ҳокимият мақомига эришишини астойдил хоҳлайди»[2].

И. Кант

ҲУҚУҚИЙ КАНТШУНОСЛИККА КИРИШ
(Муқаддима ўрнида)

2004 йилда Иммануил Кант вафотига 200 йил, таваллуд топганига эса, 280 йил тўлди. ЮНЕСКО ҳомийлигида бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам юбилей тадбирлари бўлиб ўтди. Жаҳон интеллектуал ҳамжамияти мазкур саналарга ўнлаб конгресс ва семинарлар, давра суҳбатлари ҳамда анжуманлар билан муносабат билдирди[3]. Дунё кантшуносларининг энг асосий юбилей тадбири Бразилиянинг Сан-Пауло шаҳрида 2005 йил 2–8 сентябрда X Халқаро Кант конгресси сифатида ўтказилди. XI Конгресс эса «Кант ва космополитик мазмундаги фалсафа» мавзуида Италиянинг Пиза шаҳрида 2010 йил 22–26 мартда бўлиб ўтди. Беш йилда бир

---

[1] *Каримов И.* «Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир». – Т.: «Ўзбекистон», 2000. 27–28 бетлар.

[2] *Кант И.* Сочинения на немецком и русском языках. Т. 1. Трактаты и статьи (1784–1796). – М., 1994. С. 421.

[3] **Қаранг:** Материалы конференции «Кант и современная философия» Москва, МГУ, 19–20 ноября 2004 года // Историко-философский альманах. Выпуск 1. Кант и современность. – М., 2005. С. 271; 100 этюдов о Канте Изд. 2-е испр. (Международное интервью, посвященное 200-летию со дня смерти и 280-летию со дня рождения Иммануила Канта) // Историко-философский альманах. Выпуск 1. Кант и современность. – М., 2011. С. 192. Ушбу Москва давлат университетининг фалсафа факультети томонидан ўтказилган Халқаро кантшунослик сўровида дунёнинг 13 давлатидан (АҚШ, Бразилия, Германия, Австралия, Буюк Британия, Хитой, Канада, Франция, Испания, Италия, Финляндия, Люксенбург) 105 та кўзга кўринган файласуф олимлар иштирок этдилар.

марта бўладиган бундай анжуманларда одатда юзлаб қатнашчилар ҳозир бўлади ва кўпжилдли китоблар чоп этилади. Масалан, IX Берлин конгресси (2000 йил) якунлари бўйича қатнашчиларнинг мақолалари жамланган бешта салмоқли жилд чоп этилган эди.

Таъкидлаш мумкинки, на ўтмиш ва на ҳозирги замон файласуфларидан ҳеч ким И. Кантчалик ўз атрофига тадқиқотчиларнинг бутун бир лашкарини бирлаштира олмаган. Бунинг устига, гап бу ерда нафақат «кантшунослар», яъни Кант фалсафасига оид турли мавзуларда илмий асарлар ёзадиган тор мутахассислар доираси хусусида эмас, балки И. Кантнинг бой ижодий меросига кизиқиш тобора кенг тус олаётгани ҳақида бораяпти. И. Кант том маънода кўпгина замонавий баҳс-мунозараларнинг нафақат илҳомчиси, баъзан эса тенг ҳуқуқли иштирокчисига ҳам айланиб бормоқда.

Бугунги кунда буюк немис мутафаккирининг фалсафий-ҳуқуқий қарашлари ҳар қачонгидан ҳам кўра долзарбдир[1]. **Озодлик ва ҳуқуқ, ахлоқ ва демократия, инсон табиий ҳуқуқлари ва ҳуқуқий давлат, глобаллашув ва либерализм, дунё глобал тузилиши ва тинчликка интилиш – Кант қамраб олган мана шу барча мавзулар ва унинг фикр-мулоҳазалари бугунги инсоният учун ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.** И. Кант дунёдаги энг йирик демократияларнинг сиёсий истеблишмент (ҳукмрон доиралар) и учун энг катта ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган арбоблардан бири эканлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

И. Кантнинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги фалсафий таълимоти ҳуқуқшунослар ўртасида катта муваффақият қозонган. И. Кант нафақат фалсафий, балки сиёсий-ҳуқуқий тафаккур тарихида ҳам мислсиз ўрин эгаллайди. Унинг ғоялари бутун дунёда маънавий-ҳуқуқий тараққиётнинг янада ўсишига катта таъсир кўрсатган ва юриспруденциянинг турли соҳаларида янгидан-янги тадқиқотларнинг вужудга келишига кучли туртки берган.

Ҳуқуқ ва давлат фалсафаси И. Кант фалсафий таълимотининг муҳим ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Мана икки асрдан ошиқроқ вақт ўтяптики, у дунёнинг барча қитъаларидаги кўпсонли тадқиқотчиларнинг зўр диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги Кант фалсафаси атрофида ҳамиша жиддий ғоявий-назарий баҳс-мунозаралар бўлиб

---

[1] **Қаранг:** Кант: pro et contra. Рецепция идей немецкого философа и их влияние на развитие русской философской традиции: Антология / Сост. А. И. Абрамов, В. А. Жучков, предисл. и коммент. В. А. Жучков. СПб., 2005. С. 928. Ушбу тўпламда 39 та йирик кантшунос олимларнинг мақолалари жамланган.

келган ва ҳозир ҳам давом этмоқда. И. Кант ижодий меросига бўлаётган ҳозирги мурожаатларнинг барчасида бунга катта қизиқиш билдирилмоқда. Кант таълимотини талқин этиш диққат марказида шахс ва жамият, ҳуқуқ ва мафкура, давлат ва сиёсат, тинчлик ва халқаро муносабатлар у ёки бу тарзда ўз ифодасини топмоқда.

Бир сўз билан айтганда, И. Кантнинг замонавий фалсафий-ҳуқуқий тафаккурга кўрсатаётган интеллектуал (маънавий) таъсири ниҳоятда катта. Очиғини айтганда, ҳуқуқий Кантшунослик ҳам шаклланиб улгурган. Кант ҳақида юридик адабиётлар талайгина. И. Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий таълимоти тўғрисида китоблар ва дарсликлар чоп этилиб, асарлари жаҳон халқларининг турли тилларига таржима қилинмоқда.

Ҳуқуқий Кантшунослик – бу Кант таълимотидаги давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги жами қарашларни, Кант ҳуқуқ ва давлат фалсафасининг келиб чиқиши ва тараққиёти, унинг маъно ва мазмуни, ўзига хос хусусиятлари ва олдинги ҳамда келгуси доктрина (илмий ёки фалсафий таълимот)лар билан ўзаро алоқа-муносабатлари, унинг илгариги ва ҳозирги талқини, фалсафий-ҳуқуқий тафаккур ҳамда ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги замонавий таълимотлар тарихидаги ўрни ва аҳамият масалаларини қамраб олувчи яхлит, бир бутун мавзудир.

Шундай қилиб, ҳуқуқий Кантшунослик мана, ўтган икки асрдан зиёдроқ вақт мобайнида фаол яшаб, XXI аср юриспруденциясига ҳам озиқ бермоқда.

Тадқиқотчиларни И. Кант ҳуқуқ ва давлат фалсафасига мурожаат этишга, хусусан, турли хил сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар, мавжуд тафовутларидан қатъи назар, ўзаро боғлиқ ва бир-бирига таъсир ўтказаётган бугунги глобал дунёдаги давлатчилик, ҳуқуқий ҳамда мафкуравий воқеликлар ундамоқда.

Мен, ўзбек юристи учун И. Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий меросига мурожаат этиш мустақил Ўзбекистоннинг ўсиш ва тараққиёт йилларида рўй берган ижтимоий-сиёсий туб ислоҳотлар ҳамда ижтимоий онг ўзгаришлари муносабати билан, айниқса, муҳимдир. 1992 йилда **Ўзбекистон Республикаси Конституциясида** миллий истиқлол мафкурасининг белгиловчи таркибий қисми ва ҳуқуқий сиёсатида ижобий йўналиш сифатида **«инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат»** қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадларининг эълон қилиниши марксча-ленинча идеологик ва ижтимоий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий тараққиётнинг синфий кўрсатмаларига зиддир. Фал-

22480/1

сафий-ҳуқуқий тафаккурда сиёсий ва ҳуқуқий ҳодисаларни марксча-ленинчасига синфий тарзда тушунишнинг **умуминсоний цивилизациявий методология** билан алмашинуви содир бўлди. Миллий юриспруденцияни, унинг методологик асосларини қайта англаш билан боғлиқ бўлган янгиланиш жараёнини жаҳон фалсафий-ҳуқуқий тафаккур мумтоз вакилларининг бой мероси билан танишмасдан туриб, тасаввур қилиш мушкул. Ана шундай классик намояндалардан бири Иммануил Кантдир.

И. Кант мероси жаҳон адабиётида анча кенг ёритилган, бироқ Кант фалсафий-ҳуқуқий масалалар мажмуига доир тадқиқотлар кўпинча саёз, юзаки бўлиб, тизимли хусусиятга эга эмас[1]. Кантшуносликка оид нашрларнинг улкан уммонида,

---

[1] И. Кантнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларига бағишланган адабиётларнинг, кўплаб монографик асарларнинг мукаммал рўйхатини беришни асло талаб қилмаган ҳолда, фақат қуйидагиларни кўрсатиб ўтамиз: Новгородцев П. И. Учение Канта о праве и государстве. М., 1901; Галанза П. Н. Учение Канта о государстве и праве. М., 1960; Поликарпова Е. В. Учение И. Канта о праве и государстве. М., 1973; Фельдман Д. И., Баскин Ю. Я. Учение Канта и Гегеля о международном праве и современность. Казань, 1977; Баскин Ю. Я. Кант. – М., 1984; Алексеев С. С. Самое святое, что есть у Бога на земле. Иммануил Кант и проблемы права в современную эпоху. М., 1998; Соловьев Э. Ю. И. Кант: взаимодополнительность морали и права. – М., 1992; Гайзман Г. Свобода и право: политическая философия Канта и современность. Нижневаторск, 2003; Ударцев С. Ф. Политические и правовые идеи Иммануила Канта // Кант Иммануил. Идея всеобщей истории во всемирно-гражданском плане. К вечному миру. Изд. 2-е, доп. и испр. Алматы, 2004.

Булардан ташқари, юридик олийгоҳлари учун мўлжалланган «Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи» бўйича барча дарсликларда И. Кантнинг ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги таълимотига бағишлаб, алоҳида мавзу берилган. Шунингдек, турли хил илмий ва мавзуга оид тўпламларда И. Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий қарашлари тўғрисида мақолалар чоп этилган. Қаранг: Иммануил Кант. Библиографический указатель литературы на русском языке. 1803–1994 / Сост. Л. С. Давыдова. – М., 1996. Қаранг: Аюбов А. Кант (Kant) Иммануил // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2002. 440-бет; Искандаров Б.И. Оврўпада янги давр фалсафаси // Фалсафа: Ўқув қўлланма / Э. Ю. Юсуповнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 1999. 131–132-бетлар; Кант (Cant) Иммануил // Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. – Т.: «Шарқ», 2004. 189–191-бетлар; Кант Иммануил // Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2010. 155–156-бетлар; Иммануил Кант // Ғарб фалсафаси / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. – Т.: «Шарқ», 2004. 458–470-бетлар; Умаров Б. Ғарб ижтимоий тафаккурида эркинлик ғояси такомили / Масъул муҳаррир Н. Комилов. – Т.: Akademia, 2011. 110–121-бетлар; Умаров Б. Концепция либерализма (История и современность). – Т.: Akademiya, 2011. С. 31–32; Иммануил Кант // Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. – Т., 2004. 279–284-бетлар; Иммануил Кант // Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси (XVII–XX асрлар): ўқув қўлланма. – Т.

баъзи бир илмий асарларни ҳисобга олмаганда, И. Кант фалсафий таълимотидаги ҳуқуқий қарашларнинг умумлашма таҳлилига доир фундаментал асарлар ҳамон озчиликни ташкил этади. Бизнинг назаримизда, И. Кант ижодий меросига бағишланган жаҳон адабиётида ёритилаётган ҳуқуқий Кантшуносликда бугунги кунда ҳам мавзу ва мантиқ жиҳатидан яхлит тадқиқотлар етарли эмас.

Мустақиллик йилларида файласуф олимлар И. Кант ва унинг фалсафий мероси ҳақида дарслик, лугат, монографик тадқиқотларда ўзбек тилида мақолалар нашр этдилар[1]. **«Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи»** ўқув фанига бағишланган дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам И. Кантнинг давлат ва ҳуқуққа оид қарашлари баён қилинган[2].

«Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси (XVII–XX асрлар)» номли ўқув қўлланмадаги Иммануил Кантга бағишланган

«Шарқ», 2002. 105–119-бетлар; Гуннар Скирбек, Нинс Гилье. Фалсафа тарихи: Ўқув қўлланмаси. – Т.: «Шарқ», 2002. 412–439-бетлар; Кант Иммануил // Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф: тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар / Тўпловчи ва таржимон Саида Жўраева. – Т.: «Янги аср авлоди», 2010. 326–328-бетлар.

[1] **Қаранг:** Аюбов А. Кант (Kant) Иммануил // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-жилд. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2002. 440-бет; Искандаров Б.И. Оврўпада янги давр фалсафаси // Фалсафа: Ўқув қўлланма / Э.Ю. Юсуповнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 1999. 131–132-бетлар; Кант (Cant) Иммануил // Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. – Т.: «Шарқ», 2004. 189–191-бетлар; Кант Иммануил // Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2010. 155–156-бетлар; Иммануил Кант // Ғарб фалсафаси / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. – Т.: «Шарқ», 2004. 458–470-бетлар; Умаров Б. Ғарб ижтимоий тафаккурида эркинлик ғояси такомили / Масъул муҳаррир Н. Комилов. Т.: Akademia, 2011. 110–121-бетлар; Умаров Б. Концепция либерализма (История и современность). – Т.: Akademiya, 2011. С. 31–32; Иммануил Кант // Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. – Т., 2004. 279–284-бетлар; Иммануил Кант // Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси (XVII–XX асрлар): ўқув қўлланма. – Т. «Шарқ», 2002. 105–119-бетлар; Гуннар Скирбек, Нинс Гилье. Фалсафа тарихи: Ўқув қўлланмаси. – Т.: «Шарқ», 2002. 412–439-бетлар; Кант Иммануил // Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф: тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар / Тўпловчи ва таржимон Саида Жўраева. – Т.: «Янги аср авлоди», 2010. 326–328-бетлар.

[2] *Исломов З.М.* Юриспруденция ўтмиши ва бугуни / Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б. Бобоев, Ф. Раҳимов. – Т.: ТДЮИ, 2010. 79–82-бетлар; В.С. Нерсесянц. Ҳуқуқ фалсафаси. – Т.: «Адолат», 2002. 215–219-бетлар; Воҳидов Ҳ.В. Иммануил Кантнинг ҳуқуқий қарашлари // Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи: Дарслик / Масъул муҳаррир Ҳ.Б. Бобоев. Т. ТДЮИ, 2003, 104–107-бетлар; Мухитдинова Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи (Жаҳон мамлакатлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи мисолида): Ўқув қўлланма. – Т., 2003. 148–157-бетлар; Мухитдинова Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи: Дарслик. – Т., 2012. 157–164-бетлар.

мавзу фалсафа фанлари номзоди, доцент **С.А. Йўлдошев** (марҳум) томонидан ёзилган. Матнда буюк немис файласуфи И. Кантнинг фалсафий қарашлари, трансцендентал фалсафага бағишланган билиш назарияси, биографик маълумотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, қўлланмада Кантнинг антиномияларига ҳам тўхталиб ўтилган. Кантнинг ахлоқий императив ҳақидаги таълимотлари таҳлил қилинган. Кант ижоди икки даврга бўлинган. Кант фалсафасининг биринчи даврида кўпроқ табиётшунослик масалалари устуворлик қилган. Жумладан, олимнинг космологик қарашлари, оламнинг пайдо бўлишидаги янгича фикрлар илгари сурилган. Қуёш системаси, коинот жисмларининг пайдо бўлиши ҳақида ўзига хос маълумотлар берилган. Умуман олганда, Кант фалсафасининг идеалистик табиати очилган[1].

Норвегиялик таниқли файласуфлар **Скирбекк Гуннар** ва **Гилье Нильс** томонидан ёзилган **«Фалсафа тарихи»** китоби фалсафа фанлари доктори, профессор **И. С. Саифназаров** ва фалсафа фанлари номзоди, доцент **Ж. Маҳкамов** томонидан таржима қилинган ва олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси сифатида чоп этилган[2].

Ушбу китобда И. Кант фалсафий қарашлари батафсил кўриб чиқилган. Кантнинг трансцендентал билиш назарияси билан бир қаторда олимнинг ахлоқий қарашлари, сиёсий концепцияси атрофлича таҳлил қилинган. Инсон эркинлиги ҳақида ҳам ўзига хос фикрлар илгари сурилган. Демак, Кантга кўра, ақлли мавжудот бўлган одам билан табиий мавжудот бўлган одам ўртасида тафовут мавжуд. Ақлли мавжудот сифатида одам қонунлар шаклидаги ақл асосида ўзи ўзи учун мустақил мавжудот сифатида белгилайдиган мутлақ ахлоқий ҳукмларга бўйсунади. Табиий мавжудот сифатида одам мана шу қонунларга. Гарчи унинг табиий майлларига зид келса ҳам, бўйсунади. Кант таъбирича, ахлоқий мажбурият қатъий императив мавқеига эга. Бу императив қуйидаги шаклга эга: «сен хулқингда шундай максимага асослангинки, унинг асосида иш юритар экансан, унинг умумий қонунга айланишини ҳам исташинг мумкин бўлсин».

Шундай қилиб рационал индивидлар иштирок этаётган доимий оммавий эркин мунозаралар ҳақиқатнинг аста-секин қадам-бақадам равшанлашишига ёрдам беради. Тарих шу тарзда пайдо бўлаётган

---

[1] *Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р., Қобулниёзова Г., Рўзматова Г.* Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси (XVII–XX асрлар): Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир А. Бегматов. – Т.: «Шарқ», 2002. 105–120-бетлар.

[2] *Скирбекк Г., Гилье Н.* Фалсафа тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2002. 412–440-бетлар.

муаммоларни очиқ муҳокама қилиш ва ўзаро эркин фикр алмашиш юз берадиган маърифатли ҳамжамият қуриш орқали ҳақиқатга яқинлашиш масаласини ҳал қилади. Кант фалсафасининг маърифат ва мустақилликни унинг тушунишидан келиб чиқадиган асосий хулосаси шундай.

«Ғарб фалсафаси» номли ўқув қўлланмасида Кант фалсафаси С.А. Йўлдошев томонидан ёзилган[1].

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда И. Кантнинг фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий қарашларига оид учта китоб чиқди. **М.Н. Болтаевнинг «Кант ва трансцендентал фалсафанинг асосланиши»** номли илмий монографиясида Кант илмий мероси, буюк файласуфнинг «коперникча инқилоби», трансцендентал эстетикаси, диалектикаси, этикаси, ахлоқий ҳукмлар, аналитик ҳукмлар категориялар, ўз-ўзини англашнинг ягоналиги каби масалалар ёритилган[2].

Ф. Мухитдинов «Бозор ва ҳуқуқ, Адам Смит ва Иммануил Кант: назарий ғоя ва қарашлар муштараклиги» номли мухтасар рисоласида замонавий Ғарб тамаддунининг ривожига катта ҳисса қўшган иқтисодий назариянинг асосчиларидан бири Адам Смит ҳамда немис мумтоз фалсафаси асосчиларидан Иммануил Кант ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий таълимотларининг фалсафий ва муштарак жиҳатлари таҳлил этилган[3].

Биз ҳам И. Кантнинг илмий-фалсафий ва ҳуқуқий меросига бағишланган бир рисолани рус ва немис тилларида[4] ҳамда туркум мақолаларни чоп этдик[5].

---

[1] Ғарб фалсафаси // Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. – Т.: «Шарқ», 2004. 458–470-бетлар.

[2] *Болтаев М.Н.* Кант ва трансцендентал фалсафанинг асосланиши / Масъул муҳаррир Н.И. Жабборов. Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2006. 96 бет.

[3] *Мухитдинов Ф.* Бозор ва ҳуқуқ. Адам Смит ва Иммануил Кант: назарий ғоя ва қарашлар муштараклиги. – Т.: И.М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёт бўлими, 2005. 40 бет.

[4] *Саидов А.Х.* Философско-правовое наследие Иммануила Канта и современная юриспруденция. – Т.: Patent-Press, 2008. 228 с.; Saidov A.H. Immanuel Kants philosophisch-rechtswissenschaftliches Erbe zur Weiterentwicklung der Rechtswissenschaft. N.: Patent-Press, 2008. 228 s.

[5] **Қаранг:** *Саидов А.Х.* Введение в юридическое кантоведение // Философия и культура. 2009 № 7; Саидов А.Х. Философское учение И. Канта о праве и государстве. Ч. 1 // Философия и культура. 2009 № 9; Саидов А.Х. Философское учение И. Канта о праве и государстве. Ч.2. Окончание // Философия и культура. 2009 №10; Саидов А.Х. Pax kantiana: философско-правовое учение И. Канта о мире. Ч. 1 // Философия и культура. 2010. № 4; Саидов А.Х. Pax kantiana: философско-правовое учение И. Канта о мире. Ч. 2. Окончание // Философия и культура. 2010. № 5.

Бизнинг китобимизнинг тақдимоти ва муҳокамаси 2009 йил 24 апрелда Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтди. Ушбу давра суҳбати баёни «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журналида чоп этилди[1]. Бундан ташқари академик **С. Ш. Шермуҳамедов**нинг катта ҳажмли тақризи Москвада чоп этиладиган «Право и политика» журналида босилди[2]. Китоб муҳокамасида иштирок этган мутахассисларнинг аксарияти уни ўзбек тилида ҳам чоп этиш зарурлиги тўғрисидаги фикрни билдирдилар.

Мазкур асар – И. Кант фалсафий-ҳуқуқий меросининг асосий жиҳатларини қайд этиш билан бирга, уни келгусида ғоялар тарихи ва ҳозирги кун билан боғлиқ ҳолда ўрганиш борасида баъзи бир вазифаларни белгилаб олиш йўлидаги камтарона уриниш, холос. Шу ўринда юқорида тилга олинган И. Кант юбилейи тадбирлари, шунингдек, 2004 ва 2006 йилларда Самарқанд, Бухоро, Қорақалпоғистон ва Ургенч давлат университетларида Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ҳамда унинг раҳбарлари **Райнхард Крумм** ва **Вульф Лапинс** кўмагида Германия Бундестаг депутати, истеъфодаги федерал адлия вазири, Берлин очиқ университети фахрий профессори **Ҳерта Дойблер-Гмелин** томонидан **«И. Кант ва ҳуқуқий давлат»** мавзуида ўқилган очиқ маърузалар ушбу тадқиқотнинг вужудга келишида маънавий рағбат сифатида хизмат қилганини айтиб ўтишим лозим. Бунинг учун Ҳерта Дойблер-Гмелин хонимга ҳамда Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонасига, айниқса, олмон ёзувчиларининг моҳир таржимони **Мирзаали Акбаров**га бизни асарни ўзбек тилига И. Кант асарларини асл матнлари билан ўгиришдаги салмоқли меҳнати учун, шунингдек, мазкур китобни тайёрлаш ва чоп этишга кўмаклашган барчага ўз самимий миннатдорчилигимни билдираман.

---

[1] Философско-правовое наследие Иммануила Канта и современная юриспруденция // Общественное мнение. Права человека. 2009. № 2. С. 162–182.

[2] *Шермухамедов С.Ш.* Ценный труд о философско-правовом учении Иммануила Канта // Право и политика. 2009. № 6.

«Иммануил Кант ҳаёти тарихини ёзиб баён қилиб бўлмайди. Чунки унда на ҳаёт, на тарих бўлган»[1].

Ҳайнрих Хайне,
немис шоири ва публицисти

Биринчи қисм

ИММАНУИЛ КАНТ: ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ АСОСИЙ ЧИЗГИЛАРИ

И. Кантнинг россиялик биографларидан бири А. Гулыга файласуф ҳаёти – унинг ёзган китоблари, ҳаётидаги энг қувончли воқеалар эса – фикрлар эканини ёзади. **Кантда ўз руҳи ва таълимоти тарихидан бошқа таржимаи ҳол йўқ**[2].

Кантни ўқиш осон эмас. Қийинлиги шундаки, баён ҳар доим муаммолар мураккаблиги билан боғлиқ бўлиб, шу муаммоларга кўпинча биринчи бўлиб, унинг ўзи бақамти келган. И. Кантни тушуниш бундан-да оғир. Унинг ҳақида ёзиш эса, нафақат қийин, балки масъулият ҳамдир.

Георг Вилхельм Фридрих Хегелга совуқ муносабатда бўлган **Л. Н. Толстой** И. Кантни берилиб мутолаа қилган. Нуқтаи назар, эътиқодларимиз бир-бирига мос келади, деб ишонган. У Кантнинг ҳикматли сўзларини тўплаб, нашр қилдирган. И. Кантнинг ҳаёти ўзида доимо чуқур таассурот қолдирганини гапириб юрган. Бир куни Толстойдан сўрашган: **«Кант фалсафаси оддий одам учун тушунарлими? Ва уни жўн, оммабоп қилиб баён этиш мумкинми?»** Бунга жавобан у: **«Уни оммабоп қилиб баён этиш энг улуғ иш бўлур эди. Қизиқ, Мағрибда бунга бирор ҳаракат бўлаётганмикин. Ҳар ҳолда, бу энг матлуб иш бўлган бўларди»**[3], деган экан. Толстой учун Кант, авваламбор, инсонийлик мактаби бўлган.

---

[1] **Иктибос:** *Таранов П.С.* Философский биографический словарь, иллюстрированный мыслями. – М., 2004. С. 283.

[2] **Қаранг:** *Гулыга А., Кант И.* – М., 1983; И. Кант ҳаёти ва фалсафий меросига бағишланган қуйидаги китобларга ҳам қаранг: *Асмус В. Ф.* Иммануил Кант. М.: Высшая школа, 2005. С 439; *Нарский И. С.* Иммануил Кант. М.: Мысль, 1976. С. 208; *Ойзерман Т. И.* Кант и Гегель (опыт сравнительного исследования). М.: «Канон+», 2008. С. 520; *Суслова Л. А.* Философия И. Канта (Методологический анализ): Учеб. пособие. – М.: Высшая школа, 1988. С. 224.

[3] *Қаранг: Клюзова М.Л., Толстой Л.Н., Кант И.:* проблема обоснования морали. – Тула, 2011.

1. Пруссиялик таркидунёчи: Кёнигсбергда яшаган энг сирли фуқаро ҳаёти

Немис классик фалсафасининг асосчиси И. Кантни синчков, майдакаш ҳарфхўр одам бўлган дейишади. У узоқ ва сермазмун ҳаёт кечириб, бутун умр бўйдоқ ўтган, яхши шароб ва чиройли аёлларни ёқтирган. Инсониятга маънавий камолот ва ахлоқ қонунчилиги тамойилларини ўргатган. Прусс саройида уни ҳурмат қилишган, бироқ ёқтиришмаган, унга илтифот ҳам кўрсатишмаган. Ўлимидан сўнгги икки ҳафта мобайнида шаҳарнинг ҳасратманд аҳолиси ўз даҳо ватандоши билан хайрлашган, лекин орадан ярим йил ҳам ўтмай, унинг уйи қандайдир савдогарга қаҳвахона учун сотиб юборилган.

Файласуф олим, немис идеализмининг асосчиси Иммануил Кант 1724 й. 22 апрелда Кёнигсберг (хозирги Калиниград) шаҳрида авлиё Иммануил («Таврот»га оид ушбу сўз таржимада «Тангри биз билан» деган маънони англатади) кунида таваллуд топган. Камбағал сарроч (эгар-жабдуқ устаси) оиласида жами тўққиз фарзанд бўлиб, Иммануил тўртинчи бола бўлган. Оилада уч қиз ва бир ўғилгина улғайиб, вояга етган. И. Кант болалигида касалманд, нимжон, жуссаси кичкина, асабий хуруж ва ипохондрия (тушкунлик)га мойил бўлган; уни жинсий заиф ва қисқа умр кўради, деб башорат қилишган. Бироқ шунга қарамасдан, ота-онаси унинг пухта классик таълим олиши учун ғамхўрлик қилган. У жонажон шаҳри Кёнигсбергда узоқ, шу билан бирга, ижодга тўла умр кечирган, ҳеч қачон касал бўлмаган ҳам. Чунки у гигиеник қоидаларнинг қатъий тизимини ишлаб чиққан, уларга оғишмай амал қилган ва ҳайратланарли натижаларга эришган. **И. Кант ўзини ўзи яратган, шунинг учун ҳам у бетакрордир.**

1757 йил январидан 1762 йил июлига қадар И. Кант Россия фуқароси ва Петербург Фанлар академияси (1794)нинг чет эллик фахрий аъзоси, шунингдек, Берлин ва Сиена (Италия) академиялари аъзоси ҳам бўлган.

И. Кант Кёнигсберг университетининг Илоҳиёт факультетини 1745 йилда тамомлаган. Шундан кейинги тўққиз йил давомида аслзода, боёнларнинг оилаларида шахсий муаллим бўлиб ишлаган, бу унга бўш вақтларида фалсафий тадқиқотлар олиб бориши учун моддий имконият яратган. 1755 йилда у шу университетнинг приват-доценти унвонини олган. Кейинги 15 йил

ичида эса, профессорлик унвонини кутиб, Кёнигсбергдаги сарой кутубхонасида кутубхоначи ёрдамчиси лавозимида хизмат қилган. 1755 йилдан 1797 йилга қадар метафизика, мантиқ, ахлоқ фалсафаси, физика, математика фанларидан сабоқ берган. Тўртта диссертация ҳимоясидан сўнг, И. Кант 1770 йилда фалсафа профессори унвонига сазовор бўлган ва бу лавозимда ишлаб, уни вафотидан уч йил олдин тарк этган.

И. Кант 1804 йилнинг 12 февралида, саксон ёшга тўлишига 70 кун қолганда вафот этган. Унинг сўнгги айтган сўзи «яхши» бўлиб, бу калом ён-атрофидагиларга миннатдорчилик туйғуси билан йўғрилган эди. У фоний дунё билан хотиржам, соф виждон ва адо этилган бурч ҳисси-ла хайрлашган.

Иммануил Кантни қўрқмасдан Кёнигсбергнинг энг сирли, ғалати ва энг рамзий шахси, деб аташ мумкин. У ўзининг мўъжазгина Ватани сарҳадларини ҳеч қачон тарк этмаган ва шунинг учун бўлса керак, ҳаётлигидаёқ «пруссиялик зоҳид» деган лақаб орттирган.

Бироқ Кант асло «зоҳид» эмас, у таркидунёчи ҳам бўлмаган. Табиатан киришимли, улфат ва дилкаш, тарбия ва турмуш тарзига кўра – одобли, хушмуомалали бўлган. **Унда фалсафага бўлган зўр қизиқиш шунчаки эрта уйғонган ва бу кучли иштиёқ ҳамма нарсадан устун келган. У ўз қувончини фақат ишда, меҳнатда тонган. И. Кант ҳаёти – сўз билан иш, ғоя ва хулқ бирлигининг намунаси бўлган.**

Унинг бутун ҳаёти фақат Кёнигсберг билан боғлиқ бўлиб, юртдошлар кўз ўнгида ўтган бўлса-да, файласуф таржимаи ҳолининг илк варианти унинг тириклигидаёқ ёзилган. **И. Кант номи ҳозирда ҳам ақлбовар қилмас афсоналар билан бурканганининг шоҳиди бўлиш мумкин.** Буюк файласуф асли кёнигсберглик эканлиги билан ҳамиша фахрланиб юрган ва ҳатто, ўлимидан сўнг ўзининг фалсафий асарлари Ғарб билан Шарқ ўртасида ҳазилакам даъво-ю баҳсларга сабаб бўлишига ҳам шак-шубҳа қилмаган.

Европада И. Кант асарлари асосида **И. Ньютоннинг** табиий-илмий кашфиётлари ётади, деб ишонтиришган. Осиёда эса ҳозиргача олим асарлари учун **имом Ғаззолий (1058–1111) ва Ибн Арабийнинг (1165–1240)** ўй, фикр ва мулоҳазалари асос бўлиб хизмат қилган, деган фикр мавжуд[1]. Ҳаттоки, И. Кант қариган

---

[1] **Қаранг:** *Керимов Г.М.* Аль-Газали и суфизм. Баку, 1969. С. 71–100; Ibn Arabi and Modern Thougt. The History of Taking Metaphisics Seriuosly. Oxford: Peter Coates, 2002. P. 43–50.

пайтида ўз таржимаи холи вариантларидан бирига араб имлосида **«Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!»**[1] деб ёзиб қўйган, деган гаплар ҳам юради. Бу – афсона, холос, лекин афсона бўлганда ҳам, гўзал афсонадир.

Агар Кантда билимга чанқоқлик бўлмаганида, ҳаёт камбағал ҳунарманд ўглига катта имкониятлар ато этиши амри маҳол эди. Ота-онадан эрта айрилган Кант ёшлигида фақирона ҳаёт кечиришга мажбур бўлган. Қашшоқлик улуғ файласуфни деярли то ўлимига қадар таъқиб этган: у кексайган чоғидагина кичикроқ уй сотиб олишга муваффақ бўлган.

Кёнигсберг университетининг илоҳиётшунослик куллиётига ўқишга кирган навқирон Кант афсуски, уни тугаллай олмаган: яна ўша молиявий-моддий етишмовчилик сабаб. Тирикчилик ўтказиш учун нималар қилмаган дейсиз – оилавий муаллимликдан тортиб, то бильярд ва қарта ўйнашига ҳам тўғри келган. Баъзан эса шунақаси ҳам бўлган: шаҳарга тушиб чиқиш учун Кёнигсбергнинг бўлгуси фахрий фуқароси альма-матер (эски замонларда талабаларга қўйилган ном) дўстларидан ...пойафзални қарзга олиб кийиб кетган.

И. Кант буюк майдакаш бўлган, деган гап бор. Лекин у ёшлигида унчалик ҳам сўзининг устидан чиқадиган одам бўлмаган ва «пухта аниқлик» тушунчаси хусусида хийла эркин фикр юритган. Барча нарсаларга нисбатан ғоят даражада аниқликка эса, уни дўсти – англиялик савдогар Грин ўргатган. Британиялик унинг зиғирча камчилигини ҳам кечирмаган. Бундай ҳолатларга қарши турли хил «жазо» чораларини қўллаган.

Ёши ўтиб боргани сайин аниқлик ва пухталик одатга айланиб, И. Кант хулқ-атворининг алоҳида хусусиятига айланган. Унинг бутун ҳаёти энг аниқ хронометрга ўхшаб ўлчанган ва ҳисоблаб чиқилган. У кечқурун соат роса 22 да уйқуга ётган, роппа-роса тонгги 5 да ўрнидан турган. Кейинги 30 йил давомида бирон марта ҳам кеч турган пайти бўлмаган. Роппа-роса 19 да кечки сайрга чиққан. Шаҳарликлар кекса Кантни кўриб, соатларини текшириб, тўғрилаб олишган. У пала-партиш кийинган талабаларни ёқтирмаган, тишсиз қолган суҳбатдошларни эътиборсиз қолдирган. Пухталик, аниқлик, майдакашлик ва барқарор анъаналарга содиқлик И. Кантнинг турмуш тарзига шу қадар чуқур сингиб

---

[1] Наполеон, Толстой и Кант об исламе. 27 февраля 2010 г. // http://www.liveinternet.ru/tags.

кетган эдики, бу тутуриқсизликка ҳам бориб етган. Масалан, беадаб ва такаббурроқ хизматкори Мартин Лямкедан қутулиш унинг юрак хуружига сабаб бўлган.

Пишиқ-пухталик ва ҳатто аскетизм (таркидунёчилик)нинг тирик эталони (намунаси) бўлган И. Кант ўзида Альбертина – Кёнигсберг университетининг ўт-олов талабасига хос бўлган гайрат-шижоатни ҳам сақлаб қололган.

И. Кант винони жуда яхши кўрган, пивога эса тоби бўлмаган. Солод (ундириб олиб, янчилган арпа, буғдой ва ҳоказо) ҳамда хмель (етмак – чирмашиб ўсадиган ўсимлик ва унинг уруғи)дан олинадиган ичимликка у шундай баҳо берган: **«Пиво – бемаза таъмли таомдир».**

Аёллардаги гўзалликка Кант ҳамиша зўр ҳурмат билан муносабатда бўлган. Мункиллаган қарияни кўплаб қабул маросимларига ва тантанали зиёфатларга таклиф қилишган, шундай пайтларда у ёш, чиройли қизлардан бирини ўзининг ўнг томонига ўтказиб қўйишларини сўраган. Ўша пайтда файласуфнинг чап кўзи кўрмай қолганини бутун Кёнигсберг яхши билган.

Аёллар, хотин-кизларга ҳамиша таъзимда бўлишига қарамасдан, И. Кант бир умр уйланмай бўйдоқ ўтган. Нима учун оила қуришга аҳд қилолмаганига сабаб эса, ўта бемаъни – яъни камбағал бўлган эмиш. У ўзининг бўйдоқлиги важини киноя билан шундай таърифлаган: **хотин керак бўлган пайтда уни боқишга қурбим етмаган, аҳволим яхшиланиб, бунга имкон етганда эса, хотинга ҳожат қолмаган.** Ва бунга яна изоҳ ҳам бериб қўйган: бироқ **бўйдоқликни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди, хотиннинг бори яхши.**

И. Кант ҳеч қачон диссидент (муртад, диндан қайтган киши) бўлмаган. Аксинча, ҳали у қадар етук бўлмаган илк асарларини (кексайган чоғида улардан воз кечмоқчи ҳам бўлган) файласуф Кёнигсберг губернатори ва император Фридрих II га бағишлаган. Шунга қарамасдан, И. Кантнинг илмий мартабаси катта қийинчиликлар билан олға силжиган. **Тарихий аксиома: «Ақлли кишилар ҳамиша ҳокимиятни ташвишга солган...»**

Энг буюк кёнигсбергликнинг таржимаи холи коллизия (қарама-қарши кучлар тўқнашуви) ҳамда ғалати, қизиқ воқеаларга тўла бўлган. Тириклигида ўзининг кичик Ватани чегарасидан бирон марта ҳам ташқарига чиқмай туриб, бир йўла икки империя фуқароси бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. И. Кант бунинг уддасидан чиққан.

XVIII аср ўрталарида, етти йиллик уруш пайтида Шарқий Пруссия бир неча йил давомида Россия империяси таркибига кирган, шу сабабли олим ҳам, қолган бошқа кёнигсбергликлар қаторида рус маликаси Елизавета Петровна фуқаросига айланган. **1758 йил мартида Кант университетдаги мантиқ ва метафизика кафедраси мудирлигининг бўшаб қолган ўрнини ўзига беришини сўраб, император аёлга илтимоснома ёзган[1].** Бироқ арзнома подшоҳ хотинга етиб бормаган. Аризани кўриб чиққан Шарқий Пруссия губернатори Николай Корф файласуфга одатдаги расмиятчилик билан рад жавобини берган: бўш ўринга даъвогарлик қилган доктор Букнинг ўқитувчилик фаолиятидаги иш тажрибаси уникига қараганда кўпроқ бўлиб чиққан.

Ўтган ана шу йиллар Россия билан Кант бир-бирларини яхшироқ билиб олишлари учун имконият яратган. Мамлакатдаги сиёсий вазият ўзгара бошлагач, файласуф рус интеллигенциясининг илғор вакиллари билан алоқани давом эттирган. Карамзин, Державин, Милорадович ва бошқалар Кёнигсбергга тез-тез келиб турганлар. Бўлғуси генералиссимус А. В. Суворов олимнинг шахсий тавсияномасига кўра, бир ёш йигитни хизматга олган, лекин афсуски, у туппа-тузук ярамас бўлиб чиққан.

XVIII асрнинг ўрталарига келиб, И. Кант иқтидорига бутун Европа тан берган. Прусс саройида уни ҳурмат қилишган, бироқ ёқтиришмаган, унга илтифот ҳам кўрсатишмаган. Унинг Альбертинани янада ривожлантириш ва ўз келажаги тўғрисидаги илтимосномалари очиқдан-очиқ сансалорлик билан пайсалга солинган.

Шахсий ҳаётида И. Кант фалсафий масалалар хусусида суҳбатлашишни хуш кўрмаган. У ўзининг тинглашга эмас, балки фақат ўқитишга қобилиятли эканини яхши англаган, чоғи. Умрининг сўнгги йилларида у ўз ҳузурига ташриф буюрувчилар билан фалсафий мавзуларда эмас, балки... тахтаканаларни йўқотишнинг энг сўнгги ва энг самарали усуллари тўғрисида суҳбатлашган. **И. Кант ўз ҳаётий кузатувларини очиқ, лўнда ва қаҳр билан шундай ифодалаган: «Инсон табиатан ёвуздир».**

И. Кант тўқчиликда вафот этган. Уч синглиси ва укасига ундан 20 минг гульден миқдорида бойлик қолган. Файласуф ўлимига бутун шаҳар чинакамига мотам тутган. Фуқароларнинг видолашиш маросими белгиланган уч кун ўрнига салкам

---

[1] *Кант И.* Всеподданнейшее прошение философа Канта императрице Елизавете Петровне / Сообщ. Ю. Бартенев // Русский архив. 1896. Кн. 2. Вып. 7. С. 455–456.

икки ҳафтага чўзилган. 28 февралда устознинг тобутини Альбертинанинг 28 нафар энг яхши талабалари кўтариб борганлар. Шаҳар чуқур мотамда: Кёнигсберг ўзининг энг буюк фарзандидан жудо бўлган эди.

И. Кантнинг ўзигагина хос бўлган истеъдоди туфайли бир маромда кечган салмоқли ва синчков ҳаёти сирлилик шон-шуҳратига бурканган ва бу деярли барча нарсада ўз ифодасини топган. Башарти файласуф ўз ўлимидан сўнг қабри қандай ўзгаришларга дучор бўлишини билганида эди, ҳаётлигидаёқ ўзига хос киноя-истеҳзо билан **«Қисқа хотира танқиди»** ёки бўлмасам **«Дарбадар тана танқиди»** дебми, номланган навбатдаги катта ҳажмли асарини ҳам ёзиб ташлаган бўларди. Ҳар ҳолда, ўша олис йилларда содир этилган воқеалар азалдан давом этиб келаётган жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлмай қолмади: **«И. Кантнинг бугунги қабрида ким ётибдийкин?»**

Биринчи парадокс 1804 йилнинг февралида, айни марҳумни дафн этиш чоғида рўй берган: шаҳар ўзининг энг ҳурматли фуқаросини сўнгги йўлга кузатаётганига ва дафн маросими тантанали ҳамда дабдабали бўлишига қарамасдан, Иммануил Кантга шахсий дахма ҳам буюрмаган ва у маҳаллий университет профессорларининг умумий хилхонасига дафн этилган. Тақдирнинг аччиқ ҳазилини қаранг-ки, ўлдинг – ўчдинг деганларидек, кёнигсберглик файласуф кўмилгандан кейин, унинг сўнгги манзилгоҳи батамом унутиб юборилган.

И. Кант ўз миллати, жонажон шаҳри билан ғоят фахрланган. Ким билсин, агар ўз шажарасининг асосий занжири Германияда эмас, Пруссияда эмас, балки СССРда узилишини билганида, бундан ниҳоятда таажжубга тушган бўлармиди. XX асрнинг 30-йиллари ўрталарида Иммануил Кант укасининг «Уралмаш» раҳбарларидан бири бўлиб ишлаган бирдан-бир, ягона насли ҳам қатағон қилинган.

И. Кант ўз мазмун-моҳиятига кўра, бутун дунёнинг буюк фуқароси бўлган. Ёши бир жойга борган пайтда у сиз билан бизнинг ҳаётимиз маъно-мазмуни ҳақидаги ўз тасаввур-тушунчасини келажак авлодлар учун қуйидагича ёзиб қолдиргани ҳам бежиз эмас: **«Биз улар ҳақида тез-тез ва муттасил фикр-мулоҳаза юритганимиз сайин, икки нарса қалбимизни ҳамиша янги ва янада кучлироқ ҳайрат ҳамда ортиқ даражада иззат-эҳтиром туйғуси билан тўлдириб бораверади, бу – тепамиздаги юлдузли само ва вужудимиздаги ахлоқ қонунидир...»**

2. И. Кант ижоди – фалсафада «Коперникона кескин бурилиш»

«Кант жуда муҳим қадамни ташлаган... Ақл-идрок учун диалектиканинг зарур эканлиги қайтадан эътироф этилган: биз унинг қандайдир саньат эканлиги ва у объектив тушунчага мансуб бўлмай, гўё аллақандай субъектив иқтидорга асосланган, деган тушунчадан узоқлашдик. Фикр тадқиқотида Кант аньанавий йўлдан борган: унинг даражалар жадвалида учинчи категория ҳар доим ўша туркумнинг иккинчи ва биринчи даражалари қўшилишидан келиб чиқади. Бироқ шунга қарамасдан, ҳақиқат Кант бошлаган, ўша хулосага тескари йўлдадир...»[1].

Г.В.Ф. Хегел, *немис классик фалсафаси вакили*

И. Кантнинг ҳаёти ташқаридан қараганда касбдошларига нисбатан бир маромда, бир хилда, эҳтимол, бир тарзда, зерикарлироқ кечган бўлса бордир. Лекин унинг ички руҳий-маънавий ҳаёти хусусида асло бундай деб бўлмайди. Чунки унинг вужудида бир-биридан ҳайратланарли ишлар амалга ошар, дадил, жасур фикр-мулоҳазалар туғилар, ривожланар, бошқа фикрлар билан яккама-якка жангга кириб, ҳалок бўлар ёки курашда тобланар, вояга етар эди. Фикрлар ер курраси томон, коинот сарҳадлари сари интилиб, қитъалар узра кезинарди. Фикрлар инсон қалбининг энг тубига кириб бориб, ўз-ўзини билишга интиларди. Фикрлар ҳаёти кескин ва ҳаяжонли кечарди.

И. Кант бутун онгли умри мобайнида ҳақиқат излаган. Ҳақиқат, бу – жараёндир. И. Кант бундай сўзларни айтмас, фақат уларга амал қиларди, холос. Унда ҳеч қачон «ҳамма иш қилинди, ҳамма нарсага мутлақ эришилди» деган сезги, ҳис-туйғу бўлмаган. И. Кант ўз таълимоти устида тинмай ишлар, сифатини янада яхшилар, аниқликлар киритар ва унга сайқал берарди. **И. Кант ҳаёти бетўхтов, доимий равишда давом этган маънавий ривожланиш ва абадий изланишлардан иборат.** Умрининг сўнгги йилларига довур, то фикрлашдан тўхтаб қолмагунига қадар.

И. Кантнинг илмий қизиқишлар доираси ва кўлами фав-қулодда кенг: фалсафа ва мантиқ, тарих ва антропология,

---

[1] **Иқтибос:** *Таранов П.С.* Философский биографический словарь, иллюстрированный мыслями. – М., 2004. С. 282–283.

тика ва эстетика, ҳуқуқ ва давлат, астрономия ва математика, табиий география ва минералогия (маъданшунослик).

И. Кант илмий тадқиқотларининг (1770 йилгача бўлган) илк нилласи шартли равишда «танқидгача бўлган давр» деб юритилади. У 1747–1755 йилларда бошланғич (ибтидоий) туманликдан қуёш тизимининг келиб чиқишига оид космогоник гипотеза, яъни оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги илмий фаразни ишлаб чиққан **(«Умумий табиат тарихи ва осмон назарияси», 1755).**

Унда Кант улкан коинотнинг, бизнинг галактикамиздан ташқаридаги галактикаларнинг ҳам мавжуд эканлигини ҳамда сайёраларнинг айланаётган туманликдан келиб чиқиши тўғрисидаги гипотезани баён қилиб берган.

1770 йилдан сўнг, Кантнинг уч асосий асаридан келиб чиқиб «танқидий давр» деб аталган босқич бошланади: «Соф идрок танқиди» (1781), **«Амалий идрок танқиди»** (1788) ва **«Ҳукм лаёқати танқиди»** (1790). Бу асарларда у билиш назариясини, этика, эстетика ва табиатдаги мақсадга мувофиқлик ҳақидаги таълимотни ҳам атрофлича изоҳлаб берган. У ақл кўзи билан қараладиган метафизика ва билиш мумкин бўлмаган «ўзидаги нарсалар» (сезги, ҳис-туйғуларнинг объектив манбаи) ва чексиз бўлиши мумкин бўлган тажриба соҳасини ҳосил қилувчи билиш мумкин бўлган ҳодисалар ҳақидаги дуализм таълимоти скептицизми догматизми (ақойид)га қарши чиққан. Сезги, ҳис-туйғулар чалкашлиги ва мантиқсизлигини тартибга солиб турадиган умумаҳамиятга молик бўлган **априор (тажрибадан холи)** шакллар – билишнинг шартидир. Бироқ Тангри, озодлик, мангуликнинг назарий жиҳатдан исботлаб бўлмайдиган ғоялари «амалий идрок» постулатлари, ахлоқнинг зарурий шарт-шароитлари ҳисобланади. **И. Кант этикасининг бурч (мажбурият) тушунчасига асосланган бош тамойили – қатъий императивдир.** Назарий идрок антиномия (зиддият)лари ҳақидаги Кант таълимоти диалектика ривожида катта роль ўйнаган.

И. Кантнинг дунёқарашини шаклланишида қуйидаги мутафаккир ва файласуфларнинг таълимотлари катта таъсир кўрсатган: Платон, Беркли, Вольф, Тетенс, Хатчесон, Монтень, Юм, Декарт, Лейбниц, Локк, Мальбранш, Ньютон, Руссо. Спиноза.

Кант фалсафий таълимоти XVIII асрнинг 70-йиллари бошланишида ўзидан олдинги фалсафани танқидий қайта қараб чиқиш жараёнида шаклланган. У ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларини дастлаб кичик-кичик туркум мақолалар тарзида баён қилган. Жумладан, **«Умумжаҳон фуқаролик нуқтаи назарида**

умумий тарих ғояси» ва **«Абадий тинчлик сари»** номли асарлари кейинчалик **«Урф-одатлар метафизикаси»** (1797) асарида умумлаштириб берилган.

И. Кант фалсафаси замирида билишнинг **эмпирик** (тажрибага асосланган) ва **априор** (тажрибадан холи) турлари бир-бирига қарама-қарши қўйилган. **Лотинча «a priori» атамаси сўзма-сўз таржимада «олдингидан, илгаригидан» деган маънони билдиради.** Фалсафа анъанасида тажрибадан олдинги ёки унга боғлиқ бўлмаган билимларни шундай деб аташ қабул қилинган.

Ўз теварак-атрофидаги оламни билиш инсон учун, энг аввало, тажрибадан, яъни ҳиссий туйғулар асосида бошланади. Бироқ эмпирик билим тўлиқ эмас, чунки у ўрганилаётган предмет (буюм) нинг ташқи белгилари – ранг-туси, вазни ва ҳоказолар ҳақида тасаввур беради, холос. Фақат ақл-идрок ёрдамидагина предмет моҳиятини билиш, унинг ички хусусиятлари ва сабабларини аниқлай олиш мумкин. Билишнинг бундай турини И. Кант **априор билиш** деб атаган. **«Ақл-идрок билан билиш ва априор билишнинг моҳияти бир хил»**, деб ёзган эди у.

Инсоннинг ахлоқий-хулқ муаммоларини кўриб чиқадиган Кант **амалий фалсафаси** ўзгача постулатлар асосига қурилган. **Амалий фалсафанинг таркибий қисмлари – ҳуқуқ этикаси ва таълимотида асосий роль априор ғояларга тегишли.** Агар табиатни билишда, деган эди И. Кант, «тажриба ҳақиқат манбаи сифатида хизмат қилса», унда ахлоқ қоидаларини одамлар ўртасидаги мавжуд муносабатлардан чиқариб ташлаб бўлмайди. Шунинг учун табиий фанларга ўхшаш бўлган ахлоқ ва ҳуқуқ илмий назариясини амалда яратиб бўлмайди.

Ахлоқий фалсафанинг вазифаси ақл-идрокдан келиб чиқиб, инсон ўз эмпирик ҳаётида амал қилиши лозим бўлган умумий ахлоқ қоидаларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Умумий адолат мезони қандай бўлиши тўғрисидаги саволга, «агар эмпирик асосларни вақтинча холи қўйиб, ҳукм манбаини ақл-идрокнинг ўзидангина излаб кўрмаса», юрист ҳеч қачон бас кела олмайди. Мана шу шартларга риоя этилгандагина, этика билан фалсафа бир бўлиб, фанга айланади.

И. Кант томонидан ишлаб чиқилган танқидий рационализм методологияси XVIII аср маърифатчилари илгари сурган рационализм концепцияларидан жиддий ажралиб турган. И. Кант улар билан, энг аввало, инсоннинг онгли табиати талқинида келиша олмаган. Унинг қарашларига кўра, ақл-идрок инсоннинг алоҳида

хусусияти сифатида буткул индивидда эмас, балки инсон зотида авлодларнинг бирин-кетин алмашиниб турадиган кўз илғамас сафларида ривож топади. **Кант таълимотида маърифат илк бор инсон маданий тараққиёт туфайли табиатга қарамликни енгиб, озодликка эришадиган умумжаҳон тарихий жараён сифатида талқин этилган.** И. Кант, шунингдек, маданиятни такомиллаштиришда, гарчи кўпчилик инсоният тараққиётининг умумий ривожини англамай, ўз мақсадларинигина кўзлаб, онгсиз равишда ҳаракат қилсалар ҳам, бутун авлодлар иштирок этажагини уктириб ўтган. Бундан келиб чиқадиган хулоса: **онглилик мавжуд амалиёт умумлашмаси эмас, балки ўсиб бораётган маданият натижасидир.**

Ушбу ғояларнинг асослаб берилиши ижтимоий қонунларнинг ўзига хос хусусиятларини англаш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлган. Айниқса, мазкур қонунлардан бири одамларнинг субъектив ўй-фикрлари, ният-мақсадлари тарихнинг объектив хулосаси билан мос келмаслигини кўрсатади. Кант фалсафий назарияси, албатта, кейинги мутафаккирлар томонидан турлича шарҳланиб келинган. У ҳам ижтимоий жараён диалектикаси, ундаги тарихийлик ва мантиқийлик (Хегел, Маркс)нинг ўзаро муносабати ҳақидаги таълимотларнинг, ҳам табиий ва ижтимоий фанларни қарама-қарши қўювчи концепцияларнинг манбаи бўлиб хизмат қилган. **Кантшуносликнинг ўн иккита турли хил мактаблари мавжуд.**

И. Кант рационализмининг яна бир хусусияти шундаки, у ахлоқ ва ҳуқуқни назарий билимлар доирасидан чиқариб ташлашни рад этган. Бу жиҳатдан **И. Кант Ж.Ж. Руссо асос солган демократик анъана изидан борган.** У Руссонинг барча кишилар ҳеч қандай истисноларсиз ахлоқ тарқатувчилар бўла олишлари мумкинлиги ҳақидаги гоясини қабул қилган, лекин Ж.Ж. Руссонинг ахлоқ манбаи хусусидаги нуқтаи назарини қайта қараб чиққан. **И. Кант фикрича, ахлоқий ва ҳуқуқий қонунлар манбаи сифатида амалий идрок ёки одамларнинг эркин хоҳиш-иродаси намоён бўлади.** Бундай ёндашувнинг янгилиги шунда эдики, у руссошуносликнинг демократик мазмунини сақлаган ҳолда, этика ва ҳуқуқ асосларининг рационалистик усулларини тиклаш имконини ҳам берган.

Инсон умумбашарият олдида ўз масъулиятини англаш даражасига кўтарилгандагина, ахлоқий шахс бўлишга қодирдир, деган эди И. Кант. Модомики, одамзод инсон сифатида ўзаро тенг экан, ҳар бир индивид бошқа бир шахс учун мутлақ маънавий қадрият саналади. Шундай қилиб, И. Кант этикаси худбин ният-

мақсадлар устидан умуминсоний устунликни улуглаб, шахснинг дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар учун маънавий масъул эканлигини таъкидлаган.

И. Кант мазкур тамойилларга таяниб, ахлоқий қонун тушунчасини изоҳлаб берган. Маънавий шахс замон ва макон шарт-шароитларига боғлиқ бўлган гипотетик (шартли) қоидаларга суяна олмайди, деб ҳисоблаган у. Ўз хатти-ҳаракатида у (яъни шахс) қатъий (муқаррар) императив талабларга амал қилмоғи лозим. Гипотетик қоидалардан фарқли ўлароқ, **қатъий императив** у ёки бу муайян ҳолатда қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида кўрсатма бермайди, бинобарин, расмий, юзаки ҳисобланади. У фақат «инсоният олдидаги бурч»нинг умумий ғоясини ўз ичига олади ва шахсга, қандай хатти-ҳаракат ахлоқ қонуни билан энг юқори даражада мос кела олади, буни мустақил равишда ҳал қилиш учун тўла эркинлик беради. **И. Кант қатъий императивни ахлоқ эркинлиги қонуни, деб атаган ва бу тушунчаларни синоним (маънодош сўз)лар сифатида қўллаган.**

И. Кант қатъий императивнинг қуйидаги икки асосий таърифини келтирган:

биринчиси: «Шундай йўл тутгинки, хатти-ҳаракатинг меъёри умумий қонун бўла олсин» (меъёр бу ерда шахсий хатти-ҳаракат қоидасини англатади);

иккинчиси: «Шундай йўл тутгинки, инсониятга нисбатан ҳар доим ўз номингдан ва бошқа ҳар ким номидан ҳам, ҳеч қачон восита сари эмас, мақсад сари интилгандек муносабатда бўл».

Таърифлар маъно жиҳатидан фарқ қилса-да, моҳиятан улар бир-бирига яқин – уларда шахс шаъни ва қадр-қиммати ҳамда ахлоқий онг автономияси (ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи) ғоялари мужассам.

И. Кант ҳуқуқий назарияси этика билан чамбарчас боғлиқдир. Бу унда ҳуқуқ ва ахлоқ манбаи **(инсон амалий идроки)** ва мақсади **(умумий эркинлик)** ҳам бир хил эканлиги билан изоҳланади. И. Кант улар орасидаги тафовутни хатти-ҳаракатлар мажбурияти усулида аниқлаган. Ахлоқ инсоннинг ботиний истак-майллари ва ўз бурчини англашига асосланган, ҳолбуки, у шунга ўхшаш хатти-ҳаракатларни таъминлашда бошқа шахслар ёки давлат томонидан бўладиган ташқи мажбуриятлардан ҳуқуқ сифатида фойдаланади. Ахлоқ соҳасида умуммажбурий нормалар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, ваҳоланки, **ҳуқуқ мажбурий куч томонидан таъминланган қонунчилик мавжуд эканини зарурат сифатида эътироф этади.**

И. Кант ҳуқуқ ва ахлоқ муносабатларига тўхталиб, ҳуқуқий қонунларни ахлоқнинг ўзига хос биринчи босқичи (ёки минимуми) деб таърифлаган. Агар жамиятда ахлоқий қонунларга ҳамоҳанг ҳуқуқ устувор бўлса, бу – одамлар хулқ-атвори қатъий, ниқ ва яққол белгиланган, шунинг учун ҳам бир шахснинг эркин хоҳиш-иродаси бошқалар озодлигига зид келмайди, демакдир. Шу сингари муносабатлар буткул ахлоқий саналмайди, чунки индивидлар бурч тақозосига кўра эмас, балки бутунлай бошқа сабаблардан – шахсий фойдани кўзлаб ёки жазодан қўрқиб ва ҳокимдан келиб чиқиб иш кўрадилар. Бошқача қилиб айтганда, **ҳуқуқ одамлар ўртасида зоҳиран мақбул, маданийлашган муносабатларни таъминлайди,** бироқ улар ўзаро менсимаслик, ёқтирмаслик ва ҳатто бир-бирларига нисбатан нафрат ҳолатида ҳам бўлишлари мумкин. Ёлғиз (ахлоқсиз) ҳуқуқнинг ўзи ҳукмрон бўлган жамиятда шахслар ўртасида «тўлиқ антагонизм» (қарама-қаршилик, иддият) сақланиб қолади.

И. Кант бошқа йирик файласуфлар (Г. Хегел, Ф. Шеллинг, Й. Фихте) билан бир қаторда, энг аввало, азалий фалсафий материя – билиш соҳаси, этика, дунё тузилиши масалаларига тўхталган буюк фалсафий бурилишни амалга оширган. Бундай фалсафий ўзгаришнинг, табиатшуносликдаги ўзига хос **«коперникона кескин бурилиш»нинг** марказий нуқтаси, бу – Кант сўзлари билан айтганда, «метафизикада илгари мавжуд бўлган тафаккур усулини ўзгартириш, геометрия мутахассислари ва табиатшунос олимлардан ибрат олиб, айнан унда тўлиқ инқилобни амалга ошириш»[1] йўлидаги уринишдир.

И. Кант шунчаки классик файласуфлардан бири эмас, балки фалсафага Янги замон талабларига мос келадиган мустақил фан мақомининг берилишига ҳал қилувчи ҳисса қўшган фалсафа инқилобининг асосчисидир. Кант фалсафий-ҳуқуқий таълимоти **«инсониятнинг маънавий тараққиётида фалсафий тафаккур эришган энг буюк ютуқлардан бири»**[2] сифатида ўзининг муносиб баҳосини олган.

И. Кант томонидан критицизм асосида ишлаб чиқилган фалсафий тизимда ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги таълимот муносиб ўрин эгаллаган. Бу – унинг ижодидаги муҳим таркибий қисмлардан биридир. Ўзининг **«Амалий идрок танқиди»** (1788),

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 3. – М., 1964. С. 91.

[2] *Ойзерман Т. И.* Этикотеология Канта и ее современное значение // Вопросы философии. 1997. №3. С. 106.

«Умумжаҳон фуқаролик нуқтаи назарида умумий тарих ғояси» (1784), **«Абадий тинчлик сари»** (1795), **«Урф-одатлар метафизикаси»** (1797) каби асарларида И. Кант бугунги кунда ҳам долзарб бўлган янги ҳуқуқий ва ахлоқий қарашларнинг бутун бир тизимини таклиф қилиб, ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги таълимотни асослаб берган. **Кант фикрича, ҳуқуқ нормаларида этикадан фарқли равишда фақат кишилар ўртасидаги ташқи муносабатлар кўзда тутилади.**

И. Кант амалий фалсафаси асосини идрок автономияси концепцияси, соф амалий идрок мустақил қонунчилиги тўғрисидаги таълимот ташкил этади. И. Кант амалий фалсафаси унинг ҳуқуқ ва абадий тинчлик ҳақидаги таълимотининг ғоявий негизи ҳисобланади. Мазкур таълимотда Кант абадий тинчлик концепциясининг ғоявий асосини ташкил қиладиган унинг ҳуқуқ фалсафаси мужассамдир. Ижтимоий шартнома назарияси бошқа бир ғоявий негизни ташкил қилади. Ҳуқуқий ҳолатни таъминлашга қаратилган ҳаракат устувор йўналиш саналади, унинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, ҳуқуқ ҳукмронлиги;

иккинчидан, хавфсизлик;

учинчидан, тинчлик.

Шундай ҳолат сари йўналтирилган ҳаракат бевосита ҳуқуқий бурч ҳисобланади. Онгли мавжудот ўзининг ташқи эркинлигида фақат ҳар томонлама амал қиладиган қонунлар билан боғлиқ бўла олиши мумкин. Шунинг учун у ана шундай умумий, универсал қонунчилик сари олиб борадиган шарт-шароитлар ҳуқуқига эга. **Бутун дунёда тинчлик ҳуқуқий ҳолатни саклашнинг бевосита шартидир. И. Кант таклиф қилаётган тинчлик – нафақат исталган, орзу қилинган ҳолат, балки, энг аввало, қатъий ҳуқуқий талаб ҳамдир.**

И. Кант халқлар иттифоқи тузишнинг зарурат эканига астойдил ишонган. У ўзининг **«Умумжаҳон фуқаролик нуқтаи назарида умумий тарих ғояси»** асаридаёқ халқлар давлати доирасида умумжаҳон фуқаролик оммавий ҳолатига эришиш зарурлигини кўрсатиб ўтган. **«Эҳтимол, бу назарий жиҳатдан тўғридир, бироқ амалиёт учун ярамайди» «матали тўғрисида»** номли асарида ҳам худди шундай йўл тутган. Кейинчалик ёзилган **«Абадий тинчлик сари»** деб номланган классик асарида И. Кант илк асарларида билдирган фикрларидан фарқли ўлароқ, **жаҳон сиёсий тузуми концепциясини янада батафсилроқ баён қилиб берган.** И. Кант

шартнома исботи йўлида глобал миқёсдаги табиий ҳолатни енгиб ўтиш зарурлигини маълум қилар экан, деспотизм (зулм, истибдод) ҳанфи мавжудлиги сабаб, ягона унитар жаҳон давлати моделини рад этган.

Давлат суверенитети (мустақиллиги) акидаси И. Кантни, шунингдек, жаҳон республикасининг ижобий ғоясидан ҳам воз кечиб, маънавий конфедерация бўлиб уюшган халқ иттифоқи гоясига мурожаат қилишга мажбур этган. Шартноманинг амал қилиши давлатларнинг ўз маънавий эҳтиёжини чеклашларига асосланган бўлиши лозим. Кантнинг ўзгартирилган нуқтаи назари **«Ҳуқуқий таълимотнинг метафизик асослари» асарида** сақлаб қолинган. Бизнинг фикримизча, таҳлилда «Абадий тинчлик»даги нафақат эмпирик хулосалар билан, балки жиддий фалсафий-ҳуқуқий далиллар билан мустаҳкамланган кейинги фикрларни ҳам инобатга олиш зарур.

И. Кантнинг давлат тўғрисидаги фалсафий таълимотида асосий фикр шундан иборатки, инсон нафақат ўз-ўзига, балки ижтимоий институтларга, юридик қонунларга ҳам умид боғлайди. Унинг гояларининг назарий манбаи – **Ж. Ж. Руссо** қарашларидир. **Давлат назариясининг бош тушунчаси – фуқаролар эркинлиги тушунчасидир.** И. Кант фуқаролар тенглиги ва фуқаролар мустақиллиги тамойилларини у билан ёнма-ён қўйган. У вакиллик республикасини давлатларнинг идеал (мукаммал) шакли деб ҳисоблаган. И. Кант зулмга кескин қарши, зулмдан қутулиш учун у қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятларига бўлиниш ҳақидаги фикрида собит турган.

Абадий тинчлик ғояси – И. Кантнинг инсонпарвар ҳуқуқ фалсафасида якуний бўғин ҳисобланади. Қонунлар устувор бўлган жамиятда тинчлик ҳукм суради. **Абадий тинчлик, бу – жамият ҳаётидан урушни батамом чиқариб ташлаш демакдир.** Уруш ўзининг офат, мусибатлари, вайронагарчиликлари билан инсониятнинг ўсиб бораётган тараққиётига тўсқинлик қилади. Маънавий-ахлоқий онг-идрок урушларни қоралайди, шунинг учун маданият ва инсонпарварлик ривож топиб борар экан, урушлар буткул барҳам топмагунга қадар, тобора камайиб бораверади.

Дунё фуқароси сифатида И. Кант давлатларнинг чексиз куролланиши тинчлик учун жиддий хавф-хатар эканини таъкидлаган, чунки қуролланиш ва армиялар сақлаш учун сарфланаётган улкан маблағлар, ҳарбий куч-қудратни ошириш учун давлатлар ўртасида бўлаётган рақобат охир-оқибат урушларни келтириб чиқариши муқаррар, деб ҳисоблаган.

Кант фикрича, инсоният олдида абадий тинчликка эришишнинг икки йўли мавжуд: бири – урушларни тақиқловчи шартномавий йўл, иккинчиси эса – қиргин-барот урушлардан сўнгги умумжаҳон мозоридаги «абадий тинчлик»дир.

И. Кантни Суқрот билан қиёслашади, чунки унинг фалсафаси инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган. Эллин (қадимги юнон) донишманди фалсафани биринчи бўлиб самодан қуйига туширган ва ер юзида қарор топдирган, коинот билан эмас, одамзод муаммоси билан машгул бўлган. **И. Кант учун ҳам инсон муаммолари биринчи ўринда турган.** У коинотни ҳам унутмаган, лекин **асосий масала – инсон деб билган.** И. Кант ҳаёт қонунлари хусусида фақат биргина: **одамда инсонпарварлик бўлсин, деган мақсадни кўзлаб фикр юритган.** Одамлар яхшироқ яшасин, деган. Қон тўкилмасин, хаёлпарастлар хомхаёл билан бошини қотирмасин, деган. И. Кант ҳамма нарсани ўз номи билан атаган.

Ҳуқуқ-тартибот ва ошкоралик, инсоннинг табиий ҳуқуқлари ва ҳуқуқий давлат ҳамда инсониятнинг омон қолиши учун курашнинг Кант асослаб берган назарияси XXI аср бошида ҳам ниҳоятда долзарбдир, чунки у юксак инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кундаги мавжуд фалсафа мушоҳадаларнинг деярли барча кўринишлари у ёки бу тарзда И. Кант даҳосига мансуб бўлиб чиқади. Унинг ғоялари трансформация (бир шаклдан бошқа шаклга ўтиш, ўзгариш) жараёнини бошдан кечирганига қарамасдан, ҳамон яшаб келмоқда, ҳамон барҳаёт.

И. Кантнинг бой ва кўп қиррали ижоди қуйидаги файласуфларнинг дунёқарашини шаклланишига катта таъсир кўрсатган: Рейнгольд, Якоби, Мендельсон, Гербарт, Соломон Маймон, Фихте, Шеллинг, Гегель, Шопенгауэр, Фриз, Гельмгольц, Коген, Наторп, Виндельбанд, Риккерт, Риль, Файхингер, Кассирер, Гуссерль, Хайдеггер, Пирс, Витгенштейн, Апель, Стросон, Куайн.

Кант таълимоти билан яқиндан танишиш – умуман фалсафани ўрганишда яхши натижалар беради. Чунки у бизни мустақил фикрлашга ўргатади.

3. Иммануил Кантнинг ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги қарашлари – унинг фалсафий таълимотининг таркибий қисми

И. Кантнинг ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги таълимотини фақат унинг яхлит, бир бутун фалсафий тизими ғояларидан келиб чиқиб, тушуниш мумкин. Бунда унинг фалсафасидаги умумий дуализмни И. Кант томонидан олиб борилаётган **«назарий»** ва **«амалий»** идрок ўртасидаги карама-қаршиликлар, билиш, ирода ва тафаккур соҳасини, ўз хатти-ҳаракатида ахлоқий қонунга онг, ақл-идрокимизнинг қатъий императиви сифатида амал қилишга қодир кишиларнинг ҳаракатларини тушуниш муҳим аҳамият касб этади.

И. Кантнинг ҳуқуқ ва давлат масалаларига бағишланган муҳим асарлари XVIII асрнинг сўнгги йилларига тааллуқлидир (1793–1798). Бу давр эски тузумни ағдариб ташлаб, унинг хароба лари ўрнида янги давлат барпо қилган француз инқилобининг шиддатли воқеалари билан характерланади. Германияда француз инқилобининг бевосита таъсири остида мавжуд давлат ва ҳуқуқий тизимни ўзгартириш муаммолари диққат-эътиборни ўзига жалб эта бошлаган. Мазкур масалалар ечими И. Кант томонидан яратилган **трансцендентал фалсафа** асосларидаёқ ўз ифодасини топган[1].

«Соф идрок танқиди» асарида И. Кант билиш жараёнида инсоннинг ирода эркинлиги мавжудлигини исботлаш мумкин эмас, деган хулосага келган. Бироқ инсоннинг ирода эркинлиги, унинг таълимотига кўра, «амалий идрок» соҳасида тўлиқ намоён бўлади.

Маълум даражада лозим бўлган инсон ахлоқига оид тартиб-қоидаларни Кант императивлар деб атаган. Императивлар қатъий ва гипотетик бўлиши мумкин. **Гипотетик императивлар** тажрибадан олинади; улар муайян эмпирик мақсадлар, масалан, шахсий бахт-саодатга эришиш йўлидаги интилишларга сабаб бўлади. Лекин бу инсон иродасини белгилаши лозим бўлган асосий нарса эмас. **Гипотетик императив билан бир қаторда инсон ахлоқига доир қатъий императив ҳам мавжуд.**

Қатъий императив ахлоқий қонун ҳисобланади. Бу – қандайдир хусусий, шахсий мақсадларни кўзламаган онгнинг ўз-ўзидан мутлақ ҳукми, эркин ирода соҳиби бўлган онгли мавжудот – инсоннинг муносиб ахлоқи тўғрисидаги қатъий талабидир. **Қатъий императив ҳар қандай инсон зотининг ақл-идроки, онгида**

---

[1] **Қаранг:** *Болтаев М.Н.* Кант ва трансцендентал фалсафанинг асосланиши / Масъул муҳаррир Н.И. Жабборов. Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2006. 18–32-бетлар.

туғилади ва шу сабабли ҳамма ва ҳар бир киши учун бурч ва ирода нуқтаи назаридан муқаррар аҳамият касб этади.

Қатъий императив инсондан ўз хатти-ҳаракати ва муомаласида қуйидаги қоидага сўзсиз риоя қилишни талаб этади: **«Фақат ўз қоидангга мувофиқ ҳаракат қил, унга риоя қилиб, айни пайтда унинг умумий қонунга айланишини хоҳлашинг мумкин»**[1]. Ахлоқий қонун тушунчаси ирода эркинлигининг икки: салбий ва ижобий белги – аломати борлигига асосланади.

Ирода эркинлигининг салбий белгиси унинг эмпирик оламда ҳукм сурадиган заруриятга боғлиқ эмаслиги билан характерланади. **Ирода эркинлигининг ижобий хусусияти** шундаки, ирода ўзи белгилаган қонун – ахлоқий қонунга мувофиқ ҳаракат қилиши мумкин. Ирода эркинлигини табиат қонунлари орқали изоҳлаб бўлмайди. Бу – шундай идрок тушунчаси-ки, унинг объектив реаллигини билиш жараёнида тасдиқлаш мумкин эмас. Бироқ унинг ўзида табиий инстинктлар ёки қандайдир бошқа эмпирик таъсиротларга қарамасдан, ҳаракат имкони борлигини англайдиган ҳар қандай онгли мавжудотда бўлиши шартдир.

Инсон ирода эркинлигига эга бўлган онгли мавжудот сифатида И. Кант таълимотида ўз-ўзидан мақсад ҳисобланади. Шу муносабат билан қатъий императивга қуйидаги ўзгача таърифни ҳам бериш мумкин: **«Шундай ҳаракат қилгинки, ҳамиша инсониятга ўз номингдан ва бошқа ҳар ким номидан ҳам мақсадга бўлгани каби ва унга ҳеч қачон фақат воситага муносабатда бўлмаганингдек, мансуб бўлгин»**[2]. Қатъий императивнинг мавҳум шаклдаги талаби инсон шахсияти шаънига ҳурмат билан қарашни, инсон тенглиги ва эркинлиги ғояларини ифодаларди. **Кантнинг ушбу объектив тарихий ғоялари классик либерализмнинг ўзига хос ифодасидир.**

Шуни таъкидлаш керакки, **И. Кантнинг ахлоқ тўғрисидаги таълимоти динни эмас, балки инсон тафаккурини ўз манбаи деб билган.** Ахлоқ тўғрисидаги бундай фикр фалсафа ва фан тараққиёти – маърифат даврининг умумфалсафий ғоялари изидан борган. И. Кант **«Амалий идрок танқиди»** асарида худонинг мавжуд эканлигини исботлаш мумкин эмаслигини кўрсатиб ўтган. Тўғри, амалий идрок тўгрисидаги таълимотда худо ахлоқ постулатларидан бири сифатида келтирилган. Бироқ И. Кантнинг ахлоқ тизимида худонинг роли бирмунча оддий, камтарона

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 1. – М., 1965. С. 260.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 1. – М., 1965. С. 270.

ифода этилган. Худо – ахлоқнинг қонун чиқарувчиси эмас, балки дунёдаги ахлоқий тартибот реал имкониятларининг ўзига хос кафолатидир.

И. Кант **«Амалий идрок танқиди»** асарида ахлоқ қоидаси бевосита амалга ошириш иродасини белгилайдиган ахлоқий хатти-ҳаракат билан қонуний хатти-ҳаракатни бир-биридан ажратиб берган, гарчи иккинчиси ҳам ахлоқий қонунга мувофиқ, лекин қандайдир баъзи бир ҳиссий сабабларга кўра амалга оширилган бўлса ҳам[1]. Инсон хатти-ҳаракатининг ахлоқийлиги билан қонунийлиги ўртасидаги тафовут И. Кант **«Урф-одатлар метафизикаси»** асарининг икки қисмга бўлинишига олиб келган:

биринчидан, қатъий императив талабларига қонуний амал қилиш кўринишидаги ҳуқуқ соҳаси;

иккинчидан, ахлоқий қонунга маънавий риоя этиш кўринишидаги ахлоқ, эзгулик соҳаси.

Лекин **қатъий императив талаблари И. Кант фалсафасида ҳам эзгулик ҳақидаги таълимотга, ҳам ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотга асос бўлган.** Ахлоқий қонунга ҳуқуқий амал қилиш кишиларнинг ўзаро муносабатлари соҳасигагина тааллуқли бўлиши мумкин, холос.

И. Кант фикрича, идрок эркинлиги расман, энг аввало, шахснинг қандайдир эмпирик таассуротлардан чалғиб, ихтиёрий хатти-ҳаракат қилиш қобилияти орқали ифодаланади. У, шунингдек, ҳар бир шахс онгида ахлоқий қонуннинг мавжуд эканлигига қарамасдан, инсон ахлоқий қонунга хилоф равишда ўзбошимчалик қилиши мумкинлигини ҳам истисно қилмайди. Шунга кўра, маълум бир шахс ўзбошимчалиги бошқа кишиларнинг шунга ўхшаш хатти-ҳаракати билан ўзаро тўқнашиши ва бу билан уларнинг эркинлиги бузилиши ёки барҳам топиши ҳам мумкин. Шу сабабли, ҳеч ким бошқаларнинг эркинлигига рахна солмаслиги учун ҳар бир шахснинг ўзбошимча хатти-ҳаракати жамият томонидан муайян даражада чеклаб қўйилмоғи зарур. Шундай шарт билангина эркинлик ўз номига мос бўлади. Бу вазифани, И. Кант фикрига кўра, ҳуқуқ бажаради. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқ алоҳида, айрим шахсларнинг шундай ҳаракат ва муомаласигагина йўл қўйиши лозимки, у зоҳиран ахлоқий қонун талабларига тўғри келсин. Шунинг учун ҳуқуқ (умумҳуқуқий қонун) соҳасидаги қатъий императив қуйидагича жаранглайди: **«Зоҳиран шундай ҳаракат қилгинки, ихтиёрий**

[1] Ўша жойда, 396 б.

ўзбошимчалигинг ҳар кимнинг эркинлигига тўғри келсин ва умумий қонунга мувофиқ бўлсин»[1].

Мазкур талабни амалга ошириш учун ҳуқуқ мажбурлов кучига эга бўлиб, ўз талаблари ижросига эришиши, ҳуқуқбузарликка тўсқинлик қилиши ва қонун дахлсизлигини таъминлаши зарур. Бусиз ҳуқуқ кучсиз бўлиб қолган, умумий қонун шаклидаги қатъий императив муқаррар аҳамиятга молик бўлмаган, оқибатда ҳуқуқбузарликка кенг йўл очиб берилган бўлар эди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, **ҳар қандай ҳуқуқ мажбурлов ҳуқуқи ҳисобланади. Мажбурийлаш куч эгаси эса, давлатдир.**

Шундай қилиб, **давлат қатъий императив талабларидан келиб чиқиб мавжуддир. Давлатнинг асосий вазифаси ҳуқуқ муҳофазаси ва адолатни амалга оширишдан иборат бўлмоғи лозим. Адолат – давлатнинг етакчи ғояси ҳисобланади.** Шу туфайли ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қатъий императив талабларига мувофиқ, инсонга қандайдир манфаатпарастлик мақсадларига эришиш учун восита деб эмас, балки унга ўз-ўзидан мақсад деб қаралади.

Инсоннинг табиий ҳуқуқлари сингари табиий ҳуқуқ назарияси француз инқилобини ғоявий жиҳатдан тайёрлашда муҳим роль ўйнаган. У феодализм асоратидан халос бўлишда шахс озодлиги талабларининг мафкуравий ифодаси бўлган. **Табиий ҳуқуқ назарияси барча кишиларнинг расман тенглиги ва озодлиги, ҳар бир инсон шахсияти шаънига ҳурмат-эҳтиром ғоялари билан сугорилган**.

И. Кантнинг табиий ҳуқуқ назарияси ҳам худди шундай гоялар билан йўғрилган. Лекин у ўзидан олдинги француз табиий ҳуқуқ назариясидан ҳам назарий, ҳам сиёсий жиҳатдан ажралиб турган. Назарий жиҳатдан у И. Кантнинг бутун танқидий фалсафаси асослари билан боғлиқ бўлиб, бевосита қатъий императивнинг идрок ахлоқий ҳукми сифатидаги талабларига таянган. Сиёсий жиҳатдан ўша даврдаги иқтисодий ва сиёсий заиф, **Ж. Ж. Руссо** ва унинг издошларининг табиий-ҳуқуқий доктринасига хос бўлган фаол инқилобий руҳдан маҳрум Германиянинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирган.

И. Кантнинг ҳуқуқ фалсафаси табиий ҳуқуқ назариясидан иборатдир, чунки унда тегишли ҳуқуқ ҳақида сўз боради ва унга онг, идрок талабларига мос равишда интилиш зарур бўлади.

И. Кант сиёсий-ҳуқуқий гоялари мажмуини тушуниш учун унинг Ж. Ж. Руссо сиёсий-ҳуқуқий назариясига бўлган

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 140.

муносабатини назарда тутиш лозим. И. Кант Ж.Ж. Руссо томонидан илгари сурилган ва ўз даврида француз инқилобининг талабларидан бири – халқ суверенитети ғоясининг назарий асоси бўлиб хизмат қилган **«ижтимоий шартнома»** ғоясидан ўзига хос тарзда фойдаланган. **И. Кант «ижтимоий шартнома»га фуқаролик жамияти ва давлатнинг асоси сифатида қараган.** Бироқ И. Кант «ижтимоий шартнома»ни тарихий воқеа сифатида эмас, балки ҳуқуқ институтларини уларнинг қатъий императив талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан тартиб-қоидага солувчи ғоя сифатида талқин этган.

И. Кант фикрича, халқ ўзи ҳақида қабул қила олмаган қарорни халқ хусусида қонун чиқарувчи ҳам қабул қила олмайди[1]. Бу тарихий жиҳатдан ниҳоятда демократик ғоя эди. Адолатсиз қонун сифатида И. Кант шундай қонунни келтирадики, унга мувофиқ гўё қандайдир фуқаролар синфи хўжайин ҳукмдорлар табақаси имтиёзларидан мерос сифатида фойдаланишлари мумкин[2]. И. Кант дворянларнинг мерос тариқасидаги имтиёзларига қарши чиқиб, уларни бошланғич шартномада ифодаланган умумхалқ иродасига зид деб ҳисоблаган. **«Абадий тинчлик сари»** номли асарида у шундай деб ёзган: **«Бунга дастлабки шартномада ифода этилган умумхалқ иродаси (айнан мана шу ирода барча ҳуқуқлар асосидир) ҳеч қачон рози бўлмайди. Чунки томирида аслзода қони оққани билан одам олижаноб бўлиб қолавермайди»[3].** Шундай қилиб, Кант ўз кўз ўнгида кечган, мерос ҳукмдорлар табақаси – феодал дворянларни йўқ қилган француз инқилобининг мазмун-моҳиятини оқлаб, тўғри деб топган.

И. Кант қабул қилинишига халқ ўзи розилик берган қонунгина адолатлидир, деб ҳисоблаган. Бунда у халқнинг ўз подшоҳига нисбатан дахлсиз ҳуқуқларини назарда тутган, шу билан бирга, халқ уларни бажаришга мажбур эмас, деган фикрда бўлган. Мазкур қоидани И. Кант 1793 йилдаёқ ўзининг **«Эҳтимол, бу назарий жиҳатдан тўғридир, бироқ амалиёт учун ярамайди» матали тўғрисида»** номли мақоласида баён қилган. И. Кант фикрига кўра, фуқаронинг ажралмас ҳуқуқларидан унга подшоҳнинг жамият ҳақидаги қайси фармойишлари адолатсиз бўлиб туюлаётгани хусусидаги ўз фикрини очиқ-ойдин билдириш ҳуқуқи келиб чиқади. Шунинг учун **И. Кант матбуотнинг сўз эркинлигига «халқ**

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 96.

[2] Ўша жойда, 82 б.

[3] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 268.

ҳуқуқлари учун ягона палладиум (муқаддас, табаррук нарса)»[1] сифатида қараган.

И. Кант ўзининг умумий сиёсий-ҳуқуқий қарашларини 1793 йилда қуйидагича ифодалаган эди: **«Ҳар қандай жамиятда (тўлиқ кўзда тутилган) мажбурий қонунлар бўйича давлат тузуми механизмига итоат қилиш керак, лекин шу билан бирга, эркин рух ҳам зарур, чунки умуминсоний бурч масалаларида ҳар ким бундай мажбуриятнинг қонуний эканлигига ишонч ҳосил қилишни истайди, акс ҳолда у ўз-ўзи билан зиддиятга киришиши мумкин»[2].**

И. Кант ҳокимият ваколатларининг бўлиниш ғоясини жамиятни давлат томонидан тузишнинг асосий тамойили сифатида қизгин ҳимоя қилган. Бу жиҳатдан у XVIII аср француз мутафаккирлари изидан борган. **Ҳокимиятлар бўлинишига И. Кант ижтимоий адолат ва фуқаролар эркинлиги кафолати сифатида катта аҳамият берган.** Бир-биридан фарқ қиладиган учала (қонунчилик, ижро ва суд) ҳокимият туфайли давлат «автономия»га эга бўлади, яъни ўз-ўзини тузади ва ҳуқуқий асослар, эркинлик қоидаларига мувофиқ қўллаб-қувватлайди. **«Давлат равнақи, фаровонлиги шунда, унга интилишни онг-идрокимиз қандайдир қатъий императив орқали зиммамизга юклайди»[3].**

Халқ вакиллигини И. Кант қонунчилик ҳокимиятининг энг адолатли шакли деб ҳисоблаган. Қонунчилик ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этадиган шахслар давлатнинг фаол фуқаролари саналади. Бундай фуқаро бўлиш учун қуйидаги энг муҳим хусусиятларга эга бўлмоқ лозим:

биринчидан, ҳар бир кишининг бошқа қонунга бўйсунмаслик, бундан ташқари, ўзи розилик берган қонун асосидаги эркинлик;

иккинчидан, қонун олдида фуқаро сифатида тенглик, яъни жамиятнинг ҳар бир аъзоси бошқаларга нисбатан баравар, фақат жамият раҳбарига дахлсиз бўлган мажбурий ҳуқуқларга эга бўлиш;

учинчидан, фуқаро сифатида мустақиллик, яъни ўз иши, касб-кори ва ҳуқуқлари нуқтаи назарида қарам эмаслик.

Охирги хусусиятга биноан И. Кант моддий жиҳатдан бошқа шахслар иродасига тобе, бошқалар буйруғи ва ҳимоясига мухтож бўлганларни тўла ҳуқуқли фуқаролар сафидан чиқарган. Шу тариқа, у тўла ҳуқуқли фаол фуқаролар сафидан шогирдлар, приказчик

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 95.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 97.

[3] Ўша жойда, 240 б.

(ишбошилар, оброк (ўлпон) тўловчи деҳқонларни, уй хизматчилари ва хоналарни, «табиий хусусиятлари»га кўра эса – аёллар, хотинкизлар ва вояга етмаганларни чиқариб ташлаган[1]. Бу фуқаролар сайлов ҳуқуқидан маҳрум; қолган жиҳатлар бўйича бошқалар билан тенг ва озод бўлганлар.

Гарчи И. Кант ўзининг «ҳуқуқий давлат» назариясида умумий сайлов ҳуқуқини ҳимоя қилмаган бўлса-да, шунга қарамасдан И. Кант томонидан илгари сурилган қонунчилик ҳокимиятида иштирок этиш имкониятини чеклашлар аслида 1791 йилги француз Конституцияси томонидан қайта тикланган. Ҳатто энг радикал француз Конституцияси (1793) ҳам уй хизматчиларини сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилган. И. Кантнинг мазкур қарашлари фуқаролар расман тенглигининг демократик тамойилига зид бўлган, бироқ XVIII аср охиридаги Пруссия монархиясининг муайян тарихий шароитида уларни реакцион деб атаб бўлмасди.

Ҳокимият ваколатлар бўлинишининг тарафдори бўлган И. Кант ижро ва қонунчилик ҳокимиятларининг битта қўлга ўтиши муқаррар тарзда қонунларнинг ҳоким манфаатлари йўлида ўзгаришига ва ижтимоий адолатнинг барҳам топишига сабаб бўлади, деб ҳисоблаган. Бундай шароитда давлатнинг ҳуқуқ тамойиллари асосида мавжуд бўлиши амри маҳол. Худди шундай суд ҳокимияти на қонунчилик, на ижро ҳокимияти билан аралашиб кетмаслиги лозим. Бундай аралашувда ижтимоий адолатни амалга ошириш имконияти истисно қилинади.

И. Кант одил судловнинг демократик шаклини қўллаб-қувватлаган. Халқ суд ишини шу мақсадни кўзлаб сайланган вакиллари сифатидаги ўз фуқаролари орқали кўриб чиқиши лозим. Бу – суд қарори ижтимоий адолат ҳужжати бўлишлиги учун муҳимдир.

Республика ҳақида орзу қилар экан, И. Кант ҳуқуқий давлат идеалининг халқ вакиллиги билан чекланган монархияда амалга ошишига рози бўлган. Француз инқилоби воқеаларидан чўчиган Кант қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари қўшилишига олиб келадиган бевосита халқ демократиясига нисбатан салбий муносабатда бўлган, уни республика ҳуқуқий идеалига зид, зулмга асосланган деб ҳисоблаган.

И. Кантнинг халқаро ҳуқуқ фалсафаси асослари **«Абадий тинчлик сари»** (1795) асарида янада тўлиқроқ баён этилган. Шуни таъкидлаш керакки, **халқаро ҳуқуқ тўғрисидаги Кант таълимоти**

---

[1] Кант И. Сочинения в шести томах. Т 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 235, С. 84.

унинг бутун ҳуқуқий назариясининг энг илғор қисмларидан бири саналади. Халқаро ҳуқуқнинг пировард мақсадини у абадий тинчликка эришишда деб билган. И. Кант подшоҳ давлат эгаси ва у ўз фуқароларининг ҳаёти ҳамда мулкига хўжайинлик қила олади, деган мазмундаги Ўрта аср назарияларига қатъий қарши чиққан. У, халқ ўз вакиллари орқали нафақат умуман уруш олиб боришга, балки ҳар қандай алоҳида урушни эълон қилишга ҳам розилик бериши лозим, деб ёзган ва давлатлар ўртасидаги баҳс-тортишувларни халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилган ҳолда асосан, тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлган.

И. Кант ҳарбий ҳаракатларни уруш эълон қилмай туриб, бошлаб юборишни йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат, тажовузкорона урушни эса ноқонуний, деб ҳисоблаган, бироқ тажовуз ёки таҳдидга қарши урушни қонуний, деб эътироф этган. **У ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлар пайтида ҳам уруш қонунлари ва урф-одатларига амал қилинишини талаб қилган.** Урушдан кўзланган мақсад бирон-бир халқнинг қирғин қилиниши ёки уни мағлуб этиш йўли билан қулга айлантириш ёки ғолиблар билан аралашиб кетиши (ассимиляция)га йўл қўйиш ҳолатларига қатъий қаршилик билдирган.

И. Кант мустамлакачилик урушларига нисбатан кескин норозилик билдирган. У миллатлар ва элатлар ўртасида юзага келадиган низо, нифоқ ва адоватларни бартараф этиш ва бўлиши мумкин бўлган тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида халқлар иттифоқини тузиш ғоясини илгари сурган. **«Халқаро ҳуқуқ эркин, озод давлатларнинг федерализмига асосланиши лозим»[1].** И. Кант бундай иттифоқ ушбу халқлар яшаётган давлатларнинг эмас, балки тенг ҳуқуқли халқларнинг иттифоқи бўлиши лозим, деб таъкидлаган. Федерация аста-секин барча давлатларни жалб этиб, шу йўл билан «ҳеч қандай уруш бўлмаслиги керак» деган амалий идрок тушунчасига мувофиқ абадий тинчликка олиб келиши лозим.

Уруш ўз ҳуқуқига эришиш усули эмас. И. Кант абадий тинчликни олий сиёсий бахт-саодат деб эълон қилган.

Албатта, И. Кант томонидан бундан 200 йил кўпроқ муқаддам кўтарилган ўша халқаро ҳуқуқ масалаларини бугунги кун учун ҳам фавқулодда долзарб деб бўлмайди. Кантнинг тинчлик учун кураш соҳасидаги кўплаб таклифларининг амалга ошмайдиганлиги, замонавий халқаро ҳуқуқ масалаларини ишлаб чиқиш методологиясининг ноқулайлигига қарамасдан унинг

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 271.

тонлари ўз даври учун дадил ва тараққийпарвар характерга эга бўлган. **И. Кантнинг «Абадий тинчлик сари» асари халқларнинг умумтинчлик йўлидаги илғор ижтимоий-сиёсий тафаккурининг кўриш тарихида мангу ёрқин саҳифа бўлиб қолажак.** Ушбу асарнинг асосий ғоясини давлат ташқи сиёсати билан унинг ички сиёсий тузилиши, ички сиёсати ўртасидаги боғланиш ташкил этган. Бу борада И. Кантнинг сиёсий мутафаккир сифатидаги зийраклиги, олдиндан кўрабилиш салоҳияти намоён бўлган. Асарда давлатнинг ички тузилиши масалаларига халқлар ўртасида абадий тинчликка эришишнинг зарур сиёсий шарти сифатида кенг ўрин берилган.

И. Кантнинг абадий тинчлик тўғрисидаги шартномасида биринчи модда қуйидагича жаранглайди: **«Ҳар бир давлатнинг фуқаролик тузуми республика бўлиши лозим»**[1]. У гўё инсон табиатан эзгуликка қодир эмас, деган важни пеш қилиб, давлат тузилиши ҳуқуқига қарши фикрларни тўғри деб оқлашга уринган сиёсатчиларга қатъият билан қарши чиққан. Улар, деб ёзган эди у, «фақат ҳозирги ҳокимият олдида (ўз шахсий фойдасини кўзлаб) тиз чўкиб, сажда қилиш, шу йўл билан халққа, агар иложи бўлса, бутун дунёга хиёнат қилиш ҳақидагина ўйлайдилар, холос»[2].

«Абадий тинчлик сари» номли асарида И. Кант аслида ўз мамлакатидаги ҳуқуқ тамойилларига зид бўлган мавжуд ҳукмрон сиёсий режим (давлат тузуми)ни тубдан ўзгартиришга доир сиёсий дастур билан чиққан. **«Идрок тушунчалари фақат озодлик, эркинлик нуқтаи назаридангина қонунга мувофиқ мажбуриятни асослаб беришни талаб этади, улар туфайлигина ҳуқуқий мустаҳкам, барқарор давлат тузилиши мавжуд бўлиши мумкин»**[3].

И. Кант ўзига замондош бўлган монархларнинг сиёсат бобидаги макр ва ҳийлаларини аёвсиз фош қилган, унинг фикрича, бу қуйидаги уч тамойилга бориб тақалади:

биринчидан, ўз халқинг ёки бошқа қўшни халқ устидан ҳокимиятни ўзбошимчалик билан эгаллаш учун қулай фурсатни қўлдан бой берма;

иккинчидан, ўзинг содир этган жиноятда ўз айбингни инкор эт (масалан, ўз халқингни мушкул аҳволга солиб қўйиб, қўзғолонга айбдор бўлсанг, бунга фуқароларнинг қайсар-ўжарлигини сабаб қилиб кўрсат);

учинчидан, бўлиб ол ва ҳукмронлик қил.

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., С. 267.

[2] Ўша жойда, 294 б.

[3] Ўша жойда.

И. Кантнинг **«Абадий тинчлик сари»** асарида тутган сиёсий йўли, қарашлари унинг фуқаро сифатидаги жасоратидан далолат беради. Пруссия монархияси шароитида, француз инқилоби воқеалари муносабати билан Германияда сиёсий реакциянинг кучайишига қарамасдан, у француз инқилоби томонидан идрок талаблари сифатидаги ҳуқуқий тамойилларга мос равишда халқлар ўртасидаги абадий тинчлик ва давлат тузилишини ислоҳ қилиш ғояларини илгари сурган.

И. Кантнинг ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги таълимотини тушунишда унинг ўзи тарафдори бўлган жамият давлат тузилишининг республика ҳуқуқий тамойилларини амалга ошириш усули ҳақидаги масала муҳим жиҳат ҳисобланади.

Француз маърифатпарварлари томонидан ривожлантирилган табиий ҳуқуқ назариясининг асосий муаммоларидан бири ижтимоий шартнома асосларини бузган мустабид ҳокимга қарши халқ қўзғолони қилиш ҳуқуқи ҳақидаги масала бўлган. Ижтимоий шартнома назариясининг таркибий қисми сифатидаги халқ суверенитети ғоясидан француз маърифатпарварлари шундай хулосага келганки, золимларга қарши кураш – халқнинг тортиб олиб бўлмайдиган ҳуқуқидир, яъни агар давлат бошлиғи фуқаролар ҳуқуқини, ижтимоий шартномани бузса, халқ унга бўйсунишдан бош тортишга ҳақлидир. Мазкур жиддий сиёсий масалага И. Кант француз инқилоби тажрибасини англаб етган пайт – XVIII асрнинг сўнгги ўн йиллигида босилиб чиққан барча асарларида тўхталиб ўтган.

И. Кант ўзининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида зиддиятли ғоялар – халқ суверенитети ғояси билан мавжуд давлат ҳокимиятига сўзсиз бўйсуниш ғоясини бирлаштиришга интилган. Унинг ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги фалсафасининг ўзига хос хусусияти ҳам шунда. **«Эҳтимол, бу назарий жиҳатдан тўғридир, бироқ амалиёт учун ярамайди» матали тўғрисида»** номли мақоласида И. Кант суверен ўз хатти-ҳаракатларида ҳамиша ҳақ, деган қоидани ҳимоя қилган абсолютизм идеологи **Томас Хоббсга** қарши чиққан. Шу билан бирга, И. Кант ўша пайтдаёқ халқ, ҳатто ўз эътиқодига қарамасдан, қонунчилик уни бахт-саодатдан маҳрум қилган тақдирда ҳам, амалдаги қонунларга итоат қилишга мажбур эканлиги ҳақидаги фикр (айнан шу масала уни Т. Хоббс билан яқинлаштирган)ни билдирган. Ушбу таъқиқни И. Кант мутлақ дея эълон қилган: **«Агар, ҳаттоки мазкур ҳокимият ёхуд унинг ижрочиси, давлат бошлиғи дастлабки шартномани бузса ва бу**

билан, фуқаролар фикрича, қонун чиқарувчилик ҳуқуқини ижро этса, ижро, ҳукумат унга батамом зўрлик билан (золимларча) ҳаракат қилиш ваколатини берган, барибир ҳам фуқаронинг зўрликка зўрлик билан жавоб тариқасида ҳеч қандай қаршилик кўрсатишига рухсат берилмайди»[1].

II Кант муайян шароитларда халқнинг золимга қарши қўзғолон кўтариш ҳуқуқини эътироф этган ўз замондоши, табиий ҳуқуқ бўйича ўқув қўлланмасининг муаллифи профессор **Ахенвал** билан шу масалада баҳс-мунозарага киришган. И. Кант ҳар қандай шароитда ҳам халқнинг қўзғолон кўтариши ноқонуний эканлигини таъкидлаган, чунки «бундай йўл билан ўз ҳуқуқига эришган халқ энг катта адолатсизликка йўл қўяди, негаки бу йўл (агар уни асосий қоида сифатида қабул қилинса) ҳар қандай ҳуқуқий тузумни инкониб бўлмайдиган қилиб, қонунийлик (status naturalis)ни тўлиқ йўқлик ҳолатига олиб келади, унда ҳар қандай ҳуқуқ, лоақал, амал қилишдан тўхтайди»[2].

И. Кант мавжуд тузумнинг инқилоб туфайли ўзгаришидан келиб чиқадиган анархия (бебошлик)дан чўчиган. Бироқ шу билан бир қаторда у Швейцария, Нидерландия ёки Буюк Британияда халқ қўзголонлари туфайли юзага келган давлат тузумини ҳаққоний равишда ғоят муваффақиятли, деб тан олинганини кўрсатиб ўтган.

«Абадий тинчлик сари» асарида И. Кант халқнинг ўз монархига сўзсиз итоат қилиши тўғрисидаги қатъий императив талабларига хилоф равишда амалга оширган инқилобига муносабат ҳақидаги масалани янада чуқурроқ кўриб чиққан. У қуйидаги қоидага розилик билдирган: **«Агар халқ ҳуқуқлари поймол қилинган бўлса, унинг (золимнинг) тахтдан ағдарилиши тўғри, ҳаққонийдир, бунга шак-шубҳа йўқ»[3].** Бироқ И. Кант қўзғолонга халқнинг ана шу одил талабини амалга оширишнинг қонуний йўли сифатида қаралишига қарши бўлган, чунки бундай кураш ҳар қандай ҳуқуқ оммавийлигининг трансцендентал тамойилига зиддир. Халқнинг золимларга қарши қўзғолон ҳуқуқини рад этар экан, Кант шунга қарамасдан, ўрнатилган инқилобий тартибни ноқонуний деб, эълон қилмаган. Аксинча, у инқилоб томонидан барпо этилган давлат тузумига бўйсунишга даъват этган. «Бироқ агар, ҳатто ярамас тузум юзага келтирган инқилоб

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 90.

[2] Ўша жойда, 92 б.

[3] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 303.

бўрони ёрдамида бирмунча қонун шаклидаги тузумга ноқонуний эришилганда ҳам, халқни аввалги тузумга қайтаришга йўл қўйиш мумкин деб, ҳисоблаб бўлмас эди».

Шундай қилиб, И. Кант нафақат ғолиб чиққан инқилобни амалда ёқлаган, балки айни пайтда тахтдан агдарилган шоҳнинг контрреволюцион қўзғолон кўтариш ҳуқуқига қарши ҳам бўлган. У фақатгина унинг (шоҳнинг) олдинги бемаза бошқаруви учун жавобгарликка тортилмаслигига кафолат бермоқчи бўлган, холос. «Агар халқ қўзғолони ўнгидан келса, унда (давлат) бошлиғи фуқаро ҳолатига қайтиши ва ҳокимиятни эгаллаш мақсадида қўзғолон кўтармаслиги лозим ва давлатни олдин ёмон бошқаргани учун жавобгарликка тортилишдан қўрқмаса ҳам бўлади».

Қўзғолоннинг ноқонунийлиги тўғрисидаги ўзининг барча ишонтиришларига хилоф равишда, И. Кант 1793 йилдаги якобинчилар террорига қарамасдан француз инқилобини чин дилдан маъқуллашда давом этган. И. Кант тутган йўлнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳам шунда эди, гарчи бунинг учун Пруссия қиролининг эзгу ниятли фуқароси сифатида халқ ўз монархига қарши кўтарган қўзғолоннинг ноқонунийлигини асослаб беришига тўғри келган бўлса ҳам. И. Кант Германияда ҳокимият тепасида турганларни очиқдан-очиқ француз инқилобидан жиддий сабоқлар олишга чақирган ва француз инқилоби эълон қилган ўша ҳуқуқий тамойиллар асосида давлат тузуми ислоҳотини ўтказишни таклиф этган: **«Давлатнинг донолиги, бинобарин, ҳозирги вазиятда оммавий ҳуқуқ идеалига мос келадиган ислоҳотлар ўтказишни ўзига вазифа қилиб юклайди; табиатнинг ўзи амалга оширган инқилоблардан эса, янада зўрроқ жабр-зулмни хаспўшлаш учун эмас, балки табиатнинг жиддий ислоҳотлар йўли билан озодлик тамойилларига асосланган ягона, бирдан-бир мустаҳкам ҳуқуқий тузумни жорий этишга бўлган чақириғи сифатида фойдаланмоқ лозим»**[1].

И. Кантнинг «Абадий тинчлик сари» номли асари унинг сиёсий-ҳуқуқий доктринаси тараққиётининг чўққиси эди. У француз инқилобининг асосий ғалабаларини қатъий қўллаб-қувватлаган, стихияли (ўз-ўзидан бўладиган) инқилобнинг тутган ролига онгли муносабат билдирган, инқилобнинг амалга ошишига ўз халқини танг аҳволга солиб қўядиган ҳокимларнинг хатти-ҳаракатлари сабаб бўлишини тушунтирган, ағдарилган монархнинг

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 293.

контрреволюцион ҳуқуқини инкор этган ва ҳукмдорларни Франциядаги инқилобни рўкач қилиб, ундан ўз мамлакатларида илм истибдодни кучайтиришда фойдаланмасликлари ҳақида огоҳлантирган.

У озодлик тамойиллари ва халқ ҳокимиятига асосланган республика тузуми ер юзида абадий тинчликка эришиш учун дастлабки шарт-шароит эканини очиқдан-очиқ маълум қилган.

И. Кантнинг **«Урф-одатлар метафизикаси»**га мурожаат этиб (унинг биринчи қисмида ҳуқуқ тўғрисидаги таълимот баён қилинган), шуни қайд этиш лозимки, ушбу асарда ривожлантирилган қараашлар, асосан, илк баён этилган умумҳуқуқий қонун-қоидалар ҳимоясига қаратилган. Лекин бу ерда Кант халқ суверенитети тўғрисида анча кам тўхталган – кўпроқ фуқароларнинг мавжуд ҳокимиятга бўйсуниш мажбурияти ҳақида фикр юритган. Афтидан, унинг Пруссия қироли Фридрих Вилхельм II ҳукмронлик даврининг сўнгги йилида юзага келган вазият тақозоси билан эҳтиёткорроқ бўлишига тўғри келган кўринади.

И. Кант халқнинг мавжуд ҳокимият томонидан чиқарилган барча қонунларга бўйсуниш мутлақ мажбурияти тўғрисидаги тезисдан шундай хулосага келганки, унинг ўзи илгари матбуот эркинлигини «халқ ҳуқуқлари учун палладиум» деб атаган фикрига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Унинг фикрига кўра, фуқаро мавжуд олий ҳокимиятнинг келиб чиқиши хусусида «ақл ўргатмаслиги» лозим; жорий қонун ҳақида халқ «ҳозирги давлат бошлиғи хоҳлаганидан бошқача фикр юрита олмайди ва керак ҳам эмас».

И. Кант ҳар бир қонунни муқаддас (дахлсиз) деб эълон қилган: «Унга шубҳа билан қараш, бир зум бўлса-да, унинг ҳаракатини тўхтатиб туришнинг ўзиёқ жиноятга айланади». Халқнинг, дея эълон қилган И. Кант, даргазаб бўлишга, озгина даражада бўлсин – қўзғолонга ва энг оз даражада бўлса-да, монарх шахсига ва унинг ҳаётига, у ўз ҳокимиятини суиистеъмол қиляпти, деган баҳона билан суиқасд қилишга ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи йўқ. «Шу йўналишдаги салгина уриниш давлатга хиёнатни ташкил этади ва шу хилдаги хоинга ўз ватанини хароб қилишга уриниш сифатида ўлим жазоси берилиши мумкин»[1]. И. Кант давлат тузумидаги мавжуд камчиликни, уни халқ инқилоб йўли билан эмас, балки суверенинг ўзи ислоҳот йўли билан қонунга мувофиқ тузатишига розилик билдирган.

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 240, 241, 242.

Қатъий императив томонидан инқилобнинг кескин ман этилишига қарамасдан, И. Кант **«Урф-одатлар метафизикаси»**да, агар халқ инқилобни амалга оширса, унда нима бўлади, деган саволни четлаб ўтолмаган. Келиб чиқиши қандай бўлишидан қатъи назар, мавжуд ҳокимиятга бўйсуниш лозим. Амалий идрокнинг ана шу қоидасидан келиб чиқиб, И. Кант «агар инқилоб ўнгидан келиб, янги тузум ўрнатилган бўлса, бу ва инқилобнинг ноқонунийлиги фуқароларни янги вазиятга бўйсуниш мажбуриятидан озод қила олмайди ва улар ҳокимият эгаси бўлган ҳукуматга виждонан итоат қилишдан бўйин товлай олмайдилар». Тахтдан қулатилган монархни ҳимоя қилиб, у аввал айтган гапини яна такрорлаган: унинг фикрича, монарх ўзининг олдинги хатти-ҳаракати учун жавобгар эмас ва, агар у оддий фуқаро ҳолатига ўтган бўлса, жазога ҳам лойиқ эмас.

И. Кант бу ерда киритган янги жиҳат шуки, ағдарилган монархнинг контрреволюцион ҳуқуқи эътироф этилган. У бу ҳуқуқни монархни тахтдан ва ер-сув, мулкларидан маҳрум қилган қўзғолоннинг ўз-ўзидан ноқонуний бўлганлиги билан асослаган. Бундан ташқари, у бошқа давлатлар халқ томонидан қулатилган подшоҳни қўллаб-қувватлаб, халқ йўл қўйган жиноят жазосиз қолмаслиги ва бу бошқа давлатларни ҳам йўлдан урмаслиги учунгина иттифоқ бўлиб бирлаша оладиларми, деган саволни ҳам берган. И. Кант Франция чет давлатларнинг контрреволюцион коалициясига қарши инқилобий уруш олиб борганига ўзи гувоҳ бўлган. У бу саволни халқаро ҳуқуқ соҳасига оид деб ҳисоблаган. Лекин ушбу саволга И. Кант ҳар ҳолда очиқ жавоб бермаган.

Мазкур муаммонинг билвосита ечими шундан иборатки, И. Кант халқлар иттифоқи тўғрисида тўхталиб, шуни алоҳида таъкидлаганки, халқлар иттифоқи дастлабки ижтимоий шартнома ғоясига мувофиқ бошқа томоннинг ички низоларига аралашиш учун эмас, балки ташқи душманлар ҳужум қилганда бир-бирига ёрдам кўрсатиш учун зарур эди. Бошқа бир жойда, уруш мақсадлари ҳақида тўхталиб, у шундай деган: **«Мустақил давлатлар ўртасидаги ҳеч қайси бир уруш жазоловчи уруш бўлмаслиги керак»**[1].

И. Кант ҳуқуқий давлатнинг ўз идеали йўлидаги ижтимоий тараққиётини аста-секин амалга ошириладиган ислоҳотлар орқали тасаввур қилган ва бу ҳокимият зиммасига бошқарув усулини дастлабки шартнома ғоясига мувофиқлаштириш вазифасини юклайди, деб ҳисоблаган. Агар бунга тезда эришиб бўлмаса, унда бошқарувни секин-аста ва изчиллик билан шундай ўзгартириш

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 270, 274.

керакки, гоки у ўз ҳаракатида ягона конуний тузум – соф республика тузумига мос келсин.

1797 йилда ёзилган **«Ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотнинг метафизик асослари»га** оид изоҳ-қайдномаларни ўз ичига олган нашрида И. Кант мавжуд давлат ташкилоти ва уни яхшилаш йўлларига доир ўз қарашларини яна бир бор тушунтириб берган. У қатъий императивнинг ўз фуқаролари устидан барча соҳада ҳоким бўлган ҳукуматга бўйсуниш талабини зарур ва бу ички ахлоқ қоидаларига зид эмас, балки унга хос бўлган камчиликлар «у (ҳукумат) ўз-ўзига танқид руҳида олиб борадиган ислоҳотлар ёрдамида аста-секин бартараф этилиши лозим»[1], деб ҳисоблаган.

Шуни таъкидлаш керакки, И. Кант ҳамиша ғолиб француз инқилоби тарафдори бўлган, унда у инсон тафаккурига хос бўлган ҳуқуқий талабларнинг рўёбини кўра олган. Ўзининг сўнгги асарларидан бири бўлмиш **«Куллиётлар баҳс-мунозараси»** (1798) да И. Кант француз инқилобига завқ-шавқ билан муносабатда бўлиши ва унинг тарихий аҳамиятини чуқур тушунишини очиқ-ойдин ифодалаб берган. Француз инқилоби ҳақида, жумладан, шундай деб ёзган эди: «Майли, шундай қурбонлар эвазига амалга ошириладиган, агар ҳатто яна умидвор бўлиб, иккинчи марта ҳам қўл уриб, уни охирига қадар муваффакият билан олиб борган тақдирда ҳам, баъзаъни фикр-мулоҳазали одам ҳеч қачон ушбу тажрибани қайта такрорлашга журъат қила олмайдиган даражада даҳшатлар ва ўравонликлар билан тўлиб-тошган бўлсин, бу инқилоб, барибир унда қатнаша олмаган барча томошабинлари қалбида шундай бир завқ-шавққа тўла иштирок этиш истагини уйғотган бўларди, гарчи бундай иштиёқ хавф-хатарга яқин бўлса ҳам, бундайин хоҳишга, бинобарин, фақат инсон зотига хос бўлган маънавий рағбат сабаб бўла олар эди, дейман»[2].

И. Кант француз инқилоби бутун кишилик жамиятининг янада равнақ топишида улкан аҳамият касб этишини яхши тушунган. Унда у инсониятнинг илғор тараққиёти имкониятлари учун мавжуд далил, исботни кўра билган: **«...Бундай ҳодиса инсоният тарихида шунинг учун ҳам унутилмайди-ки, у башариятда яхшироқ яшаш учун ҳавас ва лаёқат уйғотди, зеро, ҳозиргача бундай фикр ҳеч қайси бир сиёсатчининг хаёлига ҳам келмаган эди»[3].**

---

[1] Ўша жойда, 303 б.

[2] Ўша жойда.

[3] Kant's Werke. Bd. VII. Berlin, 1907. S. 85, 88.

«Инсон ҳуқуқлари» тангри учун ер юзидаги энг муқаддас хилқатдир»[1].

И. Кант

Иккинчи қисм

КАНТГА ҚАЙТИБ: ҲУҚУҚ ВА ДАВЛАТ ТЎҒРИСИДА КАНТ ТАЪЛИМОТИ

«Ҳуқуқ бўйича туб фалсафий, шу билан бирга, аҳамияти нафақат ҳозиргача сақланиб келган, балки ҳақиқий моҳияти айнан бугун, ҳозирги даврда маълум бўлган, қатор бандлари эса келажакка олга интилган қоида-низомларнинг қисқача таърифи нега энди айнан И. Кант хизматига мансуб?»[2]

С.С. Алексеев,
ҳозирги замон ҳуқуқ файласуфи (Россия)

Буюк немис файласуфи И. Кант олдида яхлит ва тизимли фалсафа яратиш вазифаси турарди. Амалий идрок ва фикр-мулоҳаза лаёқати априор асослари билан изоҳланадиган фалсафа И. Кантда ҳуқуқ фалсафаси шаклида ва ахлоқий фалсафанинг бутун ташқи оламга, табиатга нисбатан татбиқи бўлиши мумкин. И. Кант ҳуқуқий формализми охиригача етказилган: **қонун заруриятининг бирдан-бир мезони тартибга солиш субъект ва предметининг ҳар қандай хусусиятларидан тўлиқ чалғиган ҳолда унинг умумий ва универсал татбиқ этилишидир.**

И. Кант ҳуқуқ ва давлат фалсафасида юридик дунёқараш концепциялари муҳим ўзгартиришларни бошидан кечирган. И. Кантнинг табиий ҳуқуқ, табиий қонун, табиий ҳолат ва ижтимоий шартнома ғоялари бўлиши лозим, муқаррар бўлган, ҳаққонийлигини рад этиш ёки ҳеч қанақанги тажриба билан тасдиқлаб бўлмайдиган тамойиллар сифатидаги соф амалий идрокнинг априор изоҳланган тартибга солувчи ғоялари мақомини олган. Фалсафий ҳақиқатлар билишга оид назарий эмас, балки тартибга солувчи тўғриликка эгадир.

Шундай қилиб, И. Кант ҳуқуқ ва ҳуқуқ фалсафасининг бўлиши лозим бўлган муқаррарлик норматив тизими сифатидаги

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 270.

[2] *Алексеев С.С.* Самое святое, что есть у Бога на земле. Иммануил Кант и проблемы права в современную эпоху. – М.,1998.

талқинини якунига етказган. У ахлоқий фалсафа пойдеворида ҳуқуқ фалсафасини қуриб битказган. **Ж. Ж. Руссога** ўхшаб, И. Кант ҳуқуқ фалсафасини ва ҳуқуқнинг ўзини норматив фалсафий билим лозимлиги, сиёсатнинг назарий асоси сифатида тушунган, сиёсатнинг ўзига эса амалий ҳуқуқшунослик деб қараган.

Икки тенденция – ахлоқийлик ва норматив мажбурлик – И. Кант ҳуқуқ фалсафасида мислсиз тизимлилик (доимийлик) ва фалсафий асосланганликка эга бўлган трансцендентал фалсафа асосида амалга оширилган.

Кант тарих фалсафасида табиат телеологияси ҳуқуқий мезон асосида, жаҳон ҳуқуқий тартиботини барпо этиш жараёни сифатида тушунтирилган. Ҳуқуқий тартибот табиат ва умумий тарихнинг пировард мақсади сифатида модда бўлиб гавдаланади, унда И. Кант танқидий фалсафа тизимида амалий идрок асослари билан ифоҳланган ҳуқуқ фалсафаси ва фикр юритишнинг телеологик лаёқати нуқтаи назарида тарих фалсафаси бирлашади.

И. Кант трансцендентал фалсафаси реал ижтимоий ҳаётни била олмас ва тушунтириб ҳам бера олмас эди, бироқ Европа маърифатпарварлиги давридаги юридик дунёқарашнинг юксак ютуғи ва эволюцион якуни эди. И. Кант одоб-ахлоқ ўргатувчи ва норматив мажбурлик тенденцияларини поёнига етказган, телеологик тарих фалсафасида юридик дунёқарашни «тарихийлаштириш» тенденциясини давом эттирган. Юридик дунёқарашнинг барча тамойил ва тушунчалари фақат норматив (ҳуқуқ фалсафасида) ёки мақсадга йўналтирилган (тарих фалсафасида) тузилишлар мақомига эга бўлган.

Юридик дунёқараш И. Кант фалсафасида жамиятни, автономия иллюзиясини ва ҳуқуқнинг ўз-ўзи учун етарлилигини тушунтиришда универсал татбиқ этиш мумкинлиги даъволаридан халос бўлган. Юридик дунёқарашнинг «якунланиши», унинг асос ва имкониятларининг биртомонлама ривожланиш билан амалга оширилганига қарамасдан, энг юқори даражада бўлган. Бир вақтнинг ўзида, умуман, Ғарбий Европа фалсафа тарихи[1] ва хусусан, ҳуқуқ ва давлат фалсафасининг янги даврига ўтишни бошлаб берган сарҳадга айланган.

---

[1] **Қаранг:** *Басин А.А.* Эволюция «юридического мировоззрения» в социальной философии Нового времени. Автореф. дис. канд. филос. наук. Мурманск, 1999.

1. Иммануил Кантнинг ҳуқуқ фалсафаси

«Шундай қилиб, умумий ҳуқуқий қонун қуйидагичадир: зоҳиран шундай ҳаракат қилгинки, сенинг ихтиёрий ўзбошимчалигинг ҳар кимнинг эркинлигига тўғри келсин ва умумий қонунга мувофиқ бўлсин»[1].

И. Кант

Ҳуқуқ узоқ вақт фалсафий тизимларнинг таркибий, ажралмас қисми бўлиб келган. **«Ҳуқуқ илми фалсафанинг бир қисмидир»**[2]**,** деб ёзган эди немис фалсафаси классикларидан бири **Г. Хегел.** Кўплаб йирик файласуфлар, айниқса, маърифатпарварлик даврининг намояндалари учун, жумладан, немис классик фалсафасида ҳам ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқнинг ўзини нафақат ўзига хос ҳодиса, балки ижтимоий фалсафа шакли сифатида ҳам англашдан иборат бўлган[3].

Эркинлик ва қатъий императив

Иммануил Кант Германияда биринчи бўлиб либерализм–Маърифатпарварлик даври идеологиясини системали тарзда асослаб беришга киришган. **Кант фалсафий-ҳуқуқий қарашларининг туб асоси маърифат ғоялари билан суғорилган: ҳар бир инсон ўзининг мукаммал шаъни ва мутлақ қадр-қимматига эга.** Бундан умумбахт-саодати йўлида шахс қандайдир, ҳаттоки энг олижаноб режаларнинг амалга оширилишида воситадир, деган маъно келиб чиқмайди.

Инсон уни ўраб турган табиатдан тубдан фарқ қиладиган ахлоқий онг субъектидир. Одам ўз хатти-ҳаракатида ахлоқий қонун ҳукмига амал қилиши лозим. Бу қонун априор бўлиб, ташқи таъсиротлардан холидир. И. Кант уни **«қатъий императив»** деб атаган. Ахлоқий хулқ мазмунини белгилайдиган қатъий императив формуласи бундай жаранглайди: **«Шундай ҳаракат қилгинки, токи инсонни бошқа учун қандай бўлса, ўзинг учун ҳам худди**

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 140.

[2] *Гегель.* Сочинения. Т. VIII. С. 24.

[3] *Туманов В. А.* Буржуазная правовая идеология. К критике учений о праве. – М., 1971. С. 148.

шундай, ҳеч қачон восита сифатида эмас, ҳар доим мақсад сифатида истифода эта олгин»[1].

«Қатъий императив» – ҳуқуқнинг асос қилиб олинган умумий тамойили бўлиб, унга инсон хулқ-атворининг муҳим асослари хусусида фикр-мулоҳаза юритган баъзи бир мутафаккирлар, масалан, **Т. Хоббс** илгариёқ ўз эътиборини қаратган. Тарихда тафаккур инсон ахлоқий хулқ туб асосларини изланиш йўлида кўп марта у ёки бу тамойилга ёндашган ва инсоният оламида бундан бошқа ҳар томонлама бирламчи бўлган формула йўқ, деган оқилона хулосага келган.

И. Кант «қатъий императив»ни турли ҳаётий вазиятларга тааллуқли бўлган инсон хулқ-атворининг умумий универсал қоидаси сифатида тушунган. Бу – ақл-идрок талаби, жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этишнинг онгли асосидир. И. Кант агар инсон хатти-ҳаракати ва умуман унинг ҳолати ҳар бир кишининг эркинлигига тўғри келса ва умумий қонунга мувофиқ бўлса, унда бундай ахлоқ ва ҳолатга тўсқинлик қилувчи ноҳақ ҳисобланади, «чунки бундай тўсқинлик (каршилик) эркинликка тўғри келмайди ва умумий қонунга ҳам мувофиқ эмас»[2]. Шахс эркинлиги соҳаси, унинг «бошланғич» ҳуқуқи – И. Кант томонидан «фуқаролик ҳолати»нинг тузилишида туб, асосий саналган.

Инсоннинг «табиий (туғма) эркинлиги», Кант фикрига кўра, тўрт унсурдан иборатдир.

Биринчи унсур – бу тенглик, яъни «бошқалар бирор кимни у ўз навбатида уларга юклай оладиганидан кўра кўпроқ нарсани вазифа қилиб қўя олмасликларидан иборат бўлган мустақилликдир»[3]. Фақат мажбуриятгагина эга одамлар шахсиятдан маҳрумдирлар[4]. Шу нуқтаи назардан Кант крепостнойликни тобе одамнинг «хизмат даражаси» аниқланмаган муносабат сифатида қоралаган, бинобарин, унинг (бўйсунувчининг) кучи ва ҳаёти ҳам хўжайинга боғлиқ бўлиб, унинг мулки ҳисобланган, бу эса, қарам кишини ўз шахсиятидан маҳрум қилган. «...Инсон унга кўра, ўз-

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 140.
[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 140.
[3] Ўша жойда, 147 б.
[4] Ўша жойда, 151 б.

ўзига хўжайин бўлишдан мосуво бўлиб, уй ҳайвони даражасига айланадиган, унга хоҳлаган ишини қилдириб, ундан сўраб ҳам ўтирмасдан, кўнглига сиққанича ишлашга мажбур этадиган (ҳар қалай уни... майиб қилиш ёки ўлдиришни чеклаб қўйган) ҳеч қандай ҳуқуқий хатти-ҳаракат (хоҳ ўзиники ё бошқа бировники бўлсин) йўқ»[1].

Иккинчи унсур – «бошқаларга нисбатан уларнинг ўзига тегишлиликни ўз-ўзидан камайтирмайдиган ҳуқуқлиликни амалга ошириш»[2], бошқача қилиб айтганда, одамлар бир-бирига боғлиқ бўлган жамиятда шахс эркинлиги соҳаси – бошқа шахслар фаолиятининг чегарасидир.

Учинчи унсур, *яъни «табиий (туғма) эркинлик»ка* И. Кант ўз фикрларини бошқалар билан баҳам кўриш ҳуқуқлилигини тааллуқли, деб ҳисоблаган[3]. Шунинг учун у фикр, сўз ва матбуот эркинлигини давлат томонидан бошқариб, тартибга солинишига салбий баҳо берган ва фуқаролар ўз қарашларини муҳокама қилиб, тушуниб етишга ҳаракат қиладиган матбуотдаги чиқишларини назорат қилиш ҳукумат вазифасига кирмайди, деб ҳисоблаган[4].

Шу ўринда И. Кант виждон эркинлигини ҳимоя қилганлиги ҳам ўз-ўзидан тушунарли: «Динни ...ҳеч қандай фуқаролик ҳокимияти йўли билан халққа мажбуран қабул қилдириб бўлмайди; худди шундай фуқарони унинг дини сарой аҳллари эътиқод қиладиган диндан фарқ қилгани сабаб ...давлат хизматидан четлаштириш ва ундан келаётган фойдадан маҳрум этиш ҳам мумкин эмас»[5].

Ниҳоят, **тўртинчи унсур** – «табиатан» ҳар бир киши қонун тақиқламаган барча ишни қилиши мумкин ва бу қонуний, тўғри хатти-ҳаракат ҳисобланади[6]. И. Кант ҳуқуқ инсон фаолияти соҳаси атрофига чизиқ тортиб қўйган ва шахс фаолияти ана шу чегарадан ўтиб кетган тақдирдагина, давлат аралашиши мумкин, деб ҳисоблаган.

---

[1] Ўша жойда, 82 б, 83 б.

[2] Ўша жойда, 147 б.

[3] Ўша жойда, 147 б, 148 б.

[4] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 148.

[5] Ўша жойда, 298 б, 299 б.

[6] Ўша жойда, 147 б.

И. Кант ўз фалсафаси билан ҳал қилган маърифатпарварлик даврининг асосий фалсафий-ҳуқуқий муаммоси, бу инсон эркинлиги масаласидир. Бу, энг аввало, шунинг учун ҳам давр муаммоси эдики, И. Кант инсоннинг эркинлик лаёқатларидан барча кишиларнинг ўзаро тенглигини келтириб чиқарган. Мазкур муаммо ечимининг яна бир бошқа аҳамияти шундан иборатки, у инсон эркинлигини одамларнинг нарсаларни тасарруф этиш ҳуқуқига ҳам эгалик қилишлари билан асослаб берган.

И. Кант инсон эркинлиги – унинг табиий (туғма) ҳуқуқидир, колган бошқа барча ҳуқуқлари ундан келиб чиқади, дея эътироф этган.

«Озодлик (бошқа бировнинг зўравон ўзбошимчалигига бош эгмаслик), – деб уқтирган И. Кант, – модомики, у бошқа ҳар бир кишининг эркинлигига тўғри келадиган ва умумий қонунга мувофиқ экан, бу – ҳар бир кишига унинг инсон зотига мансублиги туфайли хос бўлган ягона, бирдан-бир бошланғич (ибтидоий) ҳуқуқ ҳисобланади»[1].

Озодликнинг яна бир бошқа томони – кишиларнинг тенглиги ва уларнинг эркинлик нуқтаи назаридан тенг ҳуқуқлилигидир.

И. Кант эркинликнинг астойдил тарафдори бўлган, детерминистик концепцияга қарши турган, унга кўра, иродамиз эркинлигининг юзага келишига сабабчи бўлган асос-далиллар амалда сабабли детерминация оқибати бўлиб, унинг пружиналари ўз-ўзидан иинҳон бўлиб қолаверади. У бундай эркинликни соф «психологик озодлик» деб атаган. **И. Кант инсоннинг ўз иродасини автоном тарзда белгилаш лаёқатини изоҳлаб, инсон – ўзининг табиий интилишларини тубдан ўзгартирган мавжудот эканини кашф қилган.**

Ўз даврининг бошқа бир қатор файласуфлари билан бирга, И. Кант инсонни табиат ёки жамият томонидан яралган сусткаш, фаол бўлмаган мавжудот деб талқин этишга қарши чиққан, уни, тўғрироғи, автоном ахлоқ ва ўз-ўзини камолотга етказиш субъекти деб билган.

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 147.

Ахлоқий қонунга мувофиқ, инсон хулқ-атвори шу нарса билан асосланадики, мен нисбий ҳаракат қилаётган бошқалар ҳам менга ўхшаб, худди шундай автономияни намоён қилади ёки зинҳор бошқа бировнинг, кимнингдир фаолияти учун восита эмас, балки ўз-ўзидан мақсад ҳисобланади. Ахлоқий қонун формуласига шуни қўшимча қилиш керакки, ахлоқий қонун инсоннинг табиий характери ва мажбурияти дуализми асосига қурилган, инсоннинг мажбурияти эса, унинг эркин қарор қабул қилишга қодир бўлган мавжудот эканлигидан келиб чиқади, бу билан у табиатдан устун туради.

Ахлоқий хатти-ҳаракат бошқаларнинг шу хилдаги қадр-қимматига нисбатан ўз жонини сақлашга ҳаракат қилиш инстинктидан келиб чиқадиган шахсий худбинликнинг чекланганлиги сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, **ахлоқий хатти-ҳаракат, Кант фикрига кўра, бир томондан, қонунга мувофиқлиги, бошқа томондан – унинг сабаби инсон шаъни эканлиги билан характерлидир**.

Ахлоқий қонун бу – тажрибадан ташқаридаги қонундир, чунки у инсон ахлоқини умумлаштириш натижасида вужудга келмайди. У шу зайлда вужудга кела олмас ҳам эди, негаки, у бор нарсага эмас, балки бўлиши лозим бўлган ҳодисага тааллуқлидир. У тажрибага эмас, балки ахлоқий онтологияга асосланган. Тажриба бизга, охир-оқибат, ахлоқий хулқимиз асносида ибрат бўла олмайди, чунки кимдир қонунга мувофиқ ҳаракат қилаяптими ёки унинг хулқи ахлоқий қонунга асосланган хатти-ҳаракатга сиртдан қарагандагина мувофиқми, буларни ташқаридан қараб туриб аниқлаб бўлмайди. **И. Кант қонунни билишнинг муаммо эмаслигига ишончи комил бўлган. Қонунга ҳар бир «априор» маълум, яъни қонунни билишнинг шарти таълим ёки тарбия эмас, бунинг учун ҳаттоки, бевосита билишнинг ўзи ҳам кифоя қилмайди.**

Ҳар бир киши, буни англамаган ҳолда, инсоннинг нарсалар ва жониворлардан устунлигининг характер моҳиятини ва ўзининг бошқалар билан тенг эканлигини кўради, холос. Сохта гувоҳлик талаб қилинаётган фуқаро бундай йўл тутмаслик лозимлигини билади ва буни ўзича англайди.

Аблаҳ ҳам ўз қилмишининг ахлоқан нотўғри эканини билади: «Ахлоқ билан нафсоният ўртасидаги чегара шундай кескин ва

яққол кўрсатиб берилганки, бир нима у ёки бунга мансубми-йўқми, буни ҳатто энг оддий кўзнинг ҳам фарқлай олмаслиги мумкин эмас». Бизнинг ахлоқий бурчимиз ўзаро фикрдошликка асосланган ва мана шундай ўзаро алоқаларни ифода этадиган муносабатларни бузмасликка интилишдан иборат.

Индивид (шахс)лар «амалий идрок» овозига бемалол «қулоқ солиш» ҳолатида бўлсагина, «қатъий императив» талабларига риоя қилиш имкони туғилади. «Амалий идрок» ҳуқуқ соҳасини ҳам қамраб олган. Ақл-идрок, **Кант фикрича, ахлоқий хулқ асослари ва қонун-қоидаларини яратиш лаёқати (иродаси)дир.** Амалий-сиёсий нуқтаи назардан И. Кант концепциясини ҳам индивидуализм мушкулотларидан чегараланиш, ҳам шахснинг жамият томонидан батамом банд этилиши тенденцияларини қоралаш учун қўлланиш мумкин бўлур эди.

Ирода автономияси шахсни ҳам ўз бебошлигидан, ҳам жамиятнинг ўзи устидан ялпи ҳукмрон бўлишидан баравар сақлайди. Масаланинг моҳияти шундаки, индивидуал эркинликдан ҳар ким ҳам фақат «қатъий императив»ни амалга ошириш учунгина фойдаланавермайди, шу сабабли у кўпинча зўравонликка айланиб кетади.

Маълум бир шахснинг бошқа бир шахсга нисбатан ўзбошимчилигини объектив умумий эркинлик қонуни воситасида чегаралайдиган шарт-шароитлар йиғиндиси (мажмуаси)ни И. Кант ҳуқуқ деб атаган.

Кантнинг ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари

«...Ҳуқуқ, бу – бир шахс ўзбошимчалигини бошқа бир шахс ўзбошимчалиги билан умумий эркинлик қонуни нуқтаи назаридан таққослаш мумкин бўлган шарт-шароитлар йиғиндиси (мажмуаси)дир»[1].

И. Кант

И. Кант ҳуқуқ тушунчаси муаммоси ва унга қисқача таъриф бериш қанчалик муҳим эканини алоҳида таъкидлаган. Ҳуқуқнинг нима эканлиги ҳақидаги савол ҳуқуқшунос учун мантиқ олдида чин ҳақиқат нечоғли муҳим бўлса, шунчалик муаммолар туғдириши табиий. Албатта, у ҳуқуқ, яъни қонунлар шу жойда шу вақтда нимани буюрса, бунга қўшилишаман, дея жавоб қайтариши мумкин. Бироқ қонунлар буюрган нарса ҳаққонийми, деган савол қўйилиб, ундан тўғрими ёки нотўғрими, буни аниқлаш мумкин бўлган умумий мезон талаб қилинган тақдирда, – агар ушбу эмпирик асосларни маълум бир вақтга четга суриб қўйиб, ҳукм манбаини идрокнинг ўзидан излаб кўрмас экан, у бу ишни ҳеч қачон уддалай олмайди. Бу ерда идрок, Кант фикрича, ички априор ҳукмга хос хусусиятларни ўз ичига олган ахлоқий хулқ-атвор принциплари ва қоидаларини яратиш лаёқати (ва иродаси)дир.

И. Кант таърифи бўйича, «ҳуқуқ, бу – бир шахс ўзбошимчалиги умумий эркинлик қонуни нуқтаи назаридан бошқа бир шахс ўзбошимчалигига тўғри келадиган шарт-шароитлар йиғиндиси (мажмуаси)дир»[2].

Бундай шарт-шароитларга қуйидагилар тааллуқлидир:

биринчидан, шахс хусусий мулки ва шахсий ҳуқуқларининг кафолатланган мақоми;

иккинчидан, жамият аъзоларининг қонун олдида тенглиги;

учинчидан, низоларнинг суд йўли билан ҳал этилиши;

тўртинчидан, мажбурий суратда амалга ошириладиган қонунларнинг мавжудлиги.

Кантнинг ҳуқуқ тўғрисидаги ушбу таърифи эркин ва бир-бирига қарам бўлмаган шахслар ўртасида юзага келадиган муносабатларни ўзаро келишиб, тўғри йўлга солиб юборишга

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 139.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 139.

кодир, фақат улар ана шу муносабатларнинг ишончли ҳимоясига муҳтож, деган фикрга асосланган илк либерализм идеологияси билан ҳамоҳангдир.

Ўшнинг ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги фалсафий таълимотида И. Кант, қадимги хитой файласуфи **Конфуций** каби, ҳуқуқ ва ахлоқнинг бир-бирига яқинлиги ва узвий бир бутунлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. У инсон хулқ-атвори асослари умумий ва киши хатти-ҳаракатининг барча регулятор (тартибга солувчи)лари асосида ётади ҳамда бир-бири билан чамбарчас боғланган, деган фикрга асосланган.

Ҳуқуқ ва ахлоқ тарихий, генетик (келиб чиқиш) ва функционал жиҳатдан биргаликда пайдо бўлади, мавжуд ва бирга ривожланади, инсон табиатида уларнинг илдизлари бир. И. Кант қонунчилик, яъни юридик ҳуқуққа ахлоқ ва ҳуқуқ вазифаларини ҳал этадиган ижтимоий тартибга солиш (шикастланган ёки йўқотилган аъзони тиклашга бўлган интилиш ва қобилият)нинг мажбурий унсури сифатида қараган. Ижтимоий ўз-ўзидан (бўладиган) тартибга солиш етишмайдиган муҳитда ёки ҳолларда инсон хатти-ҳаракатини тартибга солувчи мажбурий характерга эга бўлган қўшимча воситалар келиб қўшилади.

И. Кант ҳуқуқ инсонларнинг ўзаро бирга яшаши, мавжудлигининг ташқи муҳитнга, жамиятда бир-бирига алоқадор бўлган турли-туман шахсларнинг эркин иродаси ва ўзбошимчалигининг ўзаро чегараланиши ва таққосланишига дахлдор, деб ҳисоблаган. Ҳуқуқ, И. Кант фикрига кўра, ижтимоий муносабатлар шаклига мансуб ва, шу билан бирга, жамият аъзоларининг умумий эркинлик ўлчови қонунларига мос келадиган эркинликларининг меъёр ва чек-чегараси саналади.

И. Кант ҳуқуқ инсониятнинг коинот кўламлари билан тенглашадиган олий бурч ва мақсадларига дахлдор, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, **ҳуқуқ – башариятни абадият билан, коинотнинг олий қонунлари билан, олий онг асослари ва ният-мақсадлари билан боғлайдиган ҳодисадир.**

И. Кантнинг қатъий фикрига кўра, ҳуқуқ коинотда, инсоният мавжудлиги, унинг ҳаёти ва тараққиётида фуқаролик ҳолатидаги жамият мақсадини ифода этади[1]. Ҳуқукни мужассамлантирган,

---

[1] *И. Кант* асарларининг фалсафий моҳиятини шарҳлаб берган немис файласуфи Б. Тушлинг фикрича, Кант умуман «ҳукукни инсониятнинг пировард мақсади

«ўз-ўзидан мақсад бўлган» фуқаролик тузуми, Кант фикрича, «кишилар ўртасидаги умуман барча ташқи алоқаларда муқаррар ва энг биринчи бурч, вазифа»[1]ни ташкил этади. Ҳуқуқ одамлар учун «бурч ва умид-ишонч»[2] сифатида намоён бўлади, ҳуқуқ, бу – «жамиятга тааллуқли барча асосий қонун-қоидалар унга асосланган бўлиши лозим бўлган олий тамойил»[3]дир. У ҳуқуқ, жамиятда «олий ҳокимият»[4] мақомига эришишга даъват этилган. И. Кант тасаввур қилган шаклдаги **ҳуқуқ, бу – Тангри учун ер юзидаги энг муқаддас хилқатдир[5].**

И. Кантнинг бу фикрини Россия юриспруденциясининг ҳозирги давр классиги С.С. Алексеев ўзининг Кант ҳақидаги китобига сарлавҳа қилиб кўтариб чиқди[6]. С.С. Алексеев «Кант сари олга»[7] шиорини ўртага ташлаганида, энг аввало, И. Кант фалсафий таълимотининг ҳуқуқий ҳамда либерал қадриятларини кўзда тутган бўлса ажаб эмас.

Ҳуқуқнинг асл вазифаси – ахлоқ ўзини тўла-тўкис намоён этиб, шахс эркинлигини эмин-эркин рўёбга чиқара олиши учун ижтимоий маконни кафолатлашдан иборатдир. Ҳуқуқнинг ахлоқий асоси ва маънавий негизи ҳақидаги Кант гоясининг моҳияти ҳам мана шунда.

Энди ҳуқуққа келсак, И. Кант уни уч туркумга бўлган:

биринчидан, манба сифатида ўз-ўзидан аён априор асосларга эга бўлган **табиий ҳуқуқ;**

иккинчидан, ижобий (позитив) ҳуқуқ, унинг манбаи – қонун чиқарувчининг иродасидир;

учинчидан, қонунда кўзда тутилмаган **адолат** – даъво, талаб.

«Урф-одатлар метафизикаси»да И. Кант табиий ҳуқуқнинг ўзига хос талқинини ўртага ташлаган. **Ж.Ж. Руссо** изидан бориб, И. Кант объектив ҳуқуқ бўлмаган гипотетик табиий ҳолат концепциясига амал қилган. **Инсонга азал-азалдан бирдан-бир,**

сифатида таҳлил қилади». Қаранг: Кант И. Сочинения на немецком и русском языках. Т. 1. Трактаты и статьи (1784–1796). – М., 1994. С. 35.

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С.281.

[2] Ўша жойда, 447 б.

[3] Ўша жойда, 307 б.

[4] Ўша жойда, 421 б.

[5] Ўша жойда, 383 б.

[6] **Қаранг:** *Алексеев С.С.* Самое святое, что есть у Бога на земле. Иммануил Кант и проблемы права в современную эпоху. – М., 1998.

[7] Ўша жойда, 400 б.

инсон табиий (туғма) ҳуқуқ – ахлоқий танлов эркинлиги хос бўлган. Ундан кишиларнинг тенглик, ўз фикрларини баҳам кўриш каби ажралмас ахлоқий сифатлари келиб чиқади. Давлатгача бўлган даврда одам субъектив табиий ҳуқуқларга, жумладан, мулк ҳуқуқига эга бўлади, бироқ улар шахснинг жисмоний кучидан бошқа ҳеч нима билан таъминланмаган ва дастлабки ҳуқуқлар ҳисобланади. Бундай субъектив ваколатлар йиғиндисини И. Кант ҳукмрон анъанага хилоф равишда хусусий ҳуқуқ деб атаган. **Хусусий ҳуқуқ, унинг фикрича, фақат давлатда, оммавий қонунларнинг жорий этилиши билан чинакам юридик ҳамда кафолатли характерга эга бўлади.**

И. Кант ҳуқуқни иккига: табиий ва позитив (тажрибага асосланган) ҳуқуқларга бўлган.

Табиий ҳуқуқ, бу – аклга мувофиқ ҳуқуқдир. У келиб чиқиши жиҳатидан априор, ҳар қандай тажрибага қадар мавжуд бўлиб, идрок талабларига суянади. **Табиий ҳуқуқ,** бу – «амалий идрок» талабларига мувофиқ бўлиши лозим бўлган ҳуқуқдир.

Позитив (тажрибага асосланган) ҳуқуқ – тарихан мавжуд ҳуқуқ бўлиб, уни табиий ҳуқуқ талабларига мувофиқ тарзда тубдан ўзгартириш зарурдир.

И. Кант бутун ҳуқуқ тизимини икки қисмга бўлган:

биринчидан, хусусий ҳуқуқ;

иккинчидан, оммавий ҳуқуқ.

Хусусий ҳуқуқ эркин ҳаракатга қодир бўлган алоҳида шахслар сифатидаги кишилар ўртасида муносабатларни қамраб олади. И. Кант предмет билан «меники» ёки «сеники» деб муомала қилиш лаёқати априор тарзда амалий идрокка хос, деб ҳисоблаган. Шунинг учун нарсага бўлган хусусий мулк ҳуқуқи, И. Кант фикрича, инсон ақлининг априор талабидир. Алоҳида шахсларнинг ўз эркинлигига тўғри келадиган ҳаракатларидан фойдаланиш ҳуқуқи фақат шартнома йўли билан қўлга киритилиши мумкин.

Хусусий ҳуқуқ – онгли инсонларнинг табиий муносабати учун зарур атрибутдир. Бироқ хусусий ҳуқуқ таъсир кучига эга бўлиши ва унинг зарур пайтда мажбурий тарзда амалга оширилиши учун кишилар шундай ҳуқуқий алоқага киришишлари керакки, у ҳолда айрим ҳуқуқлар давлат ҳокимияти томонидан чиқарилган қонун асосида амалга оширилади. Давлат кишиларнинг табиий муносабатларини фуқаролик жа-

миятига айлантиради. Кантнинг мулк ҳуқуқи ва шартномавий муносабатларга оид бўлган қарашлари тараққийпарварлик характерига эга бўлган.

И. Кант ҳуқуқий ҳолат яратиш учун зарур бўлган қонунлар мажмуасини оммавий ҳуқуқ деб атаган. Ер юзида яшовчи барча кишиларнинг ўзаро муносабатларига тааллуқли бўлган оммавий ҳуқуқ – дунё фуқароси ҳуқуқи ҳисобланади.

Оммавий ҳуқуқ қуйидагиларни белгилайди:

биринчидан, халқ таркибидаги айрим шахсларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқий ҳолат (фуқаролик ҳолати)ни;

иккинчидан, мустақил давлатда яшаётган халқ ҳаёти (давлат ҳуқуқи)ни;

учинчидан, давлат бўлиб бирлашган айрим халқлар ўртасидаги ўзаро алоқа-муносабатлар (халқаро ҳуқуқ)ни.

И. Кант баъзан «мутлақ ташқи ҳуқуқ» иборасини қўллаган. У мураккаб ижтимоий ҳаётда нима қонуний, нима тўғри, буни бир маъноли қилиб аниқлаш ҳар доим ҳам мумкин бўлавермаслигига эътиборни қаратган. Бунинг устига, реал зиддиятлардан иборат икки маъноли вазиятлар, ҳуқуқнинг икки маънолилик ҳолатлари юзага келиши мумкин, деб ҳисоблаган. Бундай ҳолларда у «кенгроқ маънодаги ҳуқуқ» иборасидан фойдаланган. Бунга «мажбурий бўлмаган йўл қўювчи ҳуқуқ» сифатидаги адолат (масалан, ушбу «тилсиз илоҳ» – адолатга чақириш томонлараро шартномада бошқа ҳеч қандай нарса кўзда тутилмаган тақдирда бирдан-бир, ягона йўл бўлиб кўриниши мумкин) ва «ҳуқуқсиз мажбурият»га йўл қўйиладиган бориб турган зарурат тааллуқли эди. Бироқ, гарчи бориб турган заруратнинг шиори: «**муҳтожлик қонунни билмайди (necessitas non habet legem)**» бўлса ҳам, И. Кант ноҳақликни қонунга айлантира оладиган муҳтожликнинг бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаган[1].

Оммавий ҳуқуқнинг марказий институти халқнинг Конституция қабул қилиш йўли билан ҳуқуқий тартиботни ўрнатишдаги ўз иштирокини талаб қилишидир.

Ҳуқуқнинг амалга оширилиши унинг умуммажбурий бўлишини талаб этади. Ҳуқуқий умуммажбуриятга куч билан мажбурий суратда эришилади (бундай индивидуум (шахс)нинг ҳуқуқий нормага амал қилиши, унинг бузилишига тўсқинлик қилиш, бузилган тақдирда

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 143, 145.

тиқланади). **Ҳуқуқ мажбурий куч ишлатмасдан ўз функциясини амалга оширишга қодир эмас ва қатъий императив умумий қонун сифатида ўз муқаррарлигидан маҳрум бўлади. Ҳуқуқни мажбурий куч билан фақат мажбуриятнинг асл ва бирламчи эгаси – давлат таъминлай олади.** Шуниси ҳам борки, **давлатчилик ҳуқуққа ҳаёт бағишлайди ва қатъий императив талабларини оқлайди.**

Ҳуқуқ мажбурлаш билан боғлиқдир. Мажбурлаш қонуний ва ноқонуний бўлиши мумкин. Ақл-идрок чегарасидан четга чиқиб, ўзбошимчаликка айланаётган эркинликни чегаралаган тақдирда, у қонуний ҳисобланади. Мажбурлаш озодликни ноқонуний чегаралаш ва умуман ҳуқуқнинг амалга оширилишига ноқонуний тўсқинлик қилишга қаршилик кўрсатган тақдирда ҳам қонуний саналади. «Бинобарин, – деб ёзган И. Кант, – эркинликнинг муайян кўринишининг ўзи умумий қонунларга мувофиқ бўлган эркинликка тўсиқ (яъни ноҳақ) бўлса, унга қарши қаратилган мажбурлаш эркинликка тўсқинлик қилишга қарши бўлиб, умумий қонунларга мувофиқ бўлган эркинликка тўғри келади, шундай экан, қонунийдир; демак, зиддият қонуни бўйича ҳуқуқ билан, шунингдек, шу ҳуқуққа ким зиён еткизадиган бўлса, унга нисбатан мажбурловни қўллаш ҳам боғлиқдир[1].

Ҳуқуқ ва давлатни фалсафий англаш бўйича И. Кант гояларининг салмоғи ва аҳамияти икки омил билан белгиланади. Биринчи омил – ижтимоий борлиқ ҳодисалари (улар орасида ҳуқуқнинг ҳам муносиб ўрни бор)га Кантча фалсафий ёндашувнинг асосланганлигидир. **Иккинчи омил** И. Кант яшаб, ижод қилган давр билан боғлиқ. Бу кишилик тарихида Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада анъанавий тамаддунлардан либерал тамаддунларга ҳақиқий ва шиддатли ўтиш бошланган кескин бурилиш даври эди.

Шундай қилиб, ҳали табиий-ҳуқуқий тасаввурларнинг сезиларли таъсири остида бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги Кант ахлоқ таълимотида ган позитив ҳуқуқ ва давлатнинг ҳуқуқий эмас, балки айнан ахлоқий қадрияти ҳақида боради. Республикачилик (яъни ҳуқуқий давлатнинг Кантча талқини) ғоясининг ўзи И. Кант томонидан ахлоқий онг тамойили сифатида, ахлоқий қатъий императив талаби сифатида асослаб берилган.

---

[1] Ўша жойда, 141 б.

Юридик аксиология
(ҳуқуқий қадриятшунослик)[1]

«Умуман, қадриятлар ҳақидаги мавзу – Кант мавзуси, бу – мавжудликнинг ўз-ўзидан ҳақиқатга мувофиқликлари ҳақида эмас, балки мавжудликка мувофиқ равишда лозимликнинг маъноси тўғрисидаги мавзудир, шунинг учун, агар воқеликнинг ўзида бу муаммо – ҳуқуқий қадрият билан – ўзаро боғланиш, амалийлик бўлса, бу яхши, албатта»[2].

В. С. Нерсесянц,

замонавий ҳуқуқ файласуфи (Россия)

Ҳуқуқшунослик учун ҳуқуқда, унинг етакчи институтларида, амалга оширилиш жараёнидаги ижтимоий идеаллар ҳамда қадриятларнинг мужассам ҳолда намоён бўлиши ва аниқлаштирилишини кўрсатиб бериш муҳимдир. Бу дегани, масаланинг аксиологик томони бир вақтнинг ўзида умумий ҳуқуқ назариясининг мазкур муаммоси ечими билан бирга кўриб чиқилиши лозим. Олдимизда алоҳида объект эмас, балки умумий ҳуқуқ назарияси ўрганадиган муаммолардан бири турибди, холос[3].

Аксиология – қадриятлар тўғрисидаги таълимотдир. «Қадрият» тушунчасидан ахлоққа тегишлиликнинг тор маъносида фойдаланиш И. Кантга бориб тақалади[4]. Унинг талқинидаги қадриятлар, бу – муқаррарлик ва эркинликнинг ахлоқий дунёсида маъно-мазмун ва аҳамиятга эга бўлган нарсадир. Бўлиши лозимлик, муқаррарликнинг ушбу априор олами И. Кант томонидан сабаб-оқибат боғланишлари ва зарурият ҳукмрон бўлган «борлиқ (мавжудот, эмпирик ҳодисалар дунёси)дан узилган ва қарама-қарши ҳолатда қурилади. Зотан, гап бу ерда Кант фикрига кўра, ақл-идрок априор императивлари – мақсадлар, талаблар, лозимлик формулаларидан иборат бўлган қадриятларнинг норматив ва

---

[1] Юридик аксиология ҳақида қаранг: *Нерсесянц В. С.* Ҳуқуқ фалсафаси / Масъул муҳаррир А. Х. Саидов. Тошкент, 2003. 82–87 бетлар.

[2] Право как ценность: Материалы дискуссии. – М., 2002. С. 10.

[3] *Туманов В. А.* Буржуазная правовая идеология. К критике учений о праве. – М., 1971. С. 349.

[4] **Батафсилроқ қаранг:** Политико-правовые ценности: история и современность / Под ред. В. С. Нерсесянца. – М., 2000. С. 5.

регулятив аҳамияти тўғрисида бормоқда. И. Кант ахлоқ ва ҳуқуққа мувофиқ равишда қисқача таъриф берган ўша қатъий императивлар ҳам мана шу ахлоқий нормативлик билан боғлиқдир.

Лекин унинг издошлари (**Р.Х.Лотце, В.Виндельбанд** ва бошқалар) янада илгарилаб кетганлар ва қадриятларнинг нафақат одоб ахлоқ, балки фан ва санъат соҳасида ҳам норматив-регулятив аҳамияти тўғрисидаги тасаввурларни ривожлантирганлар. Масалан, Кантнинг издоши В. Виндельбанд қадриятларни маданият нормаси сифатида тушунтирган ва чин ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик қадриятларидан ташқари санъат, дин, фан ва ҳуқуқ сингари инсон маданий бойликларидан иборат қадриятларни ҳам эътироф этган.

Кўриниб турибдики, аксиологиянинг ҳар қандай изчил концепцияси, жумладан, юридик аксиология ҳам қадриятлар ва баҳоланаётган воқеа, далил, асос (ҳодиса, объект, муносабатлар ва ҳоказ)ни қадриятларнинг тегишли иерархияси ва тизими – унинг қиймат жиҳатидан мазмун-моҳияти ва аҳамияти нуқтаи назаридан фарқлаш ва аниқлашни кўзда тутади. Бунда қадрият уни эмпирик мавжудот, ҳақиқатга мувофиқлик соҳасидан ажратишда (албатта, Кантча тафовут тарзи шарт эмас) мақсадлар, маъно-мазмун, аҳамият, бўлиши лозимлик, муқаррарлик, нормативлик, расмий тартиб-қоида ва ҳоказолар соҳасига тааллуқлидир. Шу хилдаги фарқлаш нафақат (лозимликнинг мавжудликдан, қадриятлар дунёсини ҳодиса ва ҳоказолар оламидан ажратишнинг энг сўнгги шаклидаги) Кантча ёндашувга, балки тўғридан-тўғри қарама-қарши, объектив-идеалистик дунёқарашга ҳам хос (**Афлотун**дан тортиб, то **Хегел** ва уларнинг замонавий издошларига қадар), унга кўра, борлиқ бойлик (яъни қадрият)дир, бироқ борлиқ деганда эмпирик воқеийлик эмас, балки чин, ҳақиқий мавжудлик, яъни борлиқ ғояси, мазмун-моҳияти, муқаррарлик, бинобарин, қиймат жиҳатидан аҳамиятлилик кўринишидаги мавжудлик тушунилади[1].

Агар мавжудлик ва лозимликни Кантча фарқлаш лозимликнинг мавжудлик учун қадрият-мақсад жиҳатидан аҳамияти априористик тузилишлар билан концептуал тарзда тўлдирилса, унда борлиқ ва бойликнинг объектив-идеалистик ўхшашлигига, ўз навбатида, мавжудликни идеал (телеологик қадрият жиҳатдан) тушуниш орқали тузатиш киритилади. Шундай қилиб, мазкур қарама-қарши ёндашувлардан ҳар бири ўзича лозимлик билан мавжудликнинг,

---

[1] Политико-правовые ценности: история и современность / Под ред. В.С. Нерсесянца. – М., 2000. С. 5–6.

маъно ва факт (далил)нинг ўзаро муносабати билан боғлиқ ҳолда муаммони қўяди ва унинг ечимини топади[1].

Айтиш мумкинки, Кант аксиологияси априоризмга эҳтиёж сезади, чунки у онтологиядан йироқ. Бошқа томондан, онтология ва заруриятли аксиологияни объектив-идеалистик жиҳатдан ўхшатиш борлиқнинг бошланғич қадрият-мақсад жиҳатидан талқин этилишини назарда тутади. Бунда қадрият жиҳатидан талқин этиш учун зарур бўлган муқаррарлик шарти ё идеал борлиқ хусусияти (яъни, объектив-идеалистик таълимотлардаги онтология кўриниши) сифатида ёки И. Кант таълимотидаги борлиқнинг эмпирик тавсифига кўра муқаррарликнинг алоҳида оламидаги феномен сифатида намоён бўлади ва ундаги априоризм етишмаётган онтологияни тўлдиради.

Юридик аксиологиянинг предмет доираси ва асосий мавзуси, бу – ҳуқуқ қадрияти, қонун (позитив ҳуқуқ) ва давлатнинг қадрият жиҳатидан аҳамияти муаммоларидир, зеро, юридик аксиология ҳам, бутун юридик фани сингари, нафақат ҳуқуқ, балки давлатни[2] ҳуқуқий ҳодиса, яъни – мазкур эркин жамият аъзолари оммавий ҳокимиятининг ҳуқуқий ташкилоти (ташкилотнинг ҳуқуқий шакли) сифатида предмет тарзида ўрганади.

Юридик аксиология – бу ҳуқуқ қадрияти, қонун (позитив ҳуқуқ) ва давлатнинг ҳуқуқий аҳамияти тўғрисидаги таълимотдир. Юридик аксиология ҳуқуқ ва қонун тафовути ва ўзаро муносабатини кўзда тутади ва шундан келиб чиқиб, юридик ҳуқуқ тушунчаси доираси, негизи ва йўлидагина маъно касб этиши мумкин[3]. Бунда ҳуқуқ, бир томондан, муҳим қадриятларнинг ифодаловчиси сифатида намоён бўлса, бошқа тарафдан – мустақил қадриятни бошқа олий қадриятлар каторида тақдим этади[4].

Шундай қилиб, И. Кантнинг ҳуқуқ тўғрисидаги фалсафий таълимоти XVIII аср Ғарбий Европа юридик тафаккури тараққиётидаги юқори боскични ифодалайди. Унда ҳуқуқ илмий назариясининг методологик асослари, меъёрийликнинг интеллектуал-иродага хос табиати, ҳуқуқ ва ахлоқнинг чегара чизиғи

---

[1] Ўша жойда, 6 б.

[2] *Мамут Л.С.* Государство в ценностном измерении. – М., 1998.

[3] Политико-правовые ценности: история и современность / Под ред. В.С. Нерсесянца. – М., 2000. С. 6.

[4] *Туманов В.А.* Буржуазная правовая идеология. К критике учений о праве. – М., 1971. С. 350.

ва бошқа шунга ўхшаш фундаментал масалалар кўтарилган. Ҳуқуқий имкони борича кенг маданиятшунослик нуқтаи назаридан таърифлаш, И. Кант ҳуқуқ фалсафасининг мустақил академик фан ва ўқув курси шаклида вужудга келиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берди. И. Кант асарларида баён этилган ўзаро боғлиқ субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар сифатидаги ҳуқуқий муносабатларнинг таъриф-тавсифи махсус юридик тадқиқотлар учун муҳим аҳамият касб этди.

2. И. Кантнинг давлат фалсафаси

«Давлат (civitas), бу – ҳуқуқий қонунларга бўйсунувчи кўплаб кишиларнинг бирлашган уюшмасидир»[1].

И. Кант

Давлатнинг келиб чиқиши

Ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни тушунтиришда априор ёндашув тамойилларига мувофиқ равишда И. Кант давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги масалани ҳал этишдан воз кечган. Бу билан у табиий ҳуқуқ концепцияларига хос бўлган муайян зиддиятни енгиб ўтишга интилган, уларда давлатнинг шартнома йўли билан тузилиши, **биринчидан,** ўтмишнинг амалий воқеаси, **иккинчидан,** сиёсий ҳокимиятнинг бўлғуси идеал ташкилоти асоси бўлиб гавдаланган. Бошланғич шартнома ундаги мавжуд феодал-мутлоқ тузумни ўзгартириш заруратини асослашга даъват этилган фақат ақл кўзи билан қараладиган тузилиш сифатида намоён бўлади.

Ушбу шартнома фақатгина ақл-идрок ғоясидир, холос, бироқ у маълум маънода шубҳасиз (амалий) реаллик касб этади, яъни ҳар бир қонун чиқарувчи зиммасига шундай мажбурият юклайдики, токи унинг чиқарган қонунлари бутун бир халқнинг бирлашган иродасига асосланган бўлсин. И. Кант ижтимоий шартномага аниқ, муайян қонунларнинг хакконийлиги хусусида фикр юритиш имконини тугдирадиган регулятив тамойил хусусиятларини берган. Шартнома ғояси, унинг сўзларига кўра, ҳуқуқ ва ҳуқуқсизликнинг «бехато мезони» бўлиб хизмат қилади. Ҳақиқатан ҳам, деб ёзган Кант, халқнинг хўжайин (ҳукмдор)лар табақасининг мерос бўлиб қолган имтиёзлари тўғрисидаги қонунга розилик беришини тасаввур қилиш

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 233.

қийин. Жамиятнинг бир қатламини бошқа биридан устун қўядиган бундай қонун унинг назарида ҳуқуққа зид бўлиб кўринган.

«Фуқаролик жамиятининг абсолют-ҳуқуқий ҳолати»га (унда, И. Кант фикрича, шахс ўз ўзбошимчалиги ва сиёсий ҳокимият зўравонлигидан ҳимояланган) мос келадиган тамойилларни асослаб бериш учун у давлатнинг шартномавий келиб чиқиши назариясидан фойдаланган. **Давлатнинг вужудга келишини Кант кишиларнинг ўзаро келишиши ва иродаси натижаси, деб тасаввур қилган.** Шунинг учун давлат ҳокимияти доимо аниқ мақсадлар билан чегараланади ва ўзи ҳам шу мақсадларни кўзлаб тузилади. Бошқарув усули бошқарув «ўз ҳаракатида бирдан-бир қонуний тузум, яъни соф республика тузуми билан келишиши ва фақат халқнинг итоаткорлигига ёрдам бериш учунгина хизмат қилган эски эмпирик (статуар) усуллар бошланғич (рационал) шаклга ўтиши учун бошланғич шартнома ғоясига мос келиши лозим»[1].

Халқ, И. Кант фикрича, эркинлик ва тенгликнинг ҳуқуқий тушунчаларига мос тарзда давлат бўлиб бирлашиши лозим[2]. Кантнинг шартнома назарияси бевосита фуқароларнинг ҳар тарафлама васийлиги асосига қурилган мутлақ полиция давлатининг идеологияси ва бошқарув амалиётига қарши қаратилган. И. Кант, аксинча, **«ҳеч ким мени ўзи хоҳлаганидек (бошқа кишиларнинг тинчлик-хотиржамлигини ўзича қандай тасаввур қилса, шундай) бахтли бўлишимга мажбурлай олмайди; ҳар бир киши ўз бахтини ўзига яхши кўринган йўлдан, агар у бу билан бошқаларнинг шундай мақсад сари интилиш эркинлигига зарар етказмаса, излашга ҳақлидир...»[3].** Ҳамонки, инсон ҳуқуқий қонунни бузмас экан, ўзи хоҳлаганча ўсиб-улғайиши, вояга етиши ихтиёрий. Шу нуқтаи назардан олганда, унинг шахсий ҳаётига аралашиш, масалан, полиция томонидан уй-жойини назорат ёки тинтув қилинишига И. Кант фақат бориб турган зарурият ҳолатидагина йўл қўйиш мумкин ва «бунга ҳуқуқни у (полиция – А.С.) ҳар бир айрим ҳолатда олий ҳокимиятдан олиши лозим»[4], деб ҳисоблаган.

Жамиятнинг барча аъзолари «ҳуқуқий жиҳатдан бир-бирлари билан мутлақо тенгдирлар..., чунки ҳеч ким бошқа бировни оммавий қонун (ва унинг ижрочиси, давлат бошлиғи) орқали, бироқ ўша қонунга таяниб ва ҳар қандай бошқа киши унга тенг,

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 2. Ч. 2. – М., 1965. С. 267.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 299.

[3] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 79.

[4] Ўша жойда, 249 б.

бирнимар ҳолда қарши турса ҳам, бошқача тарзда мажбурлай олмайди ва ҳеч ким...ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмасдан, фақат бурч юзасидан, демак, баъзи бир ҳуқуқий ҳаракат шартномаси учун восита бўла олмайди, чунки бу билан у ўзини шартнома тузиш ҳуқуқидан маҳрум қилган, ва, шундай экан, шартнома ўз-ўзидан барбод бўлган бўлар эди»[1].

Давлатнинг келиб чиқишини таҳлил қилар экан, И. Кант унинг вужудга келишини қонунийликнинг ҳар қандай кафолатидан маҳрум бўлган табиий ҳолат, деб таърифлаган. Ахлоқий бурч, табиий ҳуқуққа бўлган ҳурмат ҳис-туйғуси одамларни бу ҳолатни тарк этиб, фуқаролик жамиятига ўтишга ундайди. Фуқаролик жамиятига ўтиш тасодифийлик характерига эга эмас. Яккаланиб қолган шахслар унинг кўмагида халқ ва давлат бўлиб уюшадиган акт (ҳужжат) шартнома ҳисобланади.

Давлатнинг келиб чиқиши масаласида И. Кант Ж.Ж. Руссога фикрдош бўлган. Одамларнинг табиий ҳолатдаги турмушдан фуқаролик жамиятидаги ҳаётга ўтиши шартнома воситасида амалга ошади. Мазкур шартнома табиатининг Кантча изоҳи ирода автономияси ҳақидаги, ахлоқий субъект ва ҳоказолар ҳисобланган шахслар тўғрисидаги ғоялар билан чамбарчас боғланган. Тузиладиган шартноманинг асосий шарти – тузилаётган ҳар қандай ташқи мажбурият ташкилоти (монархия давлати бўладими ё сиёсий жиҳатдан бирлашган халқ бўладими) учун ҳар бир индивидда ҳеч қандай мажбурий бўлмаган ҳолда «ўз мақсадларига эришиш учун бошқа бировни воситага айлантирмаслик» бурчини англайдиган ва бу бурчни бажаришга қодир бўлган шахсни эътироф этиш мажбуриятидан иборатдир.

«Ижтимоий шартнома», Кант фикрича, маънавий етук инсонлар ўртасида тузилади. Шунинг учун давлат ҳокимиятининг улар билан ахлоқ қонунларидан бехабар бўлган ва хулқ, хатти-ҳаракат йўлини тўғри танлай олмайдиган шахслар сифатида муомала қилиши тақиқланади. Ўзаро фойдали мақсадларни кўзлаб ва қатъий (ахлоқий) императивга мос равишда тузилаётган ижтимоий шартномага мувофиқ, халқни ташкил этаётган барча айрим, алоҳида шахслар ўз ташқи эркинлигидан воз кечадилар ва энди давлат аъзолари сифатида ўша заҳоти яна унга қайтадан эга бўладилар. Бетартиб, бебош эркинликдан бутун кўлами чинакам ҳуқуқий ҳолатдан иборат бўлган озодликка ўтадилар. **Ҳуқуқий ҳолат доирасидаги эркинлик биринчи ўринда танқид эркинлигини кўзда тутади.**

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 81.

Ҳуқуқий давлат

«Давлат ўзи жойлашган ерга ўхшаган мол-мулк эмас.

Давлат, бу – ўзига ўзи хўжайин бўлган ва ўзини ўзи идора қиладиган кишилар жамиятидир»[1].

И. Кант

Ҳуқуқий давлат ғоясига бўлган алоҳида эътибор «Пруссия тараққиёт йўли» билан ҳам боғлиқ. **Немис юридик адабиёти ҳуқуқий давлат назариясининг, муҳим юридик таъриф ва тушунчаларнинг ишлаб чиқилишига жиддий ҳисса қўшган.** Фалсафий-ҳуқуқий тафаккур соҳасида у, шубҳасиз, устувордир[2].

Ҳуқуқий давлат аниқ назарий концепция ва тегишли амалиёт сифатида узоқ ва ибратли тарихга эга. **«Ҳуқуқий давлат» (Rechtsstaat)** атамасининг ўзи немис юридик фанида XIX асрнинг биринчи уч ўн йиллигида шаклланган ва қарор топган, кейинчалик эса бутун дунёга кенг ёйилган[3].

Фалсафий-ҳуқуқий фан соҳасида И. Кант ҳақли равишда ўзига хос сиёсий-ҳуқуқий концепция – **ҳуқуқий давлат назариясининг муаллифи ҳисобланади[4].** Кант инсоннинг онгли мавжудот сифатида ахлоқий табиатидан келиб чиқиб, жамиятнинг ҳуқуққа бўйсуниши ҳақида яратган таълимотида немис буржуазиясининг ўзига замондош бўлган воқеликни бозор тараққиёти талаб-эҳтиёжларига мувофиқ тарзда тубдан ўзгартиришга бўлган интилишлари ўзининг мумтоз тажассумини топган. Сиёсий ҳокимиятни эгаллаш ва давлат

---

[1] Kant Im. Rechtslehre. Schriften zur Rechtsphilosophie. Berlin, 1988. S. 290.

[2] *Туманов В.А.* Буржуазная правовая идеология. К критике учений о праве. – М., 1971. С. 135.

[3] Инглиззабон адабиётида «Rechtsstaat» атамаси қўлланилмайди; маълум даражада «ҳуқуқни бошқариш» (Rule of Law) атамаси унинг эквиваленти ҳисобланади. Англо-америкача «Rule of Law«таърифида ҳуқуқ ҳукмронлиги гавдаланади, бунинг сабаби, энг аввало, шундаки, қонунларни бошқариш ғоясини амалга оширишнинг айнан англосакс ва яна шимолий америкача тажрибаси ушбу формулани илк бор ҳамма ишлатадиган қилиб муомалага киритган қадимги римликларнинг деярли тўғридан-тўғри таъсирисиз мазкур ўзига хос таъриф тарзида орттирилган. Ушбу ғоянинг амалга оширилиши қийин бўлган. Бу ерда нафақат фуқаролар учун, балки, шунингдек, Англия қироли учун ҳам қонун устуворлиги тўғрисидаги масала бўйича ғоявий баҳс-мунозараларнинг кўп асрлик анъанаси мавжуд. Америка сиёсий тарихида суд амалга оширган конституцияга риоя қилиш юзасидан назоратнинг жорий этилиши бурилиш нуқтаси бўлган.

[4] *Галанза П.Н.* Учение Канта о государстве и праве. – М., 1960. С. 18.

фаолиятини ўз манфаатларига бўйсундиришга ожизлиги сабабли буржуазия абсолютист давлат фаолиятини ҳуқуқ ёрдамида чеклашга ҳаракат қилган.

И. Кант француз инқилобига қадар ўзининг **«Умумжаҳон фуқаролик нуқтаи назарида умумий тарих ғояси»** (1784) номли асарида **«умумий ҳуқуқий фуқаролик жамияти»** концепциясини умумий суратда қискача таърифлаб берган[1]. **И. Кант фикрича, ҳуқуқий фуқаролик жамиятининг фундаментал асослари унинг барча аъзоларининг шахсий эркинлигини таъминлаш ва бу эркинликни барча учун баравар мажбурий бўлган қонунларга мувофиқ тарзда бирга қўшиб олиб боришдан иборат бўлмоғи лозим.** У бу фикрларни кейинчалик ўзининг бир қатор асарларида, биринчи навбатда **«Ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотнинг метафизик асослари»да** ривожлантириб, янада аниқроқ баён қилган.

И. Кант давлатни ҳуқуқий нормаларга бўйсунувчи кўплаб кишиларнинг бирлашган уюшмаси сифатида таърифлаган. Унинг этикасидаги бошланғич нуқта – инсон шахсияти чегараланган мақсад ва унга «умумбахт-саодати» йўлида қандайдир вазифаларни бажаришда восита деб қарамаслик лозим, деган ишонч-эътиқод бўлган. Алоҳида инсон, шахс шунинг учун ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги Кант фалсафий таълимотида биринчи ўринда туради.

Давлат – ҳуқуқий ташкилотдир, у қонуний ахлоқ қоидаларини таъминлашнинг ташкилий, моддий ифодаси ва воситаси ҳамда ҳуқуқий хулқ-атворни таъминловчи воситалар, институтлар мажмуасидан ўзга нарса эмас. Давлатнинг табиатида бундан бошқа нарса йўқ. Башарти яна бирон нима пайдо бўладиган бўлса, у – **тасодиф, давлатнинг табиати – ҳуқуқийликдир. Давлатнинг мақсади – адолат ва ҳуқуқ тантанаси**.

И. Кант фикрига кўра, давлат ва ҳуқуқ – инсон табиатининг табиий натижаси, унинг шахсий ва ижтимоий асосларини уйғунлаштириш муқаррар зарурияти, унинг бахт-саодати ва бутун инсониятнинг бахт-саодати ва тараққиёти йўлида худбинларча ҳавас ҳамда иштиёқларини истифода этиш табиий

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 12.

механизмининг бевосита оқибатидир. Кант назарида, табиат кишилик жамиятида антагонизм, рақобат ва ташаббусни ривожлантира бориб, одамлар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик алоқаларини уйғунлаштириш қуролларининг юксак даражада тараққий этиши учун ҳам ғамхўрлик қилган. Шу маънода ҳуқуқ ва унга муносиб давлат инсоният тарихи ва табиатининг теран илдизлари билан узвий боғлиқдир.

Ҳуқуқ, И. Кантнинг уқтиришича, **инсон ақл-идроки ва эркинлигига асосланиши лозим; қонунлар эса, уларнинг талабларига мос бўлиши лозим.** Унинг фикрича, **ақл-идрок «қонунга хос мажбуриятни фақатгина эркинлик тамойилларига кўра асослаб берилишини талаб қилади, фақат шундагина ҳуқуқий жиҳатдан барқарор давлат тузуми бўлиши мумкин»**[1].

Давлат, – деган эди у, – **бу ҳуқуқий қонунларга бўйсунувчи кўплаб кишиларнинг бирлашган уюшмасидир»**[2], унинг зарурий шарти жамият аъзоларининг амалий, ҳиссий маълум индивидуал, гуруҳ-гуруҳ ва умумий эҳтиёжлари эмас, балки батамом ҳис-туйғусиз, англаб бўладиган оламга мансуб категориялардир. Давлатга фуқароларнинг моддий таъминоти, уларнинг ижтимоий ва маданий эҳтиёжларини қондириш, меҳнати, саломатлиги, билим олиши ва ҳоказолар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ташвиши тушмайди. **Давлат фаровонлиги деганда «фуқаролар бахт-саодати ва фаровонлиги»ни тушунмаслик керак.** Давлат фаровонлиги деганда, Конституциянинг ҳуқуқ асослари билан ўта мувофиқлик ҳолатини англамоқ лозим, ақл-идрок ҳам қатъий императив ёрдамида унга интилишни зиммамизга юклайди. Давлат фаровонлиги ва мақсад-вазифаси ҳуқуқнинг мукаммаллигида, давлат тузилиши ва идора усулининг ҳуқуқ принципларига юқори даражада мос келишида эканлиги ҳақидаги тезиснинг И. Кант томонидан илгари сурилиши ва ҳимоя қилиниши **Кантни ҳуқуқий давлат ғоясининг илк асосчиларидан бири,** деб ҳисоблаш учун тўла асос бўлиб хизмат қилади.

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 294.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 233.

И. Кант ҳозирги кунда «ижтимоий давлат» деб аталаётган тушунчага қарши бўлган. Унинг фикрига кўра, фуқаролар фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш давлатнинг юридик мажбуриятлари қаторига кирмаслиги лозим, чунки «бахт-саодат» (шундай ғамхўрлик самараси) бир хил, баравар қўлланиш мумкин бўлган ҳуқуқий (яъни, «умумий») принцип бўла олмайди. Ахир И. Кантнинг бутун этикаси ҳам (ҳуқуқ фалсафаси унинг бир қисмини ташкил этади) – ҳаракатлар учун умумий ва умуммажбурий асосларни қидиришдан иборат-ку. Ахлоқ ва ҳуқуққа нисбатан бундай ёндашув И. Кант тафаккурининг бутун услубига мос келиши ўз-ўзидан тушунарли. Бундан ташқари, И. Кант қонун даражасига кўтарилган (яъни, мажбурий) ҳайрия давлатнинг инсонга бўлган зўравонлик, патерналистик муносабатини кўзда тутади, деб ҳисоблаган.

И. Кантнинг ижтимоий мазмун – XVIII аср охиридаги Пруссия абсолютист давлатига доир ушбу фикрларини соддалаштириш ва унинг бугунги либерал демократия, «демократик ва ижтимоий ҳуқуқий давлат» (ГФРнинг 1949 йилги Асосий Қонуни)[1] учун муҳим ва долзарб эканлигини инкор қилиш мулоҳазасизлик бўлар, эҳтимол.

Аутсайдерларнинг фаровонлиги ва ҳимоясини қайта тақсимлаш механизмларига эга бўлган замонавий ижтимоий давлатни бозор иқтисодиётининг дастлабки чекланмаган тараққиётисиз, яъни, фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятини ташкил этадиган ўша «эркин бўшлиқ»сиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Яқин кишингга институционаллаштирилган севги» сифатида намоён бўладиган ижтимоий давлатни ахлоқан тўғри деб топиш шубҳа туғдирмайди. Бироқ «ижтимоийлик» принципининг ўз табиатига кўра эркинлик ҳуқуқига асосланган принципдан хийла чекланганлиги аниқ. Бинобарин, «классик» (яъни шахсий ва сиёсий) инсон ҳуқуқлари иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар эга бўлмаган чуқур онтологик (ёки фалсафий-антропологик) асосларга эга. Ижтимоий давлат эгаси, бу – майли, асос жиҳатидан муҳим ҳам бўлсин, барибир тузатишдир[2].

---

[1] Германия Федератив Республикасининг Асосий қонуни / Масъул муҳаррирлар Р. Крумм, А.Х. Саидов. Т., 2005.

[2] *Лезов С.* Правовое государство в интеллектуальной традиции //http://www.hrights.ru/text/b3/chapter.

И. Кант давлат учун энг муҳим, зарур нарса – ҳуқуққа таяниш, ўз фаолиятини ва барча ҳаракатларини унга мувофиқ ҳолда олиб бориш эканлигини кўп марта таъкидлаб ўтган. Ҳуқуқ ва эркинликка амал қилишдан бўйин товлаган давлат позитив қонунлар муҳофазасини таъминлай олмайди ва ўз фуқароларининг ишонч ва ҳурматидан маҳрум бўлиш хавфига дучор бўлади. Одамлар онгли равишда давлатга нисбатан оппозиция йўлини танлайди.

И. Кант ўзининг давлат тўғрисидаги фалсафий таълимотида ўзига замондош бўлган немис сиёсий-ҳуқуқий воқелигидан анча илгарилаб кетган. **У ҳуқуқий давлатнинг қонуний эканлигини назарий жиҳатдан асослаб берган ва** бундай давлатни амалда тузишни Германия келажаги учун ҳавола этилган.

Ҳуқуқий давлат тўғрисидаги таълимот – уни ишлаб чиқиш XIX аср немис олимлари К.Т. Велькер, Р. фон Мол, О. Бэр, Р. фон Гнайст ва бошқалар[1] томонидан давом эттирилган, – XVIII–XIX асрлардаги герман мутлақ ёки ярим мутлақ монархияларининг шароитларида ижтимоий тараққиётга хизмат қилган. И. Кант вакиллик органи ташкилоти талабларининг, шахснинг хусусий ва сиёсий эркинлигини, суд маслаҳатчилари иштирокида бўладиган суд мажлисларини таъминлашнинг ҳамда крепостнойликни бекор қилишнинг ҳаққоний эканлигини фалсафий фикр ва мулоҳазаларнинг академик формулалари билан пардалаб, ўз низом ва қоидаларини мантиқий фалсафий тизимда баён қилиш орқали исботлаб берган.

Кант назариясининг Германия талаб-эҳтиёжларига бундай тарзда мос келиши – у бу эҳтиёжларни 1789–1794 йиллардаги Франция инқилоби туфайли қондира олган, **И. Кант фалсафасини «француз инқилобининг немисча назарияси»[2]** деб атаган К. Маркс тавсифига асос бўлиб хизмат қилган бўлса, ажаб эмас.

---

[1] **Қаранг:** *Welcker K.T.* Die letzten Grьnde von Recht, Staat und Strafe. Giesen, 1813. S. 25, 71 u. a.; Mohl R. Die Polizeiwissenschaft nach den Grundsдtzen des Rechtsstaates. Bd. 1–2. Tьbingen, 1832–1833. Қаранг: Нерсесянц В.С. История идей правовой государственности. М., 1993.

[2] *Маркс К., Энгельс Ф.* Соч., 2-е изд. Т. 1. С. 88.

Ҳокимият ваколатларининг бўлиниши

«Ҳар бир давлатда учта ҳокимият, яъни, умуман уч қиёфанинг (trias politica) бирлашган иродаси мавжуд: қонун чиқарувчи номидан олий ҳокимият (суверенитет), (қонунга мувофиқ идора қилувчи) хоким номидан ижро ҳокимияти ва (ҳар кимга қонунга мувофиқ ўзига яраша ҳукм чиқарувчи) судья номидан суд ҳокимияти...»[1]

И. Кант

Илк либерализм идеологи сифатида, И. Кант давлат фаолиятини шахснинг индивидуал эркинлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратган. Давлат фаровонлиги деганда, Конституциянинг ҳуқуқий асослари билан ўта мувофиқлик ҳолатини англамоқ лозим, ақл-идрок ҳам қатъий императив ёрдамида унга интилишни зиммамизга юклайди. Кант фуқаролар бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлат ҳокимияти вазифасига кирмайди, деб ҳисоблаган. Шу нуқтаи назардан давлатда уч ҳокимият – қонунлар чиқариш (парламент), уларнинг ижроси (ҳукумат) ва муҳофазаси (суд) бўйича органлар мавжуд эканини кўрсатиб ўтган. Унингча, ҳокимиятнинг бўлиниш ва субординация (қуйининг юқорига бўйсуниши) тизими давлат ташкилотининг идеали сифатида хизмат қилади.

Ш. Л. Монтескьедан олинган ҳокимият ваколатлари бўлиниш ғоясини И. Кант ҳокимиятлар мувозанати ғояси сифатида талқин этмаган. Қатъий императив талабларининг давлатчилик соҳасида амалга оширилиши И. Кант кўз ўнгида (қонунчилик, ижро ва суд) ҳокимиятлари бўлинишига эга бўлган давлатнинг ҳуқуқий ташкилоти сифатида гавдаланади.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қараб, у бошқарувнинг икки шаклини фарқлаган ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўйган: республика (аслида ҳам у ҳуқуқий давлат ҳисобланади) ва деспотия (мустабид давлат).

И. Кант ҳокимиятларнинг бўлиниш назариясини ўзича изоҳлаган. «Давлатдаги учала ҳокимият, **биринчидан,** ахлоқли кишиларга ўхшаб, бир-бири билан уйғун, мувофиқлашган, яъни давлат тузилишини мукаммаллаштириш учун бири иккинчисини тўлдиради; бироқ, **иккинчидан,** улар, шунингдек, бир-бирига шундай тарзда бўйсундирилганки, бири иккинчисининг функцияси

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. М., 1965. С. 234.

(вазифаси)ни қонунга хилоф равишда тортиб ололмайди, балки унга ёрдам беради, колаверса, ўз тамойилига эга, яъни гарчи у алоҳида шахс сифатида амр этса ҳам, юқорининг мавжуд иродасига таянади; **учинчидан**: у ёки бу функцияларни бирлаштириш йўли билан улар ҳар бир фуқарога ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш имконини беради»[1].

И. Кант фикрича, ҳар қандай давлатнинг мавжудлиги, бундан кузатилган маъно ва мақсади – ҳуқуқни амалга оширишдир. Бунинг учун **давлат қуйидаги уч йўл асосида иш олиб боради:**

биринчидан, қонун (умумий ҳуқуқ нормалари) яратиш;

иккинчидан, ижро ва идора қилувчи фаолият (маъмурий ҳаракатлар)ни амалга ошириш;

учинчидан, юрисдикциявий ҳаракатларни бажариш.

И. Кант давлат ҳокимияти органларини функционал жиҳатдан қонунчилик, ижро ва суд органларига бўлган.

Инсон эркинлиги ва тенглигининг давлат томонидан кафолати унинг бошқарув ва қонунчиликда иштирок этишидир. **И. Кант «ҳар қандай ҳақиқий республика халқ номидан барча фуқароларни бирлаштириш йўли билан уларнинг ҳуқуқларини ўз вакиллари (депутатлар) орқали таъминлаш учун халқ вакиллик тизими саналади ва бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас»[2], деб ҳисоблаган.**

Фуқарога «ўзи розилик берган қонундан ташқари бошқасига бўйсунмаслик» ҳуқуқи кафолатланган бўлиши лозим»[3]. Тўғри, И. Кант бундай розиликни, яъни бошқача айтганда, сайловларда қатнашиш розилигини муайян иқтисодий жиҳатдан қарам бўлмаган «мустақил» кишилар бера олади, деган фикрда бўлган. Шундай қилиб, фаол фуқаролар сафидан вояга етмаганлар, хотин-қизлар, айрим шахсларнинг хизматкорлари[4] чиқарилган, бироқ уларнинг «фаол» бўлиш имкониятлари истисно қилинмаган. Қолган барча кишиларнинг овозлари тенг бўлмоғи лозим[5].

И. Кант, табақага оид мерос бўлиб қолган сиёсий имтиёзлар ҳуқуққа зид, деб кўрсатиб ўтган. Замонавий давлат ўзи билан фуқаролари ўртасидаги ҳокимлик поғоналарига, яъни суверен, дворянлар ва халқ орасидаги бўлинишларга барҳам бериши лозим[6]. Давлат ҳокимиятининг энг муҳим устуворликлари, масалан, солиқ

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 237.

[2] Ўша жойда, 268 б.

[3] Ўша жойда, 264 б.

[4] Ўша жойда, 235 б.

[5] Ўша жойда, 85 б.

[6] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2.– М., 1965. С. 254.

масаласини ҳал этиш ҳуқуқи, И. Кантнинг қатъий фикрига кўра, халқ вакилларига берилиши лозим. «Шундай бўлгач, халқ ўзига ўзи солиқларни юклайди», бунинг устига, бу «ҳуқуқ қонунлари»га мувофиқ равишда иш кўришнинг бирдан-бир, ягона йўлидир. И. Кант монархия ҳокимиятини уруш эълон қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилган.

И. Кант давлат ҳокимияти бирлигини яхши тушунган, бироқ у гўё уч қиёфада намоён бўлиб, муайян ихтисослашиш ва дифференциация (табақаланиш)га эга, деб таъкидлаган. Давлатдаги учала ҳокимият ҳам, деб ҳисоблаган у, «ўзаро мувофиқлаштирилган», бир-бирини тўлдиради, бир-бирига ёрдам беради ва бўйсунади, лекин улардан ҳеч бири давлатнинг бутун ҳокимиятини, шунингдек, бошқа ҳокимиятларнинг функцияларини қонунга хилоф равишда тортиб ололмайди[1].

И. Кант давлатнинг «учала турли ҳокимиятлари» ҳақида ёзиб, давлат улар туфайли жамиятдан ажралиб чиқиб, мустақил бирликка эришади ва ўз олдида турган вазифалар мажмуини ҳал этиш ҳамда эркинлик тўғрисидаги қонунларга мувофиқ мустақил равишда тикланишга қодир, деган фикрни билдирган. Мазкур учала ҳокимият, Кант фикрича, бир ҳодисада – қандайдир бир бутунлик сифатидаги давлат ҳокимиятида бирлашган. Давлат фаровонлиги деганда, И. Кант «давлат тузумининг ҳуқуқий принциплар билан юксак даражадаги мувофиқлиги»ни тушунган, ақлидрок ҳам қандайдир қатъий императив орқали унга интилишни зиммамизга юклайди[2].

Турлича ҳокимиятларга таъриф берар экан, И. Кант одил судлов суд маслаҳатчилари иштирокидаги суд мажлисларида сайланган халқ томонидан амалга оширилиши лозим эканлигини таъкидлаган. И. Кант суд органларининг бошқа ҳокимиятлар олдида мустақил бўлиши ва бу органларнинг демократик асосда ташкил этилишини ниҳоятда зарур деб ҳисоблаган: **«...Ҳар бир киши устидан..., гарчи билвосита бўлса ҳам, ўзи сайлаган вакиллари (суд маслаҳатчилари иштирокидаги суд мажлиси) орқали фақат халқ ҳукм чиқариши мумкин»[3].** Суд маслаҳатчилари қандайдир давлат ҳокимиятига қарам бўлмасликлари лозим, чунки улар – халқ вакилларидир, уларнинг иродаси бевосита халққа мансуб бўлган худди ўша хусусиятлар ҳамда худди ўшандай кучга эга.

---

[1] Ўша жойда, 237 б.

[2] Ўша жойда, 240 б.

[3] Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 239.

Унинг халқ суверенитети ғоясига асосланган назариясида қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари ўртасидаги чегарага муҳим аҳамият берилади. «Республикачилик, – деб ёзган Кант, – ижро ҳокимияти (ҳукумат)нинг қонун чиқарувчи ҳокимиятдан ажратилишида давлат тамойили ҳисобланади; деспотизм – давлат ўз қонунларининг мустабид (зўравонлик билан) ижро этилиши принципидир; демак, омма иродаси ҳокимнинг бир-бирига яқин бўлган иродаси сифатида намоён бўлади»[1].

Қонун чиқарувчига мувофиқ тарзда, И. Кант унинг фаолиятидаги чеклайдиган принципни қуйидагича ифодалаган: халқ ўзи тўғрисида ҳал этолмайдиган нарсани, қонун чиқарувчи ҳам халққа нисбатан ҳал қила олмайди.

Агар И. Кант фикрича, ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқий давлат – бу муқаррарлик бўлса, Хегел фикрига кўра, улар – воқелик, яъни мавжуд одамлар ҳаётининг муайян шаклларида ҳақиқий амалга ошган ақл-идрокдир.

Давлат бошқаруви шакллари

Ҳукмдор шахслар (монархия, аристократия ва демократия) нинг сонига қараб бўладиган давлат шаклларининг анъанавий таснифига И. Кант алоҳида эътибор қаратмаган ва уни давлат тузилишининг руҳий эмас, балки ҳарфий (расмий) ифодаси деб ҳисоблаган. Бу концепциянинг маъноси бўйича монархия агар унда ҳокимиятлар бўлиниши ўтказилган бўлса республика, аксинча, бунақанги нарса бўлмаган бўлса, унда деспотия (мустабид давлат) деб юритилган.

И. Кант учун давлат ўз ҳокимиятидан тўлиқ фойдаланиши, яъни давлат ҳокимиятининг ҳақиқий амалга оширилиш йўллари тўғрисидаги масала «бошланғич қонунчиликнинг атиги битта ҳарфи» бўлган бошқарув шакллари ҳақидаги масаладан муҳимроқ саналган. Шу билан бирга, **бошқарув шакллари уларнинг «мукаммал ҳуқуқий тузум»га мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳам баҳоланиши лозим.**

И. Кант учун қонунчиликнинг конституциявий кафолати ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларига бўлган ҳурмат «республика» билан «мустабид» давлатни бир-биридан фарқлаб, ажратишда мезон вазифасини ўтаган. **«Мукаммал ҳуқуқий тузум»да қонун айрим шахсларнинг бебошлигига қарам эмас, балки ҳамма нарсадан**

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 269.

юқори ва шахсий ҳуқуқлар «ер юзидаги энг муқаддас хилқат» сифатида қадрланади.

И. Кант ўзига замондош бўлган ҳокимлардан фуқароларга давлат ишлари тўғрисида фикр-мулоҳаза юритиш ҳуқуқининг берилишини талаб қилган. Ўқимишли, билимли давлат бошлиги «қонунчилик нуқтаи назаридан ўз фуқароларига қонунчиликни ишлаб яхшироқ тузиш ва мавжуд қонунчиликни очиқ танқид қилиш юзасидан ўз фикрларини ақл-идрок ёрдамида очиқ-ошкор баён этишларига рухсат бериш ҳеч қандай хавф-хатар туғдирмаслигини яхши тушунади... Ва табиат мана шу қаттиқ қобиқ остида куртак очиб, унга ғоят назокатли тарзда гамхўрлик қилгани учун, айнан фикр эркинлигига иштиёқ ва рағбат, яъни мана шу куртак ўзи халқнинг англаш йўсинига (шу туфайли халқ аста-секинлик билан эркин ҳаракат қилишга қодир бўла боради) ва ниҳоят, ҳаттоки, машинага қараганда ўз шаънига муносиб равишда анча каттароқ бир нима саналадиган инсон билан муомала қилишни ўзи учун фойдали деб ҳисоблайдиган ҳукуматнинг қонун-қоидаларига ҳам таъсир ўтказади»[1].

Идеал давлатга ўтиш йўлларини муҳокама қилар экан, И. Кант мажбурий инқилоб йўлини қатъиян рад этган. Жамиятнинг ҳуқуқий қолатига, деб таъкидлаган у, ноқонуний йўллар билан эришиб бўлмайди. Англияда Карл I нинг қатл этилиши ва Францияда Людовик XVI устидан бўлиб ўтган суд унда «барча ҳуқуқий тушунчаларнинг тўлиқ йўқ қилиниш ҳисси»ни уйғотган. Шунинг учун ҳам И. Кант «келиб чиқиши қандай бўлмасин, ҳозирги мавжуд ҳокимиятга бўйсуниш» зарурият эканини исботлаган ва давлат тузумидаги туб ўзгаришларни тинч йўл билан, қонунчилик ислоҳотлари ёрдамида аста-секинлик билан амалга оширишга чақирган.

И. Кант ижтимоий тартиботларни инқилобий йўл билан қайтадан қуришга бутунлай салбий муносабатда бўлган. Шундай қилиб, у фуқароларнинг ҳокимлар томонидан қонун бузилишларига нисбатан фақат арз-шикоятлар орқали «қаршилик» кўрсатиш ҳуқуқларини эътироф этган[2]. **Барча низо, ихтилоф ва тўқнашувларни «қонуний тартибда», куч ишлатмасдан ҳал этиш зарур.** Фуқаро ўз фикрига кўра ҳуқуққа зид бўлган қонунга бўйсуниши лозим, аммо бунга қарши очиқдан-очиқ норозилик билдириш имконига ҳам эга бўлмоғи керак.

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 34.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 241.

И. Кант маъмурлар нотўғри карорлар қабул қилишдан кафолатланмаган, лекин бундан жабр кўрган шахс у билан ноҳақ муомалада бўлишганига ишонч ҳосил қилмоғи лозим, деб ҳисоблаган. «Демак, – хулоса қилган Кант, – ҳар бир киши ўзи ҳатто хоҳлаганда ҳам воз кеча олмайдиган дахлсиз ҳуқуқларга ва улар юзасидан фикр (ҳукм) юритиш ҳуқуқига ҳам эга». Кант фикрича, унинг чекига тушадиган адолатсизлик эса фақат хатога йўл қўйиш орқали ёки олий ҳокимият қонунларидан келиб чиқадиган у ёки бу оқибатларни билмаслик сабабли содир этилиши мумкин, у ҳолда давлат фуқароси ҳукмдорнинг ўз рухсати билан унинг жамият хусусида чиқарган қайси фармойишлари адолатсиз бўлиб кўринаётгани ҳақида ўз фикрини дангал, рўй-рост айтиш ҳуқуқига эга бўлмоғи лозим[1].

И. Кант автократия (яккаҳокимлик) ёки абсолютизм, аристократия ва демократияни ажратар экан, давлат шакллари таснифига катта эътибор бермаган. **Давлат бошқаруви методларига мувофиқ, у республика ва деспотия (мустабид давлат)ни ажралган ҳолда кўрсатиб ўтган.** Агар бошқарувнинг республика шакли ижро ҳокимиятининг қонунчиликдан ажратиб қўйилишига асосланган бўлса, деспотияда ижро ҳокимияти ва қонунчилик бир-бири билан қўшилиб, бирлашиб кетади. Бу ҳолда И. Кант республикани демократиянинг синоними деб атамаган, абсолютизмни эса деспотиянинг синоними деб ҳисобламаган.

Кант фикрича, ҳокимиятнинг мустабид шакли бутунлай республикага хос бўлиши ҳам мумкин (чунки унда қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари аниқ-равшан ажратилган), демократия эса деспотизмга айланишга ўта мойил.

И. Кант давлат тузуми орқали конституциявий монархияга аниқ эришиш мумкин, деб ҳисоблаган.

«Ҳар бир давлатдаги фуқаролик тузуми республика бўлиши лозим»[2]. И. Кант уни бевосита давлат тузилиши тўғрисидаги бошланғич шартномадан келиб чиқадиган, бекамиқўст, бинобарин, абадий тинчликка эришишда энг истиқболли тузум, деб ҳисоблаган. Унинг фикрига кўра, **фақат республикадагина фуқаролар эркинлиги ва тенглиги тамойиллари ҳамда фуқароларнинг фақат адолатли қонунларга бўйсуниши таъмин этилиши мумкин.** Фақат республикада тузилган, халқнинг урушга қарши интилишларига жавоб бера оладиган ҳокимиятнинг умумхалқ

---

[1] Ўша жойда, 95 б.

[2] Ўша жойда, 267 б.

вакиллик органи, назорат остида бўлмаган монархиядан фарқли ўлароқ, урушга қарши ҳақиқий тўсиқ қўя олиши ёки чегарадош мамлакатлар билан бўладиган қуролли тўқнашувлар сонини минимум ҳолатига олиб келиши мумкин.

Шу ерда И. Кантнинг, хусусан, «ўз ҳаёти ва мазмун-моҳияти билан халқ таркибидаги бошқа бирор кимнинг ўзбошимчалигидан эмас, балки ўз кучи ва ҳуқуқларидан миннатдор бўлиш – мустақил фуқаролик хусусияти»га эга бўлган кишигина чинакам республиканинг фаол фуқароси (ёки societas civilis аъзоси) бўла олиши ҳақидаги фикрини келтириб ўтиш ўринли бўлур эди.

Маълумки, ҳуқуқий давлат тўғрисидаги анъана негизида И. Кантнинг айнан давлат фалсафаси ётади. Унинг мубашширлари Т. Хоббс, Ж. Локк, Ш.Л. Монтескье, Ж.Ж. Руссо бўлиб, улар ижодида ҳуқуқий давлат тўғрисидаги бўлғуси таълимотнинг зарур таркибий қисмлари ишлаб чиқилган, бироқ бу таълимот яхлит, бир бутун илмий-концептуал назария сифатида И. Кант томонидан шакллантирилган ва унинг ҳозирги номи кейинчалик – XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод қилган немис ҳуқуқшуносларининг асарларида ўз ифодасини топган.

И. Кант давлат фалсафасини ҳозирги замон давлат-ҳуқуқий тажрибаси нуқтаи назаридан талқин этиш мумкин. У давлат хизматида бўлган кишиларни – «ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни бозорда эмин-эркин сота оладиган европалик дурадгор ёки темирчи» қаторида «фаол фуқаролар» деб атаган. Мустақил фуқароликнинг Кантга хос мезони (унинг фикрича, фақат фаол, яъни иқтисодий жиҳатдан қарам бўлмаган фуқаролар сайлов ҳуқуқига эга бўлишлари лозим) **фуқаролик жамиятининг асоси – бозор иқтисодиётини кўзда тутади.** Давлат хизматчилари (хусусан, **Макс Вебернинг** ҳаммага маълум тезисига мувофиқ, Янги замон давлатининг конституциявий белгиларидан бири бўлган бюрократик аппарат) И. Кант томонидан азалий мустақил фуқароларга тенглаштирилган, холос. Ва мана шу тенглаштириш, агар давлатнинг фуқаролик жамияти сиёсий ташкилоти сифатидаги таърифига асосланган бўлса, бутунлай тўғридир. Аммо давлатнинг ўзи бирдан-бир, ягона иш берувчи бўлади, дейиладиган бўлса, унда И. Кантнинг фикр-мулоҳазалари маъно касб этишдан маҳрум бўлади.

Ҳукмдорга, ҳокимларга фақатгина ҳуқуқлар берилган. И. Кант, башарти давлат бошлиғи давлат олдидаги ўз бурчини бузган

тақдирда ҳам, халқнинг уни жазолаш юзасидан ҳуқуқига эътироз билдирган. Шунингдек, қўзғолон кўтариш ҳуқуқи ҳам қораланган ва фақат мавжуд ҳокимиятга ҳуқуқий ҳамда маълум маънода пассив (фаол бўлмаган) қаршилик кўрсатишга йўл қўйилган, холос. Ҳуқуқ учун курашнинг шакли – бўйсунмасликдир.

И. Кант барча давлат шаклларининг, «бошқариш усулларининг» нисбий қадр-қиммати ва ўзгарувчанлик-беқарорлигини, уларнинг ўзларига қарама-қарши тарзда шакл ўзгартиришлари мумкинлигини, шунингдек, «яхши хукуматлар кўрсатган ибратнинг бошқариш усули учун ҳеч қандай фойдаси йўқлиги»ни ҳам яхши тушунган[1].

Барқарор ҳуқуқий тартибот ўрнатишга даъват этилган давлат ижтимоий шартнома ва халқ суверенитети асосларига қурилмоғи лозим. **И. Кант Ж.Ж. Руссога ўхшаб, қонунчилик ҳокимиятининг халқ томонидан амалга оширилиши фуқароларга номувофиқ ҳуқуқларни берувчи қонунни қабул қилиш имконини истисно қилади, деб ҳисоблаган.** И. Кантнинг халқ суверенитети тўғрисидаги тасаввурлари, шу билан бирга, ниҳоятда холисона характерга эга бўлган. У Ж.Ж. Руссонинг ҳақиқий халқ ҳокимиятини парламентдаги халқ вакиллиги билан алмаштирган, унда депутатларга ҳукумат талабларини аҳён-аҳёндагина рад этишга рухсат берилган. Бунга қўшимча равишда И. Кант 1791 йилги француз Конституциясидан сўнг, фуқароларни хўжалик мустақиллиги жиҳатидан фаол ва фаол бўлмаган тоифаларга бўлишга уриниб кўрган, бироқ қийин аҳволга тушиб, ўз далил-асосларининг назарий томондан бўш эканлигини тан олган.

И. Кант асарлари бир қатор қонун-қоидалардан иборат бўлиб (масалан, халқ билан бир қаторда суверен тўғрисида ҳам), уларга биноан у **Германиянинг келажакдаги тузумини конституциявий монархия шаклида тасаввур қилган.**

Барча сиёсий ўзгаришларни И. Кант ҳеч қачон очиқ қуролли кураш йўли билан эмас, балки юқоридан аста-секин ислоҳотлар ўтказиш йўли билан амалга оширишни таклиф этган. Демак, **И. Кант энг табиий ва оптимал даражадаги эволюцион тараққиёт тарафдори ҳисобланади.**

Шундай қилиб, И. Кантнинг давлат фалсафасига таяниб, ҳуқуқий давлатга энг умумий шаклдаги ҳуқуқ ҳукмрон бўлган давлат деб, таъриф бериш мумкин. Янада аниқроқ таърифга

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 271, 298.

мунофик, **ҳуқуқий давлат – бу оммавий-сиёсий ҳокимият фаолияти ва ташкилотининг, унинг шахслар билан ҳуқуқ субъектлари сифатидаги ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий шаклидир**[1].

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларига қуйидагилар киради:

биринчидан, ҳуқуқий қонун устуворлиги;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳақиқийлиги;

учинчидан, суверен давлат ҳокимиятининг ҳокимиятлар бўлиниши принцип асосида ташкил қилиниши ва фаолият олиб бориши.

Мазмун жиҳатидан мазкур белгиларга учта бир-бири билан ўзаро боғлиқ компонент (таркибий қисм)лар мос келади ва улар биргаликда ҳуқуқий давлатнинг маъно-мазмуни ва ўзига хос хусусиятини ифодалайди. **Ҳуқуқий давлатнинг ушбу таркибий қисмлари (назария ва амалиёт унсурлари)ни шартли равишда шундай деб аташ мумкин:**

биринчидан, аслини олганда ҳуқуқий (ёки юридик-норматив);

иккинчидан, индивидуал-ҳуқуқий (ёки инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таркибий қисми);

учинчидан, ташкилий-ҳуқуқий (ёки институционал-ҳуқуқий)[2].

Шундай қилиб, И. Кантнинг ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги фалсафий таълимоти буюк француз инқилобининг бевосита таъсири остида ва унинг якунлари ҳисобга олинган ҳолда яратилган биринчи йирик сиёсий-ҳуқуқий назария ҳисобланган. И. Кант либерализм сиёсий дастурини ўша даврнинг энг радикал ва оммавий оқимлари ғояси билан бирлаштирган ва унга унча-мунча танқидга ён бермайдиган назарий тизимга хос бўлган пухта ўйланган, ўринли ва асосли шакл-шамойилни бера олган. **Кант фалсафаси ҳақли равишда Француз инқилобини оқлашнинг немисча варианти ҳисобланади.**

---

[1] Бу ҳақда, жумладан, қаранг: Der bьrgerliche Rechtsstaat. Kцln, 1978; L'Etat de droit. Paris, 1987; Zippelius R. Allgemeine Staatslehre. Politikwissenschaft. Mьnchen, 1988.

[2] **Қаранг:** *Нерсесянц В.С.* Концепция советского правового государства в контексте истории учений о правом государстве // Социалистическое правовое государство: проблемы и суждения. – М., 1989. С. 51.

«Давлат ва ҳуқуқ муаммоларига Кантча фалсафий ёндашувнинг муҳим афзаллиги, хусусан, шундаки, у бу мавзуни умумжаҳон тарихий миқёсда, нафақат айрим халқ, жамият, давлат ичидаги, балки халқаро ва давлатлараро муносабатлар – келгусида умумжаҳон фуқаролик ҳуқуқий ҳолатини ва халқлар ўртасида абадий тинчликни ўрнатиш йўлидаги тараққий этиб бораётган (ақл-идрок гояларининг қатъий императивга мувофиқ) ҳаракат нуқтаи назаридан ҳам олиб киради ва ишлаб чиқади»[1].

В.С. Нерсесянц,

ҳозирги замон ҳуқуқ файласуфи (Россия)

Учинчи қисм

PAX KANTIANA: И. КАНТНИНГ ТИНЧЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ФАЛСАФИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТИ

«Давлатларнинг бир-бирига бўлган муносабатидаги, халқаро ҳуқуқ деб унчалик ҳам тўғри номланмайдиган ҳуқуқи, – у кўпроқ, давлатлараро ҳуқуқ деб аталиши лозим эди... Бу шундай ҳуқуқки..., ахлоқий шахс сифатида қараладиган бир давлат, бошқа бир давлатга нисбатан, табиий эркинлик ҳолатида, бинобарин, доимий уруш ҳолатида ҳам, ўз олдига қисман уруш ҳуқуқини, қисман вақтинча уруш ҳуқуқини, қисман... урушдан сўнгги ҳуқуқни жорий этишни вазифа қилиб қўяди»[2].

И. Кант

1. Иммануил Кантнинг халқаро ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлари

И. Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий меросида халқаро ҳуқуқ масаласи унинг бошқа қарашларидан ҳеч бир қолишмайдиган даражада мустақил ва ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Халқаро ҳуқуқ муаммолари моҳияти ва унинг асосий институтлари муҳокамасига И. Кантнинг асосан, икки асари: **«Урф-одатлар метафизикаси»**нинг биринчи қисми ҳамда **«Абадий тинчлик сари»** китоби бағишланган.

---

[1] *Нерсесянц В.С.* Философия права: Учебник. – М., 1997. С. 497.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 269–270.

Халқаро ҳуқуқни Кантча тушунишнинг моҳиятини тўғри ва чуқур англаш учун И. Кант даврига хос бўлган халқаро ҳуқуққа оид асосий мактабларни таърифлаб ўтиш зарур.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида халқаро ҳуқуқ фани соҳасида қуйидаги уч асосий мактаблар шаклланган:

биринчиси, унга замонавий халқаро ҳуқуқ отаси, голландиялик юрист **Г. Гроций** асос солган бўлиб, «табиий ҳуқуқ мактабининг фалсафий ғояларини позитив халқаро-ҳуқуқий амалиётни ўрганиш билан бирга қўшиб олиб бориш»га интилган[1];

иккинчиси, Т. Хоббс ва **Б. Спиноза** томонидан тақдим этилган, халқаро ҳуқуқда «табиий ҳуқуқ соҳасини кўрган ва уни юридик эмас, балки кўпроқ фалсафий фан деб ҳисоблаган»[2];

учинчиси, позитив, аксинча, фалсафага мурожаат қилиш шароратини рад этган: унинг вакиллари халқаро ҳуқуқ вазифасини давлатлараро битимлар ва бошқа манбаларни ўрганиш, тизимлаштириш ва мантиқий таҳлилда деб билган.

Кўриниб турибдики, иккинчи йўналишдаги қарашлар И. Кантга ҳаммасидан ҳам кўра яқинроқ бўлган, бироқ уни табиий ҳуқуқ мактабининг классик вакили деб ҳисоблаш нотўғри бўлар эди.

И. Кант халқаро ҳуқуқ предметига қуйидагича таъриф берган: «Давлатларнинг бир-бирига бўлган муносабатидаги, халқаро ҳуқуқ деб унчалик ҳам тўгри номланмайдиган ҳуқуқи, – у кўпроқ, давлатлараро ҳуқуқ деб аталиши лозим эди... Бу шундай ҳуқуқки..., ахлоқий шахе сифатида қараладиган бир давлат, бошқа бир давлатга нисбатан, табиий эркинлик ҳолатида, бинобарин, доимий уруш ҳолатида ҳам, ўз олдига қисман уруш ҳуқуқини, қисман вақтинча уруш ҳуқуқини, қисман... урушдан сўнгги ҳуқуқни жорий этишни вазифа қилиб қўяди»[3].

Бундан кўриниб турибдики, у халқаро ҳуқуқ асосини табиий ҳуқуқда деб билиб, уни расмий-юридик қоидалар йиғиндиси сифатида таърифлаган. Халқаро ҳуқуқ фанига И. Кант, шунингдек, айрим шахсларнинг чет давлатларга бўлган муносабатини ва турли давлатларнинг фуқароларига хос бўлган муносабатларни ҳам киритган.

---

[1] *Фельдман Д.И., Баскин Ю.А.* Учение Канта и Гегеля о международном праве и современность. Казань, 1977. С. 4; Баскин Ю.Я. Кант. М., 1984. С. 45–46; Гаврилов В.В. Учение И. Канта о международном праве и новое политическое мышление // Современное государство и право: вопросы теории и истории. Владивосток, 1992. С. 63–64.

[2] *Баскин Ю.Я.* Кант. – М., 1984. С. 46.

[3] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 269–270.

Ҳуқуқ даражалари (ёки, ўзи айтмоқчи, ҳолатлари) тўғрисида мулоҳаза юритар экан, И. Кант ҳуқуқий ривожланиш давлат ёки давлатлараро (халқаро) ҳуқуқ билан чекланмайди, дея эътироф этган. Унинг фикрича, «модомики, ер чексиз эмас, балки ёпиқ сирт, юзадан иборат экан, давлат ва халқаро ҳуқуқ муқаррар тарзда халқлар давлат ҳуқуқи (jus gentium) ёки дунё фуқароси ҳуқуқи (jus cosmopoliticum) ғоясига олиб келади; шунинг учун агар ҳуқуқий ҳолатнинг ушбу учала бўлиши мумкин бўлган шаклларидан лоақал биттаси ташқи эркинликни қонунлар билан чеклайдиган тамойилда етишмайдиган бўлса, қолган барча шаклар биносига муқаррар равишда путур етиб, охир-оқибат қулаб тушади»[1].

И. Кантнинг космополитик ҳуқуқ ғояси унинг инсониятнинг сиёсий-ҳуқуқий тараққиёти истиқболлари тўғрисидаги тасаввурлари билан чамбарчас боғлиқдир.

И. Кант ўзининг **«Умумжаҳон фуқаролик нуқтаи назарида умумий тарих ғояси»** асарида давлат ички тузилишининг ташқи дунё билан бўлган мустаҳкам алоқасига алоҳида тўхталиб ўтган. Бир давлат бошқа давлатлардан ажралган ҳолда мавжуд бўлолмайди. Давлат ичида уни ўраб турган атроф-муҳит, оламга бевосита қарама-қарши бўлган қандайдир бир нима яратиш мумкин эмас, бу нари борса, жудаям омонат нарса бўлиши мумкин. Шу жумладан, бир вақтнинг ўзида (давлатлараро) алоқалар тизимини такомиллаштирмай туриб, мукаммал давлат ҳам қуриб бўлмайди.

«Мукаммал давлат тузуми барпо этиш муаммоси, – деб ёзган эди Кант, – давлатлар ўртасида қонунга мувофиқ равишда ташқи алоқалар ўрнатиш масаласига боғлиқ ва бусиз уни ҳал этиб бўлмайди»[2]. Номукаммал жамиятда айрим одамларнинг турмушини ҳам, деган эди Кант, барча давлатларнинг, умуман, инсоният турмуши такомиллаштирилмас экан, айрим давлатларнинг ҳаётини ҳам мукаммал қилиш мумкин эмас.

И. Кант илгариги ва ўзига замондош барча давлатлар табиий ҳолатда бўлган ва бунга уларнинг бир-бири билан доимий урушлари хос эди, деб ўйлаган. Шунинг учун **халқаро ҳуқуқда «уруш ҳуқуқи», «уруш пайтидаги ҳуқуқ», «урушдан кейинги ҳуқуқ», «тинчлик ҳуқуқи», «адолатсиз душманга нисбатан ҳуқуқ» сингари тушунчалар муҳим ўрин эгаллайди.**

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 231–232.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 15.

И. Кант фикр-мулоҳазаларида шу нарса жуда муҳимки, халқаро ҳуқуққа таъриф бераётиб, у уруш тушунчасидан узоқлашади ва шу билан бирга (**Г. Гроций** изидан), унинг мазмунини истисно тариқасида уни (урушни) олиб бориш ҳуқуқига тааллуқли деб ҳисобламаган. Яна шуни ҳам қайд этиш керакки, давлатлараро алоқаларнинг мана шу соҳаси унинг асарларидан кенг ўрин олган. Шу маънода И. Кант уруш турлари, уларнинг қонун ва урф-одатлари, шунингдек, олиб бориш асослари тўғрисида бирбутун, яхлит таълимотни ишлаб чиққан.

И. Кант фикрича, **«уруш – давлатлар ўртасидаги алоқаларда ҳуқуқни амалга оширишнинг бирдан-бир, ягона йўлидир. Бунинг устига, уруш маълум маънода ижтимоий тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади, чунки у антагонизмнинг ташқи ифодасидир»**[1]. Шу билан бирга у, урушларга аста-секин, инсониятнинг илғор тараққиётига мувофиқ равишда барҳам берилиши лозим, деб ўйлаган.

И. Кант Ватан ҳимояси, янги миллий давлатчилик ва етказилган зарарни қоплашга қаратилган қуролли тўқнашувларни адолатли урушлар, деб атаган. Халқаро муносабатларда барча давлатларнинг суверен ва тенг ҳуқуқли эканлигидан келиб чиқиб, И. Кант бошқа халқларнинг ҳудудларини босиб олиш ёки мустамлакачилик асоратини кўзлаб олиб бориладиган жазоловчи ҳамда қирғинбарот урушларни адолатсиз, шунинг учун бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, давлат ўз чегараларини мазкур ҳудудда азалдан яшаб келаётган халқларнинг манфаатлари бузилмаган тақдирдагина кенгайтириши мумкин бўлади. Бунда ушбу ғоялар Кантча қатъий императивга асосланади. И. Кант «кимнинг оммавий тарзда (хоҳ ишда, хоҳ сўзда бўлсин) баён этилган иродасига мувофиқ халқлар ўртасида тинчлик ҳолати мумкин бўлмай, табиий ҳолат абадийлаштирилиши лозим бўлса, у душман адолатсиз ҳисобланади»[2], деб таъкидлаган.

Шунингдек, И. Кантнинг уруш олиб бориш қоидалари ва урф-одатларига доир қарашлари ҳам диққатга сазовордир. Модомики, урушни фуқаролар эмас, балки давлатлар олиб бораётган экан, у халқларнинг ва айрим фуқароларнинг мол-мулкини талаш ва ўзиники қилиб олиш ҳаракатларига қатъий қарши чиққан. Бунда у фақат мусодара қилинган мол-мулк ҳақини кейин мажбурий

---

[1] *Фельдман Д.И., Баскин Ю.А.* Учение Канта и Гегеля о международном праве и современность. – Казань, 1977. С. 17.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 277.

тарзда қайтариш шарти билан контрибуцион йиғимларга йўл қўйиш мумкин, деб ҳисоблаган. И. Кант, шунингдек, урушларни олиб боришда «келажакда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун талаб этиладиган ишончга путур етказиши мумкин бўлган маккорона усуллардан фойдаланиш мумкин эмас» эканлигини қатъий туриб талаб қилган[1].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, **давлатлар ўртасидаги муносабатлар жараёнида абадий тинчлик ўрнатиш муаммоси И. Кант учун халқаро ҳуқуқнинг асосий масаласи сифатида аҳамият касб этган.** Бу ғоя Қадимги дунё давридан бошлаб, И. Кантгача ҳам неча-неча асрлар илгариёқ яхши маълум бўлган ва башарият даҳоларини ҳамиша ҳаяжонга солиб, тўлқинлантириб келган. Жабр-зулм қилмаслик, урушларни қоралаш гоялари Қадимги Ҳиндистондаги илк жайнизм ва буддизм, Қадимги Хитойдаги даосизм учун характерли бўлган, Қадимги Римдаги илк насронийликка ёт бўлмаган. Қадимги Хитой донишманди Лао Цзи урушда ҳалок бўлганлар хотираси учун ғалабани дафн маросимлари билан нишонлашга чақирган.

Азоб-уқубатлар, кулфат ва мусибатлар сабабчиси бўлмиш урушларни лаънатлаш, шунингдек, идеал тинчлик ғоялари Шарқнинг ўрта асрлардаги улуг мутафаккирлари ижодида ҳам учрайди. Ушбу ғоялар «иккинчи устоз», Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Наср Форобий[2], озарбайжонлик инсонпарвар «тинчлик куйчиси» Низомий Ганжавий[3] томонидан ривожлантирилган.

Бироқ абадий тинчлик ғояси XVI–XVII асрларда кенг тараққий этган. Мазкур босқичда абадий тинчлик ғояси «анархия ва феодал урушлар зулмига қарши курашда буржуазиянинг манфаатларини акс эттирган. Бунда, олдинги асрлардагидан фарқли ўлароқ, у ягона оламшумул монархия гояси билан эмас, балки унинг мустақиллиги ва айрим миллий давлатлар суверенитети билан тобора боғлиқ бўлиб боради»[4].

Абадий тинчликни амалда ўрнатиш йўллари тўғрисидаги таклифлар И. Кант замондошлари – **Ш.И. де Сен-Пьер** (1658–1743) ва **Ж.Ж. Руссо** (1712–1778) асарларида батафсил ва тўлиқ баён этилган. Ш.И. де Сен-Пьер урушларга чек қўйиш учун одамларга онг – билим

---

[1] Ўша жойда, 275 б.

[2] *Таукелев А.Н., Сапергалиев Г.С.* Государственно-правовые взгляды аль-Фараби. Алма-ата, 1975. С. 54–55, 84.

[3] **Қаранг:** История политической мысли и современность. – М., 1988. С. 154.

[4] *Баскин Ю.А.* Кант. – М., 1984. С. 51.

бериш ва уларнинг урф-одатларини ўзгартиришдан ташқари, барча монархлар ўртасида иттифоқ ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома тузиш зарур, деб ҳисоблаган. Унинг асосида яратилган конфедератив тузилма асосан, яраштирувчи ва ҳакамлик функцияларини бажарувчи доимий ҳаракатдаги вакиллик органига эга бўлмоғи лозим. Лекин Ш.И. де Сен-Пьер, шунингдек, уларнинг умуммажбурий қонунлар чиқаришларига ва улар бузилган тақдирда санкциялар қўлланишига розилик билдирган[1].

Ш.И. де Сен-Пьер лойиҳаси **Ж.Ж. Руссо** томонидан **«Абадий тинчлик тўғрисида мулоҳаза»** (ўлимидан сўнг, 1782 йилда эълон қилинган) асарида юқори баҳоланган. Шу билан бирга, Ж.Ж. Руссо ҳукмдорнинг шу хилдаги шартномани тузишга хайрихоҳлиги баён этилган қисмига фикр билдириб, уни ўта хомхаёл деб ҳисоблаган. Монархия тузумларини ағдариб, гарчи бир қатор жиддий шартлар билан бўлса ҳам, ягона Европа республикасини тузишни бунинг чораси деб билган[2].

И. Кант абадий тинчлик ўрнатиш муаммосининг ҳал этилишини ҳар бир шахс ҳамда бутун кишилик жамиятининг энг асосий мақсади, деб ҳисоблаган. «Ҳеч қандай уруш бўлмаслиги лозим, – деб ёзган эди у, – на сен билан менинг ўртамизда табиий ҳолатда, на давлатлар сингари орамизда ҳам... ҳеч қандай уруш бўлмаслиги лозим. Айтиш мумкинки, – давом этади Кант, – умумий ва доимий тинчлик ўрнатиш ҳуқуқи тўғрисидаги таълимотнинг шунчаки бир қисмини эмас, балки унинг бутун пировард мақсадини ташкил этади... Тинчлик ҳолати, ахир бу – бир-бири билан ёнма-ён яшаётган кўплаб одамлар орасидаги мен билан сенинг қонунлар томонидан кафолатланган бирдан-бир, ягона ҳолатимиз...»[3].

И. Кант ўзининг **«Ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотнинг метафизик асослари»** номли асарида давлатлар ўртасидаги уруш ҳолати ноҳуқуқий тартиботлар ҳодисаси эканини қайд этиб ўтган. У «уруш орқасида эришиладиган ва қўриқланадиган халқларнинг ҳар қандай ҳуқуқи ва менинг ва сенинг бутун ташқи давлатимиз вақтинчалик, фақат давлатларнинг умумий иттифоқидагина (халқ давлатга айланадиган шунга ўхшаш иттифоқда) бу ҳуқуқ батамом

---

[1] Абадий тинчлик тўғрисида И. Кант ғояларининг тарихдан аввалги даври ҳақида қаранг: Андреева И.С. Вековая мечта человечества // Трактаты о вечном мире. – М., 1963. С. 13–38.

[2] *Руссо Ж.Ж.* Суждение о вечном мире // Трактаты о вечном мире / Сост. И.С. Андреева, А.В. Гулыга. – М., 1963.

[3] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 282.

ҳақиқий ва чинакам тинчлик ҳолати бўла олади»[1] деб чуқур ишонган. Мазкур гояни ёқлар экан, И. Кант давлатнинг бетарафлиги ва бошқаларнинг ишларига аралашмаслик қоидаларини ҳарбий ҳаракатларда тенг ҳуқуқлилик ва тўлиқ қатнашмаслик принциплари сифатида маъқуллаган ва ҳимоя қилган.

И. Кант абадий тинчликка биргина ёки бир неча давлатларнинг саъй-ҳаракатлари билан эришиб бўлмаслиғини, халқаро алоқаларнинг бўлинмаслигини, танг вазнятлардан чиқишнинг коллектив ноҳарбий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва назорат органлари тузишнинг зарурлигини яхши англаган. Давлатларнинг «бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ички ва ташқи хужумлардан биргаликда ҳимояланиш учун» бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги И. Кант фикр-мулоҳазалари шу ғоя тимсоли эди[2]. Ана шундай бирлашма (иттифоқ)нинг эҳтимол тутилган шакли сифатида у конфедератив асосга эга ва барча хоҳловчилар кириши мумкин бўлган «давлатларнинг доимий конгресси»ни назарда тутган. «Фақат ана шундай конгресс ёрдамида, – деб уқтирган эди Кант, – халқларнинг ўзаро баҳс-тортишувларини қандайдир ваҳшиёна (ёввойиларга хос) йўл – урушлар билан эмас, балки маданиятли халқларга муносиб равишда суд йўли билан ҳал этишнинг оммавий ҳуқуқини яратиш ғоясини амалга ошириш мумкин бўлади»[3].

Зўрма-зўраки, мажбурий бўлмаган ҳолда тинчлик ўрнатиш тартибининг истиқболдаги асосларини ишлаб чиқар экан, И. Кант уни амалга ошириш имкониятларига хийла эҳтиёткорлик билан ёндашган. Унинг фикрича, халқларнинг ягона бирлашган давлат чегараларининг кенгайиши билан уни бошқариш ва унинг ҳар бир айрим аъзосини ҳимоя қилишнинг аста-секин иложи бўлмай қолади ва бу яна уруш ҳолатига олиб келади. Шунинг учун у **«Ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотнинг метафизик асослари»да** юқорида таърифлаб ўтилган сиёсий тамойиллар «абадий тинчлик ҳолатига доимий равишда яқинлашиш»[4] учун хизмат қилиши, бир вақтнинг ўзида, унга эришиш вазифасининг «албатта, амалга ошириб бўлмайдиган ғоя»[5] эканини ҳам эълон қилиши лозимлигини кўрсатиб ўтиш билан чекланган.

И. Кантнинг **«Абадий тинчлик сари»** номли классик асарида эса давлатлар ўртасидаги мустаҳкам яхши қўшничилик муносабатларини

---

[1] Ўша жойда, 277–278 б.

[2] Ўша жойда, 276 б.

[3] Ўша жойда, 279 б.

[4] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 278.

[5] Ўша жойда, 278 б.

ўрнатиш мумкинлигига бутунлай бошқача фикр билдирилган. Бу асарда у бунга нафақат шак-шубҳа билдирмаган, балки биринчи марта «тинчлик ўрнатишга олиб борадиган объектив қонуниятнинг, халклар иттифоқини тинч йўл билан тузишнинг муқаррарлиги»[1] ўтрисидаги гипотеза (илмий фараз)ни ҳам илгари сурган. Бундай оптимистик хулосага И. Кант «лозимлилик (қатъий императив) ва ҳақиқийликнинг ўзаро муносабати (уруш ва тинчликнинг, давлатлар ўртасидаги табиий ва ҳуқуқий ҳолатнинг ҳақиқий ўзаро муносабати) ни ўрганиш асосида келган... Лозимлилик, ҳақиқийликка айланмай туриб, унга регулятив таъсир кўрсатади, у эса лозимлилик белгиси остида тобора... ривожланиб, унга қўшилмасдан, аммо унинг талабларига янада яқинлашиб бораверади»[2].

Қисқача қилиб айтганда, И. Кант фикр-мулоҳазаларининг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат. Азалдан инсон онгига хос бўлган ахлоқий қонун кишиларни доимо ўз-ўзини ўстириш, камолга етказишга интилиш ва қатъий императив мақсадларига эришишга ундайди. Шу билан бир қаторда, инсон табиатининг зиддиятлилиги сабаб унга, шунингдек, субъектив характернинг худбинлик, тама, ғараз ва шунга ўхшаш бошқа салбий кўринишлари ҳам хосдир. Кишилик жамиятининг тараққиётига мувофиқ равишда бу қарама-қаршиликлар аста-секин ўз ечимини топади. Ушбу жараён объектив бўлиб, табиатнинг умумий қонунлари билан аниқланган[3].

Улардан энг асосийси шуки, табиат қадимдан «яшаш учун умумий қонунларга муҳтож, бироқ ҳар бири зимдан ундан бўйин товламоқчи бўлган онгли мавжудотларнинг қандайдир бир миқдорини шундай жойлаштиришга; уларнинг тузумини, ўз шахсий интилишларининг тўқнашувига ҳам қарамасдан шундай ташкил этишга интиладики, токи улар бир-бирини бўғиб, одамларнинг оммавий хулқ натижаси гўё улар бундай ёвуз ният-мақсадларга эга эмасдек бўлсин»[4]. Бунинг оқибатида ниҳоят, ички низолар кишиларни тартиб ўрнатилиши учун умумий қонунларга бўйсунишга рағбатлантиради, доимий уруш хавфи уларни душман кучларига зарба беришни ташкил этиш учун давлат тузиш заруриятини англашга олиб келади. Шундай қилиб, объективлик ва субъективликнинг диалектик ўзаро таъсир жараёни

---

[1] *Андреева И. С.* Проблема мира в западноевропейской философии. – М., 1975. С. 237–238.

[2] *Фельдман Д. И., Баскин Ю. А.* Учение Канта и Гегеля о международном праве и современность. – Казань, 1977. С. 24.

[3] *Баскин Ю. Я.* Кант. – М., 1984. С. 53–54.

[4] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 285–286.

кишилар ўртасидаги муносабатларнинг инсонпарварлашувига, жамият фуқаролари ўртасида мустаҳкам тинчлик ўрнатилишига олиб келади.

Аммо янги антагонизм – алоҳида мавжуд бўлган мустақил давлатларнинг қаршилик кўрсатишлари бошланади. Уларнинг ҳар бири, Кант сўзлари билан айтганда, «ўзи учун мустаҳкам тинчликка шундай тарзда эришмоқни истайдики, иложи бўлса, бутун дунёни эгаллаб олса»[1]. Натижада кўплаб урушлар авж олади. Бироқ секин-аста, табиатнинг объектив қонунлари таъсири остида, маданиятнинг тараққий этиши ва кишиларнинг аҳилликда бир-бирларига янада яқинлашиши натижасида тинч-тотув яшаш учун умумий интилиш юзага келади. Уруш ҳолати фаол тинчлик мусобақаси билан алмашинади. **«Савдо-сотиқ кайфияти... эртами-кечми, ҳар бир халқни қамраб олади..., ва шу туфайли давлатлар... ҳамма жойда мардонавор тинчликка кўмаклашишга ва қаердаки уруш хавфи мавжуд бўлса, уни ўз воситачиликлари билан бартараф этишга мажбурдирлар»[2]. Давлатлар ўртасидаги алоқалар замирида яхши қўшничилик муносабатлари қарор топади.**

И. Кантнинг фикрига кўра, одамларнинг планетар (сайёрага оид) бирлик асосларидан бири – инсониятнинг ер юзига эгалик қилиш умумий ҳуқуқидир. Унинг уқтиришича, «ер шари юзасида одамлар чексиз-поёнсиз даражада жойлаша олмайдилар ва шунинг учун ҳам бошқаларнинг қўшничилигига чидашлари лозим; аввалбошдан ҳеч ким ернинг муайян нуқтасида яшаш учун бошқа бировларга қараганда кўпроқ ҳуқуққа эга эмас»[3].

«Барча кишилар бутун ер шарига (communion fundi originaria) ибтидодан бошлаб, шу ердан (lex justi) фойдаланиш учун ўзларига (ҳар бир кишига) хос бўлган табиий ирода билан биргаликда эгалик қилиб келадилар...»[4]

Кишиларнинг сайёрага, унинг юзаси, Ер юзидаги барча халқларнинг бирлиги, умумийлигига нисбатан ҳуқуқий тенглик ғояси, Кант фикрича, истисносиз ҳуқуқий принцип ҳисобланади ва дунё фуқаролик ҳуқуқи асосида ётади.

Шундай қилиб, И. Кант қуйидаги хулосага келган: «Табиат айнан шундай йўл, инсон майл-иштиёқларининг худди шундай тутум-тузилиши билан абадий тинчликни, унинг бошланиш вақтини (назарий жиҳатдан) олдиндан айтиб бериш учун, бироқ шунга қарамай,

---

[1] Ўша жойда, 287 б.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. 287–288.

[3] Ўша жойда, 276 б.

[4] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 180.

амалий жиҳатдан эришиш мумкин бўлган ва мана шу (у кадар хаёлий бўлмаган) мақсадни эгаллашни зиммамизга юклайдиган, лекин албатта, кифоя қилмайдиган ишончлилик билан кафолатлайди»[1].

У урушларнинг ҳеч қачон ўз-ўзидан барҳам топмаслигини яхши тушунган. Унга мансуб бўлган диалектиканинг теранлиги шунда эдики, инсонлик жамияти тараққиётининг дунёда зўрма-зўраки, мажбурий бўлмаган муносабатларга муқаррар тарзда олиб борадиган умумий қонун-қоидаларини асослаб берар экан, у бир вақтнинг ўзида одамларни «табиатга ёрдам беришга», ўз саъй-ҳаракатлари билан тинчлик ўрнатиш тартибининг мустаҳкам биносини барпо этишга чақирган. Шунинг учун ҳам И. Кант ўзининг абадий тинчликка эришиш режасини илгари сурган. Мазкур режанинг кўплаб қоидалари XXI аср бошланишидаги глобаллашув шароитида ниҳоятда долзарбдир.

2. Иммануил Кантнинг абадий тинчлик тўғрисидаги ҳуқуқий ғоялари

«Абадий тинчлик, бу – инсон ўзининг эволюцион тараққиётида ислоҳотлар йўли билан аста-секин ва муттасил яқинлашиб борадиган олий сиёсий бахт-саодатдир...[2].

Умумий ва доимий тинчликнинг ўрнатилиши ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотнинг ақл-идрок нуқтаи назаридан шунчаки бир қисмигина эмас, балки пировард мақсади ҳисобланади.

Агар ушбу мақсаднинг тўлиқ рўёбга чиқиши ҳамиша эзгу истак бўлиб қолаверганда ҳам, биз барибир, бу йўналишда ҳормай-толмай ҳаракат қилиш қоидасини қабул қилиб, шубҳасиз, алданмаймиз, чунки бу қоида – бизнинг бурчимиздир»[3].

И. Кант

Инсоният келажаги ҳақидаги тасаввурлар И. Кантни ҳамиша қизиқтириб келган ва унинг **«Абадий тинчлик сари»** номли асари бошқа асарларида, айниқса, **«Умумжаҳон фуқаролик нуқтаи назарида умумий тарих ғояси»**да ўз ифодасини топган ғоялардан келиб чиққан.

---

[1] Ўша жойда, 288 б.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 283.

[3] Ўша жойда 282 б.

Давлатлар ўртасида абадий тинчлик ўрнатиш учун Кант халқаро ҳуқуқнинг олти принципини қисқача баён қилиб берган[1].

Биринчи принцип: «Агар тузилаётганда бўлғуси урушга доир асос махфий сақланаётган бўлса, биронта ҳам тинчлик шартномаси ҳақиқий деб ҳисобланмаслиги лозим»[2].

Тинчлик шартномаси нафақат яқин, балки узоқ келажакда ҳам тинчликка эришишни кўзда тутиши, тузилаётган пайтда ёки тузилгандан сўнгги уруш сабабларини бартараф этиши, кейинги урушларнинг манбаларини олдиндан кўра билиш ва уларни ўчиришга интилиши лозим. Шартномалар тинчлик учун мўлжалланиши, бўлиши мумкин бўлган барча ахборотлар, шунингдек, давлатларнинг архивларидан қидириб топиш мумкин бўлган маълумотлар ва далилларни ҳам ҳисобга олмоғи лозим.

Иккинчи принцип: давлатлар тенглиғи ва мустақиллигини тан олиш.

«Биронта ҳам мустақил давлат (каттами, кичикми – бундан қатъи назар) бошқа бир давлат томонидан на мерос қилиб, на айирбошлаш, на сотиб олиш ва на ҳадя қилиш йўли билан эгаллаб олинмаслиги лозим»[3].

Барча давлатлар бир-бирига ўзаро ҳурмат кўрсатишлари лозим. И. Кант фикрича, монарх ҳам давлатга юқорида айтилган йўл билан хўжайинлик қилишга ҳақли эмас, чунки бу ижтимоий шартномага зиддир. Давлатга монарх эмас, бошқарувни амалга ошириш учун давлат монархга эга бўлади.

Учинчи принцип: инсоният қуролсизланишнинг объектив зарурият эканини тан олмоғи лозим.

«Доимий армиялар (miles perpetuus) вақти келиб, бутунлай йўқ бўлмоғи лозим»[4]. Қуролланиш пойгаси, давлатлар томонидан тўпланган қурол-яроғ ўз-ўзидан янги урушлар манбаига айланади. Давлатларнинг ҳарбий харажатлари тинчлик даврида огир юк бўлади. Бундан ташқари, И. Кант фикрича, давлат ҳарбий ҳаракатлар пайтида одамлардан бир-бирини ўлдиришда фойдаланиб, уларни шунчаки машина ёки қуролга айлантиради, бу эса «инсон

---

[1] *Ударцев С.Ф.* Политические и правовые идеи Иммануила Канта // Кант Иммануил. Идея всеобщей истории во всемирно-историческом плане. К вечному миру. Изд. 2-е, доп. и испр. – Алматы, 2004. С. 29–40.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 260.

[3] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 260.

[4] Ўша жойда, 261 б.

ҳуқуқларига зиддир»[1]. И. Кант фикрига кўра, агар бу ҳарбий тайёргарлик ва унда қатнашиш ихтиёрий бўлиб, халқнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш маҳорати ҳамда ҳозирлиги бўлса, бошқа гап. Давлатлар бундай ҳарбий тайёргарликни жанговарликни сақлаш ва ўз-ўзини ҳимоя қилишга ҳозирлик учун олиб боришлари мумкин. Бироқ аслида, барча мамлакатлар доимий армияларини тарқатиб юбориш хусусида ўзаро келишиб олишлари лозим.

Тўртинчи принцип: «Давлат қарзлари ташқи сиёсий ишлар учун фойдаланилмаслиги лозим»[2].

И. Кант кредитлар, давлат заёмлари иқтисодиётни ривожлантириш, давлат озиқ-овқат захираларини яратиш ва ҳоказо мақсадларни кўзлаб олиниши мумкин, деб уқтирган. Ва амалда бу ўз исботини топган. XVIII асрдаёқ кредит тизими билан урушлар ўртасида мустаҳкам алоқа вужудга келган. Ташқи ва ички қарздорлик «уруш фонди (жамғармаси)»га айланиши мумкин. Бу эса ўз-ўзидан тинчлик йўлига ғов бўлади. Бундан ташқари, давлат молиявий-кредит тизимининг банкрот бўлиши халқаро миқёсда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бешинчи принцип: «Биронта давлат бошқа давлатларнинг сиёсий тузумига ва бошқарув ишларига зўрлик билан аралашмаслиги лозим»[3].

Модомики, барча давлатлар мустақил ва бир-бирига қарам эмас экан, аралашмаслик тамойили, барча бошқа принципларни эътироф этган ҳолда, инсониятнинг абадий тинчликка келиш атрибути ҳисобланади. **И. Кант тарихий тараққиёт давомида турли хил мураккаб вазиятларнинг келиб чиқиши, масалан, бир давлат бир неча давлатларга бўлиниб, парчаланиб кетиш эҳтимолини ҳам назарда тутган.** Бундай ҳолларда ҳар хил, хусусан, ваколат ва ҳоказоларни қайтадан тақсимлаш билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Шундай вазиятларда қайсидир давлатга жаҳон ҳамжамияти ёки бошқа баъзи мамлакатлар томонидан кўрсатиладиган ёрдам уларнинг ички ишларига аралашиш деб қаралмаслиги ва бу ёрдамнинг ўзи ҳам аралашишга ўхшаб кетмаслиги лозим. Бундай ёрдам, энг аввало, тартибсизликлар ҳамда мушкул, танг вазиятларнинг салбий оқибатларини ёки бошқа мамлакатлар учун номатлуб бўлган шунга ўхшаш нохуш воқеа-ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган.

---

[1] Ўша жойда.

[2] Ўша жойда, 262 б.

[3] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 262.

Олтинчи принцип: Биронта давлат бошқа бир давлат билан уруш пайтида келгусида тинчлик даврида ўзаро ишончни йўққа чиқарадиган гаразли мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилмаслиги лозим.

И. Кантнинг фикрига кўра, **ҳатто уруш пайтида ҳам тинчлик келажаги учун тузоқ қўйиш мумкин эмас.** Урушлар, агар улардан инсоният тараққиётининг маълум бир босқичига довур ҳам қутулиб бўлмаса, бундай кескин вазиятлар учун жаҳон ҳамжамияти томонидан белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда олиб борилиши лозим.

«Уруш, – деб ёзган эди И. Кант, – **(ҳукми қонун кучига эга ҳеч қандай суд инстанцияси бўлмаган) табиий ҳолатда ўз ҳуқуқларини куч билан қарор топтириш учун тутилган мажбурий йўлдир, унда томонларнинг ҳеч қайсисини ноҳақ деб айблаб бўлмайди (чунки бунинг учун суд қарори шарт) ва қайси томон ҳақ эканини (худди илоҳий судда бўлгани каби) фақат уруш натижаси кўрсатади»[1].**

Инсониятнинг мангу мақсадлари ва урушларнинг ўткинчи характери ҳақида унутмаслик керак, халқларнинг истиқболига нифоқ солиб бўлмайди. Ҳаттоки шундай тарихий вазиятларда ҳам тинчлик келажаги учун иложи борича ҳамма ишни қилиш зарур. И. Кант, халқлар ва давлатлар ҳаддан ташқари шафқатсизлик ва маккорликларга йўл қўймасликлари лозим, деб ҳисоблаган. Шармандали ҳарбий айёрликларга, ҳатто уруш шароитларида ҳам барҳам берилиши лозим. Айниқса, давлатни, душман мамлакатнинг бутун халқини йўқ қилишга қаратилган қирғинбарот – жазоловчи урушга асло йўл қўйиб бўлмайди. Бундай **уруш,** деб ёзган эди Кант, **бир-бирига душман томонларнинг, «улар билан бирга ҳар қандай ҳуқуқнинг ҳам йўқ қилинишига, фақат инсониятнинг улкан қабристонидаги абадий тинчликка олиб келган бўлар эди»[2].** Унинг фикрича, қирғинбарот урушлар қатъиян ман этилиши лозим.

И. Кант **«Абадий тинчлик сари»** асарининг биринчи қисмидаги дастлабки мақолаларда баён қилинган **қонунларни икки асосий гуруҳга бўлган. Биринчи гуруҳни** ташкил этган қоидалар қатъий бўлиб, ҳар қандай шароитда ҳам дарҳол ижро этилишга мухтож. Масалан, дастлабки олтинчи мақолада бундай дейилган: **«биронта давлат бошқа бир давлат билан уруш пайтида келгуси**

---

[1] Ўша жойда, 263 б.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 264.

тинчлик ҳолатида ўзаро ишончни йўққа чиқарадиган ғаразли мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилмаслиги лозим»[1]. Бу ерда, хусусан, ёлланма аскарлардан, заҳарли моддалардан фойдаланиш, тинлим бўлиш шартларининг бузилиши, хиёнат (хоинлик) назарда тутилган.

Урушнинг жамият табиий ҳолати учун аянчли, бироқ ўз ҳуқуқларини қарор топтиришнинг мажбурий воситаси эканини эътироф этар экан, И. Кант, шунга қарамай, уни олиб боришнинг ҳунук ва шафқатсиз усулларидан воз кечишга чақирган, чунки бусиз абадий тинчликка эришиш мумкин эмас. Шу маънода И. Кант ғояси бизда катта қизиқиш туғдириши табиий, яъни **«иккала томон ва улар билан бирга ҳар қандай ҳуқуқнинг ҳам йўқ қилиниши мумкин бўлган қирғинбарот уруш фақат инсониятнинг улкан қабристонидаги абадий тинчликка олиб келган бўлар эди. Бас, шундай экан, бундай уруш, демак, унга олиб келадиган воситаларнинг қўлланилиши ҳам қатъиян ман этилиши лозим»**[2].

Мажбурий бўлмаган тинчлик ўрнатиш тартиби асослари жанг майдонида эмас, балки тинчлик даврида яратилишини яхши англаган Кант қатъиян ман этилиши лозим бўлган ҳаракатлар қаторида, шунингдек, тинчлик шартномаларида бўлажак уруш асосларини махфий тарзда сақлаш ҳамда ҳар қандай давлатнинг ички ишларига аралашиш сиёсатини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтган.

«Биронта давлат бошқа давлатларнинг сиёсий тузумига ва бошқарув ишларига зўрлик билан аралашмаслиги лозим»[3]. Бу билан у дунёдаги мавжуд мамлакатларнинг суверенитет ва тенглик принципининг ўзгармас эканлигини ҳамда уларнинг ички ва ташқи сиёсатига четдан қандай бўлмасин салбий таъсир ўтказишларнинг қонунга хилоф эканини яна бир бор таъкидлаган.

И. Кант доимий армияларни тугатиш, давлат қарзларидан ташқи сиёсий мақсадларда фойдаланиш ва бир давлат томонидан бошқа бирини қандай шаклда бўлмасин, эгаллаб олиниши мумкин эмаслиги масалаларини ижро нуқтаи назаридан кейинга суриш мумкин бўлган қонунлар қаторига киритган. Мазкур кейинга қолдиришнинг сабаби, унингча, қонун мақсадининг ўзини тугатишга интилиш эмас, балки, аксинча, мақсад билан унга етишиш воситалари ўртасидаги мувофиқликка эришишга бўлган уринишдир. Ушбу вазиятда И. Кант ҳақли равишда тадрижий чора-

---

[1] Ўша жойда, 263 б.
[2] Ўша жойда, 264 б.
[3] Ўша жойда, 262 б.

тадбирларни афзал кўрган ва лаҳзалик, бироқ кам самара берадиган, муаммони ҳал этиш ўрнига уни чуқурлаштирадиган тадбирлардан воз кечган. Шу билан бирга, бундай кейинга суриш чексиз бўлиши мумкин эмаслигини ҳам таъкидлаган.

«Абадий тинчлик сари» асарининг иккинчи қисми батамом абадий тинчликни амалда барпо этиш, яъни давлат тузуми ва инсониятнинг келажакдаги фуқаролик масалаларига бағишланган. И. Кантнинг асосий ғояси шундан иборат эдики, **«давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг қонуний ҳолати ўз-ўзидан вужудга келмайди, бинобарин, тинчлик ҳолатини ўрнатиш лозим»**[1]. Бунда унинг кишилик жамиятини прогрессив тарзда тубдан ўзгартириш учун объективлик ва субъективликнинг бирлашиши заруриятини англайдиган чуқур диалектизми намоён бўлади.

«Халқаро ҳуқуқ озод давлатларнинг федерализмига асосланган бўлиши лозим»[2] – иккинчи охирги мақола мазмуни шундай. И. Кант халқлар ўз хавфсизликларининг тўлиқ кафолати ва ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқларнинг амалга оширилиши учун эртами-кечми, бирлашишлари лозим, деб ҳисоблаган. Бироқ бундай бирлашув шакли давлатлар эмас, балки халқлар иттифоқи бўлмоғи лозим.

И. Кант ҳар қандай давлат тизимидаги муқаррар равишда юзага келадиган ҳокимият ва итоат қилиш муносабатларининг давлатлараро муносабатларда маъқул бўлавермаслигидан келиб чиқиб, бутунжаҳон давлати тушунчасига астойдил қарши чиққан. У таклиф қилаётган иттифоқнинг «мақсади давлат ҳокимиятини эгаллаб олиш эмас, балки давлатнинг ўзи учун ва бир вақтнинг ўзида бошқа иттифоқдош давлатлар учун ҳам озодликни асраш ва таъминлашдан иборатдир»[3]. **Бундай федерация «аста-секин барча давлатларни қамраб олиши ва шу тариқа абадий тинчликка олиб келиши лозим»**[4].

Халқлар иттифоқи битта давлат эмас, балки мустақил ва бир-бирига тенг бўлган кўплаб давлатлар иттифоқи бўлмоғи лозим. Бундай шароитда инсоният янги умумжаҳон мураккаб таркибли сиёсий бирликка уюшиш тўғрисида ўзаро шартнома тузадиган жуда кўп давлатлар – федерация субъектлари

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 266.

[2] Ўша жойда, 271 б.

[3] Ўша жойда, 274 б.

[4] Ўша жойда.

ниқфасида намоён бўлмоғи лозим. **Иттифоқ мақсади – уни ташкил этувчи давлатлар озодлигини асраш ва тинчликни сақлашдир.**

И. Кант умумжаҳон федерациясининг тузилишини дунёнинг турли ҳеккаларидаги, худди оролчалар шаклидаги мавжуд узоқ давом этадиган жараён деб фараз қилган. Шу маънода **И. Кант Европа бирлашув гоясининг асосчиси ҳисобланади.** Дунё тинимидаги бу оролчалар кейинчалик кенгайиб, секин-аста барча давлатларни қамраб олиши лозим.

И. Кант бундай умумжаҳон бирлашмасининг маркази, ўзига хос тортишиш маркази қандайдир кучли давлат, қандайдир федератив республика бўлиши, бирлашув жараёни унинг теварагида бошланиши мумкин, деб тасаввур қилган.

И. Кантнинг **«Абадий тинчлик сари»** асарининг иккинчи қисмидаги сўнгги қоидалар умумжаҳон фуқаролик ҳуқуқига бағишланган. Бунда у халқлар ўртасидаги муносабатларни кенгайтириш мақсадида ҳар бир чет элликнинг ҳар қандай мамлакатда ўзига нисбатан мавжуд қонун-қоидага мувофиқ ва дўстона муносабат ҳуқуқини тушунган. **«Ер юзи ҳуқуқи умуман бутун инсониятга тегишлидир. Шунинг учун бошқаларнинг ҳудудини босиб олиш ҳам, денгизда кема юритиш, савдо ва ҳоказо ишларга тўсқинлик қилиш ҳам бирдек қонунга хилоф ҳисобланади»**[1].

И. Кант фикрига кўра, барча давлатлар умумжаҳон фуқаролик ҳуқуқини тан олиш хусусида ўзаро келишиб олишлари лозим. Бу – айрим давлатларнинг фуқаролик ҳуқуқи бекор қилинади, дегани эмас. **Умумжаҳон фуқаролик ҳуқуқини у сайёрамизнинг барча аҳолиси учун бутун дунёга оид меҳмондўстлик принципи деб тушунган.** Ҳар бир одам ўз давлати фуқароси бўлиш билан бирга, умумжаҳон федерациясининг фуқароси ҳамдир.

И. Кант ўзига хос иккиёқлама вертикал фуқароликни эътироф этган: ҳар бир киши катта ё кичик сиёсий тизим фуқароси бўлиши мумкин. Натижада барча одамлар ер юзи бўйлаб бемалол саёҳат қилишлари, унинг исталган нуқтасида яшаб, барча мамлакатларда, инсониятнинг улкан уйида хайрихоҳ ва самимий муҳит огушида бўлишлари мумкин. **Кант фикрича, бу ҳуқуқ асоси – инсониятнинг Ер сайёраси сиртига эгалик қилиш табиий**

---

[1] *Баскин Ю.Я.* Кант. – М., 1984. С. 56.

умумий ҳуқуқининг, башарият ер юзи ҳуқуқининг юқорида тилга олинган эътирофи ҳисобланади.

Албатта, И. Кант ер юзида умумжаҳон фуқаролик тузумининг вужудга келиши узоқ давом этадиган тарихий тараққиёт натижаси бўлиши мумкинлиги хусусида мулоҳаза юритган ва инсоният бу борада анчагина йўлни босиб ўтганини ҳам қайд этган.

Абадий тинчликни барпо этиш йўллари ва имкониятлари, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг мазкур жараёндаги роли тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларига якун ясар экан, И. Кант мажбурий бўлмаган тинчлик ўрнатиш тартиби «қуруқ ғоя эмас, балки ҳал қилинадиган ва ...амалга ошишига тобора яқинлашиб бораётган вазифа»[1] эканини таъкидлаган.

И. Кантнинг инсоният интеграциялашуви шакллари тўғрисидаги ғоялари сўнгги бир ярим асрлик давр мобайнида шаклланиб келаётган халқаро институтлар ва ташкилотлардан илгари яратилган. Бу – XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Тинчлик ва озодлик Лигаси бўлиб, у ўзига хос халқаро съезд, конференциядан иборат бўлган ва тараққийпарвар инсониятнинг тинчлик, озодлик ва демократияни қарор топтиришга бўлган саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи ташкилот мақомига даъво қилган. Бу ташкилот XX аср бошидаги Миллатлар Лигасидан олдин, у эса, ўз навбатида, албатта, башариятнинг ягона планетар сиёсий ва ҳуқуқий тизимга интеграциялашуви жараёнини ҳали охирига етказолмаган бугунги БМТдан илгари бўлган.

И. Кант ўзининг «Абадий тинчлик сари» асарида, хусусан, кўпсонли замонавий универсал ва минтақавий халқаро ташкилотларнинг вужудга келиши ва ривожланишида намоён бўлган дунё сиёсий ва ҳуқуқий тараққиёт тенденциясини олдиндан кўра билган.

И. Кантнинг уқтиришича, инсоний муносабатлар табиати ҳамда жамиятнинг тузилиш тамойиллари абадий тинчлик ғояларининг рўёбга чиқишига умид боғлашга изн беради. Бир вақтнинг ўзида у давлатларга, келажак давр халқлари ва ҳукмдорларига инсониятнинг оқилона тузумини ташкил этишга кўмаклашишга қодир бўлган файласуф олимларнинг фикр ва мулоҳазаларига бепарво қарамасликни маслаҳат берган. Айниқса, ҳокимият тепасида турган

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 309.

шахслар буни ҳамиша ёдда тутишлари лозим, бинобарин, Кант қайд этиб ўтганидек, **«ҳокимиятга эга бўлиш муқаррар тарзда эркин фикрлашга йўл қўймайди»**[1].

Шундай қилиб, И. Кант **«Абадий тинчлик сари»** асарида, энг аввало, келгуси тинчлик даврида инсоният бирлашувининг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари ва шакллари ҳақида ёзган. У абадий тинчлик учун барча шарт-шароитлар етиладиган ва инсоният ўзининг планетар тараққиётидаги янги даврга қадам қўядиган вақтни олдиндан аниқ айтиб беришнинг имкони йўқлигини қайд этиш билан бирга, умуминсоний онг одамларни айнан шу йўналишда бошлаб боради ва ушбу ҳақиқий ва қонунга мувофиқ тараққиёт босқичи секин-аста яқинлашиб келади, деб қатъий ишонган[2].

И. Кант абадий тинчликни олий сиёсий бахт-саодат деб билган, унга инсоният ўз эволюцион тараққиётида тадрижий, эволюцион ислоҳотлар йўли билан мунтазам равишда яқинлашиб боради[3]. Умумий ва доимий тинчлик ўрнатишни ақл-идрок нуқтаи назаридан ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотнинг шунчаки бир қисми эмас, балки пировард мақсади, деб ҳисоблаган[4]. «Агар ушбу мақсаднинг тўлиқ рўёбга чиқиши ҳамиша эзгу истак бўлиб қолаверганда ҳам, – деб ёзган И. Кант абадий тинчликка эришиш ҳақида, – биз барибир, бу йўналишда ҳормай-толмай ҳаракат қилиш қоидасини қабул қилиб, шубҳасиз, алданмаймиз, чунки бу қоида – бизнинг бурчимиздир...»[5].

XXI асрдан туриб, XVIII асрга қайта назар ташлар эканмиз, И. Кант фикрларининг кўпчилиги доҳиёна зийраклик билан айтилганини эътироф этмай бўлмайди. Уч мингинчи йилнинг бошланишида шуни ишонч билан айтиш мумкинки, И. Кантнинг халкаро ҳуқуқ ва абадий тинчлик тўғрисидаги таълимоти башариятнинг қолган бошқа улуг мутафаккирларига мансуб доктриналар билан бир қаторда ҳуқуқий давлатларнинг жаҳон фуқаролик ҳамжамияти шаклланишининг фалсафий-ҳуқуқий асосларини олдиндан билиб, яратиб берган.

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 289.
[2] Ўша жойда, 288 б.
[3] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. – М., 1965. С. 283.
[4] Ўша жойда, 282 б.
[5] Ўша жойда.

3. Глобаллашув ва Иммануил Кантнинг абадий тинчлик тўғрисидаги ҳуқуқий таълимотининг аҳамияти

«Одамзод учун энг долзарб муаммо, буни ҳал этишга уни табиат мажбур қилади, – умумий ҳуқуқий фуқаролик жамиятига эришишдир»[1].

И. Кант

Урушларга узил-кесил барҳам бериш ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш мақсадида ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничиликка асосланган давлатлар иттифоқини тузиш зарурияти тўғрисида И. Кант томонидан XVIII аср охирида билдирилган таклифлар кейинчалик улуғ немис файласуфининг замондошлари ва издошлари томонидан қайта-қайта ойдинлаштирилиб, ривожлантириб борилган. Бироқ, ўзининг бутун жозибадорлиги ва зоҳирий табиийлигига қарамасдан, абадий тинчлик ғояси ҳозирга қадар ҳам ўзининг унчалик маънили амалий тасдигини топганича йўқ. Бунинг устига, урушлар нафақат давом этмоқда, балки дунё миқёсида кенг тус олиб, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, маълум бир жойларга оид ҳарбий низо-тўқнашувлар имманент (доимий) характерга эга бўла бошлади. Сўнгги чорак аср мобайнида бўлиб ўтган ҳарбий тўқнашувлар оқибатида ўн миллионлаб кишилар нобуд бўлди. Ушбу даврда ҳарбий техника бетўхтов такомиллашди ва бугунга келиб, унинг одам ўлдириш имкониятлари чексиз даражада юксалди.

Буларнинг барчаси, **буюк пацифизм тарафдори И. Кант** пировардида Ер сайёрасидаги эзгулик ва адолатнинг бўлғуси умумжаҳон салтанати ҳақида гўзал эртак тўқиб-бичган утопист ва содда хаёлпараст бўлган, деган маънони англатмасмикин? Бу – халқлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий ҳолатига эришиб бўлмасликдан далолат эмасмикин? Бизнингча, йўқ. Бу ҳақда дунё тараққиётининг, айниқса, «совуқ уруш» даври тугагандан ва Берлин девори қулагандан кейинги бир қатор тенденциялари гувоҳлик бериб турибди.

Ядро-космик тараққиёт даври воқеликлари тамаддуннинг ўз-ўзини йўқ қилиш хавфи тўғрисидаги масалани энг муҳим муаммолар қаторига қўйди. Миллий миқёсдаги кўплаб минтақавий ва маҳаллий низо-жанжаллар бутун жаҳон уруши учқунининг ўт олиши мумкинлигини доимий равишда эслатиб турибди. Одамларнинг табиатга ва бир-бирларига бўлган шахсий

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 13.

манфаатга доир ғаразли муносабатларининг йўл қўйиб бўлмайдиган даражада хатарли эканини аниқ-равшан кўрсатиб берган глобал муаммоларининг ҳал этилиши тобора қийинлашиб бормоқда. Бошқача қилиб айтганда, кўп асрлар мобайнида олиб борилган сиёсат ва ахлоқ қоидаларига зид сиёсат халқаро кескинликни кучайтириб, инсон ақл-заковатининг қудрати ошган бир даврда башариятни умумий ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйди[1].

XXI аср бошида халқлар учун мавжуд вазиятни яхши томонга тез ўзгартиришнинг реал имконияти пайдо бўлди. «Ижобий тараққиёт имконияти салбий тараққиёт имкониятлари охиригача тугатилгандагина ҳақиқий тус олади. Бугун улар кўп жиҳатдан барҳам топди. Ҳозир халқаро муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш тўғрисидаги масала кундалик мавзу эмас, балки ниҳоятда зарур маънавий эҳтиёжга айланганининг боиси ҳам шунда»[2].

XXI аср бошида юзага келган давлатлараро муносабатлар характери объектив равишда давлатларнинг ташқи сиёсий фаолиятини амалга оширишда сифат жиҳатидан янгича метод ва воситаларни қидириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Глобаллашув шароитида ядро уруши геосиёсий, геоиқтисодий, мафкуравий ва бошқа ҳар қандай мақсадларга эришишда восита бўла олмайди. Янги жаҳон урушидан маъни йўқ. Унда на ғолибларнинг, на маглубларнинг бўлиши мумкин эмас. Мавжуд геосиёсий ва бошқа ҳарбий доктриналар характерини зудлик билан қайтадан кўриб чиқиб, уларни қатъий равишда мудофаага мослаштириш зарур. Ҳозирги замон дунё сиёсати асосига умуминсоний ахлоқий меъёрлар ва қадриятлар киритилиши лозим.

Ҳаракат дастури аксиома бўлиши лозим: хавфсизлик бўлинмас ва унинг бирдан-бир жиддий фалсафий-ҳуқуқий асоси – барча давлатларнинг миллий манфаатларини ва уларнинг халқаро хаётдаги суверен тенглигини сўзсиз тан олишдир. Бу эса, ўз навбатида, дунёга қандай бўлмасин, демократия ва инсон ҳуқуқлари, қадриятлар, тафаккур ва ҳаёт тарзи, дунё плюрализмини тан олиш, турли-туман ва мос келмайдиган манфаатлар хилма-хиллиги, ҳар бир халқ ва давлатнинг ўз тикланиш ва тараққиёт

---

[1] **Қаранг:** *Гаврилов В.В.* Учение И. Канта о международном праве и новое политическое мышление // Современное государство и право: вопросы теории и истории. Владивосток, 1992. С. 70–72.

[2] **Қаранг:** *Поздняков Э., Шадрина И.* О гуманизации и демократизации международных отношений // Мировая экономика и международные отношения. 1989. №4. С. 18.

йўлини танлаш имконияти сингари андозаларни мажбуран қабул қилдиришдан воз кечиш деб тушуниладиган халқаро алоқаларни тезда мафкурадан холи қилишни англатади.

Халқаро ҳуқуқ глобаллашув шароитида қонунга асосланган миллий давлатларнинг халқаро фуқаролик жамиятининг ҳуқуқи бўлиши лозим. XXI аср халқаро ҳуқуқи абадий тинчлик барпо этишнинг Кантча дастурини назарда тутмоғи лозим. Бироқ И. Кант ўз даврида эътироф этганидек, биз ҳам халқаро ҳуқуқнинг ҳаммага маълум бўлган норма ва принципларини амалга ошириш жўнгина иш эмаслигини яхши англаймиз. Бунинг учун замонавий халқаро муносабатларда дастлабки зарур шарт-шароитлар ташкил топмоғи лозим. Лекин эски ишқибозликлар ва бир хил қолипларни тубдан ўзгартириш устида узоқ муддатли дипломатик иш олиб борилмас экан, бу борада муваффақиятга эришиш қийин.

Шубҳасиз, давлатнинг ташқи ва ички функциялари ажралмас ва диалектик жиҳатдан бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Бинобарин, ташқи сиёсат ҳамда давлатлараро муносабатларни демократлаштириш билан мамлакат ички демократлаштириш жараёни бир-биридан ажралмасдир. Бу ерда биз яна И. Кантнинг халқларнинг тинчликсевар иттифоқи фақат демократик кучлар ёки ҳуқуқий давлатлар иттифоқи бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрига қайтамиз.

Ҳақиқатан ҳам, **«бир мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида қонун ҳукмронлигига асосланган бундай давлат халқлар ўртасидаги муносабатларда ҳуқуқ устунлиги учун курашчи бўла олмайди»**[1]. Барча мансабдор шахслар ва фуқароларнинг истисносиз равишда ҳуқуққа бўйсунишида тажовузкор ташқи сиёсат олиб боришга интиладиган авторитар ва тоталитар сиёсий тузумларнинг дунё саҳнасида пайдо бўлмаслик кафолати мужассам.

Ҳокимиятнинг умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида сайланган халқ вакилларидан тузилган органларга тегишлилиги дунёни бир неча бор ядро ҳалокати ёқасига олиб келган нотўғри, ноҳақ қарорлар қабул қилиш мумкин эмаслиги гаровидир.

Мамлакатнинг қонунга бўлган ички ҳурмати қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларга садоқатни олдиндан белгилаб беради. **Давлатнинг ўз фуқароларига замонавий халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши**

---

[1] **Қаранг:** *Пустогаров В.В.* Социалистическое правовое государство и правовое мировое сообщество // Советское государство и право. 1989. №5. С. 3.

унинг дунё саҳнасида инсон ҳуқуқларига амал қилиш ва уларнинг таъмин этилиши учун қатъий кураш олиб боришига сабаб бўлади.

Давлат ички демократиясининг умумий тараққиёти аллақачон И. Кант томонидан аниқланган, ҳар нарсадан хабардор халқаро хавфсизлик тизимини яратишга – дунёнинг бир-бирига қарама-қарши турган, бир-бири билан ўзаро доимий кураш ҳолатида бўлган давлатларга бўлинишига тўсқинлик қилувчи асосий сабабни, ниҳоят, тугатишга имкон туғдирган бўлар эди. Ва бу жараён аллақачон бошланиб бўлган.

Бироқ мажбурий бўлмаган тинчлик ҳуқуқий давлатлар ўртасидаги қандайдир ўзаро зиддиятларни истисно қиладиган оддий механик мажмуадир, деб зинҳор ўйламаслик лозим. Турли хил ижтимоий қатламлар, гуруҳлар ва давлатлар мавжуд бўлар экан, зиддиятлар ҳам ҳар доим бўлаверади. Қуролли тўқнашувларга барҳам беришга ва давлатларнинг тинч ҳамкорлик сиёсатини қарор топтиришга восита сифатида нима ёрдам бериши мумкин, масала шунда. Бу саволга И. Кант томонидан аллақачон жавоб берилган. Ушбу вазифани фақат халқаро ҳуқуқ бажара олади. Айнан шунинг учун глобаллашув шароитида умуминсоний қадриятлар ва манфаатлар устуворлиги, дунёнинг бирбутунлиги ва ўзаро боғлиқлиги, тараққиёт йўлларини танлаш эркинлиги сингари тушунчалар билан бир қаторда ҳуқуқнинг сиёсатда биринчилик концепцияси янада мустаҳкамланиб, унинг аҳамияти ҳам бугунги кунда тобора ортиб бормоқда[1].

Шунинг учун халқаро ҳуқуқ нормаларига «давлатлар хавфсизлиги ва бирга яшашлари учун ишончли кафил сифатида қараш... даргумон. Бунинг устига, улар нафақат бундай кафил сифатида хизмат қила олмайди, балки уларнинг ўзи кафолатга муҳтождирлар. Халқаро ҳуқуқ шундай шартномаларга асосланганки, улар тузилган ҳужжатнинг ўзидаёқ риоя қилмаслик учун баҳона топилади. Халқаро ҳуқуқ ғоясининг ўзи ҳам бир-бирига қарам бўлмаган кўплаб давлатларнинг мавжудлиги ва қарши ҳаракатларига асосланади. Бундай ҳолат ўз-ўзидан, агар уруш ҳолати мавжуд бўлмаса ҳам, ҳеч бўлмаганда доимий шарт-шароит ҳисобланади»[2], деб ўйлайдиган баъзи бир олимларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди.

---

[1] *Верещетин В.С., Мюллерсон Р.А.* Примат международного права в мировой политике // Советское государство и право. 1989. №7. С. 3.

[2] **Қаранг:** *Поздняков Э., Шадрина И.* О гуманизации и демократизации международных отношений // Мировая экономика и международные отношения. 1989. №4. С. 26–27.

Бундай қараш, бизнинг фикримизча, ақидага асосланган. Дарҳақиқат, ўзининг бутун тараққиёт тарихи давомида халқаро ҳуқуқ таназзулга юз тутган даврлар ҳам бўлган ва унга, бугунги мезонлар билан айтганда, реакцион нормалар ва институтлар хос бўлган, унинг нормаларини эса, ҳатто ҳозир ҳам кўп жиҳатдан юқори самара белгиламайди. Бироқ халқаро ҳуқуқ замирида давлатларнинг доимий конфронтация уруғлари мужассам, дейиш мутлақо қонунга зиддир. Аксинча, унинг вазифаси манфаатлар мувозанатини қидиришдан иборат. **Алоҳида, айрим давлатларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришга «фақат давлатларнинг хоҳиш-иродаси, мавқе ва манфаатларини келиштириш натижасидан иборат хатти-ҳаракат қонун-қоидалари мажмуи сифатидаги халқаро ҳуқуқ ёрдамидагина эришиш мумкин»[1].**

XXI асрда халқаро ҳуқуқ ўз моҳиятига кўра умумдемократик норматив тизим ҳисобланади. Унинг асосий манбаларида кўпгина умуминсоний қадриятлар: куч ишлатиш ёки таҳдид қилишга йўл қўймаслик, бир-бирининг ишларига аралашмаслик, бирга тинч-тотув яшаш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қуролсизланиш, давлатлараро ҳамкорлик ва ҳоказо ўз аксини топган. Фақат халқаро ҳуқуқ ёрдамида «мустақил, ҳақиқий тенг ҳуқуқли давлатлар барқарор, мустаҳкам халқаро тизим тузадилар ва халқаро муносабатнинг куч жиҳатидан эмас, балки умумий мос меъёрларигагина тобе бўладилар»[2]. Халқаро ҳуқуқ-тартибот ва барқарорлик негизи шундан иборат.

Бошқа бир масала – ҳуқуқнинг сиёсатдан устунлигини қандай таъмин этиш мумкин, унинг таъсир кучининг самарадорлигини қай тариқа ошириш ва халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг умуммажбурийлигини қандай кафолатлаш мумкин? Халқаро ҳуқуқнинг таъсирини янада ошириш учун, шунингдек, ҳуқуқий материянинг «сифатини яхшилаш», халқаро ҳуқуқни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш чегараларини кенгайтириш ва унинг ижтимоий муносабатларга таъсир ўтказиш методларини қайтадан кўриб чиқиш зарур.

---

[1] *Верещетин В.С., Мюллерсон Р.А.* Примат международного права в мировой политике // Советское государство и право. 1989. №7. С. 3–4.

[2] *Рыбаков Ю., Скотников Л., Змеевский А.* Примат права в политике // Международная жизнь. 1989. №4. С. 61–62.

Ҳуқуқ, И. Кант таъбири билан айтганда, сиёсатга нисбатан бирламчидир. Сиёсат, пировард натижада ҳуқуққа мос келиши лозим, ҳуқуқ – сиёсатга эмас. Буни қайд этар экан, И. Кант диққат-эътиборни бутунлай ҳуқуқ билан сиёсатнинг тез-тез ва доимий асосига қарама-қаршилигининг амалиётдаги ўзаро муносабатига эмас, балки глобал тарихий тенденцияга қаратмоқни истаган кўринади.

Ҳаш, энг аввало, халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг янги механизмларини мунтазам равишда қидириш ҳақида боряпти. Уларга сўзсиз риоя қилиш янги битим, шартномалар орқали ҳар нарсадан хабардор хавфсизлик сари олға интиладиган ҳаракатнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шунингдек, баҳс-низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш воситалари такомиллаштирилган бўлиши лозим. «Баҳс-тортишувни ҳал этишнинг... турли хил методларини... олдинги усуллар муваффақиятсиз бўлган тақдирда арбитраж ёки суд органларига довур мажбурий тарзда мурожаат этишни кўзда тутадиган иш кўришнинг махсус расмий тартибини ишлаб чиқиш тўғрисида ўйлаб кўриш лозим»[1]. Шу маънода БМТнинг Халқаро Суди ва бошқа мавжуд халқаро одил судлов органларининг юзага чиқиши мумкин бўлган имкониятлари ҳали кўп.

Маълумки, халқаро ҳуқуқ тизимида қонун чиқарувчи жамоа ҳисобланади, халқаро-ҳуқуқий нормалар эса умумдемократик мазмунга эга. Бироқ кўпгина давлатлар «ўз зиммаларига халқаро мажбуриятларни олар экан, шунга қарамасдан, одатда кўпинча биртомонлама тартибда ва бутунлай қабул қилинган мажбуриятларни тушунтириш ва татбиқ этиш масалаларини ҳал қилиб, ўз ишларида судьялар сифатида қолишга интиладилар»[2]. Бундай амалиёт у ёки бу халқаро-ҳуқуқий нормани амалга оширишда турли давлатларнинг ноадэкват (тенг, баравар бўлмаган) ҳаракатларига олиб келадики, бу уларнинг таъсир кучи самарадорлигининг кескин пасайишига сабаб бўлади. Масаланинг ечими «замонавий халқаро-ҳуқуқий тартибот компонент (таркибий қисм)ларини энг юқори даражада, умумий тушунилишига эришиш мақсадида турлича – ҳартарафлама,

---

[1] *Верещетин В.С., Мюллерсон Р.А.* Примат международного права в мировой политике // Советское государство и право. 1989. № 7. С. 6.

[2] *Верещетин В.С., Мюллерсон Р.А.* Примат международного права в мировой политике // Советское государство и право. 1989. № 7. С. 6.

минтақавий, иккитомонлама халқаро алмашувни янада жадал ва самаралироқ олиб боришдадир»[1].

Халқаро ҳуқуқ ва дунё сиёсатининг ўзаро таъсир жараёни ёркин ифодаланган ўзаро келишилган характерга эга. Мазкур тушунчаларнинг ҳар бири энг жиддий тарзда бошқасининг мазмун ва моҳиятига таъсир қилади. Шунинг учун, халқаро ҳуқуқ институтлари ва механизмларининг халқаро тизим барқарорлигини сақлаш ишидаги аҳамиятининг огишмай ортиб боришига қарамасдан, халқаро ҳуқуқ имкониятлари объектив равишда чегараланган. **Халқаро ҳуқуқий нормалар давлатларнинг бутунлай мос келадиган характерга эга бўлган сиёсий хоҳиш-иродаси билан қўшилган тақдирдагина етарли даражада таъсир кучига эга бўла олади.**

И. Кант халқаро ҳуқуқ фақат халқларнинг ягона иттифоқи доирасида қатъий таъсир кучига эга бўлиши ва ҳақиқий тинчлик ҳолатига айланишини айтиб ўтган. **У инсониятнинг асосий вазифасини давлатлар федерализмига асосланган «умумий ҳуқуқий фуқаролик жамияти»га эришишдан иборат деб билган. И. Кантнинг абадий тинчлик тўғрисидаги таълимоти, замонавий тилда айтганда, – бу ҳам ҳар нарсадан хабардор халқаро хавфсизлик тизимининг ўзига хос концепциясидир.** Бу ерда бизга нафақат шаклан ўхшашлик кўринади. Кант гояси, агар уни утопия ва ақл кўзи билан қараладиган схема (тасвир-мазмун) лар соҳасидан замонавий халқаро-ҳуқуқий муҳитда ўз асослари ва шарт-шароитларига эга бўлган назарий тузилишлар соҳасига олиб ўтадиган XXI асрнинг муайян воқеликлари унга мос келмаганда эди, у ўтмиш мулки, инсон тафаккурига хос ғалати бир нима бўлиб қолаверарди.

Дарҳақиқат, замонавий дунё, XXI аср воқелиги инсониятнинг жаҳон фуқаролик ҳамжамияти сари йўлдан оғишмай қилаётан ҳаракатини тасдиқловчи мисолларга тўла. Айниқса, бу жараён Европа қитъасида анча илгарилаб кетди, у ерда Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти тузилди ва улар келажакда Европанинг ягона иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва гуманитар ҳудуди асосларини яратишга интилмоқдалар. Европа Иттифоқи доирасида одамлар ҳаётининг кўпгина жабҳаларида миллий ва давлат чегаралари олиб ташланиб, сиёсий

---

[1] *Рыбаков Ю., Скотников Л., Змеевский А.* Примат права в политике // Международная жизнь. 1989. №4. С. 64.

ва иқтисодий соҳаларда интеграциялашув жараёнлари жуда тез суръатлар билан бормоқда.

Дунёда эндиликда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг маълум ташкилий шакллари вужудга келдики, бу ижобий ходиса ҳисобланади. Бу – ҳукуматлараро ва халқаро нодавлат ташкилотларнинг кенг тармоғи, асосан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир, бугунги кунда усиз халқаро сиёсатни тасаввур қилиб бўлмайди. **БМТнинг мақсад ва вазифалари кўп жиҳатдан Кантнинг «давлатларнинг доимий конгресси» мақсад ва вазифаларини эслатади.** Дунёда иқлим ўзгаришлари, исиш замонавий босқичда БМТ имкониятларини янада кенгайтиради. XXI аср императиви шуки, фақат ушбу бутун инсоният ақл ва иродасини ишга солиб, ўз аъзо давлатларига бугунги давр талаблари ва таҳликаларини енгиб ўтишда, халқаро алоқаларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш йўлидан оғишмай олга боришда яқиндан ёрдам беришга қодирдир.

Шунга имонимиз комилки, инсоният Ер юзида ҳақиқий тинчлик яратиш, шу билан бирга, И. Кант орзу қилган, ўзи аччиқ киноя билан айтган қабристондаги «абадий тинчлик» эмас, балки чинакам абадий тинчлик ғояларини амалга ошириш учун реал имкониятларга эга. Инсонлар ўртасида аҳил, дўстона муносабатлардан иборат жонли, порлоқ ва ёрқин оламни бунёд этишга ақл-идрокимиз, кучимиз етармикин? Бу сизу бизга, ҳар биримизга, кичкина ва нозик Ер сайёрамизда яшаётган ҳар бир кишига боғлиқ! Шунинг учун ҳам Маърифатпарварлик даврининг: **«Ўз ақлингдан фойдаланишга ғайрат қил!»** шиори бугунги кунда ниҳоятда долзарб, улуғвор жаранглайди.

Инсоният ўз тарихида XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошида илк бор тўқнаш келган глобал муаммолар қаршисида туриб, уларнинг юридик ечимини ва келажакдаги тинч тараққиёт йўлларини излаймиз. Бутун бир ғоявий хилма-хиллик узра глобал ҳаракатлар зарур эканлиги ҳақидаги фикр кўзга ташланади. «Совуқ уруш» тугагандан ва Берлин девори қулагандан сўнг, халқаро алоқаларнинг турли йўналишларига бағишланган фанлар мажмуи бўйича баҳс-мунозаралар кескин суратда кучайди ва ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, социология, халқаро муносабатлар назарияси ва ҳоказо мавзуларни қамраб олди. Бундай баҳс-мунозараларга халқаро-ҳуқуқий муаммоларнинг фалсафий муҳокамаси зарур замин яратди.

Агар абадий уруш олиб борадиган суверен давлатларнинг сиёсий тинчлик сурати, унда эришиш мумкин бўлган энг яхши нарса, бу – кучлар мувозанати асосида урушдан вақтинча тийилиб туриш ҳолатидир, – **Т. Хоббс** фалсафий концепциясининг асосий мазмунини ташкил этса, унга И. Кантнинг ўз моҳиятига кўра ижобий бўлган, давлатлар ва халқларнинг идрок ҳуқуқига мувофиқ ҳамкорлиги асосида узоқ муддатли ва мустаҳкам тинчликка эришишга қаратилган абадий тинчлик тўғрисидаги фалсафий-ҳуқуқий таълимоти қарши туради.

Ҳайратда қолдирарли томони шуки, И. Кантнинг амалий фалсафаси, унинг фалсафий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий ғоя ва концепциялари қарашлар, вазиятлар, назарияларнинг замонавий тўқнашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди. **Кантнинг ахлоқ ва ҳуқуқ фалсафаси, шунингдек, у ишлаб чиққан икки погонадан иборат глобал ижтимоий шартнома назарияси улкан аҳамият касб этади.**

Тинчлик фалсафаси мантиқининг таъсири катта, бу шундан иборатки, **И.Кант:**

биринчидан, умумий мақсад – абадий тинчликка эришишни қатъий ҳуқуқий талаб сифатида асослаб берган;

иккинчидан, унга эришиш йўлларини кўрсатган. Бунинг учун И. Кант халқлар иттифоқи ғоясини давлатларнинг маънавий конфедерацияси сифатида фалсафий жиҳатдан лойиҳалаштириб, исботлаб берган;

учинчидан, умумжаҳон фуқаролик ҳолатининг ғояси шаклида тарихий-фалсафий ва юридик ечимини кўрсатиб берган. Бинобарин, Кант фикрича, ҳуқуқ тузилмаси ҳам мавжуд бўлиши лозим: давлат ҳуқуқидан халқаро ҳуқуқ ҳамда умумжаҳон фуқаролик ҳуқуқи сари.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ бўйича юристлари ё Кантга суянади, ё унинг абадий тинчлик фалсафий лойиҳасининг танқидий таҳлили доирасида ўз қарашларини ривожлантирадилар. Яхши ё ёмон, лекин ҳеч ким Кантнинг ҳуқуқ фалсафаси, унинг абадий тинчлик тўғрисидаги таълимотига бефарқ қарай олмайди. **Халқаро ҳуқуққа бўлган Кантча ёндашувни ўрганиш ва унинг халқаро муносабатларнинг истиқболи тўғрисидаги замонавий баҳс-мунозаралар учун касб этган бутун аҳамиятини англаш уларнинг ички қонуниятларини тушунишда гоят муҳимдир. Шунинг учун ҳам И. Кантнинг ҳуқуқ ва давлат фалсафасини ўрганмай туриб, унинг келгуси тараққиётини тасаввур қилиш мумкин эмас.**

Тўртинчи қисм

ИММАНУИЛ КАНТНИНГ ҲИКМАТХОНАСИ

Ўз имон-эътиқодидан воз кечиш – пасткашликдир.

Барча айтаётганларимиз чин ҳақиқат бўлмоғи лозим, лекин бу, ҳар қандай ҳақиқатни ошкор қилишга мажбурмиз, дегани эмас.

Куч-ғайрат ҳамда истеъдод муайян даражада интизомга эҳтиёж сезади, бу ҳаммага маълум. Бироқ бошқа барча интилишлардан интизом талаб қиладиган ақл-тафаккурнинг ўзи интизомга муҳтож бўлиб турса, бу, албатта, ғалати туюлиши мумкин; аслида ҳам унинг бу камчилиги шу пайтга қадар билинмай келганига сабаб шуки, жиддий ва тантанавор виқорни кўриб, ҳеч ким унинг тушунчалар ўрнига тасаввур натижаларини, нарсалар ўрнига сўзларни енгилтаклик билан ўйин қилишига шубҳаланмаган.

Болаларни ҳадеб эркалатавериш ярамайди. Оқибатда улар худбин бўлиб қолади, бу эса салбий фикрлаш тарзига олиб келади.

Даҳо – ўрганиб ёки ўргатиб бўлмайдиган нарсани кашф этган истеъдод.

Этика – маслак, эътиқод фалсафасидир.

Эр-хотин оилавий ҳаётда баайни ягона хушахлоқ шахс бўлиб яшамоғи лозим.

Ботинимизда яшайдиган қонуннинг исми виждон. Виждон, аслида, хатти-ҳаракатларимизнинг шу қонунга мос равишда қўлланилишидир.

Ор-номус, шарм-ҳаё йўқолса, инсон ҳаётининг заррача ҳам қадри қолмайди.

Яхшилик мажбуран амалга оширилмагандагина, гўзалдир.

Изтироб – фаолият юраги.

Нимаики бурч йўлида қилинган бўлса, маънавий қадрият дея аталишга лойиқ.

Ўз-ўзига нисбатан мажбурият шундан иборатки, киши ўзида инсонийлик шаънини сақламоғи лозим.

Ҳалол, тўғри одамнинг ўз инсонийлик шаънини сақлаб, виждони олдида хотиржам ва ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқлигини англаши энди уни ўз бурчига эътиборсизлик билан қараганида, қутулиб қолиши мумкин бўлган оғир мусибатдан асраб қола олармикин?

Умуман кўнгилга урмайдиган энг зўр хиссий ҳузур-халоват, бу – ишдан сўнгги ҳордикдир.

Баднафсликдан қутулолсанг, муҳтожликлардан ҳам кутуласан.

Агар одамлар бир-бирларига ўта очиқ, дангал муомала қилганларида, бир-бирларидан кочиб кетган бўлар эдилар.

Фикр-мулоҳазасиз ва ахлоқсиз, фақат роҳат-лаззатдан иборат бўлган инсон ҳаёти бир пулга қиммат.

Одам умрни узайтириш ҳақида қайғурмагандагина, узоқ яшайди.

Эзгулик – мардлик ва жасурлик демакдир, бас, шундай экан, унга ғаним топилади.

Жасоратга ундамоқ – унга ярим эга бўлмоқ демакдир.

Агар ёлғон гапираётган бўлсак, юзимиз қизариб, билдириб қўямиз, лекин бу ҳамиша ҳам ёлғонни исботлай олмайди. Бизни ёлғончиликда айблаётганларнинг сурбетлигига ҳам қизариб кетамиз.

Инсоният зийнати бўлган бутун маданият ва санъат энг яхши ижтимоий тузум – одамовилик самарасидир.

Бурч! Нақадар улуғвор ва олижаноб жаранглар номинг!

Агар илм-фанга ёрдам керак бўлса, мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш ва ҳатто, унга зимдан халақит берадиганларни ҳам излаш лозим...

Иш – ҳаётдан лаззатланишда энг яхши воситадир.

Кимнинг ҳаёти сермазмун бўлса, ўлимдан ҳам унчалик кўрк-майди.

Дунёда ва ундан ташқарида ҳам ёлғиз эзгу ниятдан бўлак мутлақ яхши деб қараш ва ўйлаш мумкин бўлган ҳеч нима йўқ.

Инсоннинг қулайликларга мойиллиги ҳаётдаги ҳар қандай ёмонликдан ёмонроқдир.

Тез-тез ва муттасил фикр-мулоҳаза юритганим сайин, икки нарса қалбимни ҳамиша янгича ва янада кучлироқ ҳайрат ҳамда иззат-эҳтиром туйғуси билан тўлдириб бораверади: бу – тепамдаги юлдузли осмон ва вужудимдаги ахлоқий қонундир.

Фикрларни ёд олиш шартмас, балки мустақил фикрлашни ўрганмоқ лозим.

Инсон хаётда қандайдир роҳат-фароғат топиш учун эмас, балки бурч ҳиссини туйиб яшайди.

Энг юксак ахлоқий бахт-саодатга фақат айрим кишиларнинг маънавий камолотга интилишлари билангина эришиб бўлмайди, балки шу мақсад йўлида барча одамларнинг бир бутун бўлиб бирлашуви, яъни яхши фикр-мулоҳазали кишилар тизими талаб этилади ва мана шу бирлик туфайлигина бахт-саодатга эришиш мумкин бўлади...

Давлат фуқароси ҳукмдорнинг ўз рухсати билан унинг жамият хусусида чиқарган қайси фармойишлари адолатсиз бўлиб кўринаётгани ҳақидаги ўз фикрини дангал, рўй-рост айтиш ҳуқуқига эга бўлмоғи лозим.

Матбуот (сўз) эркинлиги халқ ҳуқуқлари учун ягона палладиум (мукаддас нарса) ҳисобланади.

Ҳеч олиш керакки, маданий халқларга азоб бераётган энг оғир бахтсизликлар урушларнинг, нафақат ҳозир бўлаётган ва бўлиб ўтган, балки ҳали ҳам пасаймаган ва ҳатто, янгитдан бетўхтов тайёргарлик кўрилаётган урушларнинг келтириб чиқараётган оқибатларидир. Бунга давлатнинг куч-маблағлари, барча маданий самаралари сарф бўлади, бунинг ўрнига улардан маданиятнинг ичида кенгроқ ёйилишида фойдаланиш мумкин эди; ҳамма жойда озодлик, эркинликка анча сезиларли зарба берилади ва давлатнинг якка-ёлғиз аъзолари учун кўрсатадиган оналарча ғамхўрлиги ташқи хавфсизлик манфаатлари муносабати билан қаттиқ ва қатъий талабларда акс этади.

Абадий тинчлик (бутун халқаро ҳуқуқнинг пировард мақсади), албатта, амалга ошириб бўлмайдиган ғоя ҳисобланади. Лекин абадий тинчлик ҳолатига доимий равишда яқинлашишга хизмат қиладиган (халқаро) муносабатларга киришиш учун мўлжалланган сиёсий тамойилларни бемалол амалга ошириш мумкин.

Агар мен имон-эътиқодни ахлоққа қиёс этмай, тамойил сифатида қабул қилсам... бундай эътиқод асло динга дахлдор ҳисобланмайди.

Фикрлаш қобилиятининг етишмаслиги, аслида аҳмоқлик деб юритилади ва бундай камчиликка, афсуски, ҳеч қандай даво йўқ.

Фикрлаш қобилияти фаҳм-фаросат ва идрокнинг ажралиб турувчи хусусияти ҳисобланади ва унинг ўрнини ҳеч қандай мактаб тўлдира олмайди. Негаки, мактаб, ҳатто чекланган ақл-идрокка ҳам бошқалардан ўзлаштириб олинган қонун-қоидаларни хоҳлаганча уқтириши мумкин, аммо улардан тўғри фойдалана билиш қобилияти ўқувчининг ўзига хос бўлиши лозим, агар бундай қобилият етишмаса, у ҳолда белгиланган ҳеч қандай қоида ундан нотўғри қўлланмасликка кафолат бера олмайди.

Вужудимизни катта харита деб фараз қиладиган бўлсак, унда камгина жойларнинг ёритилганлиги бизни ҳайрон қолдириши мумкин; башарти, шунда қандайдир олий куч: чироқ ёқилсин! деса, бизнинг ҳеч қандай иштирокимизсиз, кўз олдимизда ярим дунё (мисол учун, ёзувчини олсак, унинг хотирасидаги жамики бор нарса) намоён бўлган бўлар эди.

Шундай йўл тутгинки, инсониятга нисбатан ҳар доим ўз номингдан ва бошқа ҳар ким номидан ҳам, ҳеч қачон восита сари эмас, балки мақсад сари интилгандек муносабатда бўл.

Агар тузилаётганда бўлғуси урушга доир асос махфий тарзда сақланаётган бўлса, биронта ҳам тинчлик шартномаси ҳақиқий деб ҳисобланмаслиги лозим.

Тинчлик шартномаси айни пайтда, эҳтимол, уни тузаётган томонларга маълум бўлмаган ва бунинг оқибатида кейинчалик архив ҳужжатларида айёрлик ва абжирлик билан қидириб топилиши мумкин бўлган бўлгуси урушга доир барча мавжуд сабабларни ҳам йўқ қилиб ташлайди.

Биронта ҳам мустақил давлат (каттами, кичикми – бундан қатъи назар) бошқа бир давлат томонидан на мерос қилиб, на айирбошлаш, на сотиб олиш ва на ҳадя қилиш йўли билан эгаллаб олинмаслиги лозим.

Давлат – бу ўзидан бошқа ҳеч ким буйруқ бериши ва бошқариши мумкин бўлмаган кишилар жамиятидир. Шунинг учун ҳам, дарахт танасининг ўз илдизлари бўлганидек, шунга ўхшаган ҳар қандай уриниш бошқа бир давлатга чўзилган новда мисол, маънавий шахсни йўқ қилиб, дастлабки шартнома ғоясига – бусиз халқни бошқариш ҳуқуқини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди, – зид ҳаракат қилган ҳисобланади.

Доимий армиялар (miles perpetuus) вақти келиб, бутунлай йўқ бўлмоғи лозим.

Чунки улар урушга ҳамиша шай ва бошқа давлатларга ҳам муттасил хавф солади. Бундан ташқари, ҳарбий ҳаракатлар чогида одамларни ёллаб, улардан бир-бирини ўлдиришда фойдаланиб, уларни бошқа биров (давлат)нинг қўлида шунчаки машина ёки қуролга айлантиради, бу эса ҳар биримизга хос бўлган инсон ҳуқуқларига зиддир. Башарти, бу – фуқароларнинг ўзларини ва ватанини ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилиш мақсадида олиб бориладиган кўнгилли ва даврий ҳарбий тайёргарликлар бўлса, бошқа гап.

Давлат қарзлари ташқи сиёсий ишлар учун фойдаланилмаслиги лозим.

Биронта давлат бошқа давлатларнинг сиёсий тузумига ва бошқарув ишларига зўрлик билан аралашмаслиги лозим.

Чунки, унга бундай ҳуқуқни нима бериши мумкин? Албатта, агар бирор давлат ички низолар оқибатида икки қисмга бўлиниб,

уларнинг ҳар бири ўзича мустақил давлат бўлишга даъво қилса, улардан бирига бошқа бир чет давлат томонидан ёрдам кўрсатилса, бунга бировнинг сиёсий тузумига аралашиш, деб қараш мумкин эмас (негаки, акс ҳолда анархия юзага келиши ҳам мумкин эди). Аммо ички низолар ҳал этилмагунга қадар, чет давлатларнинг аралашиши ўзининг ички дарди билан олишаётган мустақил халқ ҳуқуқларининг бузилишини англатади. Бинобарин, бундай аралашиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Биронта давлат бошқа бир давлат билан уруш пайтида келгуси тинчлик даврида ўзаро ишончни йўққа чиқарадиган ғаразли мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилмаслиги лозим, масалан, махфий котиллар, заҳарлаб ўлдирувчиларни юбориш, таслим бўлиш шартларининг бузилиши, душман давлатига хоинлик, хиёнатга тизгинлаш ва ҳоказо.

Булар – шармандали кураш усулларидир. Негаки, уруш пайтида ҳам душманнинг фикрлаш тарзига қандайдир даражада ишонч бўлиши лозим, акс ҳолда ҳеч қандай сулҳ тузиб бўлмас эди ва оқибатда ғаразли ҳаракатлар қиргинбарот урушга айланиб кетиши ҳам мумкин бўларди. Уруш табиий ҳолатда... ўз ҳуқуқларини куч билан қарор топдиришнинг аянчли, мажбурий йўлидир. <...> Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, иккала томонни ва улар билан бирга ҳар қандай ҳуқуқни ҳам йўқ қилиши мумкин бўлган қирғинбарот уруш фақат инсониятнинг улкан қабристонидаги абадий тинчликка олиб келган бўлар эди. Бас, шундай экан, бундай уруш, демакки, уни келтириб чиқарадиган воситаларнинг қўлланилиши ҳам қатъиян ман этилиши лозим.

Ҳар бир давлатнинг фуқаролик тузуми республика бўлмоғи лозим.

Биринчидан, жамият аъзолари (одамлар)нинг эркинлиги, иккинчидан, барча (фуқаролар)нинг қарамлиги ва учинчидан, барча (давлат фуқаролари)нинг тенглик қонунига асосланган тузум – халқнинг ҳар қандай ҳуқуқий қонунчилигига асосланиши лозим бўлган дастлабки аҳднома ғоясидан келиб чиқадиган ягона республика тузуми ҳисобланади.

Агар... фуқаролардан: урушга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериш сўралса, улар, табиийки, бундай ярамас «ўйин»ни бошлашдан олдин, яхшилаб ўйлаб кўрган бўлар эдилар. Негаки, урушнинг барча қийинчиликларини ўз зиммаларига олишларига тўғри келади: жанг

қилиш, уруш харажатларини ўз ҳисобидан тўлаш, уруш етказган вайронагарчиликларни пешона тери билан қайта тиклаш-тузатиш, шунча кулфатлар ҳам етмагандек, тинчликка оғу солувчи яна бир оғир юк – бўлиши мумкин бўлган янги урушлар оқибатида юзага келадиган ва ҳеч қачон узилмайдиган қарзларни елкага илиб олиш ва ҳоказо.

Республикани демократик тузум билан чалкаштириб юбормаслик учун қуйидагиларни қайд этиш лозим:

Давлат тузумлари олий давлат ҳокимиятига эга шахс ёки халқ бошқарув усулига кўра, бошлиқ (ким бўлишидан қатъи назар) тафовути (ҳар хиллиги)га қараб бўлинади (фарқланади). Биринчи тузум аслида ҳукмронлик шакли бўлиб, унинг уч тури мавжуд (автократия, аристократия, демократия, яъни монарх, дворянлар ва халқ ҳокимияти). Иккинчиси – бошқарув тузуми бўлиб, давлат ўз ҳокимиятини қай тариқа тасарруф этишига боғлиқ; бу усул конституцияга асосланган... ва шу жиҳатдан бошқарув шакли ё республика, ё деспотия (мустабид давлат) бўлиши мумкин.

Республикачилик ижро ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимиятдан ажратилишида давлат тамойили ҳисобланади; деспотизм – давлат ўз қонунларининг мустабид (зўравонлик билан) ижро этилиши тамойилидир... Учала давлат шаклларидан демократия асл маънода деспотизмдир, чунки у шундай ижро ҳокимиятини ўрнатадики, ҳамма бир киши учун ёки ҳар ҳолда, бир кишига қарши овоз бериши мумкин.

Халқаро ҳуқуқ озод, эркин давлатларнинг федерализмига асосланган бўлмоғи лозим.

Шунинг учун у шундай иттифоқ бўлмоги лозимки, токи уни тинчлик иттифоқи деб аташ мумкин бўлсин. Ва у тинчлик шартномасидан шуниси билан ажралиб турсинки, агар тинчлик шартномаси фақат биргина урушга чек қўйишга интилса, у барча урушларга абадий чек қўйишга интилади. Мазкур иттифоқ мақсади давлат ҳокимиятига эга бўлиш эмас, балки ҳар бир давлатнинг ўзи учун ва бир вақтнинг ўзида бошқа иттифоқдош давлатлар учун ҳам озодликни таъминлаш ва сақлашдан иборатдир, бу эса уларнинг умумий қонунлар ва уларнинг мажбуриятига бўйсуниш заруриятини келтириб чиқармайди. Аста-секин барча давлатларни қамраб олиши ва шу тариқа абадий

тинчликка олиб келиши лозим бўлган федерациянинг мазкур ишларини амалга ошириш мумкинлиги (объектив реаллиги)ни шундай асослаш мумкин.

Агар бурч ва унга асосланган умид оммавий ҳуқуқ ҳолатини ҳеч бўлмаганда чексиз давом этадиган яқинлаштириш орқали амалга оширишдан иборат бўлса, (вақтинчалик сулҳнигина таъмин этадиган) тинчлик шартномалари тантанали равишда эълон қилган абадий тинчлик шунчаки қуруқ ғоя эмас, балки ўз олдига секин-аста (чунки бир хилдаги муваффақиятлар учун зарур бўлган вақт тобора қисқариб бормоқда) ва мунтазам амалга ошиш сари яқинлашиб бораётган вазифани мақсад қилиб қўйган.

Республика инсон ҳуқуқларига тўла мос келадиган ягона тузумдир, бироқ уни барпо этиш, айниқса, кўпчиликнинг фикрига кўра, уни «фаришталар давлати» даражасига кўтариш анча қийин, чунки одамлар ўзларининг худбинона майллари билан бундай улуғ, олижаноб тузумни тузишга қодир эмас. Аммо бу ерда умумий, ақл-идрокка асосланган, ҳурматга сазовор, бироқ амалиётда кучсиз, заиф иродага табиат ўзи худди ўшандек худбинона майллар билан ёрдамга келади, чунки бу майлларни уларнинг ҳар бири ё бошқасининг емирувчи ҳаракатини тўхтатиш ё йўқ қилишига йўналтириш фақат давлатни яхши ташкил этишга боғлиқ... Идрок нуқтаи назаридан олганда, натижа шундай бўладики, мабодо бу майллар умуман бўлмаганда ва инсон агар маънавий яхши одам бўлмаган тақдирда ҳам, ҳар ҳолда яхши фуқаро бўлишга мажбур бўлган бўлар эди.

Фалсафа соҳасини қуйидаги соҳалар билан чегаралаш мумкин:

1. Мен нимани била оламан? 2. Мен нима қилмоғим керак? 3. Мен нимага ишонишим мумкин? 4. Инсон нима?

Биринчи саволга метафизика фани, иккинчисига ахлоқ, учинчисига дин ва тўртинчисига антропология жавоб беради. Юқоридаги уч савол охиргисига келиб тақалади.

Рад этилишдан чўчимаслик керак. Бошқа нарсадан – сени тушунмасликларидан эҳтиёт бўл.

Ҳар бир фан фақат риёзиёт билан иноқлашгандагина мукаммалликка эришади.

Жилла қурса, илоҳиёт факультетининг: «Фалсафа факультети – илоҳиёт факультетининг оқсочи», – деган мағрурона даъвосига

қўшилса бўлади. (Бу ўринда: «Оқсоч бекасининг олдида машъала тутиб йўл бошлайдими ёхуд унинг ортидан этакларини кўтариб юрадими?» – деган савол очиқ қолади). Ишқилиб фалсафа факультетини ёпиб, огзини юмиб қўйишмаса бўлгани.

Ташқи хотиржамлик фақат зоҳиран мавжуддир. Инсон табиатидаги пинҳоний шубҳалар уруғини таг-томири билан бартараф этмоқ жоиз. Бироқ бунинг учун биз, аввало, бу куртакка эркинлик ва, ҳатто озуқа беришимиз керак. Шундагина у ниш уриб, кўзга кўринади ва уни илдизи билан йўқотиш мумкин бўлади.

Эътиқодга жой бериш учун билимларимни сиқиштиришимга тўғри келади.

Маърифат – ўз ақлингдан фойдалана олиш журъатидир.

Инсон – дунёдаги энг буюк хилқат, чунки у ўзи учун – ўзи сўнгги мақсад.

Инсонга нисбатан восита эмас, балки мақсад сифатида муносабатда бўл.

Ихтиро ва кашф этиш истеъдоди, бу – заковатнинг олий даражаси. Даҳолар шундайдирлар.

Хоҳлаган нарсангиз ҳақида истаганча баҳслашишингиз мумкин, бироқ бўйсунмасдан иложингиз йўқ.

Sapere aude! Ўз ақлингдан фойдаланишга журъат эт!

Агар ўз табиатингни идора қилолмасанг, у сенга ҳукм ўтказади.

Инсон ҳуқуқи муқаддас деб ҳисобланмоги лозим.

«Мен тафаккурим ўтмиши учун эмас, балки унинг келажаги учун қўлимга қалам оламан».

Поль Валери

ИММАНУИЛ КАНТ ФАЛСАФИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

(хотима ўрнида)

1. Иммануил Кант биз билан!

Sapare aude! Ўз ақлингдан фойдаланишга журъат эт!

И. Кантнинг эркинлик ва ҳуқуқ, сиёсат ва давлат тўғрисидаги фалсафий ғоялари охири кўринмайдиган турли хил талқинлар марказида бўлган мумтоз назариялар сирасига киради. Ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги Кант фалсафий таълимотининг тарихни ҳам ўз ичига олган ҳамда замонавийлик билан боғлиқ ҳолдаги муҳокамаси шуни кўрсатадики, И. Кант юридик дунёқарашининг муайян тарихий жиҳатлари вақт ўтиши билан сезиларли даражада кейинга сурилган бўлса, унинг сиёсий-ҳуқуқий ғоя ва концепциялари замонавий назарий-ҳуқуқий баҳс-мунозаралар ва мулоҳазаларнинг асосий объекти сифатида янада яққолроқ кўзга ташланади.

Агар **юридик кантшунослик** учун унинг аниқ-маълум тарихий ва фалсафий-ҳуқуқий қарашлари ажралмас бирликни ташкил этса, кейинги шарҳловчи ва тадқикотчилар учун бу бирлик бўлиниб кетади. Кант ҳуқуқ концепцияларига билдирилган ва билдириладиган фикр-мулоҳазаларни олдиндан айтиб бўлмасди, уларни, албатта, Кант ҳам билолмас эди. **Юридик кантшунослик** замонавий давлат ҳуқуқий вазиятини тушунтириб ва асослаб бериш учун унинг ғоя ва қоидаларидан фойдаланишда муқаррар равишда И. Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий меросига (ҳам тарихнинг реал воқеалари билан, ҳам юридик фан тараққиётининг ўзига хос бўлган ички қонуниятлари билан) фақат қўшимча ва бавосита тааллуқли бўлган янгича маъно ва оҳанг касб этади.

Шуни таъкидлаш керакки, Кант ҳуқуқ ва давлат фалсафасининг ўз доирасида, масалан, XXI аср бошидаги сиёсий-мафкуравий, маънавий-ҳуқуқий ва халқаро воқеликни нафақат тушунишмаган,

балки у тушунарсиз ҳам бўлган. Шу сабабли ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги Кант фалсафий таълимотини бугунги кунда у ёки бу тарздаги талқин ва тушунтиришлар натижасида И. Кант сири эмас, балки унинг ўзи учун сирли бўлган нарсалар ошкор бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, И. Кант қаламига мансуб мумтоз асарларнинг ҳар қандай янги мутолааси унинг фалсафий-ҳуқуқий меросига нисбатан янгича қарашларни келтириб чиқаради ва юридик кантшуносликни янги билимлар билан тўлдиради. Шу маънода яна шуни айтиш мумкинки, **И. Кант сиёсий-ҳуқуқий таълимотини билиш жараёни, бу улуғ файласуф ғояларининг механик давоми ёки шунчаки изоҳи эмас, балки юридик кантшуносликни янги билимлар билан кучайтириш, ўстириш, уни XXI аср бошидаги сиёсий-ҳуқуқий ва дунёвий воқеалар билан боғлиқ ҳолда концептуал янгилаш, ўзгартиш ҳамда ривожлантириш демакдир.**

Классик сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг, шу жумладан, И. Кант ҳуқуқ фалсафасининг ҳам ҳаёт тарзи худди шундай, уларнинг тақдирига – умуминсоний юридик фани ҳамда ҳуқуқий тамаддуннинг таркибий қисми бўлиш ва шунинг учун ҳам янгидан-янги баҳо беришлар, талқин, тушунтиришлар ва шарҳларга «дучор бўлиш» қисмати битилган. Жаҳон фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий тафаккур солномасидан жой олиш, яъни башариятнинг буюк мутафаккирлари жамоасидан муносиб ўрин эгаллаш жуда мушкул иш, чунки бунинг учун ҳеч бўлмаганда ақлий меҳнат даҳолари сафида «ўз ўрнингни» яратишинг керак бўлади. Лекин тафаккур тарихидан чиқиб кетишнинг сира иложи йўқ.

И. Кантнинг умумжаҳон фалсафий-ҳуқуқий тафаккур тарихида ўз муносиб ва салмоқли ўрни бор. Шу маънода унинг фалсафий-ҳуқуқий гоялари ва концепциялари вақт билан чекланмаган, абадий ва Афлотун ҳам орзу қилган ғояларнинг «абадий» оламига дахлдордир. И. Кант фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий меросининг бундай эътироф этилиши нафақат интеллектуал дунёнинг улуг фидойисига қаттиқ, огир ақлий меҳнати учун кўрсатилган муносиб ҳурмат, балки маънавий маданиятнинг объектив талаби ҳамдир. Ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги И. Кант фалсафий таълимотининг ғоявий-назарий ва билишга оид методологик салоҳияти, шак-шубҳасиз, ҳақиқатан ҳам атроф оламнинг билиш ва билим орттириш учун хизмат қиладиган уфқларини янада кенгайтириб, янгилади ва чуқурлаштирди. **И. Кантнинг ҳуқуқ фалсафаси ва унда баён қилинган янгича**

фикр-мулоҳазалар, илмий фаразлар, хулосалар ва концептуал ғоялар умумбашарий фалсафа ва ҳуқуқ илмининг таркибий ва ажралмас қисмига айланди.

Ҳозирги пайтда И. Кант фалсафий-ҳуқуқий меросига мурожаат этиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан сиёсий-ҳуқуқий маданиятдан хабардор бўлиш ва унинг ҳозирги кун учун муҳим бўлган тарафларига аҳамият беришда объектив зарурий восита бўлиб қолмоқда. Шу маънода биз И. Кантнинг инқилобий рухий-маънавий замонига, Маърифатпарварлик даврига қанчалик шартли равишда кўчадиган бўлсак, у ҳам шунчалик шартли суратда бизнинг замондошимизга айланади. Шу муносабат билан немис классик фалсафасининг бошқа бир вакили **Г.В. Хегелнинг ҳар бир киши – «ўз даврининг фарзанди» ва «фалсафа ҳам фикрда идрок этилган давр»[1] эканлиги тўғрисидаги сўзларини келтириб ўтиш ўринлидир.** Гарчи фалсафий англаш, Хегел фикрига кўра, ҳозирги замон билан чекланса-да, барибир фалсафий ғояларнинг умри узоқ бўлади. Бинобарин, И. Кантнинг ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги фалсафий таълимоти – баҳо беришлар, талқин, тушунтиришлар ва шарҳлар, шунингдек, ҳозирги замон билан боғлиқ бошқа хилма-хил алоқалар аро яшашда давом этади.

2. Иммануил Кант билан олға!

И. Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий ғоялари ва концепциялари ҳозирги кунда, XXI аср бошида ҳам умумий ва доимий аҳамиятга эгадир.

Биринчидан, И. Кант – немис классик фалсафасининг отаси ҳамда ҳуқуқ ва давлат, шунингдек, халқаро ҳуқуқ замонавий назариясидаги энг йирик йўналишлардан бирининг асосчисидир.

И. Кант «танқидий» фалсафани яратди ва ўзининг ахлоқ назариясини ишлаб чиқди. Кант назариясининг дастлабки шарти инсоннинг ирода эркинлиги тушунчаси бўлди. Кишилар озодлиги унинг бутун фалсафасининг «асаб» (асос)ини ташкил этади[2]. У ақл-идрокли шахс ўз-ўзидан ахлоқий қоида – муқаррар лозим бўлган хулқ талаби сифатидаги қатъий императивни белгилайди, деб ҳисоблаган.

---

[1] *Гегель Г.В.* Философия права. – М., 1990. С. 55.

[2] Funke G. Von der Aktualitdt Kants. Bonn, 1979. S. 17.

Иккинчидан, И. Кантнинг ҳуқуқий қарашлари Маърифатпарварлик даври (айниқса, **Ж. Ж. Руссо ва Ш.Л. Монтескье** назариялари) ва Буюк француз инқилоби дастлабки йилларининг конституциявий ҳужжатлари таъсири остида шаклланган.

И. Кант барча кишиларнинг туғма тенг ва табиий завқ-шавқ ҳамда ирода эркинлигига асосланган ўз даврининг табиий ҳуқуқ назариясининг атоқли намояндаси эди.

Ҳуқуққа рационалистик ёндашув илк бор И. Кант асарларида энг юксак даражада ривожлантирилди ва ниҳоясига етказилди ҳамда кейинги эволюцияси Г. Хегел асарларида акс эттирилди.

Учинчидан, И. Кант ҳуқуқни тушуниш муаммоси ва унинг таърифи қанчалик муҳим эканини чуқур англаган. Шунинг учун И. Кантнинг улкан фалсафий меросида ҳуқуқ муҳим ва муносиб ўрин эгаллайди. Бунда фалсафий қарашларнинг умумий тизимига қўшилиб кетган И. Кантнинг ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги таълимоти пировардида кишилар ҳаётининг тартибга солинган, оқилона ҳуқуқий ташкил этилишига мўлжалланган.

И. Кантнинг ҳуқуқ тўғрисидаги фалсафий таълимоти кишиларнинг ирода эркинлиги, ҳуқуқий тенглиги ва озодлиги ғояларига, инсонни восита эмас, балки мақсад деб билишни буюрадиган ахлоқий қонун (қатъий императив)га асосланган.

Инсон ва эркинлик, этика ва ҳуқуқ – И. Кантнинг бутун фалсафий-ҳуқуқий таълимотининг аввали-ю охири мана шу.

Тўртинчидан, ҳуқуққа ва инсонга бўлган қадрият жиҳатидан ёндашув И. Кант фалсафаси билан боғлиқ. **Ҳеч ким Кантчалик аниқ-равшан мантиқий занжир туза олмаган:** инсон туб моҳиятини ташкил этадиган маънавий эркинлик уни амалга оширишда барча учун тенг бўлган ва умумий озодликни таъминловчи ҳуқуқ томонидан яратиладиган ташқи саъй-ҳаракатларни талаб этади; ҳуқуқ заруриятидан кишилар эркинлиги ва тенглигини сақлаш ҳамда муҳофаза этишдан бўлак мақсадга эга бўлмаган давлат мавжудлиги келиб чиқади. Мазкур мантиқий назариялардан шундай хулоса келиб чиқадики, бас, одамларни бошқариш керак экан, бу ишни ҳамиша мажбурият ва зўравонликка мойил бўлган давлат эмас, балки ҳамма учун баравар бўлган ва давлатнинг ўзи ҳам бўйсуниши лозим бўлган ҳуқуқ қилгани афзал. Шунинг учун И. Кантни ғоят ҳақли равишда «эркинлик файласуфи» деб аташади, унинг асарларига

ҳуқуққа бўлган аксиологик (қадрият жиҳатидан) ёндашув хосдир. И. Кантнинг фалсафий таълимотига мувофиқ, ҳар бир киши ахлоқий қонун ва эркин ирода эгаси сифатида коинот янглиғ чексиз ва бепоёндир.

Бешинчидан, И. Кант томонидан ҳуқуқий давлат ғояси теран асослаб берилган. XVIII асрдаги немис князликлари учун патерналистик давлат типик бўлган. **Гарчи И. Кант «Rechtsstaat» атамасидан фойдаланмаган бўлса-да, ҳуқуқий давлат идеалларини тараннум этган.**

Олтинчидан, И. Кант инсоният келажагини ҳуқуқий республика давлатлари жаҳон конфедерациясини тузиш билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилган. Шу нуқтаи назардан Кант ҳуқуқ ва давлат фалсафаси XIX аср сиёсий-ҳуқуқий тараққиётининг асосий тенденцияси – монархия институтини сақлаган ҳолда бошқарувнинг парламент шаклларига ўтишни олдиндан кўра билган. Бироқ И. Кантнинг ўзи ҳуқуқий давлат тузишга энг яқин келажак ҳодисаси деб қараш фикридан йироқ бўлган. **«Одамлар ўртасидаги мутлақ ҳуқуқий тузум, бу – ҳар кимнинг ўз ишидир»**, деган эди у.

Еттинчидан, ўзининг халқаро ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотида И. Кант абадий тинчлик ўрнатиш лойиҳасини илгари сурган. У босқинчилик урушларидан холи бўлган тинчлик ҳақида, халқлар тенглиги ва давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган халқаро-ҳуқуқий тартибот ўрнатиш ҳақида орзу қилган. И. Кантнинг одамларни «умумжаҳон фуқаролик ҳуқуқлари»ни тан олишга даъват этган чақириқлари ўз давридан анча илгарилаб кетган эди.

Абадий тинчлик ғояси – Кант фалсафасининг тугалловчи бўғинидир. Абадий тинчлик – бутун дунё тинчлигининг пировард мақсади ҳисобланади.

Абадий тинчлик нақадар хаёлий бўлиб туюлмасин, унга интилиш – ҳамма замонларда барча давлатлар ташқи сиёсатининг императиви бўлган. Бу эса абадий тинчликка, ҳуқуқий давлатларнинг жаҳон фуқаролик ҳамжамиятига бўлган ишонч императивидир. И. Кант шундай деб ёзган эди: **«Одамзод учун энг долзарб муаммо, буни ҳал этишга уни табиат мажбур қилади, – умумий ҳуқуқий фуқаролик жамиятига эришишдир[1].**

---

[1] *Кант И.* Сочинения. Т. 1. Трактаты и речи. – М., 1994. С. 95.

Саккизинчидан, XIX асрнинг 60-йилларида Европада янги кантчилик (неокантчилик) вужудга келди ва тарқалди. Янги кантчиликка хос ҳуқуқ ва давлатга оид қарашларнинг таниқли вакиллари Г. Радбрух, Р. Штаммлер (Германия), П.И. Новгородцев, М.М. Сперанский ва Б.А. Кистяковский (Россия), Дель Виккио (Италия) эдилар.

Умуман, XIX асрнинг иккинчи ярмида, айниқса, асрнинг охирги уч ўн йиллигида Германия маънавий ҳаётида немис фалсафаси классиклари ғоялари орасида янги кантчиликнинг турли хил йўналишлари шаклидаги Кант ҳуқуқ фалсафасига доир қарашлар устунлик қилади. **«Кантга қайтинг!» шиори XIX аср учун хос бўлган.**

Тўққизинчидан, замонавий либерал фалсафий-ҳуқуқий назария маълум даражада Кантча характерга эга. Ҳам глобалчиларнинг фалсафий-ҳуқуқий назарияларининг база асослари, ҳам **О. Хёффе** ва **В. Керстинг** фалсафаси мазмуни ва моҳиятига кўра И. Кант ҳуқуқ фалсафасини кўзда тутади.

Замонавий либерализм учун асосий қонуний концепция ҳисобланган ижтимоий шартнома назариясининг Кантча талқинини пухта билиш ғоят муҳимдир. Либераллар ижтимоий шартноманинг глобал даражада давом эттирилишини қабул қилган. Адолатли дунё сиёсий тузуми ҳуқуқий характерининг тан олиниши либерализмдан марказий ўрин олган умумий Кантча унсур ҳисобланади. Шу асосда **Ж. Роулс** амалда «Абадий тинчлик»нинг охирги мақолаларидаги постулат (исботсиз асос қилиб олинадиган қоида)ларга ўхшаш бўлган халқаро адолат назариясига келади. Ж. Роулс ва глобалчилар И. Кантнинг халқаро алоқалар норматив-ҳуқуқий фалсафасининг шакли ҳуқуқ, мақсади – тинчлик ҳисобланган халқаро хавфсизлик тартиботини асослаш ва ифодалашга қаратилган бўлиши лозимлиги тўғрисидаги асосий ғояси билан ҳамфикрдирлар. Кантча либерализмнинг замонавий халқаро муносабатлар фалсафасидаги муҳим аҳамиятини комил ишонч билан қайд этиш мумкин.

Ўнинчидан, Кантча либерализм И. Кантнинг кўпгина хулосаларига қўшилмайди. Жумладан, **О. Хёффе** ва **В. Керстинг** ижтимоий шартноманинг асосий ғоялари, ҳуқуқ ролининг биринчи даражали аҳамияти ҳамда инсон ва умумжаҳон фуқаролик табиий ҳуқуқлари ғояларига қўшилган ҳолда И. Кантнинг суверенитетдан воз кечишни қатъиян қабул қилмаслигига эътироз билдирадилар

ва ҳуқуқ томонидан кафолатланмаган ахлоқий лозимлилик, мукаррарликка асосланган конфедерациянинг етарли эмаслиги тўғрисидаги хулосага келадилар. Субсидия (пул (маблағ) билан ёрдам бериш)га асосланган тамойил ҳокимият ваколатларининг бир қисмини ўта миллийлик даражасига топшириш ва Н. Керстингнинг «ўта миллий демократик легитим (подшопараст) ташкил институтлар» ҳамда О. Хёффенинг «субсидиар ва федерал дунё республикаси» назарияларининг асослаб берилиши учун йўл очади.

Умуман, ҳам глобалчилар, ҳам ўта миллий давлатчилик ғоятларининг изчил тарафдорлари Кантча универсализм ва деонтологизмга қўшилиб, ҳуқуқ фалсафасининг кўпгина энг муҳим унсурларини ўрганиб олдилар. Либерал файласуфлар И. Кант ҳуқуқ амалий фалсафасининг фундаментал (асосий) тушунчалари ва интуицияларини ўрганиб олгач, унинг назарий фалсафий-ҳуқуқий меросини қайта ишлайдилар ва Кант билан унинг ҳуқуқ фалсафаси чегарасидан четга чиқадилар[1].

Ўн биринчидан, фалсафий-ҳуқуқий концепцияларнинг икки нуфузли – коммунитарист ва утилитарист гуруҳлари И. Кант ҳуқуқ фалсафасининг асосий рақиблари ҳисобланади.

Коммунитаризм учун И. Кант, энг аввало, метаэтик рақиб саналади, лекин унинг деонтологик этикаси танқидга учрайди. Коммунитаристлар ўз қарашларини И.Кантнинг замонавий Кантча либерализм танқиди шаклида ривожлантирадилар. Коммунитаристик нуқтаи назар характери кўп жиҳатдан унинг И. Кант гоя ва қарашларининг танқидий таҳлили доирасидаги тараққиёти билан белгиланади. И. Кант ва унинг изидан бораётган замонавий либерализм ахлоқ-одоблиликнинг универсал характери тўғрисидаги фикрларида қаттиқ туриб олсалар, коммунитаристлар ўз ҳамжамиятининг ахлоқий-этик эътиқодлари чегарасидан четга чиқиш мумкин эмаслигини қатъий туриб таъкидлайдилар. И. Кант ва либераллар ижтимоий шартнома назариясидан кишилик жамиятининг меъёрий ахлоқ-одоблилигини рационал асослаш қуроли сифатида фойдалансалар, коммунитаризм мавжуд маълумотлар, яъни тегишли жамиятнинг ахлоқий негизини

---

[1] **Қаранг:** *Винокуров Е.Ю.* Политическая философия Канта в современных зарубежных философских дискуссиях о глобальном политическом устройстве. Автореф. дис. канд. филос. наук. – М., 2001. С. 16–18.

ташкил этадиган «баҳам кўриладиган қадриятлар» ва «баҳам кўриладиган тушуниш»ни герменевтик англаш заруриятини исботлайди.

Утилиаризм И. Кантнинг ахлоқий-эпистемологик соҳадаги қатъий рақиби саналса-да, лекин унинг универсал-метаэтик асосига қўшилади. Утилитаризм аксиологизми – ҳаракатлар оқибатларидан келиб чиқиб, уларнинг тўғрилиги ва ахлоқ-одоблилигига берилган таъриф – Кант деонтологизмига қарама-қаршидир.

Замонавий утилитаризм ва коммунитаризм учун ўз қарашларини И. Кант ҳуқуқ фалсафаси ва замонавий Кантча либерализмнинг танқидий таҳлили доирасида ривожлантириш умумийлик касб этади.

Ўн иккинчидан, либерал ва коммунитарист ҳуқуқ фалсафасининг замонавий баҳс-мунозараларини И. Кантнинг телеологик методи нуқтаи назаридан қараб чиқиш мумкин. Либерал фалсафий-ҳуқуқий йўл тезисга, коммунитаризм эса антитезисга эга бўлиб, иккови ҳам телеологик метод доирасида ўзаро синтезга олиб боради. Бу дегани, ҳам либерализм, ҳам коммунитаризм Кант ҳуқуқ фалсафасида ўзаро синтезлашадиган айрим ҳоллардан иборатдир.

Замонавий сиёсий-ҳуқуқий назариянинг иккала етакчи концепциялари узвий тарзда Кант ҳуқуқ фалсафасидан келиб чиққан. Телеологик метод тамойилларига асосланган бирлик ва умумийликнинг ўзаро таърифини тушуниш, англаш фалсафий назарияларнинг муносиб тарзда кенгайиши ва бирлашуви томон йўл кўрсатади. Телеологик метод асосий либерал-коммунитаристик зиддиятларга янгича назар билан қараш, уларни ўзгартиш ва ўзаро муросага келтиришга имкон беради ҳамда ҳуқуқ фалсафаси учун янги истиқболлар очади.

«Маърифат – бу ўз ақлидан фойдаланиш йўлидаги жасоратдир».

Иммануил Кант

1.2. Иммануил Кант – буюк педагог ва маърифатпарвар

Немис классик фалсафасининг асосчиси Иммануил Кант 1724 й. 22 апрелда Кёнигсберг (ҳозирги Калининград) шаҳрида туғилган, – 1804 й. 12 февралда ўша ерда вафот этган. У Кёнигсберг университетини тамомлаганидан сўнг, 9 йил (1746–1755) шахсий муаллим бўлиб ишлаган, кейин 40 йил мобайнида (1755–1797, 1770 йилдан профессор сифатида) университетда дарс берган. И. Кант Берлин ва Сиена (Италия) Фанлар академиясининг аъзоси, шунингдек, (1794 йилдан) Петербург Фанлар академиясининг фахрий аъзоси бўлган.

И. Кантнинг бой фалсафий ижоди **«танқидгача бўлган»** (1770 йилгача) ва **«танқидий»** даврларга бўлинади. **Биринчи давр** табиатшунослик фалсафаси масалаларига бўлган қизиқиш билан характерланади, бу масалаларга у деизм таълимотига хос қарашлар билан ёндашган. У ўзининг **«Умумий табиат тарихи ва осмон назарияси»** (1755) номли асарида Қуёш тизимининг табиий келиб чиқиши тўғрисидаги космогоник гипотезани илгари суриб, материя ва ҳаракатнинг чамбарчас боғлиқлик ғоясига яқиндан ёндашган.

И. Кантнинг **иккинчи «танқидий» даврда** яратган асосий асарлари **«Соф идрок танқиди»** (1781; 1782), **«Амалий идрок танқиди»** (1788), **«Ақл-идрок танқиди»** (1790), **«Дин-имон соф ақл-идрок сарҳадлари ичра»** (1793) асарларидир. Умумий ва зарурий ҳақиқатлар табиатини тушунтириб беришга доир илгариги методологиянинг яроқсизлигини қайд этар экан, И. Кант **билим тажриба маетрияси билан шахс тафаккурининг априор шакллари ҳосиласидан иборат**, деган хулосага келган[1].

И. Кантнинг ахлоқ (этика) таълимоти ҳам ниҳоятда ўзига хосдир. У инсон иродасининг ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқи ва ахлоқий онг субъектига асосланган мутлақ меъёрларнинг мавжуд эканини тасдиқлайди. И. Кантнинг **ахлоқ тўғрисидаги**

---

[1] О жизни и творчестве И. Канта, подробнее см.: Саидов А.Х. Философско-правовое наследие Иммануила Канта и современная юриспруденция. 3-е изд. Ташкент, 2012. И. Кантнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида, Қаранг: Саидов А.Х. Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция. – Т., 2012.

асосий қонуни («қатъий императив»)га биноан, инсон умумий қонунчилик асоси бўла оладиган тамойилларга амал қилиши ва ҳеч қачон бошқа бир инсонга ўз мақсадларига эришиш воситаси сифатида муносабатда бўлмаслиги лозим. Зотан, **И. Кант умумий ҳуқуқий тенглик талабини ахлоқий онг ўрнига кўчириб, шахс ҳақидаги масалани олий қадрият сифатида ўртага ташлаган.**

Шуни қайд этиш жоизки, **И. Кантнинг амалий педагогика бўйича университетда ўқиган маърузалар курси** (уни 1776 ва 1787 йиллар оралиғида камида тўрт марта ўқиган) **тўлиқ ва мустаҳкам ҳақиқий ҳамда амалий асосга эга бўлган.** Тингловчиларнинг ёзув-қайдлари асосида қайта тикланган мазкур маърузалар унинг шогирди **Ф.Т. Ринк томонидан** И. Кантнинг ҳаётлик давридаёқ, 1803 йилда «**I. Kant über Pädagogik. Königsberg» – «И. Кант педагогика тўғрисида»** номи остида нашр этилган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, **биринчидан**, И. Кант нашр қилиш учун тайёрланган матнни шахсан ўзи маъқуллаган; **иккинчидан**, унинг педагогикага оид асосий ғоялари қатор асарларида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, унинг фалсафий қарашларига тўлиқ мос келади.

И. Кант ўз маърузаларида **И. Б. Базедов ва И. Г. Кампе** қаламига мансуб **«Педагогик суҳбатлар»** («Pädagogische Unterhaltungen») номли даврий нашрдан, шунингдек, **Ф.С. Блокнинг «Насроний мураббийлар ва бўлажак ёш ўқитувчилар учун тарбия санъати дарслиги»** («Lehrbuch der Erziehungskunst zum Gebrauch für christliche Erzieher und künftige Jugendlehrer». Königsberg, 1780) китобидан фойдаланган. Бироқ И. Кант компендиумлар[1] матнини асос қилиб олмаган, балки уларга муҳим ўзгартишлар киритиб, тингловчиларга тарбиянинг вазифа ҳамда методлари тўғрисида ўз қарашларини баён қилган.

И. Кант **таълим деганда** билим ва кўникмаларни шакллантиришни назарда тутган ва уни жисмоний кучлар ҳамда ақлий қобилиятлар ривожи ва тартиб-интизом шакллашишини ўз ичига оладиган табиий тарбияга тааллуқли деб ҳисоблаган. **Маориф** эса одоб-ахлоқни шакллантиришга оид бўлиб, мактаб таълими ёки ўқитиш (маҳорат ҳосил қилиш) ва прагматик тарбия(ақл-фаросатлиликка эришиш)дан фарқли ўлароқ, амалий тарбияга тааллуқлидир.

И. Кант таълим, тарбия ва мактаб масалаларига доир мулоҳазаларини, шунингдек, **«1765–1766 қишки яримйилликка**

---

[1] Компендиум – бирор илмий тадқиқотнинг кисқача баёни.

мўлжалланган маърузалар жадвали ҳақида билдириш»да ҳамда **«Маърифат надир? деган саволга жавоб»** номли мақоласида баён қилган. **«Антропология прагматик йўсинда»** (1798) номли асарида И. Кант ўз-ўзини тарбиялаш ва ижтимоий педагогика муаммоларини таҳлил қилган. У ўзининг қатор тадқиқотларида одоб-ахлоқ тарбияси масалаларини кўтариб чиққан.

И. Кант инсонни тарбиялаш мумкин, деган ғояни асос қилиб олган. Маърифат (Aufklärung) инсонни табиий ҳолатдан чиқариб, уни хушахлоқ мавжудотга айлантиради, ўз ақлидан фойдаланишга ўргатиб, озодликка эриштиради. **Таълим ва тарбия (Bildung und Erziehung)** – мана шу мақсадларни амалга оширишнинг асосий воситаларидир. Улар инсонни билим билан қуроллантириб, ҳаётга ва амалий фаолиятга тайёрлашлари лозим.

И. Кант фикрича, таълимнинг асосий вазифалари – ижтимоий тартиб-интизом тарбияси, кўникмалар ҳосил қилиш, маданиятга эриштириш, маънавий-ахлоқий тарбиядир. И. Кант шахснинг маънавий юксалишига алоҳида аҳамият берар экан, **табиий тарбиянинг ҳам муҳим эканлигини уқдириб ўтади.** У академик ва меҳнат таълимини бирга қўшиб олиб бориш зарурлиги тўғрисида фикр билдирган.

И. Кант мавжуд мактаб тизими ва амалиётини танқид қилиб, ўқитувчилар тайёрлаш ишини тубдан яхшилаш ҳамда ўқитиш ва тарбия методларини қайта кўриб чиқиш, таълим тизимини узил-кесил ўзгартириш хусусида ўз фикрларини баён қилган. Бундай қайта қуриш олдидан кенг миқёсда тажрибавий иш олиб борилмоғи лозим. Бунда И. Кант И.Б. Базедов филантропиясини идеаллаштирмасдан, унга энг аввало, тажриба-ўқув муассасаси сифатида қараган.

И. Кант ғоялари XIX асрнинг биринчи ярмида таълим тизими ислоҳотларининг манбаларидан бирига айланиб, немис ва Европа педагогик назарияларига ниҳоятда катта таъсир кўрсатган.

И. Кантнинг педагогик қарашлари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз.

И. Кант таржимаи ҳоли билан танишиб чиққан киши унинг Кёнигсбергдан ташқарига деярли чиқмасдан ўша ернинг ўзида муқим кечган ҳайратланарли ҳаётига, теран эрудиция ва назарий жиҳатдан заковатига қойил қолмай иложи йўқ. Бу ҳолат унга мансуб фалсафанинг тарихий амалиёт билан боғлиқлик масалаларига ўзгача назар билан қарашни тақозо этади.

И. Кант илм-фан тараққиётини ҳамиша диққат билан кузатиб борган ва ижтимоий ҳаётда юз берган ҳар бир янги ҳодисага сезгирлик билан муносабат билдирган. Масалан, у **И. Б. Базедов** филантропиясининг – (хусусан, **Ж.Ж. Руссо** томонидан) ўртага ташланган янги илмий ғояларни амалга оширишга даъват этилган **Дессау** шаҳридаги ўзига хос мактаб-интернатнинг улкан ижтимоий аҳамиятини биринчи бўлиб кўрсатиб ўтган.

Германия таълим ва педагогик тафаккур тарихидаги ажойиб воқеа ҳисобланган **филантропизм И.Г. Кампе, Х.Г. Зальцманн, Э.Х. Трапп** (И.Б. Базедов ҳақида гапирмаса ҳам бўлади) сингари халқ маорифи арбобларининг таълим ва тарбиянинг илғор тамойилларига асосланган, бола шахсига иззат билан муносабатда бўлиш ва баркамол инсон тарбиясига қаратилган таълим муассасаларининг янги тизимини яратиш йўлидаги интилишлари билан характерланади. Юқорида зикр этилган филантропия тажрибаси тўла муваффақият қозонолмаган бўлса-да, И. Кант ундан муҳим фалсафий-педагогик хулосалар чиқарган. Мазкур далил И. Кант ижодий таржимаи ҳолининг тадқиқотчилар томонидан эътибор берилмай келинаётган жиҳатининг ёритилишга хизмат қилади.

Ўзининг университетдаги 40 йилдан (1755–1797) кўпроқ педагогик фаолияти давомида **И. Кант нафақат фалсафий фанлар (метафизика, этика, мантиқ), балки, шунингдек, математика, физика, география, антропология ва педагогика фанлари бўйича ҳам маърузалар ўқиган**[1].

Дарвоқе, И. Кант педагогика соҳасида ўзини нафақат яхши назариётчи, балки бевосита амалиётчи деб ҳам ҳисоблаган. Кунлардан бир кун у ўзи ҳақида қуйидагича фикр билдирган: **«Мен ўзимнинг педагогик қоидаларимни ҳеч қачон амалда қўллай олмаганман».** Ушбу фикрни бутунлай буюк педагог И. Кантнинг камтарлигига йўйиш лозим. Мазкур фикрга лоақал на ота-оналар, на ўқувчи-шогирдлар, ҳеч ким қўшилмаган, фақат ёлғиз И. Кантнинг ўзигина ўз педагогик фаолияти ҳақида шундай деган: **«Мендан кўра ёмонроқ гувернёрни тасаввур қилиш қийин»**[2].

---

[1] За годы работы в университете И. Кант прочитал 268 лекционных курсов; в том числе логику 54 раза, метафизику – 49, физическую географию – 46, этику – 28, антропологию – 24, теоретическую физику – 20, математику – 16, право – 12, энциклопедию философских наук – 11, педагогику – 4, механику – 2, минералогию – 1, теологию – 1. См.: Гулыга А. Кант. – М.: «Молодая гвардия», 1997. С. 247.

[2] См.: Кант его жизнь и философская деятельность. Биографический очерк М.М. Филиппова // Сенека, Декарт, Спиноза, Кант, Гегель: Биографические пове-

И. Кантни якиндан билган-таниган кишиларнинг фикрларига қараганда, у ажойиб нотиқ бўлган. Немисча таомилга кўра, **И. Кант ўз чиқишларини оммавий** (publice et gratis, яъни бепул ўқилган), **хусусий ва ўта хусусий маърузаларга бўлган, ажратган.** Унинг маърузалари ниҳоятда хилма-хил мавзуларга бағишланган бўлиб, фортификациядан тортиб, то метафизикага қадар қамраб олган. И. Кант маърузалари мазмунан фавқулодда ранг-баранглик касб этган. Умуман олганда, улар унинг фалсафа, этика, ҳуқуқ, педагогика ва бошқа соҳалар бўйича яратган асосий асарларида акс этган қарашларининг оммабоп баёни ҳамда шарҳлари бўлган.

И. Кантнинг баъзи бир профессорларга ўхшаб, матнни ёдлаб олиб ёки муфассал конспект (маърузанинг қисқача мазмуни) билан маъруза ўқиш одати бўлмаган. У талабаларга ўзи ҳавола этган дарсликларининг ҳошияларига битилган ёзув ва қайдлар – улар унга батафсил конспект ўрнини босган ёки бўлмасам қоғозчаларга қоралама қилинган мухтасар конспект бўйича ҳам маъруза ўқийверган.

И. Кантнинг хусусий чиқишлари орасида унинг мантиқ бўйича маърузалари нисбатан оммабоп саналган. У тингловчиларга ҳамиша уларни мантиққа ўргатиш фикр-мақсадидан йироқ эканини таъкидлаган. **«Мен сизларни услубий фикрлашга ўргатишга ҳаракат қиламан»**, деган у доим. Талабаларга айниқса, таърифлар ҳақида гап кетганда, И. Кант қўллайдиган усул маъқул тушган. У маърузани шундай олиб борганки, гўё тингловчиларга ва унинг ўзига ҳам бир хилда номаълум бўлган ҳақиқатни излаётгандек таассурот қолдирган.

И. Кант аввалига ўзини бирон-бир таъриф беришга уринаётгандек қилиб кўрсатар, натижада даставвал жўнгина ифода ҳосил бўлар, кейин эса уни изчил тузатишга киришиб кетар ва бу ҳолат ниҳоят, узил-кесил ва қатъий илмий таъриф яратилмагунга қадар давом этаган. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, **И. Кант шу тариқа талабаларни ўзининг фалсафий-педагогик «устахонаси»га олиб киришга тиришган ва уларга чин ҳақиқатни қай тарзда излаш лозимлигини амалда кўрсата билган.**

Барчанинг эътироф этишича, И. Кант фавқулодда ўткир, кучли хотира соҳиби бўлган. Лекин шак-шубҳасиз, И. Кантда

ствования / Составитель, общая редакция и послесловие Н.Ф. Болдырева. – Челябинск: «Урал», 1996. С. 314.

тушунчаларни таҳлил этиш ва тизимлаштириш қобилияти энг кучли даражада тараққий этган. И. Кантга мансуб фалсафий таҳлил пишиқ-пухталиги ва теранлиги бўйича янги чиққан файласуфлар орасида тенгсиздир. У қадимги файласуфлардан **Арасту (Аристотел)** билан баҳслаша олган. Қурилиш қобилияти, яъни «архитектоникаси»га кўра, И. Кант **Афлотун (Платон)дан** қолишмаган.

И. Кантнинг нотиқ сифатидаги ягона камчилиги унинг паст овози бўлган, холос. Буни билган тингловчилар унинг маърузаларида қимирламасдан ўтиришган, ҳатто маърузага кимдир кечикиб келган тақдирда ҳам, овоз чиқармасликка ёки (немисларнинг ғалати одатига кўра) оёқларини бир-бирига урмасликка тиришганлар. Аслида, И. Кант маърузаларига кеч қоладиганлар деярли бўлмаган.

И. Кант ҳеч қачон арзон шуҳрат қозониш йўлидан бормаган ва ўз маърузасини бўяб-бежаб, ноўрин ҳазиллар қўшиб гапиришни ёқтирмаган. Аммо у табиатан зийрак, зукко, ҳозиржавоб одам бўлган. Унинг ҳазилини чақмоққа қиёслашган, бу бежиз эмасди, чунки «йилт» этган учқуни ҳам беғараз кулги уйғотиб, одоб юзасидан ҳукм сураётган одатий сукунатни бузиб юборарди.

И. Кант ўз маърузаларига деярли олдиндан махсус тайёрланмаган. Бироқ бир жойга жамланган диққат-эътиборини чалғитадиган нарсага тоқат ҳам қилолмаган. Вазият, шароитнинг салгина ўзгаришидан ҳам аччиғи чиққан ва бу кўпинча унинг маърузалари сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмаган. Маъруза ўқиётган пайтида у ўз нигоҳини олдинги қаторда ўтирган талабалардан бирига қаратиб олишга одатланган.

И. Кант ўз тингловчиларида катта ҳурмат уйғотган. **«Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ»**, деган мақолни унга нисбатан қўллаш ножоиздир. Талабалар И. Кантни ҳаддан ортиқ яхши кўришган ва имкон туғилди дегунча буни очиқ-ойдин изҳор этишга ҳаракат қилганлар. И. Кант маърузаларини уч йил мобайнида тинглаб келган машҳур **Й. Г. Ҳердер**[1] ўз таассуротлари ҳақида шундай деб ёзган эди: **«Мен ўз устозим деб билган файласуф билан яқиндан танишиш бахтига муяссар бўлганман. Ёшлик чоғларида у қувноқ йигит**

---

[1] *Иоганн Готфрид Гердер* (1744–1803) – немецкий историк культуры, создатель исторического понимания культуры, считавший своей задачей все рассматривать с точки зрения духа своего времени, критик, поэт. Он выпускник богословского факультета Кёнигсбергского университета.

бўлган ва бу қувноқлик то умрининг охирига қадар сақланиб қолган. Унинг тафаккур учун яратилган кенг пешонасидан самимий қувонч ва шодлик ёғилиб турар, нутқи фикрларга бой, ўти ҳазил-мутойибага чечан, ҳозиржавоб, ибратли маърузалари эса энг қизиқарли суҳбат мақомига эга бўларди. У Лайбниц, Вольф, Баумгартен, Крузиус, Юм тизимларини тадқиқ этишда, Ньютон, Кеплер ва бошқа физиклар яратган қонунларни изоҳлаб, тушунтиришда қанчалик теран ақл соҳиби эканини намоён этган бўлса, Руссонинг ўша даврда яратилган «Эмил» ва «Элоиза» сингари асарларини ҳам худди шундай пухталик билан таҳлил қилар, табиатшунослик соҳасидаги ҳар бир янги кашфиёт ҳақида гапираркан, табиатни ҳақиқий, чуқур билиш ва инсоннинг ахлоқий фазилатлари масалаларига ҳам тўхталиб ўтарди. Инсон, халқлар ва Табиат тарихи, табиатшунослик ҳамда тажрибалар унинг суҳбатини қиздирадиган манбалар ҳисобланарди; билишга арзирли нимаики нарса бўлса, унга лоқайд бўлолмасди; ҳеч бир ҳийла-найранг, ҳеч қандай секта (мазҳаб), бидъат-хурофот ёки шуҳратпарастлик уни заррача қизиқтирмас, чин ҳақиқатни тушунтириш ва кенг ёйишдан қайтара олмас эди. У мустақил фикр, тафаккурни руҳлантирар ва рағбатлантирарди; унинг табиатига зулм, истибдод ёт эди».

И. Кант олиб борган педагогик илмий изланишларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар якка, автоном характерга эга бўлмаган. Албатта, И. Кант мукаммал педагогик тизим яратмаган ва ўз илмий қарашларини мустақил назарий фан деб ҳисобламаган. **И. Кантнинг педагогик гоялари унинг фалсафий дунёқараши билан, айниқса, инсон табиатини англаш ва унинг эркинлиги муаммосини ҳал этиш билан узвий боғлиқдир.** Улар унинг этик-социологик таълимотининг ўзига хос ифодаси сифатида Кант фалсафасининг қатор кучли томонларини ўзида аниқ акс эттирган.

И. Кант ғояларининг жаҳон педагогик тафаккурига кўрсатган таъсири кўптомонламадир.

Биринчидан, бу мантиқий-гносеологик, фалсафий-этик ва сиёсий-ҳуқуқий муаммоларнинг Кантча талқинининг илмий назария ва амалиётга (мактаб ва университетда) бўлган таъсиридир. Маълумки, И. Кант таълим ва тарбиянинг назарий масалаларига ҳам алоҳида эътибор берган. Унинг педагогик тажрибаси университетдаги иш фаолияти билангина чекланиб қолмаган: Кант тўққиз йил (1746–1755) давомида оилавий муаллим бўлиб ишлаган ва Европа мактаб амалиётини ҳамда педагогик адабиётларни диққат билан кузатиб борган.

Ж.Ж. Руссонинг «Эмил» (1762) асари[1] И. Кантда улкан таассурот қолдирган. И. Кантнинг ўзи эътироф этишича, айнан Ж.Ж. Руссо туфайли у ҳар бир инсон шахсиятини қадрлашни ўрганган. И. Кантнинг дессаулик филантроп И.Б. Базедовга нисбатан эътибори ҳам Ж.Ж. Руссонинг инсонпарварлик ғояси билан сугорилган педагогикасига бўлган жонли қизиқиш билан боғлиқлиги эҳтимолдан холи эмас. И. Кант филантропга бағишлаб, иккита мақола эълон қилган: **«Дессау. 1776» (1776) ва «Умум бахт-саодатини кўзлаб» (1777).** У филантропизм етакчилари **И.Б. Базедов, Вольке ва И.Г. Кампе** билан мустаҳкам алоқада бўлган.

И.Б. Базедовнинг педагогика соҳасидаги янгиликларига бўлган Кантча хайрихоҳлик замирида ўша даврнинг илғор педагогик тафаккурига хос бўлган ғоя мужассам бўлган, бу ғоя мактабнинг нафақат табиат, балки амалий ҳаёт билан бўлган алоқасига ҳам тааллуқли бўлган. Назариянинг теранлиги учун курашган ва практицизмга қарши бўлган И. Кант ҳамиша академик таълимга дунёни билишда илм-фан ва санъатга амалий маъно ва мазмун бахш этадиган дастлабки босқич сифатида қараб келган, **бунинг натижасида улар (илм-фан ва санъат) нафақат мактаб учун, балки ҳаёт учун ҳам ярокли бўлади ва ўқувчи ўз вазифаси майдонига... бутунлай тайёр ҳолда қадам қўяди»**[2].

Иккинчидан, И. Кант педагогикасининг асосий қоидаларидан бири – инсонни умуман тарбиялай олиш мумкинлигига бўлган қатъий ишончдир. Одамлар туғилишдан на ёмон, на яхши – улар «одоб-ахлоқдан ташқарида» бўлади. Интеллект ривожига таянадиган хушахлоқликнинг шаклланиб бориши И. Кант баён қилган эркинликка, яъни инсоннинг балоғат сари ҳаракатига мос келади. **«Маърифат – инсоннинг ўзи сабабчи бўлган нораслaликдан халос бўлишидир. Нораслaлик ўз ақл-идрокидан бошқа бировнинг бошчилигисиз фойдаланолмасликка сабаб бўладиган лаёқатсизликдир...»**[3] – деб ёзган эди И. Кант ўзининг **«Маърифат надир? деган саволга жавоб»** номли асарида.

---

[1] Насколько И. Кант увлекался чтением Ж.Ж. Руссо, видно из того, что ради произведений женевского философа он нарушал порядок своей жизни. Когда появился «Эмиль» Руссо, Кант забыл свое распределение времени и читал запоем до поздней ночи. И. Кант знал главные сочинения Ж.Ж. Руссо почти наизусть и часто цитировал их в устном преподавании. Парижский парламент приговорил к сожжению «Эмиля» за религиозное вольнодумство и неприличия, а автора его – к заключению.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 2. – М., 1964. С. 462.

[3] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 27.

«Маърифат» (Aufklärung) атамаси бу ерда кенг маънода инсоннинг бутун ижтимоий-маданий муҳит таъсири остида маълавий камолотга етиши сифатида қўлланилган. **Таълим ва тарбия (Bildung und Erziehung)** маърифатнинг энг муҳим омили сифатида намоён бўлади ва унинг таъсирчанлик фаолияти бевосита инсон табиати талабларига қай даражада жавоб бера олишига боғлиқдир. **«Биз ҳайвонот оламига мансубмиз ва фақат тарбия орқалигина одамларга айланамиз. Худди шунинг учун ҳам айнан табиатнинг ўзидан келиб чиқадигаи тарбияиинг ўша доно усули умумтарзда қўлланилгандагина биз қисқа вақт ичида теварак-атрофимизда бутунлай бошқа кишиларни кўра олган бўлардик...»**[1]

Учинчидан, ўз фалсафий тамойилларига содиқ бўлган И. Кант педагог ва тарбияланувчи учун таълим соҳасида ҳам энг асосий рагбатлантирувчи нарса қандайдир моддий ютуқ эмас, балки ахлоқий идеаллар билан ўзаро боғланган ва инсон табиатини камолга етказишни кўзлаган юксакроқ мақсад бўлмоғи лозим, деб ҳисоблаган. **«...Тарбия замирида инсон табиатини такомиллаштиришдек буюк сир-сииоат мужассам... Тарбия туфайли инсон табиати бора-бора янада яхшироқ тараққий этиб бориши ва унга одамийлик идеалига мос келадиган шундай бир шакл бахш этмоқ мумкинлигини тасаввур қилиш нақадар мароқли»**[2]**.** Бундай мақсадни амалга ошириш инсонни тарбиялаш орқали ижтимоий роҳат-фароғат ишига хизмат қиладиган педагогик фаолиятнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

И. Кантнинг «табиатга мос» тарбиялаш талаби шунчаки зоҳиран **Ж. Ж. Руссо** йўл-йўриғини ёдга солади. Ундаги инсонпарварлик ғоясини англаб етган И. Кант зинҳор унинг концепциясини ўзлаштирмаган. «Табиатга» риоя этиш дегани, энг аввало, бола иродасини қўпол равишда синдириш мумкин эмаслигини англатади – бу фақат кулларча фикр юритиш тарзининг шаклланишига олиб келиши мумкин. Яна бошқа бир жиҳати ҳам борки, (Ж. Ж. Руссога ўхшаб) тарбиячи фақат табиий салоҳиятларнинг «ўз-ўзидан амалга ошиши»да тўсиқларни бартараф этади, холос, деб ўйламаслик керак, – у ҳолда ваҳший одамларда фақат ёввойилик тараққий этган бўларди. **И. Кант таълимни ҳаққоний равишда фаол ижтимоий жараён деб**

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 2. – М., 1964. С. 467.

[2] *Кант И.* О педагогике. – М., 1907. С. 21.

билган. Бола фақат йўналтирилган тарбия орқалигина одам бўлади, унинг қобилият нишоналари ўз-ўзидан очилавермайди, зеро **«ҳар қандай тарбия – санъатдир»**[1].

Шундай қилиб, **И. Кант таълимнинг асосий йўналишлари ва вазифаларини қуйидагилардан иборат деб билган:**

биринчидан, инсонни ундаги ёввойиликни енгиш воситаси сифатида тартиб-интизомга ўргатиш (энг эрта ёшдан бошланмоғи лозим);

иккинчидан, маданиятни сингдириш (И. Кантга кўра, «малакалар воситаси»);

учинчидан, ақл-идрокни ўстириш ва тарбиялаш йўли билан маданиятга эриштириш;

тўртинчидан, одоб-ахлоқ тарбияси.

Педагогик фаолиятнинг кўзга кўринарли мақсади ва айни пайтда унинг самарадорлик белгиси шахсни ҳар тарафлама камол топтиришдир. И. Кант мазкур тушунча остида инсоннинг табиий ва ижтимоий асослари, билим ва тарбияси, айниқса, маънавий ва табиий тарбиясининг ўзаро мутаносиб равишда уйғунлигини тушунган.

И. Кантнинг тўғри, оқилона турмуш тарзи ҳаттоки мақолга айланиб кетган. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, тарихшунослар И. Кантни «қаттиқ одам» ва салкам мизантроп (одамови) деб аташганда, ноҳақ бўлганлар. И. Кант ҳақидаги афсонага айланган майдакашлик ва пухталик, ўта аниқлик унга ҳаётни севишда, санъатни қадрлашда, улфатчиликда ва ҳозиржавоб зукколикда ҳеч қандай монелик қилмаган. У инсонпарварлик тўғрисидаги ўз тасаввурига тўғри келмайдиган мунофиқлик ва таркидунёчиликни қаттиқ танқид қилган. **«Жамият бахт-саодати, фаровонлнги учун ҳеч қандай наф келтирмайдиган беҳаё пуризм ва таркидунёчининг ўз танасини ўлдириши, – булар хайр-саховатнинг нотўғри, бузуқ шакллари бўлиб, унга (жамиятга) сираям қизиғи йўқ; улар гўзалликдан мосуво, инсонпарварликка даъво қила олмайдилар»**[2].

И. Кантнинг тўлақонли ҳаёт тўғрисидаги ўз тасаввури тарбиянинг ноакадемик омилларини жиддий ҳисоб-китоб қилиш талаби билан қўшилиб кетган. **У, айниқса, табиий тарбия масалаларига катта эътибор қаратган ва у (одоб-ахлоқ тарбияси ҳамда интеллектуал ўсиш билан биргаликда) бешикдан бошланиши лозимлигини**

---

[1] *Кант И.* О педагогике. – М., 1907. С. 25.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 530.

таъкидлаган. И. Кантнинг педагогик тавсиялари баъзан болалар шифокорининг маслаҳатларини эслатади, бу эса унинг чуқур илм, назарий теран онг-билим даражаси ҳамда педагогик кузатувчанлигидан далолат беради. Шуни таъкидлаш лозимки, унинг ўз оиласи бўлмаган.

И. Кант ота-оналар диққат-эътиборини болаларни ёшлигидан бошлаб чиниқтириб боришга қаратган: уларни ўта иссиқ сақлашмаслик лозим, совуққа кўникиш организмни мустаҳкамлайди. Ёши каттароқлар учун эса қаттиқ ўрин-жой ва совуқ ванналар фойдалидир. И. Кант, шунингдек, болаларни таранг, қисиб ўўргаклашни (бу болалар эмас, катталар учун қулай) ва тебратиб ухлатиш (боланинг миясини гангитиш)ни маъқулламаган. Боланинг ҳар қандай бақиришига жавоб беравермаслик керак – у инжиқликка ўрганиб қолиши мумкин. Болаларни оқилона кун тартибига ўргатиш жуда муҳим. И. Кант бекорчиликни тарбия учун салбий омил деб ҳисоблаган ва шунинг учун меҳнатнинг тарбиявий ролига таъ берган, зотан, унда инсонни бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи ўзига хос хусусиятни кўра олган. **«Инсон – меҳнат қилиши лозим бўлган ягона мавжудотдир».**

И. Кантнинг болалар табиий тарбиясига доир амалий тавсиялари ўз-ўзидан нафақат шунчаки муҳим ва қадрли, балки унинг аҳамияти шундаки, «руҳ тарбияси» табиий тарбияга қарама-қарши қўйилган даврда у махсус жисмоний машқлар (югуриш, сакраш, ирғитиш), турли хил ўйинлар ва кўнгилочар тадбирларни ҳам педагогик жараёнга фаол тарзда қўшиш муҳим эканлигини кўрсатиб берган. Болани ўқитиш ҳам мактабдаги, ҳам мактабдан ташқари машғулотларни ўз ичига олади. Лекин агар мактабда ўқитиш – иш бўладиган бўлса, мактабдан ташқаридагиси энди ўйин ҳисобланади.

Табиий тарбия, И. Кант фикрича, одамни нафақат кучли, чаққон қилибгина қолмай, балки унинг маънавий ўсишига ҳам ёрдам беради, ишлаб чиқариш унсурлари билан биргаликда эса этик тарбия шарти сифатида намоён бўлади, файласуф бунга биринчи даражали вазифа деб қараган. Албатта, табиий ва маънавий ўсиш уйғунлиги бири иккинчиси билан генетик боғлиқ, деган маънони англатмайди.

И. Кант фикрича, одоб-ахлоқ автоном(мустақил)дир, уйғун, мутаносиб табиий ўсиш эса кучли, шиддатли ҳиссий унсурлар мустақил маънавий қобилият нишоналарини тўсмаслигига кафолат бермоғи лозим. **Инсоннинг ҳартарафлама камол топиши тарафдори бўлган И. Кант табиий ва амалий (маънавий) тарбияни бир-биридан қатъий равишда фарқлаган.**

«Соф» этиканинг идеал ва тамойиллари бўлиши лозимлик, муқаррарлик тўғрисидаги таълимотлар сифатида И. Кант томонидан унинг фалсафий назарияси доирасида ишлаб чиқилган. Мазкур тамойилларни амалга ошириш муаммолари **«Антропология прагматик йўсинда»** ва бошқа айрим педагогик ҳамда ижтимоий-сиёсий асарларида ўз ифодасини топган. Шундай қилиб, маълум маънода **И. Кантнинг педагогик назарияси амалий идрок тўғрисидаги таълимотнинг амалий кўриниши сифатида намоён бўлади.** Агар тартиб-интизом тарбияси ҳайвоний, яъни ахлоқ қоидаларига хилоф асосларни чеклаш ва бартараф этишда салбий роль ўйнайдиган бўлса, маънавий-ахлоқий тарбия орқали бутун инсон хулқ, хатти-ҳаракатида ақл-идрок тамойилларининг ижобий, регулятив роли қарор топади.

Кантча этиканинг абстракт идеаллари маънавий-ахлоқий тарбия масалалари талқинида янада салмоқли, яққол ва равшан характер касб этади. Ўзининг муҳим аҳамиятига қарамасдан ўқув тартиб-интизоми ёлғиз мақсад эмас ва у боланинг эркинлиги ҳамда иродасини чеклаб, тарбияни (ҳайвон) ўргатишга айлантириб қўймаслиги лозим. **«Ғашга тегадиган, иродани синдиришни кўзлаган қулларча тартиб-интизомдан кўра зарарлироқ нарса йўқ». Зеро, И. Кант инсонпарварлиги болага нисбатан нафақат иззат-ҳурмат, балки фавқулодда ғамхўрликка сазовор шахс сингари муносабатда бўлиш талабидек ҳеч қаерда ўзининг шу қадар яққол ифодасини топмаган бўлса керак.**

И. Кант ахлоқ-одобли шахснинг шаклланиш жараёнини чуқур диалектик тарзда тушунишини намойиш этади ва тарбияланувчининг вояга етмаганлигини ҳам қатъий равишда инобатга олишни талаб қилади. Шундай қилиб, И. Кант тарбиянинг дастлабки босқичида болага «уят!» деб таъна қилишни қоралаган: **«Бола ҳали уят ва одоб ҳақида тушунчага эга эмас, у уяладиган ҳеч нарса қилгани йўқ...»** И. Кант ўз этикасига қатъий мос равишда болани рағбатлантиришларга берилиб кетишга эътироз билдирган. Энг яхшиси маънавий рағбатлантиришдир, – деган у, – чунки у тама учун ёлғондакам тиришқоқликни келтириб чиқармайди. Бир вақтнинг ўзида у жазони, айниқса, жисмоний жазо беришни қоралаган, ўқувчиларни камситадиган бундай чоралар одоб-ахлоқ тарбиясига ёрдам беролмайди, деб ҳисоблаган.

И. Кант учун диний таълим муаммоси мураккаб бўлиб туюлган. У дин эркинлигини дадил туриб ҳимоя қилган. И. Кант

болаларнинг динни эрта ўрганишларига эътироз билдирган. Унинг фикрича, Тангри ҳақидаги ғоя табиат қонуниятларини ўрганилгандан сўнг ва улар асосидагина мақсадга мувофиқлик касб этади.

Дин-имон масалаларида вояга етиш кечроқ рўй беради, шунинг учун И. Кант диний таълимот одоб-ахлоқ (бинобарин, фуқаролик) тарбияси учун асос бўла олмайди, деб ҳисоблаган. Хулқ, хатти-ҳаракат, энг аввало, одоб-ахлоқ қоидаларига асосланади... **«...Болаларни ёшлигидан худо таъқиқлаганн сабаблигина эмас, балки ўз-ўзидан нафратлаиарли эканлиги боис иллатдан нафратланишга ўргатиб бориш ниҳоятда муҳимдир!»**

И. Кантнинг педагогик қарашларида маънавий-ахлоқий ва диний тарбия муаммоларининг ҳал этилиши инсонни эркинликка эриштириш зарурияти билан боғлиқ, деган ғоя илгари сурилган. Амалий тарздаги эркинлик амалий иш фаолиятида ўз ақлига таяниб иш кўриш имконияти ва қобилияти сифатида намоён бўлади. Бу қобилиятни ўстириш воситаси – **ҳар бир кишининг ҳеч ким дахл қилмайдиган ҳуқуқи ҳисобланган маърифатдир.**

«...Маърифатдан шахсан ўзи учун ва айниқса, келажак авлодлар учун воз кечиш муқаддас инсон ҳуқуқларини бузмоқ ва поймол қилмоқ демакдир»[1].

Шунга кўра, ақлдан фойдаланишни тақиқловчи ижтимоий амалиёт инсон (шахс) ҳуқуқларига батамом зид эканлиги аён бўлади. Чунончи, зобит шундай талаб қилади: муҳокама қилманг, машқ қилинг! Солиқчи: тортишманг, ундан кўра тўланг! Руҳоний эса: маҳмаданагарчилик қилманг, имон келтиринг! Ва ҳоказо.

И. Кант фикр эркинлигини яна шунинг учун ҳам қадрлайдики, у туфайли «халқ эркин ҳаракат қилишга тобора лаёқатли бўлиб боради»[2].

И. Кантнинг бутун ҳаётини **«Соф идрок танқиди»** асарида баён этилган фалсафий тамойилларининг амалий тадбиқи, дейиш мумкин. **И. Кантчалик сўзи билан иши бир-бирига шу қадар мос бўлган бошқа бир файласуфни топиш амри маҳол.** Уни қадимги дунё файласуфларидан **Сукрот** билан ёнма-ён қўйиш мумкин.

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 6. – М., 1966. С. 32.

[2] Ўша жойда, 35 бет.

И. Кант амалий ишдан йироқ бўлган, ҳаётдан узилиб қолган, кабинетда ўтириб ишлайдиган мутафаккир эмас, балки том маънодаги донишманд бўлган. Унда гигиенадан тортиб, то одоб-ахлоқ масалаларигача, барчаси ақл-идрок тамойиллари билан чамбарчас боғланган. Худди шунинг учун ҳам **И. Кантда фалсафа ва ҳаёт бўлинмас бир бутунликни ташкил этади.**

И. Кант ҳиссий ҳузур-ҳаловатни ҳаётнинг асосий мақсади, деб ҳисоблайдиган одамлар тоифасидан бўлмаган. Бироқ у жисмоний саломатликни руҳ тетиклигининг зарур шарти сифатида юксак қадрлаган.

И. Кантнинг дидактик талаблари ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини қатъий равишда инобатга олиш ва Германия таълим тизимида ҳукмрон бўлган маъносини тушунмай, ёдлаб олиш, обрў-эътибор, вербализм методларини узил-кесил тан олмаслик билан характерланади. **«1765/66 йй. қишки ярим йилликка мўлжалланган маърузалар жадвали тўғрисида билдириш»**даёқ И. Кант ёшларни **тажриба ўрнини босадиган ҳақиқий билимни эгалламай туриб, «билимдонлик» қилишга интилиш**[1] хавфи тўғрисида огоҳлантирган. У худди шу муаммони педагогика бўйича ўз маърузаларида ўқувчиларга мос равишда хийла кескинроқ тарзда ўртага ташлаган.

Ўқитиш жараёнида албатта, ёшни эътиборга олиш лозим. Болаларнинг ўзларини худди «катталардек» тутишларига ва шундай оҳангда гапиришларига йўл қўйиб бўлмайди – бу уларни ақлий ўсишга олиб бормайди, балки тақлидчиликка ва механик тарзда ёдлаб олишга ўргатади. Машғулотларнинг самаралилигини таъминлаш шарти болаларнинг ўқишга бўлган ҳиссий-руҳий интилишидан иборат бўлмоғи лозим.

И. Кант болаларнинг чеҳраси қуёшдек кулиб туришини, уларга ўқиш жараёни ҳам ёқимли бўлишини орзу қилган. Бунинг учун мавзу жозибадор ва тушунарли бўлмоғи зарур, бунга эса уни шунчаки моҳирона танлай билиш билан эмас, балки ўқитиш усул ва воситаларининг оқилона уйғунлиги орқали эришилади. Умумий билим асосларини бола бирданига эмас, балки муайян бир изчиллик туфайли ўзлаштиради. Шунинг учун дастлаб материалнинг кўргазмалилиги ва аниқ далилларга асосланганлигига алоҳида аҳамият бериб, сўнгра умумий қоидаларни тушунтириш керак. Баён ва тасвир болани ўз устида мустақил ишлашга рағбатлантирмоғи лозим.

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 2. – М., 1964. С. 287.

И. Кант ёдлашнинг аҳамиятини инкор этмаган ҳолда хотирани механик тарзда ўстириш, ҳатто тил ўқитишда ҳам мазмунан узилиб қолмаслиги керак, деб ҳисоблаган. Масалан, табиатшуносликда худди шу мақсадда расм солиш ва моделлар тайёрлашни амалда қўллай билиш лозим. «**Эрта ёшдан бошлаб,** – деб ёзган И. Кант, – **хотирани ва у билан баравар бир вақтнинг ўзида ақл-идрок, зеҳнни ўстириб бориш керак**»[1]. Қоидаларни ўрганишда тушуниш, англаш айниқса муҳим: уларни изчил, тизимли тарзда ва фақат қўллаш жараёнидагина таништириб бормоқ лозим. Ақл-идрокнинг ўсиши фикр-мулоҳаза қила билиш лаёқатига олиб боради, ўқувчи энди нарсалар моҳиятини чуқурроқ англайдиган, ўрганилаётган ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатларини асослаб бера оладиган бўлади.

Билимларни амалий ҳаракатлар билан мустаҳкамлаб бориш, масалан, ёд олинган грамматик қоидани бир талай машқлар орқали амалда қўллай билиш керак. Тушунтириш (тасвир, баён) ва текшириш билан бир қаторда И. Кант диалогик («Суқротга хос») методни ҳам мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаган. Унингча, бундай усул ўқитувчига ўқувчини билим асосларини мустақил равишда очишга ўргатишда қўл келади. И. Кант чин ҳақиқатлар моҳиятини очишнинг ўзини таълим жараёнининг масъулиятли жиҳати ҳамда ўқитувчининг энг муҳим вазифаси деб билган: «**... фикрларни эмас, фикрлашга ўргатмоқ лозим, тингловчини, агар унинг келажакда мустақил юра олишини хоҳласалар, қўлидан етаклаш эмас, балки унга йўл-йўриқ кўрсатмоқ керак**»[2].

Гарчи И. Кант ўқув режаси масалалари билан мунтазам шуғулланмаган бўлса ҳам, унинг мактаб таълимининг тузилиши ва мазмуни тўғрисидаги айрим ғоялари тиллар, тарих, филология фанлари, табиат тарихи (табиатшунослик), география ва айниқса, ўзи қадрлаган математикани «қамраб оладиган» замонавий билим даражасини кенг асосда яратишга бўлган интилишни акс эттиради (**у фалсафа худди математикага ўхшаб, аниқ фанга айланадиган замонлар келишини орзу қилган).** Назарий фанларни жорий этиш изчиллиги тасодифий ёки ихтиёрий бўлмаслиги лозим. Масалан, умумий малакалар ва дастлабки табиий-илмий билимларни ўз ичига оладиган тайёрлов давридан

---

[1] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 2. – М., 1964. С. 60.

[2] *Кант И.* Сочинения в шести томах. Т. 2. – М., 1964. С. 280.

сўнг, очиги, илмий фанларни ўқитиш керак, И. Кант бу хусусда географиядан бошлашни тавсия қилган, бунда табиий география сиёсий географиядан олдинда юрмоги лозим. Буларнинг барчаси табиат ва фуқаролик тарихини ўрганишга ўтиш учун яхши асос бўла олади.

И. Кантнинг демократик ақл йўналишлари унинг мактаб-шунослик ғояларида ўзининг яққол ифодасини топган. Мавжуд мактаблар ва ўқитувчилар, деган эди у, жамият эҳтиёжларига жавоб бермайди, бутунлай янги типдаги ўқув муассасалари зарур. И. Кант социологик эксперимент (тажриба) тўғрисидаги, ўша давр учун дадил фикрни ёқлаб чиққан: **«Оддий мактабларни тузишдан олдин экспериментал (тажриба) мактабларини таъсис этиш лозим»**[1]. Жумладан, унинг **дессаулик филантроп И. Б. Базедовга** қизиқиши маълум даражада шу билан изоҳланардики, гарчи у И. Б. Базедовнинг педагогик ғоялари ва амалиётини идеаллаштириш фикридан бутунлай йироқ бўлса-да, ушбу мактабга энг аввало, тажриба муассасаси сифатида қараган.

И. Кант фикрича, халқ таълими ишини яхшилаш кескин чоралар кўришни талаб этади. «Буни имиллаган ислоҳот эмас, фақат шиддатли инқилоб амалга оширишга қодир»[2]. Ягона типдаги миллий мактабни жорий этиш айниқса муҳим. И. Кант **«тез орада бутун мамлакатни соз мактаблар тармоғи билан қамраб оладиган, яхши тайёргарликка эга бўлган кўплаб ўқитувчилар»**[3] етишиб чиқадиган замонлар келишини орзу қилган. И. Кантнинг некбинлиги бирқадар асоссиз бўлгани билан унинг ўй-фикрлари, орзу-умидларининг юксак ижтимоий аҳамияти асло камаймайди.

И. Кант шундай мутафаккирлар тоифасига мансубки, улар профессионал педагог ёки ўқитувчилар бўлишмаса ҳам, таълим назарияси ва амалиётига сезиларли таъсир кўрсатганлар **(Локк, Гельвеций, Руссо)**. Тўғри, И. Кантнинг таъсирини аниқ педагогик қоида, низомлар атамаси билан баҳолаш қийин. Унинг оқилона ва илғор ғоялари, гарчи бундай ҳолларда маълум бир кишининг муаллифлигини ёки кўрсатган хизматини аниқлаш мушкул бўлса-да, кейинги педагогик анъаналар томонидан «ўзлаштирилган» деб айтиш мумкин.

---

[1] *Кант И.* О педагогике. – М., 1907. С. 30.

[2] *Кант И.*. Сочинения в шести томах. Т. 2. – М., 1964. С. 468.

[3] Ўша жойда.

XVIII асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб, янги педагогик тамойилларга асосланган ва эски таълим тизимининг мутаассиб моҳиятига сезиларли зарба берган дарсликлар ҳамда болалар ва ёшлар учун адабиётларнинг оммавий ададда нашр этиш даври бошланганини И. Кантнинг (Руссо – Базедов гояларининг жамоатчилик ҳиссига кўрсатган таъсири билан биргаликда) муайян хизмати, деб аташ мумкин. Бироқ **И. Кантнинг таълим ва тарбия масалаларига оид фикр ва мулоҳазалари XVIII–XIX асрлар немис ва Европа педагогик тафаккурининг шаклланишида кўплаб омиллардан бири бўлган эди,** дейиш тўғрироқ бўларди. Чунончи, **Кант, Фихте, Ҳегел** ғоялари миллий тарбия деб аталадиган ҳаракат тарафдорларига рағбат бағишлаганлиги шубҳасиз.

И. Кант мактаб амалиётига ўзининг университетдаги фаолияти билан анча самарали таъсир кўрсатган бўлса ҳам ажаб эмас. Чунки И. Кант ҳаётлик даврида (унинг ғоялари ва фаолияти билан боғлиқ ҳолда) Германия университетларида чуқур сифат ўзгаришлари рўй берган. Илоҳиётшунослик куллиётлари ўзларининг етакчилик мавқеидан маҳрум бўлган. **И. Кант таъбири билан айтганда, қачонлардир илоҳиёт фанининг этагини кўтариб юрган, эндиликда тиббиёт ва юриспруденция (яъни, табиий ва ижтимоий-сиёсий тафаккур) йўлини ёритаётган фалсафанинг аҳамиятн ўсган.**

Университетларда ақл-идрок устуворлигининг қарор топиши **Лайбниц – Кант** тутган йўл тантанасини шунчаки ифодалабгина қолмай, балки гимназия таълими сифатига ҳам ўз таъсирини кўрсатган: И. Кантдан сўнг тез орада фалсафа факультетлари ўрта мактаблар учун ҳам ўқитувчилар тайёрлайдиган бўлган. Ўрта таълим тизими янги турмуш тартибининг ташкил топишида фаол омиллардан бирига айлана борган. И. Кантнинг таълим назарияси ва амалиётига қўшган муҳим ҳиссаси педагогика ва дунёвий фалсафа иттифоқи заруриятини исботлаш билан боғлиқ бўлиб, **шахс концепцияси, билиш назарияси ва этика педагогика фанининг уч «саркорлари» эканлигининг** яққол намойишига айланган.

И. Кантнинг фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий ва педагогик қарашларида мужассам бўлган диалектика ва инсонпарварлик ғоялари – инсон олий қадрият ҳисобланадиган жамиятни барпо

этиш дастурини биринчи бўлиб илмий жиҳатдан асослаб берган янги илмий назариянинг вужудга келишида омил ва манба бўлиб хизмат қилган. Замонавий педагогика фани ҳар томонлама етук, баркамол шахс идеалларини илгари сурган Уйғониш ҳамда фалсафа ва фан тараққиёт даврларининг инсонпарварлик ғояларининг ҳақиқий вориси ҳисобланади.

И. Кант ҳақида, Сукрот тўғрисида бўлганидек, шуни айтиш мумкинки, у оддий қилиб айтганда нафақат файласуф-педагог, балки дунёда ва дунё учун яшаб ўтган донишманд ҳам бўлган. У **икки нарса қалбимизни ҳамиша янги ва янада кучлироқ ҳайрат ҳамда ортиқ даражада иззат-эҳтиром туйғуси билан тўлдириб бораверади, бу – тепамиздаги юлдузли само ва вужудимиздаги ахлоқ қонунидир** деб, ўзининг бутун фаолиятини ўзи мустақил белгилаган. И. Кант қуйидаги тамойилни тантанали суратда эълон қилган: **одоб-ахлоқли, маънавий ҳаёт – фақат угина Тангрига ҳақиқий хизмат қилишдир!**

Юқорида баён этилган фикрлар И. Кант педагогик ғояларининг ҳозирги замон талабларига ҳам мос келишини яққол тасдиқлайди. Улар мустақил Ўзбекистонда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва амалиётига ҳамоҳангдир. Шунинг учун ҳам мазкур нашр ҳар томонлама етук шахс – комил инсонни тарбиялаш йўлида меҳнат қилаётган Ўзбекистондаги кўпмингкишилик педагоглар жамоасига муҳим қўлланма сифатида хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, буюк Иммануил Кантнинг ушбу асарини чоп этиш ғоясини қўллаб-қувватлаганликлари учун Германия собиқ федерал адлия вазири, профессор Ҳерта Дойблер-Гмелин хонимга, Фридриҳ Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Пьер Тешендорфга ва жамгарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Наиля Резяповага ўз самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Иккинчи қисм. КОНСТИТУЦИЯ, ПАРТИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭКОЛОГИЯ

- Германия Федератив Республикаси Асосий қонунига кириш
- ГФРнинг партиялар тўғрисидаги қонунчилигини ўрганишга кириш
- Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқлари ва ўзлик муаммолари
- Жаҳонда сув етишмаслиги билан боғлиқ инқирозлар

2.1. ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ АСОСИЙ ҚОНУНИГА КИРИШ

Ҳар қандай мамлакат Конституцияси шу мамлакат тарихидаги асосий бурилиш даврларини, унинг реал ижтимоий воқелигини, ғоявий кадриятлари ва анъаналарини кўзгу мисоли ўзида акс эттириб туради. ГФР Асосий Қонуни – бунинг яққол тасдиғидир. Унда немис конституциявий ҳуқуқ институтлари, сиёсий демократия ва ҳуқуқий маданияти тараққиётининг тарихий тажрибаси у ёки бу тарзда ўз мужассамини топган.

Ўзбекистонда Германия Асосий Қонунига нисбатан қизиқиш ушбу мамлакатнинг илмий-техник тараққиёт соҳасидаги ва маҳсулот ишлаб чиқариш ёки ижтимоий хизмат кўрсатиш жабҳаларидаги ютуқларини ўрганиш иштиёқи каби табиий эканлиги бежиз эмас. Зеро, бугун Германия ҳозирги замон цивилизациясининг барча кўрсаткичлари бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юксак босқичига эришган мамлакат сифатида дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Ўзбек китобхони Асосий Қонун билан танишиш асносида, у ўзининг пухта ва пишиқ, равон тилда ёзилгани, қуруқ мафкуравий мазмун ташувчи баёнотмонанд қоидалардан холилиги билан бошқа кўплаб давлатлар Конституцияларидан жиддий фарқ қилишини, бошқача айтганда, ГФР конституциявий дунёси бой ва ўзига хос эканлигини дарров илғаб олади. Шунинг учун Германия Асосий Қонунига қисқача таъриф берар эканмиз, уни қайсидир жиҳатдан немис давлат ҳуқуқига кириш[1] сифатида баҳолаш ўринли деб ўйлаймиз.

---

[1] Германияда ҳуқуқнинг бу етакчи соҳаси «давлат ҳуқуқи» деб юритилади. Ўзбекистонда ва бошқа бир қатор мамлакатларда ушбу ҳуқуқ соҳаси – «конституциявий ҳуқуқ» дейилади. Бу ўринда атамалардаги фарқ китобхонни ўйлантириб қўймаслиги лозим. Чунки аслида ҳар икки ҳолда ҳам битта тушунча англашилади. Бизнингча, «давлат ҳуқуқи» ва «конституциявий ҳуқуқ» тушунчалари бир-бирига уйқашдир.

ГФР давлат ҳуқуқи борасидаги фундаментал асарларга мисол сифатида етти томлик энциклопедик луғат-маълумотномани кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Ушбу нашр ташкилотчилари ва мутасаддилари: профессор Й. Изензе ва П. Кирххоф. Кўп томлик мазкур китобни яратишда 100 дан ортиқ муаллиф – немис юридик фани намояндалари, давлат ҳуқуқи бўйича энг етук мутахассислар иштирок этган. Нашрнинг 1-томи «Давлат қурилиши ва конституциявий асослар»; 2-том «Демократик хоҳиш-ирода ифодаси; федерация давлат органлари»; 3-том «Давлатнинг фаолият юритиши»; 4-том «Молия тизимининг конституциявий асослари. Федератив тузилма»; 5-том «Инсон ҳуқуқлари тўғрисида умумий тушунчалар»; 6-том «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари»; 7-том «Конституциянинг норматив табиати ва уни муҳофаза этиш. Халқаро муносабатлар» деб аталади. Қаранг: Handbuch des Staatsrechts der Bundesrepublik Deutschland / Hrsg. J. Isensee, P. Kirchhof. Bd. 1–VII. Heidelberg, 1987–1992.

Мамлакатнинг расмий номи – Германия Федератив Республикаси. Қисқа номи – Германия.

Германия жуғрофий ҳудуд сифатида антик давр ёзма манбаларида учрайди. Ўрта асрлар ва янги даврда германларнинг турли давлатлари ва иттифоқлари мавжуд бўлган. Замонавий Германия ўз тарихи давомида кўпроқ ягона давлат эмас, балки «Немис миллатининг Муқаддас Рим империяси» доирасида кўплаб ҳудудий давлатларнинг озод уюшмаси бўлган. 1701 йилда Германиянинг йирик давлатларидан бири Пруссия қиролликка айланган.

1871 йилда мамлакат бирлаштирилган ва Германия империяси ташкил этилгани эълон қилинган. 1918 йилдаги Ноябрь инқилоби натижасида монархия йўқ қилинган. 1919 йилда демократик руҳдаги **Веймар Конституцияси** қабул қилинган. 1919–1933 йилларда Германияда Веймар Республикаси, 1933–1945 йилларда миллий-социалистик диктатура мавжуд бўлган (бу даврда Веймар Конституцияси расман бекор қилинмаган бўлса-да, аслида давлат тузуми алмашиши юз берган).

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Германия босиб олинган тўртта (Буюк Британия, АҚШ, Франция ва СССР) ҳудудга бўлинган. **1949 йил 23 майда Германия Федератив Республикаси ташкил топгани эълон қилинган** ва унинг таркибига Буюк Британия, Қўшма Штатлар ва Франция эгаллаб олган ҳудудлар киритилган. 1949 йилнинг 7 октябрида эса советлар босиб олган ҳудуд Германия Демократик Республикаси деб эълон қилинган. **1990 йил 3 октябрда Шарқий ва Ғарбий Германия бирлашиши юз берди.** Эндиликда **Германия бирлашган кун Миллий байрам сифатида нишонланади**. Бунда ГФР, ГДР, СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция томонидан тузилган Германиядаги вазиятни барқарорлаштириш билан боғлиқ масалани узил-кесил ҳал этиш тўғрисидаги кўптомонлама Битим Германияни бирлаштиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилганини таъкидлаш ўринлидир. ГДР ГФРга қўшилди. 1990 йил 3 октябрдан эътиборан ГФР Асосий Қонуни собиқ ГДР ҳудудига ҳам жорий этилди[1].

Германия Федератив Республикаси жуғрофий жиҳатдан Марказий Европада жойлашган бўлиб, Европанинг 9 давлати

---

[1]Германиянинг ягона давлатга бирлашиши ҳақида батафсилроқ билиш учун қаранг: Г.Я. Бакирова. Объединение Германии: предпосылки, процесс и международно-правовые последствия. – Казань, 2002, 196 с.

– ғарбда Голландия, Бельгия, Люксембург ва Франция, шимолда Дания, шарқда Польша ва Чехия, жанубда Австрия ва Швейцария билан умумий давлат чегараларига эга. Шимолда Болтиқ денгизи ва Шимолий денгиз ўраб туради.

Германия ҳудуди 357022 квадрат километрни ташкил қилади ва у ер майдони катталиги бўйича дунёда 61-ўринда туради. **ГФР** маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 16 федерал ўлкадан таркиб топган. Булар: Баден-Вюртемберг, Бавария, Берлин, Бранденбург, Бремен, Гамбург, Гессен, Меклендург-Ворнхоммерн, Нидерзахен, Шимолий Рейн-Вестфалия, Райнланд-Пфальц, Саарланд, Захцен, Захцен-Анхальт, Шлезвиг-Гольштейн ва Тюрингия.

ГФР пойтахти – Берлин шаҳри (аҳолиси 3,4 миллион атрофида), бошқа йирик шаҳарлари Гамбург (1,7 миллион киши), Мюнхен (1,2 миллион киши), Кельн (1 миллион атрофида) ҳисобланади. **Аҳолиси.** Германияда қарийб 82,4 миллион киши истиқомат қилади ва аҳоли сони бўйича дунёда 12-ўринни эгаллайди. Аҳолининг салкам 7,3 миллиони немис бўлмаган миллатлар вакилларидир. Жами аҳолининг 8,9 фоизини чет элликлар ташкил қилади. Бу Германияда истиқомат қиладиган мигрантлар, миллий озчилик вакиллари, ўзига хос урф-одат ва шеваларига эга ўлкалар аҳолиси мамлакатда ранг-барангликни таъминлаб турганидан далолатдир. Умуман Германия Европадаги аҳолиси ўта зич жойлашган мамлакатлардан бири саналади. Бу ерда бир квадрат метр жойга 230 киши тўғри келади.

Давлат тили Германияда немис тили ҳисобланади. **«Немис» тушунчаси** VIII асрдагина пайдо бўлган. Бу тушунча даставвал франклар империясининг шарқий қисмидаги кишилар сўзлашув тилинигина англатган. Буюк Карлнинг вафотидан сўнг франклар империяси иккига – Ғарбий ва Шарқий қисмларга бўлиниб кетган. Табиийки, бўлиниш чизиғи ўрта асрлар француз ва эски немис тилларида сўзлашувчи аҳоли яшайдиган ҳудудлар чегараси бўйлаб ўтган. Вақт ўтиши билан Шарқий империяда бирлик, умумийлик туйғуси аста-секин қарор топа бошлаган. Аҳолиси немис (герман) тилида сўзлашадиган ҳудуд Германия деб аталмоғи жоиз бўлган. Агар Германиянинг Ғарбий чегараси нисбатан анча илгари қатъий белгиланган бўлса, немислар турар жойларининг Шарққа томон силжиб бориши фақат XV асрдагина ниҳоясига етган. Ана шу даврда бу ердаги халқлар, немислар билан славянлар ўртасида юзага келган чегара Иккинчи жаҳон урушига қадар сақланиб қолган.

Дин. ГФР аҳолисининг асосий қисмини насронийлар ташкил этади. Мамлакатнинг диний таркиби 33 фоизини протестантлар, 33 фоизини католиклар, 3,3 фоизни мусулмонлар, шунингдек, бошқа дин вакиллари ва ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиганлар (атеистлар) ташкил этади. Германияда черков давлатдан ажратилган ва давлат черкови йўқ, яъни давлатнинг черков маъмурияти билан алоқаси, демакки, давлатнинг черков устидан назорати ҳам йўқ. Давлат ва черков ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳамкорлик асосида амалга оширилади. Бу муносабатларнинг негизини, Асосий Қонундан ташқари, конкордатлар ва шартномалар ташкил қилади. Давлат черков томонидан таъминланадиган айрим муассасалар, мисол учун, болалар боғчалари, шифохоналар ва мактабларни молиялаштиришда иштирок этади.

Замонавий Германия. Ғарбий Европадаги энг бой ва кўпсонли миллат сифатида замонавий Германия Европанинг иқтисодий, сиёсий ва мудофаа тузилмасида асосий таркибий қисмдир. Германия жаҳон иқтисодиётида ўзининг технологик куч-қудрати бўйича АҚШ ва Японiядан кейин учинчи ўринда туради. Умумевропа валютаси – евронинг муомалага киритилиши ва Европанинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлардан умумий интеграциялашуви XXI аср бошида Германия иқтисодиётида муайян ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Германия дунёда технологияси энг ривожланган телекоммуникация тизимларидан бирига эга.

Германия – таълим, касбий таълим, илмий тадқиқотлар ва илм-фан мамлакати. Таълим соҳасидаги сиёсатдан кўзланган мақсад ҳар бир кишига имкон қадар кўмаклашиш, унга манфаатлари ва қобилиятига мос келадиган касбий тайёргарликка эга бўлиш имконини бериш, ёшларни демократик ҳуқуқий давлатда масъулиятни зиммасига олишга тайёр мустақил фуқаролар этиб тарбиялашдан иборат. Германияликлар орасида Нобель мукофоти совриндорлари бор. Бу ерда фуқаролар юксак илмий ютуқларга эришмоқда, халқаро лойиҳаларга молиявий ёрдам кўрсатилмоқда, дунёнинг кўплаб мамлакатларидан, жумладан Ўзбекистондан келган талабалар ҳам таҳсил олмоқда.

Германиядаги олий ўқув юртлари – илм-фан ва санъатни ривожлантиришнинг ўзига хос марказлари демакдир. Бу борадаги ишларда шу олий ўқув юртларида ўтказилаётган илмий тадқиқотлар ва ўқитувчилик фаолияти ёрдам бераётир. Халқаро рақобатни кучайтириш, бошқа илмий-тадқиқот гуруҳлари, муассасалар ва тармоқлар билан ҳамкорлик ҳамда шериклик туфайли илм-фан ва

илмий тадқиқотларни халқаро мақсадга йўналтириш Германия олий ўқув юртлари томонидан кўп йиллардан буён қўлланилмоқда. Янги таълим курслари натижасида ўқитиш тизими ҳам кўп тилларда олиб бориладиган бўлди. Бу курслардан сўнг битирувчиларга халқаро миқёсда эътироф этилган бакалавр ёки магистр гувоҳномалари топширилади.

Германияда сўз ва матбуот эркинлиги, шунингдек, умумфойдаланиладиган манбалардан маълумот олиш ҳуқуқи кафолатланади. Мамлакатда цензура йўқ. Аҳоли бир-бири билан рақобатлашаётган оммавий ахборот воситалари орасидан ўзи хоҳлаганини танлаши мумкин. Маълумотлар тўплаш билан шуғулланадиган муассасалар ходимлари зиммасида сир сақлаш мажбурияти мавжуд. Фуқаролар эса маълумотларни қайта ишлайдиган муассасалардан ўзлари ҳақида тўпланган ахборот тўғрисида маълумотнома олиш ҳуқуқига эга. Улар нотўғри маълумотларни тузатиш, баҳслиларини тўхтатиб қолиш ва гайриқонуний тўпланган маълумотларни йўқ қилиш талаби билан чиқишлари мумкин.

Германия ва жаҳон иқтисодиёти. Ялпи иқтисодий қуввати бўйича Германия жаҳон иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини, яъни учинчи ўринни эгаллаб турибди. Жаҳон савдо-сотиғидаги улуши бўйича эса иккинчи ўринда. Германия иқтисодиёти ўз инфратизимининг ривожлангани, меҳнатсевар ва малакали ишчи кучининг етарли экани билан хорижий сармоядорларни ўзига кенг жалб этмоқда. Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар жабҳасидаги муваффақиятлар – Германиянинг кўз-кўз этишга лойиқ яна бир жиҳатидир.

Германияда, дунёнинг саноатга ихтисослашган қарийб барча йирик давлатларидан фарқли ўлароқ, иқтисодиёт жаҳон бозорига йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Бу ерда ишлаб чиқариш ташқи савдо билан шу қадар чамбарчас боғлиққи, корхоналар ишлаб топадиган деярли уч евронинг бири бевосита экспортдан келиб тушади. Германиянинг юқори даражадаги халқаро рақобатбардошлиги турли мамлакатлар корхоналари ўзаро рақобатлашаётган соҳаларда айниқса яққол кўзга ташланади. Германияда хорижий корхоналар инвестицияларининг, шунингдек, хорижда ушбу мамлакат корхоналари сармояларининг тўғридан-тўғри жалб этилиши қўлами изчил ортиб бораётгани Германия иқтисодиётининг ҳолати хорижий рақобатчиларникидан анча яхши эканини кўрсатиб турибди. Бунда мамлакатда нарх-наво ва ишчи кучи қиймати борасида оқилона сиёсат юритилаётгани ва барқарор ижтимоий муҳит мавжуд экани муҳим омил бўлмоқда.

ГФР Асосий Қонунининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши. ГФР Асосий Қонунини Ғарбий Германияда жойлашган ўлкалар маҳаллий вакиллик органлари (ландтаглар) томонидан ҳар бири 75 минг нафар аҳоли вакили сифатида сайланган 65 депутат ва Ғарбий Берлиннинг маслаҳат овозини бериш ҳуқуқига эга беш нафар вакилидан иборат Парламент кенгаши ишлаб чиққан[1]. Бунда Парламент кенгаши Конституциявий таъсис йиғини вазифасини ado этган. Асосий Қонуннинг аксарият моддаларида 1919 йилги Веймар Конституциясига хос нуқсонларни четлаб ўтиб, масъулияти аниқ белгиланган давлат ташкил этишга интилиш яққол сезилиб турибди. Қўмиталар ва ялпи мажлисларда кенг муҳокамалардан сўнг К. Аденауэр раҳбарлигидан Парламент кенгаши Асосий Қонунни қабул қилган ва ўлкалар ландтаглари[2] маъқуллаганидан кейин 1949 йил 23 майда Парламент кенгаши томонидан эълон қилингач, у кучга кирган (унинг кучга кириши учун ўлкалардан учдан икки қисмининг розилиги зарур бўлган). 1949 йил 23 май куни Асосий Қонунни имзолаш маросими бўлган – унинг матнига ХДИ/ХСИ, Немислар партияси, Марказ партияси, Эркин демократик партия вакиллари – депутатлар ва 11 та ўлка бош вазирлари имзо чекканлар. Шу кундан эътиборан, **23 май – Германия Конституцияси куни** ҳисобланади.

Урушдан кейин Германия озод ва барқарор давлатга айланди. Бунга кўпроқ 1949 йилги Асосий Қонун ёрдам берди. Бир томондан, у барқарорликни таъминласа, иккинчи томондан, давр талаби бўйича ўзгаришлар учун имкониятлар яратиб борди. ГФРнинг Асосий Қонуни ҳар бир кишига кенг кўламда шахс ҳуқуқини, озодлик ва ижтимоий ҳимояни кафолатлайди. Германия фуқаролари олдинги конституцияларнинг бирортасига ҳам 1949 йилги Асосий Қонунга ёндашганчалик чуқур ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлмаган.

Нима учун ГФР Конституцияси Асосий Қонун дейилади? Аслини олганда, Асосий Қонун даставвал вақтинчали ҳужжат сифатида яратилган ва «Немис халқининг хоҳиш-иродаси билан қабул қилинган Конституция кучга кирган куни» (Асосий Қонуннинг 146-моддаси) ўз таъсирини йўқотади деб ҳисоблангани сабабли Асосий Қонун деб аталган. 1949 йили Федерал мажлисда

---

[1] 1949 йилги Асосий Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида қаранг. Г.Я. Бакирова Объединение Германии: предпосылки, процесс и международно-правовые последствия. – Казань, 2002. 196 с.

[2] Фақат Бавария ландтаги бу конституциявий ҳужжатни ҳаддан ташқари марказлаштирилган деб ҳисоблаб, рад этган.

сўзлаган ГФРнинг биринчи Президенти Теодор Хейс «муваққат» сўзини фақат «жуғрофий» мазмунда тушуниш зарурлиги хусусида алоҳида тўхталган[1]. Умуман, «Асосий Қонун» тушунчасидан уни Конституция билан адаштирмаслик учун фойдаланилганини ҳам айтиш жоиздир. У 1949 йилнинг майида давлат ҳаётида «ўтиш даври»да янги – озод ва демократик тартиб ўрнатиш мақсадида қабул қилинганди. Асосий Қонуннинг Муқаддимасидаёқ немис халқи олдига «Германия ўз мавқеини эркин белгилаш шароитида бирдамлик ва озодликка эга бўлиши керак» деган мақсад қўйилган эди. Ғарбий ва шарқий ҳудудга бўлинган мамлакат Германиянинг ягона Конституциясини қабул қилиш йўлида имконият туғилиши билан яна бирлашиши керак эди. Германиянинг бирлашишга интилиши тўғрисида Асосий Қонунда қайд этилган қоида 1990 йилда амалга оширилди. 1990 йил 31 августда имзоланган ва ГДРнинг ГФР Асосий Қонуни таъсир доирасига киришини тартибга солишга қаратилган Германиянинг бирлашиши тўғрисидаги Шартнома негизида унинг Муқаддима ва якуний моддалари қайтадан таҳрир қилинди. Эндиликда Асосий Қонун матнида ГДРнинг кириши билан Германия 1990 йил 3 октябрдан эътиборан бирдамликка эга бўлгани қайд этилган. Германия бирлашгандан сўнг Бундестаг ва Бундесрат томонидан Германиянинг умумий Конституцияси тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун ташкил этилган комиссия бу масалани 1990–1993 йилгача ўрганиб чиққач, амалдаги Асосий Қонунга ўзгартишлар киритиш билан бемалол кифояланиш мумкин, деган хулосага келди. Шундай қилиб, муваққат конституциявий ҳужжат том маънода доимийлик мақомини касб этди.

ГФРнинг Асосий Қонуни «ҳадя этилган» Конституция ҳисобланадими? Юридик адабиётда ушбу Асосий Қонунни қабул қилиш билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлар, хусусан, мазкур ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларида истилочи ҳокимиятларнинг роли катта эканлиги ҳолатлари уни «ҳадя этилган»[2] конституциялар сафига қўшиш учун аниқ асос бўла олади, деган фикрлар мавжуд. Бунда бир қатор далиллар ҳам келтирилади.

---

[1] Қаранг: Alleman Fr. Rene: Bonn ist nicht Wiemar. Kein, 1956, S. 74.

[2] Конституцияларни «ҳадя этиш» (октроирования) йўли билан қабул қилиш усули ўз мустақиллигини қўлга киритган собиқ Британия мустамлакалари учун хосдир. Шу йўл билан қарийб 30 та конституция қабул қилинган. Бугунги кунда Иордания, Непал, Саудия Арабистони, Қатар, Қувейт каби давлатлар конституциялари «ҳадя этилган» конституциялар ҳисобланади.

Биринчидан, Асосий Қонун яратиш ғоясининг ўзи ҳам истилочи ҳукуматлар ташаббуси бўлган. Конституция ишлаб чиқиш тўғрисидаги қарор 1948 йилнинг июнида олтита Ғарб давлати ташқи ишлар вазирликларининг Лондондаги кенгашида қабул қилинган. Иккинчидан, ҳарбий губернаторлар бўлажак Асосий Қонуннинг мазмун-моҳияти юзасидан Парламент кенгашига мунтазам равишда изоҳ ва тавсиялар бериб борган. Хусусан, улар 1948 йилнинг июль ойида Ғарбий Германия ўлкаларининг 11 нафар бош вазирига бўлажак Конституция принциплари ҳақида кўрсатмалар беришганки, бу «Франкфурт ҳужжатлари» тимсолида ўз аксини топган. Учинчидан, давлат ҳуқуқи масалалари бўйича 22 нафар немис мутахассисидан иборат қўмита зиммасига ўлкалар бош вазирларини 1948 йил 1 сентябрдан кечиктирмай Конституциявий йиғин чақиришга даъват этган 1-сон Ҳужжатдаги кўрсатмаларга тўла мос келувчи Конституция лойиҳасини тайёрлаш вазифаси юкланган эди. Тўртинчидан, Парламент кенгаши тўлалигича ғарбнинг истилочи ҳукуматлари измида эди. Бешинчидан, Асосий Қонун матни ўлкалар ландтагларига овоз бериш учун ҳавола этилишидан олдин истилочи ҳукуматлар томонидан маъқулланиши шарт эди. Улар Асосий Қонунни қабул қилиш тартиб-қоидаларини ҳам белгилаб бергандилар.

Бизнинг фикримизча, ГФР Асосий Қонуни қуйидаги сабабларга истилочи ҳукуматлар томонидан «ҳадя этилган» дея ҳисобланмайди:

1. Асосий Қонун лойиҳаси давлат ҳуқуқи бўйича мутахассислар – таниқли немис олимлари томонидан тайёрланган.

2. Асосий Қонун Парламент кенгаши, яъни махсус Конституциявий таъсис йиғини томонидан қабул қилинган.

3. Асосий Қонун матни ўлкалар ландтаглари томонидан ратификация қилинган.

4. Асосий Қонун аввало миллат сиёсий кучларининг баҳслари асосида тайёрланган.

5. Асосий Қонунда Германия конституциячилик тарихи, ҳуқуқий маданияти ва юридик тафаккурининг энг муҳим қирралари ўз ифодасини топган.

Ғарб истилочи ҳукуматларининг Асосий Қонунга таъсири масаласига келсак, у вақтинчалик аҳамиятга эга эди, холос.

1919 йилги Веймар Конституцияси ва 1949 йилги Асосий Қонун: ўхшаш ва фарқли жиҳатлари. Веймар Конституцияси

билан муқояса этганда, ГФР Асосий Қонуни янги, Веймар Конституцияси таъсиридан холи ва ундан кўп жиҳатлар бўйича устун, мустақил конституциявий ҳужжат ҳисобланади.

Асосий тушунчалар ва институтлар доираси Веймар Конституциясида ҳам, ГФР Асосий Қонунида ҳам бир хил. Бу, жумладан, парламент, Президент, ҳукумат бошида турувчи Канцлер, ҳудудий-сиёсий тузилма шакли ҳисобланмиш федерация кабилардир. Асосий Қонунни ишлаб чиқиш жараёнида буларнинг барчасига Германия Республикасидаги давлат ҳокимиятига хос анъанавий унсурлар сифатида ёндашилган.

Асосий Қонун муаллифлари эътиборида, барибир, Веймар Конституцияси турган ва ундан узоқлашиш осон кечмаганлиги ҳам табиий. Шу билан бирга, айрим анъанавий муаммоларга мутлақо янгича ечимлар топилган ва Асосий Қонун Веймар Конституциясида учрамайдиган кўплаб янги жиҳатлар билан бойитилган. ГФР Асосий Қонунига тааллуқли янгиликлар асосан қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, модификациялаштириш ва биринчи бобга фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларининг киритилиши;

иккинчидан, ижтимоий ва ҳуқуқий давлат тушунчаларининг жорий этилиши;

учинчидан, сиёсий партиялар ролининг мустаҳкамлаб қўйилиши;

тўртинчидан, федерация субъектлари, яъни Германия ўлкалари ҳуқуқларининг кенгайтирилиши;

бешинчидан, Веймар Конституцияси бўйича кенг ҳуқуқлардан маҳрум этилган Президент мақомининг ўзгартирилиши;

олтинчидан, «конструктив ишончсизлик вотуми» аталмиш институтнинг жорий этилиши;

еттинчидан, асосий ҳуқуқлар чекланиши мумкинлиги тўғрисидаги умумий қоиданинг шакллантирилиши;

саккизинчидан, Веймар Конституциясида қайд этилган халқ ташаббуси ва референдум тўғрисидаги қоиданинг мавжуд эмаслиги;

тўққизинчидан, ҳукумат бошлиғи, яъни Федерал канцлер ваколатларининг қисқартирилиши;

ўнинчидан, парламент ваколатларининг қисқартирилиши ва қонунчиликни назорат қилиб бориш ҳуқуқига эга бўлган Федерал Конституциявий суднинг ташкил этилиши.

ГФР Асосий Қонунининг тузилиши. ГФР Асосий Қонуни ҳуқуқий-техник жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган ва аниқ юридик

мазмунга эга, қоидалар жуда равон ва ихчам ифодаланган, етарлича батафсил кодификациялашган ҳуқуқий ҳужжатдир.

ГФР Асосий Қонуни 14 боб («бўлим») ва 172 моддадан иборат. Ундаги охирги боб – ўн биринчи ва охирги модда – 146-модда эканига ҳайрон бўлмаслик керак. Чунки ГФР Асосий Қонунига янги боб ва моддалар литер белгилари ёрдамида киритилган. Мисол учун, XVa боб ёки 115a, 115b, 115c ва ҳоказо – шу тахлит биргина 115-модда остида жами 12 та модда берилган.

Асосий Қонуннинг ихчам Муқаддимасидан сўнг фуқароларнинг асосий ҳуқуқларига бағишланган I боб («бўлим») келади. II бобда федерация масалалари ҳақида сўз борган, худди шу мавзу VII, VIII ва X бобларда ҳам қонунчилик, бошқарув ва молия масалалари билан алоқадорликда талқин этилган. III–VI боблар федерация давлат органлари: парламент, Президент ва ҳукумат фаолиятига бағишланган. Суд ҳокимиятини ташкил этиш ҳақидаги қоидалар IX бобда қайд этилган. Алоҳида бобларда қонунчилик жараёнлари (VII боб), молия тузилмаси (X боб), шунингдек, «фавқулодда вазият» ҳолати билан боғлиқ комплекс масалалар (Xa боб) тартибга солинган. Асосий Қонун ўтишга тааллуқли ва якуний қарорларни ўзида мужассам этган XI боб билан тугалланади.

Асосий Қонун: инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари. Асосий Қонун аслида ҳуқуқ ва эркинликларни тартибга солиш билан бошланади. Асосий ҳуқуқлар тўғрисидаги биринчи бўлим Муқаддимадан кейиноқ келиши инсон ҳуқуқларига нақадар катта эътибор берилганлигининг яққол далилидир. Шубҳасиз, инсон ҳуқуқларига бундай ёндашув нацистларнинг мерос сарқитларидан тамомила фориғ бўлиш хоҳиш-истаги билан боғлиқ[1]. ГФР Асосий Қонунида давлатнинг инсон қадр-қимматини, шунингдек, ҳар бир кишининг шахс сифатида эркин камол топиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва ҳимоя этишга доир асосий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари биринчи ўринга қўйилган. Бу эса давлат органлари томонидан ноқонуний тажовуз қилиш ҳолларида кенг ҳимояланишни таъминлайди. Немислар ҳам, чет элликлар ҳам Асосий Қонун

[1] Шу билан бирга, нацистлар ўтмиш меросидан қутулишга интилиш Асосий Қонуннинг босқинчилик урушларини қоралайдиган, халқаро ҳуқуқ устуворлигини эълон қиладиган, тинчлик ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўлида Федерациянинг муайян суверен ҳуқуқларини халқаро муассасаларга қонуний йўл билан бериш имконини кўзда тутувчи тегишли моддаларида ҳам ўз ифодасини топган. Бу ҳақда Асосий Қонуннинг 24-моддаси 2-банди, 25-моддаси, 26-моддаси 2-бандида сўз боради.

меъёрлари асосида, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш зарурлиги ва шахсни эркин ривожлантириш ҳуқуқига тенгма-тенг равишда таянишлари мумкин.

Яшаш ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи, дин ва эътиқод эркинлиги, бошпана ҳуқуқи, сўз эркинлиги, санъат ва илм-фан эркинлиги, матбуот эркинлиги, мулк ҳуқуқи кафолати Асосий Қонунда мустаҳкамланган мумтоз ҳуқуқ ва эркинликлар сирасига киради. Бу ҳуқуқ ва эркинликларга йиғилишлар ўтказиш эркинлиги, уюшма ва бирлашмалар тузиш эркинлиги, ёзишмалар, почта жўнатмалари, телефон сўзлашувлари махфийлиги, ҳаракатланиш эркинлиги, касб танлаш ҳуқуқи, мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши, турар жой дахлсизлиги, шунингдек, эътиқод эркинлиги нуқтаи назаридан ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳуқуқини ҳам қўшиш мумкин.

Маданият соҳасидаги ҳуқуқлардан Асосий Қонунда санъат, илм-фан, тадқиқотлар ва таълим бериш ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича ГФР Асосий Қонуни ривожланган мамлакатларнинг XX аср иккинчи ярмида қабул қилинган аксарият конституциялари ва ҳаттоки, Германия ўлкаларининг қатор конституцияларидан фарқ қилмайди. Албатта, бу камчилик ГФР томонидан ратификация қилинган Европа Социал Хартияси қоидалари ҳисобига қопланади.

ГФР Асосий Қонунида эркинликлар билан бир қаторда тенглик ҳуқуқлари ҳам қайд этилган. Барча одамлар қонун олдида тенглигига доир тегишли модда жинси, миллати, ирқи, тили, туғилган жойи, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, диний ва сиёсий қарашлари бўйича ҳеч кимга зиён етказилишига ёки ҳеч ким камситилишига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги қоида билан аниқлаштирилади. Ҳеч ким ўз (жисмоний ёки ақлий) нуқсонлари туфайли камситилмаслиги керак. Асосий Қонунда эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуққа эгалиги аниқ кўрсатилган. Шу билан бирга, қонун германиялик барча фуқароларга давлат хизматидан тенг фойдаланишни кафолатлайди. Никоҳ ва оила Асосий Қонунга мувофиқ давлатнинг алоҳида ҳимоясида туради. Асосий Қонунга ҳар бир ўлкадаги ҳар бир немис тенг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга эканлиги тўғрисидаги қоида киритилган (33-модда 1-банд).

Асосий Қонунга мувофиқ асосий ҳуқуқлар моҳиятига тажовуз қилиш мумкин эмас. Асосий ҳуқуқлар бевосита ҳаракат қилади.

Бу Германиянинг олдинги конституцияларидан Асосий Қонунни ажратиб турадиган муҳим фарқлардан биридир. Германияда давлат қонимиятининг учта тармоғи – қонунчилик, ижро ва суд тизими асосий ҳуқуқларга катъий риоя қилиши керак. Ҳар бир фуқаро Федерал конституциявий судга қарорлари ёки хатти-ҳаракатлари натижасида ўзининг асосий ҳуқуқлари камситилгани ва бундан олдин ваколатли судлардан ҳақиқатни қарор топтиришни сўраб қилинган мурожаатлари беҳуда кетганлиги ҳақида шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Асосий Қонунда барча шахслар учун асосий ҳуқуқларни судда ҳимоя қилиш ҳуқуқи кўзда тутилган.

Асосий Қонун демократия ва конституциявий тузум асосларини ҳимоя қилиш зарурлиги билан боғлиқ фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш имкониятини кўзда тутувчи кўплаб ҳолларни ҳам ўз ичига олган. Шу билан бирга, ҳар бир алоҳида ҳолат учун қонун йўли билан ҳуқуқларни чеклашлар белгиланиши лозим этилади. Асосий ҳуқуқларни чеклайдиган қонун Асосий Қонунга мувофиқ умумий характерга эга бўлиши лозим. Асосий Қонунда фикрни эркин билдириш, бирлашиш эркинлиги ва ҳоказо ҳуқуқлардан эркин демократик тузум асосларига қарши курашиш йўлида фойдаланган ҳар бир киши бу асосий ҳуқуқлардан маҳрум бўлиши кўзда тутилган. Қайд этилган ҳуқуқлардан маҳрум бўлиш ҳолати ва меъёрларини аниқлаш Федерал конституциявий суд зиммасига юклатилади.

Шуниси эътиборга лойиқки, Асосий Қонун асосий ҳуқуқларнинг ГФРнинг юридик шахслари учун жорий этилишини кўзда тутади, чунки бу ҳуқуқлар аслида ҳам уларга нисбатан қўлланиши мумкин.

Германия 1950 йили Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясига қўшилиб, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактларини ратификация қилганидан сўнг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро назорат объектига айланди. Ҳар ким Страсбургда доимий фаолият кўрсатадиган Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига инсон ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида шикоят қилиши мумкин. Асосий Қонуннинг бирон-бир бўлимида фуқароларнинг мажбуриятлари алоҳида ажратиб кўрсатилмаган. Айни чоғда уларни конституция матнида учратиш мумкин. Масалан, ГФРнинг Асосий Қонунида фуқароларнинг қуйидаги мажбуриятлари мустаҳкамланган: ота-оналарнинг фарзандлари тўғрисида ғамхўрлик қилиши; 18 ёшдан ҳарбий ёки муқобил хизмат; мудофаа шароитида санитария-даволаш муассасаларида

қўлга қурол олмасдан хизмат қилиш учун хотин-қизларнинг ҳам армияга чақирилиши; мажбурий меҳнат тартибининг жорий этилиши мумкинлиги. Солиқларни тўлаш (Асосий Қонунда бу ҳақда бевосита айтилмаган), қонунларга риоя этиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш, мулк эгасининг мажбуриятлари ҳам шулар жумласидандир.

Ҳозирги Германиянинг конституциявий хусусиятлари. ГФР давлат ҳуқуқида ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, ҳуқуқий, ижтимоий ва партиявий давлат деган тўртта юридик назария бевосита ўз аксини топган. Ушбу назариялар немис давлат ҳуқуқи фанида кенг тарқалган ва тан олинган, бу эса уларнинг амалий аҳамиятидан далолатдир.

ГФР – демократик, ижтимоий, ҳуқуқий федератив давлат. **Асосий Қонун**да мустаҳкамланган давлат тузумига хос жиҳатлар конституциявий органлар, федерализм принциплари, ҳуқуқ ва сайлов тизимида ҳам ўз аксини топган. Асосий Қонуннинг бу қоидалари Германияда нафақат сиёсий воқеликни, балки одамларнинг кундалик ҳаётини ҳам белгилайди. Унда умуминсоний қадриятларга риоя қилиш, демократия, инсон ҳуқуқлари, ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши, тенглик, адолат принциплари ва ҳоказолар кўзда тутилган. Асосий Қонунда никоҳ ва оила масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Асосий Қонуннинг бутун ҳокимият манбаи – халқ экани ва у ҳокимиятни бевосита (сайлов ва турли хил овоз беришлар йўли билан) ҳамда ҳокимиятнинг ваколатли органлари орқали амалга ошириши тўғрисидаги қоидаси Германияда демократия кафолати ҳисобланади. Шу билан бирга, демократик конституциявий тузумни ағдаришга уринган ҳар қандай кишига нисбатан, агарда бунинг олдини олиш учун бошқа воситалардан фойдаланишнинг имкони бўлмаса, барча фуқароларнинг қаршилик кўрсатиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги конституциявий қоида демократиянинг энг муҳим кафолати саналади.

Германиялик таниқли давлатшунос К.Штерннинг фикрича, ижтимоий ва ҳуқуқий давлат тушунчасининг юзага келиши «давлат ҳуқуқи фанининг буюк кашфиёти ва ютуқларидан» бўлиб, бундай давлатга хос демократик тузум «давлат ҳамжамиятини шакллантиришнинг сўнгги нуқтасидир»[1].

---

[1] Stern K. Das Staatsrecht BRD. T. 1. Munchen, 1977. S. 620.

Ижтимоий давлат тўғрисидаги қоида мулкдан фойдаланиш умумий манфаатга хизмат қилиши кераклиги, ер, ер ости бойликлари, табиий бойликлар, ишлаб чиқариш воситалари суд қарорига мувофиқ эмас, балки фақат қонун бўйича турли шаклларда умумлаштирилиши мумкинлиги тўғрисидаги меъёрлар асосида ривожлантирилади. Германияда демократия ва конституциявий тузумнинг ижтимоий хусусияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ижтимоий давлатнинг муҳим принциплари, биринчидан, бирдамлик, иккинчидан, шахсий жавобгарлик ҳисобланади. Ҳукумат уларни амалга ошириш учун кенг тармоқли ижтимоий хизматларни ташкил этган. Ижтимоий давлат тўғрисидаги қоида шахснинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш бўйича давлат мажбурияти туфайли фуқаролар эркинлиги соҳаларини ҳам ҳимоя қилишни кўзда тутган. Ижтимоий суғуртанинг иш берувчи ва ёлланма ходимлар томонидан молияланадиган бешта тури (нафақа, касаллик туфайли, зарурат юзасидан беморга қараш, бахтсиз ҳодиса, ишсизлик) билан бир қаторда, ижтимоий тармоқ солиқлар ҳисобидан молияланадиган хизматлар, масалан, кўп болали оилаларга нафақа тўлаш (аниқроғи, оилавий сарф-харажатлар юкини бараварлаштириш) ёки ижтимоий таъминот бўйича нафақаларни ҳам ўз ичига олади.

Ҳуқуқий давлатга хос принциплар[1] Асосий Қонуннинг 1, 3, 19, 20, 28, 79 ва бошқа моддаларида мустаҳкамланган. Ҳуқуқий давлат тўғрисидаги қоида фуқароларнинг кенг кўламли конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари билан мустаҳкамланган. Германиянинг икки давлатга бўлиниши муносабати билан шахс мақомини ҳуқуқий тартибга солиш икки йўналиш – инсон ҳуқуқлари ва немислар ҳуқуқлари бўйича амалга оширилган. Асосий Қонун шахс мақомини ҳуқуқий тартибга солишда сиёсий ва шахсий эркинликларга алоҳида эътибор қаратиши баробарида, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни ҳам мустаҳкамлайди. Ҳарбий хизматчилар айрим қонунлар бўйича (мудофаа, фавқулодда ҳолат ва ҳоказо) ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилган ҳолларда уларнинг ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйилади. «Ҳуқуқий давлатчилик»нинг асосий мазмуни 20-модданинг 3-бандига таянади, яъни: «Қонунчилик конституциявий тузум, ижро ҳокимияти ва одил судлов – қонун ва ҳуқуқ билан боғлиқдир». «Ҳуқуқий давлатчилик эркинлик, адолат ва ҳуқуқлар кафолатини таъминлаш мақсадида конституциявий

[1] Германия юридик адабиётида «ҳуқуқий давлат» атамаси XIX аср бошларидан қўлланилади (К.Т. Велькер).

тартибда чиқарилган қонунлар асосида давлат бошқаруви амалга оширилишини англатади»[1].

Асосий Қонун ва сайлов ҳуқуқи. Германияда халқ вакиллигининг барча органларига сайловлар умумий, тўғридан-тўғри, эркин ва тенг, овоз бериш эса яширин ўтказилади. Германиянинг 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Муайян шарт-шароит мавжуд бўлганда хорижда яшайдиган Германия фуқаролари ҳам сайловларда иштирок этиши мумкин («фаол сайлов ҳуқуқи»). 18 ёшга тўлган, камида бир йилдан буён Германия фуқароси ҳисобланадиган, фаол сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ёки суд қарорига кўра сайланиш ёхуд бирон-бир хизмат лавозимини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ҳар қандай киши сайланиши мумкин («пассив сайлов ҳуқуқи»). Одатда сайланиш учун номзодлар партиялар томонидан кўрсатилади, бироқ партиясизлар ҳам ўз номзодларини қўйиши мумкин.

Айни пайтда Германия Бундестагига сайловлар тизими мажоритар ва пропорционал сайлов тизимлари бирикувига асосланади. Ҳар бир сайловчи иккита овозга эга. У биринчи овозни ўз сайлов округидан номзодга нисбий мажоритар тизим бўйича беради: бунда ҳаммадан кўп овоз тўплаган номзод сайланган ҳисобланади. Иккинчи овоз бирон-бир партияга берилади. Бундай рўйхатда белгиланган тартибда партияларнинг ўлкалар даражасидаги номзодлари исм-фамилиялари қайд этилган бўлади. Сайлов якунларини аниқлашда биринчи ва иккинчи овозлар ҳисобга олинади. Бундестаг таркибига 299 сайлов округидан тўғридан-тўғри сайланган 299 депутат ва ўлкалар даражасидаги партиявий рўйхатлар бўйича парламентга ўтган яна 299 депутат киради.

Бундестагда ўринларни тақсимлашда ҳар бир алоҳида федерал ўлкада тўпланган иккинчи овозлар сони бўйича партиялар ўртасида намоён бўладиган кучлар нисбати ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар бирон-бир партия федерал ўлкада биринчи овозлар туфайли иккинчи овозлар улушида лозим бўлганидан кўра кўпроқ ғолиб номзодга эга бўлса, тўғридан-тўғри сайланган ҳар бир депутат ўз мандатини сақлаб қолади. Шу тариқа ўша партия бундай ўлкаларда «ортиқча мандатлар»га эга бўлади. Айнан шунинг учун 2002 йилда сайланган Германиянинг 15-Бундестаги 598 нафар эмас, балки 603 нафар депутатдан иборат.

---

[1] Stern K. Das Staatsrecht BRD. T. 1. Munchen, 1977. S. 615.

Партиявий рўйхатлар бўйича сайловдан кўзланган мақсад парламентда барча партияларни улар ўзлари тўплаган овозлар улушига мувофиқ равишда намоён бўлишига эришишдан иборат. Қолаверса, сайлов округидаги тўғридан-тўғри сайлов фуқароларга муайян сиёсатчи учун овоз бериш имконини яратади. Одатда сайловларга аҳолининг қизиқиши катта. Бундестагга сайловларда мунтазам равишда аҳолининг 70 фоиздан кўп қисми иштирок этади.

Асосий Қонун ва сиёсий партиялар. Германиядаги партиялар ва парламент демократиясининг тарихи ғоятда бой ва қизиқарлидир[1]. Ҳозирги замонда демократия бир-бири билан рақобатлашаётган сиёсий партияларсиз фаолият юрита олмайди. Партияларнинг маълум муддатга сайланадиган вакиллари сиёсий раҳбарлик ва назорат ишларини амалга оширади. Асосий Қонунга мувофиқ партиялар сиёсатни ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди. Асосий Қонуннинг 21-моддасида «Партиялар халқнинг сиёсий хоҳиш-иродасини шакллантиришга кўмаклашади» дейилган. Шу тариқа уларнинг конституциявий йўналиши белгилаб берилган. 1967 йилги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда ва унинг кейинги йиллардаги янги таҳрирларида партияларнинг кенг кўламли вазифалари аниқлаштирилган. Яъни партиялар зиммасига жамоатчилик фикрини шакллантиришга таъсир ўтказиш, фуқароларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишига ёрдам бериш, тегишли қобилиятини намоён этган фуқароларни сиёсий лавозимларни эгаллаш учун тайёрлаш, сайловларда давлат миқёсида, федерал ўлка ва айрим жамоалар даражасида номзодлар кўрсатиш жараёнларида иштирок этиш, шунингдек, парламент ва ҳукуматдаги сиёсий вазият ривожига таъсир кўрсатиш вазифалари юкланади. Шу билан партиялар сиёсий мақсадларини ишлаб чиқиб, уларни дастурларда мустаҳкамлайдиган йирик оммавий партияларга бирлашадиган ўз аъзолари манфаатларини ифода этади.

Партиявий тузилмалардаги фаол иши ва партиялар дастурлари бўйича юритган фаолияти орқали эркаклар ҳам, хотин-қизлар ҳам тегишли сиёсий лавозимларни эгаллашга муваффақ бўлади. Бу эса уларга сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш имконини беради. Сиёсий-партиявий белгилар бўйича шаклланган Парламентдаги кўпчилик Ҳукумат билан ҳамжиҳатликда сиёсат соҳасида муҳим қарорларни қабул қилади.

---

[1] Қаранг: Политические партии в условиях демократии. Германия, 1995.

2002 йилнинг сентябридаги парламент сайловидан сўнг Бундестагда 5 партия – Христиан-демократик иттифоқи /ХДИ/, Христиан-социал иттифоқи /ХСИ/, Германия Социал-демократик партияси /ГСДП/, Германия Эркин демократик партияси /ГЭДП/ ва «Иттифоқ 90/Яшиллар» партияси ўз вакилларига эга бўлди. ХДИ Баварияда ўз партия ташкилотига эга эмас, ХСИ эса фақат Баварияда фаолият юритади. Шунга қарамай, ХДИ ва ХСИ Бундестагда ягона фракцияни ташкил этади.

Сиёсий партиялар аҳамияти кучайиши, ҳозирги давлат фаолиятининг барча муҳим жиҳатларига ва ҳокимиятнинг барча институтларига нисбатан уларнинг таъсир кучи том маънода ортиши партиявий давлат назарияси юзага келиши учун объектив сабаб бўлиб хизмат қилди. Бу назариянинг энг муҳим қирраларидан бири – демократик давлатда кўппартиявийлик сиёсий ҳаёт меъёри экани ҳақидаги қоида ҳисобланади[1].

Асосий Қонун ва Германия федерализми. «Германия сиёсатининг федератив модели ўзини оқлади ва унга ҳеч нарса таҳдид сола олмайди», – деган эди Федерал канцлер Герхард Шрёдер 1999 йил 19 апрелда Берлинда Рейхстаг таъмирланган биносининг очилиш маросимида. Германия Федератив Республикаси, ўз номидан кўриниб турганидек, федерация бўлиб, унинг таркибига бир нечта алоҳида давлат киради. Федератив давлат тузуми (федерализм) федерал ўлкалар маъмурий бўлинмалар эмас, балки ўз давлат органлари тизимига эга давлат эканини англатади. Уларнинг Асосий Қонун руҳига монанд ҳолда республика, демократик ва ижтимоий ҳуқуқий давлат тамойилларига жавоб берадиган ўз конституциялари бор. Бунда ягона ҳуқуқ ва мажбуриятлар, турмуш шароитлари барча немислар манфаатларига бирдек хизмат қилиши назарда тутилган. Бошқа жиҳатлар бўйича эса, ўлкаларнинг фикрича, улар кенг эркинликлардан фойдаланишларини уларнинг конституцияларида алоҳида қайд этиш айни муддаодир.

Федератив давлат тизими принципи Асосий Қонуннинг мустаҳкам ўзгармас принциплари сирасига киради. Айни чоғда ўлкаларнинг ҳозирги таркиби ўзгармас ҳисобланмайди. Бундай ҳолат чегараларни қайтадан тузиш ёки бирлаштириш масаласини ҳал қиладиган фуқароларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқдир. Федерациянинг янги маъмурий ҳудудларга бўлиниши борасида Асосий Қонунда тегишли тартиб ва қоидалар кўзда тутилган.

---

[1] Партиявий давлат назарияси ҳакида каранг: Политические партии в условиях демократии. Германия, 1995.

Федератив давлат тизими ўзининг пойдор конституциявий анъаналарига эга. Германия тажрибаси шуни кўрсатадики, федерализм шароитида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва муаммоларига марказлаштирилган давлат ҳокимияти тизимидагига қараганда яхшироқ эътибор қаратилади. Германия федерализми, дейлик, АҚШ ва Швейцарияда аҳамиятга эга бўлганидек, ташқи бирлик ҳамда ички хилма-хилликни ўзида мужассамлаштирган. Федерализм ҳудудий хилма-хилликни яхшироқ сақлаш, алоҳида ҳудудлардаги фуқароларга эса ўз доираларида сиёсий бошқарув ва қурилишни қўллаб-қувватлаш учун имконият яратади.

Бундан ташқари, вазифаларнинг федерация ва ўлкалар ўртасида тақсимланиши ҳокимиятнинг бўлиниши ҳамда мувозанати тизимида муҳим таркибий қисм саналади. Ўлкаларнинг Бундесрат орқали федерал даражада сиёсий хоҳиш-иродасини билдиришда иштирок этиши ҳам шулар жумласидандир. Федератив тизим ўлкалар ўртасида рақобатни кучайтириш ва янада қуйи даражаларда янгиланишларни жорий этиш имконини беради. Масалан, муайян ўлка бутун федерация мисолида таълим соҳасида ислоҳотлар ўтказиш учун янги моделни ўзида синаб кўриши ёки ўзи яратиши мумкин.

ГФР мустақил 16 федерал ўлкадан иборат. Уларнинг айримлари азалий анъаналарга эга. Германия ҳар доим ўлкалардан иборат бўлган. Аммо асрлар давомида унинг жуғрофий харитаси тез-тез ўзгариб турган. Ҳозирги кўринишдаги федерал ўлкалар 1945 йилдан кейин ташкил этилди. Бунда кўпинча умумий юртдошлик анъаналари ва тарихий шаклланган чегаралар инобатга олинди.

Германиянинг Асосий Қонунида федерализмнинг устувор принциплари белгиланган. Улар жумласига субсидиарлик принципини ҳам киритиш жоиз. Бу принципга мувофиқ янада қуйи даражада ҳал қилиб бўлмайдиган ишларнигина кейинги юқори даражада яхшироқ йўлга қўйиш мумкин бўлади. Бунинг натижасида алоҳида шахс, унинг оиласи ва яқинлари доираси, район, шаҳар ёки қишлоқ, ўлка ва федерация, сўнгра Европа Иттифоқигача юқорилаб борувчи ўзига хос пиллапоя юзага келади.

Германияда федерал бошқарув асосан ташқи алоқалар, ишга жойлашишда воситачилик, божхона хизмати, федерал чегара мудофааси ва бундесвер соҳасида амалга оширилади. Маъмурий фаолиятнинг катта қисми ўлкалар томонидан мустақил

амалга оширилади. Федерация юрисдикцияси асосан Федерал Конституциявий суд ва бошқа федерал судлар билан чекланади. Бу судлар ҳуқуқнинг бир хил, яхлит талкин қилинишини таъминлайди. Бошқа барча судлар ўлкаларнинг судлари ҳисобланади. Қонунчиликка келсак, ўлкаларга Федерация тасарруфида бўлмаган ёки Асосий Қонун бўйича унга берилмаган соҳалар ажратилади. Шу боис бугунги кунда ўлкаларнинг қонунчилик соҳаси кўпроқ таълим тизими ва маданий сиёсат соҳасини қамрайди. Бу, ўз навбатида, уларнинг «маданият соҳасида суверен эканлиги»ни намоён этади. Коммунал ҳуқуқ ва полиция хизматини тартибга соладиган қонунчиликни ҳам шулар жумласига киритиш мумкин.

Шундай қилиб, ГФРда федерация, ўлкалар ва жамоалар ҳамкорлигига таянилади. Бунда Федерация умумий белгиланган доирада ваколатга эга бўлади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш. Германияда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қуйидаги тарзда ташкил этилади: ўлка округларга бўлинади (бунда вакиллик органи бўлмайди, унга ўлка ҳукумати томонидан тайинланадиган ҳукумат президенти раҳбарлик қилади), бу округлар ўз навбатида районлар мақоми билан районлар ва шаҳарларга, улар эса жамоалар мақоми билан жамоалар ва шаҳарларга бўлинади (улар муниципал кенгашларга эга бўлади, фуқаролар ёки кенгаш бургомистрни сайлайди).

ГФРда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг тўртта асосий модели бор. Булардан бири Жанубий Германия модели (Баварияда)дир. Унинг вакиллик органи – жамоа кенгаши, ижро ҳокимиятини бургомистр амалга оширади, асосий роль кенгашга тегишли. Аҳоли ҳам кенгашни, ҳам бургомистрни сайлайди. Шимолий Германия модели (Қуйи Саксония)га кўра вакиллик органи (кенгаш) жамоа директорини сайлайди ва ҳал қилувчи вазифани бажаради. Кенгаш-Бургомистр модели (Пфальц, Саар)да вакиллик органи аҳоли томонидан сайланади, бургомистрни вакиллик органи сайлайди, муҳим вазифаларни бургомистр ҳал қилади. Кенгаш-Магистратура (Гессен, Гамбург) моделида вакиллик органини аҳоли сайлайди. Кенгаш ижро ҳокимияти бўлган магистратурани сайлайди. Бургомистр фақат жорий ишлар билан шуғулланади, муҳим масалалар бамаслаҳат ҳал қилинади.

Германияда коммунал ўзини ўзи бошқариш азалий анъаналарга эга. У фуқаролар эркинлигини ифода этади ва ўрта асрларнинг эркин шаҳарлари имтиёзларига бориб тақалади. Ўша

пайтларда шаҳар ҳуқуқи одамларни феодал қуллик зулмидан озод этган («Шаҳар ҳавосидан озодлик уфуради» деган немисча мақол шундан келиб чиққан). Айни пайтда коммунал ўзини ўзи бошқариш биринчи навбатда барон Штейн ислоҳотлари, аниқроқ 1808 йилги Пруссия шаҳар низоми билан боғлиқ.

Германиянинг Асосий Қонуни бу анъанани давом эттириб келмоқда. Унда шаҳарлар, жамоалар ва округларда коммунал ўзини ўзи бошқариш бевосита кафолатланади. Шунга мувофиқ улар маҳаллий даражадаги барча ишларни мавжуд қонунлар доирасида мустақил ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Барча шаҳар, жамоа ва округлар демократик тузилмалардан таркиб топиши керак.

Асосий Қонун ва давлат ҳокимиятининг асосий тармоқлари. Асосий Қонунда бошқарувнинг федератив парламент республикаси шакли белгиланган. Унда парламент республикаси учун хос шаклда ҳокимиятни тақсимлаш принципи мустаҳкамланган.

Қонунчилик ҳокимияти. ГФРда қонунчилик жараёнида иккита орган – Бундестаг ва Бундесрат иштирок этади. Қонунчилик жараёнида Федерал президент ҳам иштирок этади – у қонунларни имзолайди ҳамда уларни иккинчи бор кўриб чиқиш учун қайтариш ҳуқуқига эга. Кўпчилик немис олимлари ГФРда парламент бир палатали ва бу Бундестаг деб ҳисоблайди. Бундесратни эса шаклланиш услубига кўра, ўлкалар ижро ҳокимиятининг ваколатли органи деб биладилар ва ўлкалар Бундесрат ёрдамида қонунчиликда иштирок этади. Айрим немис ва хорижий ҳуқуқшуносларда Бундесрат Бундестаг билан тенг мақомга эга бўлмаса-да, парламентнинг иккинчи палатасидир, деган ёндашув ҳам мавжуд. Айтиш жоизки, Германияда парламентаризм ҳақидаги баҳслар анчадан буён давом этиб келмоқда[1].

ГФР халқининг вакиллик органи – Бундестагдир. Парламентни фақат истисно тариқасида муддатидан олдин тарқатиб юбориш мумкин ва бу Федерал президент ваколати доирасига киради. Қонун ижодкорлиги, Федерал канцлерни сайлаш ва ҳукумат фаолиятини назорат қилиш Бундестагнинг муҳим вазифалари ҳисобланади. Бундестаг пленуми – бу ички ва ташқи сиёсатнинг ҳал қилувчи масалалари муҳокама қилинадиган йирик парламент баҳслари форумидир.

---

[1] K. Hesse: Grundzüge des Verfassungsrechts der BRD, II. Auflage, Heidelberg u.a. 1978; G. Leibhotez: Verfassungsstaat – Verfassungsrecht, Stuttgart 1973.

Бундесрат[1] 16 федерал ўлка вакиллик органи сифатида федератив давлат тузумини ифода этади ва ўлкаларнинг ҳукуматлари аъзоларидан таркиб топган. Ҳар бир федерал ўлка ўз аҳолиси сонига қараб унда 3–6 овозга эга. Бундесрат туфайли федерал ўлкалар федерация даражасида қонунчилик ва ижро фаолиятида иштирок этади. Шу билан бирга, Бундесрат ўлкаларнинг бевосита органи эмас, балки фақат федерал ваколатларга эга федерал органдир.

Сиёсий кучларни федерация даражаси ва ўлкаларда турлича тақсимлашда Бундесрат сиёсий тарози посонгиси ва мухолифат учун тегишли восита ҳам бўлиши мумкин. Бундай вазиятда уни обструкционизмда айблаш ўринсиздир. Қатъий белгиланган ротация, алмашлаш тартибига мувофиқ Бундесрат ўз раисини ўлкаларнинг тавсия этилган вакиллари орасидан бир йил муддатга сайлайди. Бундесрат раиси Федерал президент ўз вазифасини бажара олмай қолган ҳолларда унинг вазифасини амалга оширади. Бундестагда қонун лойиҳалари уч марта ўқилади ва одатда биринчи ўқишдан сўнг муҳокама қилиб маромига етказиш учун тегишли қўмитага юборилади. Учинчи ўқишда қонун овозга қўйилади ва агар унга кўпчилик овоз берган бўлса (Асосий Қонунга тузатишлар бундан истисно), қабул қилинган ҳисобланади.

Асосий Қонуннинг 70-моддасига мувофиқ, ўлкалар Асосий Қонун томонидан федерацияларга бириктирилмаган қонунчилик ваколатлари даражасида қонунчиликни амалга ошириш ҳукукига эгадир. Аслини олганда, федерал даражадаги қонунчилик – агар федерация ваколатининг мақсадга мувофиқлиги аниқ кўзда тутилмаган бўлса, – бу ўлкалар ваколати доирасидаги ишдир. Шу сабабли федерация ваколатлари мутлақ, рақобатлашувчи ва муайян ҳукукий доирадаги қонунчиликка бўлинади. Федерация ваколатига кирувчи мутлақ қонунчиликка, масалан, хорижий давлатлар билан муносабат, мудофаа, валюта ва пул тизими, ҳаво йўллари ва солиқ қонунчилигининг бир қисми киради. 1949 йилдан то 2002 йилгача парламентда кўриб чиқиш учун 9200 тадан ортиқ қонун лойиҳаси тақдим этилган ва шунинг 5640 тасидан зиёди қабул қилинган. Бу ўринда мавжуд қонунларга тузатишлар киритиш ҳақида сўз

---

[1] Бундестаг ва Бундесрат 1949 йили бир-бирига монанд тарзда шаклланган Рейхстаг ва Рейхстратнинг ўрнини эгаллади. Рейхстаг 1893 йилга қадар 3 йилга, 1893–1912 йилларда 5 йилга сайланарди. 1990 йил 31 августдаги битимга мувофиқ ГДР 1990 йил 3 октябрда ГФР таркибига кирди. Бу ГФРнинг 1990 йил 11 июндаги сайлов қонунига ўзгартишларда ўз аксини топган.

киритилмоқда, албатта. Қонун лойиҳаларининг аксарияти Федерал ҳукумат, қолган қисми Бундестаг ва Бундесрат депутатлари томонидан киритилади.

Асосий Қонун оддий қонунлар ва Бундесрат маъқуллайдиган қонунлар ўртасидаги тафовутни белгилайди. Бундесрат оддий қонунчиликка ҳам муайян даражада таъсир ўтказиши мумкин. У ташаббус кўрсатиш ҳуқуқига эга, келишув қўмитасига мурожаат қилиши ва Бундестаг қабул қилган қонундан норози бўлиб шикоят қилиши мумкин. Қонунлар авваламбор ўлкаларнинг жиддий манфаатлари, масалан ўлкалар ижро ҳокимиятининг маблағлари ёки суверенитетига дахлдор бўлган тақдирда Бундесрат томонидан маъқулланиши керак бўлади. Бундан ташқари, Асосий Қонунга тузатишлар киритиш ҳамда ҳукуматнинг федератив тузилмасига тааллуқли масалаларда ҳам Бундесратнинг қўллаб-қувватлаши талаб этилади. Асосий Қонунга тузатишлар киритиш учун Бундестаг ва Бундесратда овозларнинг учдан икки қисми талаб қилинади.

Ижро ҳокимияти. Федерал президент давлат бошлиги ҳисобланади[1], ҳукумат эса Федерал канцлер бошчилигида ижро ҳокимиятини амалга оширади. Президентни Федерал мажлис – махсус чақириладиган конституциявий орган сайлайди. Унинг таркибига Бундестаг депутатлари ва мутаносиблик асосида ўлкалар парламентлари томонидан сайланадиган шунча делегат киради. Баъзида Федерал мажлис таркибидан депутат ҳисобланмаган обрўли арбоблар ҳам жой эгаллайди. Федерал президент беш йил муддатга кўпчилик овоз билан сайланади. Қайта сайланишга бир марта ижозат берилади. Камида 40 ёшга тўлган ГФР фуқароси президент бўлиши мумкин.

Федерал президент асосан вакиллик вазифаларини бажаради ва холис куч ҳамда Асосий Қонун посбони сифатида мувофиқлаштирувчи ўрин тутади. У федерация номидан хорижий давлатлар билан битимлар тузади, элчиларни тайинлайди ва қабул қилади, федерал судьялар ва мансабдор шахсларни, офицерлар ҳамда унтер-офицерларни тайинлайди ва вазифасидан озод этади. Федерал президент федерация номидан афв этиш ҳуқуқини рўёбга чиқаради,

---

[1] 1871–1918 йилларда давлат раҳбари император бўлган. 1934 йилгача (1919, 1920 йиллардан ташқари) кенг ваколатларга эга бўлган Президент умумхалқ сайловида 7 йил муддатга сайланган. 1934–1945 йилларда Канцлер (ҳукумат бошлиғи) ўз лавозимини Президентлик амали билан бирга адо этган. 1949 йилдан бошлаб Президент парламентнинг иккала палатаси томонидан 5 йил муддатга сайланади.

қонунларни расмийлаштиради ва бу қонунлар Асосий Қонунда кўзда тутилган тартибда тайёрланганлигига шубҳа қилмаса, уларни «Федерал қонунлар ахборотномаси»да эълон қилишга рухсат беради. Федерал президент Бундестагга (мажоритар нисбатни ҳисобга олган ҳолда) Федерал канцлер лавозимига номзодни тавсия этади ва сайланганидан сўнг уни бу лавозимга тайинлайди. Федерал канцлер таклифига биноан федерал вазирларни тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Федерал президент жамиятнинг сиёсий яқдиллигини ифодалайди. У партиялар устидан назорат қилувчи, мувофиқлаштирувчи ва холис омил сифатида бош сиёсий ва ижтимоий муаммолар бўйича ўз фикрини билдиради. Шу тариқа Федерал президент фуқароларни сиёсий ва ахлоқий йўналтириш мезонларини таклиф этиш имконига эга.

Федерал ҳукумат. Федерал ҳукумат Канцлер ва вазирлардан ташкил топган. Шу боис ГФРни кўпинча канцлерлик республикаси деб аташади. Парламент федерал вазирларни тайинлашда иштирок этмайди, фақат Федерал канцлерни тайинлайди. Вазирлар Президент томонидан Канцлер таклифига биноан тайинланади. Ҳукумат фаолияти учун Канцлер ҳам жавобгар, у ўз лавозимидан кетиши билан вазирлар ҳам истеъфога чиқади.

Федерал канцлер Федерал ҳукумат доирасида федерал вазирларга нисбатан мустақил ва юқори лавозимни эгаллайди. Вазирлар Маҳкамасига раислик қилади. Фақат Канцлер ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқига эгадир. У вазирларни танлайди ва Федерал президентга уларни тайинлаш ёки ишдан бўшатишни таклиф қилади. Бундан ташқари Федерал канцлер Вазирлар Маҳкамасида нечта вазир бўлишини ҳал қилади ҳамда уларнинг фаолият соҳасини белгилайди.

Федерал канцлернинг кучли позицияси, авваламбор, унинг кўрсатма бериш ваколатига асосланган. У ҳукумат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди. Федерал вазирлар ушбу йўриқномалар доирасида ва жавобгарликни зиммасига олган ҳолда, ўзларига ишониб топширилган вазирлик ишини мустақил бошқаради. Ҳукумат коалициялари доирасида сиёсий фаолият юритиш амалиётида Федерал канцлер коалиция бўйича шериги билан келишувни ҳисобга олиши ва етакчи партияларнинг парламент фракцияларини ўзи юргизаётган сиёсатнинг тўғрилигига ишонтира билиши даркор.

Федерал канцлер ҳукуматнинг парламент томонидан сайланадиган ягона аъзоси, шу сабабли у биринчи навбатда парламентга ҳисобот беради. Унга федерал вазирлар ҳам бевосита ҳисобот беради. Бундестаг кўпчилик овоз билан унинг ўрнига муайян номзодни сайлаган тақдирдагина Федерал канцлерга ишончсизлик билдириши мумкин. Федерал канцлер эса Бундестаг олдига ишонч тўғрисидаги масалани қўя олади. Агар унга нисбатан ишонч рад этилса, Федерал президент Федерал канцлер таклифига мувофиқ Бундестагни тарқатиб юбориши мумкин.

Бундай чора, Веймар Конституциясидан онгли равишда узоқлашишни ҳисобга олган ҳолда, Асосий Қонунда кўзда тутилган ва у ҳукуматни ягона мукобил давлат дастури эмас, балки ҳукуматни истеъфога чиқариш талаби бирлаштириб турадиган мухолифат гуруҳлар томонидан ағдарилиш хавфидан ҳимоя қилади. Федерал канцлерга ишончсизлик вотумини билдириш учун йиғиладиган Бундестаг кўпчилик овоз билан унинг ўрнини эгаллайдиган номзодни сайлаши керак. Ҳозиргача «конструктив ишончсизлик вотуми» йўли билан Федерал канцлерни икки марта ағдаришга уриниш содир бўлган. 1982 йилнинг октябрида ўша пайтда амалдаги ҳукумат раҳбари Г. Шмидтга ишончсизлик билдирилгани натижасида Г. Коль Федерал канцлер этиб сайланган.

Бюджет ижроси ва хўжалик юритиш устидан федерация ва ўлкалар даражасида назорат қилиш Федерал саноқ палатаси ва 16 та ўлканинг саноқ палаталари зиммасига юклатилади. Бу Германиянинг федератив тузуми тамойилига ва федерация ҳамда ўлкалар бюджети мустақиллиги конституциявий тамойилига мутаносибдир. Федерал саноқ палатаси давлат молия назоратининг мустақил органи сифатида бюджет ижроси ва хўжалик юритишни федерация даражасида текшириш билан шуғулланади. Бунда у давлат маблағлари белгиланган тартибда тежаб-тергаб сарфланишини назорат қилиб боради.

Германия Бундестаги Федерал ҳукумат таклифига биноан маълумотларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича федерал вакилни сайлайди. Вакилнинг вазифаси шундан иборатки, у қонунчилик чоралари доирасида ҳукумат ва парламентга маълумотларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича маслаҳатлар беради, ҳокимиятнинг федерал органлари, телекоммуникация ва почта хизмати оферентлари шахсга тааллуқли маълумотларга

қандай муносабатда бўлаётганини назорат қилади ва бу органларга маълумотларни муҳофаза қилишга доир тавсиялар беради. Маълумотларни муҳофаза қилиш борасида манфаатлари камситилган ҳар қандай фуқаро федерал вакилга шикоят қилиши мумкин. У икки йилда бир марта Бундестагга ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот беради.

Асосий Қонун ва ГФРнинг ҳуқуқий тизими. Тарихан ёндашганда, Германиянинг ҳуқуқий тизими Рим ҳуқуқига ва бошқа ҳуқуқий манбаларга ҳам таянади. XX асрда илк бор бутун Германия империяси учун ягона хусусий ҳуқуқ тизими жорий этилди. Германия фуқаролик низоми ва Савдо кодексида улар пайдо бўлган даврдаги либерал руҳ ҳанузгача сақланиб қолган. Эркин шартномалар тузиш тамойили бу ҳужжатлар моҳиятига хос дастуриламал жиҳатлар ҳисобланади.

Германия ҳуқуқий тизимига XIX асрдаёқ асос солинган. Бу, аввало, суд тизими тўғрисидаги қонундир. Ушбу қонун судларни ташкил этиш, уларнинг тузилмаси, ваколати, фуқаролик процессуал ва жиноят процессуал кодекслари билан тартибга солинган. 1900 йилда кучга кирган Германия фуқаролик низоми, фуқаролик процессуал ва жиноят процессуал кодекслар либерал ва демократик кучлар томонидан XIX асрнинг сўнгги йилларида империя ҳукумати даврида яратилган эди. Германиянинг ушбу кодекслари кейинчалик кўплаб хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимлари учун ҳам намуна бўлди.

Германияда ҳуқуқий соҳа ҳаётнинг деярли барча жабҳаларини қамраб олган. Шу сабабли ҳозирги замон Германия қонунчилиги мавжуд ҳуқуқий меъёрларни ижтимоий ривожланиш йўналишлари ва бунинг натижасида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш заруратига мувофиқ мослаштириш ҳамда ўзгартиришни ўзида ифода этади.

Асосий Қонун Германия ҳуқуқий тизимининг ўзагидир. Шу билан бирга, бу ерда Европа Иттифоқининг ҳуқуқ нормалари ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига ҳам амал қилинади. Федерал ҳуқуқ қарийб 1900 қонун ва 3000 ҳуқуқий ҳужжатни ўз ичига олади. Қонунлар Бундестаг томонидан қабул қилинади, кўрсатмалар эса Федерал ҳукумат томонидан ушбу қонунлар асосида чиқарилади. Ўлкалар ҳуқуқи – полиция хизмати ва коммунал ҳуқуқдан ташқари – асосан мактаблар ва университетлар тизимини, шунингдек,

матбуот, радио ва телевидение фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий меъёрларни қамраб олади.

ГФРнинг ҳуқуқий тизими асослари авваламбор моддий ва процессуал ҳуқуқда мустаҳкамланган. Жиноий ҳуқуқда содир этилган жиноят учун у амалга оширилгунга қадар қонун томонидан жазо белгиланган ҳолатдагина жазолаш мумкинлиги тўғрисидаги – Асосий Қонун томонидан конституциявий даражага олиб чиқилган қоида амалда қўлланилади. Ҳеч ким содир этган битта жиноий қилмиши учун бир неча марта жазоланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоида ҳам конституциявий мақом касб этган. Шахс озодлигини фақат қонунга асосланган ҳолда чеклаш мумкин. Ҳибсда ушлаб туриш мумкинлигини ва унинг муддатларини фақат судья ҳал қилади. Ҳар қандай шахснинг озодлигини чеклаш билан боғлиқ судья қарорига асосланмаган хатти-ҳаракатлар ноқонуний ҳисобланади. Полицияга олдиндан ҳибсга олиш учун рухсат этилади. Бироқ полиция, ўз ваколатига асосланиб, ҳеч кимни қонунда белгиланган муддатдан ортиқ ушлаб туриши мумкин эмас.

Судда ҳар бир кишига ҳуқуқ масалалари бўйича уни тинглаш кафолатланади. Бу қоида ҳам Асосий Қонунда белгиланган ва қонун устуворлиги тамойилининг муҳим таркибий қисми саналади. Одил судлов фақат қонунга итоат қиладиган мустақил судьялар зиммасига юклатилган. Одатда судьяларни лавозимидан озод этиш ва ўз ихтиёрисиз бошқа ишга ўтказиш мумкин эмас. Германияда фавқулодда судлар тақиқланган.

Суд ҳокимияти. ГФРда олий суд органларининг йўқлиги мамлакатнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бундай органлар федерацияда ҳам, ўлкаларда ҳам мавжуд эмас. Конституциявий адлия деганда Федерал Конституциявий суд ва ўлкаларнинг конституциявий судлари тушунилади. Асосий Қонунга риоя қилишни Федерал Конституциявий суд назорат қилади. 1933 ва 1945 йиллар орасида тўпланган аччиқ тажриба Асосий Қонун асосчиларига сиёсий ҳокимиятни давлат жиловлаб туриши кераклигини яққол кўрсатиб берди. Айнан шунинг учун Парламент кенгаши Асосий Қонунга кенг кўламли ваколатга эга Федерал Конституциявий суд тўғрисидаги қоидани киритди. Эркин ва демократик давлат тузумига бирон-бир партия рахна солиши мумкин ёки мумкин эмаслигини ва бу ҳаракат нечоғли ғайриконституциявий ҳисобланишини фақат

Федерал Конституциявий судгина аниқлаш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда суд тегишли партияни тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилади. Бу эса Федерал Конституциявий суд Германиянинг ҳозирги конституциявий-ҳуқуқий тузумини қўллаб-қувватлаш ва барқарорлигини сақлаш ишида катта аҳамият касб этишидан далолатдир.

Федерал Конституциявий суд унга мурожаат қилинган пайтдан эътиборан ўз фаолиятини бошлайди. Ҳар бир фуқаро – ҳукумат унинг асосий ҳуқуқларини камситганлиги тўғрисида ваколатли судларга қилган мурожаати беҳуда кетганидан сўнг – мазкур судга конституциявий шикоят билан чиқиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, Федерал Конституциявий суд федерация ва ўлкалар ёки айрим федерал органлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Бу суд федерал қонунлар ва ўлка қонунларининг Асосий Қонунга мос келишини текширади. Агар Федерал Конституциявий суд бирон-бир қонунни ҳақиқий эмас деб эълон қилса, унинг қўлланиши ман этилади. Бундай ҳолатлар юзага келган тақдирда Федерал Конституциявий суд ушбу иш юзасидан муайян органлар, масалан федерал ҳукумат ёки ўлка ҳукуматлари органлари, парламент депутатларининг камида учдан бир қисми ёхуд судлар мурожаат қилганда, тегишли ишни кўриб чиқишга киришиши мумкин. Ўтган даврда (2002 йил 31 декабрь ҳолатига кўра) Федерал Конституциявий суд 141 мингтадан ортиқ ишни кўриб чиқди. Шундан қарийб 125 мингтаси конституциявий шикоятлар бўлиб, уларнинг фақат 3360 таси қаноатлантирилди.

Суд одатда жамоатчилик диққат билан кузатиб борадиган ички ва ташқи сиёсий аҳамиятга эга йирик ишларни кўриб чиқади. Масалан, судьялар Бундесвернинг НАТО жавобгарлиги зонасидан ташқаридаги миссияси Асосий Қонунга мос келиши ёки келмаслиги ёхуд Асосий Қонунда мустаҳкамланган яшаш ҳуқуқи абортлар тўғрисидаги жиноий ҳуққуқ меъёрлари билан нечоғли мувофиқлаштирилаётгани каби масалалар билан шуғулланганн маълум. Барча сиёсий йўналишлардаги федерал ҳукуматлар Федерал Конституциявий суд қарорларига итоат этиши лозим. Федерал Конституциявий суд қарорларининг қўлами ниҳоятда кенг. Бу қарорлар у ёки бу даражада

ижтимоий ва иқтисодий масалаларга, фуқаролик ва жиноий ҳуқуқ, ҳарбий сиёсат, халқаро муносабатлар, фуқаролик ва шу каби бошқа масалаларга дахлдордир. Умуман олганда, Федерал Конституциявий суд конституциявий ҳужжатларнинг конунийлиги устидан ҳам мавҳум (абстракт), ҳам аниқ назоратни амалга оширади.

Ўлкалар конституцияларини изоҳлаш бўйича низоларни ўлкаларнинг конституциявий судлари ҳал қилади. Лекин бундай ҳолларда ҳам Федерал Конституциявий судга мурожаат этилишини истисно қилиб бўлмайди.

Федерал Конституциявий суд Карлсруэда жойлашган бўлиб (Баден-Вюртемберг ўлкаси), иккита сенатдан иборат. Ҳар бир сенатда саккизтадан судья бор. Бу судьяларнинг бир қисми Бундестаг, қолган қисми Бундесрат томонидан сайланади. Уларнинг ваколат муддати 12 йил. Федерал Конституциявий суд судьялари қайта сайланмайди. Ушбу суд ўз фаолиятини 1951 йилда бошлаган. Германияда 5 турдаги судлар бор:

1. Умумий судлар – Федерал суд палатаси бошчилигида жиноий ва фуқаролик ишларини кўриб чиқади. Жиноий ва фуқаролик ишлари (чунончи, хусусий-ҳуқуқий шартномаларга оид ишлар, масалан сотиб олиш ёки ижарага олиш, никоҳ ва оила ишлари) оддий судлар – участка суди, ўлка суди, юқори турувчи ўлка суди ва федерал суд ихтиёрига топширилади.

2. Маъмурий судлар – Федерал маъмурий суд бошчилигида бошқарув жараёнида фуқаролар ҳуқуқларига риоя қилиш масаласи бўйича давлат хизматчилари устидан фуқароларнинг даъво аризалари, давлат хизматчиларининг ўз ҳуқуқлари масаласи бўйича низолари, атроф-муҳит муҳофазаси масалалари, маъмурий-ҳудудий бирликлар ўртасидаги низолар ва бошқа масалаларни кўриб чиқади.

3. Меҳнат судлари – меҳнат масалалари бўйича федерал суд бошчилигида иш берувчилар ва ишчилар, ишчилар касаба уюшмалари ва иш берувчилар касаба уюшмалари ўртасидаги низоларни кўриб чиқади.

4. Молия судлари – Федерал молия суди бошчилигида солиқлар ва маблағлар билан боғлиқ молиявий масалаларни кўриб чиқади.

5. Ижтимоий судлар – ижтимоий масалалар бўйича федерал суд бошчилигида фуқароларнинг пенсия, турли ижтимоий нафақалар ва

ижтимоий суғурта тўлови масалалари бўйича давлат муассасалари устидан даъво аризаларини кўриб чиқади.

Судьялар. Германияда 21 мингдан ортиқ профессионал судья одил судлов билан шуғулланади. Улар одатда бир умрга тайинланади. Судьяларнинг тўртдан уч қисмидан ортиги одатий суд жараёнлари соҳасида ишлайди. Одил судловни рўёбга чиқаришда судьялар фақат ҳуқуқ ва қонунларга таяниб иш юритади. Қатор суд соҳаларида суд ишларида нопрофессионал судьялар – маслаҳатчилар иштирок этади. Улар жамият ҳаётининг у ёки бу соҳасини, масалан меҳнат ёки ижтимоий судлов жараёни масалаларини яхши билган ҳолда судларнинг қарорлари реал ҳаётга яқин бўлиши борасида ёрдам беради. Бундан ташқари, маслаҳатчилар фуқаролар қонунларга бевосита риоя этиш борасида муайян маънода бевосита жавобгар эканлигининг ўзига хос намоёни ҳамдир.

Адвокатлар. Германияда 100 мингдан ортиқ адвокат барча тоифалардаги ҳуқуқий масалалар бўйича мустақил маслаҳатчи ва вакиллар сифатида фаолият кўрсатади. Улар судда ўз ҳимоясидаги кишилар манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда одил судлов жараёнида фаол иштирок этади. Уларнинг алоҳида касбий мажбуриятлари мавжуд бўлиб, унга риоя этилишини адвокатлар ҳайъати, шаън ва қадр-қиммат судлари назорат қилиб боради. Профессионал судьялар, прокурорлар ва албатта, адвокатлар ҳам тегишли малакага эга бўлиши лозим. Бу уларнинг олий юридик маълумотли бўлиши, кейинчалик амалий тайёргарликдан ўтиши ва тегишли давлат имтиҳонларини топшириши кераклигини англатади.

Прокурорлар. 5000 дан ортиқ прокурор жиноий ишлар ва жазони ижро этиш соҳаларида ишлайди. Улар жиноят содир этганликда гумон қилиш факти бўйича тергов ишларини полиция кўмагида олиб борадилар. Бу ишларнинг барчаси билан прокуратуралар шуғулланади ва назорат қилади. Тергов ишлари ниҳоясига етгач, ишни юритишни давом эттириш ёки айблов эълон қилишни прокуратура ҳал этади. Прокурор суд жараёнида айбловчи томон сифатида намоён бўлади.

Полиция. Жамоат хавфсизлиги ва тартибни сақлаш давлатнинг асосий вазифаларидан биридир. Германияда бу иш ҳам ўлкаларнинг, ҳам федерациянинг зиммасига юклатилган. Полиция ва полиция

ҳуқуқи асосан ўлкалар тасарруфидадир. Федерацияга полиция ваколатлари, Асосий Қонунга мувофиқ ҳолда, фақат муайян соҳалардагина берилади.

Ўлкалар полицияси таркибига умумполиция хизмати, жиноий полиция ва сув полицияси киради. Полициянинг вазифалари жиноятнинг олдини олишдан тортиб, жиноятни очишгача бўлган жараёнларни қамрайди. Умумполиция хизмати биринчи навбатда майда ва ўрта ҳуқуқбузарликлар билан шуғулланса, хавфли жиноятлар ва жиноий ҳаракатлар бўйича суриштирув ишлари жиноий полициянинг фаолият соҳасига киради. Жиноий ҳаракатлар бўйича суриштиришда полиция бу борадаги ишларни юритаётган прокуратурага бўйсунади. Махсус полиция бўлинмаларидан асосан гаровга олинганларни озод этиш, муҳим аҳамиятга молик воқеалар найтида қўриқлаш чораларини кўриш, шунингдек, кузатув ва қидирув ишларида фойдаланилади.

Эркин демократик тузумни самарали ҳимоя қилиш мақсадида Асосий Қонунни муҳофаза қилиш бўйича федерал ва ўлкалар идоралари хавфсизликка таҳдид туғдирувчи экстремистик ният ва режалар ҳақида маълумот тўплайди, бундай маълумотларни Федерал ҳукумат ва ўлкалар ҳукуматлари, ижро органлари ва судлар учун таҳлил қилиб беради. Асосий Қонунни муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган махсус органлар сирасига контрразведка ҳам киради.

Кельндаги Асосий Қонунни муҳофаза қилиш бўйича федерал идора федерал ички ишлар вазирлигига бўйсунади. Бу идора Конституцияни муҳофаза қилиш борасида ўлкалар органлари билан ҳамкорлик қилади. Конституцияни муҳофаза қилиш органлари полицияга хос ижро ҳокимияти ваколатларига эга эмас, яъни уларга сўроқ қилиш ёки ҳибсга олиш рухсат этилмайди. Ушбу органларнинг фаолияти ваколатли вазирлар, парламентлар ва маълумотларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича вакил томонидан бир неча босқичда жиддий назорат қилиб борилади. Бундан ташқари, бундай назорат доираси ушбу идораларнинг фуқароларга оғирлик туширган айрим чораларини судда кўриб чиқиш имконияти билан кенгайтирилган.

Асосий Қонунни ўзгартириш тартиби. ГФР Асосий Қонунига тузатишлар киритиш учун ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар

тўғрисидаги қонунга Бундестаг депутатларининг учдан икки ҳамда Бундесрат аъзоларининг ҳам шунча қисми овоз бериши талаб этилади.

Асосий Қонуннинг 50 йиллик тарихида унга 150 тадан кўпроқ тузатиш киритилган. Бунинг натижасида матнда учта янги бўлим, қиркдан зиёд янги модда пайдо бўлган, 80 та модда тўлик ёки қисман бекор қилинган, тўлдирилган ёхуд ўзгартирилган (моддаларнинг айримлари бир неча марта қайта кўриб чиқилган). Дастлабки матн 146 моддадан иборат бўлгани эътиборга олинадиган бўлса, конституцияга тузатишлар кўлами қанчалик кенг экани яққол кўзга ташланади. Шу тариқа агар XIX асрдан эътиборан кодификациялаштириш 1896 йил 18 августда қабул қилинган ва 1900 йил 1 январдан кучга кирган Германия фуқаролик низомининг барқарорлиги ва деярли ўзгармаслигини таъминлаган бўлса, ГФРнинг Асосий Қонунига нисбатан бундай деб бўлмайди. ГФРнинг Асосий Қонуни оммавий ҳуқуқни кодификациялаш намунаси ҳисобланади, у дунёнинг конституциявий харитасида замонавий конституционализм андозаларидан бири сифатида умумэътироф этилган. 2004 йилда Германия миллий ҳуқуқий тизимининг негизи бўлиб келаётган Асосий Қонун қабул қилинганининг 55 йиллиги нишонланди. Мухтасар айтганда, ГФРда Асосий Қонунни кўпинча конституциявий тузум ва ҳуқуқий тартибнинг ўзи деб биладилар, яъни шундай эъзозлайдилар.

Асосий Қонун шарофати билан Германия фуқароларида давлатга нисбатан ижобий муносабат устувор аҳамият касб этди: «Илгари етакчи куч сифатида намоён бўлган давлат эндиликда мақбул ҳамкорга айланди, у ошкоралашди... Давлат ҳокимияти фуқароларга нисбатан ҳуқуқ негизида муносабатда бўлишига эришилди. Асосий ҳуқуқларнинг аҳамияти ва амалий таъсири ортди, суд ҳокимияти барча даражаларда кучайди, оммавий ҳуқуқ доирасидаги ҳуқукий ҳимоя эса илгари Германия конституциявий ҳуқуқи тарихида кузатилмаган миқёсда кенгайди» (Ханс Майер).

Асосий Қонун матнини ўрганиш ўзбек ўқувчисига, айниқса, ҳуқуқшуносларимизга амалий, илмий ва таълим-педагогика мақсадларида фойдалидир. Асосий Қонун амалдаги қонунчиликнинг асосий ҳужжати сифатида Германия билан тобора кенгайиб бораётган икки томонлама муносабатларимизда

эътиборда туриши керак. Бундан ташқари, Асосий Қонун оммавий ҳуқуқ соҳасида конституциявий-қонунчилик техникасининг ижобий намунаси бўлиб қолаётир. Мамлакатимизда ушбу соҳада қонун лойиҳаси ишлари фаоллашганини эътиборга оладиган бўлсак, Асосий Қонун матни миллий қонунчилик ижодкорлари учун фойдали бўлиши табиий. Буларнинг барчаси ГФР Асосий Қонуни замонавий нашрини ўзбек тилида тўлиқ чоп этиш зарур эканлигини англатади. Шубҳасиз, Асосий Қонун билан танишув кўп жиҳатдан, жумладан замонавий конституционализмнинг умуминсоний ҳуқуқий қадриятларини қабул қилишга қаратилган конституциявий-ҳуқуқий онг ва конституциявий ватанпарварликни шакллантириш нуқтаи назаридан ўзбек ўқувчиси учун ғоят қўл келади.

ГФР Асосий Қонунининг амалдаги матнини ўзбек тилида чоп этиш юртдошларимизни хорижий давлатларнинг замонавий конституциялари билан таништириб боришга доир ишларнинг давомидир[1]. Асосий Қонунни чоп этилишини ташкил этиш ва тайёрлаш Ф. Эберт номидаги жамғарма кўмагида амалга оширилди – жамғарма нашр билан боғлиқ барча сарф-харажатларни зиммасига олди. Ф. Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари доктор Р. Крумм ва жамғарманинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари Н. Резяповага ушбу нашрни тайёрлашдаги иштироки учун алоҳида миннатдорлик билдиришни зарур, деб биламиз.

Нашрнинг муваффақияти, албатта, таржима савиясига ҳам боғлиқдир. Таржима борасидаги ишларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Девонининг матбуот ва таржима бўлими

---

[1] Кейинги йилларда ўзбек тилида чиққан нашрлар: Америка Қўшма Штатлари Конституцияси // Кириш сўзи муаллифи А. Х. Саидов. Таржимон Х. Турсунов. Т.: «Адолат», 2004. 44 бет; Словакия Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2002. 336 бет. Ушбу тўпламда Словакия Республикаси Конституцияси ўзбек, словак, инглиз ва рус тилларида берилган; Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Конституцияси // Кириш сўзи муаллифи ва масъул муҳаррир А. Х. Саидов. Таржимон А. Юнусов. Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2002. 47 бет; Жаҳон конституциялари (жаҳон давлатлари конституциялари тўплами, 1-жилд). // Тузувчилар, муқаддима ҳамда кириш сўзи муаллифлари У. Тожихонов ва А. Х. Саидов. – Т.: «Адолат», 2001. 456 бет. Мазкур тўпламдан дунёнинг 8 мамлакати конституцияси жой олган.

мудири Р. Қосимов ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош муҳаррири ўринбосари, ҳуқуқ магистри Ғулом Мирзони жалб этдик.

Нашрни тайёрлашда К. Сафарова, М. Пальнова, С. Собирова, А. Трубицин ҳам яқиндан ёрдам берди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ГФР Асосий Қонуни матни таржимаси жараёнида баъзи бир муаммоларга дуч келинди, хусусан, айрим немис юридик атамалари учун ўзбек тилида тўғридан-тўғри мос, муқобил сўзлар йўқлиги муайян қийинчиликлар туғдирди. Шу сабабли баъзи ўринларда асосий матн маъно-мазмунини сақлаб қолиш максадида сўзма-сўз таржимадан бир оз чекинишга тўғри келди ва бундай ҳолларда масъул муҳаррир изоҳлари илова қилинди. Таржима муаллифлари ва матн муҳаррирлари ушбу мураккаб иш натижаларини янада яхшилашга ёрдам берадиган ҳар қандай фикр-мулоҳазаларни кутиб қолади ва бунинг учун олдиндан миннатдорлик билдиради.

ГФР Асосий Қонунининг ўзбекча нашри турли ўзгартиш ва қўшимчалар билан тўлдирилган 2002 йил июлдаги матни асосида тайёрланган.

Умид қиламизки, мазкур нашр ўзбек ҳуқуқшунослари ва бошқа қизиққан кишилар учун фойдали бўлибгина қолмай, айни чоғда Ўзбекистон ва Германия ўртасида ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорлик ривожига ўзига хос ҳисса қўшади. Қолаверса, кейинги йилларда Ф. Эберт номидаги жамғарма томонидан қатор нашрлар чоп этилгани ва уларнинг барчаси жамоатчилигимиз эътирофига сазовор бўлганидан яхши хабардормиз[1]. ГФР Асосий Қонунининг ўзбекча нашри ҳам юртдошларимизнинг шундай юксак эътиборини қозонишига ишончимиз комил.

---

[1] Масалан: «Ал-Мотуридий ўгитлари ва унинг Шарқ халқлари маданиятидаги ўрни» // Конференция материаллари. – Т., 2000; Р. Ульрих. Ал-Мотуридий ва Самарқандда суннийлар теологияси. – Т., 2001; Ўзбекистонликнинг ижтимоий қиёфаси (социологик тадқиқот натижалари). – Т., 2002; Марказий Осиё: геоиқтисодиёт, геосиёсат ва хавфсизлик. – Т., 2002; Ислом Ўзбекистон аҳолиси ҳаётида (социологик тадқиқот натижалари). – Т., 2003; Ислом ва аристократик давлат. – Т., 2003; Мустақил Ўзбекистон хотин-қизлари. – Т., 2004; Марказий Осиё XXI асрда: ҳамкорлик, шериклик ва мулоқот // Конференция материаллари. – Т., 2004; Аҳолисининг кўпчилиги мусулмон бўлган мамлакатларда дин ва сиёсат // Конференция материаллари. – Т., 2004.

2.2. ГФРнинг ПАРТИЯЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЎРГАНИШГА КИРИШ

2005 йилда Германия Федератив Республикаси Асосий Қонуни матнининг ўзбек, немис ва рус тилларидаги расмий нашри чоп этилди[1]. Ушбу китоб Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламенти – Олий Мажлис депутат ва сенаторлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, талабалари, аспирантлари, илмий ходимлари ҳамда ҳозирги Германия билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига фойдали бўлди. Мазкур китоб нашр этилгач бу каби фойдали ишларни давом эттириб, ГФРнинг 1967 йил 21 июлдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунининг расмий матнини ҳам чоп этиш истаги билдирилди. Ўқувчи диққатига айнан шундай китоб ҳавола этилмоқда.

Бугунги кунда хорижий юридик тажрибага мурожаат этиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Чунки Ўзбекистон миллий қонунчилигини тараққий эттиришда ривожланган демократик давлатлар қонунчилигини инобатга олиш манфаатлидир. Хорижий мамлакатлар қонунчилигига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ушбу қонунчиликни кўр-кўрона кўриб олиш дегани эмас, албатта. Кўчирмачилик хоҳ илм-фанда, хоҳ санъатда, хоҳ сиёсий амалиётда бўлсин – ҳеч қачон ва ҳеч қаерда амалга оширилган асл ишни худди ўшандай такрорлай олмаган.

Шубҳасиз, Германиянинг сиёсий-ҳуқуқий тажрибаси умумжаҳон юридик тажрибасининг ажралмас узвий бир қисмидир. Бу билан кўп нарса назарда тутилган, лекин ҳамма нарса эмас. Германия бизнинг диққатимизни ўзининг Иккинчи жаҳон урушидан сўнгги саноқли ўн йилликлар давомида эришган катта ютуқлари билан жалб этади. Бунда немис қонунчилиги ниҳоятда катта роль ўйнаган.

Ўқувчиларни ГФРнинг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни билан таништириш, биринчидан, сиёсий партияларнинг ҳозирги жамиятда тутган муҳим ўрни; иккинчидан, Ўзбекистонда кўппартиявий тизимнинг ривожланиши; учинчидан, мазкур Қонун ўтган 40 йил мобайнида дунё мамлакатларининг сиёсий партияларга оид қонунчилигига бўлган катта таъсири билан изоҳланади.

---

[1] Германия Федератив Республикасининг Асосий Қонуни. Grundgesetz für die Bundesrepublik. Основной Закон Федеративной Республики Германия / Мас. муҳ. А.Х. Саидов ва Р.Крумм. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2005, 406 б.

Ҳуқуқ ва партиялар. Қуйидаги омиллар сиёсий партиялар мақоми ва фаолиятининг қонун томонидан тартибга солиниши борган сари муҳим аҳамият касб этаётганидан далолат беради:

Биринчи омил: сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири сифатида муайян ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари, талаб ва мақсадларини ифода этадилар ҳамда шахс, жамият ва давлат ўртасида муҳим боғловчи вазифасини бажарадилар.

Иккинчи омил: партиялар жамият сиёсий тизимининг асосий таркибий қисми ва сиёсий институт сифатида давлат ҳокимияти механизмининг ишлашида фаол иштирок этадилар, ёки унга муайян таъсир ўтказадилар, фуқароларнинг сиёсий онги шаклланишида ва сиёсий маданияти даражасини оширишда катта роль ўйнайдилар.

Учинчи омил: партиялар сиёсий-ҳуқуқий интеграция (фуқароларни давлат бошқарувига жалб этиш) ҳамда сиёсий социализация (фуқароларни сиёсий хабардор этиш, партия кадрларини тайёрлаш ва ўқитиш) вазифасини бажарадилар, шунингдек, нафақат вакиллик демократиясининг, балки бевосита халқ ҳокимияти шаклларининг фаолиятини таъминлайдилар.

Тўртинчи омил: ҳозирги дунёда сиёсий партиялар сонининг кескин ошиши (уларнинг бугунги кундаги сони жаҳоннинг 200 дан ортиқ мамлакатидаги умумий сони мингтага яқинлашмоқда) ҳамда уларнинг собиқ СССР ҳудудидаги янги мустақил давлатлардаги аҳамиятининг ошиб бориши ва мазкур давлатларда кўппартиявий тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши.

Бешинчи омил: сиёсий партияларнинг институциявийлашуви[1] (сиёсий ва юридик), улар мақомининг конституцияларда белгилаб

---

[1] «Сиёсий партияларнинг институциявийлашуви» ўзида икки шаклни мужассам этади: сиёсий ва юридик институциявийлашувни. Биринчиси – бу сиёсий институт сифатидаги расмийлаштирилган ташкилотнинг шаклланиши жараёни бўлиб, у ҳуқуқий нормалар билан эмас, балки партия (корпоратив) нормалари (устав, дастур, ички регламент ва х.к.) билан амалга оширилади; иккинчиси – бу «партияларни шакллантириш, ташкиллаштириш ва улар фаолияти билан боғлиқ бўлган комплекс муносабатлар ҳуқукини тартибга солиш орқали уларни ҳуқуқий институтга айлантириш жараёнидир» (Юдин Ю.А. Политические партии и право в современном государстве. М., 1998. С. 5). Бу ерда гап сиёсий партияларни де-юре тан олишда, улар ҳуқуқий мақомининг қарор топтиришда бормоқда. Сиёсий партиялар институциявийлашувининг мазкур иккала шакли ўз вақтлари билан фарқланса-да (партияларнинг сиёсий институт сифатида шаклланиши улар юридик тартибга солинишидан аввал содир бўлади), улар ўзаро боғлиқдир. Партиялар институциявийлашуви тўғрисида мана бу асарда батафсилроқ ўқишингиз мумкин: Заславский С.Е. Политические партии в России: проблемы правовой институционализации. М., 2003.

қўйилиши, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида партиялар тўғрисидаги қонунчиликнинг жадал ривожланиши, шунингдек замонавий ҳуқуқда алоҳида мустақил йўналиш – партия ҳуқуқининг шаклланиши.

Субъектив деб аташ мумкин бўлган омиллар қаторига, сиёсий партиялар тадқиқотларининг кенг ривожланиши, *«партология»* деб ном олган мустақил илмий йўналишнинг шаклланишини киритиш мумкин. Партология – партиялар тўғрисидаги фан бўлиб, замонавий политология доирасида субдисциплина сифатида ажралиб чиққан. Партология (партиялар умумий назарияси) сиёсий партиялар методологияси ва типологиясини ишлаб чиқади; уларни таъсис этиш қонунқоидалари ҳамда улар ривожланиши ва ишлашини ўрганади; аҳоли, сайловчилар, фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий ва партиявий тизимлар, давлат органлари ва бошқа тузулмалар билан бўлган муносабатини таҳлил этади; партияларнинг жамият, ижтимоий фикр ва ижтимоий онг билан бўлган ўзаро таъсири йўллари, шакллари ва жараёнларини ўрганади. Жаҳон мамлакатларида ўтказилаётган ва партия проблематикасига бағишланган қатор илмий тадқиқотлар, симпозиумлар, съездлар, давра суҳбатлари бугунги кунда партологиянинг фан сифатида ишлаши ва ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади.

Ҳозирги жаҳон мамлакатларида ўтган асрнинг сўнгги чорагида партияларни ҳуқуқий тартибга солиш партияларга доир қонунларнинг фақат сон жиҳатидан ўсиши билан чекланиб қолмади. Уни ўтган даврдан сезиларли тарзда фарқловчи янги тенденциялар пайдо бўлди.

Улардан бири шуки, конституциялар ва миллий қонунчилик сиёсий партияларни инкор эта оладиган ва тартибга солиш объектлари фақат давлат институтлари бўлган вақтлар ўтиб кетди. Ҳозирда сиёсий партиялар ҳам конституциявий, ҳам махсус ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим объектига айланган.

Бошқа тенденция шундан иборатки, партия ҳуқуқига бўлган қизиқиш ва эътибор кескин ошди, хусусан, партияга доир қонунчиликка ҳам. Сиёсий партияларни тузиш, уларни ташкиллаштириш ва фаолиятига тааллуқли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ҳажмининг кенгайиб бораётгани замонавий давлатларда алоҳида

«партия ҳуқуқи» («партиявий ҳуқуқ»)[1] шаклланаётгани тўғрисида концепция вужудга келганига асос бўлиб хизмат қилди.

Партия ҳуқуқи – конституциявий ҳуқуқнинг мустақил субсоҳаси. **Ҳозирда партия ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқнинг мавжуд субсоҳалари** (сайлов ҳуқуқи, парламент ҳуқуқи) каби алоҳида субсоҳа сифатида шаклланаётгани ҳақида гапириш мумкин. Унинг хусусияти комплекс характеридадир, чунки у тартибга соладиган муносабатлар, яъни унинг предмети нафақат конституциявий-ҳуқуқий нормалар, балки бошқа нормалар билан ҳам тартибга солинади (масалан, партияларнинг қонуний мақом олиши ва уни йўқотишига, уларнинг молиявий фаолиятига доир).

Партия ҳуқуқи нормалари билан қуйидаги масалалар тартибга солинади:

биринчидан, сиёсий партияларнинг сиёсий тизимда тутган ўрни ва аҳамияти, уларнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари (нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари) билан ўзаро муносабати;

иккинчидан, партияларни тузиш, уларнинг ишлаши ҳамда фаолиятини тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиби;

учинчидан, сиёсий партияларнинг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва асосий функциялари;

тўртинчидан, партияларнинг мафкураси (дастури, директиваларни, устави) ва ташкилий тузилмаси;

бешинчидан, партияларнинг устав бўйича, парламентдаги, тадбиркорлик ва бошқа фаолияти;

олтинчидан, партияларнинг халқаро фаолияти.

Шундай қилиб, партия ҳуқуқи – бу замонавий ҳуқуқнинг комплекс субсоҳасидир, чунки у ҳуқуқнинг турли соҳалари нормаларини ўзида мужассам этади. Бу ҳам партия ҳуқуқи манбаларининг турли бўлишига сабабдир.

Партия ҳуқуқининг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

– конституциялар;

– сиёсий партияларга доир махсус қонунлар;

– сайлов ҳуқуқи нормалари;

---

[1] Қаранг: *Юдин Ю.А.* Политические партии и право в современном государстве. – М., 1998. С. 18–19.

парламент ҳуқуқи нормалари;

суд ҳуқуқи нормалари;

халқаро ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари нормалари.

Миллий ва хорижий, шу жумладан Германия тажрибаси ҳам шуни яққол кўрсатиб турибдики, кучли ва таъсир кучига эга партияларнинг шаклланиши ва ривожланиши, уларни тузиш, устав фаолияти ва, энг аввало, уларнинг сайловлар ҳамда давлат органлари ишида иштирок этишини самарали тартибга солиш тизими мавжуд бўлгандагина мумкин бўлади.

Партиялар бугунги маънода XIX асрда саноатлашган мамлакатларда шаклланган бўлса-да (аслида «партия» сўзи Қадимги Римда пайдо бўлган), улар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосан XX асрда ривожланди. Энг ривожланган мамлакатлар амалиётида бу ҳол, айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг кенг кузатилди.

Партия қонунчилигининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихи. Партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши тарихида тўртта даврни ажратиш мумкин.

Биринчи давр XVIII–XIX асрларни ўз ичига олиб, Биринчи жаҳон уруши якунигача давом этади ҳамда биринчи «конституциявий тўлқин»га тўғри келади[1]. Биринчи даврга партияларга нисбатан муносабатда «конституциявий вакуум»[2] характерлидир. Бошқача қилиб айтганда, давлат ҳукуки сиёсий партияларнинг мавжудлиги ва улар фаолиятини амалда инкор этиб келган. Бундай ёндашув немис давлат ҳуқуқининг классик намояндаси Г. Еллинек сўзлари билан ҳам тасдиқланади. Унинг ёзишича, партиялар «ижтимоий ташкилот» сифатида кўрилиши керак, шу сабабли «партия тушунчасига оммавий ҳуқуқ-тартиботда жой йўқ»[3]. Фақат фуқаролик ва жиноят ҳуқуқлари бундан истисно бўлган: биринчиси партияларни хусусий ташкилотлар сифатида кўрган ва уларга нисбатан ҳам умумий ҳуқуқнинг шу каби ташкилотлар (ширкатлар, жамиятлар, уюшмалар)га нисбатан қўлланиладиган нормаларини қўллаган; иккинчиси – партияларнинг давлатга қарши фаолиятига

---

[1] Қаранг: Сравнительное конституционное право: учебное пособие / Отв. ред. В.Е. Чиркин. – М., 2002. С. 43–50; Буржуазные конституции на современном этапе / Отв. ред. В.А. Туманов. – М., 1983. С. 7–28; Современное буржуазное государственное право. Критические очерки / Отв. ред. В.А. Туманов. Т. 2. – М., 1987. С. 30–50.

[2] *Loewenstein K.* Verfassunglehre. Tübingen, 1959. 390 s.

[3] *Еллинек Г.* Общее учение о государстве. СПб., 1908. С. 181–182.

нисбатан белгиланган нормаларни қўллаган. Бунга яққол мисол сифатида Германиянинг социалистларга қарши 1878 йилда қабул қилган қонунларини келтириш мумкин.

Дунёда, хусусан Германияда ҳам, сиёсий партиялар фаолиятига доир илк қонун ҳужжатлари XIX асрнинг иккинчи ярмида қабул қилинган. Бироқ улар жуда кам бўлиб, партия фаолиятининг муайян йўналишларинигина тартибга солган, ёки бўлмаса, алоҳида партиялар фаолиятларини тақиқлаган. Мисол сифатида 1878 йил 21 октябрда Рейхстаг томонидан социалистларга қарши қабул қилинган Истисно Қонунини келтириш мумкин. Ушбу Қонунга кўра, барча социал-демократик ташкилотлар тарқатиб юборилган, даврий ва бошқа нашрлари ёпиб қўйилган, пул йиғимлари ва мажлислари тақиқланган. Мазкур Қонун асосида 900 га яқин одам сургун қилинган ва 1500 га яқин одам қамалган. Бундай Қонуннинг қабул қилинишига Вильгельм I нинг ҳаётига қилинган иккита суиқасд сабаб бўлган, лекин бу суиқасдларга социал-демократларнинг ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Аввалида Қонун икки ярим йилга қабул қилинган, лекин кейин унинг амал қилиш муддати мунтазам равишда узайтириб келинган. Тақиқларга қарамай, социал-демократлар таъсири ва обрўсининг ортиши шунга олиб келдики, 1890 йил 10 октябрда навбатдаги муддат тугагач, Қонун Рейхстаг томонидан узайтирилмаган.

Иккинчи давр иккита жаҳон уруши оралиғига мос тушади ва иккинчи «конституциявий тўлқин»га тўғри келади. Ушбу даврда партиялар фаолиятини тартибга солувчи нормалар ажралиб чиқди ва ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳида йўналиши сифатида қарор топди. Бу давлатнинг жамият ҳаёти турли жабҳаларига аралашуви кучайгани, шунингдек партияларнинг сиёсий тизим ҳамда давлат ҳокимияти механизмида тутган аҳамиятининг ортгани натижаси эди.

Партиялар фаолиятини тартибга солиш конституциявий даражага кўтарилди. Тўғри, бу даврда қабул қилинган конституциялар (Австрия, Германия, Чехословакия) қисқа бўлса-да, лекин партиялар тўғрисидаги илк нормаларни ўзида мужассам этган. 1919 йилдаги Веймар Конституциясида «партия» сўзи фақат бир марта учрайди, у ҳам бўлса мазкур сиёсий институт фаолиятини тартибга солиш мазмунида эмас эди. Жумладан, Веймар Конституциясининг 130-моддасида айти-

нишича, «давлат хизматчилари алоҳида партияларнинг эмас, бутун жамиятнинг хизматчилари ҳисобланади»[1]. Австрия Конституциясида эса партиялар парламент ва президент сайловлари муносабати билан ёдга олинади (26-моддаси)[2].

Германияда А.Гитлер ҳокимият тепасига келгач, 1933 йил 4 июлда янги партияларни тузишга қарши Қонун қабул қилинган. Мазкур Қонуннинг § 1 да таъкидланган эдики, «Германияда ягона сиёсий партия сифатида Ишчи партия мавжуд»[3]. Шу йўл билан яккапартиявий тизим мажбуран жорий этилиб, миллий-демократик партиянинг етакчи позицияси юридик жиҳатдан мустаҳкамланган эди. Ушбу партия давлатнинг бир қисмига айлантирилган эди ва партия органлари давлат органлари устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга эдилар. Умуман олганда, Германияда нацистлар ҳукмронлик қилган йилларда Веймар Конституцияси расман бекор қилинмаган эди.

Учинчи давр Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан то «совуқ уруш» якунлангунча, яъни Берлин девори қулагунча бўлган муддатни эгаллайди ва учинчи «конституциявий тўлқин»га тўғри келади. Агар аввалги икки даврда партиялар фаолиятининг алоҳида томонлари тартибга солиш предмети бўлган бўлса, учинчи даврга келиб предмет доираси анча кенгайди ва эндиликда партияларни тузиш, ташкиллаштириш ва улар фаолияти билан боғлиқ комплекс масалалар тартибга солинадиган бўлди.

Ҳуқуқий тартибга солишнинг учинчи даври ўзига хос хусусияти бу партияларни конституциявийлаштириш бўлди, яъни партиялар тўғрисидаги нормаларнинг кўплаб мамлакатлар конституцияларида акс этиши бўлди. Конституциявий тартибга солиш партияларни институциявийлаштиришнинг муҳим шакли бўлди. Партияларни конституциявийлаштириш уларнинг давлат ҳокимиятини ташкил

---

[1] Қаранг: Конституция Германской империи // Конституции буржуазных стран. Т. 1. – М.-Л., 1935. С. 83–133. Европада партияларга доир илк нормаларни ўзида акс эттирган Конституция Чехословакиянинг 1920 йилдаги Конституцияси эди. АҚШда Иккинчи жаҳон уруши арафасида 17 та штат конституцияларида партияларга доир нормалар бор эди (қаранг: Encyclopedia of American Constitution. V. III. New York, London, 1986. P. 1423). Умуман олганда, 1900–1930 йиллар мобайнида дунё бўйлаб бир қанча конституциялар қабул қилинганига қарамай, сиёсий партияларнинг конституциявий мақомини белгилаш жуда кам эди.

[2] Қаранг: Конституции буржуазных стран Европы. – М., 1957.

[3] Қаранг: ўша ерда.

этиш ва амалга ошириш, шунингдек фуқаролик жамиятини тараққий эттиришдаги муҳим ролини тан олиш эди.

ГФРнинг 1949 йилдаги Асосий Қонуни Веймар Конституциясига нисбатан партиялар аҳамиятини белгилашда кўплаб янгиликларни жорий этди. Асосий Қонун 21-моддасида партияларга конституциявий мақом берилди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Партиялар фуқароларнинг сиёсий иродасини шакллантиришга кўмаклашадилар».

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг қабул қилинган барча конституцияларда партиялар тўғрисидаги нормалар мавжуд. Бироқ алоҳида истисноларҳам бор (масалан, Россия, Австрия, Дания, Люксембург, Малайзия, Ямайка, ЖАР конституцияларида партиялар ҳақида сўз бормайди).

Конституциявий қоидалар тараққиётининг айнан учинчи даврида партияларни тузиш, уларнинг ишлаши, тугатилиши, давлат томонидан молиялаштирилиши тўғрисидаги махсус қонунлар қабул қилинди. Бу борадаги тарихан илк қонунчилик ҳужжатлари Туркия (1965 й.) ва Аргентинанинг (1966 й.) сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунлари бўлди. Бироқ, мазкур қонунлар ушбу мамлакатларда содир бўлган давлат тўнтаришларидан сўнг ўз юридик кучини йўқотган. Энг классик ва дунё бўйича партиялар тўғрисидаги қонунчиликка катта таъсир ўтказган қонун бу ГФРнинг «Сиёсий партиялар тўгрисида»ги 1967 йилги Қонуни бўлди.

Партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи **тўртинчи, яъни ҳозирги давр** XX асрнинг 90-йилларидан бошланган бўлиб, кўплаб мамлакатларда тоталитар ва авторитар тузум барҳам топгани билан боғлиқ. Бу даврга келиб партиялар тўғрисидаги қонунчилик (партия ҳуқуқи)нинг шаклланиш жараёни ривожланишнинг кейинги босқичига кўтарилди. Айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, тўртинчи «конституциявий тўлқин»нинг деярли барча Асосий Қонунларида партияларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланган. Бу даврда партиялар тўғрисида ўнлаб махсус қонунлар қабул қилинди, улар фаолияти миллий қонунчилик турли соҳаларининг тартибга солиш предметига айланди. Партиялар юридик институциявийлаштирилуви ҳозирги даврининг ўзига хос хусусияти – бу улар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солинишининг универсаллаштирилувидир.

ГФРнинг Асосий Қонуни ва сиёсий партиялар. 1949 йилда «Германия тарихидаги конституциявий ҳужжатлардан энг омадлиси» бўлган Асосий Қонун қабул қилинди. У немис ерида «янгай оладиган» демократияни барпо этишни ҳамда унинг ишлашини таъминлаб берди[1].

ГФРнинг Асосий Қонунига кўра, барча давлат ҳокимияти халқ иродасидан келиб чиқади ва халқ олдида масъулдир. Вакиллик ёки парламентар демократия демократиянинг тузулмавий принципи ҳисобланади. Бундестаг депутатлари ҳар тўрт йилда умумий, бевосита, эркин, тенг ва ёпиқ овоз бериш орқали сайланадилар. Бундестаг аъзолари бутун халқ вакиллари ҳисобланиб, ҳеч қандай буйруқ ёки кўрсатмаларга боғлиқ эмаслар, улар фақат ўз виждонлари амрига бўйсунадилар. Германия парламенти қонунчилик борасида барча керакли ваколатларга эга бўлиб, ҳукумат фаолиятини назорат қилади. Қарорларни қабул қилишда кўпчилик принципи амал қилади. Лекин демократия доирасида камчиликни ташкил этувчилар ҳам муайян ҳимоя билан таъминланганлар, масалан, камчиликни ташкил этувчиларнинг парламентда сўзлаш ҳуқуқи, сиёсий мухолифат имконияти ҳамда норозиликни ифода этиш усули ва фуқароларнинг сиёсий хоҳиш-истакларини шакллантириш омили сифатида йигилишлар эркинлиги.

ГФР Асосий Қонунининг 21-моддаси сиёсий партиялар ҳуқуқий мақомининг асосий принципларини белгилаб беради. Унда, жумладан, қуйидагилар белгиланган:

биринчидан, партиялар фуқароларнинг сиёсий хоҳиш-истагини шакллантиришда кўмаклашадилар;

иккинчидан, партиялар эркин ташкил этилиши мумкин;

учинчидан, партиянинг ички тузилмаси демократик принципларга мос келиши керак;

---

[1] Конституционное право зарубежных стран: учебное пособие / Под общ. ред. М.В. Баглая, Ю.И. Лейбо, Л.М. Энтина. 2-е изд., перераб. – М., 2005. С. 598–599. Германиядаги конституционализм тараққиёти ҳақида батафсил билмоқчи бўлсангиз, мана бу асарларни кўринг: В.В. Кизяковский Германский конституционализм в XVIII в. // История буржуазного конституционализма XVII–XVIII вв. / Отв. ред. В.С. Нерсесянц. М., 1983. С. 214–238; В.В. Кизяковский Германский конституционализм в XIX в. // История буржуазного конституционализма XIX в. / Отв. ред. В.С. Нерсесянц. – М., 1986. С. 135–175.

тўртинчидан, партиялар маблағларининг ишлатилиши, шунингдек мулки ҳақида оммавий ҳисобот тақдим этишлари зарур;

бешинчидан, ўз мақсади ёки тарафдорларининг хатти-ҳаракати орқали эркин демократик тузум асосларига зарар етказмоқчи ёки уни йўқ қилмоқчи, ёхуд Германия мавжудлигини таҳдид остига қўймоқчи бўлган партиялар қонунга хилоф ҳисобланади;

олтинчидан, партиялар фаолиятини қонунга хилоф деб топиш Федерал Конституциявий суд ваколатига киради.

Сиёсий партияларнинг конституциявийлаштирилуви ГФР Асосий Қонунининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Уни яратувчилар, энг аввало, сиёсий партияларни фуқаролар сиёсий хоҳиш-истагининг шаклланишига кўмаклашувчи органлар сифатида қонунийлаштиришга интилганлар. Федерал Конституциявий суднинг тушунтиришича, фуқаролар сиёсий хоҳиш-истагининг шаклланиши давлат таъсиридан холи бўлиб, давлат органларидан халққа томон эмас, балки аксинча – халқдан давлат органларига томон йўналган бўлиши керак. Бу билан партияларнинг демократик жамиятда тутган катта ўрнига алоҳида урғу берилган. Бу партияларни давлат ихтиёрига ўтказилиши дегани эмас, албатта. Асосий Қонун уларни, масалан Бундестаг ёки Федерал Канцлер каби давлат институтлари қаторида конституциявий даражага кўтаради. Федерал Конституциявий суд таъкидлашича, Асосий Қонун «сиёсий партияларнинг конституциявий орган даражасини тан олади, бироқ уларни давлат муассасалари қаторига қўшмайди»[1].

Партияларнинг конституциявий мақоми уларга Асосий Қонун доирасида ижтимоий фикрни тайёрлаш имконини беради, шу сабабли ҳам Германияда мавжуд демократик тузумни кўпинча партиявий демократия деб ҳам аташади. Партиялар давлат тизимининг бир қисми эмас. Уларни давлат билан ёки халқ билан тенглаштириш мумкин эмас. Улар мустақил бўлиб сиёсий ҳаётда фаол иштирок этадилар ҳамда давлат ва халқ ўртасида боғловчи восита вазифасини бажарадилар.

---

[1] Государственное право Германии / Отв. ред. Б.Н. Топорнин. Т. 1. М., 1994. С. 119. (Handbuch des staatsrechts der Bundesrepublik Deutschland. Herausgegeben von Josef Isensce und Paul Heidelberg, 1987–1992).

Ҳозирги дунёда сиёсий партияларни конституциявийлаштириш.

Партияларни конституциявийлаштириш борасидаги немис тажрибаси кўплаб жаҳон мамлакатлари конституцияларида ўзлаштирилган. Тўғри, сиёсий партияларни конституциявийлаштириш кўлами, шунингдек, асосий қонунлар билан тартибга солинувчи тегишли ижтимоий муносабат соҳалари ҳам ҳамма давлатда бир хил эмас. Бир хил конституцияларда партияларга бағишланган битта ёки бир нечта модда бўлса (Испания, Франция[1], Чехия), бошқаларида – ўнлаб моддалар бор.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам сиёсий партияларга катта эътибор каратилган. Унинг 9 та моддасида сиёсий партиялар 12 бор тилга олинади. Конституциянинг 60-моддасига биноан, сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар[2].

Партиялар фаолиятини конституциявий тартибга солишда қуйидаги асосий тенденцияларни ажратиш мумкин:

биринчидан, сиёсий плюрализм принципи – кўппартиявийлик ҳамда камчиликни ташкил этувчиларнинг демократик мухолифатга бўлган ҳуқуқининг қарор топиши;

иккинчидан, партиялар умуман нима учун кераклигининг, баъзан улар мақсад ва вазифаларининг, сайлов жараёнида ва давлат механизмини шакллантиришда иштирок этиши йўлларининг белгилаб қўйилиши;

учинчидан, партиялар асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мустаҳкамланиши ва бу орқали табиати, мақсади, фаолият услублари ва мафкураси сабабли тузиш мумкин бўлмаган ва тақиқланган партия турларини ажратиш;

тўртинчидан, партиялар фаолияти устидан давлат назорати шаклини назарда тутиш (давлат органларининг партияларни

---

[1] Франциянинг 1958 йилги Конституцияси 4-моддасида сиёсий партияларнинг мақоми белгиланган: «Сиёсий партиялар ва гурухлар овоз бериш орқали фикрлар ифодасини таъминлайдилар. Улар эркин тузилади ва эркин фаолият олиб борадилар. Улар миллий суверенитет ва демократия принципларини ҳурмат қилишлари керак». Қаранг: Современные зарубежные конституции / Отв. ред. Б.А. Страшун. – М., 1992.

[2] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2003. 12–13-б.

тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тўхтатиб туриш ҳуқуқи, буни амалга ошириш тартиби, молиявий назорат);

бешинчидан, партиялар ташкилий тузилишининг айрим масалаларини, уларни рўйхатга олишни, молиялаштиришни тартибга солиш.

Шундай қилиб, ҳозирги жаҳон мамлакатларининг конституцияларига партияларни тузиш ва улар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш қўламининг кенгайгани хосдир.

Таъкидлаш лозимки, сиёсий ва юридик адабиётларда партияларни конституциявийлаштириш бўйича мунозаралар кетмоқда. Конституцияга сиёсий партиялар тўғрисида бирон модда қўшилишига қарши (умуман ҳуқуқий институциявийлаштиришга қарши ҳам) қатор аргументлар илгари сурилмоқда. Улардан бири шуки, партиялар инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири – эркин уюшма ҳуқуқининг амалий ифодаси сифатида кўрилади ва, келиб чиқадики, уни қандай бўлмасин ҳуқуқий тартибга солиш, айниқса, конституциявий тартибга солиш, мазкур эркинликни чеклайди. «Партиялар тўғрисидаги конституциявий нормалар, – дейди норвегиялик сиёсатчи К. Хейдер, – давлат аралашуви ва назорати сифатида кўрилиши мумкин»[1]. Бошқа аргумент – партияларнинг конституциявий тан олиниши «уларни давлатчилик соҳасига қўшиш», «давлат ҳокимиятига интеграция қилиш»ни англатади.

Бизнинг назаримизда, бундай аргументларга рози бўлиш қийин. Табиийки, партияларни қандай бўлмасин ҳуқуқий тартибга солиш қайсидир маънода уюшиш эркинлигини чеклайди, лекин мазкур эркинлик мутлақ бўлиши мумкин эмас. Партиялар конституциявий мақомининг тан олиниши улар фаолиятини ҳуқуқий доирага солишга, уюшиш эркинлиги демократияга зарар етказмаслигига қаратилган. Конституциявий мақом бу партияларни тузиш ва улар фаолиятига таҳдид эмас, аксинча, уларга нисбатан давлат ва парламентда кўпчиликни ташкил этувчилар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ўзбошимчаликдан ҳимоя қилувчи муҳим кафолатдир.

---

[1] The role of the Constitution in a changing society. Oslo, 1990. P. 301. XX асрнинг 70–80-й.й.да Ғарб адабиётларида партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадга мувофиқ эмас, деган тезис кенг эътироф топган. Бу ҳақда мана бу асарни кўринг: When Parties Fail: Emerging Alternative Organisations / Ed. by Lawson K., Merkle P. Princeton, 1988; Ware A. Citizens, Parties and the State. Cambridge, 1987.

Сиёсий партияларни конституциявийлаштириш асосли экани тўғрисида мана бу аргументни келтириш мумкин. Партиялар мавжудлиги инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири – уюшишга бўлган ҳуқуқининг амалга оширилишидир. Конституциявий тартибга солиш эса фуқаролар уюшишга бўлган ҳуқуқининг амалга оширилиши кафолатидир, чунки у партияларнинг конституциявий мақомини, уларнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан бўлган муносабатларини белгилаб беради. Шунинг учун, партияларни конституциявий тартибга солиш доирасидан четлатиш конституциявий ҳуқуқий давлат принципларига зид бўлиб, уларнинг давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва ишлашида тутган муҳим ўрнини инкор этган бўларди (бошқа функцияларини қўшмаган ҳолда).

Биз XX аср юридик фанининг Ғарб классик намояндаларидан бири, австриялик юрист-олим Г. Кельзен фикрига қўшиламиз. Унинг ёзишича, партияларни конституциявий-ҳуқуқий белгилаб қўйилиши «ушбу соҳа ичида умумий хоҳиш-истакни шакллантириш жараёнини демократлаштириш имконини беради»[1] (яъни, давлат фаолиятини. – А. С.). Машҳур немис давлатшунос-олими К. Хессе яна шундай деб ёзадики, «Конституция нормалари ва принциплари асосида ишлаш учун, парламентар демократия сиёсий партиялар фаолиятига муҳтож, бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқий тартибни (чекланган бўлса-да) талаб этади...»[2].

Шундай қилиб, Конституцияда, энг аввало, партияларнинг ҳуқуқий мақомини, сиёсий ҳаётда тутган ўрнини, давлат ва жамият билан бўлган ўзаро муносабатини белгиловчи асосий, принципиал нормалар ўз аксини топиши керак. Турли давлатларда сиёсий партияларни конституциявий тартибга солиш қўлами қанчалик бўлмасин, бошқа қонун ҳужжатлари билан батафсил ёритиладиган Асосий Қонун нормалари – улар ҳуқуқий мақомининг асоси, холос. Батафсил тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ичида сиёсий партиялар тўғрисидаги махсус қонунлар биринчи ўринни эгаллайди.

---

[1] Kelsen H. Wom wesen und Wert der Demokratie. Tübingen, 1926. S. 23.

[2] Хессе К. Основы конституционного права ФРГ / Под ред. Н. А. Сидорова. М., 1981. С. 90.

ГФРнинг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни – замонавий партия ҳуқуқининг муҳим кодификация ҳужжатидир. 1967 йилдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун Германияда давлат ва партиялар ўртасидаги муносабатларни юридик жиҳатдан тартибга солувчи жуда самарали восита бўлди. Унда, хусусан, партияларнинг умумий мақсад ва вазифалари, парламентдаги ҳамда сайлов жараёнидаги фаолиятига доир ҳуқуқларига тааллуқли демократик формулалар мавжуд. Бу сиёсий партияларга ижтимоий фаолиятга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш имкониятини беради.

Таъкидлаш лозимки, 1967 йилдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун – сиёсий-ҳуқуқий назария ва қонунчилик ўртасидаги узвий алоқанинг яққол мисолидир. Унда XX асрда немис ҳуқуқшунос-олимлари томонидан яратилган партиявий давлат назариясининг асосий қоидалари ўз аксини топган. Моҳиятан партиявий давлат назарияси давлатнинг плюралистик концепциясини акс эттиради. У давлат ҳокимиятининг амалга оширилишига дахлдор партиялар орасидаги муносабатларни тартибга солиш орқали сиёсий кучларнинг тинч ва мувозанатлаштирилган муносабат моделини таклиф этади.

Партиявий давлат назариясига кўра, партияларнинг асосий вазифаси – фуқароларнинг сиёсий иродасини шакллантириш, уларнинг давлат билан муносабатларида воситачилик қилиш. Бунда фуқаролар сиёсий хоҳиш-истагининг шаклланиш жараёни давлат таъсиридан холи бўлмоғи даркор. У кенг оммадан партиялар орқали давлат органлари томон йўналган бўлиши керак. ГФР давлат тузумини қўллаб-қувватловчи сиёсий партиялар, табиийки, ўзларининг сиёсий ва ҳукумат дастурларида кенг оммани ташвишга солаётган масалаларни муайян даражада акс эттирадилар. Улар парламент сайловлари вақтида фуқароларнинг катта таъсири остида бўладилар.

Ижтимоий онгга таъсир этиш баробарида, партиялар ахборот тизими, сайлов механизми, парламент дебатлари, қонунчилик, ҳукумат ва суднинг давлат ҳокимияти тепасида турган сиёсий элита иродасини акс эттирувчи қарорларини ишлатадилар.

Партиявий давлат назарияси партияларни парламентар вакиллик тизими билан узвий боғлайди. Парламент сайловларида иштирок этиш – партияларни белгилашда ва ҳаттоки уларнинг мавжуд бўлишида муҳим элемент ҳисобланади.

Бизнинг назаримизда, бундай ёндашув Бундестагда жойлашиб олган партиялар позицияларини мустаҳкамлайди ва парламентар фаолиятда иштирок этмаётган партияларнинг мавжудлигини таҳдид остига қўяди. Партиявий давлат назариясининг негизида ётган тезисларидан бири ҳам демократик давлат сиёсий ҳаётида кўппартиявийликнинг мавжуд бўлиши тўғрисидаги тезисдир.

Партиялар тўғрисидаги қонун партияларнинг юридик таърифини мустаҳкамлайди. Унда уларнинг қуйидаги белгилари мавжуд:

биринчи белги: партия – бу сиёсатнинг турли поғоналаридаги (ўлка, федерация, халқаро) фуқароларнинг доимий ёки етарли даражада узоқ давом этувчи уюшмасидир;

иккинчи белги: партиянинг мақсади – сиёсий иродани шакллантириш ва давлатнинг тегишли вакиллик органларида халқ вакиллигида иштирок этиш;

учинчи белги: партиядаги аъзолик – индивидуалдир; партиянинг аъзолари фақат жисмоний шахслар бўлиши мумкин;

тўртинчи белги: ташкилот муайян тузилмаси, миқдори мавжудлиги ва доимийлиги, шунингдек аъзоларининг фаол ижтимоий фаолияти[1].

Партиялар тўғрисидаги қонун партияларнинг ГФР сиёсий тизимида тутган ўрнини, уларнинг парламент сайловида иштирок этиш тартиб-таомилини, партияларни молиялаштириш масаласини, партия ички ташкилий принципларини ва, ниҳоят, конституцияга қарши экани важидан партияларни тақиқлаш тартибини белгилайди. У партияларни замонавий конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назаридан эркин демократик тузумнинг керакли таркибий қисми сифатида кўради. Сиёсий реалликни акс эттира туриб, Қонун шуни кўрсатдики, партиялар нафақат сайлов кампаниялари ва парламент фаолиятини ташкиллаштирувчи, балки ижтимоий фикрни шакллантиришга таъсир этувчидир ҳам. У фуқароларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишларини қўллаб-қувватлаш билан

---

[1] Бундай олганда, кўп мамлакатларнинг партиялар тўғрисидаги қонунчилиги ГФРнинг Қонунида берилган таърифни мустаҳкамлайди (масалан, Португалиянинг «Партиялар тўғрисида»ги Декрет-Қонуни 1-моддаси, Никарагуанинг «Партиялар тўғрисида»ги Қонуни 2-моддаси ва бошқалар).

бирга, уларни жамият олдида жавобгарлик руҳида тарбиялайди, фуқаролар ва давлат ўртасидаги узвий муносабат тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Партиялар тўғрисидаги қонун партияларнинг федерация ёки ўлка даражасидаги парламент фаолиятида иштирок этишга бўлган интилишларини акс эттириш баробарида, улар мавжудлигини ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишга бўлган тўғридан-тўғри интилишларига боғлиқ қилиб қўяди. «Агар уюшма олти йил мобайнида Бундестаг ёки Ландтаглардан бирига бўлган сайловда ўз номзодлари билан иштирок этмаса, партия деган ҳуқуқий мақомини йўқотади» (§ 2, 2-абз.).

Партиялар тўғрисидаги қонун партияларнинг ички тузилишини батафсил тартибга солади. Уларнинг реал принциплари давлат ҳокимияти механизмининг бир қисми сифатидаги «тизим партиялари» вазифалари билан белгиланади. Барча партиялар партия раҳбариятининг аъзолар ва сайловчилардан мустақил бўлишини таъминлаш имкониятига эга бўладилар. Партияларни ҳуқуқий тартибга солиш қоидалари ичида уларни молиялаштириш тўғрисидаги нормалар алоҳида ўрин тутади. «Тизим партиялари»нинг давлат ҳокимияти механизмида тутган ўрнини белгилаш нуқтаи назаридан, бундай тартибнинг тугал мазмуни партияларнинг давлат томонидан молиялаштирилишини ҳамда уларнинг бизнес билан бўлган молиявий алоқаларини қонуний-лаштиришдан иборат.

Партиялар тўғрисидаги қонун Федерал Конституциявий суд қарори билан Конституцияга зид деб топилган партияларни сиёсий ҳаётдан четлаштириш чораларини батафсил тартибга солади. Мақсади эркин ва демократик асосларга путур етказиш ёки уларни барбод қилиш бўлган партиялар Федерал Конституциявий суд қарори билан ман қилиниши мумкин. Ўтмишда бундай имкониятдан, ҳокимият тепасида нацистлар режими бўлганлигини инобатга олсак, икки маротаба фойдаланилган. Федерал Конституциявий суд биринчи гал 1952 йилда НСДАП вориси бўлган Неонацистик социалистик-инқилобий партия фаолиятини тақиқлаб қўйган. Иккинчи гал – 1956 йилда деярли тўрт йиллик тортишувлардан сўнг Германия Коммунистик партиясининг фаолиятига чек қўйилган, бироқ бу

партия 1958 йилда Немис коммунистик партияси номи остида яна қайтадан пайдо бўлган[1]. Учинчи гал 2001 йилда Федерал ҳукумат, Бундестаг ва Бундесрат радикал руҳда бўлган Германия ўнг қанот Миллий-демократик партияси фаолиятини тақиқлаш бўйича даъво қўзғатдилар. Тегишли мунозара ва тортишувлар ҳамон давом этмоқда.

Шундай қилиб, ГФРнинг 1967 йилдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни XX аср оммавий ҳуқуқининг ривожида йирик кодификациялаштирилган ҳужжатлардан бири ҳисобланади. У кўплаб мамлакатларнинг партиялар тўғрисидаги қонунчилиги учун ривожланиш модели бўлди.

Ҳозирги дунёда партиялар тўғрисидаги қонунчилик ривожи. Ҳозирда сиёсий партиялар тўгрисида махсус қонунлар қабул қилиш уларни юридик жиҳатдан институциявийлаштиришнинг асосий шакли ҳисобланади. Партиялар тўгрисидаги қонун – уларнинг ўзига хос конституциясидир. Партияларнинг у ёки бу фаолиятини тартибга солувчи ундаги нормалар бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар учун бошланғич нуқта вазифасини бажаради.

Партиялар тўғрисидаги махсус қонунлар аксарият давлатларда партияларни тузиш ва улар фаолияти билан боглиқ кенг қамровли муносабатларни тартибга солади. Уларнинг деярли барчасида партиянинг ўзи нима эканлигига таъриф берилади; уларни тузиш, фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ташкилий тузилишининг асосий принциплари, сиёсий ҳаётда иштирок этиш шакллари, шунингдек кўп ҳолларда уларни рўйхатга олиш тартиби ва молиявий фаолиятини назорат қилиш механизмлари баён этилади.

Конституциявий қоидаларни ривожлантира бориб, 1996 йилда Ўзбекистон парламенти «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунни[2] қабул қилди. Унда сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми батафсил тартибга солинган. Ушбу Қонун Ўзбекистонда кўппартиявийликнинг ривожи учун муҳим юридик асос бўлиб хизмат қилмоқда.

---

[1] Германияда партиялар фаолиятини ман этиш тўгрисида батафсилроқ мана бу асарни кўринг: К. Хессе. Основы конституционного права ФРГ / Под ред. Н. А. Сидорова. – М., 1981. С. 334–337.

[2] «Сиёсий партиялар тўгрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997. №2. 36-м.

XXI аср бошида партиялар тўғрисида махсус қонунлар (ёки уларга тенглаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар)га эга давлатлар сони ниҳоятда кўп ва кўпайиб бормоқда. Бир нечта мисоллар келтирсак. Бразилияда «Сиёсий партиялар тўғрисида» 1971 йилдаги Органик Қонун амал қилмоқда; Португалияда – 1974 йилдаги Декрет-Қонун; Австрияда – 1975 йилдаги Қонун; Испанияда – 1978 йилдаги Қонун; Никарагуада – 1983 йилдаги Қонун; Тунисда – «Сиёсий партияларни ташкиллаштириш тўғрисида» 1988 йилдаги Органик Қонун; Болгария ва Бенинда – «Сиёсий партиялар тўғрисида» 1990 йилдаги Қонунлар; Кабо-Вердеда – «Сиёсий партиялар мақоми тўгрисида» 1990 йилдаги Қонун; Анголада – «Сиёсий партиялар тўғрисида» 1991 йилдаги Қонун[1]; Қозогистонда – «Сиёсий партиялар тўғрисида» 1996 йилдаги Қонун.

Қатор мамлакатларда, айниқса, биринчи навбатда, партиялар тўғрисида махсус қонунга эга бўлмаганларида партияларни давлат томонидан молиялаштирилиши тўгрисида махсус қонунлар бор. Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштиришни жорий этиш партиялар тўғрисидаги хорижий қонунчилик ривожининг етакчи тенденцияси ҳисобланади. Уни амалга ошириш XX асрнинг 50-йиллари ўрталаридан бошланди ва сўнгги ўн йиллик ичида у, айниқса, кенг тарқалди. Агар XX асрнинг 80-йилларида сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш 21 та мамлакатда амалга оширилган бўлса, 90-йилларга келиб ушбу рақам кўп маротаба ошди. Мана бу ҳужжатларни келтирсак: Японияниинг «Сиёсий жамғармаларни назорат қилиш тўғрисида» 1948 йилдаги Қонуни; Швеция Риксдагидаги партияларни ҳукумат томонидан молиялаштириш ва партия фракцияларига мўлжалланган дотациялар тўғрисидаги 1965 йилги қарорлар; Швециянинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидаги партияларни молиялаштириш тўғрисидаги 1969 йилдаги Қарор; Финляндиядаги партияларни молиялаштириш тўғрисидаги 1969 йилги Декрет; АҚШнинг «Федерал сайлов кампанияларини молиялаштириш тўғрисида» 1974 йилдаги Қонуни; Италиянинг «Сиёсий партияларни молиялаштиришда давлат иштироки тўғрисида» 1974 йил-

[1] Қаранг: Зарубежное законодательство о политических партиях // Сборник нормативных актов. – М., 1993.

даги Қонуни; Франциянинг «Сиёсий ҳаётни молиялаштириш ошкоралиги тўғрисида» 1980 йилдаги Органик Қонуни ва Қонуни; Франциянинг «Сайлов харажатларини чеклаш ва сиёсий фаолиятни молиялаштириш соҳасидаги тушунтириш тўғрисида» 1990 йилдаги Қонуни ва бошқалар[1].

Шундай қилиб, партияларни давлат томонидан молиялаштиришни қонуний тартибга солиш масалалари сиёсий партиялар ривожи учун муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам 2004 йилнинг апрель ойида Ўзбекистонда «Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун[2] қабул қилинди. Ушбу Қонунга кўра, сиёсий партия ўзининг устав фаолияти учун давлатдан белгиланган маблағ олишга ҳақли. Бунинг учун у молиялаштириш давридан олдин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловлар натижасига кўра мазкур палатада партия фракциясини тузиш учун етарли миқдорда депутатлар ўрнини эгаллаган бўлиши керак.

Аксарият замонавий давлатларда партиялар сайлов жараёнининг асосий субъектлари ҳисобланади. Улар президент сайлови, парламент ва маҳаллий сайловларда ҳал этувчи аҳамиятга эгадирлар (фақат баъзи давлатларда, масалан АҚШ штатларининг 75 фоизида ва Ганада уларга маҳаллий сайловларда, уларнинг неосиёсий характерини сабаб қилган ҳолда, иштирок этиш қонун томонидан тақиқланган). Шу муносабат билан, партияларни юридик жиҳатдан институциявийлаштиришнинг асосий шаклларидан бири бу сайлов қонунчилиги бўлди: сайлов кодекслари, сайлов тўғрисидаги қонунлар, сайлов кампанияларини молиялаштириш тўғрисидаги қонунлар. Кўп мамлакатларда сайлов қонунчилиги партияларнинг сайлов жараёнида иштирок этиши аниқ шаклларини ва сайлов харажатларини тартибга солиш билан чекланади[3].

---

[1] А.В. Автономов. Правовая онтология политики: к построению системы категорий. – М., 1999. С. 226.

[2] «Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2004. №5. 86-м.

[3] *Қаранг:* Е.И. Колюшин. Право и финансирование выборов. Научно-практическое пособие. М., 1998. С. 198.

Сайлов жараёнида иштирок этиш баробарида партиялар фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши бу уларнинг парламент фаолиятидир. Замонавий парламентнинг ишлаши кўп жиҳатдан ундаги партиялар ва партия фракцияларининг фаол фаолиятига боғлиқ[1].

Бу партияларнинг парламент ҳуқуқига тегишли қатор меъёрий ҳужжатларга кўра амалга оширилувчи парламентдаги фаолиятини тартибга солишни тақозо этади. Улардан энг муҳими – парламент фракцияларини тузиш тартиби, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи палаталар регламентларидир. Кўп мамлакатларда, айниқса, ҳуқуқнинг инглиз-саксон тизимига эга мамлакатлар (Британия, Австралия, Канада, Ҳиндистон, АҚШ)да, сиёсий партияларнинг парламент фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда парламент ҳуқуқининг муҳим манбаси бўлган одат ҳуқуқи нормалари катта роль ўйнайди.

Охирида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари партиялар тўғрисидаги қонунчилигининг ривожида ГФРнинг 1967 йилдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни андоза сифатида хизмат қилган.

ГФРнинг 1967 йилдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни матнининг нашр этилиши бизга уни ўзимизнинг 1996 йилдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги ва 2004 йилдаги «Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида»ги қонунларимиз билан таққослаш имконини беради. Умид қиламизки, мазкур нашр ўзбек китобхонида катта қизиқиш уйғотади, ўқувчилар доираси эса жуда кенг. Чунки Германиянинг эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу Қонуни фундаментал тарзда, аниқ ва тушунарли ёзилган. Ушбу Қонун билан депутат ва сенаторлар, давлат хизматчилари ва партия етакчилари, ҳуқуқ соҳаси каби сиёсат, тарих, социология соҳаларининг фаоллари ва мутахассислари, олий ўқув юртларининг профессор ва талабалари, гуманист-олимлар ва партия проблематикаси билан қизиқувчи бошқа шахслар танишадилар.

---

[1] *Бу ҳақда батафсилроқ билиш учун мана бу асарларни кўринг:* В.В. Лапаева. Право и многопартийность в современной России. М., 1999. С. 182–214; С.Е. Заславский Политические партии России: проблемы правовой институционализации. – М., 2003. С. 267–296.

2.3. ҲОЗИРГИ ДУНЁДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЎЗЛИК МУАММОЛАРИ

Анжуманнинг «Тарих ва ўзлик» деб номланиши ҳақида сўз борганда, бу фанлараро мавзу ҳисобланишини таъкидлаш лозим. Ушбу мавзу – турли умумий ижтимоий фанлар вакиллари: тарихчилар, файласуфлар, ҳуқуқшунослар, халқаро сиёсатчилар, социологлар тадқиқотларининг объектидир[1]. Турли гуманитар фанларнинг вакиллари ўзлик ва инсон ҳуқуқлари муаммоларини таҳлил қилишга турлича ёндашувларни таклиф этишади. Бу, ўз навбатида, бир томондан, кўрилаётган масалани ўзгараётган манзараларда тасаввур этиш имконини берса, бошқа томондан – тушунчалар ҳар хиллиги билан боғлиқ ҳолда анчайин қийинчиликлар ҳам туғдиради. Шу маънода, ушбу мавзу доирасидаги тушунчаларга аниқлик киритиб олиш жуда муҳимдир.

Ўзлик – амалиёт ва илмий таҳлил категорияси сифатида

«Ўзлик» атамасининг негизи лотинча «identificare» – «аниқлаштирмоқ» феълига бориб тақалади. Ўзлик кишининг ўз шахсияти, табиий ҳолати, вужуди, борлиғи деган луғавий маънони англатади[2].

Ўзлик деганда, шунингдек, шахсият атамаси билан боғлиқ бўлган одам, киши; зот, инсон; ўзига хослик; ўзига хос хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб турувчи муайян шахс; шахснинг ўзлигини белгиловчи томонлари, хусусиятлари мажмуи; шахсияти, ким эканлиги каби тушунчалар кўзда тутилади[3].

Ўзлик кишининг ўзгарувчан ижтимоий вазиятларда ўзлигини, ўзига хослигини сақлаб қолиши, демакдир. Ўзлик кишининг бошқалардан фарқ қиладиган инсон шахсига хос хусусиятларга эгалигини англаб етганлигининг натижаси ҳисобланади[4].

---

[1] **Қаранг:** Глобализация и проблемы идентичности в многообразном мире. – М., 2005; Права человека и проблемы идентичности в России и в современном мире. – СПб., 2005 ва бошқалар.

[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: Ў ҳарфи. – Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 138-бет.

[3] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: Ш ҳарфи. – Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 557-бет.

[4] Социологический энциклопедический словарь. На русском, английском, немецком, французском и чешском языках. Редактор-координатор – академик РАНГ. В. Осипов. – М.: «ИНФРА-М-НОРМА», 1998. – С.94.

Бинобарин, ўзликни англаш – инсоннинг ўзини алоҳида вужуд сифатида бутун борликдан ажрата билиши, баҳолаши ва қадрият сифатида англашини ифодаловчи муҳим тушунчадир. Айни чоғда, ўзлик ҳар бир инсоннинг ўзига хос бўлиш ҳуқуқини ҳам билдиради.

Ўзликни англашнинг шаклланиш жараёни ва омилларини Шарқ ҳамда Ғарб алломалари ҳар томонлама ўрганган. Хусусан, Шарқ алломаларидан Имом Бухорий, Имом Термизий, Форобий, Ибн Сино, Насафий, Навоий, Мирзо Бобур ва бошқалар ўзликни англашнинг руҳий, ботиний жиҳатларини, инсон маънавиятининг таркибий қисми, олам ва одам муносабатларини билиш асоси экани каби масалаларга эътибор қаратгани аҳамиятлидир. Ўз навбатида, Ғарб алломаларидан Сукрот, Ф. Бекон, Т. Гоббс, Р. Декарт, Ф. Нитше, З. Фрейд, Э. Эриксон, В. Гегель, И. Кант, Н. Бердяев ва бошқалар ўзликни англашнинг зоҳирий жиҳатларини, уни ижтимоий борлиқ, макон ва замоннинг фаол ижодкорлиги омили сифатида ўргангани маълум[1].

«Ўзлик» атамаси илмий муомалага машҳур психоаналитик Зигмунд Фрейд томонидан киритилган. Унинг фикрича, бола ўзгалардек нуфузли, энг аввало, ўз ота-онаси каби обрў-эътиборли бўлишга интилиш асносида ўзлигига эга бўлиб боради. Демак, ўзлик вақт ўтиши билан англаб борилади ва унинг шаклланиш манбаси киши ўзини бошқалар билан қиёслаши замирида ётади.

Яъни, ўзлик аввал бошдан мутлақ субъектив хусусиятга эга эмас. Бошқача айтганда, ўзлик фақат ўзгалар томонидан эътирофни талаб этибгина қолмасдан, балки ўзгасиз у умуман шаклланмайди.

Шахс ўзлигини англаб борар экан, муқаррар равишда муайян ижтимоий институтлар, биринчи навбатда, ўзининг оиласи, сўнг ўз жинсдошлари, халқи, дини ва ҳоказолар тимсолида ўзлигини намоён қила бошлайди. Бунинг натижасида шахснинг ўзлиги шаклланади ва шахе ана шу ўзлигини сақлаб қолиш ҳамда муҳофаза қилиш ҳуқуқига эгадир. Айни шу назариядан «ўзликка бўлган ҳуқуқ» концепцияси келиб чиқади.

Энг муҳими, ўзликни англаш шахенинг ўзини ҳақиқий инсон, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси ва улар учун масъул эканини, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши жараёнида шаклланади.

---

[1] Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – 704-бет.

«Аларки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, – дея таъкидлаган Президент И.А. Каримов, – **мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши** *(таъкид бизники – А.С.),* **қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт моҳиятига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим»**[1].

«Ўзлик» тушунчасини ҳам сиёсий амалиёт, ҳам илмий таҳлил категорияси сифатида аниқ фарқлаш даркор[2].

Амалий жиҳатдан, жамоавий ўзликка даъво қилиш, уни талқин этишнинг у ёки бу моделини жорий этишга интилиш жамоавий хатти-ҳаракатларни эркинлаштиришнинг асосий воситаси бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Илмий жиҳатдан, «ўзлик» тўғрисида эмас, балки ўзликни англаш, ўзликни аниқлаш ва тан олиш ҳақида гапириш самаралироқдир. Табиийки, бу бир қадар мураккаб ва зиддиятли жараёнларни (аммо автоматлаштирилган механизмларни эмас) таҳлил қилишни тақозо этади. Уларнинг (ҳеч қачон узил-кесил бўлмайдиган) натижалари эса бизга ўзлик борасида аниқ тасаввурларга эга бўлиш учун шароит тугдиради.

«Ўзлик» тушунчаси киши ўзининг вақт давомида мавжудлигини англаб етишига таянади, ўзининг алоҳида ва бутунлигини тасаввур этишини назарда тутади, инсонга ўзининг турли кишилар билан ўхшашлик даражасини аниқлаш, айни пайтда ўзининг ноёблиги ва бетакрорлигини ҳис этиши имконини беради.

Ўз юксак қадр-қимматига эга шахсни шакллантириш масаласи ниҳоятда жиддий аҳамиятга эгадир.

Ўзлик – бу, аввало, кишиларнинг ўз «мен»ига нисбатан ижтимоий-сабабий боғлиқликдаги тасаввуридир. Бундай тасаввур эса уларнинг бошқалар билан муносабатлари натижасида таркиб топади. Ўзлик ижтимоий воқеликнинг жуда муҳим унсури ҳисобланади.

---

[1] *Каримов И.А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 17-бет.

[2] **Қаранг:** Малинова О.Ю. Идентичность как категория практики и научного анализа: о различии подходов // Права человека и проблемы идентичности В России и современном мире. – СПб., 2005.

Ўзлик муаммосининг негизида «мен» билан «ўзга» ўртасидаги фарқланиш ётади. Бундай фарқланиш, бир томондан, ўхшашлик, яқинлик, бир хиллик, бошқа томондан эса тафовут тимсолидаги муносабатлар орқали шаклланади.

Дунёда қанча одам мавжуд бўлса, шунча ноёб ва бетакрор шахслар ва шунча хилма-хил ўхшашлик ва фарқланиш муносабатлари мавжуддир.

Ҳозирги дунёда ўзлик – бир бутунлик ва ягоналик эмас, балки у кўпликдан иборат, деб қаралмоқда. Яъни, ҳар бир инсон бир йўла кўплаб ўзликка эгадир. Бу ўринда нотўлиқ, ўзгарувчан ва аниқ муносабатларнинг муайян маъносига боғлиқ бўлган ўзликлар ҳақида сўз бормоқда.

Ўз навбатида, ўзликни англаш, бу – жамият олдида турган вазифаларни тўғри англаш, ижтимоий тажрибалардан фойдаланиш қонуниятларини билиш, Ватан, миллат олдидаги масъулият туйғуси ҳамдир. Зеро, **«инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади»**[1].

Шу маънода, ўзликни англаш фақат инидивидуал ҳодиса ёки жараёнгина бўлиб қолмасдан, айни чоғда, муайян жамоа, жамият ёки халқнинг мақсадли фаолиятидан ҳам иборат. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ўзлик – кўп қиррали категориядир.

Ўзликни, фикримизча, қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1) шахснинг ўзлиги;

2) ижтимоий-гуруҳий, яъни диний, гендер (жинсий), ирқий ўзлик;

3) давлат даражасидаги ўзлик, бошқача айтганда, шахснинг ҳуқуқий мақоми, фуқаролик;

4) диний–жўғрофий, масалан, европача ўзлик.

Бундан ташқари, яна:

1) диний ўзлик;

2) этник (миллий) ўзлик;

3) гендер (жинсий) ўзлик;

4) маданият ўзлиги;

5) тил ўзлигининг ҳар бири алоҳида мавзу, десак, тўғри бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, «ўзликни эътироф этиш» тушунчаси билан ўзаро боғлиқ бўлган **«ижобий дискриминация (камситиш)»** муайян бир гуруҳ томонидан бошқалар ҳисобига эга бўлинадиган ижобий ҳуқуқ сифатида қаралмаслиги ҳамда инсоннинг асосий

---

[1] *Каримов И.А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 90-бет.

табиий ҳуқуқлари билан бир қаторга қўйилмаслиги лозим. Бунда фукаро макомининг бир қисми сифатида қаралиши мумкин бўлган (ва афтидан, зарур бўлган) ягона ҳуқуқ – бу даъволарга бир хил муносабатда бўлиш, аммо уларни бир хил натижа сифатида кўрмасликни англатадиган ўзликни тенгма-тенг тан олиш ҳуқуқидир.

«Ўзлик» тушунчаси социологияда, билимлар субъектив воқелик деб аталадиган муҳим ҳолатни қайд этган ҳолда, – кишиларнинг айрим «биз»лар билан (кишиларнинг ўзлари ёки атрофидагилар томонидан амалга ошириладиган) муносабатлари натижасида таркиб топадиган ўз «мен»ининг ижтимоий сабабий боғлиқликдаги тасаввурини англатади.

Ҳозирги дунёда ўзлик сафарбар этиш ва йўналтириш омили сифатида тобора сезиларли роль ўйнамоқда. Шу жумладан, ижтимоий тузилмалар мураккаблашган шароитларда янги сиёсий мафкуралар «манфаатлар»га эмас, балки кўпроқ **«ўзлик»**ка ургу беришга интилаётгани ҳам ўзликнинг аҳамияти изчил ортишига олиб келмоқда.

Шундай қилиб, **ўзаро боғлиқ,** айни чоғда бир-бирига зид ҳам бўлган **иккита** тенденция кузатилмоқда. **Биринчидан,** «ўзлик» тушунчаси жамият амалиётида тобора кенг қўлланилмоқда; **иккинчидан,** уни илмий жиҳатдан қайта тузишга, яъни бир бутун, тенг ва ўзгармас ўзлик тўғрисидаги тасаввурларни бартараф этишга йўналтирилган уринишлар ҳам кўзга ташланмоқда[1].

Ўзлик ва инсон ҳуқуқлари

Инсон ҳуқуқлари ва ўзлик – глобал муаммолардан бирига айланмоқдаки, буни айнан инсон ҳуқуқлари билан кишилар, ижтимоий гуруҳлар ва халқларнинг ўзлигини англаши ўртасидаги зиддиятлар мисолида кўриш мумкин. **Ўзлик** – бу инсонга ўзини оиласи, диний қавмдошлари, миллати, ирқи тимсолидаги муайян ҳамжамият билан тенглаштириш имконини берадиган омиллар мажмуидир.

Инсон ҳуқуқлари билан ўзлик тушунчаси ўртасидаги боғлиқликларнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш даркор.

Инсон ҳуқуқлари институти – бу ижтимоий муносабатлар таркибидаги ўзгаришларга ва адолатсизлик, ҳукмронлик ҳамда

---

[1] **Қаранг:** Методологический семинар отдела политической науки ИНИОН РАН «Идентичность как фактор политики и предмет политической науки». – М., 12 апреля 2005 г. (отчет) //http://www.rapn.ru/grup=@doc=904

зулмнинг янги турлари пайдо бўлишига (ёки ҳис этилишига) нисбатан ғоятда сезгирликнинг ўзига хос барометридир. XX аср охирида жамиятга тобе ҳолатдаги турли гуруҳларнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини тан олиш ва ҳимоя қилиш талабини илгари сурган кўплаб сиёсий ҳаракатлар инсон ҳуқуқлари ривожига жиддий таъсир кўрсатди. Бу ҳаракатларнинг аксарияти, **«ўзлик ҳуқуқи»**ни даъво қилган ҳолда, тенг инсоний қадр-қиммат ғояси ўзликни (шу жумладан, ирқий, жинсий, миллий, диний ва бошқа шу каби маргинал гуруҳлар вакилларининг ўзлигини ҳам) тенг тан олиш ғояси билан тўлдирилиши керак, деган масалани кўтариб чиқди.

Бунда, модомики амалда бўлган ҳукмронлик ва тобелик муносабатлари камситилган гуруҳлар аъзоларига ўз манфаатларини **«умумий ҳуқуқлар»** (шу жумладан, инсон ҳуқуқлари) доирасида ҳимоя қилиш имконини бермаётган экан, уларга алоҳида ҳуқуқлар тақдим этадиган «тафовутлар сиёсати» зарур экани назарда тутилган. Бу ва бошқа шу каби далиллар **инсон ҳуқуқларининг «учинчи авлоди»**[1]га мансуб бир қатор ҳуқуқлар шаклланиши ва эътироф этилишига кучли таъсир кўрсатди.

Ўзлик ва инсон ҳуқуқларининг «авлодлари»

Ҳозирги вақтда инсон ҳуқуқларининг уч авлоди ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тобора кенг эътироф этилмоқда.

Биринчи авлод – «салбий шаклдаги ҳуқуқлар»ни қамраб олган бўлиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 2–21-моддаларида эълон қилинган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан иборат. Ушбу ҳуқуқлар инсонни унинг ҳуқуқлари чекланишидан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган.

Иккинчи авлод – «ижобий шаклдаги ҳуқуқлар», яъни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 22–27-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни қамраб олган ҳамда ижтимоий адолатни, муҳтожликдан халос бўлишни, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда иштирок этишни таъминлашга йўналтирилган.

Учинчи авлод – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 28-моддасида тилга олинган «жамоавий ҳуқуқлар», демакдир. Мазкур моддада қайд этилганидек: «Ҳар бир инсон ушбу Декларацияда баён этилган ҳуқуқ ва эркинликлар тўлиқ амалга

---

[1] **Қаранг:** Права человека и проблемы идентичности в России и в современном мире. – СПб., 2005.

оширилиши мумкин бўлган ижтимоий ва халкаро тартиб бўлиши ҳуқуқига эгадир»[1].

Шу билан бирга, ҳозирги даврдаги асосий инсон ҳуқуқлари орасида ўзликка эга бўлиш ҳуқуқи ҳам бор. Яъни, **бир томондан,** инсон ҳуқуқлари универсал стандартлар сифатида турли хил гуруҳлар ўртасидаги тафовутларни текислаб юборса, **иккинчи томондан,** у инсонга ўзлигини намоён этиш, шу жумладан ўзлигини танлаш имконини берадиган воситадир.

Ушбу фикрни абсурд, яъни бемаънилик даражасига олиб бориладиган бўлса, инсон ҳуқуқларини идеал ҳолатда амалга оширишга уриниш, ўз навбатида, ўзликнинг тўла йўқолиб кетишига олиб келади. Бунда ҳамма одамларнинг бир хил бўлиши тақозо этиладики, бундай ҳол ҳеч қачон рўй бермаслиги табиийдир.

Айни вақтда дунёда **соғлом ақлга зид вазият** юзага келмоқда: агар айрим мамлакатларда, масалан, Европада инсон ҳуқуқлари ва унинг учун кураш бугунги кунда мутлақо табиий аҳамият касб этган бўлса, бошқа давлатларда эса муайян диний ёки миллий гуруҳ сифатида ўзлигини намоён этиш инсон ҳуқуқлари тўғрисида ғамхўрлик қилишдан кўра анчагина муҳим саналади.

Инсон ҳуқуқлари тизими ўзлик аталмиш ҳуқуқнинг эркин шаклланишини таъминлашга хизмат қилади. Инсон ҳуқуқлари, моҳият жиҳатидан олиб қараганда, ўзликни эркин танлашнинг том маънодаги имкониятидир. Демак, бу ўринда мутлақ ўзлик ҳуқуқи ҳақида эмас, балки бутун бошли инсон ҳуқуқлари мажмуи билан ялпи таъминланадиган ўз ўзлигини шакллантириш ва ўзгартириш эркинлиги хусусида сўз бориши мақсадга мувофиқдир[2].

Ҳозирги даврда ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш муаммоси, айниқса, «инсон ҳуқуқлари» тушунчаси билан ўзаро боғлиқликда жуда ўткир тус олган. Ушбу икки категория ўртасидаги муносабатлар ўта мураккаб ва зиддиятлидир. Жаҳон икки тушунча: **инсон ҳуқуқлари ва инсоннинг ўзлигини англаш,** ўзлик ҳуқуқи муносабатлари ўртасидаги янги бир кескинлашувни бошидан кечирмоқда.

Бугунги кундаги жуда кўп инқирозли тангликлар **икки тенденция: бир томондан,** қандайдир буюмларнинг универсаллиги

---

[1] Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир – А.Х. Саидов, юридик фанлари доктори, профессор. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. – Т.: «Адолат», 2002. – 53-бет. **Яна қаранг:** Саидов А.Х. Международное право прав человека. – М., 2002.

[2] **Қаранг:** Саидов А.Х. Общепризнанные права человека. – М., 2003.

йўналиши, умумэътироф этилган инсон ҳуқуқлари йўналиши, глобаллашув йўналиши, **иккинчи томондан** – мустақиллик, ўзига хослик, ўзлик ҳуқуқи йўналиши ўртасидаги тўқнашувлар билан узвий боғлиқдир. Шу муносабат билан маданий релятивизм[1] назарияси ҳақида ҳам мушоҳада юритиш айни муддао,деб ўйлаймиз.

Ўзлик, инсон ҳуқуқлари ва маданий релятивизм

«Маданий релятивизмда – инсон ҳуқуқларига тааллуқлиликни, фикримча, батамом ёддан чиқариш лозим. Моҳиятан қараганда, инсон ҳуқуқларини маданий мансублик асосида бузишни оқлаш борасидаги ҳар қандай уринишга инсониятга қарши жиноят сифатида ёндашиш керак»[2], деган эди адабиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори Уоле Шойинка.

Маданий релятивизм – бу айрим маҳаллий, тор маданиятларга мансуб бўлган аниқ тафовутларга асосланган ҳолда универсал, умуминсоний кадриятлар ва тамойилларни инкор этишнинг услубий йўл-йўриғидир. Инсон ҳуқуқларини талқин этишда маданий релятивизм ўзини Ғарб маданияти маҳсули сифатида намоён этади ва шу боис унинг универсал ҳисобланиши мумкин эмас.

Маданий релятивизмни инсон ҳуқуқлари маъносида англаш тарафдорлари орасида Осиё мамлакатлари (хусусан, Хитой ва Эрон) ҳуқуқшунослари ва сиёсатчилари кўпчиликни ташкил этади; юқорида қайд этилган услубий йўл-йўриқ одатда уларга ўз мамлакатларида инсон ҳуқуқларининг бузилиши халқаро ташкилотлар томонидан танқид қилинган ҳолатларда қарши далил сифатида қўл келади.

Бу ғоя Хитой делегацияси томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференциясида (Вена, 1993 йил) қуйидаги мазмунда анчайин аниқ-равшан баён этилган эди: «Тараққиётнинг турли босқичларида турган ёки турлича тарихий анъаналарга эга бўлган мамлакатлар инсон ҳуқуқларини турлича тушунади ва ҳаётга ҳам шундай татбиқ этади. Шунинг учун айрим мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича стандартлари ва моделлари ягона, энг мақбул деб

---

[1] Релятивизм – фалсафа фанида билимларнинг нисбийлигини метафизикларча мутлақлаштириб, воқеликни обьектив равишда билиш мумкинлигини инкор этадиган методологик принцип.

[2] **Қаранг:** Всеобщая декларация прав человека: 1948–1998. – М., 1998. – С.6.

ҳисоблаш ва бошқа мамлакатлардан уларга мувофиқ равишда иш кўришни талаб этиш тўғри эмас»[1].

Инсон ҳуқуқлари миллий психология ва маҳаллий хусусиятларга боғлиқ ҳолда турлича талқин қилинишини инкор этадиганларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Бундай талқинларга, улар инсон ҳуқуқлари бузилишини оқлашга хизмат қила бошлагунига қадар, йўл қўйиш фақат мумкингина эмас, ҳатто зарур ҳамдир.

Акс ҳолда, маданий релятивизмдан мутлақо тескари томонга *ҳуқуқий идеализм*га ўтиб қолиш хавфи юзага келади. Бундай қараш тарафдорлари инсон ҳуқуқларининг универсал тамойиллари ҳаётга татбиқ қилинадиган тегишли ўзига хос ижтимоий-маданий шароитларни соғлом фикр асосида баҳолашга қодир эмас.

Хилма-хил маданиятлар ва анъаналарга бой дунёда инсон ҳуқуқларининг универсаллиги нимани англатади?

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқий ижодкорлик жўшқин ва ниҳоясига етмаган жараёндир. Эртанги кунда инсон ҳуқуқлари қандай бўлиши давлатларнинг ўзига боғлиқ, шунинг учун инсон ҳуқуқларининг универсаллиги дегани, бу – ҳажми қанчалиги олдиндан белгилаб қўйилган мутлақ бир ўлчам эмас.

Бу ғоя 1993 йили Осиё давлатларининг Бангладеш декларациясида ўз ифодасини топган бўлиб, жумладан, унда қуйидагилар таъкидланган: «Инсон ҳуқуқлари табиатига кўра универсал бўлса ҳам, улар миллий ва минтақавий хусусиятларни ҳамда турли тарихий, маданий ва диний маъноларни ҳисобга олган ҳолда, халқаро ҳуқуқ норма ижодкорлигининг жўшқин ва тадрижий ривожланаётган жараёни асносида кўриб чиқилиши зарур»[2].

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари сиёсий тараққиётнинг қандайдир битта даврига ёки муайян бир босқичига мансуб, деб ҳисобланмайди. М. Палумбо таъкидлаганидек, «Бизнинг яҳудолик-насронийлик анъаналари, худди шунингдек, юнон-рим тамаддуни олдидаги қарздорлигимиз «инсон ҳуқуқлари – соф ғарбона ҳодиса» деган тор миллатчиларча қарашнинг тасдиғи эмас. Инсон ҳуқуқларига оид қоидаларни ўзида мужассам этган ғояларни бошқа маданиятлар, анъаналар ва динлар ҳам ишлаб чиққан»[3].

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари тушунчаси биргина маданият – Ғарб маданияти билан чегараланади. «Агар сиз шу соҳада

---

[1] *Symonides J.* New Human Rights Dimensions, Obstacles and Challenges: Introductory Remarks // Human Rights: New Dimensions and Challenges. P., 1998. P. 26.

[2] Doc. A/CONF.157/ASRM/7.

[3] Palumbo M. Human Rights: Meaning and History. Malabar, 1982. P. 18–19.

Ғарбнинг алоҳида ажралиб туришини эълон қилсангиз ёки инсон ҳуқуқлари ғояси осиёликларда аввалбошдан мавжуд бўлмагани деган даъвони илгари сурсангиз, ҳойнаҳой, бу ўринда сиз бошқаларнинг тан олиш имкониятини йўққа чиқарадиган жудаям тор таъриф берган бўлиб чиқасиз. Аммо, агар сиз инсон ҳуқуқлари – бу гарчанд мукаммал бўлмаса-да, ўзида ҳам Шарқ, ҳам Ғарбдаги кўплаб халқларнинг эзгу орзу-умидларини ифода этадиган муайян тадрижий ривожланишдаги тушунча деб қарайдиган бўлсангиз, эҳтимолки, бошқа халқларнинг тажрибасини ўрганган ҳолда, турли маданий муҳитларда инсон ҳуқуқлари муаммоларини янада чуқур англаб етиш имкониятига муваффақ бўлишингиз мумкин»[1].

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқлари ўзлик муаммолари билан боғлиқ равишда қуйидаги хусусиятларга эгадир.

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари – муайян имкониятларга эга бўлиш йўлидаги интилиш.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари – эркинликка маънодош тушунча.

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари – шахс қадр-қимматининг инъикоси. Қадр-қиммат «инсон ҳуқуқлари» тушунчасининг марказида туради.

Тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари – шахс ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тавсифидир.

Бешинчидан, инсон ҳуқуқлари – шахснинг ўз ҳолати, унинг қадр-қиммати, бир бутунлиги, бошқа шахслар билан ўзаро имкониятларга эга бўлиш даъвосининг самарадорлигига қаратилган муносабатларидир.

Олтинчидан, инсон ҳуқуқлари – ҳокимиятни инсонпарварлаштириш механизмидир.

---

[1] De Bary Th. W. Neo-Confucianism and Human Rights // Human Rights and the Worlds Religions. Notre Dame, 1998. P. 184.

2.4. ЖАҲОНДА СУВ ЕТИШМАСЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИНҚИРОЗЛАР

Жаҳондаги сув инқирози нималарда намоён бўлмоқда?

Сув – инсон ҳаётининг асоси. Сув, шунингдек кишилар, халқлар, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳам асоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Сув – яккаю ягона табиий ресурс бўлиб, унга бўлган талаб бутун инсоният тарихининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Сув жамият иқтисодиётидан тортиб маданий қадриятларигача инсоният камолотининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, табиий муҳит мувозанатли ривожланишининг рад қилиб бўлмайдиган шарти ҳисобланади.

XXI аср бошига келиб бутун дунё Ер сайёрасининг чекланган ресурсларидан қандай фойдаланиш ва бошқариш ҳақидаги муаммога дуч келди. Ҳамма жойда сув иқтисодиёт равнақ топиши ва жамият соғлом бўлишининг зарур элементи эканлиги ҳамда экотизимнинг сақланиб қолишида ҳал қилувчи роль ўйнаши эътироф этилади. Бироқ эътибор ошиб бораётганлигига қарамай, сув ресурслари камайиб бормоқда, миллиардлаб одамлар эса ҳамон ичимлик суви билан етарлича таъминланмаган. Жаҳонда сув-энергетика ресурслари ва атроф-муҳит муҳофазаси атрофида мана шундай мантиққа зид вазият шаклланди.

«Сув омили» ичимлик сув кескин тақчил эканлиги муносабати билан халқаро хавфсизлик, энг аввало, экологик хавфсизлик тизимида алоҳида ўринда туради. XX асрда Ер аҳолиси 1 миллиарддан 6 миллиардга кўпайди, сайёрамизда 1 кишига тўғри келадиган ичимлик сув ҳажми 6 марта камайди ва бу олиниши мумкин бўлган сувнинг 95 фоизини ташкил этади.

Жаҳон Метеорология Ташкилоти маълумотлари бўйича Ердаги сув ресурсларининг 97,5 фоизи шўр сувлар, 2,5 фоизи ичимлик сувдир. Ичимлик сувнинг 2,24 фоизидан фойдаланиш қийин ёки бўлмаса улар бориш қийин бўлган жойлардадир (музликлар, чуқур ер ости сувлари). Жаҳондаги сув умумий ҳажмининг фақат 0,26 фоизи фойдаланиш мумкин бўлган ичимлик сув ҳисобланади. Ердаги мана шу 0,26% сув келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг эҳтимол тутилган манбаи ҳисобланади.

Халқаро экспертларнинг фикрича, ҳатто мавжуд сув заҳираси ҳам ундан оқилона фойдаланилган тақдирда Ер юзининг барча аҳолисига етади. Бироқ халқаро тадқиқот ташкилотларининг

прогнозига кўра яқин 20–25 йил кескин сув тақчиллиги таҳдиди туфайли жаҳон цивилизациясининг ривожланишида бурилиш нуктаси бўлиши мумкин. Жаҳонда ҳамма жойда нафақат углеводородларга, балки сувга бўлган талаб ошиб бормоқда. Чунки сув – табиий ресурсларнинг муҳим тури. Шу муносабат билан агар XX асрда нефтни суюқ олтин деб аташган бўлса, XXI асрда бу ном ичимлик сувга берилиши қайд этилмоқда. Кўпчилик таҳлилчилар XXI асрда табиий ресурслар учун кураш кескинлашади деб ҳисоблайдилар ва келажакда ўзига хос урушлар – «сув», «нон» урушлари ва бошқа «эко-урушлар» бўлишини тахмин қиладилар.

Жаҳонда сув билан боғлиқ инқирозлар тобора кўпроқ юз бермоқда. Охирги юз йилликда сув ресурсларидан фойдаланиш олти баравар кўпайибгина қолмай, балки атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва ичимлик сувдан оқилона фойдаланмаслик туфайли унинг Ердаги ҳажми ҳам камайди. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, 2030 йилга бориб сайёрамизнинг 3 миллиарддан ортиқ аҳолиси сув ресурслари етишмаслигидан азият чекади. Гарчи БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари Декларацияси «сув ресурсларидан ноокилона фойдаланишни тўхтатишга», «сувдан адолатли фойдаланишни таъминлашга кўмаклашишга» чақирса ҳамда 2015 йилга бориб сифатли ичимлик сувга эга бўлмаган аҳоли сонининг 50 фоизга қисқаришини назарда тутса ҳам бугунги кунда Ер юзи аҳолисининг қарийб ярми сув билан боғлиқ муаммога дуч келмоқда, 1 миллиардга яқин киши тоза ичимлик сувдан фойдалана олмайди, 2,5 миллиард киши эса санитария мақсадлари учун етарлича сувга эга эмас. Барча касалликларнинг 80 фоизи ичимлик сув йўқлиги сабабли келиб чиқади. Жаҳонда ҳар 8 секундда бир бола ичимлик сув етишмаслигидан ҳаётдан кўз юмади.

ЮНЕСКО прогнозига кўра глобал исиш ва сув етишмаслиги муаммосига 2020 йилдаёқ Африкада 75 миллиондан 250 миллионгача киши дуч келади, сув ресурслари тақчиллиги эса қурғоқчилик минтақаларида 24700 млн. кишини кўчишга мажбур қилади. Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра одамга бир кунда энг асосий эҳтиёжларга – ичиш, овқат тайёрлашга ва касаллик тарқалишига тўскинлик қиладиган шахсий гигиенага камида 20 л сув талаб қилинади. Шунга қарамай, Шарқий Африкадаги кўплаб аҳоли бир кунда атиги 5 л сувга эга, айримлари эса 1 л сув билан кифояланишга мажбурдир.

Агар иқлимшунослар башорат қилаётганидек глобал исиш туфайли денгизларда сув сатҳи кўтарилса, қирғоқбўйи минта-

ларида тупроқнинг сувли қатлами шўрланади. Бунинг оқибатида ичимлик сув тақчиллиги ошади.

Буларнинг барчасига жаҳонда юз бераётган демографик шовшувни қўшиш мумкин. Дунё аҳолиси ҳар йили қарийб 80 миллион кишига кўпаймоқда. Инсоннинг сувга бўлган йиллик эҳтиёжи – 1000 кубометрга яқинни ташкил этади. Бунга йилига 64 миллиард куб метр сувни қўшинг. Бир миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган 650 та шаҳар бор, 10 миллиондан ортиқ киши истиқомат қиладиган йирик шаҳарларни эсдан чиқармаслик керак. 2025 йилга бориб Ер юзи аҳолисининг учдан икки қисми сув ресурслари етишмаслигига дуч келади.

ЮНЕСКОнинг собиқ Бош котиби К. Мацуура жаҳон сув инқирозлари қўламларини яққол кўрсатиб берадиган қуйидаги рақамларни келтирган эди: «Ер куррасидаги сув захиралари 1 миллиард 400 миллион куб километр деб баҳоланади. Бироқ ундан 97 фоизи шўр сув. Ичимлик сувнинг кўп қисми музликларда ёки ер остида чуқур жойлашган. Аҳоли сонининг кўпайиши, иқлимнинг глобал исиши, озиқ-овқат ва энергия ресурсларига талабнинг ўсиши Ер юзида сувга бўлган эҳтиёжнинг ўсишига ва ривожланаётган мамлакатлардаги вазиятнинг чигаллашишига олиб келади. Ичимлик сув билан боғлиқ вазият, айниқса, Африкада жуда оғир. Ер юзида сув инқирози ҳал этилмас экан, минтақавий қўламдаги бошқа инқирозлар кескинлашиши ва сиёсий беқарорликка ва ҳар хил низоларга олиб келиши мумкин.

Сув XXI асрда муҳим геостратегик муаммога ва глобал хавфсизлик омилига айланади. БМТ Бош Ассамблеяси Бош котиби Мигель д'Эското Брокманн 2009 йил май ойида Истанбулда бўлиб ўтган Бешинчи Бутунжаҳон сув анжуманининг қатнашчиларига мурожаатида «сувни нефть сингари товар каби хусусийлаштираётганлар одамларни биз нафас олаётган ҳаводек муҳим ҳуқуқдан маҳрум қиладилар», деб таъкидлади. У Жаҳон банкининг 2025 йилга бориб жаҳон аҳолисининг учдан икки қисми етарли даражадаги тоза сувга эга бўлмасликлари ҳақидаги маълумотини келтириб, шу муносабат билан «Биз сувдек ҳаётнинг муҳим элементига тор йўналтирилган, фойда олишни кўзлайдиган ёндашув нафақат инсониятни, балки сайёрамиздаги бутун ҳаётни боши берк кўчага олиб боришини эътироф этишимиз керак», деб таъкидлади.

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) президенти Ж. Диоф «сувга бўлган ҳуқуқ инсоннинг асосий ҳуқуқи

ҳисобланади ва уни бундан маҳрум этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Сув инқирози энергетика ва молиявий инқирозга қараганда анча хавфлидир», деб қайд этди.

Жаҳон сув кенгаши президенти Л. Фашоннинг «Марказий Осиё мисолида сув ресурсларига раҳбарлик қилишни бошқариш принципларини такомиллаштириш тўғрисида»ги маърузасида тармоқ энергетик эгоизми ва БМТ томонидан эълон қилинган инсоннинг ичиш, гигиена, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун сувга ва табиатга бўлган ҳуқуқига муайян тажовузларнинг бутун жаҳонга таҳдиди ўсиб бораётганлиги қайд этилади.

2009 йил 30 январда Давос форумида хитойлик таҳлилчилар томонидан эълон қилинган маърузада бутун жаҳонга «сув банкротлиги» хавф солаётганлигига эътибор қаратилади. Яқин 20 йилда инсониятнинг сув ресурслари соҳасидаги рақобати кучаяди. Ҳар хил энергетика тармоқларида сув ресурсларига бўлган талабнинг кескин ошиши кутилмоқда. Масалан, АҚШда ўсиш 165 фоизга, Европа Иттифоқида 130 фоизга етади. Бу қишлоқ хўжалигига жиддий хавф солади, бундан ташқари сувнинг нархи нефть нархидан ошиб кетади. Бутунжаҳон ёввойи табиат фонди сайёрада эркин оқадиган дарёлар тобора камайиб бораётганлигидан ташвиш билдиради.

XXI аср бошида жаҳоннинг деярли барча давлатлари жуда катта сув тақчиллигини бошдан кечирмоқда. Давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ичиш, электр энергияси ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва саноат эҳтиёжлари учун сув ресурслари билан таъминлаш муаммосини долзарблаштиради. Бу жиҳатдан, кўпчилик экспертларнинг фикрига кўра, қуйидаги тенденциялар кузатилади: биринчидан, сув ресурслари билан таъминлаш муаммоси тақчилликнинг кучайишига олиб келади; иккинчидан, хорижий инвестициялар кўплаб сув хўжалиги лойиҳаларига йўналтирилади; учинчидан, сунъий сабаблар келтириб чиқарган сув ресурслари тақчиллиги сув хўжалиги бозоридаги тижорий имкониятларни оширади; тўртинчидан, жаҳонда сув ресурсларининг тақсимланиши вақт ва маконга кўра нотенг; бешинчидан, жаҳонда сув таъминотига табиий шарт-шароитлардан ташқари иқлимнинг исиши ва экологик ифлосланиш жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, сув етишмаслиги муаммоси жаҳоннинг кўплаб давлатларининг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган жиддий омилга айланмоқда. Шу муносабат билан минтақа ва жаҳон миқёсида сув соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш

юшисидан аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар кўриш шарт. Бундай шароитларда замонавий халқаро сув ҳуқуқи асосида ўзаро манфаатлар энг кўп даражада ҳисобга олинган ҳолда турли давлатларнинг сув сиёсатини мувофиқлаштириш тобора кучли зарурият айланмоқда.

Жаҳоннинг сув муаммоси бўйича ўзига хос «мия маркази» бўлган, бутун жаҳонда сув ресурсларини бошқаришни ва сув таъминотини яхшилаш учун сув ҳаракатини мустаҳкамлашга йўналтирилган Жаҳон сув кенгаши 1996 йилда Марсель шаҳрида (Франция) ташкил этилган. Кенгаш Бутунжаҳон сув форумларини ташкил этиш ва сув муаммоларидан халқаро жамоатчиликни хабардор қилиш, халқлар ва ҳукуматларнинг интилишларини сув инқирозининг олдини олишга йўналтириш йўли билан сув тақчиллигининг ўсиб бораётган муаммоларига халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини жалб этишга даъват этилган. Ўтган йилларда бешта Бутунжаҳон сув форумлари бўлиб ўтди. Уларнинг ҳар бири озиқ-овқат хавфсизлигини ва экологик хотиржамликни ҳал этиш мақсадида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлигини инсоният тушуниб етишига қаратилди. БМТ маълумотларига кўра ҳозирги вақтда трансчегаравий ҳавзалар Ер юзасининг 45,3 фоизини қамраб олади. Бу ерда ер шари аҳолисининг қарийб 40 фоизи яшайди ва дунё дарё оқимининг 80 фоизи жамланган.

XXI аср бошида реал воқеликдан кўз юмиб, инсоният жаҳон сув тақчиллиги келтириб чиқарган зиддиятлар ва низоларга дуч келиши мумкинлигини эсдан чиқариб бўлмайди. Шу муносабат билан кейинги 50 йилда қурол ишлатилган ҳолда 37 та сув низоси юз берганлигини ёдда тутиш керак. Эксперт маълумотларига кўра охирги ярим асрда трансчегаравий дарёлар билан боғлиқ 500 тадан ортиқ можаро келиб чиққан.

Ҳозирги вақтда трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан фойдаланиш муаммоси дунёнинг бир қанча минтақаларида низо қўзғатувчи омил ҳисобланади. Булар қуйидаги минтақалар: Дажла ва Фурот дарёлари (Туркия, Сурия, Ироқ, Ливия, Исроил манфаатлари тўқнашади); Иордан дарёси (Исроил, Сурия, Иордания, Ливан манфаатлари); Нил дарёси (Миср, Судан, Ҳабашистон, Уганда манфаатлари); Аракс (Арманистон, Озарбайжон, Эрон, Туркия манфаатлари); Замбези дарёси (Ангола, Ботсвана, Замбия, Зимбабве, Мозамбик, Намибия манфаатлари); Ганг дарёси (Ҳиндистон, Бангладеш манфаатлари) ва бошқалар.

Таъкидлаш зарурки, айрим таҳлилчилар келажакда сув низолари сақланиб қолишини тахмин қилиб, фақат салбий сценарийларга эътиборни қаратадилар. Аслида эса сув соҳасидаги низоларга мулоҳазалироқ муносабатда бўлиш низоларнинг манбаларини бартараф этишга кўмаклашиши ва трансчегаравий можароларда қатнашаётган барча томонлар халқларининг фаровонлиги йўлида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиши мумкин.

Сув муаммоларини ҳал этишга тарихий назар.

Қадим-қадимдан одамлар ўзларига оби ҳаёт берган дарёлар ва кўлларнинг атрофида яшашни мақбул кўрганлар.

Оби ҳаёт олиб келадиган дарёлар ҳамиша муқаддас саналган. Мисрликлар учун – Нил дарёси, ҳиндилар учун – Ганга дарёси, америкалик ҳиндулар учун – Амазонка дарёси, европаликлар учун – Рейн ва Дунай дарёлари, Марказий Осиё халқлари учун эса – Амударё ва Сирдарё ана шундай муқаддас дарёлардир.

Марказий Осиё халқлари сувга Оллоҳ томонидан инъом қилинган муқаддас туҳфадек муносабатда бўлганлар. Ўзбек халқи ҳикоятларидан бирида айтилишича, ҳатто илон ҳам сувга заҳрини сочмайди. Ўзбеклар, қирғизлар, қозоқлар, туркманлар, тожиклар орасида «бир дарёдан сув ичамиз» деган ибора кенг тарқалган. Бу «ҳал этилмайдиган ҳеч бир муаммо йўқ, чунки минтақадаги барча халқларнинг илдизи бир», деган маънони англатади.

Марказий Осиё халқлари кўп асрлар мобайнида сув манбаларидан биргаликда фойдаландилар, ирригация иншоотлари қурилишида қатнашдилар. Бутун жаҳонга Марказий Осиё Икки дарё оралиғи сифатида машҳур бўлган қадимий тамаддун мана шу тахлитда яратилди. Уч минг йил олдинроқ яратилган «Авесто»даёқ «сувни булғаш, ифлос қилиш, бўғиш катта гуноҳ ва жиноят ҳисобланади», дейилади.

Имом Бухорийнинг бутун мусулмон оламида машҳур бўлган ҳадисларида «ҳар бир халқ ва барча одамлар тоза сувдан тенг фойдаланиши адолатдандир», деб ёзилган.

Буюк шахсларнинг ҳикматли иборалари Шарқ халқлари томонидан ҳамиша қадрланган. Чунки бу ҳикматли гаплар тинчлик ва барқарорликдек асосий қадриятларни авайлаб-асрашга чақирган.

Тарихан сув ҳамма вақт ҳар хил коллизиялар объекти бўлибгина қолмай, балки фундаментал фанларнинг ривожланишига асос бўлган. Масалан, сув сатҳини кўтариш ва сугоришда унинг оқимини таъминлаш учун тригонометрия ва геометрия, геология, геология ва геодезия каби фанлар ривожлантирилган. Абу Райҳон Берунийнинг

«Геодезия» ва «Геология», Муҳаммад Хоразмийнинг «Ал жабр ва муқобала («Алгебра ва тригонометрия») асарларининг жаҳоний шуҳрати, Аҳмад Фарғонийнинг Миср эҳтиёжлари учун Нил дарёси сув сатҳини ўлчашга мўлжалланган нилометри яхши маълум. Уларнинг барчаси у ёки бу даражада сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурияти туфайли яратилган.

Дарёлар ўзанини ёки сув оқимини жамоатчиликнинг розилигисиз, жамоатчилик фикрини ҳисобга олмай ўзгартириш қадим-қадимдан жуда қаттиқ жазоланган. Машҳур тарихчи олим Юсуф Тавасийнинг XII асрда ёзилган «Доно фикрлар хазинаси» китобида далолат берилишича, машҳур сўфий Аҳмад Яссавийнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ аянчли воқеа юз берган. Сув оқими нозирлари унинг 15 ёшли ўғлини тўғонни берухсат очиб ўз ерига ариқдан сув олиб келганлиги учун бошини танасидан жудо қилишган. Ушбу ҳолни сўфизм йўналишларидан бирининг асосчиси матонат билан қабул қилган ва сув буюк кишининг авлоди бўладими ёки бошқа одам бўладими бир кишининг мулки бўлиб қолмай, балки бутун халқнинг бойлиги эканлигидан келиб чиқиб, жамоатчиликнинг бундай қаттиқ қарорига розилик билдирган.

Қадим замонлардаёқ Марказий Осиё халқлари сувни юксак даражада қадрлаганлар ва уни тақсимлашни, ундан оқилона фойдаланишни ўз даврининг таниқли арбобларига ишонганлар. Жумладан, Хоразмшоҳ Маъмун буюк қомусий олим Абу Райҳон Берунийга бутун Хоразм сувини бошқариш ҳуқуқини берган. Олим Жайҳун (Амударё) қирғоқларига кузатиш пунктлари ўрнаттирган ва одамлар сув ҳаракатини кузатиб боришган.

Архив маълумотлари трансчегаравий дарёлар бўйлаб жойлашган давлатлар минтақавий ҳамкорлигининг узоқ тарихидан далолат беради. Икки шаҳар-давлат Месопотамия, Умма ва Лагаш ўртасидаги сувга биргаликда эгалик қилиш тўғрисидаги битим бизнинг эрамиздан уч минг беш юз йил олдин тузилган қадимги битимдир. Бутун жаҳон озиқ-овқат ташкилотининг маълумотларига кўра эрамизнинг 805 йилидан бошлаб мамлакатлар ўртасида халқаро сув ресурслари бўйича 3600 тадан ортиқ шартнома тузилган.

Шундан бери қанча сувлар оқди. Ҳозир жаҳонда тақсимланадиган сув ресурсларини бошқариш бўйича жуда кўплаб шартномалар тузилган. Кейинги 50 йилда жаҳонда сув соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида 150 дан ортиқ шартнома имзоланди.

Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада, Меконг дарёси ҳавзаси мамлакатлари ва кўплаб бошқа давлатларда сувни самарали

бошқариш, давлат ички ва давлатлараро сув муносабатлари тизимига энг янги технологиялар ва менежментни жорий этишнинг ибратли намуналари тўпланган.

Европа Иттифокида 2000 йилдан бошлаб сув ресурсларини бошқариш масалалари бўйича асос бўлувчи ҳужжат – Европа Иттифоқининг барча мамлакатлари бажариши мажбурий бўлган «Сув доиравий директиваси» қабул қилинган ва фаол равишда амалда қўлланилмоқда. Европа мамлакатлари биринчи бўлиб ўз сув ҳавзаларига нисбатан трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларини бошқаришга экотизимли ва интеграциялашган ёндашувни қўллаш тўғрисида келишдилар. Рейн дарёси билан боғлиқ шартнома бунга яққол мисол бўла олади.

АҚШ ва Мексика ўртасида Рио-Гранде дарёси сув ресурсларидан фойдаланиш ҳақида шартнома мавжуд. Ушбу шартнома 1906 йилда тузилган. Ушбу мамлакатлар ўртасида Рио-Гранде, Колорадо ва Тихуан дарёларидан фойдаланиш тўғрисида 1944 йилда тузилган шартнома ушбу дарёлар сувларидан оқилона фойдаланиш юзасидан уларнинг ҳуқуқларини белгилаб беради.

Инсоният тарихи ривожланиши давомида халқлар трансчегаравий дарёлардан биргаликда фойдаланишга ўргандилар. Сув билан боғлиқ келишмовчиликларни тинч ҳал этиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш бунинг калити бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ҳатто ашаддий душманлар ўртасида бошқа масалаларда келишмовчиликлар сақланиб қолгани ҳолда сув тўғрисида юридик битим тузилганлиги ва унга сўзсиз риоя қилинганлиги ҳоллари маълум.

Жумладан, Камбоджа, Лаос, Таиланд ва Вьетнам БМТнинг қўллаб-қувватлаши билан 1957 йилдан бошлаб Меконг дарёси бўйича Комиссия доирасида ҳамкорлик қиладилар. Вьетнамдаги уруш ушбу мамлакатларга технологиялар соҳасида мунтазам равишда ахборот айирбошлашга халақит бермади. Исроил ва Иордания 1955 йилдан бошлаб АҚШ ҳамкорлигида Иордан дарёсидан биргаликда фойдаланиш юзасидан мунтазам равишда музокаралар олиб боради. Музокаралар, ҳатто ушбу мамлакатлар де юре уруш ҳолатида бўлган пайтларда ҳам тўхтамади. Жаҳон банки кўмагида ташкил этилган Инд дарёси бўйича комиссия иккита урушни ҳамда Ҳиндистон ва Покистон ўртасида ҳамон сақланиб қолаётган келишмовчиликни бошдан кечирди.

Жаҳонда «трансчегаравий» сув объектлари тоифасига тегишли бўлган, яъни икки ёки ундан ортиқ давлат чегарасини кесиб

ўтадиган ёхуд давлатлар ўртасидаги чегара ҳисобланадиган кўплаб дарёлар (300 га яқин сув оқими), кўллар ҳамда ер ости сув ҳавзалари бор. Бу бутун ер юзасининг учдан бир қисмига тенг бўлган улкан ҳудуддир. Бу ерда 2,5 млрд. киши, яъни ер шари аҳолисининг 40 фоизи истиқомат қилади. Ернинг чучук сувли ресурсларининг тахминан 60 фоизи мана шу ерда жамланган.

Ҳозирги вақтда трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш режимини бошқаришнинг барқарор халқаро-ҳуқуқий амалиёти шаклланган. Барча халқаро ҳужжатларга, энг аввало, БМТ ҳужжатларига бир неча давлатлар ҳудудидан оқиб ўтадиган дарёлар сувидан фойдаланиш улардан бирортасига ҳам зиён келтирмаслиги принципи асос қилиб олинган.

Трансчегаравий сувлардан фойдаланиш масалалари бўйича кўплаб халқаро шартномалар орасида Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича конвенция (1992 йилда қабул қилинган БМТ ЕЭК Хельсинки сув конвенцияси) алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу Конвенция бутун бир минтақа доирасида трансчегаравий дарёларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга доир ҳамкорликнинг юридик базасини яратишга йўналтирилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Орол фожиаси – сайёра миқёсидаги ҳалокат.

Марказий Осиёнинг икки улуг дарёси Амударё ва Сирдарё ҳавзасида жойлашган ҳудуд азал-азалдан шу дарёларнинг суви билан таъминланган. Ушбу муҳим артериялар минтақанинг ягона гидрология тизимини шакллантиради. Инсон, табиат, наботот ва ҳайвонот дунёси жам бўлиб экотизимни ташкил этади. Уни ташкил этувчилардан бирининг мувозанати бузилганда яхлитликка путур етади. Марказий Осиёда худди мана шундай ҳол юз берди. Ерни ўйламасдан ўзлаштириш Орол денгизининг қуришига олиб келди ва бу Орол сув ҳавзаси экотизими бузилиши оқибатларининг кичик бир қисми ҳисобланади холос.

Коммунистик режим даврида XX асрда ҳалокатли қарорлар қабул қилиниши табиий жараёнларга кўпол равишда аралашишга, сув ресурсларидан ўйламасдан фойдаланишга олиб келди ҳамда Амударё ва Сирдарё сув оқимининг асрлардан буён шаклланган режимини тубдан ўзгартирди. Буларнинг барчаси Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ катта экологик ҳалокатга сабаб бўлди. Маълумки, ушбу ҳалокатнинг оқибатлари нафақат Оролбўйида ва Марказий Осиё мамлакатларида, балки ундан анча узоқда

жойлашган минтақаларда ҳам сезилмоқда. Орол фақат минтақа давлатларининг муаммоси бўлиб қолмай, балки ер юзи микёсидаги экологик ҳалокат эканлигига ҳеч ким шубҳа билдирмаяпти.

Орол муаммоси бир неча ўн йиллардан буён олимлар ва экспертлар, тадқиқотчилар ва сиёсатчилар эътиборини жалб этиб келмоқда. Афсуски, тадқиқотчиларнинг хулосалари тобора салбийлашиб бормоқда. Сув инқирози флора ва фаунанинг ноёб турлари йўқолишига, тупроқ, сувнинг минерал ва органик таркиби ўзгаришига, ҳавонинг ифлосланишига, тирик организмлар мутацияси частотаси ошишига, микроорганизмлар янги патоген турларининг кўпайишига олиб келди. Бугунги кунда сўз экотизимни тўлиқ тиклаш ҳақида эмас, балки умумий саъй-ҳаракатлар билан минтақада бундан ҳам аянчлироқ емирилишнинг олдини оладиган тенгликка эришиш ҳақида бормоқда.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг учрашувида (2009 йил, апрель, Алмати) қуйидагиларни таъкидлади: «Орол денгизи муаммосининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо бу муаммонинг кўлами XX асрнинг 60-йилларида, айниқса, хавфли тус олди. Аҳоли сонининг кўпайиши ва сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, янги ерларни жадал ўзлаштириш, суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш, курғоқчилик йилларининг мунтазам такрорланиб туриши энг янги тарихдаги йирик глобал экологик ҳалокатлардан бири содир бўлишига – сайёрамиздаги энг чиройли сув ҳавзаларидан бирининг куриб боришига олиб келди. Бутун инсоният кўз ўнгида денгиз ҳалокатга юз тутмоқда». Бугина эмас «сўнгги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 баравардан кўпроқ қисқарди, сув ҳажми 10 мартага камайди, унинг минераллашуви эса худди шу миқдорда ошди».

Орол бўйи минтақасини саҳро эгаллаб олмоқда. Қуриб бораётган денгиз бўйича жойлашган минтақаларгина эмас, балки бутун Марказий Осиё минтақаси бу ерда яшаётган аҳолининг ҳаёти, соғлиги, генофондига салбий таъсир кўрсатадиган доимий экологик хавф зонасида ҳаёт кечирмоқда.

Сув ресурслари тақчиллиги, ичимлик сув сифатининг пасайиши, ерларнинг деградацияси, биохилма-хилликнинг кескин камайиши, атмосфера ифлосланишининг ортиши натижасида иқлимда юз бераётган ўзгаришлар, балки шу билан боғлиқ ҳолда минтақанинг асосий дарёлари оқимининг кўпчилик қисми шаклланадиган Помир ва Тянь-Шандаги музликлар майдонининг

камайиши – Орол ҳалок бўлиши натижаларининг қисқа рўйхатини ташкил этади холос. БМТ Экологик дастури ва Жаҳон музликлар мониторинги хизмати томонидан 2008 йил кузида тайёрланган ҳисоботга кўра XX асрда Тянь-Шань музликлари майдони 25–35 фоизга қисқарган.

Оролбўйида глобал кўламга эга бўлган экологик-иқлим, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб комплекси пайдо бўлди. Экспертларнинг баҳосига кўра сайёра миқёсида таҳдид солувчи оқибатлар вужудга келган вазиятда ушбу муаммони жаҳон ҳамжамияти билан мувофиқлаштирилган биргаликдаги саъй-ҳаракатларсиз ҳал этиб бўлмаслиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Шундай қилиб, 1990 йилдан бошлаб Орол денгизи ҳавзасининг сув муаммолари минтақанинг энг ўткир ва глобал хавфсизлик муаммоларига айланди.

Марказий Осиёдаги сув инқирози: миллий, минтақавий ва геосиёсий таҳдидлар.

Марказий Осиё давлатларида кейинги 15 йилда «сув масаласи» давлатлараро муносабатлар ва минтақавий хавфсизликнинг жиддий омилига айланди. Марказий Осиё минтақасида сув билан боғлиқ вазият парадоксли: сув гўёки етарлидек, айни вақтда у етишмайди. Сув кўпинча исроф қилинмоқда. 1960 ва 1990 йиллар оралиғида Марказий Осиёда суғориладиган ер майдони 60 фоизга, аҳоли сони 14 миллиондан 50 миллионга етганлиги, сувга бўлган эҳтиёж эса 60 куб метрдан 120 куб метрга кўпайганлиги эътиборга олинса, минтақада сув билан, шу жумладан, ичимлик сув билан таъминланганлик муаммоси кескинлашганлигини тушуниш қийин эмас. Шу муносабат билан минтақадаги ҳар бир давлатнинг сув билан боглиқ муаммоси қўшни мамлакатларга боғлиқлиги ва бу муаммоларни ёлгиз ҳал эта олмаслиги аён. Сув ва экология хавфсизлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Марказий Осиё минтақаси сув ва энергия етишмаслиги муаммосига дуч келмоқда. Бу янги реалликларга мослашиш ва минтақада сув ресурсларини интеграцион бошқариш юзасидан шошилинч чоралар кўришни талаб қилмоқда. Сув муаммоси демографик портлаш туфайли тобора мураккаблашмоқда. Минтақа мамлакатлари иқтисодиёти интенсив ривожланиши натижасида 2030 йилга бориб сув истеъмоли камида 20 фоизга ошади. Кейинги вақтларда Марказий Осиё минтақасида геосиёсий таъсир кўрсатишнинг сув сингари энг муҳим омилидан фаол фойдаланилмоқда. Сув, маълумки, ҳамма вақт турли

мамлакатлар ўртасида муросага келишда ёки низо келтириб чиқаришда муҳим бўғин бўлиб келган.

Ҳақиқатан ҳам сув муаммоси кескин муаммо ҳисобланади, чунки у Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг манфаатига дахл қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида (2008 йил август) сув-энергетика ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, коммуникация муаммолари ва бошқа муаммолар минтақадаги мамлакатларнинг ҳар бирининг ва умуман минтақа манфаатларининг оқилона мувозанати ҳисобга олинган холда ҳал этилиши кераклигини таъкидлади.

Сувдан адолатли фойдаланиш масалалари Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг манфаатларига дахл қилади ва қўшниларнинг манфаатлари ҳисобга олинмасдан қабул қилинган ҳар қандай қарор, биринчидан, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимларида сув билан таъминлаш билан боғлиқ аҳволни янада мураккаблаштиради, иккинчидан, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик вазиятни кескинлаштиради, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистондаги ўн миллионлаб фуқароларнинг ҳаёт шароитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Вазиятга бундай баҳо берилишини кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотлар, эксперт ҳамжамиятлар вакиллари тушунадилар.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда Марказий Осиёнинг асосий дарёлари – Амударё ва Сирдарёнинг сув билан таъминланганлиги кўп йиллик ўртача норманинг 70 фоизидан ошмаётган бир шароитдадир. Бу, шунингдек, одамларни ичимлик сув ва экинларни сугорадиган сув билан зарур ҳажмларда таъминлаш имкониятларини қийинлаштиради. Маълумки, минтақа аҳолисининг 65 фоизи қишлоқ жойларда яшайди ва ишончли сув таъминотига бутунлай боғлиқ бўлган аграр секторда банддир.

Вужудга келган мураккаб вазият минтақада ҳозир мавжуд бўлган сувни бошқаришнинг механизмини янада мувозанатлаштиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни мураккаблаштиради. Бу, энг аввало, «энг яхши» совет анъаналарига амал қилиб, табиат устидан зўравонлик ўтказиб, гидроэнергетика иншоотларининг янги кўламли лойиҳаларини шошилинч амалга оширишга интилишга тегишлидир.

Трансчегаравий дарёлардаги бунга ўхшаш лойиҳаларнинг муаллифлари тижорат манфаатларини устун қўйиб ва узоққа мўлжалланган сиёсий мақсадларга эришишни кўзлаб, унинг

оқибатларига етарлича эътибор бермайдилар ва қўшни мамлакатларнинг хавотирини мутлақо рад этадилар.

Амударё ва Сирдарё ҳавзасида воқеаларнинг мана шундай йўлдан давом этиши, экспертларнинг фикрига кўра, трансчегаравий дарёларнинг қуйисида яшаётган мамлакатлар аҳолисининг нормал ҳаёт фаолияти учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу муносабат билан минтақадаги нозик экологик тенгликка ҳам таҳдид солинаётганлигини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Ниҳоят, бу ер 9–10 баллли сейсмик зона эканлигини унутмаслик керак. Ҳалокатли зилзила юз берган тақдирда тўғоннинг ўпирилиши қандай фожиали оқибатларга олиб келишини олдиндан айтиб бўлмайди.

Мана шуларнинг ҳаммасидан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча, минтақанинг сув ресурсларидан умум томонидан қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий нормалар асосида оқилона ва самарали фойдаланиш зарур.

Трансчегаравий дарёлардаги ҳар қандай кўламли қурилиш минтақадаги барча давлатлар билан албатта келишилиши зарурлигини таъкидлаш лозим. Буни замонавий халқаро сув ҳуқуқи талаб қилади. Муаммони ҳал этиш – бу минтақа мамлакатларининг мутлақ устунлик ҳуқуқидир. Марказий Осиёнинг сув-энергетика муаммоларига учинчи мамлакатларнинг аралашишига йўл қўйиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, Марказий Осиё давлатлари ўзаро сув муаммоларини икки томонлама даражада ҳал этиши амалда тўғрироқ бўлур эди. Бундай сиёсат Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги қарама-қаршиликлардан ўз манфаатлари ва геосиёсий мақсадлари учун фойдаланишга интилаётган учинчи давлатлар аралашишининг олдини олган бўлур эди.

Марказий Осиё минтақасининг сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича турлича нуқтаи назарлар билдирилмоқда. Агар Сирдарё ва Амударё трансчегаравий дарёлари оқимининг юқорисида (Қирғизистон ва Тожикистон, бу ерда минтақа сув ресурсларининг 80 фоизи шаклланади) ва қуйисидаги (Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистон) давлатлар манфаатлари эътиборга олинса, бу мутлақо табиийдир.

БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси катта тўғонлардан биридаги (Марказий Осиё минтақасида юзга яқин катта тўғонлар бор) ҳар қандай фавқулодда вазият трансчегаравий дарёларнинг қуйисида жойлашган мамлакатларнинг аҳолиси ва иқтисодиёти

учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан ташвишланаётганлигини билдирмоқда. Чунки тўғонларнинг кўпчилиги 40–50 йил олдин курилган. Уларни сақлаш учун қўшни давлатлардаги ресурслар чекланган, мавжуд иншоотлардан хавфсиз фойдаланишнинг ҳуқуқий базаси такомиллашмаган.

ICOLD махсус халқаро қўмитаси (қўмита йирик тўғонлар бўйича маълумотларни таҳлил қилади) маълумотлари бўйича кейинги 10 йилда жаҳонда рўйхатга олинган 17 мингдан ортиқ катта тўғонларнинг 300 тадан кўпи емирилган (охирги энг йирик ҳалокат Россияда Саян-Шушенский ГЭСида содир бўлди. Емирилишнинг асосий сабаби – лойиҳалаштиришдаги хатолар, сув сатҳи кўтарилишини эътиборга олмаслик, сув тўплаш механизмларининг шикастланиши).

БМТнинг «Марказий Осиёда сув ва озиқ-овқат хавфсизлигининг бўлгуси трендлар, БМТнинг минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришиш чоралари» Махсус сессиясининг резолюциясида (Монпелье, Франция, 2008 йил 2 сентябрь) «трансчегаравий сув оқимларини барқарор бошқариш ва уларнинг сув ресурслари ривожланиши сувдан фойдаланиш ва экология соҳасидаги амалдаги халқаро ҳуқуқий базага асосланиши кераклиги» таъкидланади. «Трансчегаравий дарёларда амалга ошириладиган ҳар қандай иш сув ва экология талаблари қондирилишининг шаклланган мувозанатига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак».

Қўшимча равишда дамба ва тўғон қуриш лойиҳаларини амалга ошираётган мамлакатлар БМТнинг 1992 йил 18 сентябрда қабул қилинган «Трансчегаравий сув оқимларидан оқилона фойдаланиш, халқаро сув ҳавзаларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги халқаро Конвенциясининг бир қанча асос бўлувчи принципларини ҳисобга олмайдилар. Чегарадош мамлакатларнинг манфаатларини рад этиб тўғон қуриш БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1997 йил 21 майда қабул қилинган «Халқаро сув ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг мазмунига зиддир. Конвенцияда трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланадиган томонлар уларга туташ минтақалардаги экологик ва иқтисодий оқибатларини ҳисобга олишлари кераклиги аниқ кўрсатилган. Агар зарарли оқибатлар юз берса, тарафлар етказилган зарарнинг олдини олиш учун битимга келишлари зарур.

Ушбу халқаро конвенцияларга мувофиқ, биринчидан, сув оқимидаги барча давлатлар «ўзининг тегишли ҳудуди доирасида халқаро сув оқимидан адолатли ва оқилона тарзда фойдаланади»;

иккинчидан, халқаро сув оқимидан фойдаланишда мамлакатларнинг «сув оқимидаги бошқа давлатларга катта зарар етказилишининг олдини олиш учун барча зарур чораларни кўриш» мажбурияти шарда тутилган; учинчидан, зарар етказилган тақдирда – «бундай шарни бартараф этиш ёки камайтириш учун ва, зарурият бўлганда, компенсация масаласини муҳокама қилиш учун» зарур чоралар кўрилиши керак.

БМТ экспертлари БМТТД доирасида тайёрланган «Марказий Осиёдаги минтақавий таваккалчиликларга берилган баҳо» ҳақидаги маърузада энергетикани ривожлантириш бўйича Қиргизистон ва Тожикистон ҳукуматлари томонидан танланган стратегияга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан фойдаланиш масаласида маъруза муаллифлари Марказий Осиё йирик дарёларининг юқори қисмида жойлашган Тожикистон ва Қирғизистон гидроэлектр станциялардан қўшни давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олмасдан фойдаланаётганликларини қайд этади.

Марказий Осиёдаги сув муаммолари геосиёсий хусусият касб этмоқда. Бизнинг фикримизча, Марказий Осиёнинг сув-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммоси нафақат трансчегаравий, балки трансминтақавий хусусиятга эга. Чунки уни ҳал этиш ниҳоятда қийин ва ушбу жараёнда ҳудудидан қўшни Марказий Осиё мамлакатларининг 20 тадан ортиқ дарёси сув оладиган Хитойнинг қатнашмаслиги мумкин эмас.

Россиянинг Қиргизистондаги Қамбар ота ГЭСи қурилиши учун молиявий маблағ бериш тўғрисидаги баёноти Россиянинг Марказий Осиёдаги геосиёсий мақсадлари билан мустаҳкам алоқадордир. Бироқ бизнинг фикримизча, жаҳон иқтисодий инқирози шароитларида Бишкек сўраган маблаг Москва томонидан ажратилиши даргумон.

Россия олдин ҳам Тожикистонга ана шундай маблағ ажратишни ваъда қилган эди ва бу амалга ошмай қолди.

Хитой ҳам Марказий Осиёдаги сув-энергетика муаммоларига, айниқса, минтақада сув ресурслари тақчиллиги туфайли катта эътибор бермоқда. Марказий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларнинг жадаллашиши ҳамда энергетика объектларига инвестициялар қўйилиши муносабати билан минтақанинг сув хўжалиги муаммоларига Хитойнинг қизиқиши фаоллашишини кутиш мумкин. Бизнинг фикримизча, унинг ўз сув муаммоларини ҳал этиши, жумладан, Меконг ва Жануби-Шарқий Осиё ҳамда

Марказий Осиё дарёлари дельтасида (масалан, Хитой томонининг Или дарёсидан сув олиши Балхаш кўли учун жиддий хавф ҳисобланади) Хитой билан кўшни минтақаларнинг сув-энергетика хавфсизлигига салбий таъсири кучайишини кутиш мумкин.

Пекин Марказий Осиё минтақасидаги сув масалаларини Марказий Осиё мамлакатлари билан кўп томонлама ҳамкорлик, жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик доирасида ўзининг узоқ муддатли манфаатларига потенциал таъсир кўрсатиши жиҳатидан кўриб чиқади. Марказий Осиёда ГЭС қурилиши бўйича «низоли» лойиҳаларни, чунончи Тожикистонда Яван ГЭСи қурилиши амалга оширилишида ўз иштирокини тўхтатиш Хитойга Россиядан фарқ қилган ҳолда минтақада қандайдир «яширин мақсадлар»га эга бўлмаган йирик куч маркази сифатида майдонга чиқиш имкониятини беради. Пекин, анъанавий кутиш нуқтаи назарини эгаллаб, балки, сув-энергетика муаммолари бўйича Россия билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда муайян чигалликлар келиб чиқишини истисно этмайди. Бундай позиция минтақа давлатлари ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг жиддий равишда мураккаблашиши ички минтақавий жараёнларда Россиянинг таъсири кучайишига олиб келишини англашдан келиб чиқади.

Бизнинг фикримизча, ташқи кучларнинг, жумладан, минтақадаги йирик геосиёсий ўйинчиларнинг ҳар қандай иштироки холисона омилларга асосланиши ҳамда муаммонинг ўсишига ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги сувдан оқилона фойдаланиш масалаларида зиддиятларнинг кучайишига олиб келмаслиги керак. Ҳар қандай ҳолда ҳам масала музокаралар ўтказиш, мулоқот олиб бориш йўли билан ҳал этилади ва уни сиёсийлаштириш зарур эмас.

Йирик гидротехник иншоотлар қурилишида қатнашиш масалалари бўйича Европа Иттифоқи вазминлик кўрсатаётганлигини кутламоқ керак ва Марказий Осиё мамлакатлари томонидан ушбу масала икки томонлама асосда, шунингдек, манфаатдор бўлмаган ва холисона шахслардан иборат бўлган, БМТ шафелигидаги халқаро мустақил экспертизани жалб этган ҳолда тартибга солинишини янада қўллаб-қувватлаш зарур.

Европа Иттифоқида раислик қилувчи, Чехия атроф-муҳит масалалари вазирининг ўринбосари Ян Дусик Бешинчи Жаҳон сув анжуманида (2009 йил март, Истанбул) Европа Иттифоқи номидан сўзлаб, «сувдан фақат ўз манфаатларини кўзлаб фойдаланмаслик

керак» ва «барча давлатлар БМТ томонидан қабул қилинган халқаро конвенциялар принципларига асосланиши керак», деб баёнот берди. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ҳамраиси П.Морель «янги шароитларда совет даврида бўлганидек, улкан тўғонлар барпо этишдан воз кечиш зарур, чунки улар атроф-муҳит учун жуда хавфли» эканлигини таъкидлайди.

Одамларни ҳам, табиатни ҳам сув билан барқарор таъминлашни кафолатлаш учун сув бирдамлиги принципларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш жуда муҳимдир. Қўшни мамлакатларга зиён етишига йўл қўймаслик учун трансчегаравий сувларда давлатларнинг мажбуриятларини кучайтириш воситасини яратиш вақти келди. Сув истеъмолининг халқаро-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш сув-энергетика масалаларини низоларсиз ҳал этиш ва жаҳонда экологик вазиятни яхшилашнинг юридик асоси бўлиб хизмат қилади.

Трансчегаравий дарёлардан фойдаланишнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш (ҳам ижобий, ҳам салбий) катта амалий аҳамиятга эгадир. Чунки сув ресурсларидан биргаликда фойдаланишнинг халқаро тажрибасини ҳисобга олган ҳолда самарали ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ҳам минтақавий, ҳам миллий даражаларда Марказий Осиёнинг сув ресурсларидан фойдаланишдаги кўплаб қарама-қаршиликларни ҳал этишнинг асоси ҳисобланади. Минтақанинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши самарали давлатлараро ўзаро ҳамкорликка боғлиқ. Бунинг учун сув муносабатлари соҳасида ҳуқуқий базани такомиллаштириш талаб қилинади.

Кейинги ўн беш йилда Марказий Осиёда ҳам сувдан фойдаланиш муаммоларини ўзаро аҳдлашувлар асосида тартибга солишга асос солинди. Ушбу йўналишда «Орол денгизи ва Оролбўйининг муаммоларини ҳал этиш, Орол минтақасини экологик соғломлаштириш ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатлар тўғрисида» 1993 йилда қабул қилинган Битим, «Сирдарёнинг сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида» 1998 йил 17 мартдаги Битим, 1995 йил 5 сентябрдаги Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Нукус декларацияси, Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг 1997 йил 28 сентябрдаги Алмати ва 1999 йил 9 апрелдаги Ашхобод декларациялари қабул қилинган.

Эришилган аҳдлашувлар ва халқаро-ҳуқуқий нормаларга мувофиқ дарёлар оқимининг юқори қисмида жойлашган давлатлар

мустақил халқаро экспертизасиз сув режимини ўз билганларича ва фақат ўз манфаатларини кўзлаб ўзгартирмаслиги керак.

Юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг ташкилий тузилмасини ва шартномавий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш жуда муҳимдир. Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг институционал тузилмаларини мустаҳкамлаш ва Жамғарманинг шартномавий-ҳуқуқий базасини янгилаш таъсисчи давлатлар ўртасидаги ишонч мустаҳкамланишига кўмаклашади, минтақада сув-энергетика ресурсларини бошқариш масалалари бўйича ўзаро келишилган қарорларни бажаришнинг ишончли кафолатини яратади. Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг мақомини Орол бўйича БМТнинг Махсус комиссияси даражаси мақомига кўтариш мақсадга мувофиқдир. Минтақа давлатларининг миллий қонунларини сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларга яқинлаштириш ишини давом эттириш зарур.

Учинчи қисм. АДАБИЁТ ВА ҲУҚУҚ

- Йоҳанн Волфганг Гёте – юрист
- Эрнст Теодор Амадей Ҳофман ўзбек юристи нигоҳида

3.1. Йоҳанн Волфганг Гёте – юрист

Истеъдоднинг бебаҳо олмоси

Истанбул шаҳрида мовий Босфор устида бу кўрфазнинг икки қирғоғини туташтириб турган улкан кўприк бор. Бу машҳур ва маҳобатли иншоот Осиё ва Оврупо қитъаларини бир-бирига улайди. Ҳар гал шу кўприк яқинига борганимда ўзининг улуғворлиги, кўтарган юкининг залвори, табаррук уҳдаси билан у менга буюк Йоҳанн Волфганг Гётене эслатади.

Шарқ – шарқдир, Ғарб – ғарбдир, улар туташмас, деб ёзган Радьяр Киплингга зид ўларок, мағрибнинг бир қанча сиёсатдонлари, файласуфлари, ирқшуносларига раддия бўлиб Гёте ижоди жаҳон маданияти осмонида ақл бовар қилмас юксакликда ёруғ юлдуздай порлаб турипти.

Мумтоз немис шоирининг машриқзаминга бўлган ҳурмати, Саъдий, Ҳофиз, Хайём, Жомий, Навоийларга муҳаббати ёлгиз унинг ижодида эмас, балки кўпқиррали фаолиятида, ҳаёт ва тафаккур тарзида ҳам намоён бўлган. У Саъдий каби жаҳонгашта, Жомий каби пири муршид, Навоийдек давлат арбоби ва яна Ҳофизу Хайём каби девонаваш қалб эгаси бўлган.

Ваймар шаҳрида Гётенинг уй-музейини айланиб улуғ шоир истеъдодининг серқирралигига ҳайрат қилганман. Сон-саноқсиз хоналарнинг ҳар бири у машғул бўлган бир соҳага бағишланган. Бир хона тўла Гёте ўрганган тоғ жинслари ва минералогия фанида қилган кашфиётларига бағишланган кўргазмалар. Бошқа хонада инсон сўнгаклари териб ташланган. У кашф этган жаг ўрта суяги Гёте номи билан аталади. Яна бир хона бу улуғ инсоннинг рассомлик фаолиятини кўрсатади. Мойбўёқ ва қаламда чизилган сувратлар шоирни замонасининг улуғ рассомлари сафига қўяди.

Гётенинг қўл урган соҳаларини санаб адо қилиб бўлмайди. Фақат бу қўлам, микёс олдида, қудрат ва меҳнаткашлик олдида ҳайратланиш керак.

Улуғ ижодкордаги кенгқамровлик фазилати, тасаввур қилдимки, шарқнинг буюк мутафаккирларига издошлик белгисидир. Ибн Сино, Беруний, Улуғбекдей қомусий илм соҳиблари анъаналарининг мағрибдаги давоми деса бўлади.

Таниқли олим Акмал Саидов бебаҳо истеъдод олмосининг кўпчиликка маълум бўлмаган яна бир қирраси – юристлиги тўғрисида рисола ёзди. Уни ўқир эканман, «Фауст»даги «Фақиҳ бўлдим адолатшунос» деган сатрлар ёдимга келди, бу улуғ асар деңгизида ғаввос бўлиб юрган мушкул ва бахтиёр дамларимни хотирладим.

Ҳуқуқшунос эмасманки, рисолага баҳо берсам. Лекин Гёте оламига ошно бир мухлис таржимон сифатида бу улуғ инсонни Ўзбекистонда тарғиб қилувчи ҳар қандай иш мени қувонтиради. Шу қувончимни сиз китобхонлар билан баҳам кўргим келди.

Эркин Воҳидов,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири

МУҚАДДИМА

2009 йил жаҳон адабиётининг буюк намояндаси Йоҳанн Волфганг Гёте таваллуд топганига 260 йил тўлди. Нафис сўз санъатида ўзбеклар учун Алишер Навоий, инглизлар учун Вильям Шекспир, итальянлар учун Данте, руслар учун Александр Сергеевич Пушкин нақадар беқиёс аҳамиятга эга бўлса, немислар учун Гётенинг ўрни ҳам худди шундайдир.

Йоҳанн Волфганг Гёте жаҳон маданияти даҳоларидан бири, бетакрор ижод соҳиби – шоир ва адиб, драматург ва танқидчи, журналист ва рассом, театр режиссёри, айни пайтда олим ва таниқли давлат арбобидир. Ижодкорнинг асарлари қомусий билимлар хазинасини қамраб олгани каби мурожаат этган соҳаларни ҳам санаб саноғигача етиш қийин. Гёте фалсафа ва шарқшунослик, диншунослик ва руҳшунослик билимдони бўлган, геология, ботаника, зоология, яна қанчадан-қанча табиий фанларга доир асарлар битган, ҳатто астрология билан ҳам қизиққан.

Камина мактаб партасидаёқ Гёте ижоди билан танишиб, унинг сўз сеҳри домига тушиб қолган эдим. Кейинчалик юридик олий ўқув юртидаги таҳсилларда, сўнг адабиёт ихлосманди сифатида бу улкан адиб ҳаёти ва ижоди билан юртимиздаги, чет эллардаги манбалар орқали анча чуқурроқ танишиш бахтига муяссар бўлдим. Ҳайратланарлиси шунда эдики, Гётенинг аввал мутолаа қилинган асарларига қайта-қайта мурожаат қилганим сари унинг уммондек кенг ва тубсиз фалсафий мушоҳадалари, эҳтиролари қалбингизни ларзага солувчи қаҳрамонлари ички дунёлари янги-янги қирралари кашф этилаверарди.

Ҳуқуқшунослик ихтисослигини эгаллаганим боис Йоҳанн Волфганг Гётенинг бу соҳага дахлдорлиги унинг ижодига қизиқишим янада кучайишига сабаб бўлди. Ҳа, у Лейпцигда, сўнг Страсбургда ҳуқуқшунослик илмини эгаллаган. Бир неча йил давомида Гёте профессионал адвокатлик фаолияти билан машғул бўлган.

Таассуфки, унинг ҳуқуқшунослик соҳасидаги фаолияти кенг китобхонлар оммасига у қадар яхши маълум эмас. Мазкур сатрлар муаллифи Германия Федератив Республикасининг бир қатор шаҳарларидаги, хусусан Ваймардаги Шиллер ва Гёте архиви, Гётенинг Дюссельдорфдаги музейи (А. ва Е. Киппенберг фонди), Франкфурт, Лейпциг, Берлиндаги миллий кутубхоналарда сақланаётган ҳужжатлар билан танишишга муваффақ бўлган. Мавзумизга тааллуқли ҳужжатлар Россия давлат кутубхонаси ҳамда ўзимизнинг Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонамизда ҳам сақланади. Шунга қарамасдан жаҳон гётешунослик ва ҳуқуқшунослик адабиётида «Гёте-юрист» мавзуси деярли учрамайди[1].

Шу боис биз ўз рисоламизда Гётенинг юрист сифатида олиб борган фаолиятига, бу соҳа у мансуб хонадон аъзолари ҳаётида қандай ўрин тутганлиги, шоирнинг ижтимоий мавқеи, ижодининг йўналишларига нечоглик таъсир этганлиги тўғрисида кенгроқ тўхталишни мақсад қилиб олдик.

Албатта, биз учун Гётенинг бадиий ижоди алоҳида аҳамиятга эга. XX асрнинг 50-йилларидаёқ ўзбек адиблари миллатдошларини унинг асарлари билан таништиришга жазм қилганлар. Бу борада Мақсуд Шайхзода[2] ва Шукрулло[3], Муҳаммад Али[4] ва Насриддин Муҳаммадиев[5] ҳам немис классиги шеърларидан таржималар қилганлар.

Курраи заминимизда жаҳон адабиёти дурдоналаридан ҳисобланган «Фауст» нашр этилмаган мамлакат топилмаса ке-

---

[1] Немис профессори Г. Кленнернинг «От права природы к природе права» китобининг (Москва, 1988) учинчи боби бевосита шу мавзуга бағишланган – «Гёте – ҳуқуқшунос» деб аталади. Мазкур масала бўйича қуйидаги ишларга ҳам қаранг: «Рассеял ты когда-нибудь печаль?»...// Российский адвокат, 2001. №2; Advokat Goethe / Weimar, 1932; Wohlhaupter E. Dichter – juristen. Bd.1.Tubingen, 1953. S. 269–389; Roy Temple House. Johann Wolfgang von Goethe, Attorney-at-Law // Hein Online – 25 Green Bag, 510. 1913; Edwin M. Sears. Councelor Goethe: The German Poet as a Lawyer // Hein Online – 35, The American Bar association Journal, 1949, vol. 35. P. 985–986; Arthur Lenhoff. Goethe as a Lawyer and statesman // Washington University Law Quarterly, vol. 1951, april, 1951, №2, P. 151–173.

[2] *Йоҳанн В. Гёте. Ҳижрат – Кўчиш* («Ғарбу Шарқ девони»дан) // Мақсуд Шайхзода. Чорак аср девони. Танланган асарлар. – Т., Давлат Бадиий адабиёт нашриёти, 1958. Б. 426–427.

[3] *Гёте. Умид* // Шукрулло. Танланган асарлар. – Т., 1958. Б. 111.

[4] *Гёте. Сайёҳнинг тунги қўшиғи* // Муҳаммад Али. Фазодаги ҳислар. – Т., 1957. Б.

[5] *Гёте. Тўрт ажиб совға* («Ғарбу Шарқ девони»дан) Насриддин Муҳаммадиев // Ёш ленинчи, 1968, 5 октябрь

рак. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг адабий жасорати туфайли ўзбек китобхонлари ҳам уни ўз она тилларида завқланиб ўқиш бахтига муяссар бўлдилар.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида 2007 йилда Йоҳанн Волфганг Гёте «Фаусти»нинг биринчи қисмини немисчадан Пошо Али Усмон таржимасида чоп этди[1].

Ғёте шоҳ асари таржимони Эркин Воҳидовнинг ўзи эътироф этишича: «Ўн беш минг мисрага яқин бу мўъжизани инсоният тарихининг мағзи деса бўлади»[2].

Гёте бизга қолдирган беқиёс адабий мерос унинг нафақат Ғарб, балки Шарқ маданиятининг катта билимдони эканлигидан ҳам яққол далолат беради. «Фауст»даги жонли лавҳалар, айниқса адибнинг «Ғарбу Шарқ девони» бунинг ёрқин исботидир. Бу унинг умумбашарий ижодкор эканлигининг далолатидир. Ғётенинг бу асари Садриддин Салим Бухорий томонидан таржима қилиниб, нашр этилган[3]. Немис адиби илк ижоди намуналаридан ҳисобланган «Ёш Вертернинг изтироблари» эса ўзбек китобхонларига Янглиш Эгамова таржимаси орқали таниш[4].

Қомусий билимга эга бўлган Гётени тафаккур шоири деб аташ мумкин. Унинг чуқур фалсафий мушоҳадаларга, фаннинг жуда кўп соҳаларига доир қимматли маълумотларга бой ижодий мероси ҳудди шундан далолат беради.

---

[1] *Гёте Йоҳанн Волфганг.* Фауст: Трагедия. Биринчи қисм / Олмончадан Пошо Али Усмон таржимаси. – Т., Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. Б. 220.

[2] *Гёте* Фауст. Қисм-I. Тошкент, 1972. Б 3.

[3] Садриддин Салис Бухорийнинг «Ғарбу Шарқ девони»ни айрим бобларини чорак асрдан буён бевосита немис тилидан қилган таржимаси турли газета ва журналларда эълон қилинган ва адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган. Қаранг: И.В. Гёте. Ижозат («Ғарбу Шарқ девони»дан) // Садриддин Салимов. Ёруғлик одами. Шеърлар. – Т., «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1983. Б. 72–73; И.В. Гёте. Зулайҳога. «Мағрибу Машриқ девони»дан // Садриддин Салимов. Рўмолча. Шеърлар. – Т., «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1988. Б. 89–95; Гёте. «Мағрибу Машриқ девони»дан. Немисчадан С. Салимов таржималари // Шарқ юлдузи, 1985. №1. Б. 120–123; Салимов С. Йоҳанн Волфганг Гёте. Мағриблик Ҳотаму Зулайҳо // Шеърият–86. Мажмуа. – Т., Ғафур Ғулом нашриёти, 1988. Б. 204–211; Гёте. Ғарбу Шарқ девони. Олмончадан С. Салимов таржимаси // Жаҳон адабиёти. 1998. №7. Б. 86–87; № 8. Б. 42–43.

[4] Гёте. Ёш Вертернинг изтироблари: роман / Таржимон Янглиш Эгамова. Т., Янги аср авлоди, 2006. Б. 132.

Шунинг учун бўлса керак, Германия Федератив Республикасидаги маънавият ва маърифат бўйича илмий тадқиқотлар олиб борувчи жуда нуфузли марказ Гёте номи билан аталади. «Гёте институти» деб номланувчи бу марказнинг жаҳоннинг 79 мамлакатида, шу жумладан, 1998 йилдан бери Тошкентда ҳам филиали мавжуд[1].

Йоҳанн Волфганг Гёте яшаб, ижод қилган даврдан мана икки ярим асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам, унинг бебаҳо асарлари замондошларимизни ҳамон тўлқинлантириб келмоқда. Бу – адибнинг мангуликка дахлдорлиги мезони. Ҳеч шубҳа йўкки, адабиёт ихлосмандларининг янги-янги авлодлари ҳам яна ва яна унинг ижодига мурожаат этишаверади. Буюк адибнинг боқийлиги ҳам худди ана шундадир.

Рисола сўнггида биз тўлиқ ҳажмда бўлмаса-да буюк Гётенинг ижодий меросидаги талқин, шеърий жозибадорлик алоҳида ажралиб турувчи ҳикматлари билан ўқувчиларни таништиришга жазм қилдик.

---

[1] **Гёте институти** Германия Федератив Республикасининг маданият муассасаси ҳисобланиб, унинг бўлинмалари жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида фаолият олиб боради. Гёте институтининг асосий вазифалари: **биринчидан,** немис тилини хорижда оммалаштириш; **иккинчидан,** халқаро маданий хамкорликни ривожлантириш; **учинчидан,** Германиянинг маданий, ижтимоий ва сиёсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни бериб бориш оркали Германия тўғрисида кенг тасаввурни шакллантиришга кўмаклашишдан иборат. Мана 50 йилдан ошиқ вақтки, 79 мамлакатдаги 128 та институт давлат ташқи сиёсатининг маданият ва таълим соҳасидаги марказий вазифаларини бажариб келмоқда. 3100 та ходим мамлакат ичкарисида ва хорижда немис тили ва маданиятини оммалаштирмоқдалар, қабул қилган мамлакатдаги ҳамкорлар билан биргаликда маданий дастурларни ишлаб чиқмоқдалар ва амалга оширмоқдалар, немис тилини ўқитмоқдалар ҳамда мактаб ва университетларнинг ўқитувчи ва доцентларини қўллаб-кувватламоқдалар. Хориждаги институтларнинг ахборот-кутубхона марказлари барча қизиққанларга Германиянинг тили, маданияти ва жамияти тўғрисида долзарб ва атрофлича маълумот бериб бормоқдалар. Ҳар йили Германиядаги 16 та институтда 21500 дан зиёд хорижий тингловчилар энг янги методикалар воситасида немис тили бўйича таҳсил оладилар.

Инсон эдим мен бу дунёда,
Демакки, мен – курашчи эдим!
Йоҳанн Волфганг Гёте

Биринчи боб. ЙОҲАНН ВОЛФГАНГ ГЁТЕ: ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҚИРРАЛАРИ

Инсониятнинг ижтимоий адолат ва одам қадр-қиммати учун, билим ва тафаккурнинг ғалабаси учун, яхшилик ва гўзалликнинг тантанаси учун олиб борган кўп асрлик кишилик тарихида ўз улуғ истеъдодлари билан ўз покиза виждон ва қалблари билан фидокорона хизмат қилган буюк сиймолардан бири ўлмас немис шоири ва адиби, олими ва мутафаккири Гётедир. Германиянинг, қолаверса бутун Европанинг ва шу туфайли жаҳоннинг маданий ва бадиий тараққиётига Гётенинг қўшган ҳиссасини пешқадам башарият ҳамиша юксак баҳолаб унга сидқидилдан ўз эҳтиромини билдириб келган[1].

Гёте туғилиб ўсган ва ҳар жиҳатдан камол топган даврда, яъни XVIII асрнинг ўрталарида шоирнинг ватани жуда ачинарли вазиятда бўлган. Германия ўша чоғда майда-майда 320 та мустақил кичик давлатларга парчаланган қолоқ деҳқончилик мамлакати бўлган. Сонсиз-саноқсиз ўзаро низо ва урушлар бутун мамлакатни вайрон ва хароб қилиб, қашшоқлик ва жаҳолатнинг сўнгги ҳаддига туширган. Табиийки, шунинг натижасида сиёсий ва маданий ҳаётда ҳам турғунлик ҳамда тушкунлик ҳукм сурган.

Германиянинг у даврдаги бундай пешрав фарзандларидан бири Йоҳанн Волфганг Гёте 1749 йили 28 августда Франкфурт Майн шаҳрида империя кенгашчиси деган анча катта лавозим эгаси бўлган амалдор юрист оиласида тугилган. Шоирнинг отаси аслзодалардан бўлмай бир темирчининг набираси ва тикувчининг ўғли бўлган. Бироқ қобилиятли ва ўқимишли адвокат сифатида танилгани учун шаҳар судьясининг қизига уйланган ва кўп ўтмай юқори даражали амалдор бўлган. Гётенинг онаси Екатерина – Елизавета эса ўғли Йоҳаннга қизиқ-қизиқ эртаклар айтиб берган ва ундаги хаёл ҳам завқни парвариш қилдиришга эътибор берган. Гёте ўзи кейинча ўз характерининг шаклланишида ота ва онасининг таъсирини шундай эътироф этган эди:

---

[1] *Мақсуд Шайхзода.* Йоҳанн Волфганг Гёте (Вафотининг 125 йиллиги муносабати билан) // Ўзбекистон маданияти. 1957, 20 март.

«...Ҳаётда жиддиятим
Отамдан менга мерос.
Эркакларга рағбатим,
Шўҳликка муҳаббатим
Онамдан ўтган, бу – рост ...»[1]

(Мақсуд Шайхзода таржимаси)

Гёте кичик ёшидан катта қобилият кўрсатиб, ҳар нарсага қизиққан, ҳамма нарсани билгиси келган. Унда айниқса, тилларга, тарихга ва шеъриятга катта мойиллик кўзга ташланган. Тез вақтда у француз, инглиз, итальян, лотин ва юнон тилларини ўзлаштириб олган. Йоҳаннинг табиатга, табиий манзараларга мафтунлиги шу даражада эдики, у соатларча қуёш, булут, осмон, ирмоқ ва боғларнинг томошасидан тўймаган.

16 ёшга кирганда Гёте отасининг орзуси ва таклифига биноан Лейпциг университетининг юридик факультетига ўқишга кирган лекин кейинчалик Страсбург университетининг юридик факультетида ўқишини давом эттириб олий маълумотли юрист дипломини олган. 21 ёшида докторлик диссертациясини ёқлаб, юридик фанлар доктори унвонига муваффақ бўлган. Бироқ юристлик касби уни қизиқтирмаган. У кўпинча медицина, табиат ва адабиёт билан шуғулланган. Унинг биринчи шеърлари анча пухта ишланган бўлса-да, ҳали талантли назирчиликдан иборат бўлган. Страсбург шаҳрида Гёте ўзининг асл ижодий йўлини топиб олган. Халқ поэзияси, буюк классиклар – **Оссиан, Гомер, Шекспир** асарлари билан марокланган, бир қанча оригинал шеърлар, масалан; **«Чўл чечаги»**ни ёзган.

Немис ва жаҳон классик адабиётининг гениал сиймоси Йоҳанн Волфганг Гёте ижоди инсоният бадиий ва фалсафий тафаккур тарихининг олтин саҳифаларидан биридир.

Гёте ижодининг биринчи даври (1770–1775) «Бўрон ва шиддат» адабий ҳаракатига тааллуқли бўлган. У бу даврда Страсбургда яшаб, **«Гёц фон Берлихенген», «Клавиго», «Стелла», «Ёш Вертернинг изтироблари», «Муҳаммад», «Прометей»** каби драматик ва прозаик асарлар, лирик шеърлар ҳамда эстетикага оид бир неча мақолалар ёзган.

Бу даврнинг биринчи йирик маҳсули **«Гёц фон Берлихинген» драмаси (1773)** бўлиб, бунда Гёте деҳқонларнинг феодалларга қарши норозилик ҳаракатига раҳбарлик қилган рицарь образини тасвирлаган. Гёц характеридаги қарама-қаршиликларга қарамасдан

[1] Ўзбекистон маданияти, 1957, 20 март.

бу асар янги немис адабиётидаги бурилишнинг биринчи белгиси ва бошланғич нуқтаси бўлган.

1773–1774 йилларда бошланиб тамом бўлмаган **«Прометей» трагедиясида** Гёте инсонларнинг эрк ва нур йўлида тақдирга ва худоларга қарши исёнини зўр маҳорат билан ифодалаган. **«Ёш Вертернинг изтироблари» (1774)** романида толеига қарши курашдан ожиз қолган йигитнинг фожиаси куйланган. Бу иккала асар Гётенинг «Бўрон ва шиддат» даври учун, яъни эскиликнинг чирик ва адолатсиз қоидаларига қарши исён кўтарган давр учун хосдир.

Мавжуд урфу-одатларга ва қонунларга қарши курашувчи қаҳрамон образи Гёте ижодининг бу даврида етакчи гоявий аҳамиятга эга бўлган. Гарчи муаллиф ўз қаҳрамонларини ҳалокатга олиб борса-да, бу мардона норозиликнинг ўзи ёш авлодни инсон шаъни ва қадри йўлида курашга чорлаган.

Гёте ижодининг иккинчи, Ваймар даври (1775–1832) шоир ҳаётининг асосий қисмини ўз ичига олган. Шоир 1775–1788 йилларда «Бўрон ва шиддат» адабий ҳаракатининг инқирозига сабаб бўлган штюрмерлик кайфиятидан ўзини тортган. Гёте қарашларидаги бу ўзгариш унинг ҳаётидаги муҳим ҳодиса – шоирнинг Ваймарга кетиши даврига тўғри келган. Унча катта бўлмаган Ваймар-Саксен герцоглигининг пойтахтида у умрининг охиригача давлат арбоби бўлиб фаолият кўрсатган.

Айни пайтда Гёте адабиёт ва санъат, табиий фанлар билан мунтазам шуғулланган. Бу даврда у **«Эгмонт», «Торкватто Тассо», «Рим элегиялари», «Ифигения Тавридада», «Герман ва Доротея», «Вильгельм Мейстернинг ўқувчилик йиллари»** каби драма, поэма ва романлар яратган, лирик шеърлар ва балладалар ёзган. Гёте ижодида марказий ўрин эгаллаган шоҳона асарлари **«Фауст»** ва **«Ғарбу Шарқ девони»** ҳам шу даврда дунёга келган.

Гёте француз инқилобини лоқайдлик билан қабул қилса-да, унинг тарихий аҳамиятини тўғри баҳолаган. 1794 йил сентябрь ойида Француз қўшинлари Вильми остоналарида Европа ўрта аср – мустабидлик иттифоқчилари қўшинларига биринчи қақшатқич зарбани берган. Бу муносабат билан: **«Шу кун ва шу ердан бошлаб умумжаҳон тарихида янги давр бошланди»**, деб ёзган Гёте.

1775 йил Гёте ҳаётида янги бир даврни бошлаган. Ўз асарлари билан, айниқса **«Ёш Вертернинг изтироблари»** билан, бутун Европада катта шуҳрат қозонган Гётени Ваймар шаҳзодаси, кейинча Ваймар-Саксон қироллиги герцоги Карл Август ўз саройига хизматга чақирган. Бу даъватга кўниб Ваймарга кўчиб борган Гёте аввало,

давлат Махфий кенгашининг аъзоси қилиб тайинланган. Астасекин йўллар, ҳарбий, бинокорлик, тоғ-кончилик ва ўрмончилик комиссияларининг раҳбарлиги ҳам унга топширилган. 1782 йилда Гёте суд раиси қилиб тайинланган ва дворянлик унвонини олган. 1790 йилдан бошлаб Гёте маориф вазири ҳам Ваймар театрининг директорлиги лавозимларини ўз зиммасига олган. Шундай қилиб, ёш адвокат катта ғайрат билан давлат ва сиёсат оламига кириб кетиб, кичик қиролликда герцогнинг ўзидан кейин биринчи ўринни эгаллаган.

Ёшлик йилларида Страсбург шаҳрида шоирлар зиёфатида, золим подшоҳлар йўқ бўлсин, деб қадаҳ кўтарган шоир энди ўзи Қиролнинг биринчи вазири бўлиб қолган. Аммо Гётенинг ҳароратли хулқи учун сарой ҳаёти торлик қилган. Шунинг учун бинокорлик, кончилик, театршунослик ишлари билан бир қаторда алоҳида лабораториялар ва илмий кабинетлар уюштириб, буларда физика, химия, ботаника ва зоология фанлари соҳасида текшириш ишларини олиб борган.

Аммо сарой амалдорларининг даб-дабаси Гётега жуда қимматга тушган. Ваймар даврининг биринчи ўн йилида у шеърият соҳасида биронта муҳим асар ярата олмаган. Демак исёнкорлик кайфиятлари ўрнига сарой муҳитига мослашув зарурлиги Гётенинг ижодий даҳосига салбий таъсир қилган. Илгари бошлаб қўйилган бир қанча катта асарлар қўл тегмай қолиб кетган.

Сарой муҳитининг бўш ва қалбаки даб-дабасидан, ҳар хил фиску фасодларидан безиб қолган Гёте 1786 йилда, Герцогдан ижозат олмасдан, қўққисдан Италияга кетган. Италия кўпдан бери Гётенинг ҳаётида «Санъат ва гўзалликнинг классик диёри» бўлиб гавдаланган. Шоир икки йил Италияда саёҳат қилиб, бу ерда машҳур **«Эгмонт», «Ифигения Тавридада»** ва **«Торквато Тассо»** драмаларини ёзиб тугатган ва йигитлик йилларида ўйлаган **«Фауст»**нинг режасини ишлаган.

1788 йилда Ваймарга қайтиб келган Гётенинг адабий қарашларида катта ўзгаришлар юз берган. У энди «ёшлик гуноҳлари»дан тавба қилиб, антик санъат нормаларини ўзига идеал қилиб олган. Мумтоз санъатнинг тугал мукаммаллик хусусиятларига Гёте тан берган. Унинг фикрича, **санъаткорнинг вазифаси жамиятдаги қарама-қаршиликларга эътибор қилмасдан, одамзод руҳининг ички фазилатлари билан шуғулланишдан иборатдир.** Гёте ижодининг бу даврини «ваймар классицизми» деб атаганлар. Шуниси характерлики, Гёте ўзининг **«Бўрон ва шиддат»** даврида бошлаб кейинги даврда

ёзиб тугаллаган **«Эгмонт»** трагедиясида ҳам асар бошида Испания ҳукмронлигига қарши курашда Нидерланд миллий озодлик ҳаракатига бошчилик қилмоқчи бўлган граф Ламораль Эгмонт (XVI аср) драманинг охирига бориб курашдан воз кечган ва дунё саодатини фақат севгилиси Клерхенга бўлган муҳаббатда кўрган.

«Торквато Тассо» трагедиясида (1790) эса Гёте Итальян Уйғониш даврида шоир ва сарой муҳити ўртасидаги қарама-қаршиликни кўрсатмоқчи бўлган. Бунда Гётенинг ўз ҳаёти ва тақдирига доир мотивларни пайқаш қийин эмас.

1789–1793 йилларда юз берган Франциядаги инқилобий жараёнлар бутун Европани ларзага келтирган. Гёте француз инқилобининг дастурини қабул қилмаса-да, унинг тарихий аҳамиятини яхши тушунган. Аммо у Германиянинг истиқболини ўйлаганида инқилобий усулни эмас, «юқоридан» бўлаётган ташаббус билан ислоҳот йўлини маъқул деб билган. Бу қарашнинг маҳсули **«Вильгельм Мейстер»** романидир. Бу романнинг қаҳрамони Мейстер шаҳар табақаларидан чиққан зиёли йигит бўлиб, кўп изланишлардан кейин воқелик билан келишиб ва маърифатли дворянлар билан иттифоқ бўлиб амалий ишлар билан шуғулланиш зарур деган хулосага келган.

1794 йилда буюк немис шоири **Ф. Шиллер** ҳам Ваймарга кўчиб келган. «Озодликни хаёл оламида» излаган Шиллер ҳам «ваймар классицизми» оқимига қўшилган. Бу ерда Германиянинг икки улуг шоири ўртасида умрбод давом этган дўстлик ва ҳамкорлик даври бошланган. Буларнинг адабиёт ва санъатга қарашларида ҳамда ижодий услубларида бир қанча айирмалар бўлса-да, уларни бирлаштирадиган муштарак нуқталар устунлик қилган.

XVIII асрнинг охирлари ва XIX асрнинг бошларида Гёте ажойиб ва кўп асарлар ёзган. Бу асарлар Гётенинг доҳиёна ижодий тафаккур эгаси бўлганидан далолат беради. **«Жодугарнинг шогирди», «Коринф келини», «Тангри ва раққоса», «Хазина изловчилар»** каби шеърлар, **«Пандора»** драмаси, **«Қариндошлар»** романи, **«Ғарбу Шарқ девони», «Вильгельм Мейстернинг саёқлик йиллари»** романлари, **«Мариенбад марсияси»** ва бошқа бир қанча асарлар шулар жумласидандир.

1809–1831 йиллар мобайнида Гёте **«Поэзия ва ҳақиқат»** номли катта автобиографик қиссасини ёзган. Шулар билан бир қаторда ўзининг асосий асарлари ҳисобланган **«Вильгельм Мейстер»** ва **«Фауст»**ни қайта-қайта ишлашни давом эттирган.

Ваймар даврида Гёте кенг кўламли илмий фаолият олиб борган. Унинг зоология ва ботаникада янги кашфиётлари фан тарихига қўшилган катта ҳиссаси ҳисобланган. Булардан бошқа у метеорология

ва минерология, геология ва химия, физика билан ҳам жиддий шуғулланган. Машҳур рус олими К. Тимирязев **«Гёте – кишилик тафаккури тарихида бир киши сиймосида улуғ шоирни, чуқур мутафаккирни ва буюк олимни мужассамлаштирган ягона ўринакдир»,** – деб ёзган эди.

Илм ва меҳнатга зўр ихлос қўйган Гёте инсониятнинг ва барча халқларнинг тараққиётига ва дўстона яшашига каттиқ ишонган.

Ўз ижодининг сўнгги даврида Гёте қадимий ҳинд, хитой ва айниқса мусулмон Шарқининг маданияти ва адабиётига кизиққан. Ўрта Осиё ва Эроннинг тарихи ва маданиятини чуқур ўрганиб, бу халқларнинг «руҳини англамоқчи» бўлган. Бутун Шарқ шоирларидан Гёте айниқса, Ҳофиз Шерозийни ёқтириб, уни «яқин биродар»и деб атаган. Ҳофиздаги эркин фикр, хаёлчанлик инсоний шаън, хурофотга итоат қилмаслик кайфиятлари Гётенинг ҳаётсеварлик ғоясига жуда мос тушган. Мумтоз шеъриятга эркин назира йўлида ёзилган ажойиб шеърларидаги чуқур лиризм, ранг ва товушлар бойлиги, эҳтиросли севгининг тароналари (бу даврда Гёте ёш гўзал шоирани – Марианна Фон Виллемерни севган) ўқувчини шу қадар мафтун этадики, буларни 65 ёшдаги шоир томонидан ёзилганига киши ҳайрон қолади. Гётенинг **«Ғарбу Шарқ девони»**нинг жозибаси ундаги оташин муҳаббат билан чуқур фалсафий фикрларнинг ҳамоҳанг бўлишлигидадир. Бу шеърларда шоирнинг жамиятдаги ўрни, ҳаёт, муҳаббат, халқ ҳақида ажойиб маънодор ва тафаккурона мулоҳазалари баён қилинган. Ўша даврдаги Европа санъат арбобларига ўхшаб Гёте Шарқ халқларини назар-писанд қилмаслик у ёқда турсин, аксинча уларнинг шеъриятини ва инсоний фазилатларини юксак баҳолаган. Гётенинг Шарқ шоирлари ҳақидаги ажойиб баҳосини эсга олиш кифоя: «Айтишларига қараганда эронликлар ўзларининг беш аср мобайнида ўтган шоирларидан фақат еттитасинигина буюк шоир деб қабул қилганлар. Ҳолбуки улар бракка чиқарган шоирлар ўртасида кўплари мендан юқори турса керак».

Хўш, бу «етти юлдуз» кимлардан иборат? На эронийлар ўзлари, ва на Гёте бундай бир «сабъаи-шуаро» тизганлари йўқ. Машҳур немис шарқшуноси Ҳаммернинг кўп текширишлар натижасида чиқарган хулосасига кўра булар: **Фирдавсий, Анварий, Низомий, Жалолиддин Румий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомийдир.** Гёте ўзини камситиб Шарқ шоирларини улуғлаши билан ўз даврида Европада кенг тарқалган иркчилик назариясига ва тор миллатчиликка қанчалик бегона бўлганини исботлаган.

Табиатнинг асовлигини емириб, табиий кучларни инсон иродасига бўйсундириш ва эркин халқнинг ижодий меҳнатини

уюштириш ғояси Гётенинг шоҳ асари **«Фауст»**да ўз қудратли ифодасини топган. Бу драматик поэманинг бош қаҳрамони доктор Фауст аслида халқ шеъриятининг образларидан бўлиб, кейинчалик китобий адабиётга кириб келган. Гёте «Фауст» асари устида бутун умри бўйи салкам 60 йил ишлаган.

Доктор Фауст бутун коинот ва табиат сирларини илму фаннинг кучи билан билиб тушунишни истайди. Иблис (Мефистофель) худо билан гаров ўйнаб – мен албатта Фаустнинг нафсини қўзғаб ёмон йўлларга олиб бораман дейди ва баҳслашувнинг шартига кўра, агар Фауст дунёдаги нафсоний лаззатлардан қаноатланса ва ана шу дам чиройли дам бу дам, ўтиб кетмасин, деб ўз хурсандчилигидан тамомила қаноатланганини билдирса иблис ютган ҳисобланади.

Мефистофель Фаустнинг пинжига кириб уни ҳар хил йўлларга бошлаб юради. Кекса Фауст Мефистофелнинг сеҳри билан ёшариб навқирон йигитга айланади, Гретхен номли содда ва гўзал қизни севиб қолади, императорнинг кошонасида, базму зиёфатларда бўлади, аммо унинг руҳи фаолият ва ижодга мойил бўлиб нафсоний лаззатлар билан кифоялана олмайди. Мефистофель Фаустни қадимги Юнонистонга олиб бориб классик ҳусн диёрида Спарта маликаси гўзал Елена билан таништиради. Аммо бу ҳусн Фаустни қаноатлантирмайди. Севги ва гўзаллик Фауст назарида ўткинчи нарса. Аммо бу икки омил Фаустнинг маънавий оламида катта ўзгариш ясайдилар. У энди амалий иш қилмоқни истайди, халққа фаровонлик ва роҳат келтирувчи ижодкор бўлишни хоҳлайди.

Фауст денгиз қирғоғида бекор ётган ерни олиб катта, фаровон, серқатнов бир шаҳар қуради. Денгиз офатларига қарши Фауст раҳбарлигида кураш олиб борган меҳнаткашлар оғир заҳматлар билан бўлса-да ўз мақсадларига етиб бахтли ва эркин юртини обод қиладилар. Кексайган кўзлари ожиз бўлиб қолган Фауст инсон ҳаётининг маъно ва мазмунига энди тушуниб олиб ўз дунёвий фаолиятидан қаноатланади ва шундай хулосага келади: **ҳаётнинг мағзи – меҳнат ва курашдир.**

«Ҳаёт ва эркинликка ким экан лойиқ?
– Бу йўлда курашган жасур халойиқ!
Аямай кучини ёш-яланг, чоллар,
Меҳнатда гуллатсин турмушнинг кўркин,
Токи, кўриб қолай нурга чулғанган
Ўлкамни эркину халқимни эркин»[1].

(Мақсуд Шайхзода таржимаси)

[1] Ўзбекистон маданияти, 1957, 20 март.

Келажакка қаратилган бу башоратли монологдан кейин Фауст ўлади. Мефистофель, энди Фауст ҳаёт маъносини англаб етиб, ўзини ғолиб ҳисоблайди ва Фаустнинг руҳини олиб дўзахга жўнатмоқчи бўлади, бироқ у бунга муяссар бўлолмайди, чунки фаришталар унинг жисми билан руҳини осмонга олиб кетадилар. Бу ерда Фаустнинг руҳи билан Маргарита (Гретхен)нинг руҳи учрашиб, азалий саодатга ковушадилар. Поэтик трагедиянинг хотимасида шоир христиан афсоналаридан фойдаланиб ўз олижаноб ғоясини гавдалантирмоқчи бўлган, у ҳам бўлса: яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашни рамзийлаштириб, бир қанча азобу-уқубатларга қарамасдан яхшиликнинг ғалабаси албатта муқаррардир, деган фикрдан иборатдир. Фауст халқ ва инсоният бахти учун улуғ меҳнат қилгани туфайли унинг макони ва мавқеи энг юксак манзилларда бўлмоғи лозим деган хулоса билан асар тугайди.

Гёте ўзининг бу ўлмас трагедиясида буюк бунёдкорни, эркин меҳнат асосида қурилган жамиятни орзу қилувчи хаёлпарастни, яъни жаҳон адабиётининг энг яққол образларидан бири бўлган доктор Фаустни гениал мисраларда тараннум қилган.

1831 йил августида Гёте «Фауст» бўйича олиб борган ишларини тугатган. Ўша йили 28 августда Ваймарда шоирнинг туғилганига 82 йил тўлиши муносабати билан катта расмий тантаналар ўтказилган. Бу – Гётенинг ўзи тириклигида ўтказилган сўнгги юбилейи бўлган. 1832 йил 20 мартда боғчада айланиб юрганида у шамоллаб зотилжам касаллигига дучор бўлган ва 22 мартда «энг улуг немиснинг ҳаёт торлари узилган». Гётенинг ўлим олдида айтган сўнгги сўзи шу бўлган: **«Деразаларни очинглар, кўпроқ ёруғ бўлсин!»**

Ўзининг бутун улуғвор умри давомида ва даҳона асарларида халққа, инсонларга доимо бахт, нур, равшанлик, «кўпроқ ёруғ» тилаган Гётенинг шу сўнгги сўзида катта рамзий маъно ва ҳикмат бор.

Гёте халқларнинг дўстлигини, ҳамкорлигини ва бу халқлар оиласида Германиянинг мўътабар ўринлардан биттасини эгаллаб туришини орзу қилган. Бунинг учун у Германиянинг бирлашган, қудратли, сулҳпарвар, маданий мамлакат бўлишини истаган.

Бугунги кунда Германияда Гётенинг гуманизм ва ватанпарварлик билан нашр этилган асарларини ҳурматлаб унинг номини «бирликнинг миллий қасами»дай тилга олмоқдалар.

Иккинчи боб. ГЁТЕ-ЮРИСТ

«Туб моҳият жиҳатидан мен учун ҳуқуқ таълими жилолар таълимига қараганда қадрдонроқ эди».

Йоҳанн Волфганг Гёте

Адабиёт ва ҳуқуқ

Мозий асрлар мобайнида ҳуқуқ шеърият либосида бўлганлигидан далолат беради. Ҳуқуқ куч-қудратининг манбаи ҳам қалб тўридан отилиб чиқадиган эҳтиросли ва сеҳрли сўзда бўлган. **Афлотун** таърифи билан айтилса: **«ҳуқуқ – илоҳиёт туҳфаси бўлган санолар шаклида дунёга келган»**[1].

Тарихан ҳуқуқда назмий анъаналарининг талайгина намуналари ва ёдгорликлари сақланиб қолган. «Авесто» Тангри санолари шаклидадир. Қуръондаги ваъз ва фарзлар, кароматлар, шариат ва ахлоқ-одоб қоидалари худди «Инжил»да бўлганидек, саноларда битилган.

Жаҳон адабий меросида инсонларда ҳуқуқий онгни шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, пировард натижада инсоният тарихида буюк ҳуқуқий янгиланишлар табиатига қудратли таъсир кўрсатган кўпдан-кўп ҳуқуқий манзаралар ва тимсолларни учратиш мумкин[2]. «Ҳуқуқни англаб етиш калити»ни нафақат ҳуқуқшунослар, илоҳиётчилар, файласуфлар излаганлар. Бу қидирувни кўплар: ўтмишнинг буюк адиблари ҳамда халқ достонлари, эртак ва ривоятларнинг номсиз муаллифлари ҳам олиб борганлар. Улар қаторида руҳият даҳолари Алишер Навоий ва Алигьери Данте, Эразм Роттердам ва Вильям Шекспир, Умар Хайём ва Фридрих фон Шиллер, Фёдор Достоевский ва Лев Толстой, бошқа яна кўплаб буюк мутафаккирлар номларини келтириш мумкин.

Жаҳон адабиётининг ана шу намояндалари орасида Гёте алоҳида мавқега эга.

Йоҳанн Волфганг Гёте – буюк немис шоири, европаликларнинг баркамол инсон, Уйгониш даври намунаси сўнгги тимсолларидан бири ҳисобланади. Унинг адабий ва илмий мероси асарлар тўпламининг 143 жилдни қамраб олади. Уларда бадиий ижод барча

---

[1] **Қаранг:** *Лафитский В.И.* Поэзия права: страница правотворчества от древности до наших дней. – М., 2003. С.7.

[2] Ўша жойда. С. 76–77.

намуналари – эртаклардан тортиб пьеса ва романларгача бор. Адиб 82 ёшида Арши Аълодаги илоҳлар донолигига муяссар бўлиш билан бирга қалб ёшлиги, яшаш ва севиш хоҳишини йўқотмаган ҳолда ҳаёт мазмуни ва муҳаббат ҳақида ажойиб шеърлар битган.

Гёте ижодиёти маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ифода усули учун намуна ҳисобланади. Фридрих Вильгельм Йозеф Шеллинг шарофати билан у фалсафа оламига кирган. Фридрих Карл фон Савинье уни ҳуқуқшуносликка етаклаган. Гётенинг табиий фанларни эгаллашида Александр фон Гумбольдтнинг, фалсафада эса Вильгельм фон Гумбольдтнинг ҳиссалари катта бўлган. Ватандошлари ҳозир мулоқотда табиий, эркин ишлатадиган немис тилининг гўзал ибораларини Гётесиз тасаввур этиб бўлмайди[1].

Шу билан бирга буюк аллома бутун умри давомида фақат бадиий ижод билангина машғул бўлмаган. **Гётенинг онгли ҳаёти– университетда тахсил олишидан бошлаб, мукаммал билимга эга бўлиш учун мустақил ўз устида иш олиб боргунга қадар ҳуқуқшунослик билан узвий боғлиқ бўлган.**

Гёте давлат хизматидалигида ҳуқуқшунослик фаолияти даврида тўплаган анча бой тажрибасини умумлаштирган. 1776 йил 11 июндан у 1200 талер миқдоридаги маош билан махфий ҳуқуқий маслаҳатчи лавозимида ишлаган. У Маҳфий кенгашда иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган. Гёте 1779 йил 5 сентябридан вазир мақомидаги махфий маслаҳатчи, 1815 йилдан Бош вазир лавозимига тайинланган, 1782 йилда дворянлик унвонини олган[2].

Ҳақиқатан ҳам, Гётенинг Франкфуртда адвокатлик амалиёти вақтида эгаллаган ҳуқуқшуносликка оид билимлари унга герцог Карл Август хизматида эканида (1757–1828) жуда қўл келган. Чунки Махфий кенгашда унинг зиммасига талайгина вазифалар юклатилган: Гёте бир неча махсус ҳайъатларда иш олиб борган ёки уларга раҳбарлик қилган. Масалан, у ҳарбий ҳайъат раиси бўлган. Герцог унга йўл қурилиши маъмуриятига ҳамда шаҳар маҳаллий йўллари маъмуриятига раҳбарлик қилишни топширган. У молия бошқармасига ҳам раҳбарлик қилган.

Ўша вақтда Гёте расмийлаштирган ҳужжатлар матни ҳуқуқшунос услубини акс эттирса ҳам, уларда шоир Гётега хос иборалар ҳам учраб турган. Шуниси қизиқарлики, Карл Август 1875 йилда идора тилини соддалаштириш ва айрим баёнларни қисқартиришга уринганида, Гёте бу янгиликларга қатъий қарши чиққан. У расмий идора тили сақланиб қолиши тарафдори бўлган.

---

[1] *Александров Т.С. Из Гёте.* Крылатые слова. Цитаты. – М., 2000. С. 12–13.

[2] *Кленнер Г.* От права природы к природе права. – М., 1984. С. 80–82.

Гётенинг бадиий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаолияти ўзаро уйғунликда алоҳида муҳим ўрин тутади. Ўзи Кнебелга 1782 йил 21 ноябрда ёзган мактубида ифода этганидек, уларни худди «бир муқаддас тугунга» боғлаган. Шу муносабат билан «ҳуқуқшунос Гёте» гўёки «шоир Гёте» йўлига ғов бўлганлиги, бунда назмнинг лозим қофиялари дағаллаштирилганлиги ҳақидаги даъволар мутлақо асоссиздир. Ҳа, у том маънода профессионал ҳуқуқшунос олим бўлмаган. Бироқ унинг амалий ҳуқуқий тайёргарлиги жамиятда рўй бераётган воқеалар – зиддият ва низоларни ҳуқуқшунос нигоҳи билан кўриш имконини берган.

Гётенинг бадиий ижоди ҳаётга бўйсундирилган. Бу, шунингдек унинг ҳуқуқшунослик амалиётига тўлалигича тааллуқли бўлиб, ҳуқуқ қандай имкон бериши ва бера олмаслиги мумкинлигини идрок этишга хизмат қилган.

Гётенинг жуда кўп асарлари ўз ҳаёти ҳамда бошқалар ҳаётида ҳуқукнинг ўрни борасидаги ижобий ва салбий баҳолар ўртасидаги иккиланишларини акс эттирган.

Гёте ўзининг шоҳ асарида Фауст тили билан у ҳуқуқшуносликни ўрганганлигига эмас, балки илоҳиётдан таҳсил олгани учун таассуф билдирган.

Мефистофель Фауст қиёфасига кириб, толибга соҳа илмини эгаллаш юзасидан шайтоний маслаҳат беради.

Толиб:

«Ҳуқуқ унча ёқмас кўнглимга».

Фауст:

«Балли! Бўлинг бу фандан нари
Қуруқ қогоз даста-дасталик.
Кўҳна қонун қоидалари»
Бамисоли ирсий хасталик.
Беш-ўн авлод яшар гоҳ қонун,
Ўтиб борар аммо давр эса –
Бир вақтда қонун – кори хайр эса,
Ул кори хайр кулфатдир бу кун.
Тирикликнинг қонуни ўзга
Аммо уни илмаслар кўзга»[1].

(Эркин Воҳидов таржимаси)

[1] *Гёте.* Фауст. Трагедия. Қисм-1. – Т., 1972. Б 98–99.

Гегелнинг энг иқтидорли шогирдларидан, айни вақтда К. Маркснинг истеъдодли устозларидан бири ҳуқуқшунос-олим Е. Ганс хасталик каби суяк сурадиган қонун ва табиий ҳуқуққа муносабатга бағишланган «Фауст»даги мазкур сатрларга Гегель томонидан ҳуқуқни диалектик-идеалистик нуқтаи назаридан тушуниш инъикоси сифатида қараган. Бу унинг машгулоти матнидан (матн ёзилган сана Гёте вафоти йилига тўғри келади) аёнлашади.

Мефистофел **«Қонунлар маълум муддатга яратиладими ёки асрларга?», «Ҳуқуқ дин ва ахлоқ учун кулфатми?», «Хоқои қонунларга итоат этадими?»** каби саволлар билан талабанинг миясини айнитади.

Гёте «табиий ҳуқуқ» тўғрисидаги сатри билан китобхонларни таажжубга солиб, Тангри қонунларининг инсон ҳаётий муаммоларига нисбатан бесамара эканлигини намоён этиш билангина чекланиб қолмаган. У аввало ҳукмронларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қонунлар ва одатларнинг уларга амал этилиши қонунийлиги нуқтаи назаридан мунтазам текшириб туришдан иборат бурчлари масаласини кўтарган. Яъни бу қонунларда ўйлаб топилган жиноятлар, масалан афсунгарлик ва куфр учун жазо белгиланган бўлса, уларни алмаштириб ўтирмасдан узил-кесил бекор қилиш ёки қонунлар давр талабига жавоб бермайдиган бўлиб қолса, янгилари билан алмаштириш керак, деган.

Гёте қонунларни асослаш учун ҳам, танқид қилиш учун ҳам уларни холис баҳолашга интилган эди. Гёте фикрича, ҳуқуқий қонунлар муайян шароитларда «суяк сурадиган хасталик»[1]ка айланиши мумкин бўлса, турмушнинг шаклланиш сифатида тушуниладиган «абадий қонунлар» барча субъективликнинг тимсоли ва намунаси сифатида кўкка кўтарилади[2]. Ҳуқуқий қонунлар объектив жаҳон тартибига яқинлашишга уринишдан иборатдир[3].

Инсоният қонунлари, Гёте фикрича, табиий ҳуқуқ бўлиб, у инсонлар ҳаётига оид қонунларни нариги дунёдан туриб тиқиштираётганлардан, айниқса, кеча қандай ваъзхонлик қилган бўлсалар, бугун ҳам шуни такрорлаётган руҳонийлар туфайли пайдо бўлмайди. Спиноза ғоялари таъсирида Гёте: «Табиат абадий, зарур

---

[1] *Гегель.* Собр. соч. 7-том. – М-Л., 1937. С.27.

[2] *Гёте.* Фауст. Трагедия. Қисм-1. – Т., 1972.

[3] *Кленнер Г.* От права природы к природе права. – М., 1984. С.87.

ва шу қадар илоҳий қонунларга мувофиқ равишда амал қиладики, Тангрининг ўзи ҳам унда бирор нарсани ўзгартира олиши мумкин эмас»,[1] деган. Инсон – табиий жонзотдир. Табиийлик, онглилик, инсон ҳуқуқлари табиат ижозат этган ҳуқуқ сифатида, табиий ҳуқуқ сифатида намоён бўлади. Бу масалага инсон ҳаёт-мамотини белгиловчи Тангрининг бирор алоқаси йўқ.

Гётенинг инсоннинг табиий моҳияти, «табиий қонунлар» хусусидаги шеър ва фикрлари бебаҳо ва мангудир. Агар Гёте лутф этаётган инсон ҳуқуқлари синчиклаб таҳлил этилса ҳамда унинг «жозибали ҳурлик ва мўътабар тенглик» тўғрисидаги «Санолар саноси» халқ ижодиёти тилига ўгирилса, моҳият жиҳатидан эркинлик тенглик шарти эканлиги аёнлашади. Аммо у шундай тенгликки, мулк дахлсизлигини таъминлайди[2]. «Жамият ҳеч ҳам эркинлик тушунчасида эмас, балки тенглик тушунчасидан ўзгача ҳолда вужудга келмайди». Бироқ бу тенглик жамият шундай ташкил этилишига асосланганки, унда жамиятни «сен кимсан» деган тушунча эмас, фақат «сен нимага эгасан» тушунчаси қизиқтиради[3].

Бир қиёфада ишбилармон инсон ва ижодий шахсни мужассамлаштириш Гёте бадиий услубининг ўзига хослигидир.

Тўғри, Гёте моҳияти жиҳатидан ҳуқуқшунослик устувор бўлган дунёқарашини ривожлантирмаган, қонун бўёқлари билан жаҳон манзарасини яратмаган (синчковроқ назар билан қаралганда, бунинг ўзи улкан устуворлик бўлиб чиқади).

Аммо юқорида қайд этилганлар Гётенинг бадиий ижодиётида ҳуқуқий таълимнинг аҳамияти ва ўрнига оид кенг тарқалган хато қарашларни рад этиш учун етиб ортади. **«Менинг адабий ижодим ҳаётга бўйсундирилган»**, – деб ёзган эди у 1780 йил 14 майда Кестнерга. Ўз навбатида, Гётенинг бадиий ижодиёти бўлажак ҳуқуқшунослик шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатган. Гёте шеърияти Европа маънавий дунёсини шакллантирган. Уйғониш давридан эътиборан ҳуқуқий онг бу дунёқарашнинг таркибий қисми ҳисобланган. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқшунослик равнақига қудратли таъсир кўрсатган.

---

[1] *Гёте.* Собр. соч. 10-том. – М., 1935. С.233.

[2] *Гёте Иоганн Вольфганг.* Лирика / Пер.с. нем. – М., 2001.

[3] *Кленнер Г.* От права природы к природе права. – М., 1984. С.88.

«Бўлдим яна адолатшунос...»

«Мен жуда қунт билан, ҳатто серҳафсалалик ва тиришқоқлик ила адвокатлик қилмоқдаман...»

Буюк немис адиби Йоҳанн Волфганг Гёте таржимаи ҳоли билан муфассал таниш бўлмаганлар учун унинг ушбу эътирофи кутилмаган бўлиши мумкин.

Ваҳоланки, Гётенинг бутун онгли ҳаёти – университетда таҳсил олишни бошлашидан ҳар тарафлама билимга эга бўлиш учун ўз устида мустақил иш олиб борган йилларигача ҳуқуқшунослик билан боғлиқ бўлган. У университетда махсус юридик таълим олган, адвокат сифатида амалий фаолият кўрсатган.

У ҳуқуқшунос касби билан онаси томонидан ҳам, отаси томонидан ҳам (амакиваччаси ҳуқуқшунос бўлган, бундан ташқари ўзининг ўғли ҳам ҳуқуқ илмини эгаллаган[1]) боғлиқ бўлиб, ўн олти ёшлигида Лейпциг университети ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирган, бироқ касаллиги сабабли уни тамомлай олмаган. Гётенинг университетга кириши тасодифий бўлмаган, собитқадам инсон бўлган отаси ўғлини барвақт ҳуқуқшуносликни ўрганишга даъват этган.

Гётенинг отаси Йоҳанн Каспер (1710–1782) ҳуқуқшунослик доктори илмий унвонига эга бўлиб, ҳаётидаги муваффақиятларига бевосита юристлик касби туфайли эришганини эътироф этиб, яккаю-ягона ўғлининг яшашдан мақсади одил судлов тангриси – Фемидага хизмат қилишда, деб билишини хоҳлаган.

Гёте ўз юридик таълимини Страсбург университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ниҳоясига етказиб, ҳуқуқшунослик лицензиати унвони учун диссертация ҳимоя қилган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, Эркин Воҳидовнинг нодир таржимонлик истеъдоди туфайли Гётенинг шоҳ асари – «Фауст»ни она тилларида мутолаа қилишга муяссар бўлган ўзбек китобхонлари немис мумтоз шоирининг ўз ҳуқуқий таълими ҳақида Фауст тилидан баён этган қуйидаги сатрлари билан таниш:

---

[1] *Гёте Август Вальтер* (1789–1830) – Гёте ҳамда Кристиана Вульпиус ўғли бўлган. У Гайдельберг университетида ҳуқуқий таълим олган, Веймар суд палатасида 1811 йилдан ишлаган, 1814 йилдан шаҳзода хизматчиси, 1815 йилдан маслаҳатчиси бўлган.

«Илоҳиёт ила банд бўлдим,
Фалсафада хираманд бўлдим.
Бўлдим яна адолатшунос,
Ҳаким бўлдим – табиатшунос»[1].

(Эркин Воҳидов таржимаси)

У ҳуқуқшунос дипломи билан Страсбургдан Франкфуртга қайтиб келгач, адвокатликка қабул қилиш тўғрисида илтимоснома тақдим этган. Бир неча кундан кейинроқ бу мурожаати ижобий ҳал қилиниб, Гёте 3 сентябрда ҳам шаҳар суди адвокати, ҳам Франкфурт адвокати сифатида қасамёд қилган. Ёш Гётенинг адвокатлик фаолияти муваффақиятли бошланишида оила аъзолари, дўстлари, жумладан, бўлажак куёвининг отаси Шлоссерлар оиласи ёрдам қўлини чўзган.

Йоҳанн–Георг Шлоссер (1739–1799) айни вақтда империя маслаҳатчиси, бургомистр бўлиб, улар оиласидаги ҳуқуқшунослар катта адвокатлик амалиётига эга бўлганлар.

Гёте ўз адвокатлик идорасини отасининг Гроссер-Хиртграбендаги уйида очган. У ҳуқуқшуносликка оид ишларни ёрдам сўрамасдан ўзи муваффақиятли олиб борган. Отаси империянинг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси бўлганлиги сабабли амалда бу ишларни олиб бора олмасди.

Гётенинг таржимаи ҳолини ўрганганлар унинг мижозлари бой ҳисобланмаган майда фермерлар эканлиги ҳақидаги хулосага келганлар. Бу мижозлар орасида қарздорлар ва судхўрлар, акционерлар ва мулк эгалари, ижарачилар ва меросхўрлар учраган. Бир сафар Гётега ҳатто қишлоқ жамоасининг манфаатларини ҳимоя қилишга тўғри келган. У 28 та суд жараёнидан 7 тасида ҳуқуқлари камситилган яҳудийларни ҳимоя этган[2].

Шуниси эътиборлики, Гётега судда ўз адвокатлик фаолиятини мерос билан боғлиқ жамоа шартномасини бекор қилиш иши билан

---

[1] *Гёте.* Фауст. Трагедия. Қисм-1. – Т., 1972. Б. 31. Фауст Ўрта аср университети барча тўртта (фалсафа, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, илоҳиёт) факультетлари курсини ўтаган, қуйи магистр, шунингдек олий – доктор илмий даражасини олган. Умуман олганда эса, Гёте фақат ҳуқуқшунослик билан шуғулланмасдан, рассомлик дарсларини олган, табиий фалсафа ва кимёвий тажрибаларга қизиққан, тиббиёт ва жарроҳлик маъруза-лекцияларини тинглаган, табиийки бадиий ижодиётда фаол бўлган. «Ҳеч ким бўлмасликни хоҳламасдим, ҳамма нарсани билишга интилардим». Қаранг: ўша жойда, 390–391-бетлар.

[2] Қаранг: Ионкис Г. Гёте и евреи. Журнал «Вестник», online, 18 сентября 2002 г.

бошлашига тўғри келган. Бу суд иши моҳияти қуйидагичадир: мўъжаз чинни корхонаси эгаси ҳисобланган ота шу мулкига шерик бўлган ўғлини меросхўр қилган. Мерос шартига кўра отаси вафот этган тақдирда бутун корхона ўғли номига ўтарди. Аммо у бунинг эвазига икки синглисига муайян миқдорда маблағ тўлаши керак эди. Лекин нима учундир ота ўз қарорини ўзгартириб, ўғлидан мерос шартини бекор қилишни талаб этган. Гётени адвокатликка сўраган ўғил ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишини илтимос қилган. Шартномада агар ота-ўғил ўртасида келишмовчилик келиб чиқса, ота ўғлига корхонани ҳаётлик вақтидаёқ хатлаб бериши кўзда тутилган эди.

Гёте бутун ёшлик шижоати билан ҳуқуқий «жангга ташланган». Бу жараён давомида суд янги адвокатнинг салоҳиятини тўла ҳис этган. Адвокат Гёте ижобий (позитив) ҳуқуқ қоидаларини тан олмас, очиқроғи кўргани кўзи йўқ эди. У қонун тамойилларига таяниб иш кўриш тарафдори бўлган. Ҳимоячи соғлом ақл ва адолат туйғусига мурожаат қилган. «Гётенинг шаклан ғоят шоирона нутқлари айни пайтда расмиятчиликка мутлақо эътиборсизлиги билан ажралиб турган»[1].

Гёте ҳимоячи сифатида ўзи ютиб чиққан биринчи суд ишида ҳуқуқшуносдан яққол равишда устунлик қилган. У бу ишда мухолифи, ҳаётда дўсти адвокат Моорсни аяб ўтирмаган. Ёш адвокат Гёте ўз фикрларини қандай асослаганига икки мисол:

«Ёлғон либоси ўзига жуда торлик қилиб қолган, уни бир томонга тортмоқчи бўлса, иккинчи жойи очилиб қоляпти...»

«Қувончга тўлган ҳолда ниҳоят қурилиш учун майдон топганингда, унутмаганки, у ер бўлмасдан сув яхлаб музликка айланган жой бўлиши мумкин. Ва шунда баҳор қуёши музликни эритиши биланоқ, барпо этилган иморат қулаб тушади. Ишқилиб, уста бу бинода ўз исмини шарафловчи ҳайкал ҳам ўрнатишга пул сарфламаган бўлсин-да!»

Гётенинг мухолифи бундай эҳтиросли сўзлар шалоласига муносиб жавоб қайтариш учун ўзини тийиб туриши мушкул бўлганлигини тушуниш мумкин. Шу туфайли суд жараёнида икки адвокат ҳам «қарши томонни ҳақоратловчи номуносиб сўзлар, нутқ услубига кўра нафақат ҳозир бўлганлар гашига тегадиган балки жамоа хулқига зид иборалар учун» жиддий огоҳлантириш олганлар.

---

[1] *Жан Мерри Карре.* Великий язычник: Повесть жизни Гёте / Пер. с фр. З. Шамуриной. – М., 1998. С. 56.

Хайриятки, бу танбеҳ ёш ҳимоячига таъсир этиб, унинг нутқ услуби ўзгариб, ҳамкасбларининкига ўхшаш шаклни олган. Гётенинг бахтига унинг иқтидорли ёрдамчиси нутқларини баракко даври жимжимадор услубида кўчириб борган.

Гёте адвокатлик касбига юқори баҳо берган: **«Адолатли суд ишидаги қатъиятли адвокат ва юлдузли осмон остидаги уқувли математик – ҳар иккиси баб-баравар Тангрига ўхшашдир».**

Гётени қандай қилиб бўлса ҳам ҳуқуқшунос қилишга қарор қилган отаси уни 1772 йил май ойи ўрталарида Франкфурт яқинидаги Вецлар шаҳарчасидаги Империя суд палатасига тажриба орттирувчи сифатида жойлаштирган. Ўша даврда Кассация палатасига ўхшаш бу олий мақом суд идораси энг бефойда адлия муассасаси ҳисобланган. Агар отасининг Гётеда суд фаолиятига салбий муносабат туғдириш нияти бўлса, у бундан-да яхшироқ йўл тутмасди. Бу суд идорасида ўн олти минг иш ҳал этилишини кутиб ётарди. Айни вақтда бу ерда порахўрлик авжига чиққанди[1].

Гёте уч ой тажриба орттирганидан сўнг Франкфуртга қайтиб келиб, адвокатлик амалиётини давом эттирган ва бир неча суд жараёнида иштирок этган[2]. Аммо бу жойда унинг бутун ўй-хаёлини адабий фаолият қамраб олган. Ижодида биринчи ўринда «Гёц фон Берлихенген» турган бўлса-да «Прометей», «Фауст» асарларининг режаси билан ҳам банд бўлган.

Айрим суд жараёнлари унинг хотирасида, эҳтимол қалбида ҳам чуқур из қолдирган. Жумладан, 1771–1772 йилларда Франкфуртда фарзандини ўлдиришда айбланган хизматкор аёл Сюзанна Маргарита Брандтнинг катта шов-шувга сабаб бўлган суд жараёнининг гувоҳи бўлган. Савдо-сотиқ билан шуғулланувчи бир кимса бу хизматкорни маст қилиб, номусига теккан. Бахтсиз она судда «ноқонуний» (никоҳсиз) фарзанд кўриб, шарманда бўлиш ва одамлар гап-сўзига дучорликдан қутулиш учун шайтон васвасаси

---

[1] *Жан Мерри Карре.* Великий язычник: Повесть жизни Гёте / Пер. с фр. 3 Шамуриной – М., 1998. С.59. Ушбу муносабат билан Г.Кленнернинг ёзишича: «Суд палатасида 20 мингга яқин иш тўпланиб қолиб, ҳар йили улардан фақат 6 таси кўриб чиқиларди». Қаранг: *Кленнер Г.* От права природы к природе права. – М., 1984. С.8.

[2] *Сервантес.* Шекспир. Ж.Ж. Руссо. И.В. Гёте. Карлейль: Биографические повествования. 2-ое изд. Челябнск, 1988. 331-бет.

таъсирида боласи жонига қасд қилганлигини» очиқ тан олган. 24 ёшли жиноятчи Франкфурт қамоқхонаси олдидаги майдонда одамлар кўз ўнгида қатл этилган[1].

Бу суд жараёни акс-садоси «Фауст»да ўз ифодасини топган:

Маргарита:

«Халойиқ юради қатлгоҳ томон
Каттакон майдонга сиғмас оломон.
Мен учун чалинар сўнгги қўнғироқ,
Жаллод бошим узра синдирар таёқ.
Чўкаман, тегади бошим кундага,
Даҳшат ичра боқар йиғилган одам
Мендек маҳкум бўлган осий бандага.
Кўзларига қўркув, гўё хаёлда
Уларнинг бошига тушмоқда болта».

Фауст:

«Сенинг ҳукмингдаман, тангрим хоқоним»[2].

(Эркин Воҳидов таржимаси)

Ўша вақтда Германияда бошини танадан жудо қилишдан иборат ўлим жазоси одатда ўз фарзандини ўлдирганлар учун (бу никоҳда бўлмасдан ўз фарзандини туғаётган пайтда ёки туққандан кейиноқ дарҳол ўлдирганларга тааллуқли эди) қўлланарди. Шу муносабат билан Гёте: «...фикримча, эҳтимол ўлим жазосини сақлаб қолиш одилдир», деган хулосага келган.

Бундан Гёте ўз асари қаҳрамонидек бечорага ачинаётгандек туюлиши мумкин. Тагин ким билади дейсиз! Ўз асридан ўзиб кетган бу инсон худди бизлардек фикр юритгани ва ҳис этганлигига ишонгинг келади.

---

[1] 1999 йил – Гёте таваллуд топган куннинг 249 йиллиги муносабати билан мазкур фожиали ҳодиса ҳозирги давр ҳуқуқшунослари иштирокида саҳна асари сифатида қайтадан жонлантирилди. Гессен давлат суди, Гессен Бош прокурори ҳамда франкфуртлик адвокат ўша жиноий ишга доир ҳужжатлар асосида бу суд ишини 1999 йилда Германияда амалда бўлган қонунчилик асосида кўриб чиқдилар. Натижада ушбу жиноий иш ҳукмига мувофиқ аёлни шартли равишда икки йилга озодликдан маҳрум этиш билан чегараланди. Бир жиноят бўйича 200 йил аввал ва ҳозирги кунда чиқарилган, бир-биридан ер билан осмонча фарқ қиладиган суд ҳукмлари бизнинг «адолат» тўғрисидаги тушунчамиз нақадар ўзгариб кетганлигига ёркин мисол бўла олади.

[2] *Гёте.* Фауст. Трагедия. Қисм-1. – Т., 1972. Б. 262–263.

«Эрку озодликка ўша муносиб!»

«Мен шоирларга мутлақ ишонганимдек, олимларга ҳам тўла ишонаман, зеро шоирда олим яширингандек, ҳар бир олимда ҳам шоир беркинган»

Эрвин Штриттматтер[1]

«Гёте анойи эмас! Умуман Ким уни мумтоз адиб даражасига кўтарди?»

Эрвин Штриттматтер[2]

Йоҳанн Волфганг Гёте ўзининг шоҳ асарини яратгандан сўнг роппа-роса икки юз йил ўтгач «Фауст» ўзбек тилида чоп этилди. Буюк Гёте қарийб ўн беш минг мисрани жамлаган «Фауст»ни олтмиш йил ёзган. Улуғ шоирнинг фикри ва фалсафаси, у яшаган замон ва макон руҳи моҳирона берилган бу шоҳ асарни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ўзбек шеърияти оламига олиб кирди. Шу тариқа «инсоният тарихининг мағзи» бўлмиш «Фауст» ўзбек халқининг ҳам мулкига айланди.

Гёте замондошларини чалғитган Мефистофелнинг ваъзларидан бири қуйидаги мисраларда ўз аксини топган:

Графнинг эскирган кодекси –
Гўёки авлодлар касаллигининг асорати.
Ўзга қонун авлоддан авлодга,
Бобосидан набирасига ўтади.
У эзгулик бўлган, лекин вақти келиб
Мурувватдан укубатга айланади.
Барча моҳият табиий ҳуқуқдадир.
Лекин уларни арзимас нарсадай янчиб ташлашмоқда[3]**.**

(Эркин Воҳидов таржимаси)

Мефистофель (Г. Гегель уни «яхши обрў-эътибор»[4] га лойиқ топган) Фауст қиёфасида бу фикрларни билдирар экан, талабаликка

---

[1] *Штриттматтер.* Э. Избранное. – М., 1984. С. 598.

[2] *Strittmatter E.* Der Windertater, Bd. 3. Berlin.: 1980, S. 27.

[3] *Гёте.* Фауст. Трагедия. Қисм-1. – Т., 1972. Б. 31.

[4] *Гегель Г.* Философия права. Соч. т. 7. – М.-Л., 1934. С. 10. Мазкур асарнинг 121-бетида Гегель «авлоддан авлодга мерос сифатида ўтадиган» касос тўғрисида гап олиб борар экан, худди шунга ўхшаш фикрни билдиради.

қадам қўяётганга у «қайси факультетни танлаши маъқуллиги» хусусида шайтонларча «маслаҳат» беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, «Фауст»нинг «Прафауст» деб номланган дастлабки вариантида мазкур саҳна кўриниши йўқ эди. Бироқ бу 1790 йилда Лейпцигда чоп этилган роман қисмларидан биридан жой олган.

Нечун «Фауст»даги ушбу мисралар ҳамиша баҳс уйғотади? Гёте асари қаҳрамони тили орқали Мефистофелнинг қонун ва ҳуқуқни бор-йўғи «ирсият хасталиги юки» ҳисоблашини ифода этар экан, шоир аслида ўз фикрларини изҳор этмаяптимикан? Табиий ҳуқуқ деганда нимани назарда тутган? Ушбу саволларга аввалари ҳам бир-бирига зид фикрлар билдириб келинган ва ҳамон келтирилмоқда.

Ахир Европанинг феодал Ўрта асрда Янги даврга ўтиши бутун тарихий давр давомида «табиий ҳуқуқ» атамаси (уни Гёте ўйлаб топмаган) ҳам ижобий, ҳам ўта салбий изоҳга эга бўлган-ку! «Туғма ҳуқуқ» деб ҳам номланувчи табиий ҳуқуқ воқеликни Ўрта асрлар ҳуқуқий меъёрлари билан ҳам буржуа ҳуқуқи талаблари билан ҳам тасдиқлаш учун асос вазифасини ўтаган. Бунда чинакамига ҳам ҳақиқий ёки ҳақиқий деб даъво қилинадиган ҳуқуқлар инсон туғилишидаёқ Тангри томонидан одамларга инъом этилган табиий ва ахлоқий хусусиятларни ифодалайди, деб ҳисобланарди. Улар ўз табиатига кўра инсон ҳуқуқлари мавжудлиги ва улар адолатли эканлигининг қатъий исботи сифатида намоён бўлиб, белгилаб қўйилган мутлақ меъёрий мазмундаги шак-шубҳа туғдирмайдиган ҳақиқат сифатида хизмат қилишлари керак эди.

Хусусан, Ерга оид тузуклар – «Саксон кўзгуси»да ҳеч бир инсон унга туғилишидан ато этилган ҳуқуқлардан бошқа ҳуқуқларга эга бўла олмаслиги даъво қилинарди. Бу талқинда ҳукмроннинг ҳам, ўзгага қарам кимсанинг ҳам ҳуқуқлари табиий ҳисобланарди. 1525 йил апрель ойи санасига мансуб, Германиядаги Деҳқонлар уруши ғоявий илҳомлантирувчиларнинг дастурий ҳужжати – «Ўн икки мақолалар»да эса бунга қарама-қарши равишда ҳуқуққа дахлдорлик бўйича ҳар бир инсон эркин бўлиб туғилади, крепостной қарамлик эса кейинчалик пайдо бўладиган хусусият бўлиб, бу асло инсон ёки унинг авлод-аждодларининг табиий ҳолати, деб ҳисобланмаслиги зарурлиги қайд этилган[1].

---

[1] Саксонское зерцало. Шунингдек қаранг: Sanchsenspiegel. Stuttgart, 1977, S. 29, 70, 110; Arktikel der Stuhlinger Daurern // W. Lenk (Hrsg). Dokumente aus dem deutschen bauernrieg. Leipzig, 1980, S. 63; grimm J. Deutche Rechtsalterthumer (1828), Bd.1. Berlin, 1956, S. 443 ff.

Деҳқонлар улар учун туғма ҳисобланадиган ўз эркинликларига амал қилинишини талаб этишлари Ўрта аср ҳуқуқининг улар туғилганидан бошлаб гўёки эркинликка эга эмасликлари ҳақидаги ақидаларига қарши туради.

Англиядаги инқилоб давомида **реакционерлар** ва **инқилобчилар** Тангри томонидан «Ҳар бир инсон, ҳатто ўтпараст» (Апостол Павелнинг римликларга 214-ваҳийси) қалбига муҳрланган яккаю ягона қонунини ўзларича талқин этиб, ўзаро муросасиз кураш олиб боришган.

Қирол Яков 1 мутлақ ҳокимиятга даъвосини «илоҳий қонунлар» билан асослаб, «Тангрининг амрига шубҳа куфр бўлгани каби қиролнинг ҳукмронлигига ишончсизлик фуқароларни исёнга гиж-гижлаш билан баб-баравар»[1], деган эди.

Ж. Милтон, аксинча, қиролнинг қатл этилишини Тангри ҳар бир инсон юрагида ўзи ниш урдирган ҳуқуқ билан оқлаган.

Герард Уинстенли эса олам яратилишининг Инжилдаги талқинига асосланиб, ҳар бир инсоннинг илоҳий, ажралмас ҳуқуқини эътироф этади, ҳатто жамиятда коммунистик, ижтимоий муносабатларни ўрнатиш даъвосини илгари суради[2].

Ўша даврда бу бир-бирига зид қарашларга эга томонлар ўз фикрларини тасдиқлаш учун айни бир хил далилларни келтиришган. Аммо бунда шуни эътиборга олиш лозимки, «табиий (туғма) ҳуқуқ» талқини хусусида камида уч хил турлича фикр мавжуд эди: **биринчидан** эмперик ҳуқуқ, **иккинчидан,** Инжил ҳуқуқи, **учинчидан**, одил ҳуқуқ.

Улар моҳият жиҳатидан тарихан мавжуд бўлган ҳуқуқ, табиатнинг ўзи томонидан белгилаб қўйилган ҳуқуқ ҳамда инсон табиати билан яратилган ҳуқуқни ифода этарди. Аксарият ҳолатларда илоҳий ва табиий ёки қадимий ҳуқуқлар, табиий ва туғма ҳуқуқлар, инсоннинг тугма ҳуқуқлари ва субъектнинг фуқаролик ҳуқуқлари ўртасида нафақат бирор фарқлаш қилинарди, балки айнилаштирилар, баъзан эса тўлиқ ўхшатиларди.

Эмперик ёки эмперик деб даъво қилинадиган ҳуқуққа келсак, табиий ҳуқуқларни тарихий ҳуқуқ сифатида талқин этиш амалда инқилобий талаблар, айниқса, Голландия ва Англия илк буржуа инқилоблари жараёнидаги талаблар расман олиб қараганда, қайта

---

[1] Цит. по: Holdsworth W.S. A. History of English Law. London, 1956–1966, vol. 5 P. 429.

[2] *Milton J.* Selected Prose. Hamonds-worth, 1974. P 261 (The Tenure of Kings, 1649).

тиклаш талабларидек намоён бўлади. **Келажакка йўл мозийга қараб иш кўриш орқали ўтади. Инқилоб вайрон қилиш эмас, балки ҳуқуқни тиклаш тарзида намоён бўлади.**

Илгари мавжуд бўлган тарихан адолатсиз тизим ҳуқуқий жиҳатдан ҳам адолатсиз, ноқонуний тасаввур этиларди. Жиноятчи – Карл I дир, аммо асло унинг судьялари эмас. Голландиянинг Испаниядан мустақиллигини эълон қилувчи 1581 йил 26 июлдаги декларацияда аввал испан Қиролига қарам бўлган 7 вилоят негизида мустақил республика ташкил этишни асослашда **«Тангри, ҳуқуқ ва онг»**, «фуқароларнинг азалий эркинликлари, урф-одатлари ва имтиёзлари», «табиат қонуни» ва «ўз ҳуқуқларимизни ҳимоя қилиш»[1] тушунчалари бир қатордан жой олган.

Ҳуқуқнинг «мумтоз» фалсафасида оқилона табиий ҳуқуқ билан ижобий ҳуқуқ оралиғи жуда қалтис масофа эканлиги асосланишини таъминлаган **Гуго Гроций «Ижобий ҳуқуқ қоидаларини табиий қонун меъёрлари билан аралаштириб бўлмайди» деган эди.** У «табиий» атамасини «бу ерда ва у ерда одатий бўлган»га мутлақ тенг тушунча сифатида изоҳларди. Ҳар ҳолда у ўзининг голланд тилида ёзилган асарларининг бирида «Lex naturalis»ни «туғма ҳуқуқ» деб таржима қилади[2].

Англия инқилоби даврида сэр Эдвард Кук анъанавий ҳуқуқни табиий ҳуқуқ, деб даъво қилишдан чарчамасди. Унинг фикрича, «умумий ҳуқуқ (Common Law) субъект эга бўлган энг асосий тугма ҳуқуқдир», «бу ҳар бир инглизнинг мероси»дир, бу тахтга даъвогарлик қилиш учун курашда қўлланиш мумкин бўлган қуролдир.

Левеллерлар ҳам ўзларининг талаблари дастурини ишлаб чиқар эканлар, даъволарини табиий ҳуқуқ билан асослардилар. «Шу мамлакатда озод туғилганлар ўз аждодларининг туғма ҳуқуқлари ва мероси бўлган қадимий ва баҳсталаб бўлмаган эркинликлар»га, шунингдек «табиий ҳуқуқлар»га эгадирлар[3].

Бир аср ўтгач Уильям Блэкстон ўша инқилобнинг асосий натижаси бўлган мулк ҳукмронлигини ўрнатилишини – «ҳар

---

[1] *Kossmann E.H., Mellink A.F.* Texts concerning the Revolt of the Netherlands. London, 1974. P. 216 ff.

[2] *Grotius H.* De jure belly as paces (1625). Tubingen, 1950, S. 244, 256

[3] *Morion A.L.* (Hrsg). Freedom in Arms. A Selection of Leveller Writings. Berlin, 1975. P.79, 139, 141, 147, 268, 328; Hill Ch. Dell E. (Hrsg). The Good Old Cause. London, 1969. P. 146, 402.

бир инглизнинг мутлақ ҳуқуқи», «табиат ва идрок»га асосланган «табиий ҳуқуқлар»дан келиб чиққанлиги тарзида изоҳларди[1].

Самуэль Пуфендорф[2] Томас Гобсс таъсири остида бўлиб, Эрхард Вайгель ғояларидан илҳомланиб ва Гуго Гроцийнинг тизимли ёндашуви билан қизиқиб қолиб, изчил насроний, соф оқилона табиий ҳуқуқни мужассамлаштирди. Табиийки, буни тарихий ҳақиқат билан муштарак, деб бўлмасди.

Яъни, унингча: «Жисмоний моҳият туғма моҳиятдир, ахлоқий моҳият эса орттирилади», **«табиий ҳуқуқни англашнинг бирдан бир воситаси табиатни кузатиш ва онгдир»**. У ахлоқий хусусиятлар жисмоний хусусиятларга қарама-қарши равишда туғма ҳисобланмасдан (Concreata), аксинча туғма бўлганлиги (Superaddita) каби, табиий қонун (Jus sen lex natural) ҳам туғма бўлмасдан (Connanum), кузатиш ва онг орқали шаклланади. **«Табиий ҳуқуқ туғма эмас, инсон ҳуқуқшунос сифатида туғилмайди» дунёга келган чақалоқнинг онги «оқ қоғозга ўхшайди», «болалар тайёр ҳуқуқшунос бўлиб туғилмайди»** (Nominis mansentis esse tabulae nudae similem intantes nonnas intellectum jure consultos).

С. Пуфендорфнинг Германия заминидаги европача тантанали юришини ўзлигига путур етказган ҳолда давом эттирган Христиан Вольф ҳам эгалланган (Jura acquisita) билан туғма ҳуқуқни (Jura connata) аниқ фарқларди[3].

Американинг ўн уч колонияси инглиз метрополиясига қарши мустақиллик учун уруш олиб борган даврда ҳам туғма ҳуқуқ хилма-хил шаклда намоён бўлиб, етакчи роль ўйнаган[4]. Мустамлакачилар ўзларининг иқтисодий манфаатларини пировард натижада ҳарбий йўл билан ҳимоя қилиб, ўзларининг «инглиз сифатидаги ҳуқуқида»га, «табиатнинг ҳаётий қонунлари»га бирор тафовутсиз «инглиз конституцияси тамойиллари»ни рўкач қилишарди. Бу ҳақда, хусусан, 1774 йил 14 октябрдаги биринчи қитъавий конгресс декларациясида сўз борган.

1776 йил 12 июлдаги Ҳуқуқлар тўғрисидаги Вержиния Билли эса инглиз фуқароларининг азалий ҳуқуқларига эмас, балки, ҳамма одамларнинг ажралмас ҳуқуқларига асосланган талабларни илгари сурган. Шундан уч ҳафтадан кейин – 1776 йил 4 июлда

---

[1] *Blackstone W.* Commentaries on the Laws of England. vol. Oxford, 1768, P. 127, 144.

[2] *Pufendorf S.* De jure nature et gentian. Londini Scanorum, 1672, S. 4.

[3] *Wolff Ch.* Institutions juris naturae et gentium. Halae Magdeburgicae, 1750, 74; Wolf. Grundsatze des Natuund Volkerrechts. Halle, 1754, S. 46.

[4] The Bill of Rights. A Documentary History, vol. 1. New York, 1971. P. 215.234, 251.

қабул қилинган Америка Қўшма Штатларининг Мустақиллик декларациясида эса барча инсонлар Тангри томонидан ато этилган ажралмас ҳуқуқларга эга эканликлари тўғрисидаги мутлақо ҳаммабоп тамойил қайд этилган эди (Бунда гап «туғма ҳуқуқлар» тўғрисида бораётганлиги Т. Жеферсоннинг лойиҳасида очиқ-равшан кўрсатилган, аммо унинг энг сўнгги таҳририда «ҳаётий» сўзи тушиб қолган эди[1]).

Томас Пейннинг француз инқилоби тажрибалари ҳам ҳисобга олинган таҳлилида шундай дейилади: «Инсон ҳуқуқларининг маърифий ва илоҳий жиҳатдан тенглиги тамойили (зеро, бу ўз келиб чиқишига кўра Тангри билан боғлиқ) фақат ҳозир яшаб келаётганларгагина эмас, шунингдек бир-бири ўрнини эгаллаётган инсон авлодларига ҳам тааллуқлидир. Ҳар бир одам замондошига тенгдош бўлгани каби ҳар бир авлод ҳуқуқда аждодлари билан баб-баравардир»[2].

Бу билан Пейн Эдмунд Бэркнинг табиий ҳуқуқларни фуқаролик ҳуқуқларига ва оқилона мужассамлаштирилган ҳуқуққа тенглаштиришига қарши чиқиб, Жан Жак Руссонинг «Ижтимоий шартнома тўғрисида»ги асари муқаддимасида келтирилган «Инсон эркин туғилган, аммо у ҳамма жойда занжирбанд» эътирофидан инқилобий эҳтиросга тўлиб-тошади. Ўрни келганда худди шундай тамойил 1789 йил 29 августда қабул қилинган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясининг 1-моддасида ҳам акс этганлигини қайд этиш жоиз: «Ҳамма инсонлар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб туғилади ва бу ҳуқуқ ва эркинликлари бутун ҳаёти давомида сақланиб қолади».

Табиий ҳуқуқларнинг турли талқинлари тўғрисида юқорида қайд этилганларга хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, сўнгги таъкид инқилобий талаблар чўққиси бўлса-да, фалсафий-ҳуқуқий идрок даражасида эмасди. Жон Локк ўзининг туғма амалий тамойиллар йўқлиги тўғрисидаги қоидани асослаган асосий фалсафий асарига зид равишда бошка, асосий сиёсий асарида эса мулкка эгалик ҳисси инсонларга Тангри томонидан ато этилган, демак одамларнинг туғма бўлган саъй-ҳаракатлари тамойилида мужассамланган бўлади, деб ҳисоблаган[3].

Айни пайтда француз материалистлари (улар Ж. Локкнинг қайси бир маърифатпарварлик ғояси таъсири остида бўлишларидан қатъи

---

[1] The Portable Thomas Jefferson, New York, 1975. P. 235.

[2] *Пейн Т.* Избранные сочинения. – М., С. 203.

[3] *Локк Дж.* Соч. в 3-х томах. Т.1. – М., 1985. С. 114–115.

назар) табиий ҳуқуқ туғма хусусият бўла олмаслигини, у тажриба ва ақлий меҳнат маҳсули эканлигини, ҳатто туғма ғоялар, умуман, «руҳонийлар бизга жуда барвақт сабоқ берганликлари сабабли, катта бўлганимиздан кейин уларни онамиз қорнида бўлган вақтимизда эгаллаганимизга ишонамиз»[1], деган ҳақиқатни англаш сифатидагина аҳамиятга эга, деб исботлашга ҳаракат қилишарди.

Гёте «Фауст»нинг биринчи варианти – «Прафауст»га талаба билан мулоқот саҳнасини қўшган вақт – 1789 йил 5 ноябрда Карл-Августга битган мактубида «Фауст»ни «бўлаклаштираётгани»ни ёзар экан, Европадаги «олимлар республикаси»даги «табиий ҳуқуқ» тушунчаси талкинининг мана шу нозик жиҳатлари тўғрисида ўйламаганмикин?[2]

Гёте, ҳеч шубҳасиз, ҳуқуқшунос олим бўлмаган. Бироқ, у ҳуқуқшунос файласуф бўлмаса ҳам дунёқараши асло соф шоирлик билангина чегараланиб қолмаган. Унга ана шундай тор ёндашув чалкаш ва жуда кенг тарқалган тасаввурдан бошқа нарса эмас. Гёте 1782 йил 21 ноябрда Кнебелга йўллаган мактубида унинг ўз қизиқишлари ва мақсадлари тўғрисидаги саволга жавоб берар экан, у ижтимоий, сиёсий, маънавий ва шоирлик ҳаётини бирга, муқаддас тугунчадек боғлаганлигини ёзган[3].

Гёте ҳуқуқшунос бўлганлигини шунинг учун ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, у:

биринчидан, университетда махсус ҳуқуқшунослик билимларини эгаллаган;

иккинчидан, амалий ҳуқуқшунослик тажрибасига эга бўлган, яъни адвокатлик амалий фаолияти билан шуғулланган;

учинчидан, қарийб 50 йиллик давлат хизматчиси амалий тажрибасига эга бўлган.

«У табиий ҳуқуқлар тўғрисида ҳеч нима билмаслиги мумкин эдими?» деган савол пайдо бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Гарчи биз ушбу саволга батафсил жавоб бериш имкониятига эга бўлмасакда, бу хусусда айрим чизгилар ва эътиборли нуқталарга тўхталмай ўтолмаймиз.

Гёте, энг аввало, ҳуқуқшунослик касби билан, **биринчидан,** она томонидан кўпгина аждодлари; **иккинчидан,** отаси; **учинчидан,**

---

[1] *Helvetius C.* – A. Vom Menschen. Bd. 2/ Breslau, 1774, S. 142.

[2] *Holbach P.D.* Religioskritische Schriften. Berlin, 1970, S.237.

[3] *Brief an C. v.* Knebel vom 21. «November 1782// Goethes Werke, hrsg. Im Auftrage der GroBherzogin Sophie von Sachsen, 4. Abtlg.: Goethes Briefe, Bd. 6. Weimar, 1890, S. 97–98.

Ўғли ҳуқуқшунослик соҳасида таълим олганлиги; тўртинчидан, бобожаси ҳам ҳуқуқшунос бўлганлиги билан боғлиқдир.

Гёте ўн олти ёшида Лейпциг университетининг ҳуқуқшунослик факультетига кирган. Кейинчалик ўзи ҳикоя қилишича, у бу ерга ҳеч бир тайёргарликсиз келиб қолмаган[1]. Гётенинг ҳар бир масалада жуда собитқадам бўлган отаси ўғлини ҳуқуқшунослик касбини эгаллашга барвақт йўналтирган. Хусусан, Гёте Лейпциг университетига ўқишга киришидан олдин – илк бор 1670 йилда, Георг Адам Струвеннинг (1619–1692) Йенада чоп этилган роман – герман суд ҳуқуқи дарслигини мутолаа қилган. Мазкур дарслик бутун бир аср давомида машҳур ўқув қўлланмаси ҳисобланиб, унда келиб чиқиши роман-герман асосига эга хусусий, жиноят, процессуал ҳуқуқлар бўйича ҳамма муҳим маълумотлар қатъий таснифланган ҳамда сара танланган нақллар асосида таҳлил этилган эди. Гёте Иоахим Хоппеснинг (1656–1712) 1691 йилда Франкфурт шаҳрида нашр этилган «Ҳокимият муассасалари тадқиқи» асарини ҳам синчковлик билан ўқиб чиққан.

Гёте отасининг қаттиққўл тарбиявий усуллари таъсири остида бўлганлиги сабабли унинг хотирасига айнан И. Хоппеснинг ҳокимият муассасалари тизимини катехизис шаклидаги баёни шу қадар мухрланиб қолган эдики, университетда имтиҳонлар олдидан бу асарни хотирасида жонлантириш етарли бўлган[2].

Гётенинг 1770 йилга мансуб ўзига хос кундаликлари – «Ҳавойи қайдлар»[3] шундан далолат берадики, у имтиҳонга тайёргарлик кўраётган пайтида Августин фон Лейзернинг (1683–1752) 1717 йилдан эълон қилина бошланган «Meditations ad pandectas»и алоҳида қизиқиш уйғотган. 12 жилддан иборат бўлган ушбу асарни Гёте «ипидан игнасигача»[4] ўқиб чиққан. Гётенинг «Ҳавойи қайдлари»да ўзи ўқиб чиққан бошқа юридик адабиётлар («Саксон кўзгуси», Штрих, Мозер, Томазер, Пюттер, Коризоу) ҳам тилга олинади, шунингдек бунда унинг ҳуқуқшуносликка оид айрим фикрларни ҳам учратиш мумкин: жумладан, **«Ворислик тартиби тенгсизликнинг асосий сабабидир».** Гётенинг шахсий кутубхонасида 125 китобдан иборат сара танланган ҳуқуқшунослик бўлими мавжуд эди. Улар орасида А. фон Лейзернинг китоби ҳам сақланиб қолган. Бундан ташқари, Хуфеланд, Лейбниц, Гроций, Фихте, Хефнер, Монтескье,

---

[1] **Қаранг:** BA 13/158.

[2] **Қаранг:** BA 13/158, 259, 390, 893.

[3] Goethes Werke (Sophienausgabe), Abtlg., Bd. 37. Weimar, 1896, S. 108.

[4] **Қаранг:** BA 13/893.

Пуфендорф, Шмольц, Гейнекциус каби муаллифларнинг асарлари ҳам бўлган[1].

Лейзернинг «Мулоҳазаларида...» бошқа масалалар қатори муаллифнинг С. Пуфендорф ва Томазияларнинг терговда қийноқни қўллаш, ўлимга ҳукм этиш каби нафрат уйғотадиган ғояларига, қонун меъёрларидан суд ҳуқуқи устуворлигига қатъий ишончи ётарди.

Фикримизча, Гёте 1780 йилда Гиссенда нашр қилинган ўзининг вақтинча сафдоши Людвиг Юлиус Хефнернинг (1743–1791) «Табиий ҳуқуқлар»и, 1783 йилда Франкфурт шаҳрида чоп этилган Гейнекциуснинг «Институциялар»ига назарий-амалий шарҳлари билан таниш бўлган, дейишга асослар бор.

Қайд этилган бу ҳуқуқий адабиётлар рўйхатининг ўзи Гётенинг ҳуқуқшуносликка оид билим даражаси ҳақида кенг тарқалган хато тасаввурларга эҳтиёткорлик билан ёндашув учун етарлидир. У 1780 йилнинг 14 майида Кестнерга: **«Менинг адабий ижодим ҳаётга бўйсундирилган»**[2], деб ёзади. Бу кўпроқ унинг ҳуқуқшунослик билан шуғулланишига тааллуқлидир, лекин бунда ана шу машғулот унга нима бера олиши мумкинлиги ва нима бера олмаслигини идрок эта олиш керак бўлади.

Ҳар ҳолда у 1785 йилнинг октябрида етарли билим билан[3] («Мен ўқитувчимиз бизларга қанча нарсани маълум қилишни лозим топган бўлса, шу даражада ҳамма нарсани билар эдим»[4]) Лейпциг университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кириб 6 семестр давомида машғулотларга ора-чора қатнашган.

Бундан ярим йил олдин у энг машҳур муаллимлардан бири – профессор К. Ф. Хоммелнинг Саксония талабаларига ҳуқуқ назарияси тарихига «Principkura legis» номи билан кирган лекциясини ўқиганлигидан хабардор бўлган. Афтидан, бу кўпчилик эътиборини топган. Гётега ҳам бу ҳақдаги хабар ёки маърузанинг ёзма матни етиб келган. Чунки, профессор (биз бу ўринда яна «Фауст»даги табиий ҳуқуқ билан боғлиқ мисралар муаммосига дуч келамиз) фақат илоҳий ҳуқуқнинг замин муаммоларига нисбатан

---

[1] **Қаранг:** Ruppert H. Goethes Bibliothek. Catalog. Weirmar, 1958, S.411.

[2] Письмо к Кестнеру от 14 мая 1780 г. // Goethes Werke (Sop hienausgabe), 4. Abtlg., Bd. 4. Weimar, 1889, S.221

[3] **Қаранг:** BA 13/849.

[4] *Гёте И.* Собр. Соч., т. 9. – М, 1935, С. 266.

бесамара эканлигини исботлашга уриниш билан (бу тингловчиларни ташжжубга солган эди) чегараланиб қолмаганди.

У, энг аввало, ҳукмдорларнинг авлоддан авлодга ўтаётган қонунлар ва одатлар бундан буён ҳам қўлланишга мувофиқлиги нуқтаи назаридан мунтазам равишда тафтиш қилиб туришларидан иборат мажбуриятлари тўғрисидаги масалани кўтарган эди. Профессор агар бу қонунларда, ҳукмдорлар фикрича, афсунгарлик», динсизлик каби ўйлаб топилган жиноятлар учун жазо кўзда тутилган бўлса, бу қонунларни бекор қилиш ёки улар давр талабига жавоб бермаса, янгилари билан алмаштирилиши керак[1], деб ҳисобларди.

Карл Фердинанд Хоммель (1722–1782) «Фауст»да Мефистофель талабани гангитиб қўйган: **«Қонунлар муайян даврдаги ёки асрларга мўлжаллаб яратиладими?», «Ҳуқуқ дин ва ахлоқ учун офатми?», «Ҳукмдор ўзини қонунлар билан боғлиқ деб ҳисоблайдими?»** қабилидаги саволларга (у, умуман, бу саволларга муносиб жавоблар топган) тўхталган. Хоммелнинг Ф.К. 1772 йилда Байройт ва Лейпцигда нашр этилган, ижоди кейинги даврларига тааллуқли асарларидан бири – «Рағбатлантиришлар ва мукофотлар» иккинчи нашри ҳатто Гёте томонидан (эҳтимол у Александр фон Йох тахаллуси остида ким яширинганини билмаган бўлиши мумкин) тақриз қилинган[2].

1771 йилда Гёте Страсбургда иккита – давлат ва черков ҳуқуқи лицензиати олиш учун ўз диссертациясини ёқлаган. Бироқ, у даставвал тақдим этган «De Legislador-bus» диссертацияси материалистик қарашлар ва динга қарши қаратилганлиги (ex capite Religionis et prudential)[3] сабабли, эҳтимол Ж.Ж. Руссонинг «Ижтимоий шартнома тўғрисида»ги тўртинчи китобининг саккизинчи боби билан ўхшаш бўлиб қолганлиги учун, университет декани томонидан қайтариб берилган. Оқибатда у фақат ўзи тақдим этган тезисларни ошкор ҳимоя қилишга мажбур бўлган.

Ҳуқуқшуносликка оид бу тезисларнинг (мазкур 56 та қоидани Гётенинг «ҳуқуқий дунёқараши» асосига айлантиришга ёки «табиий ҳуқуқ» тушунчасини «Фауст»нинг юқорида қайд этилган талаба билан саҳнасида турлича талқин этилиши муаммосини ҳал этишда

---

[1] **Қаранг:** Hommel K. F. Principic cura Legic (1765)/ Karlsruhe, 1975 S. 26. Мазкур маъруза акс-садоси тўғрисида К.Ф.Хоммелнинг ўзи 1975 йилда Бресдауда чоп этган Беккарнанинг «Жиноят ва жазо» китобига сўз бошисида маълум қилади.

[2] **Қаранг:** ВА 17/268.

[3] **Қаранг:** ВА 13/511.

фойдаланишга интилмаганимиз ҳолда) 49–52-ларини ҳукмингизга ҳавола этишни жуда зарур ва муҳим деб топдик[1].

«Ҳеч қачон қонунларнинг кодификацияси тузилиши мумкин эмас.

Қонун шундай баён этилиши керакки, у шаклан лўнда, исботлаш кучи бўйича мазмунан бой бўлиши керак.

Ҳукмдорлар томонидан қонунларнинг талқин этилиши алоҳида жамланиши ҳамда улар асосий қонунлар билан аралаштириб юборилиши мумкин эмас.

Ҳукмдорлар томонидан қонунларнинг талқин этилган моддалари ҳар бир янги авлод дунёга келганида ёки янги ҳукмдор ҳокимият тепасига келганида бекор қилиниши ҳамда давр талаб қилаётган янгиликлари билан алмаштирилиши керак».

Шундай қилиб, йигирма икки ёшли Гёте аянчли аҳволда бўлган амалдаги қонунларнинг ҳамда ҳуқуқий одатлар «ирсий хасталиги»нинг даъвоси уларни абадул-абад кодификация қилиш эмас, балки эгилувчан, асосланган айрим конунларни ишлаб чиқиш, худди шунингдек, ҳар бир янги авлод учун амалда бўлган қонунларни онгли равишда талқин этиш, деб билади.

Бу ғоялар жиддий ёки саёз, деб ҳисобланишидан қатъи назар, Гёте улардан божаси Иоҳанн Георг Шлоссер[2] ўз асарларини яратиш режасини тузаётганда у билан баҳслашувлардаги фикрларини асослаш учун фойдаланган эди. Бу масалалар кейинчалик Шлоссернинг «Германия фуқаролик ҳуқуқи лойиҳаси ва уни такомиллаштиришга уриниш» (Лейпциг, 1777), «Қонунчилик тўғрисида мактублар» (Франкфурт, 1789) асарларида ўз ифодасини топган.

Мазкур ғоялар, бир оз такомиллаштирилган ҳолда, шунингдек Гётенинг 1787 йил март ойида «Қонуншунослик фани» саккиз жилдлик асарининг муаллифи Баэтана Филанжьери билан Неаполда бўлиб ўтган мунозарасига таъсир кўрсатган бўлиши мумкин[3]. Илк бор мазкур асар Италияда 1781 йилда нашр этилган эди. 1784 йилда эса у Ансбахда немис тилида «Қонуншунослик тизими» номи билан чоп этилган.

Қандай бўлмасин, Гёте 75 ёшлигида ҳам ўзининг диссертация тезисларига содиқлигини эътироф этган. Унинг

---

[1] Гётенинг positiones juries тезислари йўқолганлиги тахмин этилаётган диссертацияси тўғрисидаги барча мавжуд маълумотлар билан Genfon E. (Hrsg). Goethes Strap burger Promotion, Bagel, 1971, S. 89 ff чоп этилган.

[2] **Қаранг:**BA 13/289, 587.

[3] **Қаранг:**BA 13/359.

1825 йил 24 ноябрда Йена ҳуқуқшунослик факультетига йўллаган мактубида ўзининг Страсбург интилишларини фақат кулгу ила хотирласа-да, уларни рад эта олмаслиги, зеро бу интилишларидаги ҳеч бир нарса унинг ҳозирги эътиқодига ҳам зид эмаслигини қайд этган.

Ҳуқуқ доктори унвонига эга Йоҳанн Волфганг фон Гёте (Гёте ўзига фалсафа ва тиббиёт доктори фахрий унвони 1852 йилда берилганидан сўнггина шундай номланиш ҳуқуқига эга бўлган бўлса-да, имконият бўлганида авваллари ҳам ўзини шундай аташни хуш кўрарди) ўзининг ҳар тарафлама катта тажрибасини ҳуқуқшунос сифатидаги амалий фаолиятисиз тасаввур қила олмаган.

1775 йил сентябрида якка ҳукмдорлик ҳокимиятини қўлга киритган Карл Август нафақат суд томонидан ҳукм қилинган шахсларни оқлаш, шу билан бирга суд томонидан тайинланган жазони кучайтириш, айни пайтда фуқаролик судлови ишларига аралашиш ҳуқуқига, демакки, қонунчилик масаласида ҳал қилувчи қарор қабул қилиш қудратига эга бўлганлигини Гёте билмаса, ким биларди? Бу ерда ҳар қандай **никоҳсиз алоқалар черков** томонидан жазоланар, бундан ана шундай ҳолларга йўл қўйганлар ўртасида кейинчалик никоҳ тузилиши ҳам уларни қутқариб қола олмасди. Суд жараёнлари судьяларнинг турли ҳийла-найранглари сабабли узоқ муддатга чўзилиб кетар ва судланувчиларга жуда қимматга тушарди.

Моддий ва процессуал ҳуқуқ аниқ эмаслиги, қонунлар, судлов ишлари, урф-одатлари ва анъаналарининг бир-бирига зидлиги сабабли уларни англаб етишнинг иложи йўқлигидан аксарият ҳолларда кўнгли тусаганларини Гёте билмаса, ким биларди? Чунки бу вақтда бу ерда бир йўла Рим ҳуқуқи, «Саксон кўзгуси», қирол Карл V нинг жиноий процессуал тузуги амал қилган.

Веймарда 1783 йилгача (яъни Пруссиядагига қараганда ҳам кечроқ) қийноқлар, 1794 йилгача шикаст етказиш йўли билан жазолаш қўлланилган. Қийноқлар фақат 1819 йил 7 июлдаги қонун билан бекор қилинган, бироқ айбланувчи ўз айбини бўйнига олмаса, герцог ўз ваколатига кўра унга нисбатан хоҳлаган жазосини белгилаши мумкин эди.

5 гульден қийматга эга ва ундан қимматроқ мол-мулкни ўғирлаганлик учун осиб қатл этиш жазоси белгиланар эди. 1804 йилда ҳам одамни ёқиб ўлдириш жазосини белгиловчи ҳукм чиқариларди.

Гёте «матбуот ўзбошимчалиги»га қарши курашда иштирок этган. Унга Веймар цензурасидаги мураккаб ҳийлалар аён эди. Шу жумладан, у 1794 йилда Йенада Фихте маърузалари назорат остига олинганлигини яхши билган[1].

У 1819 йилда Карлсбад конгресси яксон қилинганлигининг бевосита гувоҳи бўлган, Пруссия қироли гусарлари қилган зўравонликларини ҳам билган. Гёте герцогликда айбланаётган ва жиноятчилар, эркак ва аёллар, хавфли жиноятчилар ва арзимас ҳуқуқбузарликка йўл қўйганлар, ҳуқуқбузарлар ва ақлдан озганлар, кўрлар ва ногиронлар учун алоҳида-алоҳида қамоқхоналар йўқлигини билган. Масалан, 1719 йилда Ваймарда қурилган каторга – ахлоқ тузатиш қамоқхонасида 1805 йилда ҳам 49 нафар каторгага ҳукм қилинганлар ва 7 нафар назорат остидагилар бўлган. Улар орасида 5 нафар ақлдан озган ҳам бор эди. Сарф-харажатларни камайтириш учун қамоқдагилар Пруссия армияси сафига бериб юборилаверарди.

Буларни Гёте билмаса, ким билсин? Зеро, у ўз она-ватани бўйлаб саёҳатлари давомида каторгага тушган маҳкумларнинг Ильменау ва Шварцбургдаги руҳий хасталар уйида сақланувчилар ҳолини ўз кўзи билан кўрган. «Биз қотиллар, ўғрилар ва жиноятчиларни яширганлар билан юзма-юз учрашар, уларни сўроқ қилардик, мен бу жирканч ишларда аввалига иштирок этишни хоҳламаган эдим. Бир эркак хотинининг очликдан ҳалок бўлганлигининг гувоҳи бўлган, кейин эса уни қотилликда айблашган...»[2].

Шеъриятда битилган адолат

Юқорида Гётенинг ҳуқуқшунослик билими ва адвокатлик фаолияти хусусида билдирилган фикрлар, энг аввало, қуйидаги асоссиз даъволарга нуқта қўйиш учун зарур эди, яъни:

биринчидан, гўё Гёте талабалик йилларида шўх бўлиб, ўзининг страсбурглик репетитори тазйиқи остидагина ҳуқуқшунослик бўйича имтиҳонларга тайёрланган;

иккинчидан, шундан сўнг, гўёки, ҳуқуқшунос Гёте ҳамиша шоир Гёте йўлига тўсиқ бўлиб, унинг «илҳом париси»ни ҳуркитган.

Шоир бўлиб туғилган Гёте[3]нинг адабий ижоди умумжаҳон аҳамият касб этган экан, бу бошқа кўпгина омиллардан ташқари, унинг фикрлаш салоҳиятига ана шундай оламшумул-тарихий қўлланмалар хослиги ҳам ифодасидир.

---

[1] **Қаранг:** Goethes Amtiche Schiff\ten, Bd. 2/1 (Hrsg.: H. Dahl). Weimar, 1968, S. 403 ff.

[2] Vgl. Ba 8 / 7, 71, 161.

[3] **Қаранг:** Goethes Werke (Sopheinausgabe), 4. Abtlg., Bd. 4. Weimar, 1889, S. 286; Bd. 5. S. 165.

Бу ерда гап ҳиссиётни онгга тенглаштириш (бу ўринсиз бўларди) ҳақида эмас, балки жамиятдаги жаҳолат муҳити билан шахс эҳтироси ўртасидаги оғриқли зиддиятларни қайд этиш тўғрисида кетяпти. Бироқ, Гётедаги бу қарама-қарши муносабатлар «инсоният», шу қатори инсонпарварлик унинг учун ҳеч қачон соф мавҳум тушунча бўлмаганлиги, аксинча, ҳатто «заминга маҳкумлар» ҳар қандай муаммони «хамирдан қил суғургудай» осон ҳал этишга тўсиқ бўлишларини англаб етиши билан изоҳланади. Яъни буларнинг ҳаммаси негизида унинг жамиятдаги зиддиятлар, низоларни сезгирлик билан ҳис этадиган ҳуқуқшунослик нигоҳи ўткирлиги ётади.

Шундай қилиб, Гётенинг юқорида қайд этилган ҳуқуқшунослик билими ва давлат ҳуқуқий фаолияти тўғрисидаги фикрларидан сўнг биз унинг ўзи «Фауст» мисраларида табиий ҳуқуқ хусусида қўйилган саволларга ўзи берган жавобларга яқинлашдик.

Бундан ҳуқуқшуносликнинг Гёте ҳаётидаги ўрни тўғрисида унинг бутун ижоди таҳлили асосидагина фикр юритиш мумкин, деган хулоса чиқади. Шу билан бирга унинг ижодий фаолияти ҳамиша жўшқин бўлганлиги ва муттасил ўзгариб турганлиги назарда тутилса, умуман бу масалага узил-кесил ойдинлик киритиш жўн иш эмас.

Буларнинг ҳаммаси унинг ҳуқуққа ўзининг ва бошқаларнинг ўрни ҳақида ижобий ёки салбий баҳо беришда иккиланишларини акс эттиради. Қуйида келтирилаётган Гёте ҳақидаги фикрлар бир-бирига зид бўлиши мумкин, лекин, эҳтимол, бир-бирини мутлақо истисно қилмайди. Улар фақат ички зиддиятли воқеликка турлича муносабатларини ифода этади.

Биринчидан, бу ўринда Гётенинг ҳуқуқнинг аҳамиятига берган баҳоси ҳақида гап боради. Табиийки, ҳамкасб ҳуқуқшунослар ҳозирга қадар у ўз дунёқарашида ҳуқуқшуносликка устунлик бериб, жаҳон манзарасини ҳуқуқ нуқтаи назаридан тасвир этмаганидан норизолар (ҳолбуки, чуқурроқ мулоҳаза юритилса, бу унинг улкан фазилати бўлиб чиқади). Бироқ ҳамма нарсадан норози кишилар фикри билан баҳслашиш шарт эмас. Эҳтимол, шуни айтиш кифояки, «Фауст» трагедиясининг барча вариантларида қаҳрамон ҳуқуқшуносликни эмас, диншуносликни ўрганганлигидан афсус қилади[1]: **«Туб моҳият жиҳатидан мен учун ҳуқуқ таълими жилолар таълимига қараганда қадрдонроқ эди»[2].**

Иккинчидан, Гёте ҳуқуқнинг ҳамда портлаш тарзида намоён бўладиган инқилобий куч кўринишидаги зўравонликнинг ролини

---

[1] Vgl. BA 8/7, 71, 161.

[2] *Goethe zu F.W.* Riemer, am 26. Sehtember 10809// Riemer F. W. Mitteilungen fiber Goethe, hrsg. Von A.

юқори баҳоламаган, ҳатто инкор этган деб ўйлаш хатодир. Чунки, у ўз таржимаи ҳолига киритган қўшимчаларида Людовик XVI даврида Францияда кузатилган «инқилобий белгилар» тўғрисида сўз юритар экан, улар моҳиятига доир мутлақ ҳуқуқий омилларни кўрсатади: «Адолатсиз судьяларга қарши хусусий шахслар. Вольтер, Калас, Лафатер, Ландвогт. Хусусий судларни ташкил этиш. Ошкораликни талаб қилиш». Гёте ўз докторлик диссертациясининг 41-тезисидаёқ **«Ҳуқуқни ўрганиш, шубҳасиз биринчи ўринда туради»**, деб кўрсатган эди.

Учинчидан, Гёте кўпгина асарларида ўзининг ҳуқуқий билимлари юксак даражада эканлигини кўрсатган. Хусусан, «Гёц фон Берлихинген»да, том маънода ҳар бир баҳсли ишда қонунлар мажмуасининг «ўзгармас меъёрлар»идан «ҳукм»ни суғуриб оладиган профессионал ҳуқуқшуносларни муомалада бўлган одатлар, қонунларда унча ҳам кўп бўлмаган моддаларни рўкач қилиб, масалаларни ўз билганича ҳал этадиган, Рим ҳуқуқидан бехабар суд маслаҳатчиларига қарама-қарши қўйилган: **«Мен ҳуқуқшунос эканлигимни эшитган авом халқ тошбўрон қилишига хиёл қолди»**[1]. Бу деҳқонлар уруши сабабларини акс эттирадиган ҳиссиётлар акс садосидир.

«Эгмонт»да ҳам одат ҳуқуқининг «ташқаридан киритилган» ҳуқуққа қарама-қарши қўйилишида бир-бирига зид мезонлар кўрсатилган: қирол ҳокимиятининг вакили авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳуқуқни ўзгартиришни хоҳлайди, голландиялик эса нафақат ўзининг туғма ҳуқуқларига амал этилишини, балки «бошқарув тўла-тўкис азалий ҳуқуқлар асосида бўлишини»[2] талаб қилади. Jus connatum u judux conatus – бири иккинчисини келтириб чиқаради.

Тўртинчидан, Гёте ҳуқуқнинг тинчлик хусусиятига[3], унинг гўёки кучсизлигига ортиқча баҳо берган Ф. Энгельс томонидан Гёте ижодининг қарама-қарши томонларини таъкидлаган тавсифга[4] («Гёте гоҳ беқиёс улуғ, гоҳ саёз»), у озодлик ва меъёр, тартибсизлик ва адолат нисбатига мурожаат этган жойларида буюклигига кўпгина арзимас майда-чуйда нарсалар аралашиб кетишини айтиш мумкин. Унинг **«адолатсизлик билан бартараф этгандан кўра, адолатсизликнинг бўлгани маъқул»**[5], дегани бир неча жилдларга

---

[1] BA 7/169 f.

[2] *Гёте И.* Собр.соч., Т. 3. – М., 1933. С. 283.

[3] Vgl. BA 18/562, Nr. 543.

[4] *Маркс К., Энгельс Ф.* Соч., Т. 4. С. 233.

[5] BA 18/606.

жо бўладиган асарлар мазмунини беради. Амалда эса бу фикр неча-неча жилдларда нотўғри талқинда мухрланиб қолган.

Гёте қонунларни ва ҳуқуқни инсоннинг ҳаётини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида кўриш мумкин эмаслигини тушунган. Шунга қарамасдан, улар жамият ва алоҳида шахс ҳаётининг зарур таркибий қисми, Гёте таърифи билан айтганда: **«Ҳуқуқ ва қонун фақатгина бизнинг мавжудлигимизга иловадан иборатдир»**[1].

«Вильгельм Мейстер»да **«Мен қайсидир бир муқаддас бурчларни зўрға эслардим...ҳеч бир нарса мен учун қонун шаклида гавдаланмаган... мен эътиқодларимга эркин амал этардим»,** дея жаранглаган мағрур сўзлар ҳуқуқни ҳуқуқ, муқаддас қоидалар деб тушунадиганлар эътирофидан ўзга нарса эмас.

Бешинчидан, Гётенинг ҳуқуқ масалаларига тааллуқли шеърлари ва фикрларида ёркин намоён бўлган салбий белгиларни кўрсатса бўлади. Страсбургда ўтказилган талабалик йилларидаёқ унга ўзининг ҳаёт тарзи, шунингдек ўзининг яқин мақсади деб билгани халақит берарди: «...биздан қонуннинг қачон ва қандай пайдо бўлганини, бундан қандай ташқи ва ички ниятлар кўзланганини сўрашмайди; қонун давр ва одатларга қанчалик мос тарзда ўзгаргани, шу билан бирга у сохта талқин этилиши ва судда нотўғри қўлланиши оқибатида айниб кетган-кетмаганлиги тадқиқ этилмайди. Ижобий билимларга менда қизиқиш йўқ эди, ҳамма нарсани ақл билан бўлмаса ҳам тарихий тушунтиришга ҳаракат қилардим...»[2]. Ёки Гёте: **«Ҳуқуқшунослик менга ёқа бошлади. У худди Мерзебург пивосига ўхшайди: уни биринчи бор ичганингда бутун тананг жимирлаб кетади, аммо бир ҳафта давомида ичадиган бўлсанг ундан воз кеча олмайсан»**[3].

Олтинчидан, Гёте 1825 йили 18 ноябрда Йена университетига йўллаган миннатдорчилик номасида ҳуқуқ тарихи аллақачондан буён унинг энг чуқур мулоҳазалари негизини ташкил этаётганлигини кўрсатган.

Гётенинг ҳуқуқ тўғрисидаги саволига мавжуд воқеликка ёки амалдаги қонунларга асосланиб жавоб беришининг иложи йўқлиги, бунинг учун қонунийлик амалда мавжудлиги сабабли унинг кучда эканлиги сифатида тасаввур этиш кераклиги, унинг ҳуқуқий онгига биргина фалсафий эмас, балки энг аввало тарихий лаҳзалар

---

[1] Vgl. BA 10/593.

[2] Ўша жойда. С. 378–379.

[3] *Brief an S.K. v.* Klettenberg, vom 26. August 1770 // Goethes Werke (Sophienausgabe), 4., Bd. 1. Weimar, 1887, S. 247.

сингдирилганлиги[1] – буларнинг ҳаммаси учун Гёте ўзининг буюк илҳомчиси Гердердан қарздордир[2]. Гёте Гердернинг «Жаҳон тарихи фалсафаси тўғрисида мулоҳазалар»и билан асар қўлёзмалиги пайтидаёқ танишга муяссар бўлган[3] (шуни ҳам айтиш керакки, тахминан айнан шу даврда Гёте «Фауст»нинг тегишли қисми устида иш олиб бораётган эди). Кейинчалик, Италия бўйлаб саёҳати пайтида ва ундан кейин, «Виконинг сирли таъсири»[4] шубҳасиз, Гётенинг, балки рўй бераётган жараёнларининг нафақат тарихий, балки ижобийлигига ўз қарашларини ривожлантиришга ёрдам берган[5].

Еттинчидан, Гётенинг тарихни англаши Савиньенинг ҳуқуқ тарихи мактаби ғояларидан фарқ қилишининг энг муҳим ҳал қилувчи жиҳати, албатта, фақат ҳуқуқнинг пайдо бўлиши эмас, балки унинг тугатилиши ҳам тарихий заруратни акс эттиришдир. Гётенинг тарихий концепциясида ҳуқуқ ва тарих, юридик ва тарихий қонунлар бир-бирига зид келиши мумкин. Бундан ушбу жумла: **«Биз тарих одимларини ҳамма жойда амалдаги беҳисоб қонунлар қисиб қўяётганлигини кўрамиз»,** далолат бериб турибди.

Саккизинчидан, 1824 йил 24 январда Эккерман Гётенинг юқорида келтирилган фикрига ўхшаш сўзларни ёзиб олади: **«Вақт абадий ривожланиш ҳолатида бўлади ва ҳар эллик йилда у ўзгача шакл олади, шу сабабли 1800 йил учун мукаммал бўлган тузилма 1850 йилда нуқсонга айланяпти».**

Гётенинг шу мавзуга янада кўпроқ тааллуқли ва якунловчидек ҳисобланадиган фикри уч йил ўтгач (1827 йил 9 августда) унинг канцлер фон Мюллерга айтган сўзларидек: **«қонунлар узоқ ёки яқин муддат давомида амалда бўлади, бу маълум, амалиётчи ҳуқуқшунос эса аниқ ишларни эпчиллик билан, кўпчиликни қониқтирадиган қилиб, ўз қарашларидан келиб чиқиб ҳал қилишига тўғри келади».**

Тўққизинчидан, Гёте ҳуқуқ ва тарих ўртасида доим пайдо бўладиган зиддиятларни қандай бартараф этишга тааллуқли тавсияларни мужассамлаштирадиган «эгилувчан тартиб»нинг табақалаштирилган тамойилини таклиф этган. Бунинг учун, унинг

---

[1] BA 3/178.

[2] *Klenner H.* Herder und das historische denken in der Rechtswissenschaft, in: Sitzungsberichte der Akademie der Wissenschaften der DDR. Berlin, Jg. 1978, Nr. 8 G, S. 33–57.

[3] *Brief an J.G.* Herder vom 4. September 1788 // Goethes Werke (Sophienausgabe), 4. Abtlg., Bd. 9. Weirmar, 1891, S. 17–20.

[4] *Luka.cs G.* und siine Zeit. Berlin, 1953, S. 177.

[5] BA 14/360.

фикрича, қатъий суд ҳуқуқи ва кундалик одатга қараб иш тутадиган «одиллик ҳуқуқи»ни мувофиқлаштириш лозим. Бу қатъий қарордан воз кечиш мумкин эмаслигини билдириши тушунарлидир: **«азалий асосларини ҳурмат қилишади, бироқ ҳуқуқ бошқа сафар бутунлай янги асосларга эга бўлиши мумкинлигига йўл қўйиб бўлмасликни тан олмаслиги керак».** Гёте «меҳрибон одат ҳуқуқи» (демак, туғма ҳуқуқ) ўз ўрнини энг илк туғма ҳуқуқ – тараққиёт ҳуқуқига бўшатиб бериши зарур, деб ҳисоблаган.

Ўнинчидан, Гёте ҳукмронлик қилиш учун эга бўлган, аммо бу ҳуқуққа эга-эгамасликларини сўрамайдиган ҳукмдорлар билан бошқарувни ўзгартириш ҳуқуқига эгаманми, деб савол бериши ҳам ман этилган халқ ўртасидаги ўз ўрнини аниқ белгилаб олган. Гёте туғма ва эгаллаган ҳуқуқларни муқобиллар сифатида эмас, балки бир-бирини тўлдирувчилар тарзида вазмин, тадрижий ва ислоҳотчилик нуқтаи назаридан (гап Германия ҳақида бораркан, бу тушунарлидир) талқин этган. Ҳар ҳолда унинг «Инсонга фақат туғма хусусиятгина эмас, эгаллаган фазилатлар ҳам хосдир», деган сўзларини шундай талқин этиш керак.

Бироқ унинг «қадимий одатлар», «азалий ҳуқуқ»[1] билан мақтанадиган Мефистофели пировард натижада ҳамма томонидан ёлғиз ташлаб кетилди ва унинг «Ким ўз қулоғини қонуний арзга тутса, мен томондан сотиб олган ҳуқуқни беради?» саволи жавобга муҳтож эмас. Чунки ундан Фаустнинг барҳаёт сиймосини эпчиллик билан ўғирлаб кетишган[2].

Ўн биринчидан, Гёте ҳаётини улғайиш сифатида тушуниш учун Гегелнинг агар асрий қонун асоси йўқолса, унинг ҳалок бўлиш тўғри эканлиги тўғрисидаги фикрига тўлиқ қўшилишини ҳам пайқамаслик мумкин эмас[3]. Бироқ, биз бу ерда барча тафсилотларга тўхталиб, англаш муддати ва чуқурлиги бўйича ким олдинда, ким орқада эканлигига аниқлик киритиб ўтирмаймиз. Лекин, Гегелнинг энг иқтидорли шогирдларидан (айни вақтда К.Марксннинг энг иқтидорли ўқитувчиларидан) ҳисобланган Е.Ганс «Фауст»даги ирсият каби авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтадиган қонунлар ва табиий ҳуқуқларга бағишланган сатрларга Гегелнинг ҳуқуқни диалектик – идеалистик англаши инъикоси сифатида қарашини уқтириш даркор. Бу Гёте вафот этган йилдаги маъруза матнидан англанади[4].

---

[1] Собр. соч. Т. 5. 1947. С. 537.

[2] Ўша жойда. С. 545.

[3] *Гегель Т.* Собр. Соч. Т. 7. – М. –Л., 1934. С.27.

[4] *Cans E.* Naturrecht und universalrechts-geschichte (Vorlesung – Shachschrift von 1832).

Людовик Берннинг кундалигида 1830 йил 27 майда қайд этилган бир жумла Гёте билан Гегелни таққослаш мумкинлигини яққол кўрсатади: «Гёте кофия хизматкори бўлса, Гегель – наср хизматкоридир!»

Ўн иккинчидан, гап Гётенинг ҳуқуқни асослаши учун ҳам, танқид қилиши учун ҳам уни объектив баҳолашга интилиши тўғрисида кетмокда. Унинг фикрича, агар юридик қонунлар маълум ҳолларда «ирсият касаллиги»га айланиши мумкин бўлса, табиий мавжудотлар ҳаёти (улғайиш сифатида тушунилиши)нинг «абадий қонунлари» барча субъектив нарсаларнинг тимсоли ва намунаси сифатида арши аълога кўтарилади. Юридик қонунлар жаҳоннинг объектив тартиботига яқинлашига уринишидан иборат, холос. Тангрининг ўзи ҳам бу «абадий қонунлар»даги бирор нарсани ўзгартиришга қодир эмас.

Ўн учинчидан, Гёте Барух Спиноза таъсири остида табиат ўзининг абадий, зарур ва шу қадар илоҳий қонунига мувофиқ яшайдики, Яратганнинг ўзи ҳам унда ҳеч нарсани ўзгартира олмасди[1], инсон табиий мавжудотдир, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, табиийки, бу онглилик тарзида намоён бўлади, инсон ҳуқуқи эса – табиат томонидан ижозат берилган ҳуқуқ, табиат ҳуқуқидир. Бунда инсон барча ишларига бош-қош Тангрига тааллуқли ҳеч нарса йўқ, деган хулосага келинади. Гётенинг фикрича, инсон ҳуқуқи бўлган табиий ҳуқуқнинг у дунёдан туриб ер юзидагилар учун қонунлар чиқарадиганларга алоқаси йўқ. Унинг, айниқса, бугун ҳам кечагидек сафсата қилаётган руҳонийларга ҳеч бир алоқаси йўқ.

Бу таассуф туғдирмаслиги керак. Чунки бу адашишдан бошқа нарса бўлмасди. Агар Гёте сўз юритаётгандек, инсон ҳуқуқи синчковлик билан таҳлил этилса, ҳамда унинг «жозибали ҳурлик ва муносиб тенглик тўғрисида»ги «Санолар саноси» халқ куйига басталанса, моҳият жиҳатидан эркинлик тенглик шартига айланади, аммо бу ўз навбатида мулк кафолатини таъминлайди.

«Жамият асло озодлик негизи тушунчасида эмас, балки тенглик тушунчаси негизида ташкил топиши мумкин». Лекин бу тенглик жамиятни шундай ташкил этиши керакки, уни «Сен ким эмас?», фақат «Сен нимага эгасан?» саволи қизиқтириши керак. Бундай шароитларда фақат лўттибоз қонуншуносгина жамиятга бўйсунган эркинликни эмас, қандайдир бошқача эркинликни ваъда қилиши мумкин. Бундай эркинлик эса «фақат телбалик жазаваси

---

[1] *Гёте И.* Собр. Соч.Т. 10. – М., 1935. С. 233.

пайти»[1]да ҳис этилиши мумкин. Демак, бу ерда гап С. Пуфендорф томонидан эълон қилинган феодализмга қарши буржуача тенглик – «aequalitas Juris» тўғрисида кетмоқда. Бу ҳақда Гёте анча эҳтиросли қолда «Муқаддас инсон қонуни: у хўжайин ва хизматчини бир хил севади» деб ёзган эди.

У инқилобий жазава билан ҳамма нарсани остин-устин, жамиятни эса ер билан яксон қилишга уринаётганларни танқид қиларди (Бу Гётенинг 1819 йилида К. фон Вельденга юборилган мактубида акс этган)[2].

Табиийки, Гётенинг изчиллик билан бир-бирига қарши қўйиладиган образлар орқали объектив қонуниятнинг чуқур маъносини аниқлашга интилишини тўғри идрок этиш керак. Гётенинг ҳуқуқ ва эркинлик учун курашни хизматкор ва хизматкорлар ўртасидаги кураш, деб қараши хусусида ҳам хом хаёлликларга бормаслик лозим.

Гёте «қашшоқ халқ асосий юкни гарданига ортмоқлаган» жамиятни «силкитиш»га интилмаган. Карл Гюрн давридан бошлаб Гёте ижодиётини давр (унинг даври) талабларидан соқит қилишга, уни умуминсоний шоир сифатида тақдим этиб, кейин бундан унинг ижодини ҳақиқий инсоний коммунизмнинг ўзига хос Инжили сифатида талқин қилишга уринишлар кўп бўлган (худди шунингдек, масала моҳиятини марксча таҳлил ҳаракатлари ҳам оз эмасди)[3].

Ўн тўртинчидан, Гётенинг шеърлари ва фикрлари, табиийки, у инсон табиий моҳиятининг «табиий қонунлари»ни герман жамиятига мос келадиган доирага сиғдиргани (бу билан ундан илгарироқ мутлақо бошқачароқ ва анчайин яхшироқ шуғулланганлар) учунгина эмас ва унинг тасаввуридаги бозор – тараққиёт гилдирагининг сўнгги манзили деб тушунилиши учунгина эмас, ҳозиргача бебаҳодир. Агар бу унинг ҳуқуққа тааллуқли мулоҳазаларида кўзга ташланадиган бўлса ҳам (бундан қатъи назар), Гётенинг яхлитлик шахслар атомларига парчаланиб кетадиган, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкка асосланган ва шунинг учун хусусийлаштирилган ҳар қандай жамиятга қарши турадиган маърифий-шахсий ижтимоий фалсафа ақидалари илдизига

---

[1] *Pufendorf S.* De jure natural et gentium London I, sconorum, 167 2 . S. 270.

[2] *Brietan G.L. v* Welden vom 17. Juli 1819// Goethes Werke (Sophienausgable), 4 Abtig, Bg. 31. Weimar, 1905. S 235–238.

[3] *Grim K.* Ueber Gothe vom mensch Lichen Standpunkel. Darm stadt, 1846. S. 167, 227, 291, 311.

болта уришга ҳиссаси каттадир. Буни Гётенинг «ҳамма одамлар биргаликда инсониятни ташкил этади, фақат барча кучлар дунёни яратади» сўзлари исботлайди.

Ўн бешинчидан, Гётенинг «ҳар бир одам фақат бошқа ҳамма нарсага илова тарзида кўрилиши керак», унинг «Моҳият жиҳатидан биз ҳам жамоавий мавжудот бўлиб, ўз хатти-ҳаракатимиз бошқарувчиларимиздир»[1], деб таъкидлаши ҳуқуқшунослик тилига ўгирилганда ҳур фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тенг даражада бўлишини назарда тутади.

Ўн олтинчидан, Гётенинг демократлиги унинг услуби сири, деб аталувчи хусусиятга тааллуқли бўлиб, бунда бир инсон тимсолида фаолиятни одамнинг ибтидоси ва интиҳоси эканлигини англаб етган, инсонни ўз ҳаётининг ва улғайишининг ижодкори ёки Гётенинг ўз таърифи билан айтганда, самарали муқаддимаси сифатида англаб етганлиги унинг ишбилармонлик ва ижодкорлик фазилатларини бир шахсда мужассамлаштиради. Бу инсоннинг жуда таг-заминли хусусиятидир. Ҳеч муболагасиз, буни инсоннинг туб моҳияти, деса ҳам бўлади.

Шундай қилиб, агар Гёте жуда кўп ва хилма-хил, шу жумладан бир-бирини рад этадиган фикрлар билдирган, деган инкор этиш нуқтаи назари улоқтириб ташланса ва, аксинча, агар Гётенинг ўзига хос мефистофелча туғма ҳуқуқларга (бунда Гёте асаридаги иблис ўз саволи билан қайси мақсадни кўзлаган, деган мулоҳазалар чуқурлаштирилмаса) жавоб изланса, бунда Гётенинг:

«Ким – эрк, ҳаёт деб жанг қилолса ҳар кун
Эрку ҳаёт учун ўша муносиб»[2]

(Эркин Воҳидов таржимаси)

сатрлари таъсирида «биз билан бирга туғилган ҳуқуқ»қа тааллуқли саволни «биз яратган ҳуқуқ ҳақидаги» савол тарзида ифода этишдан бошқа илож қолмайди.

---

[1] *Eskermann S.P.* Gesprache unit Goethe.Leipzig, 1468 S. 662.
[2] *Гёте.* Фауст. Т., 1985. Б. 342.

Учинчи боб. ГЁТЕ ИЖОДИДА ШАРҚ

«Мағрибни Машриқдан ҳеч қачон ажратиш мумкин эмас»

Гётени ҳақли равишда биргина немис адабиётининг буюк мумтоз вакилигина эмас, балки умуминсоний адабиётнинг ҳам ҳам ёрқин тимсоли деб эътироф этишади. Унинг дурдона асарлари «Фауст», «Ёш Вертернинг изтироблари» қаторида «Ғарбу Шарқ девони» ҳам ўрин олгани бунинг ёрқин тимсолидир.

Илк бор 1819 йилда нашр этилган бу асар муаллиф томонидан даставвал «Девон» деб номланган. Сўнг 1827 йилдаги иккинчи, кенгайтирилган нашри муқовасида «Ғарбу Шарқ девони ёхуд мудом Шарққа мос келувчи немис шеърлари тўплами» деб қайд этилган. Ғёте «Девон» устида ишлашни давом эттирар экан, унинг номлари бот-бот ўзгариб турган. Ниҳоят такомиллаштирилган, охирги – ўнинчи нашрига ижодкор томонидан «Ғарбу Шарқ девони». Ўн икки китоб. «Ғарбу Шарқ девонининг энг яхши нусхасига мақоллар ва изоҳлар» тугал номи берилган.

«Девон»нинг бош қаҳрамони – сайёҳ Машриқни зиёрат қилиш мақсадида йўлга чиқади. Бу асар билан танишар экансиз, Гётени Шарқ, хусусан, унинг тарихи, маданияти, динлари, айниқса адабиёти билимдони эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қиласиз.

Ғёте Шарққа ёшлигидан жуда қизиқиб қолган. У Шарқ халқлари оғзаки ижоди, турли ривоятлари ҳақидаги кўпгина китобларни қунт билан мутолаа қилган. Улар орасида Фирдавсий, Фаридиддин Аттор, Румий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий асарлари бўлган. Ғёте «Ғарбу Шарқ девони» устида иш бошлаган 1814 йилда Германияда Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек асарлари ҳам немис тилига таржима қилиниб, нашр этилган эди. Бу жаҳон маданияти ва адабиёти ривожланишига кучли таъсир кўрсатган. Умуман, Ғёте «Ғарбу Шарқ девони»ни яратишга ҳам Шарқ шеъриятидан илҳомланиб киришган.

Ғётенинг Шарққа доир билимларини кенгайтиришда тарихчи И. Хаммернинг олти жилдли «Шарқ хазиналари» номли асари катта аҳамият касб этган. Ғёте фақат шарқшунос олим бўлибгина қолмасдан, Шарқ шеърияти таржимони ҳам бўлган. Жумладан, у

Ҳофизнинг шеърларини таржима қилган. Гётега, айниқса, унинг «Форс мамлакати нафис одоб санъати тарихи» асари кучли таъсир қилган. Шу билан бирга Гёте Пруссиянинг Истанбулдаги элчиси бўлган барон Фон Дицнинг шарқшуносликка доир илмий ишларини ҳам ўрганган.

Умуман, Гёте ўз даврида чоп этилган Шарқ ҳақидаги деярли барча маълумотларни йиққан. Улар орасида зардуштийлик, унинг муқаддас китоби «Авесто», кўҳна араб шеъриятининг намунаси «Моаллакат», шунингдек Марко Поло, Вале, Оларийларнинг «Саёҳатнома»лари ҳам бўлган. Инглиз шарқшуноси Г.Бромснинг гувоҳлик беришича, Гёте шарқшунослар, саёҳатчилар ва таржимонларнинг Шарқ тарихи, маданияти ва адабиётига тааллуқли 48 та китобини ўрганиб чиққан[1].

Шарқшунослардан Лорсбах, Козегартен, Фон Диц Гётега араб, форс тилларини ўрганишида ёрдам берганлар. Адиб ҳатто арабча хаттотлик сир-асрорларини ҳам эгаллаган. У исломни, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ҳаёти ва фаолиятини, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларни ҳамда тасаввуфни ўрганган. Гётенинг Қуръони Каримдан 10 та сурани немис тилига қилган таржима нусхалари сақланиб қолган. Адибнинг ўз эътирофига кўра: «Қуръони Карим – бу ибрат ва кўнгил очиш учун ўқиладиган, одамлар қўли билан ёзилган китоб эмас, балки илоҳий битиклар ва ҳукмлардир». Унинг «Муҳаммад сураси» шеъри ҳам бор. Гёте «Муҳаммад» драмаси устида ҳам иш бошлаган.

Гётенинг Шарқ тарихи, маданияти ва адабиётига алоҳида ҳавас билан қараган, у Хаммер ва Фон Диц асарлари билан танишаётганда: «Ҳамма жойда Шарқнинг тоза ҳавосидан димоғим чоғ бўларди», деган.

Маълумки бу даврда Ғарбда Европа марказчилик («овропа-центризм») ғоялари кучли бўлган, Шарқ халқлари тарихи, маданиятига менсилмаган, беписанд қаралган. Гёте эса жаҳоннинг бу маданий минтақасига таъзим бажо келтиради:

Эътироф эт, экан улканроқ
Шарқ шоири ғарбликдан, бироқ
Тенг эканмиз бир ҳисда фақат,
Бир хил экан биздаги нафрат.

(Садриддин Салим таржимаси)

---

[1] *Broms H.* Now Studiens in the relations of Harls and the west. Helsinki. 1968. P. 105.

Бу эътирофни Гётенинг инсонпарварлик ва адиблик жасорати дейиш мумкин.

Шоир эътирофича, у «оташин муҳаббат севгиси» – «Лайли ва Мажнун», шарқшунос Михаэлиснинг «Араб сарфу навхи», Анкетил Дюперроннинг «Қадимги форсларнинг диний урф-одатлари» асари, «Калила ва Димна» масаллари, Фрейтакнинг араб қўшиклари билан таниш бўлган. У таниқли шарқшунослар Силвестр де Саси, Лоребах билан тез-тез мулоқотда бўлган.

Гёте ўз девони устида иш олиб борар экан, ношири И. Ф. Коттега ёзган мактубида «Менинг ниятим Ғарб ва Шарқни, ўтмиш билан ҳозирги ва даврни, форсча билан немисча алоқадор нарсаларни завқ-шавқ билан бир-бирига боғлаш ҳамда уларнинг урф-одатлари, фикрлаш тахлитини ўзаро бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб қараш, бирини иккинчиси орқали тушунишдан иборат» деб алоҳида қайд этган.

Буюк аллома Шарқнинг жаҳон маданиятини бойитадиган фазилатларини очиб беришга астойдил интилган. Ҳақиқатан ҳам, «Девон»да бу икки дунё халқлари ички олами, хулқ-атворлари, турмуш тарзлари бир-бирига сингиб кетгандек гавдаланади.

Асарнинг «Девон» деб номланиши ҳам бежиз эмас. «Ғарбу Шарқ девони» 12 боб – «Муғаннийнома», «Ишқнома», «Ҳофизнома», «Тафаккурнома», «Ранжнома», «Ҳикматнома», «Темурнома», «Зулайҳонома», «Соқийнома», «Маталнома», «Форсийнома» ва «Хулднома» дафтарлари (боблар)дан иборат. Боблар номланишидаёқ муаллиф Шарқ маданиятини нечоғлик чукур ўрганганлиги яққол кўриниб турибди. Янада эътиборлиси шундаки, Гёте «Ғарбу Шарқ девони»да «булбул», «ҳур», «фатво», «муфти», «тилсим», «мирзо», «дарвеш» сўзларини аслиятида қўллаган.

«Девон» биринчи дафтари – «Муғаннийнома» «Ҳижрат» шеъри билан бошланиши рамзий маънога эга. Яъни Гёте пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Маккадан Мадинага ҳижрат қилганидек, шарқона либосда «ёшариш», янги «ҳаёт» бошлаш мақсадида хаёлан Ғарбдан Шарққа «ҳижрат» қилади.

«Девон»даги «Зулайҳонома»да Шарқда машҳур «Юсуф ва Зулайҳо» афсонаси инъикоси ҳис этилади. Маълумки, «Юсуф ва Зулайҳо» Фирдавсий, Жомий, Низомий, Ҳофиз, Навоий, Саъдий,

Румий ва бошқа ижодкорлар асарларида у ёки бу тарзда талқин этилган. Алишер Навоий уни «Достонлар ичида энг улуғвори» деб атаган.

Гётега Қуръони Каримнинг «Юсуф» сурасидаги Юсуф ва Зулайҳо тўғрисидаги ривоят кучли таъсир кўрсатган. Адиб Зулайҳо тимсолида ҳаётга, табиатга, гўзалликка, келажакка, Тангрига бўлган муҳаббатни куйлаган. У ўз асарида афсона тафсилотларига тўхталиб ўтирмаган. «Девон» оташин севги мадҳидир. Шу сабабли унинг биринчи қисми «Ишқнома», иккинчиси эса «Зулайҳонома» деб номланган.

Гёте 1814 йилда Ҳофиз Шерозийнинг Г. Пургштал таржимасидаги шеърлари билан танишиб, форс шоирининг инсонпарварлик туйғулари, гўзалликка интилиш, инсоний севги мадҳ этилган ғазалларидан ғоят завқланган: «Илгари ҳам журналларда қисман чоп этилган Ҳофиз ғазаллари билан танишишга муяссар бўлган эдим, – деб ёзган Гёте.– Лекин Ҳофиз «Девон»ини ўқиб, бу буюк инсонга тамом ўзгача бир ихлос ҳис этдим. Менда янада кучли рағбат пайдо бўлди. Чунки мен бу бунёдкор олдида ҳеч кимман»[1].

Немис шоири ўз «Девон»ида Ҳофиз Шерозийни комил инсон, ўз Пири деб билади. Унинг раҳнамолигида маърифатли бўлишга, етукликка интилади. Шунинг учун «Ғарбу Шарқ девони»да ҳам Гёте Ҳофиз ва бошқа Шарқ шоирлари анъаналарини давом эттириб, муҳаббат мавзусига асосий ўрин ажратган.

Таъбир жоиз бўлса Гётенинг «Девон»и умуминсоний маънавият синтези, Шарқ шеъриятининг ўзига хос ғарбона инъикосидир. У Ғарб билан Шарқ ўртасидаги ҳар қандай тўсиқни инкор этган, Ғарбни Шарқдан ажратиб бўлмайди деб ҳисоблаган.

---

[1] *Schaeder H.H.* Goethes Erlebnis des ostens. Leipzig; J.C. Hinrichs-Veriag. 1938. S. 182.

«Дастлаб амал бўлган»

«Ой ўртанар, кўзларида ёш,
Бағри доғу юраги қийма.
Дер: эй, фалак, мен эдим қуёш,
Нега мени қилдинг таржима?»

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг бу сатрлари «Фауст»ни таржима қилишга киришган пайтларда ёзилган.

Таржимоннинг ўзи ҳикоя қилишича, 1972 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Фауст» таржимаси тақдимномаси бўлган. Унда академик Воҳид Зоҳидов ҳам иштирок этган. «Бу асарни куни кеча қўлга олдим ва уни тўлиқ ўқиб чиқишга вақтим бўлмади, – деганди тақдимотда сўз олган академик. – Аммо «Фауст»даги икки муҳим жой Эркин Воҳидов томонидан қандай таржима қилинганлиги билан қизиқиб кўрдим. Биринчиси – «Теория, друг мой, суха» жумласи у томонидан «Назария қуруқ оғочдир», деб ўгирилибди. Жуда моҳирона таржима! Бу жумла «Назария қурукдир» деб берилиши ҳам мумкин эди. Бироқ Эркин Гёте даҳосига ўта ижодкорона ёндашган. Худди шундай фикрни «Инжил»даги «Слово» сўзи таржимаси ҳақида ҳам билдириш мумкин»[1].

Нима учун муҳтарам академигимиз бу серқирра, чуқур маъноли, мураккаб фалсафий мушоҳадаларга тўла, ҳажм жиҳатидан ҳам йирик асардаги бевосита шу бир – «Калом» таржимасига алоҳида эътиборини қаратган.

«Инжил»даги бу сўз таржимаси билан боглиқ саҳна «Фауст»да марказий ўринни эгаллайди:

«Дастлаб Калом бўлган». Илк сатрданоқ
Мени лол этди-ку мураккаб жумбоқ,
Нима бўлди экан бунинг маъноси?
Наҳот сўз оламнинг бўлса асоси?»[2]

(Эркин Воҳидов таржимаси)

---

[1] **Қаранг:** Ўзимизнинг Фауст (Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов билан) // Жаҳон адабиёти, 1999. №9. 88; 93–97 бетлар.

[2] *Гёте.* Фауст. – Тошкент, 1985. Б. 41.

Трагедияда Фауст бу илоҳий сўз қандай таржима қилинса, маъноси тўғри бўлиши ҳақида мулоҳаза юритади. «Инжил»да илоҳий хушхабар «Азалда Калом бор эди», деб бошланиши яхши маълум. Дарҳақиқат, бундай ваҳий Қуръони каримнинг 55-сураси 2-оятида ҳам келтирилган.

Фауст «Наҳот сўз оламнинг бўлса асоси?» таърифига янги-янги маъно бахш этишга интилади. Унинг ўзи ана шундай: инсон туб моҳиятини англаш учун бетиним изланадиган файласуфдир. У борлиқнинг азали ва интиҳоси илдизларига етиш учун ҳар қандай изтиробларга ҳам тайёр. Бунга ҳатто Мефистофель ҳам ҳайрон:

«Шундай уқубатда яшарки одам
Раҳмим келар унга ҳатто менинг ҳам»[1].

Тангри Мефистофелнинг бу таажжубига қуйидагича жавоб беради:

«Фаустни танирсан?
Қулим.
У то тирик экан қўлингда сенинг.
Изланиш бор ерда адашиш ҳам бор»[2].

(Эркин Воҳидов таржимаси)

Шайтон қиёфасидаги Мефистофелнинг ўзида изланиш руҳи ҳукмрон бўлган олимни йўлдан уришига ишончи комил. Бунинг учун у Тангридан Фаустни синаб кўришга ризолик олади.

Фауст илмга ғайритабиий даражада чанқоқ олим, у ҳамиша ҳақиқатга интилади, ҳатто ўзини Илоҳга тенглаштиради, бироқ Ер Руҳи билан учрашгандан кейин хатосига иқрор бўлиб, ўзининг нақадар номукаммаллигини англайди. Шундай бўлса ҳам, ўзида шайтонга қалбини сотмайдиган маънавий ва руҳий қудрат борлигига амин. Шунинг учун у иблис билан шартнома тузишдан ҳайиқмайди.

Мефистофель – ўта фирибгар ва ҳийлагар. У Фаустнинг хонасида лайча қиёфасида пайдо бўлади, олим билан юзма-юз қолгандагина ҳақиқий башарасини кўрсатади. Фауст билан шайтон ўртасидаги келишувга мувофиқ Мефистофель олим ҳаётлиги даврида унинг қулига айланади.

---

[1] *Гёте.* Фауст. – Тошкент, 1985. Б. 15.
[2] Ўша жойда, Б. 15.

Иблис Фаустни дастлаб «Кичик», сўнгра «Катта давра»га «олиб киради». Фауст гўзал Еленага уйланади, кўҳна салтанатлар маҳобатининг гувоҳи бўлади. У оламни такомиллаштириш буюк ғоялари доим барҳаёт бўлиши, эзгулик албатта тантана қилишига ишонч билан ҳаётдан кўз юмади. Фауст бошига тушган укубатлар олдида таслим бўлмайди, кўр бўлиши, кексайишига қарамасдан, маънавий камол топади. Мефистофель унинг руҳан заиф эканлигини исботлай олмайди ва ўзи мағлуб бўлади.

Гёте шоҳ асари қаҳрамони олим ва ҳуқуқшуносдир. У – реал тарихий шахс. Фауст XVI асрда Германияда яшаган, шифокорлик қилган, афсунгар кимёгарлиги ҳам маълум. Унинг ақл бовар қилмайдиган мўъжизакорлиги, исёнкор руҳи ҳакида афсоналар тўқилган. Фауст тўғрисидаги ривоятлар авлоддан авлодга ўтиб келган. Бу тарихий шахс ҳаётлик вақтидаёқ ўз руҳини шайтонга сотган, деган миш-мишлар тарқалган. Айнан мана шу боисдан Фауст халқ ижодиётига мансуб китоблар ва қўғирчоқ томошалари қаҳрамони бўлган. Лекин у нафақат бу билан машҳур бўлган.

Фауст образи Вильям Шекспирнинг замондоши, инглиз Кристофер Марло драмаси, романтизмгача мавжуд бўлган «Бўрон ва шиддат» (у шу номдаги пьеса муаллифи ҳамдир) оқимининг асосчиси немис Клингер романида, шунингдек, бир қанча бошқа адабий асарларда ҳам ўз аксини топган.

«Бўрон ва шиддат» ҳаракати етакчиларидан бири, заҳархандалиги билан машҳур бўлган Иоҳанн-Хенрих Мерк Мефистофелнинг ҳаётдаги прототипи бўлган. Иблис билан «қариндошлик» унинг учун машъум бўлган: Меркнинг барча фарзандлари бевақт ўлиб кетган, 1791 йилда эса у руҳий хасталиги оқибатида ўзини ўзи отиб ўлдирган.

Кўриниб турибдики, Гёте Фауст ҳақида асар яратишга қарор қилган адибларнинг биринчиси бўлмаган. Аммо Фауст шахсига ёндашишдаги ўзига хослик Гёте шоҳ асарини бошқалардан кескин ажратиб турган. Трагедиянинг якунланиши худди ана шунинг далолатидир. Фауст бошқа адиблар «Фауст»лари сингари шайтонлар томонидан тилка-пора қилинмайди, аксинча, фаришталар томонидан осмонга олиб чиқиб кетилади. Фикримизча, у инсоннинг чўққилардек сарбаланд мавқеи тимсоли бўлиб, одамзотнинг ўз қудратига ишончи рамзидир.

Гёте асарида олим Фаустнинг хонаси готик услубдаги қоронғу равоқлар сифатида тасвирланади. Бу Ўрта асрлар даврининг зоҳид инсон тўғрисидаги тасаввурлари билан уйғунлашиб кетган.

Фауст ҳар қандай қилиб бўлса-да мана шундай ўзини ўраб турган, чекланган олам, биқиқ хонаси тутқунлигидан озодликка чиқишга талпинади. Зеро, ўз-ўзини камол топтиришнинг интиҳоси бўлмайди. Изланувчан тафаккур олим олдига ҳамиша янги, янада мураккаброк вазифалар қўяверади.

Фауст – фавқулодда серғайрат, битмас-туганмас куч-қудратга эга фаол инсон. Ёрдамчиси Вагнер эса унинг тескарисидир. Вагнер учун билим – бу оламни ва ўзини идрок этиш эмас, балки ўқиб тугатилган китоблар сони билан ўлчанадиган соф миқдорий тушунчадир, холос.

Ўрта аср фани сохта илмийлигидан ҳафсаласи пир бўлган Фауст афсунгарликка берилади. Бу у оломоннинг ҳамду-саносини истеҳзолик билан қаршилаган учинчи саҳнада намоён бўлади. Олим Коинот билан муштарак бўлиш, унинг сир-синоатларини билиш истагида тажриба ўтказиб, сал бўлмаса ўзини ҳалок этаёзганди. Гарчи Фауст ибодатхоналарга кўп қадам ранжида қилавермаган бўлса ҳам, бевосита черков бонги жаранглари ва хор қўшиғи уни ҳушига келтиради, ўзи содир этаётганларининг куфрлигини англашига имкон беради.

Гёте «Фауст» асарини қарийб 60 йил (!) давомида битилган ва шу сабабли у ўзида адибнинг бутун ҳаёт тажрибасини ҳам, теран, яширин маъноларни ҳам мужассамлаштирган. Гёте худди асар қаҳрамони сингари олим ва ҳуқуқшунос бўлганлиги, айниқса, эътиборга моликдир.

Гёте Фауст тилида шундай дейди:

«Илоҳият ила банд бўлдим,
Файласуфи хирадмаид бўлдим.
Илми ҳуқуқ, илми табобат –
Барчасини ўргандим...»[1]

(Эркин Воҳидов таржимаси)

Фауст эса тарихий шахс сифатида фақат олим бўлган.

Гётенинг Фауст шахсига бу таърифи унинг борлиқ тўғрисидаги тасаввурлари инъикосидир, деган фикрни туғдиради. Бу ҳолда Фауст нима учун шайтонлар томонидан тилка-пора қилинмаганлиги тушунарлидир. Чунки муаллиф ўзининг ҳақлигига ишончи комил.

---

[1] *Гёте.* Фауст. – Тошкент, 1985. Б. 21.

Одатда, трагедиялар фожиали тугайди. Бироқ асар синчковлик билан мутолаа қилинса, «Фауст»да бундай якуннинг ўзи йўқ. Барча трагедияларга танлаш зиддиятлари хос. Англашимизча, танлаш муаммоси борлиқни янада чуқурроқ тасаввур этишнинг давомини танлашдан иборатдир. Бунинг иккита йўли бор, аммо иккаласининг ҳам боши берк, интиҳоси ҳалокатли. Фауст шайтон билан қабиҳ шартнома тузади, Мефистофель ундан нимани исташини, нимани талаб қилишини билади. Бироқ ўзи учун ниҳоятда фожиали битим уни қароридан қайтаришга ожиз. Чунки у ҳаётини билимларини муттасил такомиллаштириб боришсиз тасаввур қила олмайди.

Олимни севиб қолган бегуноҳ қиз Маргарита Гретхеннинг тақдири ҳам аянчли. У зиндонга ташланади ва ўлимга маҳкум этилади. Ҳолбуки, у ҳали жуда навниҳол:

«Гўзал эдим ғоят бир замон,
Ҳусним мени ўлдирди, аён.
Ёр ёнимда эди шу чоқда,
Ҳозир эса йироқ-йироқда...»[1]

(Эркин Воҳидов таржимаси)

Шундай қилиб, Гёте асарида, фикримизча, иккита фожиа мужассамлашган. Фауст нима қилиб қўйганлигини англайди, у Мефистофелдан нафратланади, шайтон эса ўз навбатида уни «майда махлуқ» деб атайди. Бироқ унинг Мефистофель билан ёнма-ён бўлишдан бошқа иложи йўқ. Мефистофель бамисоли кўланка сингари ундан ажралмайди, бирор дақиқа ҳам ёлғиз қолдирмайди.

Асар «Бағишлов»ига ҳам алоҳида тўхташ даркор. У, биринчи қарашда, трагедияга умуман алоқадор эмасдек. «Муқаддима»дан шоир директор буйруқларига итоат этишга рўйхуш бермаганлиги равшан бўлади. Зеро у – санъаткор, ижодкор, қалб амри билан иш кўради. Нима ҳақида ва қандай ёзиш унинг измидадир. Фауст Ўрта асрлар жамияти қоидалари асосида яшашни хоҳламайди, у ўз тақдирининг соҳибидир.

Гётенинг «Фауст»и ўзида нафис шеъриятни, мумтоз мукаммалликни ва теран фалсафий тафаккурни мужассамлаштиради.

Гётенинг «Фауст»и инсоният тафаккурининг чўққисидир. Инсон, унинг эҳтиросларн юксаклиғи ва барқарорлиги, ҳаёт ҳа-

[1] *Гёте.* Фауст. – Тошкент, 1985. Б. 130.

қиқати ва мазмуни, бетиним изтиробий изланиш, парвозлар ва тубанлик, Ҳурлик ва Муҳаббатга эга бўлиш ҳақидаги буюк драматик эпопеядир.

Гётенинг «Фауст»и мисли кўрилмаган эҳтиросларо оташи, ақл шамчироғи, битмас-туганмас донолик чашмаси, асрларга ва минг йилликларга татийдиган асардир.

Гёте ота-онаси билан яшаган уйда «Инжил» ҳар куни мутолаа қилинадиган китоб бўлган. Дин тарихига бўлган қизиқиш унда жуда эрта уйғонган. У «Инжил»ни муттасил мутолаа қилиб улғайган. Гёте «Инжил» тили – ивритни ўрганган. У Исо Масиҳ китобини ивритда ўқиб тугатган.

«Менинг тилларни ўрганишга ва муқаддас китоб маъносини чақишга бўлган интилишим, – деб эътироф этган эди шоирнинг ўзи, – тасаввуримда гўзал ва шонли мамлакат, унинг атрофидагилар, қўшнилар ҳамда минглаб йиллар муқаддам шу бир парча ерни улуғлаган халқлар ва воқеаларни ҳаётбахш гавдалантиришга олиб келди».

Гёте болалигидаёқ Муқаддас Беш китобдан катта парчаларни ёд биларди. Франкфуртда ҳурматга сазовор адлия маслаҳатчиси, ҳуқуқшунос бўлган отаси бундан жуда гурурланган. «Инжил» Гёте учун худди шеърий образлар ва сюжетлар булоғи бўлган. У бутун умрини бахшида этган «Фауст»да «Бағишлов»дан тортиб бош қаҳрамон ўлимининг якуний саҳнасигача «Қадимги аҳд»дагига ўхшаш кўплаб манзаралар, шахсларга дуч келиш мумкин. Бундай икки юздан ортиқ ўхшашликлар борлиги ҳисоблаб чиқилган. Гётенинг энг севимли китоби бўлган, Юҳанно баён этган Муқаддас Хушхабардан олинган манзара айниқса ўхшашдир. Гётенинг «Бағишлов»ида худди «Муқаддас Китоб»дагидек Тангрининг шайтон билан мулоқоти такрорланади.

«Инжил»да Тангри шайтонга савол беради: «Сен менинг қулим Аюбга эътибор бердингми?» Гёте асарида ҳам Мефистофелга «Фаустни биласанми?» саволи берилади ва «У менинг қулим» деб қўшимча қилинади. Бу ерда гап фақат юзаки ўхшашлик тўғрисида кетаётгани йўқ. Аксинча, бундан жуда теран фикр англанади: инсон синов қилинмоқда, унинг руҳи ҳам синовдан ўтмоқда.

Мефистофель образи «Муқаддас Китоб» руҳида талқин қилинган. Аммо Фауст образида, унинг умидсизлигида («Муқаддима», олимнинг хонасидаги саҳна) Экклезиаст китоби, ундаги «Беҳудадан беҳуда уриниш»лар ғояси инсон саъй-ҳаракати беса-

марлиги акс садоси ифодасини топган. «Фауст»нинг иккинчи қисмида бош қаҳрамон образида Исо Масиҳга хос хислат сезилади.

Боқий «Фауст»нинг «Бағишлов»и «Инжил»га тақлиддир. Бу ўхшаштириш Гётенинг ўзи томонидан тасдиқланган: «Менинг «Фауст»имдаги манзаралар Инжил тасвирлари билан баъзи ўхшашликка эгалиги рост, – дейди Гёте ўз котиби И.П. Эккерман билан инглиз ёзувчиси Жорж Байроннинг тақризини муҳокама қилар экан, – бироқ бунинг учун мен айбланишдан кўра, мақташга лойиқман».

Ҳар икки тасвирнинг мос тушганлиги, айниқса, «Инжил» матни ҳам драматик шаклда баён қилинганлиги назарда тутиладиган бўлса, бу ҳайрат уйғотмасдан қолмайди. Асарда Мефистофель пайдо бўлишидан олдинги саҳнада, яъни Фаустни душман куч эгаллаб олишидан бир дақиқа аввал олим «Муқаддас Китоб» таржимаси билан машғул бўлади. У «Инжил» муаллифи хулосасини тузатишни ва уни янгича ифодалашни хоҳлайди. Бундан пайдо бўлган ғурурланиш туйғуси уни шайтоний кучга изн беришига мойиллик туғдиради.

«Инжил» биринчи шеъри(саноси)даги «дастлаб Калом бўлган» тарзида қилинган таржима маъқул тушмаган олим даставвал уни «Дастлаб Идрок (Sinn) бўлган», сўнгра: «дастлаб Қудрат (Kraft) бўлган», тарзида талқин қилади.

Бироқ у бу таърифларни ҳам рад этади ва ниҳоят «дастлаб Амал (That) бўлган» деган иборага тўхтайди. Бу таржима унга ҳатто Масиҳникига қараганда маънони тўғрироқ ифода этадигандек туюлади. Лекин Фауст ўзининг аввалги икки таърифи сингари буниси ҳам рад этилишига муносиб, деган фикрга келади.

«Калом», «Сўз»нинг илоҳий мазмун-моҳияти буюк Алишер Навоий «Хамса»сининг «Сабъаи сайёр» достонида бутун қирралари билан акс эттирилган:

«Чунки мавжуд бўлди нуқтаи «кун»,
Бўлди мавжуд тоза, йўқса куҳун»,
Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,
Не жаҳон, кавн ила макон сўнгра»[1].

деб ёзади ғазал мулкининг султони. Яъни «Сўз» олам яратилишидан аввал пайдо бўлган. Муқаддас Қуръони Каримнинг Ар-Раҳмон сураси (78-оят)да ҳам шундай дейилади:

---

[1] *Алишер Навоий.* Сабъаи сайёр. – Тошкент, 467 бет.

«Меҳрибон (Аллоҳ) Қуръонни таълим берди. (У) инсонни яратди. Унга баённи (нутқни) таълим берди»[1] (1–4 оятлар).

«Ҳайратул-аброр»даги «кун» арабча «к» ва «н» ҳарфлари қўшилиб «кун»ни ташкил этади. «Кун» эса «ярат», «ижод қил» маъноларини англатади.

Ҳазрат Навоий таърифига кўра «сўз» жон бўлиб, руҳ унинг қолипидир. Кимнинг танида руҳи бор бўлса, сўзга эҳтиёж сезади:

«Жон ўлуб ул, руҳ анинг қолиби,
Ким танида руҳ, анинг толиби»[2].

Достонда сўзнинг қудратига бағишланган яна бошқа жуда кўп ҳам файласуфона, ҳам шоирона мисраларга дуч келамиз:

«Сўз била куфр аҳли мусулмон бўлуб,
Сўз билан ҳайвон деган инсон бўлуб,
Ҳам сўз ила элга ўлумдан нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт».

Гердер «Инжил»даги ушбу парча ва юнонча атама – «Логос» – «Калом» («Сўз»)ни шарҳлаб, ўзининг «Янги Аҳд»га «Шарҳлар»ида ёзади: «Сўз!» бироқ таржима қилинганда немисча «Сўз» илоҳий «Калом» ифодалаган «Мазмун!», «Ирода!», «Амал!», «Фаол Севги!» тушунчаларини бермайди. Гёте борлиқ, тарихийлик ва табиийликни ўз тушунчасига мувофиқ идрок этиб, ушбу таърифларнинг барчасидан «Амал» тушунчасини афзал кўради: **«Дастлаб амал бўлган»,** дейилади шеърда.

Кенгроқ мушоҳада қилинса, инсон «Инжил»даги ушбу «Калом»дан бошқа ўта теран маъноли, кенг қамровли сўзни излаб топа олиши амри маҳол. Эҳтимол «Муқаддас Китоб»да қайд этилган, Исо аланга орасида эшитган «Алиф удир» («аз ест сый»)ни у билан бир қаторга қўйиш мумкиндир. Бунда «удир» Яратувчига тааллуқли бўлмаган ҳолда «Тангри»ни ифодалашини назарда тутиш жоиз. «Инжил»даги «Калом»да эса макон ва абадиятдаги «Яратувчи Тангри» тасвирланган. «Калом» (logos) таърифи бир йўла унисини ҳам, бунисини ҳам мужассамлаштиради.

Бироқ бу ўринда «Калом» дейилганда муайян, лутф этиладиган ва эшитиладиган сўз англанмайди. Балки умуман «Сўз», яъни

---

[1] *Қуръони Карим* / Абдулазиз Мансур таржимаси. – Тошкент, 2001.

[2] *Алишер Навоий.* Ҳайратул-аброр. – Тошкент, 33 бет.

туғилишимиз билан руҳимизда пайдо бўладиган «Тафаккурнинг маънавий гавдаси» эрмиш «Калом» ва «ушбу маънавий гавданинг моддий либоси – товуш» бўлган ҳамда уни ифодаловчи «Калом» тушунилади. Бу, ҳеч бўлмаганда, инсонга нисбатан худди шундайдир. Инсон нутқ тафаккури билан бирга туғилади, аста-секин ривожланади, тобора кўпроқ муайян маънавий шакл касб этади ва ниҳоят, ташқи мулокот амалига ўтиши учун маънавий тасаввурдан руҳий тасаввурга товуш либосига ўралади. Буларнинг барчасида аниқ мантиқ: ибтидо, равнақ, босқичма-босқичлик мавжуд. Унда чекланганлик, муваққатлик, инсонийлик хусусиятлари кўзга ташланади.

Илоҳий Сўз, аксинча, «Тангри» – ҳам «Яратгувчи Парвардигор», ҳам мавжуд бўлган Тангри, ҳам Тангри ҳозир бўлган, ҳам яралган Тангридир». У Тангри иродаси маҳсули, ундаги мавжудот, бироқ у билан қўшилиб кетмаган ва у билан бир хил бўлмаган, ибтидосига эгадир. Чунки у ижод маҳсули ва ибтидосиздир, яъни бевосита илоҳий ижоддир. Тангри эса абадиятда амал қилади. Абадиятда эса шундай бўлган, шундайдир ва шундай бўлади. Булар айни бир нарсадир.

Фаустнинг «Инжил»даги бу муқаддас иборани бутун мукаммаллиги билан ифода этишга муваффақиятсиз уриниши бу тушунча қанчалик кенг қамровли эканлигининг ёркин тимсолидир.

Фауст томонидан қўлланилган «Калом», «Идрок», «Амал» ифодаларининг ҳар бири ўзида «Инжил»да мукаммал ҳолда ифодаланган «Калом»нинг фақат бир қисми холос. Ҳар қандай ижодиёт учун:

биринчидан, «Идрок» (ният, режа ва ибтидо);

иккинчидан, «Қудрат» (имконият ва восита);

учинчидан, «Амал» (содир этиш ва интиҳо) зарур.

Ҳар ҳолда инсонга хос барча ижодиётлар шу тарзда кечади.

Илоҳий ижодда собитқадамлик йўқ: унинг идроки айни вақтда восита ва амалдир. Буларнинг барчаси эса айни вақтда унинг ўзидир. Мазкур тушунчаларнинг барчаси «Инжил»даги «Калом»да жам бўлади, унда «Идрок», «Идрок шакли» ва «Идрок ифодаси» мужассамлашган.

«Калом» («Инжил»даги маъносида) фақат Тангрига тегишлидир; инсон уни англай олмайди. Инсон фақат моҳияти кенг қамровли, Тангри Каломининг худди атомларидек бўлган «Сўз»га эга. Бундан Тангрининг «Қалом»и – Тангрининг ўзи эканлиги хулосаси келиб чиқади. Буни тасаввур этиш учун ҳаётий ўхшатиш келтириш мумкин. Бутун бир иморатни унинг бўлаклари таркибига кирадиган зарралар орқали тасаввур этиб бўлмайди. Худди шунингдек, «Калом»ни ҳам инсоний сўз орқали ифодалаш мумкин эмас.

Бизнинг барча сўзларимиз, яъни биз ифодалаган ва ифодаламаган, алоҳида ва жам қилинган фикрларимиз бирор яхлит нарсанинг парчаси, холос. Бу занжир қанчалик улкан ва у нималарни қамраб олганидан қатъи назар, унинг биринчи ҳалқаси абадиятга, ҳамма нарсани англатувчи Каломга, Тангрига занжирбанд бўлмаса, ҳеч нарсага тегишли бўлмаган бир бўлакдир, холос. Бу, охирги ҳолатда У узлуксиз хусусиятига эга бўлмайди. У Паскалнинг таърифича, маркази ҳамма жойда, айланаси эса ҳеч жойда бўлмаган доиранинг тўғридан-тўғри радиусидир.

Барча буюк асарлар сингари Гётенинг «Фауст»и ҳам фалсафий ҳикматларга бойдир. Бу беҳуда назарияпарастлик билан жонли турфа ранг ҳаёт ўртасидаги номувофиқлик ҳақидаги машҳур таърифга ҳам тааллуқлидир:

«Назария – қуруқ оғочдир,
Аммо яшнар ҳаёт дарахти»[1].

(Эркин Воҳидов таржимаси)

Доимо барҳаёт «ҳаёт дарахти» фалсафаси бизга тарихий, маданий манбаларга ғоят эҳтиёткорлик билан, таъриф жоиз бўлса, гётеча муносабатда бўлишни тақозо этади. Гётенинг ижоди Киплинг ғояси асоссизлигини очиқ-равшан исботлайди. «Гётенинг Шарқ фалсафасига яқинлиги менинг йўлимни ёритиб турди, руҳимга мадад бўлди», – деб ёзган эди Эркин Воҳидов.

Буюк немис шоири Шарқ маданиятини, хусусан Шарқ мумтоз адабиётини жуда яхши билган. Хусусан, у Ҳофиз шеъриятига таъзим қилган, ўзи унга шогирд тушишга тайёрлигини билдирган. «Фауст»даги бир лавҳа фикримизни яққол исботлайди. Чунончи, Фауст худди Шарқ достонлари қаҳрамонларидан Фарҳоддек замин қаъридаги кўзгуда тенгсиз бир малак суратини кўриб, ўн тўрт яшарли соҳибжамол Маргаритага ишқи тушади:

«Ёйилмай, таралмай ул тутам булут
Оҳиста Шарқ томон учиб кетмоқда.
Мен ҳайрат ичида унга боқурман:
Ана шу юмалоқ шаклидан аста
Бошқа кўринишга ўтди.

---

[1] *Гёте.* Фауст. – Тошкент, 1985. Б. 60.

У турли сувратлар
Қаршингда қилур намоён.
Ростми бу кўрганим? Нурга йўғрилган
Юксак чўққи узра бўлади пайдо
Маъбудалар каби гўзал бир аёл».

(Эркин Воҳидов таржимаси)

Бугунги кунда жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидаги инсонлар – улар қайси динга эътиқод қилишлари ёки ҳеч бирига эътиқод қилмасликларидан қатъи назар, тарихий, шу жумладан, диний меросга ҳам Гёте каби ҳурмат билан ёндашганларида «карикатуралар можароси» каби жиддий зиддиятлар рўй бермасди, Ислом дини моҳиятини тушунмасдан уни терроризм билан боғлашга беҳуда уринишларга дуч келинмасди.

Шу нуқтаи назардан Исломга муносабатни ҳам Гётедан ўрганиш керак. Бетакрор ижод соҳибининг асарлари, шу жумладан, «Фауст» ҳам динлараро, маданиятлараро, миллатлараро бағрикенглик намунасидир. Улар Шарқ ва Ғарб цивилизацияларини уйғунлаштириш мақсадларига ҳам хизмат қилмоқда, дейиш учун ҳамма асослар бор.

Гёте Ўзбекистонда

Умуминсоний маданиятнинг даҳоларидан бири Йоҳанн Волфганг Гёте ижоди Ўзбекистонда ҳам маълуму машҳур. Ўзбек адабиётшунослигида бу буюк немис шоири ижодига бағишланган дастлабки мақолалар XX асрнинг 20–30-йилларида пайдо бўлган[1], аммо Гётенинг асарлари ўтган асрнинг ўрталаридагина ўзбек тилига таржима қилина бошланган[2].

1957 йилда «Ўзбекистон маданияти» газетасида эълон қилинган Мақсуд Шайхзоданинг «И.В. Гёте» мақоласида немис адибининг ҳаёти ва ижоди фаолияти баён қилинган, унинг «Гёц фон Берлихинген», «Прометей», «Ёш Вертернинг изтироблари», «Ғарбу Шарқ девони», «Фауст» ва бошқа асарларига тўхталган.

Мақсуд Шайхзода илк бор Гётенинг «Ҳижрат» шеърини ўзбек тилига ўгириб, унга қуйидагича изоҳ берган: «Ҳижрат» (кўчиш)... бунда 622 йилда Муҳаммад Пайғамбарнинг Маккадан қочиб кетиш воқеаси кўзда тутилади. Гёте 1788 йилда Ваймарнинг бўғиқ

---

[1] *Қаюмов Л.* Меридианлардаги учрашувлар. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, 186-бет.

[2] *Шайхзода М.* И.В. Гёте// «Ўзбекистон маданияти» газетаси. 1957 йил 20 март.

муҳитидан қочиб Италияга кетганидаги кайфиятни бу шеърдаги мазмун билан таққосламоқчи бўлган». Бу ўринда «ҳижрат»нинг қочиш тарзида талқин этилиши ўша даврдаги коммунистик мафкура тайзиқи таъсири эканлиги тушунарлидир.

Ўзбек шоирининг таржима учун Гёте «Ғарбу Шарқ девони»даги илк бу шеърни танлаганлиги тасодифан эмас, деган фикрдамиз. Зеро унда шарқона қадриятлар ўзининг ёрқин ифодасини топган. Мисралардаги «кўзмунчоқ», «тумор», «меҳрли узук» шарқона сифатлар бўлиб, улар катта маъно ва мазмунга эга. Гёте фикрича, бу маъноларни англаш доноларга хосдир.

Немис адиби Шарқ мумтоз шеърияти намояндалари Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Алишер Навоийларни ана шундай донолар – Пир деб ҳисоблаган. Таниқли адабиётшунос ва тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов жуда тўғри таъкидлаганидек, «Киши доимий равишда руҳий-маънавий эҳтиёжларни қондириб бориши, шу жиҳатни тарбиялашга бел боғламоғи даркор. Бу ишда унга ўзидан кўра комилроқ инсон – Пир раҳнамолик қилади. Пир ёки Ориф деб тасаввуф аҳли ақли донишда етук, маърифат нури билан қалби лиммо-лим, пок ният, покиза ахлоқли, зоҳир одамни назарда тутганлар. Пир – кўнгил маҳрами, ҳамдард, ҳаммаслак киши»[1].

Шу маънода буюк ўзбек шоири Алишер Навоий билан Гёте ўртасидаги ўхшашликлар ҳам диққатга сазовордир. Алишер Навоий ўзининг шоҳ асари – «Хамса»ни яратишда устозлари Низомий, Деҳлавий ва Жомийга чуқур миннатдорчилигини изҳор этган:

Фонийлик ғорида улар йўқолсалар,
Мен ҳам уларнинг еттинчилари – итлари бўлай.

Бу байтдаги «ит» «Етти уйқучи ва ит» афсонасига ишорадир[2]. Ана шу афсонадаги етти рақами Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони»даги илоҳий етти рақами билан уйғун. Яъни Алишер Навоий «етти уйқучилар» деганда еттита ошиқ-маъшуқ – Рудоба ва Золи Зар, Юсуф ва Зулайҳо, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун,

---

[1] *Комилов Н.* Тимсоллар тимсоли // Шу кунлар шиддати. – Наср, назм, таржима, танқид, публицистика. – Тошкент. Ёш гвардия, 1989, 272-бет.

[2] *Ғофуржонов Ғ., Отажонов У.* Эътиқод рамзи // «Ёш ленинчи» газетаси, 1988 йил 9 февраль.

Жамил ва Ботина, Билқис ва Сулаймон, Вомиқ ва Узроларни назарда тутган бўлса, Гёте «Девони»нинг «Ишқнома» дафтаридаги «Вафо тимсоллари» шеърида олти ошиқ-маъшуқ (Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайҳо) куйланган. Шу шеърдан кейин эса яна бир жуфт, яъни «еттинчи жуфт» таъриф этилган. «Девон»нинг ниҳоясида ҳам «Ухлаётган етти йигит» шеъри келтирилган.

Гёте шеъриятидаги Шарқ анъаналари билан уйғунлик ўзбек адибларига унинг асарларини таржима қилишга рағбат бўлган дейиш мумкин. Бу ўринда Садриддин Салим Бухорий буюк немис шеърларини аслиятдан ўгирганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Гётенинг «Девон»ида тасаввуф руҳида битилган шеърлар кўп. Садриддин Салим Бухорий уларни таржима қилишда вазн, услуб, образлар талқинини сақлашга, шарқона муҳит ва фалсафий сермушоҳадаликни акс эттиришга муваффақ бўлган.

Гёте асарларини ўзбек китобхонларига етказишда бошқа таржимонлар хизматларини ҳам таъкидлаш жоиз. Хусусан Янглиш Эгамова «Ёш Вертернинг изтироблари» романини аслиятдан ўгирган. Насриддин Муҳаммадиев эса «Ғарбу Шарқ девон»идан парчалар таржима қилган.

Айниқса, буюк немис шоирининг шоҳ асари – «Фауст»ни моҳирона таржима қилган Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Шу билан бир қаторда адибларимиздан Хамид Ғулом, адабиётшунослардан Иброҳим Ғофуров, Ғайбулло Саломов, Нажмиддин Комилов Гёте асарларининг ўзига хослиги, улардаги умуминсоний ғоялар, чуқур фалсафий мушоҳадалар хусусида қимматли фикрларини баён этганлар.

Гётенинг ижод хазинаси битмас-туганмас эканлигини алоҳида уқтириш ўринлидир. Шу боис буюк немис шоирининг асарларини ўзбек китобхонларига тўла ҳолида етказиш борасида адибларимиз, адабиётшуносларимиз, таржимонлар олдида ҳали улкан ишлар турибди.

Тўртинчи боб. ГЁТЕ ҲИКМАТЛАРИ

Буюклардан кимдир, ҳикматли сўзлар – бу яхши таҳрир қилинган роман деган экан.

Ҳали яна юз йиллар китобхонларни ҳайратга соладиган юзлаб ихчам, оқилона фикрлар Гётенинг қаламига мансублиги билан эътиборингизни тортаверади. 1885 йилидаёқ Петербургда Гётенинг мўъжазгина «Насрдаги ҳикматлар»и босилиб чиққан эди. 1903 йилда эса Петербургда «В.Гёте Танланган ҳикматли сўзлар ва доно фикрлар» деб номланган китоб инглиз тилидан таржима қилинганди. «Ҳикматли сўзлар (хорижий манбалар бўйича)[1] *китобида бундай ҳикматли сўзларнинг анчаси ўрин олган, бироқ улар ҳамма вақт ҳам муваффақиятли таржима қилинган деб бўлмайди. «Буюкларнинг улуғ фикрлари»*[2] *деб номланган уч жилдлик тўпламда Гётенинг йигирмадан ортиқ ҳикматли сўзлари жой олган. Э.Бороховнинг ҳикматли сўзлар қомусида Гётенинг юздан ортиқ ҳикматли сўзлари келтирилади*[3].

Т.С.Александрованинг «Гётедан. Ҳикматли сўзлар. Иқтибослар»[4] *китобида Гётенинг чуқур маъноли иборалари анча тўлиқроқ берилган. Китобда Гётенинг бадиий асарларидан, илмий ишлари ва публицистикасидан саралаб олинган тўрт юзга яқин ҳикматли сўзлар, адабий иқтибослар жамланган. Энг асосийси, немис сўзларининг русча муқобиллари берилган, баъзи ўринларда уларнинг келиб чиқиши ва қўлланилиши изоҳланади.*

Ҳикматли, доно фикрлар инсон ақлини чархлаши, ундаги тафаккурлашни янада аниқлаштириш ва тиниқлаштириши исбот топган ҳақиқатдир. Бундай заковат хазинасидан доимо баҳраманд бўлиб туриш ҳаётда изланишни ўзига шиор қилган замондошларимиз учун унинг ҳикматлари жуда фойдали деб билдик[5].

---

[1] Афоризмы (по иностранным источникам) / Перераб. и доп. 3-е изд. – М., 1985.

[2] Великие мысли великих людей. – М., 1999.

[3] *Борохов Э.* Энциклопедия афоризмов: В мире мудрых мыслей. – М., 2004. См. также: Душенко К.В. Универсальный цитатник политика и журналиста: 6000 цитат о политике, правосудии и журналистике. – М., 2003; Афоризмы о юриспруденции / Сост. А. Б. Ванян. – М., 1999.

[4] *Александрова Т. С.* Из Гёте. Крылатые слова. Цитаты. – М., 2000.

[5] Илк бор Гётенинг ҳикматли сўзлари ўзбек тилида «Ижтимоий фикр.Инсон ҳуқуқлари» журналининг бир неча сонларида чоп этилди. Қаранг: Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2007. №4. 167–169-б; 2008. №1.; 151–153-б.; 2008. №2. 182–183-б.; 2008. №3. 172–174-б.; 2008. №4. 162–167 б.

* * *

Энг даҳшатли нарса дид бўлмагани ҳолда тасаввурнинг мавжуд эканлигидир.

* * *

Ҳар ким нимани тушунса, шуни эшитади.

* * *

Модомики ақлли жавоб беришларини ҳоҳлар экансан – ақлли савол бер.

* * *

Мухолифинг билан баҳсда ўзингнинг заифлигингни сезсанг, баҳслашишни тўхтат, зеро бундай ҳолда гапларинг тобора аҳмоқона бўлиб бораверади.

* * *

Кимки изланар экан, адашишга маҳкум.

* * *

Инсон эришиши мумкин бўлган олий нуқта бу ҳайратдир.

* * *

Инсонга хато қилиш хос, шунинг учун унинг дўстлари бор.

* * *

Ҳақиқатни доимо такрорлаб туриш зарур, чунки бизга адашишни ҳам доимо эслатиб туришади.

* * *

Ҳалоллик улуғликка жуда яқин туради.

* * *

Оломонга аёлларга сингари муносабатда бўлиш зарур: уларга ҳамиша улар эшитмоқчи бўлган гапларни айтмоқ лозим.

* * *

Яқин кишиларимиз билан улар бунга лойиқ бўлган тарзда муомала қилиб, уларга фақат зарар келтирамиз. Улар билан бу яқинларимиз амалда бўлганидан яхшироқ кимсалардек муомала қилсак, биз уларни яхшироқ бўлишларига мажбур қиламиз.

* * *

Агар кимдир бирор янгиликка эътиборимизни қаратса, одамлар бунга бор кучи билан қаршилик қилади. Улар бамисоли карсоқовдек бўлиб колишади, янгича нуқтаи назар хусусида нафрат билан гапиришади, шу сабабли янги ҳақиқат ўзига йўл очиши учун узоқ вақт кутиш зарур бўлади.

* * *

Кимники суйишса, ундан ўрганишади.

* * *

Ўзингдан қувонишни хоҳлар экансан, дунёнинг қадрига ет.

* * *

Ўзини севимли деб ҳис этиш кучнинг ўзидан кўра катта куч бахш этади.

* * *

Агар ҳамма нарсани икки марта қилиш имконияти бўлганда эди, ҳаммаси рисоладагидек бўлур эди.

* * *

Аёллар билан эҳтиёткорона муомалада бўлинг. Улар қийшиқ қовурғадан яралган. Тангри уларни тўғри ҳолда ярата олмаган: агар қийшиқ қовурғани тўғриламоқчи бўлсанг, синиб кетади, ўз ҳолида қолдирсанг, янада қийшаяди.

* * *

Агар тонг бизга янги қувончлар ҳадя этмаса, агар оқшом бизни умидсизлантирмаса, кийиниш ва ечинишга на ҳожат.

* * *

Ҳар қандай оқилона фикр кимнингдир миясига келган, ана шундай фикрга яна бир марта келишга ҳаракат қилиш зарур.

* * *

Инсон вужудида ижодий куч мавжуд: у кашф этилиши керак нарсани яратишга қодир. Биз бу кучни у ёки бу тарзда намоён этмагунимизча, у бизга тинчлик бермайди.

* * *

Диннинг саъй-ҳаракатлари бизни муқаррар юз берадиган нарса билан муроса қилишга қаратилган, ҳар бир дин бу натижага эришишга ўзига хос йўл билан интилади.

* * *

Мумтозлик– бу соғломлик, романтиклик – беморлик.

* * *

Бахт нимани келтирса, шу воқеликдир.

* * *

Ғояни фойдали деб эътироф этиш, лекин ундан фойдаланишни уддалай олмаслик мумкин.

* * *

Нимани кўриш ҳамма нарсадан қийин? Сенинг нигоҳинг кўриб турган ва сенинг кўмагингга, иштирокингга, яхши сўзингга муҳтож нарсани пайқаш қийин.

* * *

Агар уфқдаги камалак узоқроқ туриб қолса, унга қарамай қўйишади.

* * *

Ғазаб учун моҳиятнинг аҳамияти йўқ, у фақат сабаб излайди.

* * *

Ҳаёт гарчи бир лаҳзалик бўлса ҳам – бурч.

* * *

Ёшлик – тез ўтиб кетадиган нуқсон.

* * *

Пировард натижада ўз қилмишларинг оқибати билан ҳисоблашишга тўғри келади.

* * *

Фақат самаралилик ҳақиқатдир.

* * *

Билишинг ўзи кифоя эмас, билганингни қўллай билиш ҳам керак.

* * *

Дунёни рақамлар бошқармайди.

* * *

Инсон хатолардан кўз очиб, янги куч билан ҳақиқатга мурожаат қилади.

* * *

Табиатнинг сирли муҳрини,
Одатдаги синчковлик билан
Синдиришга бўлдик муваффақ.
Ишонгумдир, келди шундай он.
Ҳаёт ижод этган табиийликни
Ўргандик биз биллур этишга.

* * *

Майли, ҳар ким ўзича юнон бўлсин!

* * *

Хорижликларни севинг, улар бизнинг жонли эртамиз.

* * *

Икки томонлама ҳисоб-китоб юритиш – инсон тафаккурининг энг ажойиб ихтироларидан бири.

* * *

Ўғрилар орасида аҳмоқлари энг зарарлисидир. Улар бир вақтнинг ўзида вақтимизни ва кайфиятимизни ўғрилайди.

* * *

Ижодкорни тушуниш учун – унинг «мамлакати» қонунларини ўрганиш керак.

* * *

Ҳақиқат бир-бирига зид фикрлар ўртасида ётади дейишади.

* * *

Кимники тушунсанг, ўшанга тенгсан.

* * *

Доктор, Сиз билан мунозара қилиш ёқимли ва фойдалидир.

* * *

Назария қуруқ оғочдир дўстим, лекин яшнар ҳаёт дарахти.

* * *

Шоирни тушуниш учун унинг юртига бориш зарур.

* * *

Инсоният халқлардан нуфузлироқдир.

* * *

Ҳақиқатдан кўра хатони топиш анча осон!

* * *

Мураккаб вазиятларда равшанроқ фикрлайдиган ҳаракат қилиши ва ёрдам бермоғи лозим.

* * *

Ирода бор ерда йўл ҳам бор.

* * *

Билимнинг ўзи етарли эмас: уни қўлламоқ зурур; ҳатто бу ҳам етарли эмас: ҳаракат қилиш лозим.

* * *

Ҳамиша мазмунсиз нутққа сўздан либос кийгизиш жуда осон.

* * *

Сўз – шоирнинг қуроли.

* * *

Сўз даволашга кўра тезроқ жароҳатлайди.

* * *

Кимки бошқа тилларни билмас экан, ўз тили ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлмайди.

* * *

Ҳақиқий эркинлик фақат қонунда бўлиши мумкин.

* * *

Ўз бурчингни бажаришга ҳаракат қил, ана шунда қалбинг тубида нима борлигини дарҳол англайсан.

* * *

Кимки ҳаёт ва эркинлик учун ҳар куни курашса, фақат угина ҳаёт ва эркинликка муносиб.

* * *

Тартибсизликдан кўра адолатсизлик маъқул.

* * *

Меросни ҳаётга татбиқ эта оладигангина меросхўр бўлишга лойиқ.

* * *

Барча қонунларни ўрганишга азм қилганларда қонунларни бузишга вақт қолмайди.

* * *

Кўзга ташланадигани – тенгликнинг фақат бир қисмидир.

* * *

Жазолашга қодир бўлмаган судья охир-оқибатда жиноятга шерик бўлади.

* * *

Қонун қудратли, бироқ эҳтиёж ҳукмронлиги янада кучлироқдир.

* * *

Туйғулар алдамайди, мулоҳаза алдайди.

* * *

Билишга қараганда ўйлаш қизиқарлироқ, бироқ хаёлга чўмиш ундан-да қизиқарли.

* * *

Ҳукмронлик қилиш осон, бошқариш қийин.

* * *

Кўпчиликдан кўра ёқимсиз нарса йўқ.

* * *

На ватанпарварлик санъати, на ватанпарварлик фани бўлиши мумкин эмас.

* * *

Барча қонунлар кексалар ва эркаклар томонидан яратилган. Ёшлар ва аёллар – истиснони, кексалар – қоидаларни хоҳлайди.

* * *

Агар ўлимни бекор қилиш мумкин бўлганда эди, биз бунга қарши бўлмасдик; ўлим жазосини бекор қилиш эса қийин бўлади. Агар бу рўй берганда ҳам вақти-вақти билан уни тиклашимизга тўғри келарди.

* * *

Ожиз одамларда кўпинча инқилобий эътиқод бўлади; улар агар бизни бошқаришмаганда яхши бўларди, деб ўйлайдилар ва на бошқаларни, на ўзларини бошқаришга қодир эмасликларини англаб етмайдилар.

* * *

Усталик билан тасвирланган бемаънилик нафрат ва таажжуб уйғотади.

* * *

Ҳар қандай тутуриксиз фаолият пировард натижада банкротликка олиб келади.

* * *

Ҳар қандай ташқи одоб ўз ички асосига эга бўлади.

* * *

Диққинафас муҳитда софдил,
Ўзлигини тополмас ҳеч ҳам.
Бошидан кечириб койиш-шуҳратни
Таъсирланиб Ватан ва дунёдан
Билмоғи шарт ўзи ва ўзгаларни.
Хуш ёқмайди унинг узлати.

* * *

Кўпчиликдан ёқимсиз нарса йўқ: чунки у оз сонли кучли етакчилардан, муросакор айёрлардан, кўзга ташланмасликка ҳаракат қиладиган ожизлардан ҳамда ўзи нимани ҳоҳлашини билмасдан бошқаларга эргашадиган оломондан иборат бўлади.

* * *

Ҳуқуқ исён билан қарор топмайди.

* * *

Бу дунёда яшаркан инсон,
Абадийдек туюлар умри.
Хушбахтликдан энтикар ҳар он,
Парво қилмас дунё ишига.
У абадий; ва қўриқлар қонунларни ҳам,
Ҳайратомуз ўзгаришлар кафили
Қатъиятли ва хайрихох.

* * *

Зайтун гулчамбари шон-шуҳратдан кўра кўпроқ азоб-уқубат рамзидир.

Не ҳам дердик – майни нуш этмоқ,
Ман этилган биз учун қатъий.
Гар сипқорар экансан токай,
Фақат ичгил жуда яхшилаб.

Қўлимизда лиммо-лим қадаҳ,
Неча томчи май бўлса унда,
Шунча бахтли кунни худойим
Раво кўрсин Сизга илоҳим.

* * *

Кимнингки бойлиги бўлса, ёнида қуроли бўлиши зарур.

* * *

Вақт ўз инжиқлигига эга, қилинаётган иш ва оғиздан чиқаётган гапларга ҳар юз йилда бошқача кўз билан қарайдиган мустабид ҳокимдир.

* * *

Инсоннинг табиати шундайки, ишдан тез орада фойда кўриш ташвиши бўлмаса, осонлик билан пинакка кетади.

* * *

Даҳолик – бу руҳнинг унга нима фойдалигини тез англашга қодир бўлган гўзал фазилатидир.

* * *

Гипотезалар – устоз шогирдларини аллалайдиган бешиклардир.

* * *

Ҳар ким нима учун туғилган бўлса ўша ишни қилиши энг тўғридир.

* * *

Ҳар ким нима учун туғилган бўлса, ўша юмуш билан шуғулланганлиги энг оқилона ишдир.

* * *

Айниқса, руҳан нуқсони бор одамлар ўзлари тўғрисида кўпроқ муболағали фикрда бўладилар.

* * *

Уқувсизлар ишни кучлари етганча бажарганларидан сўнг, одатда, ўзларини оқлаш учун иш тугамаган дейишади. Бундай иш ҳеч қачон тугамайди, чунки у аввал бошдан нотўғри бошланган.

* * *

Бекаму кўст яшамоқ учун тўққизта қоидага риоя қилиш зарур: ишдан завқланиш учун етарлича соғлиқ бўлиши керак; ўз эҳтиёжларини қондириш учун етарлича бойлик бўлиши зарур; қийинчиликларга қарши курашиш ва уларни енгиш учун куч-

қувват бўлиши керак; гуноҳларни тан олиш ва улар учун тавба-тазарру қилиш учун ройиш зарур; муносиб бир ишни поёнига етказиш мақсадида оғир меҳнат қилиш учун сабр-тоқат лозим; ўз яқинларингдаги эзгуликни кўриш учун раҳм-шафқат зарур; ўзингни бошқаларга ёрдам беришга мажбур қилиш учун муҳаббат зарур; Худо сен учун бор эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун эътиқод зарур; келажак олдидаги қўрқувни даф қилиш учун умид зарур.

* * *

Кўп нарсага қатъиятли бўлиш, янада кўпроқ – катта муҳаббат, энг асосийси эса ишга диққат-эътибор ва холис адолат билан эришилади.

* * *

Фақат ўз кучини яхши биладиган, уни оқилона ва меъёрида фойдаланиб, ақлини пешлаб фаолият кўрсатадиган кишиларгина кўп нарсага эришади.

* * *

Узоқ ўйлаган ҳамиша ҳам тўғри ечимни топавермайди.

* * *

Вафот этган отанинг ўрнини фарзандларига билинтирмайдиган аёл энг ажойиб аёлдир.

* * *

Кимки кўп нарсани талаб қилса ва мураккабликдан ҳузур қилса, у адашишларга бошқалардан кўра кўпроқ мойилдир.

* * *

Ҳаётда соғлиқ ва саховатдан ташқари билимдан қадрлироқ нарса йўқ; уни эса осонлик билан эгаллаш ва арзонга топиш мумкин: чунки бундай бутун иш – осойишталик, ҳамма харажат эса – биз сарфламасак ҳам тутиб қола ололмайдиган вақтдир.

* * *

Агар биз ҳамма нарсани аниқ билишга интилмаганимизда эди, кўп нарсаларни яхшироқ билган бўлур эдик. Биз учун буюм қирқ беш даража бурчак остидагина намоён бўлади.

* * *

Кўриш – энг олижаноб ташқи сезги. Қолган тўрт сезгимиз бизни фақат аъзоларимизнинг тегиниши воситасида хабардор қилади: биз эшитамиз, ҳис қиламиз, ҳидни туямиз, пайпаслаб биламиз; кўриш эса анча юқори туради, у материяга бардош бериб ва маънавий қобилиятларга яқинлашиб нозиклашади.

* * *

Санъат намуналари ҳақиқатан ҳам санъат ҳақида ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга бўлган ақл эгаларигагина хуш ёқиши керак. Агар бу бошқача бўлса, санъат сохта йўлдан боради.

* * *

Фойдали хатодан зарарли ҳақиқатни афзал биламан: ҳақиқат, балким, ўзи келтириб чиқарган оғриқни даъволайди.

* * *

Агар жамият ўз воситалари орасида ўлим жазоси бўлишидан воз кечсалар, бу ҳолда одамларнинг ўзи ёрдамга келади: қон билан ўч олиш ҳуқуқи эшик қоқади.

* * *

Одамлар доимо гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга тебранади, шу сабабли уларнинг бир қисми азоб-уқубат чекади, бошқаси ҳузур-ҳаловатда яшайди ва уларни ҳам худбинлик, ҳам ҳасад – бу икки ёвуз иблис қийнайди.

* * *

Ҳар қандай фаолият турида, агар у ҳеч нима билан чекланмаган бўлса, охир-оқибатда касодга учраймиз.

* * *

Сув бор бўлган барча жойда қурбақа бўлавермайди; бироқ қурбақа бўлса, у ерда сув бўлиши мумкин.

* * *

Услублик – амалга ошмаган идеалликдир.

* * *

Ажойиб уста қўл остидан чиқаётган барча нарса ажойиб бўлавермайди.

* * *

Фикр ҳамма вақт кўпликда тарқалади, бироқ уларнинг барчасидан энг тушунарлиси, яъни ақл учун фавқулодда энг қулайи ва енгили устунликка эга бўлади. Боз устига, таълим чўққиларига эришган киши кўпчилик унга қарши бўлишини олдиндан тахмин қилиши керак.

* * *

Гарчи жаҳон, умуман олганда, олға томон ҳаракат қилаётган бўлса ҳам ёшларнинг ҳар гал янгидан бошлашларига тўғри келади.

* * *

Барча чинакам донишмандона фикрлар турли одамларнинг миясига минглаб марта келган; бироқ бу фикрлар, ҳақиқатдан ҳам, ўзимизники бўлиши, шахсий онгимизда илдиз отиши учун биз уларни қайта бошдан виждонан ва самимий фикр тарозисига солиб чиқишимиз зарур.

* * *

Ноумид бўлгандан кўра умид билан яшаш ҳамиша аъло.

* * *

Ишонч ҳамма вақт шубҳа-гумондан яхши. Шунинг учун биз доимо умид қилишимиз зурур.

* * *

Зўравонликнинг икки тинчлик тури бор: ҳуқуқ ва одоб.

* * *

Меросни ҳаётга татбиқ эта оладиганларгина меросга лойиқдирлар.

* * *

Барча самимий одамлар талабчан эмас.

* * *

Камчиликлар фақат севмайдиган одамлар кўзига ташланади; шу боисдан нуқсонларни кўриш учун севги чўғини ўчириш зарур, бироқ бу чўғни камчиликларни билиб олишга етарли бўлган даражагача ўчириш лозим.

* * *

Мен ашаддий ёмон кўрадиган нарсалар борлигини ҳис этганимда жуда қувонаман, чунки ақл учун ҳамма нарса яхшилигини эътироф этишдан ортиқ ҳалокатли нарса йўқ: бу ҳар қандай чинакам туйғуни маҳв этиш билан баробардир.

* * *

Ҳасадгўй бизнинг куч-қудратимизни тасдиқлайди,
Нафрат эса бизни огоҳликка чорлайди.

* * *

Агар биз ўзимизни ўзганинг ўрнига қўйиб кўрсак, бошқаларга нисбатан рашк ва нафратимиз йўқолган бўлур эди; агар биз бошқаларни ўзимизнинг ўрнимизга қўйиб кўрсак, биздаги манманлик ва ғурур пасайган бўлур эди.

* * *

Инсон хавф-хатарнинг менга дахли йўқ деб, ўт билан ўйнашишга мойилдир.

* * *

Покизалик болаларда ўз-ўзини англаш қувончини уйғотади.

* * *

Кимки соф тажрибага қаноат қилса ва унга монанд иш кўрса, у ҳақиқатга етарлича эришган бўлади.

* * *

Янги даврнинг энг бетакрор ёзувчилари бирор янги нарса яратганликлари учун эмас, балки ҳаммага маълум гапни уларгача ҳеч қачон айтилмаганидек айтишга қодир бўлганликлари учун бетакрордирлар.

* * *

Инсон қўли билан яратилаётган нарсаларда худди табиат бунёдкорлигидек энг аввало мақсад диққатга сазовордир.

* * *

Маълумки, тош қанчалик узоқ тушса, унинг тушиш тезлиги шунча шиддатли бўлади. Афтидан, ҳаётда ҳам айнан ана шундай ҳол юз беради.

* * *

Текис жойда йиқилиш – кулфат эмас,
Бироқ чўққида сирғаниб кетиш – ҳалокат.

* * *

Миллионлаб китобхонга эга бўлишга умид қилмаган ёзувчи бирон сатр ҳам ёзмаслиги лозим.

* * *

Инсонга хос бўлган хислатдан қутулишга қанчалик ҳаракат қилинмасин у сақланиб қолаверади.

* * *

Ёзиш – бу байрамона иш.

* * *

Жасорат – бу шон-шуҳратдан бошқа барча нарса.

* * *

Бутунлик қисмини тасвир этиш ва яратиш санъат моҳиятини ташкил этади.

* * *

Фақат одамлар орасида ким эканлигингни англаб олиш мумкин. Аслида ким эканлигимизни фақат ҳаёт кўрсатади.

* * *

Инсон севмасдан туриб бирор нарсага тушуниб ета олмайди.

* * *

Шошма-шошарлик – адашишларнинг онаси.

* * *

Агар сен инсоният учун бирор эзгу иш қилган бўлсанг у буни иккинчи бор қилмаслигинг учун ҳаракат қилишга қодирдир.

* * *

Пулни йўқотиш – катта йўқотиш эмас. Яна пул ишлашга шошил. Ор-номусни йўқотиш – катта йўқотиш. Шон-шуҳрат қозонсанг, одамлар ўз фикрини ўзгартиради. Мардликни йўқотиш – барча нарсани йўқотиш. У ҳолда бу дунёга келмаганлигинг яхшироқ бўлар эди.

* * *

Инсоният ҳаёти эҳтиёжлар билан белгиланади. Агар эҳтиёж қондирилмаса, инсоният бетоқат бўлади; агар қониқиш ҳосил қилса, бефарқ бўлиб қолади.

* * *

Ҳақиқий шоир ҳаёт тўғрисида туғма билимга эга, шунинг учун ҳаётни тасвир этишда унга катта тажриба ҳам, бошқа нарса ҳам шарт эмас.

* * *

Бўса – икки қалб лаблари билан лаззатланадиган висол онлари.

* * *

Фикрлаш, идрок этиш, ҳис қилиш, ишониш ҳамда инсон коинотни пайпаслайдиган хатти-ҳаракатлар қилиш ҳамма вақт узвий бўлиши зарур; шундагина биз ўз зиммамизга юкланган бурчни адо эта оламиз.

* * *

Ҳеч қачон қабул қилинмайдиган таклифни айтмаслик керак.

* * *

Одамлар сен билан уйғунлашишини талаб этиш – кечириб бўлмас аҳмоқликдир.

* * *

Бизга зид бўлган кимсалар билан мулоқот қилишда ақл-ҳушни йиғиб олишимиз талаб этилади. Бу эса бизни ривожланиш ва тараққий этишга ундайди. Натижада келгусида биз ҳар қандай одам билан ўзаро туташ нуқталар топишга имкон топамиз.

* * *

Бизнинг руҳимиз таг тубсиздир: у мангуликдан мангуликкача ижодини давом эттиравераді. Руҳимизни қуёшга таққосласа бўлади: қуёш ҳам кундузи ҳаммаёқни ёритиб тунда уфқ орқасида беркинса ҳам аслида ҳеч ёққа ғойиб бўлмасдан ўз нурини сочишда давом этаверади.

* * *

Тонгда биз ақллироқмиз, лекин шу билан бирга ғам-ташвишлироқмиз. Зеро ғамхўрлик ҳам ақл, фақат суст ақлдир. Биргина аҳмоқлар учун бу маълум эмас.

* * *

Ким артистга сабоқ бермоқчи бўлса, чексиз сабр-қаноатга эга бўлиши керак.

Одамлар ўзлари учун фойдали бўлганларнигина эътироф этадилар.

* * *

Кимки омманинг инжиқликларига тоқат қилса,
Унга салбий муносабатда бўлмаса,
Бизнинг тингловчиларимиз доираси қанча кенг бўлса,
Тасаввур шунча таъсирчан бўлади.

* * *

Инсон теран ва жиддий фикрлашга қодир бўлса, оломон орасида унга қийин бўлади.

* * *

Доимий мухолифлик ва ҳамма нарсани қоралаш унинг ажойиб асарларига улкан зарар келтирарди.

* * *

Ҳар қандай инқилобни кўрарга кўзим йўқ, чунки инқилоб яратишдан кўра кўпроқ йўқ қилади.

* * *

Фақат иккита ҳақиқий дин бор. Бири биздаги ва атрофимиздаги ҳеч бир шаклга эга бўлмаган нарсаларни эътироф этади ва муқаддас

деб билади, иккинчиси унинг гўзал шаклга ўралганлигини муқаддас деб билади. Улар оралиқларидаги барчаси бутпарастликдир.

* * *

Сен узил-кесил қарор қабул қилгунингача иккиланишлар қийнайверади: сен ҳамиша ортга қайтиш имконияти борлигини ёдда тутасан ва бу сенга унумли ишлашингга халақит беради. Лекин сен ихтиёр этган ишингга ўзингни тўлалигича бахш этган дақиқада бахшорат сен томонда бўлади. Бошқа бирор ҳолатда рўй бериши мумкин бўлмаган ҳодисалар юз бера бошлайди... Нимага қодир бўлмагин, нимани орзу қилмагин, уларни амалга оширишга кириш. Мардлик инсонга куч-қувват ва ҳатто сеҳрли ҳукмронлик адо этади.

* * *

Инсон куч-қудрати биргаликда ривожланиши мақбул деб адолатли ҳисоблашади, лекин инсон бундай ривожланиш учун туғилмаган. Ҳар бир киши олға алоҳида интилиши, лекин бунда барча инсонлар саъй-ҳаракатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши лозим.

* * *

Фаолият турли соҳаларини кузатиш, улар тўғрисида ҳукм чиқариш ва бунга раҳбарлик қилиш зиммасига юклатилган шахслар ана шу фаолият соҳаларига имконият борича чуқуррок кириб боришлари керак. Бўлажак ҳукмрон ёки давлат арбоби учун ҳар тарафлама таълим олиш шарт. Зеро серқирралик унинг касбининг ажралмас таркибий қисмидир.

* * *

Роман – бу муаллиф дунёни ўз билганича талқин этишни сўрайдиган субъектив эпопеядир.

* * *

Аҳмоклар! Кимки ўзини донишманд деб ўйлаётган бўлса, унинг қувончини заҳарламанг, у сиз каби аҳмоқ, бироқ у, майли, бўш қалбларнинг сохта мақтови завқини эшитсин.

* * *

Ўзингни ҳақиқатдагидан улуғ деб ҳисоблаш ва ўзингни ҳақиқатдагидан камроқ баҳолаш – катта хатодир.

* * *

Инсон жаҳон муаммоларини ҳал этиш учун туғилган эмас, у бу муаммоларни англаши, уларга қандай ёндашиш кераклигини тушуниш мумкин ва келажакда идрок эта олиши чегараларида бўлиши лозим.

* * *

Биз энг юксак мақсадларимизни инсониятга нақадар фойда келтиришини ҳисобга олган ҳолда билдиришимиз керак. Қолган бошқа барча нарсалар онгимизда сақланиб, худди булут орасидан нур сочаётган қуёшдек майин шуъла мисол йўлимизни ёритиб туриши лозим.

* * *

Ўзини ҳурмат қилиш – маънавиятимизнинг манбаи; бизнинг хулқ-атворимиз бошқаларни қадрлаш қобилиятимиз билан белгиланади.

* * *

Энг оғири – тасодифга бардош бериш ва бу тасодиф сени юксак мақсадлардан чалғитишга йўл қўймасликдир.

* * *

Ҳар ким ўзини чеклай олса ва ўзлигини топса осонликча эркинликни қўлга киритиши мумкин.

* * *

Табиатнинг буюклиги унинг оддийлигидадир, унинг буюклиги бу буюклик муттасил тарзда кичик бўлакларда такрорланишидадир.

* * *

Ҳар бир киши ўзича фикрлаши керак, зеро ўз йўлингда борар экансан ҳаётда мададкоринг – ҳақиқатни ёки ҳақиқатдек бир нарсани топасан. Лекин инсон иродасига эрк бермаслиги ҳамда ўзини текшириб бориши керак. Фақат ҳис-туйғу билан яшаб бўлмайди.

* * *

Инсон ўз кучидан фойдаланмагунча, нимага қодирлигини билмайди.

* * *

Кучга эга бўлгангина – бахтлидир.

* * *

Ортиқча қайғуриш билан дардни оғирлаштирасан.

* * *

Санъатда энг асосий роль – ворисликдир.

* * *

Одамлар учун сўз фақат бирор нарса ўрнини босувчидир. Инсон ўз фикр ва билимини изҳор этишга қодир бўлганга қараганда кўпроқ нарсани билади.

* * *

Ўзига маълум қилиш – табиий интилишдир; олинган хабарни тўғри идрок этиш эса билимдонлик қобилиятидир.

* * *

Ҳар бир шахс жаҳон маданияти барча боскичларини босиб ўтиши шарт.

* * *

Баҳслашаётганларга улар ўз фикрларини такрорлаётган ҳамда мухолифи мулоҳазаларига кулоқ тутмаётган пайтдагина эътироз билдираётганларидек бўлиб туюлади.

* * *

Иқтидорли ва кўп нарсага иқтидорли одамларда тез-тез учраб турадиган хато – уларнинг ўзларини ҳамма нарсага қодир деб ҳисоблашларидир.

* * *

Шеърият – инсоният мулкидир: у ҳамма ерда ҳамма замонларда минглаб ва минглаб инсонларда намоён бўлади.

* * *

Ўлим – тўсатдан воқеликка айланадиган имконсизлик.

* * *

Энг кулгили истак – барчага ёқиш истаги.

* * *

Дунё ҳозиргидек тузилмаганда эди, мавжуд бўлмасди.

* * *

Икки киши баҳслашар экан, кўпроқ айбдор бўлганни ожиз деб ҳисоблайдилар.

* * *

Бизнинг эҳтиросларимиз қаҳнусга ўхшайди. Бир эҳтирос ёниб кул бўлганда, кукундан янгиси туғилади.

* * *

Ҳар бир буюм, агар шоир у билан шоирона муомалада бўлса, шоирона кўриниш олиши мумкин.

* * *

Ирим ҳар қандай бидъат сингари тезда ўз кучини йўқотади, бизнинг мақтанчоқлигимизга жўр бўлиш ўрнига, унинг йўлига

кўндаланг бўлади ва ушбу нозик туйғуга таҳдид солади; биз бунда бирданига иримдан воз кечишимиз қийин эмаслигини кўрамиз ва бундан лаззат олишни кутган нарсамиздан қанчалик қочган бўлсак, уни шунча осонлик билан бажарамиз.

* * *

Бидъат инсонга хос нарса ва агар кимки ундан мутлақо халос бўлмаган деб ўйласа, у гадой топмас кўчалар ва бурчакларга бекиниб олади, сўнгра эса, ўзининг хавфдан халос бўлганини ҳис этиб, дарҳол у ердан чиқади.

* * *

Муҳаббат – идеал тушунча, эр-хотинлик реал тушунча: реал тушунчанинг идеал тушунча билан аралашиб кетиши ҳеч қачон жазосиз қолмайди.

* * *

Барча буюк нарсаларни инсон яратади; муҳими у бу буюкликни топа олишидир.

* * *

Бизни камчиликлардан халос қиладиган ва нуқсонларимизни тузатадиган нарса улкан бахт.

* * *

Эҳтирос ва ҳиссиётлар умумбашарий бўлиши мумкин, лекин тафаккур доимо алоҳида шахсларга ато этилади.

* * *

Халқ ҳам ўз қаҳрамонларини яратади. Бу қаҳрамонлар ярим тангрилардек халқни ҳимоя этади ва шон-шуҳратга буркайди.

* * *

Бизнинг бахтимиз ўзимизга ёқаётган нарсани қилаётганимизда эмас, балки биз шуғулланадиган юмуш бизга ёққанидадир.

* * *

Оломон – кўр, сафсатабоз – чаққон.
Халқ оқим бошлаган томонга кетади.

* * *

Тақдир буюклик ато этганлар ўз авлодлари ҳаётлигида етакчи бўладилар, лекин уларнинг таъсири анча узоқ давом этади. Бироқ кўпчилик буюклар янгиларга ўрнини бўшатади ва янги авлодлар томонидан унутилади.

* * *

Ҳеч бир ишга ортиқча тантана билан киришмаслик лозим; фақат иш ниҳоясига етганлигини тантанали байрам қиладилар.

* * *

Қарама-қарши фикрлар ўртасида ҳақиқат ётади дейдилар. Бўлмаган гап! Улар ўртасида муаммо ётади.

* * *

Истеъдодли бўлишнинг ўзи етарли эмас; ақллилик яна кўп нарсани талаб этади. Масалан, тўкис ҳаёт кечириш, сенинг даврингда йирик ўйин олиб бораётганлар қартасига қарай олиш, ўзинг катта ютуққа эга бўлиш ва худди шундай ютқузуққа учрашишга тайёр бўлиш лозим.

* * *

Инсоният янада ҳушёрроқ бўлганда, мислсиз ютуқларга эришган бўлур эди.

* * *

Қийинчиликларни изламаётган жойимизда энг кўп қийинчилик мавжуд.

* * *

Энг асосийси қоғозга битилгани. Одамлар эса улардан истаганларича ва имкониятларига қараб фойдаланаверсинлар.

* * *

Эътиқод ҳар қандай тафаккурнинг бошланиши эмас, балки гултожидир.

* * *

Инсонга ҳаёти беҳуда ўтмайдиган мақсад беринг ва у ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетади.

* * *

Муҳими – ўзингни ушлай билишдир.

* * *

Одамлар ўзини ҳам, бошқаларни ҳам адаштиради, чунки воситани мақсад деб қабул қиладилар, аслида эса мақсадсиз фаолият бесамар, баъзан эса ҳалокатлидир.

* * *

Инсон ишончи ва маънавий мардлиги шарофати билан энг оғир шароитларда ҳам зафар куча олади. Лекин унинг қалбига тирноқча иккиланиш кира олса уни маҳф этади.

* * *

Ўз бурчингни бажаришга уриниб кўр: дарҳол ўзингнинг баҳоингни биласан.

* * *

Мен ҳамиша қонунларга қатъий амал этишга даъват этаман; Айниқса ҳозиргидек кўнгилчанглик ва ортиқча эркинлик кўп нарсани бой беришга олиб келаётган ҳозирги давримизда.

* * *

Кўпинча рақамлар дунёни бошқаради дейишади; бироқ рақамлар дунё қандай бошқарилаётганини кўрсатишига шубҳа йўқ.

* * *

Инсоннинг замонавий ютуқларни баҳолашда ўтмишдаги ютуқларни ҳам ҳисобга олишини тарихий туйғу деб аташади.

* * *

Инсон муқаррар равишда турли босқичларни босиб ўтади. Бу босқичларнинг ҳар бири учун ўз афзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

* * *

Замон ўз ҳуқуқларини талаб қилади.

* * *

Бор нарсалар бизни шунчалик қондирадики, етишмаётган нарсаларни билмайсан ҳам.

* * *

Илоҳий куч ҳаммага ато этилган, ҳамма жойда абадий муҳаббат барқарор.

* * *

Мен ёмон ишни энг оғир гуноҳдек кўргани кўзим йўқ. Айниқса давлат ишларидаги ёмон фаолият ўта гуноҳдир. Чунки бундан минглаб ва миллионлаб одамлар азоб тортади.

* * *

Кимгаки куч ато қилинган бўлса, у бахтлидир.

* * *

Хоҳишдан тийилган қалбда,
Бурилиш юз беради.
У башариятга муҳаббат қўяди,
Яқинларига муҳаббат билан яшайди.

* * *

Қатиққўллик билан баъзи нарсаларга, муҳаббат билан кўп нарсага эришиш мумкин. Лекин ҳамма нарсага ишнинг кўзини билиш ва адолат орқали эришиш мумкин.

* * *

Инсон унга шахсан фойдали бўлган ёки зарар келтирадиган жиловда ушлаб турилмас экан. Бўшатувчанликка берилиши табиийдир.

* * *

Ўзи ҳақида хабар бериш – табиий интилиш; хабарни эшитгандек идрок этиш – билимлилик қобилияти.

* * *

Баҳслашаётганларга улар ўз фикрларини такрорлаётганда ва ўз рақибининг далилларини тингламаётганда эътироз билдиришаётгандек туюлади.

* * *

Қобилиятли ва қўлидан кўп нарса келадиган одамларда тез-тез учраб турадиган хатоси уларнинг ўзларини барча нарсага қодир деб ҳисоблашларидир.

* * *

Черковнинг бутун тарихи адашиш ва зўравонлик қоришмасидан иборат.

* * *

Санъатда ва шеъриятда шахс – бу ҳамма нарса.

* * *

Агар барча буюкликлар рисоладагидек идрок этилса, улар маърифатга етаклайди.

* * *

Агар кимки бир нарсани англаб олса, демак, у бошқа кўп нарсаларни ҳам англаб олишга қодир.

* * *

Адабий асарлар оммага кучли таъсир қилганда мен ҳамма вақт бу бежиз эмас деб ўйлайман.

* * *

Ҳар қандай характерда, у бошқа характерлардан қанчалик фарқ қилмасин, ҳар қандай бунёдкорликда – тошдан инсонгача қандайдир

умумийлик бор, чунки барча нарса такрорланади ва дунёда яккаю ягона ҳеч нарса йўқ.

* * *

Кимки саёҳатга отланар экан, у нимани кўришни хоҳлашини ва нима унга тааллуқли эканлигини билиши зарур.

* * *

Ҳар қандай кайфият, боз устига, ҳар қандай дақиқа беадад қимматлидир, чунки у абадият элчисидир.

* * *

Инсониятга ўзини чеклаш ато этилмаган. Дунё ҳокимлари ҳокимиятни суиистеъмол қилишдан ўзларини тия олмайдилар, омма яхши кунлар аста-секин келишини кутиб, борига тоқат қилишмайди. Агар инсон баркамол бўлганида эди, у ҳолда жорий этилган қонунлар амал этарди. Инсон мангу ноҳақликка дучор қилинган – унинг бир қисми азоб чекади, бошқалари эса ҳузур-ҳаловатда яшайди, худбинлик ва ҳасад – ёвузликнинг бу икки шайтони ҳеч қачон ўз ўйинини тўхтатмайди.

* * *

Ҳар ким туғма қобилиятига мос, ўрганган ҳунари билан шуғулланса ва бошқаларнинг ишига халақит бермаса, жуда оқилона иш бўлур эди. Этикдўз ўз қолипи билан бўлсин, деҳқон омочнинг орқасидан эргашсин, ҳукмдор халқ манфаатини кўзлаб бошқарсин.

* * *

Дарахтда бир хилдаги иккита баргни топиб бўлмайди дейишади, шунингдек, минглаб одамлар орасида фикрлаш тарзи бўйича бир-бирига тўғри келадиган икки одам бўлиши ҳам душвор.

* * *

Табиатан бизга ўхшамайдиган одам билан муомала қилишга интилиш биз учун хос. Бу бизни ривожлантиради ва камол топтиради, натижада исталган одам билан тил топиша оламиз.

* * *

Бизнинг руҳимизни сўндириб бўлмайди: у тасаввуримизда фақат курраи заминимиз учунгина хизмат қиладиган, аслида эса узлуксиз нур сочиб турадиган қуёшга ўхшашдир.

* * *

Ёшликдаги хатоларни кексаликда судраб юрмаслик лозим; кексаликнинг ҳам ўз нуқсонлари бор.

* * *

Ҳукмдорга ҳеч бўлмаганда энг арзимас ишда ён босишни маслаҳат бериб бўлмайди.

* * *

Истеъдодли одам бошқалар қиладиган барча нарсаларни қила оламан деб ўйлайди, бироқ, афсуски, аслида бундай эмас, вақти келиб у бундан афсусланади.

* * *

Ҳаёт қиска, шунинг учун бир-биримизга яхшилик қилишга интилмоғимиз лозим.

* * *

Қандайдир ғайритабиий ҳолатни баъзан она тилимизда ифодалаш ҳам қийин бўлади.

* * *

Маҳмаданалик билан севгини қўлдан чиқаради.

* * *

Шеърнинг ҳақиқий кучи вазиятда, мазмунда жойланган.

* * *

Дунё қандай бўлса, шундайлигича қолади, воқеалар такрорланади, бир халқ бошқа бир халқ сингари яшайди, севади ва ҳис этади: шундай экан, нима учун бир шоир бошқа шоир сингари ёзиши мумкин эмас?

* * *

Инсон ўзининг барча хатолари ва адашишларига қарамай, агар уни олдиндан кўра оладиган қўл олға етакласа, исталган мақсадига эришади.

* * *

Доимий норозилик рад этишни туғдиради, рад этиш эса ҳеч нарсага олиб келмайди.

* * *

Давлатда ҳеч ким яшашни ва ҳаётдан қувонишни хоҳламайди – барча бошқаришни хоҳлайди, санъатда эса яратилганлардан завқ олишни эмас, балки сўзсиз янги асар яратишни исташади.

* * *

Кўпларга ўз номукаммаллигини билиш насиб қилмаганидек, умуман мукаммал нарсани англаш насиб қилмайди ва бу кимсалар ўз ҳаётларининг охиригача қандайдир чала санъат асари яратадилар.

* * *

Фаолиятнинг ҳар хил турлари устидан кузатиши керак бўлган, кузатиши улар тўғрисида ҳукм чиқариши ва раҳбарлик қилиши керак бўлган одам имкони борича бундай фаолият ишига теран кириб боришга интилиши зарур. Жумладан, ҳукмдор ёки бўлғуси давлат арбоби учун бой билим зарур, чунки хилма-хиллик – унинг ҳунарининг таркибий қисмидир.

* * *

Шоир кўп томонлама билимга интилиши зарур, чунки шоирнинг материали – бутун олам ва уни сўзга айлантириш учун уни тушуниб олиш зарур.

* * *

Юксак санъат ўзини узлатга ташлаш ва чеклаб қўйишлардан иборатдир.

* * *

Инсон фақат бир иш билан шуғулланиши, ҳаётда эса турли йўллардан ўтиши зарур.

* * *

Кўпчилик учун фан фақат тирикчилик воситаси ҳисобланади ва улар, агар фан уларни боқса, ўз адашишларини ҳам илоҳийлаштиришга тайёрдирлар.

* * *

Биз нимаики қилаётган бўлсак, барчасининг оқибатлари бор, бироқ у оқилона ва адолатли саъй-ҳаракатларимиз яхши оқибатларга, аҳмоқона саъй-ҳаракатларимиз ёмон оқибатларга олиб келади дегани эмас, кўпинча аксинча ҳам бўлади.

* * *

Фақат буюк инсонгина инсониятга хизмат қилади.

* * *

Ҳар қандай истеъдод билимлардан қувват олиши зарур ва фақат билимлар ижодкорга ўз салоҳиятини амалда қўллаш имконини беради.

* * *

Гўзал аёлларни ортиқча сарф-харажатларга ўргатмаслик зарур, акс ҳолда уларни тийиб бўлмайди.

* * *

Шеърият – инсониятнинг бойлиги ва у ҳамма жойда ва ҳамма замонларда минг-минглаб одамларда намоён бўлади.

* * *

Инсон авлоддан-авлодга ўтадиган ижобий ҳодисаларга эҳтиёж сезади, бироқ ушбу ижобий ҳодиса айни вақтда ҳақиқий ва асл бўлиши мақбулдир.

* * *

Дунё шунчалик оддий курилмаганда эди мавжуд бўлиши мумкин эмасди.

* * *

Ёввойиликни фақат янада ёввойилироқлик билан енгиш мумкин.

* * *

Мухолифат, агар у ҳеч бир нарса билан чеклаб қўйилмаса, кўпинча ўзининг зиддиятига айланади.

* * *

Минглаб бидъатларга ўралашиб қолиб биз қалбимизда, эҳтимол, яшаётган буюкликка эрк беришга ожизмиз. Биз буюмларнинг қулимиз ва бу буюмлар бизни чеклаб қўйиши ёки бизга етарлича эрк беришига қараб, пасткаш ёки нуфузли бўлиб кўринамиз.

* * *

Одамлар аниқлик ва хушчақчақликка эҳтиёж сезади.

* * *

Бирор нарса қилиш учун бирор нарса бўлиш керак.

* * *

Буюк асар яратмоқчи бўлган дастлаб ўзини ўзи яратиши зарур.

* * *

